

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мұхаммад Ҳассон

Ислом Нури таржимаси



Барча ҳамду санолар Аллоҳға хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир.

Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уругларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфиарат қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбариға итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Аммо баъд...

Умр жуда тез ўтиб кетади.. Кўпчилик унинг ўтиб кетганини сезмай, ғафлатда ҳам қолади!

Ҳа.. Кимдир дунёга келмоқда.. Кимнидир тупроққа топширмоқдалар.. Бировлар келиб, бошқа бировлар кетмоқда!!

Инсонлар ҳаёти худди денгиз тўлқинларига ўхшайди.. Тоғдек улкан тўлқин шовуллаганича келиб, қирғоққа урилади-да, кучи қирқилиб, аста қумга сингиб кетади.. Унинг ортидан яна бири.. Кейин яна бири.. Шу зайлда давом этаверади.

Ёки уни тўхтамай оқиб турган дарё оқимиға ҳам ўхшатаман. Сув бир хилда оқиб туради.. Бироқ, ҳозир кўриб турган сувингиз бир лаҳза олдин кўрган сувингиздан бошқа сув бўлади..

Бир кун келиб, бутун мавжудот ҳаёти албатта поёнига етади.. Барча одамизот Аллоҳ азза ва жалла ҳузурига тўпланади.

«Албатта, Аллоҳ ғолибдир ва (У) ер бошқа ерга, осмонлар (ўзга осмонларга) айланиб қоладиган ҳамда (барча одамлар) ёлғиз ва қудратли Аллоҳга рўбарӯ бўладиган Кунда (Қиёматда) интиқом олувчидир» (Иброҳим: 48).

Ваъз-насиҳат услуби билан илмий асослаш ўртасини, таъсирли воқеа-ҳодисалар билан манҳажийлик ўртасини ўзида бирлаштирган ушбу муҳим илмий силсила бўйлаб мен аввало ўз нафсимни, қолаверса умматимни айни шу ҳақиқатдан огоҳ қилишни истадим. Хусусан, моддапарастлик ва шаҳватларга муккасидан кетиш авж олган, жуда кўп инсонлар Парвардигори олам тоатидан четланиб кетган, диллардан қўркув йўқолиб, ҳамма ёқни гуноҳ тоғлари ўраб олган бу замонда ажабмаски, уммат бундан таъсирлансан...

Бугун ўз нафсини сарҳисоб қилган, алдоқчи ҳаёт ҳақиқатидан воқиф бўлиб, охиратдаги ҳақиқий ҳаётга ҳозирланган оқил инсонга жаннат бўлсин.

Охират ҳовлиси ҳақидаги бу сўзлар фақат ақлларга тааллуқли қуруқ маълумот олиш ёки совуқ зеҳний билимга эга бўлиш учунгина эмас!

Охират кунига иймон келтириш иймон рукнларидан бир рукн бўлиб, усиз кишининг иймони яроқли бўлмайди. Шак-шубҳасиз, охират кунига бўлган иймон ҳақиқати банданинг қалбидан жой олса ва у ўзининг

албатта бир куни – «**Номаи аъмолингни ўқи! Бугун ўз нафсинг ўзингга қарши етарли ҳисобчиидир**» (Исро: 14) деб айтиладиган кунда Аллоҳ таоло ҳузурида туришини аниқ билса, бу иймон ва билими уни ҳаётда Аллоҳ ва Расулининг манҳажида устувор ва бардавом бўлишга ундейди.

Ўлим ҳақидаги сўз билан бошланиб, жаннат васфи билан ниҳоясига етувчи ушбу муборак силсила имкон қадар муҳтасар шаклда, ҳодисалар тартибига риоя қилинган ҳолда бўлишига ҳаракат қилдим. Ҳадислар ва асарлардан фақат саҳиҳ бўлғанларига чекландим.

Тўғриликка муваффақ бўлган бўлсам, ёлғиз Аллоҳдан. Агар хато, камчилик ва унутишлар содир бўлган бўлса, ўзимдан ва шайтондандир. Мен устидан сизлар юриб, жаннатга ўтиб оладиган, ўзи эса жаҳаннамга улоқтириладиган кўприк бўлиб қолишдан Аллоҳдан паноҳ тилайман. Кейин Аллоҳни эслатувчи бўлганим ҳолда, ўзим Уни эсдан чиқаришдан Унинг Ўзидан паноҳ сўрайман.

Ушбу амалимни Унинг розилигига етказувчи холис амал қилишини ва барчамиздан солиҳ амалларимизни мақбул айлашини Аллоҳдан сўрайман.

Пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳга ва у зотнинг аҳлу асҳобига Аллоҳнинг саловоту саломлари бўлсин.

Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Ҳассон

ЎЛИМ

Зўравонларнинг бўйинларини ўлим билан хорлаган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.. Ҳукмдорларнинг орзулариға ўлим билан чек қўйган, уларни ўлим сабабли қасрлардан қабрларга, саройлар ёруғидан мозорлар ёриғига, қиз-жувонлар қучоғидан қурт-қумурсқалар ўчоғига, майшатлар лаззатидан тупроғу лойлар ваҳшатига кўчирган Аллоҳга мақтовлар бўлсин.

Гувоҳлик бераманки, бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, У ёлғиздир, шериги йўқдир..

Қиёмат куни барча халқлар фанога йўлиққач: «Мен Подшоҳман.. Мен Жабборман.. Мен Мутакаббирман.. Мен Ғолибман..», деб хитоб қиласди.. Сўнгра: «Бугун подшоҳлик кимники?!», деб сўрайди ва Ўзи: «Ягона ва Қудратли Аллоҳники!» деб жавоб беради.

Уни поклайман.. Иззат ва қудрат Эгасини поклайман.. Мулк ва малакут Эгасини поклайман.. Бутун махлуқотига фано ва йўқликни битган, Ўзи эса ўлмас Барҳаёт Зотни поклайман..

Гувоҳлик бераманки, набийимиз ва ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар.. Халқлари ичидан танлаб олган софии ва халилидирлар.. Омонатни адо этдилар, рисолатни етказдилар, умматга холис насиҳат қилдилар, Аллоҳ у зот сабабли зулматларни ёритди, Парвардигорларининг чорловига лаббай дедилар, Унинг жарчилариға ижобат этдилар.

Эй Парвардигор! Ўзинг у зотга зиёда саловот ва саломлар йўлла, баракотлар ато эт.

Қалбларини Унинг Ўзи мунаввар қилиб қўйди.. Номларини улуғ қилиб қўйди.. Хатоларини Унинг Ўзи аритди.. Барча халқларидан афзал ва ортиқ қилиб қўйди.. Ҳар бир ишларида Ўзи поклади.. Барчасидан сўнг Ўзи унга: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ҳеч шакшубҳасиз, сиз ҳам ўлувчиидирсиз, улар ҳам ўлувчиидирлар» (Зумар: 30) деб хитоб қилди..

Эй Парвардигор! Ўзинг у зотга, ахлу асҳобига ҳамда то қиёмат у зотнинг йўлларига йўлланган, суннатларини тутган, изларидан эргашган кишиларга тўхтовсиз саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Севикли дўстларим, барчангиз даврамизга хуш келибсиз, қадамингизга ҳасанотлар бўлсин. Аллоҳ таолодан юзларингизни ёруғ қилишини, қалбларингизни очишини ва дилларингизни поклашини, сизу биздан солиҳ амалларни қабул қилишини, барчамизни дунёда Ўзининг тоатида ва охиратда пайғамбарлар саййиди билан бирга Ўзининг жаннатида жамлашини сўрайман. Зотан, У бунга қодирдир.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

«Охират ҳовлиси силсиласи»

Ваъз услуби билан илмий асослаш ўртасини, таъсирли воқеа-ҳодисалар билан манҳажийлик ўртасини ўзида бирлаштирган ушбу муҳим илмий силсила ўлим билан бошланиб, жаннат билан ниҳоясига етади.

Мавзунинг аҳамиятидан келиб чиқиб, сизлардан бутун диққат-эътиборингизни қаратишингизни сўрайман. Аллоҳ таоло ушбу силсилага кирувчи воқеа-ҳодисалар занжирини ёритиб беришга Ўзи муваффақ қилсин, ушбу амалимизни Ўзининг ризосига етказувчи холис амал қилсин. У бунинг эгаси ва бунга қодирдир. Аллоҳ таолодан барчамизни сўзларни эшлитиб, яхшиларига эргашадиган кишилардан қилишини сўрайман.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

Ушбу силсилани ўлим ҳақидаги сўз билан бошлайман. Зеро, ўлим бу узоқ сафарнинг бошланишидир.

Азиз дўстларим!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бизларни яратишидан бўлган ғояни баён қилиб, айтади: **«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** (Ваз-зарият: 56).

Бизлар учун синов ва имтиҳон ҳовлиси қилган бу дунё ҳақиқатини баён қилиб, дейди: **«Билингларки, бу ҳаёти дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулги, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мақтаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир, холос. (У) худди бир**

ёмғирга ўхшарки, унинг (ёғиши сабабли униб чиқкан) ўт-ўлани дәхқонларни хайратта солиб (ақлларини банд қилиб қўюр). Сўнгра у қурир, бас уни сарғайган ҳолда кўурурсиз. Сўнгра у қуруқ чўп бўлиб қолур. (Ҳаёти дунёning ҳоли ҳам шундан ўзга эмасдир). Охиратда эса (ўша тўрт кунлик дунёга алданиб қолганлар учун) қаттиқ азоб ва (иймон-эътиқод билан ўтганлар учун) **Аллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Ҳаёти дунё эса фақат алдовчи матодир»** (Ҳадид: 20).

Ином Термизий Саҳл ибн Саъд ас-Соидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Мұхаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳақиқатни таъкидлаб, айтганлар: «Агар дунёning Аллоҳ ҳузурида бир исқаптопар қанотича қиймати бўлганида, коғирга ундан бир қултум сув ҳам ичирмас эди» (Термизий: №2321, Ибн Можа: №2410, Саҳиҳул-жомиъ: №5292).

Дунё Аллоҳ наздида жуда ҳақирдир, уни мўминга ҳам, коғирга ҳам баробар бераверади. Агар дунёning Аллоҳ ҳузурида бир исқаптопар қанотича қиймати бўлганида, коғирга ундан бир қултум сув ҳам ичирмас эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларини бу ўткинчи дунёга суюниб қолмасликка васият қилардилар. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумога васият қилганлариdek: «Дунёда бир ғариб ёки йўловчилик бўлгин».

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтардилар: «Кун ботса, тонгни кутма (яъни, тонггача яшайман деб ўйлама). Тонг кирса, кеч бўлишини кутма. Касалликдан олдин соғлигинги, ўлимингдан олдин ҳаётингни ғанимат бил».

Шеър мазмуни:

Аллоҳнинг хўп оқил бандалари бор,

Дунёни талоқ қилдилар ва фитналардан қўрқдилар.

Дунёга боқиб, унинг тириклар учун ватан эмаслигини билдилар,

Уни тўлқин билиб, солиҳ амалларини кемага айлантирилар.

Ҳа, оқил ва зийрак зотлар бу дунё ҳовлиси ҳақиқатини англаб етдилар ва унда экиб-тиқдилар, ҳосилини эса охиратда йиғиштириб олдилар..

Қуръон ва Суннатда дунёни айблаб келган сўзлар унинг замонини, яъни кеча ва кундузини айблаш маъносида эмас. Аллоҳ таоло эслатма-ибрат олмоқчи бўлган, ёки шукр қилмоқчи бўлган кишилар учун кеча ва

кундузни бир-бирининг ўрнини босувчи қилиб қўйгандир. Қуръон ва Суннатда дунёни айблаб келган сўзлар унинг маконига, яъни ерга ҳам тааллуқли эмас. Чунки, Аллоҳ таоло ери одамзот учун маскан ва қароргоҳ қилиб қўйган.

Қуръон ва Суннатда дунёни айблаб келган сўзларни Аллоҳ таоло бу дунёга жойлаб қўйган яхшиликлар ҳақида деб ҳам ўйламанг. Зотан, ушбу яхшиликларни – само, дов-дараҳт ва ўт-ўланлар, анҳору-булоқлар, хазиналар ва денгизларни Аллоҳ таоло ўз бандалари ва барча маҳлуқоти учун ноз-неъмат сифатида яратиб қўйган.

Қуръон ва Суннатда келган айбловлар бу дунёда Парвардигор жалла ва ало ҳаққига қилинадган барча гуноҳу маъсиятларга тегишилидир.

Демак, шундай экан, барчамиз, хусусан толиби илмлар ва даъват аҳли зеҳнларида ушбу ҳақиқат қарор топмоғи лозим. Чунки, кўпинча бу дунё ҳаётидаги зуҳд моҳиятини тушунишда бироз чалкашликка йўл қўйилади. Биз бирон кишини ҳам бу дунёдан умидсизлантиришни истамаймиз, дунё ишлари билан машғул бўлувчи кишини пайғамбарлар, солиҳлар ва авлиёлар йўлидан тажовуз қилдинг, деб асло айбламоқчи ҳам эмасмиз. Йўқ! Асло ундей эмас! Аксинча, дунё охират учун экинзордир деймиз. Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анху айтганларидек: «Дунё унга нисбатан ростгўй бўлган кишига ростгўйлик ҳовлисиdir, ундан озуқа олувчи киши учун ғанийлик ҳовлисиdir, уни яхши тушунган киши учун неъматлар ҳовлисиdir. У Аллоҳнинг ваҳийси нозил бўлган ўринидир, унда пайғамбарларининг намозгоҳлари мавжуд. У Аллоҳнинг дўстларининг тижоратгоҳидир, улар унда раҳматни фойда қилиб олдиilar ва жаннатни топдилар».

Ушбу ҳақиқатни яхши англаб олмоқ лозим. Чунки, кўпчилик биродарлар дунё ҳақида сўзлаган пайтларида уларнинг сўзларидан дунёда неъмат соҳиби бўлган ҳар қандай одам хорликка гирифтор бўлган ва жарликка қулаган деган маъно чиқади. Бундай дейиш ярамайди, бу чуқур ўйланмай айтилган гап бўлиб қолади.

Дунё охират экинзоридир. «Саҳиҳайн»да Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Қай бир мусулмон киши бирор кўчат ўтқазаркан ё экин

экаркан, ундан бирон киши еса ҳам, қуш ё жонивор еса ҳам, у учун садақа (яъни, садақа қилғанлик савоби) **бўлади»** (Бухорий: №2320, Муслим: №1553).

Демак, дунё моҳияти ҳақидаги бу ҳақиқатни чуқур англаб олиш зарур, токи бу фоний дунёдан ҳақиқий қароргоҳимиз бўлмиш охират ҳовлисига саломат кўчиб олайлик.

Қарор ҳовлисига етиб олиш учун албатта ўткинчи ҳовлидан юриб ўтишдан бошқа чора йўқ. Дунё ўтиш ҳовлиси, охират қарорланиш ҳовлисиdir. Дунё манзилга етиб олиш учун миниб кетиладиган аравадир, ўрнашиб қоладиган жой эмас. Дунё фано ҳовлиси, бақо диёри эмас. Бу дунёда эккан әкинимизнинг ҳосилини охиратда йиғиштириб олишимиз учун ушбу ҳақиқатни яхши англаб олмоқ зарурдир.

Эй дўст, бу ҳақиқатларни яхши тушуниб олинг ва бу дунё ҳаёти вақтинчалик ва муҳлати белгиланган ҳаёт эканини унутманг. Бир кун албатта у ниҳоясига етади, муддат битади.. Солиҳлар ҳам ўлади.. Толиҳлар (ёмонлар) ҳам ўлади.. Мужоҳидлар ҳам ўлади.. Панада ўтирганлар ҳам ўлади.. Ақида билан юксалганлар ҳам ўлади.. Инсонларга бўйин эгиб ўтганлар ҳам ўлади.. Хорликка қарши бош кўтарган содик ва муҳлис инсонлар ҳам ўлади.. Нима қилиб бўлмасин, яшаб қолишга ҳарис бўлган қўрқоқлар ҳам ўлади.. Улкан ҳиммат ва юксак ғоялар эгалари ҳам ўлади.. Арzon ва енгил-елпи ҳаётни ихтиёр этган пасткаш ва тубан кимсалар ҳам ўлади.. Ҳамма ўлади.

Аллоҳ таоло айтади: «(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир. Буюклик ва қарам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг юзи — Ўзигина боқий мангу қолур» (Ар-раҳмон: 26-27).

Ушбу ҳақиқат қалбда ва ақлда мустаҳкам қарор топиши зарур. У замон ва маконлар аро ҳар бир фикрловчи инсоннинг ақлига ва ҳар бир эшитувчининг қулогига эълон қилиб, бақо фақат абадий тирик ва ўлмас Зот учун эканини англатиб турувчи ҳақиқатдир. У бутун башарият ҳаётини еру осмонлар Парвардигорига қуллик бўёғи билан бўяйдиган ҳақиқатдир!

У – унинг шарбатини пайғамбарлар ва солиҳлар ҳам, золимлар ва осийлар ҳам бирдек тутувчи бўлган ҳақиқатдир!

У – сиз билан бизга ҳар лаҳзада Абадий Барҳаёт зотнинг ушбу сўзларини эслатиб турувчи ҳақиқатдир: «**Ундан ўзга барҳақ илоҳ йўқдир. Барча нарса ҳалок бўлувчидир, магар Унинг Ўзигина (мангудир). Ҳукм Унинг** (хукмидир), **Ва** (барчаларингиз) **ёлғиз Унга қайтариурсизлар»** (Қасас: 88).

Севикли дўстим! Ушбу ҳақиқатни мудом ёдда тутинг ва асло ғофил бўлманг. Чунки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўп эсга олишга буюрганлар. Термизий, Насоий, Байҳақий, Ҳоким ва бошқалар Ибн Умар ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумдан ривоят қилган саҳих ҳадисда у зот айтганлар: «**Лаззатларни кесувчини кўп эсга олинглар!**». «Лаззатларни кесувчи нима, ё Расулуллоҳ?» деб сўралганда: «**Ўлим**», деб жавоб берганлар (Саҳиҳул-жомиъ: №121, Насоий: 1/258, Термизий: 2/50, Ибн Можа: 2/4258, Ибн Ҳиббон: №2559, Ҳоким: 4/321 ва бошқалар ривояти).

У – Аллоҳ таоло Ўзининг Қуръонида **ҲАҚ-РОСТ** деб атаган ҳақиқатдир: Аллоҳ таоло айтади: «**Мана ўлим мастилиги** (яъни жон чиқар пайти) **ҳаққи-рост** (етиб) **келди.** (Эй инсон), **бу** (ўлим) **сен қочувчи бўлган нарсадир.** (Қайта тирилишга даъват қилувчи) **Сур ҳам чалинди.— Бу** (кофирларга азоб) **ваъда қилинган Кундир!** — **Ва ҳар бир жон ўзи билан бирга** (уни маҳшаргоҳга) **ҳайдовчи** (бир фаришта) **ва** (унинг қилиб ўтган амалларига) **гувоҳлик берувчи** (бир фаришта) **бўлган ҳолда келди.** (Эй инсон), **аниқки, сен бу** (оғир Кун)дан **ғафлатда эдинг.** **Бас, Биз сендан пардангни** (яъни мана бу Қиёмат Куни ҳақидаги шак-шубҳаларингни) **очиб юбордик.** Энди бу Кун сенинг **кўзинг жуда ўткирдир**» (Қоғ: 19-22).

Ла илаҳа иллаллоҳ! Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!

Албатта, ўлимнинг мастилиги бордир. Биласизми, ушбу сўзларни оламлар Парвардигорининг ҳабиби бўлган зот ўлим тўшагида ётган пайтларида айтганлар?!

Ином Бухорий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўкрагимга (бош қўйган ҳолларида) вафот этдилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни (ўлим ҳолатида) кўрганимдан сўнг ҳеч кимга ўлим аччиғини кариҳ кўрмайман» (Бухорий ва Аҳмад ривоятлари).

«Саҳиҳул Бухорий»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинишича, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида бир риквада (яъни теридан қилинган идишда) сув бор эди, у зот қўлларини сувга тиқиб, уни юзларига суртиб туриб: **«Ла илаҳа иллаллоҳ, албатта, ўлимнинг мастилиги бордир»**, дердилар. (Саҳиҳ, «Ал-мишкот» (5959), Бухорий ва Аҳмад ривоят қилганлар).

Раҳмоннинг суюклиси бўлган зотки ўлим мастилигини тотган бўлсалар, бизнинг аҳволимиз нима бўларкин?!

Термизий ривоятида: **«Албатта, ўлимнинг мастиликлари бордир. Албатта, ўлимнинг гирдобрлари (ёки ғафлатлари) бордир»**, деганлар.

Бир ривоятда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳга дуо қилиб: **«Эй Аллоҳ, ўлим мастиликларида Ўзинг менга ёрдам бергин»**, деганлар.

«Мана ўлим мастилиги (яъни жон чиқар пайти) **ҳаққи-рост** (етиб) **келди...»**. Ўлим мастилиги нима, биласизми?! Ўша лаҳзаларда, ўлим мастилиги келган лаҳзаларда қайғу-алам зиёдалашади, аҳвол оғирлашади..

Эй одам фарзанди! Ўлим тўшагида ётган пайтингизда ётган хонангизга шайтон кириб келади.. Уни бир ўзингиз кўрасиз, бошқалар кўрмайди.. Шайтон бош томонингизга ўтириб, сизни ихлос калимасидан адаштиришга, «ла илаҳа иллаллоҳ» айтишдан тўсишга уринади. Сизга: «Яхудий бўлиб ўл, шу энг яхши дин» дейди, «Насроний бўлиб ўл, шу энг яхши дин» дейди.

Уламолар бунга Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиснинг бош қисмини далил қилиб келтирадилар. Унда шундай дейилади: **«Албатта, шайтон одамзотнинг ҳар бир ишида ҳозир бўлади...»**.

Одамзотга ўлим тўшагида ётган пайтида динларни таклиф қилиниши ҳақидаги масалани Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳдан сўралганда шундай жавоб берганлар: «Айрим одамларга ўлимидан олдин динлар кўндаланг қилинади, айримларга ҳеч нарса кўндаланг қилинмайди... Лекин, бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги сўзларида ундан паноҳ тилашимизга буюрган фитналардан саналади: **«Эй Аллоҳ, мен Сендан қабр азобидан, жаҳаннам**

азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан, Масих Дажжол фитнасидан паноҳ тилайман». (Бухорий: №1377, Муслим: №588).

Шайтон сизни «Ла илаҳа иллаллоҳ»дан тўсиш учун ўлимингиз олдида хузурингизга етиб келиши ҳам ўлим фитналаридан биридир. Бу ҳам жуда катта балодир, бу ҳам одам фарзанди учун жуда катта мастликлардан биридир, ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ.

Аҳли суннат имоми Аҳмад ибн Ҳанбал ўлим тўшагида ётганларида ёнларига шайтонлар келиб, ана шундай сўзларни айтишган экан.

Ўғиллари Абдуллоҳ айтади: «Отамнинг вафоти яқинлашган пайт эди.. Қарасам, ўзини билиб-билмай ётган ҳолатида қўллари билан ишора қилиб: «Йўқ ҳали, йўқ ҳали», деяётган экан.. Ўлим мастлиги аро бироз ўзига келган пайт ундан: «Отажон! Нима деяпсиз? Йўқ ҳали, йўқ ҳали, деётган экансиз. Нима бўлди?», деб сўрадим...

Шунда у: «Эй ўғлим, шайтон бармоқларини тишлаганича бошим устида ўтириб олиб, менга: «Эй Аҳмад! Агар бугун қўлимдан чиқиб кетсанг, кейин менга бошқа фурсат бўлмайди», дер, шунда мен унга: «Йўқ ҳали, йўқ ҳали, то ла илаҳа иллаллоҳ билан вафот этгунимча», деётган эдим», дедилар.

Агар содик мўминлардан ва холис муваҳҳидлардан бўлсангиз, шайтон хузурингизга келганида оламлар Парвардигорининг Ўзи сизни событқадам қиласди, олдингизга сизга далда бериб, саботли бўлишингизга ёрдам берувчи фаришталарни туширади. Бу ҳақда Бухорий ва Муслим Бароъ ибн Озиб розияллоҳу анхудан ривоят қилган саҳиҳ ҳадис мавжуд. Мен ҳадисни қуириқда тўлиғича келтираман. Ҳозир эса мавзуга тааллуқли жойини келтириш билан кифояланаман. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Мўмин ўлим тўшагида ётаркан, ҳузурига юзлари офтобдек, оқ юзли фаришталар келади. Улар билан бирга жаннат кафандари ва жаннат хушбўйликлари бўлади. Улар мўмин банданинг кўзи илғар ерга келиб ўтирадилар. Кейин ўлим фариштаси келиб, унинг бош тарафига ўтиради ва унинг пок руҳига хитоб қилиб: «Эй покиза жон, мақтовли ҳолда чиқ, роҳат-фароғат ва ноз-неъматлар билан, сендан рози бўлган ва ғазаб қилмайдиган Парвардигор билан хушхабарлан», дейди. Шунда мўминнинг жони идиш оғзидан сув

оқиб чиққани каби осон ва енгил чиқиб келади. Фаришталар уни ўлим фариштаси қўлида бир лаҳза ҳам қолдирмасдан қабул қилиб оладилар, сўнг уни олиб, Аллоҳ азза ва жалла ҳузурига кўтариладилар...». (Муттафақун алайҳ, Бухорий (№1369, 4699), Муслим (№2870), Абу Довуд (3231), Насойй (4/97).

Шундай, азиз дўстларим...

«Аллоҳ иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам устивор Сўз (иймон калимаси) билан событқадам қилур. Золимларни эса Аллоҳ (ҳак) йўлдан оздирур. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур» (Иброҳим: 27).

Муваҳҳидлар учун бўлган ушбу башоратни Аллоҳ таоло Ўзининг Қуръонида қуйидагича нозил қилган: «**Албатта: «Парвардигоримиз Аллоҳдир», деб, сўнgra** (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) **тўғри — устивор бўлган зотларнинг олдилариға** (ўлим пайтида) **фаришталар тушиб, (дерлар): «Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар! Бизлар ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам сизларнинг дўстларингиздирмиз. Сизлар учун (жаннатда) кўнгилларингиз тилаган нарсаларингиз бордир ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз бордир. (Бу) мағфиратли ва меҳрибон зот томонидан бўлган зиёфатдир»**» (Фуссилат: 30-32).

Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳ иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам устивор Сўз (иймон калимаси) билан событқадам қилур»** (Иброҳим: 27).

Иbn Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: «Устивор сўз – дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам «ла илаҳа иллаллоҳ» калимасидир».

Аллоҳ таоло айтади: «**Мана ўлим мастилиги** (яъни жон чиқар пайти) **ҳаққи-рост** (етиб) **келди...**» (Қоф: 19).

Ўлим мастилиги ҳаққи-рост етиб келди. Ҳақ шуки, сиз ўласиз, ёлғиз Аллоҳ таоло абадий ўлмаяжайдир..

Ўлим мастилиги ҳаққи-рост етиб келди. Ҳақ шуки, сиз ўлимингиз пайтида раҳмат фаришталарини ёки азоб фаришталарини кўзингиз билан кўрасиз..

Ўлим мастилиги ҳаққи-рост етиб келди. Ҳақ шуки, қабрингиз жаннат боғларидан бир боғга, ё эса дўзах чоҳларидан бир чоҳга айланади..

«(Эй инсон), **бу (ўлим) сен қочувчи бўлган нарсадир**».. Бу сен қўрқкан нарсадир...

Касаллик етса, табибга қараб чопасан.. Ўлимдан қўрқиб..

Очлик етса, таомга югурасан.. Ўлимдан қочиб..

Ташналик етса, сувга қараб интиласан.. Ўлимдан даҳшатга тушиб..

Лекин... Хўш, кейинчи?! Охири нима бўлади?!

Эй куч-кувват эгаси.. Эй оқил.. Эй кучли талант соҳиби.. Эй каттакон..

Эй вазир.. Эй амир.. Эй катта... Эй сағир.. Эй бадавлат... Эй фақир...

Ҳар бир йиғловчи устидан йиғлайдилар..

Ҳар бир хабарчининг ҳам ўлими хабари берилур..

Ҳар бир асралган нарса ҳам тугайди..

Ҳар қандай зикр қилинувчи ҳам унутилади..

Аллоҳдан бошқа ҳеч ким боқий қолмайди..

Ким устунман деса, Аллоҳ ундан устундир..

...

Аллоҳ таоло рост айтади: «**Дарҳақиқат** (жон) **ҳалқумга етган**, (вафот қилаётган кимсанинг атрофидагилар томонидан): **«Дам солиб-ўқиб қўювчи бирон киши борми?», деб қолинган**, (жон таслим қилаётган кимсанинг) **ўзи** (бу ҳолатнинг ҳаёти-дунёдан) **ажралиш эканини англаган ва** (жон бериш қийинлигидан) **оёқ оёққа чалмашиб қолган бир вақтда — ана ўша Кунда ёлғиз Парвардигорингиз** (хузури)га **ҳайдалиш бордир!**» (Қиёмат: 26-30).

Жон ҳалқумга етган пайтда.. «Бунинг жонини ким олиб чиқади?! Раҳмат фаришталарими, азоб фаришталарими?!», деб турилган вақтда...

«Руқя қилиб – дам солиб қўядиган одам борми? Даволай оладиган бирон киши борми? Уни ўлимдан тўсиб қолишга қодир бирон киши борми?», деб қолинган вақтда..

Қаранг унга!! Ким ўзи аслида у?! Салтанат ва обрў-эътибор эгаси!! Туганмас мол-дунё соҳиби!! Дабдабали автоуловлари, ҳашаматли саройлари бор!! Вазирлари хизматига қўл қовуштириб туради!! Хос тайёрада дунёнинг энг машҳур шифохонасига олиб келинган.. Атрофини

жаҳоннинг энг катта ва энг машҳур шифокорлари ўраб олган.. Бири юрак ва ички аъзолар соҳаси мутахассиси, яна бири бош мия ва асаблар соҳасида мутахассис, яна бири у соҳада, бошқа бири бу соҳада етакчи мутахассис..

Атрофини табиблар ўраб олган.. Улар бир нарсанни истайдилар, подшоҳлар Подшоҳи эса бошқа нарсанни истади..

Аллоҳ таоло айтади:

«Ҳар бир жамоат учун ажал бордир. Бас, қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соатга кетга ҳам, илгарига ҳам суро олмайдилар» (Аъроф: 34).

«Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичидаги бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олур» (Нисо: 78).

Атрофини табиблар ўраб олган, ҳар бири уни даволашга уринади..

Лекин, қўлларидан ҳеч нарса келмайди..

Унинг аҳволига боқинг.. Юзи сарғайган, ранги ўчган, аъзои бадани совқотган, терилари тортишган, қўл-оёқлари бармоқларига муз югураётганини ҳис қилиб ётибди..

Аҳли-оиласига, ёру-дўстларига мўлтираб қарайди.. Уларнинг юзлари гоҳ тиниқлашиб, гоҳ шарпадек хиралашиб кўринади.. Ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетади.. Ўзи ётган хона гоҳ кичрайиб, игнанинг тешигидек бўлиб қолаётгандек, гоҳ эса кенгайиб, бепоён фазога ўхшаб қолаётгандек бўлади..

Бу ким бўлди?! Ўлим фариштаси!! Ўлим фариштаси унинг боши устига етиб келди!!

Осмондан тушиб келаётган ановилар ким экан?! У уларни ўз кўзлари билан кўради! Улар фаришталар! Ажабо, улар раҳмат фаришталарими экан ё азоб фаришталари?!

Ўлим фариштаси нима деб хитоб қиласкин унга ҳозир?!

У унинг руҳига хитоб қилиб: «Эй покиза жон, мақтовли ҳолда чиқ, роҳат-фароғат ва ноз-неъматлар билан, сендан рози бўлган ва ғазаб қилмайдиган Парвардигор билан хушхабарлан», дермикин?!

Ёки: «Эй ифлос жон, Аллоҳнинг ғазаби ва азоби сари чиқ!», деб хитоб қиласмикин?!

Үлим мастилиги ва шиддати ичида ўзига келган пайт атрофидагиларга жавдираб, раҳм-шафқат тилагандек, умидвор ва ялинчоқ назар билан боқади.. Гапира олса тили билан, тили сўзга келмаса, ҳолати тили билан уларга айтади:

Қадрдонларим.. Болаларим.. Ўғилларим.. Мени ташлаб кетманлар, қаро гўрда ёлғиз қолдирманлар.. Мен отангизман, сизларни севган падарингизман.. Яшаб турганингиз қасрларни сизларга мен қуриб берганман.. Бу ҳовли-жойларни мен обод қилганман.. Тижоратингизни мен ривожлантирганман.. Мен.. Мен.. Мени ташлаб кетманлар, қабрда ёлғиз қолдирманлар!!

Бор мол-мулкимни сарфланг, мени қутқариб қолинг.. Менга ўз умрингиздан бир чимдимгина беринг.. Қай бирингиз умримни ҳеч йўқ бир-икки соатга узайтира олади?..

Ана шу пайтда ҲАҚ овози юксалади. Аллоҳ жалла ва ало айтганидек:

«Бас, қачон (вафот қилаётган кишининг жони) **халқумига етганида** — **ҳолбуки ўша вақтда сизлар қараб туурсизлар ва Биз унга сизлардан кўра яқинроқ бўлурмиз, лекин сизлар** (буни) **кўрмайсизлар** (бilmайсизлар) — **Бас, агар сизлар эгасиз бўлсангизлар,** (ва ўзларингизнинг: «ҳеч қандай эга — Парвардигор ҳам, қайта тирилиш ҳам йўқ», деган сўзларингизда) **ростгўй бўлсангизлар ўша** (жонни яна жасадга) **қайтара олсангизлар эди!** (Йўқ, ҳеч қачон қайтара олмассизлар). **Энди агар ўша** (вафот қилувчи киши Аллоҳга) **яқин қилинган** (пешқадам)лардан бўлса, у ҳолда (унинг учун) **роҳат-фароғат, гўзал ризқ ва ноз-неъматли жаннат бордир!** Энди агар у ўнг томон эгаларидан бўлса, у ҳолда (эй саодатманд бандам), **сенга ўнг томон эгаларидан салом бўлгай!** Энди агар у (қайта тирилишни) **ёлғон деювчи гумроҳлардан** (яъни чап томон эгаларидан) **бўлса, у ҳолда қайноқ сувдан иборат «зиёфат» ва дўзахга киритилиш бордир!** Шак-шубҳасиз (ушбу сурада зикр қилинган нарсалар) **айни ҳақиқатнинг ўзидир!** **Бас, улуғ Парвардигорингизнинг номини** (ҳар қандай айб-нуқсондан) **поклаб-тасбеҳ айтинг!»** (Воқеа: 83-96).

Сени поклайман, эй ўлим билан зўравонлар бўйини хорликка гирифттор этган Зот!

Сени поклайман, эй ҳукмдорлар орзуларига ўлим билан чек қўйган Зот!

Сени поклайман, эй уларни ўлим сабабли қасрлардан қабрларга, саройлар ёруғидан мозорлар ёриғига, қиз-жувонлар қучогидан қуртқумурсқалар ўчоғига, майшатлар лаззатидан тупроғ-у лойлар ваҳшатига кўчирган Зот!!

Ҳорун ар-Рашид ўлим тўшагида ётаркан, атрофидаги яқинларига: «Дафн этилажак қабримни кўришни истайман», деди. Уни қабри ёнига кўтариб олиб келдилар.. Ҳорун ар-Рашид қабрга боқиб йиғлади, сўнг уни кузатиб келган кишиларга қараб: **«Менга мол-дунёйим асқотмади-я! Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!»**, деди (Ал-ҳааққо: 28, 29). Сўнг бошини осмонга кўтариб, йиғлаган кўйи: «Эй мулку салтанати абадий Зот! Салтанати қўлдан кетган кимсага Ўзинг раҳм қилгайсан», деди..

«Дарҳақиқат (жон) **халқумга етган**, (вафот қилаётган кимсанинг атрофидагилар томонидан): **«Дам солиб-ўқиб қўювчи бирон киши борми?», деб қолинган**, (жон таслим қилаётган кимсанинг) ўзи (бу ҳолатнинг ҳаёти-дунёдан) **ажралиш эканини англаған ва** (жон бериш қийинлигидан) **оёқ оёққа чалмашиб қолган бир вақт...».**

У қайтиш кунидир.. Чин дунёга кўчиш кунидир.. Ажал етди.. Мухлат тугади.. Дунё ҳаёти поёнига етди.. Энди Парвардигорга рўбарў бўлишдан ўзга чора йўқ..

Ҳикоя қилинишича, халифа Сулаймон ибн Абдулмалик салаф уламоларидан Абу Ҳозим номли бир олимдан: «Эй Абу Ҳозим! Айтингчи, нега биз ўлимни ёмон кўрамиз?!», деб сўради.

Шунда Абу Ҳозим шундай жавоб берди: «Чунки, сизлар дунёнгизни обод, охиратингизни эса хароб қилдингиз. Шу боис обод ўлкадан харобазорга ўтишни ёқтирумайсиз...».

Севикли дўстларим! Америкага сафарим давомида биродарлардан бирлари менга ўша ерда яшайдиган бир бадавлат араб кишиси ҳақида сўзлаб қолди, у ўзи мусулмон бўлгани ҳолда намоз ўқимас экан, Аллоҳ жалла ва алонинг ҳақини адo қилмас экан. Шунда мен унга насиҳат қилиш мақсадида ҳузурига кирдим.

У менга шундай деди: «Мен бу ўлкага доллар жамғарыш учун келганиман. Сизга ваяда бераманки, ўз юртимга қайтгач, масжиддан бир қадам ҳам ажралмайман».

Мен дедим: «Субханаллох! Ким сенга кафил бўла олади юртингга қайтиб боришингга, эй бечора банда?! Эртагача тирик туришингга кафолатинг борми ўзи?!»

Аллоҳга қасамки, бир неча дақиқадан сўнг аҳволи нима кечишини ҳеч ким билмайди!

Шеър (мазмуни):

*Ғўрлик даврингда қилиб келган ишларни қўй энди,
Гуноҳларингни эсга ол ва улар учун кўз ёш тўк.
Сен унутган бўлсанг ҳам икки фаришта унумаган,
Сен гуноҳга ғарқ, улар эса ёзишга машғул эдилар.
Жон сенга берилган бир омонатдир,
Уни мажбуран қайтариб беришинг бор.
Сен мағрур бўлиб, у учун югуриб-елган дунё
Ҳақиқатан йўқ бўлувчи бир матодир.
Билиб қўй, кеча ва кундузда олган
Ҳар бир нафасларимиз саноқлидир.*

Дунё ҳаёти ҳар қанча узун бўлмасин, барибир қисқадир, ҳар қанча улкан бўлмасин, барибир ҳақирдир. Зотан, тун ҳар қанча узоқ давом этмасин, тонг отиши аниқ, умр ҳар қанча узоқ бўлмасин, қабрга киришдан бошқа чора йўқ..

... Шундан сўнг Сулаймон ибн Абдулмалик деди: «Эй Абу Ҳозим, Аллоҳ таоло ҳузурида аҳволимиз не кечади?!».

Абу Ҳозим жавоб берди: «Аллоҳнинг Китобига қараб кўринг, ўзингизни унда топасиз».

«Қаерида топаман?!», сўради Сулаймон.

«Шак-шубҳасиз, яхшилар жаннат неъматлари дадирлар. Шак-шубҳасиз, фисқ-фужур қилувчи кимсалар дўзахдадирлар!»
(Инфитор: 13-14) оятларида», жавоб берди Абу Ҳозим.

Шунда Сулаймон ибн Абдулмалик: «Аллоҳнинг раҳмати қаерда қолди, эй Абу Ҳозим?!», деб хитоб қилди.

«Албатта, Аллоҳнинг раҳмати муҳсинларга (эзгу амал қилувчиларга) яқиндир» (Аъроф: 56), деб жавоб берди Абу Ҳозим.

«Эртага Аллоҳга рўбарў бўлишимиз қай суратда бўлади?», сўради Сулаймон ибн Абдулмалик.

«Муҳсин – эзгу амал қилувчи киши худди узоқ сафардан ўз аҳли ҳузурига қайтиб келган ва аҳли уни шод-хуррамлик билан кутиб олган кишидек, мусиъ –гуноҳга ботган киши эса худди хожаси ҳузурига қайтарилган қочоқ қул каби ҳолатда бўлади», деб жавоб берди.

«Саҳиҳайн»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ким Аллоҳга йўлиқишни яхши кўрса, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни яхши кўради. Ким Аллоҳга йўлиқишни ёмон кўрса, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни ёмон кўради»**.

Мен дедим: «Ё Расулуллоҳ, ўлимни ёмон кўришни айтаяпсизми? Ҳаммамиз ҳам ўлимни ёмон кўрамиз-ку?!».

«Ундей эмас, балки мўмин кишига (ўлим соати етгач,) Аллоҳнинг раҳмати, розилиги ва жаннати билан хушхабар берилганда у Аллоҳга йўлиқишни яхши кўради, шунда Аллоҳ ҳам у билан учрашишни яхши кўради. Коғир кимсага Аллоҳнинг азоби ва ғазаби хабари берилганда у Аллоҳга йўлиқишни ёмон кўради, шунда Аллоҳ ҳам у билан учрашишни ёмон кўради», дедилар (Бухорий: №6507, Муслим: №2683).

«Саҳиҳул Бухорий»да Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Майит тобутга қўйилиб, одамлар уни елкага олишгач, агар солиҳ одам бўлган бўлса: «Мени тезроқ олиб боринглар», дейди. Агар солиҳ бўлмаган бўлса: «Эй, ҳолимгавой бўлсин, қаерга олиб кетаяпсизлар?!», дейди. Унинг овозини инсондан бошқа ҳамма жонзот эшитади, агар инсон эшитса беҳуш бўлиб қоларди»** (Бухорий: №1314, Насойи: 4/41).

Шеър (мазмуни):

Эй кўнгил, кўчиш фурсати яқин,

*Улкан фалокат бошингга соя солиб турибди.
Ҳозирлигинги кўриб ол,
Узун орзулар сени алдаб қўймасин.
Бир манзилга қўнасанки,
Унда дўст дўстини унумар.
Унда бошинг устига
Зил-замбил тупроқ тортилар.
Барчамиз фанога йўлиқамиз,
Азиз ҳам, хор ҳам қолмагай.*

Ушбу сўзларни айтарканман, ўзим учун ва сизлар учун Аллоҳга истиғфорлар айтаман.

Иккинчи хутба:

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп салавоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Севикли дўстларим..

Охират диёрига сафаримиз ана шу тарзда бошланади. Биз дунё ҳаёти ҳақиқатини қисқача баён қилганимиздан сўнг ўлимга етиб келдик. Бу босқич қабрга етиб келиш билан тугайди. Мен, иншооллоҳ, сухбатимиз давомида қабр ҳақида, қабр ҳаёти ҳақиқати, барзах маъноси, ундаги неъматлар ва азоблар тўғрисида, нима учун Аллоҳ таоло Қуръонда қабр азоби ҳақида очиқ зикр қилмагани, бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳих ҳадислар келганми, йўқлиги, қайта тирилиш ҳақиқати ва бошқалар тўғрисида айтиб ўтаман.

Ҳозир эса аввало ўзимни, кейин сизларни Аллоҳга холис тавба қилишга чорлаб, айтаманки:

Эй маъсиятлар билан ўз жонига жабр қилиб юрган кимса!!

Эй намозни тарқ қилган, Аллоҳнинг ўйларидан қочувчи кимса!!

Эй шаръий ҳижобни тарқ қилган ва намозни зое қилган кимса!!

Эй замонавий бут-санам – телевизор, интернет – ва шайтон сабабли Аллоҳдан машғул бўлиб қолган кимса!!

Эй илм мажлисларидан, яхшилик ва тоат-ибодат ўринларидан юз ўгирган кимса!!

Эй умрини чойхоналарда ўтказувчи ва Аллоҳнинг тоатидан ғофил бандада!!

Кел, ҳозироқ Аллоҳга тавба қил, чин дилдан тавба қилсанг, Аллоҳ албатта тавбангни қабул қиласди. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Менинг** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг:** «**Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз!** Албатта **Аллоҳ** (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. **Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир**» (Зумар: 53).

Севикли дўстим, сизга мурожаат қиласман:

Келинг, Аллоҳга тавба қилинг, сидиқидилдан Унга қайтинг, гуноҳларингиз ҳар қанча кўп бўлмасин, ноумид бўлманг.. Маъсиятларингиз нақадар оғир, хато ва нуқсонларингиз ҳарчанд улкан бўлмасин, вужудингизни асло умидсизлик руҳи эгаллаб олмасин.. Раҳмоннинг эшигини қоқинг, модомики истиғфор айтиб ва тавба қилиб келаркансиз, У эшигини сизнинг юзингизга ёпмайди.

«Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур» (Нисо: 48).

Келинг, ҳозироқ тавбангизни янгиланг, янгидан Аллоҳга қайтинг, Раббингизга холис тавба қилишга аҳд беринг.. Ахир Аллоҳ таолонинг Ўзи эмасми мана сўзларни айтган:

«Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар, шоядки Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. У Кунда Аллоҳ пайғамбарни ва у билан бирга иймон келтирган зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрур. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга

**нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин.
Албатта Сен барча нарсага қодирдирсан», дерлар»** (Тахрим: 8).

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтганлар: «**Аллоҳ таоло деди: Эй Одам боласи, мадомики сен Менга дуо қилиб, Мендан умидвор турар экансан, гуноҳинг қанақа бўлишдан қатъий назар, (уларнинг кўплигига ҳам) парво қилмасдан мағфират этаман. Эй Одам боласи, агар гуноҳинг булуутларга қадар етса-да, Мендан истиғфор тиласанг, сени мағфират этаман. Эй Одам боласи, агар сен ҳузуримга ер юзини қоплайдиган гуноҳлар билан келсанг ва Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳолда рўбарў бўлсанг, мен сени ер юзини қоплайдиган мағфират билан қарши оламан!» (Ҳасан ҳадис, Саҳиҳул-жомиъ: №4338, Термизий: 2/270).**

Севиклим дўстим!

Дунёга ҳам ҳаракат қилаверинг, борлиқни обод этишдан қолманг, мол-дунё ва тижоратдан ҳам юз ўгирманг, фақат бир шарт биланки, ҳалолдан топинг ва Аллоҳ жалла ва алонинг ҳаққини адо этинг.

Мен сизни дунёдан юз ўгиришга чорламайман, ҳаётдан умидсизлантиришни ҳам истамайман. Бор-йўғи аввало ўзимга, кейин эса сизга дунё охират учун экинзор эканини эслатиб қўйишни истайман. Шундай экан, фоний ҳовлини деб боқийлик ҳовлисидан маҳрум бўлиб қолиш ярамайди. Эртага барчамиз бу дунёдан кетамиз ва Аллоҳ таоло ҳузурига қайтамиз. Ўшанда сизга фақат ўзингиз билан бирга олиб келган амалингиз фойда беради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Майитга уч нарса – моли, аҳли ва амали эргашиб боради. Сўнг иккитаси қайтиб кетиб, биттаси қолади. Аҳли ва моли қайтади ва амали қолади**» (Бухорий: №6514, Муслим: 2960, Термизий: №2380).

Қабрга киаркансиз, ҳол тили билан сизга шундоқ хитоб қилинади:

*Ер бағрини тилиб, ўйдилар,
Қабр ясад, сени қўйдилар.
Ҳисоб учун турганинг онда*

Асқоттмагай сенга ҳеч банда.

Ҳа, энди у онда сизга дунёда қилған амалингиз-у, Абадий Барҳаёт Зотнинг раҳматидан ўзга ҳеч нарса наф бермайди.

الشيخ محمد حسان
في رحاب الدار الآخرة

Охират ҳовлisisи силсиласи

Шайх Мұхаммад Ҳассон
Ислом Нури таржимаси



ҚАБР АЗОБИ

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир.

Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиши билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уругларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират

қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбариға итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Аммо баъд...

Сўзларнинг энг тўғриси Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг энг хайрлиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салланинг йўллари, ишларнинг энг ёмони (динда) янги пайдо қилингандаридир, (динда) ҳар бир янги пайдо қилинган иш бидъат, ҳар бир бидъат залолат ва ҳар бир залолат дўзахдадир.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

«Охират ҳовлиси силсиласи» деб аталмиш ваъз-насиҳат услуби билан илмий асослаш ўртасини, таъсирли воқеа-ҳодисалар билан манҳажийлик ўртасини ўзида бирлаштирган ушбу илмий силсиладан мурод – моддийлик ва шаҳватпараматлик туғён қилган, инсонлар Парвардигори оламнинг тоат-ибодатидан бурилиб кетган ушбу асрда одамларга охиратни эслатишдир.

Шояд, ғофил огоҳланса, ухлаётган уйқусидан уйғонса, ўлим тўсатдан келиб, уларни кўча-кўйда жанжаллашиб турган пайтларида олиб кетиб қолишидан, улар на бирон васият қилишга ва на уйларига қайтишга қодир бўлмай қолишлидан олдин ғафлатдан қутулсалар.

Ўтган сұхбатимизда маййитнинг жони узилган ва қабрга олиб кетилаётган пайтдаги ҳолатига келиб тўхтаган эдик. «Саҳиҳул Бухорий»да Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: «Маййит тобутга қўйилиб, одамлар уни елкага олишгач, агар солиҳ одам бўлган бўлса: «Мени тезроқ олиб боринглар», дейди. Агар солиҳ бўлмаган бўлса: «Эй, ҳолимгавой бўлсин, қаерга олиб кетаяпсизлар?!», дейди. Унинг овозини инсондан бошқа ҳамма жонзот эшитади, агар инсон эшитса беҳуш бўлиб қоларди» (Бухорий: №1314, Насоий: 4/41).

Мана, маййит қабрга ҳам етиб келди.. Келинг, бугун мен сизга қабр ҳақида, унда бўлажак воқеалар, қабр фитнаси ва ундаги ҳолатлар ҳақида сўзлаб берай. Аллоҳ жалла ва алодан сиз-у бизни қабр фитнасидан асршини сўрайман.

Одатимизга кўра, бугунги сұхбатимизни қуидаги моддаларга бўлиб оламиз:

Биринчи: Қабрда бўлажак азоб ва роҳат-фароғатга далиллар.

Иккинчи: Қабр азобига дучор этувчи сабаблар.

Учинчи: Қабр азобидан қутулиш йўллари.

Аллоҳ таолодан бизларни сўзга қулоқ тутиб, унинг яхисига эргашадиган кишилардан қилишини сўрайман. У бунга Қодир Зотдир.

Биринчи: Қабрда бўлажак азоб ва роҳат-фароғатга далиллар

Бугун бизнинг айни мавзуда сўзлашишга ғоят эҳтиёжимиз бор. Зеро, сўнгги пайтларда бу ҳақда ҳар турли гап-сўзлар кўпайиб, қора матбуот саҳифаларида ушбу мавзуга тааллуқли айрим мақолалар ҳам пайдо бўлмоқда. Жумладан, яқиндагина улардан бирида «Қабр азоби: хурофотлар ва афсоналар» номли бир мақола чоп этилибди.

Муҳтарам профессорлардан бири қаламига мансуб ушбу мақолада даъво қилинишича, қабр азоби ҳақида келган барча ҳадислар хурофот ва афсонадан бошқа нарса эмас экан!! Профессор жанобларининг илми нақадар ғовлаб кетганини кўрсатувчи мана бу жумлаларга эътибор қаратинг: «Қабр азоби ғайб ишидир, Қуръонда пайғамбар ғайбни билмаслиги айтилган». Нақадар мураккаб жаҳолат!!

Профессорнинг бу сўзларидан шу маъно келиб чиқадики, биз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган ғайбга тааллуқли ҳамма ишларни тасдиқламаслигимиз, жумладан Аллоҳга, фаришталарга, охират кунига, қадарнинг яхши ва ёмонига ва бошқа шу каби ғайбий хабарларга иймон келтирмаслигимиз керак бўлади.

Бу бечора профессор Парвардигори оламнинг Ўз пайғамбари ҳақида айтган мана бу сўзларини унуган чоғи: «**Ва у** (сизларга келтираётган Қуръонни) **ўз ҳавоийи-ҳоҳиши билан сўзламас. У** (Қуръон) **фақат** (Аллоҳ томонидан пайғамбарга) **ваҳий қилинаётган** (туширилаётган) **бир ваҳийдир. Үнга** (бу ваҳийни) **бир кучга тўлган, соҳиби қудрат** (яъни Жаброил алайҳис-салом) **таълим бермишдир**» (Ван-нажм: 3-7).

У бечора Аллоҳ таолонинг мана бу сўзларини ўқимаганмикин: «**Алиф, лом, мим.** (Ҳақ эканлигига) ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу Китоб ғойибга ишонадиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз ризқ

қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладиган тақволи кишилар учун раҳбар-йўлбошчидир» (Бақара: 1-3).

Муҳтарам профессор ушбу оятларни яна бир сидра ўқиб чиқсалар, яхши бўларди. Зотан, мўминларнинг энг биринчи белгилари ғайбга иймон келтиришдир.

Яна бир зиёли олим 300 саҳифадан ортиқ семиз бир китоб чиқарибди. Китоб бошидан охиригача қабр азоби ва ундаги неъматларни рад қилишга бағишлиланган бўлиб, муаллиф наассларни (яъни оят ва ҳадислардан иборат шаръий далилларни) оёғини осмондан қилиб, роса «олим»лик қилган.

Мен қабр азобини инкор қилувчи бундай «билағон», журъатли «олим»ларга раддия сифатида айтаманки, Имом Қуртубий ва Имом Ҳофиз Ибн Ҳажар улар ҳақида шундай деганлар: «*Қабр азобини фақат мулҳидлар (динсиз-атеистлар), зиндиқлар, хаворижлар, айрим муътазилийлар ва фалсафа йўлини тутган кишиларгина инкор қилишиди, барча аҳли сунналар уларга мухолиф бўлдилар*».

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтади: «*Қабр азоби ҳақдир, уни инкор қилувчи киши адашган ва адаштирувчи*дир».

Севикли биродарим! Қуйида мен сизга қабр азоби ҳақлигига ўз ҳавои-ҳоҳишиларидан сўзламайдиган Содиқ ва Масдуқ зотнинг – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – сўзларидан мўл-кўл далиллар олиб келаман. Нега Қуръондан эмас, дейсизми?! Чунки, Қуръон оятларини турлича таъвил қиласа бўлади. Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу Ибн Аббос розияллоҳу анҳумони хаворижлар билан мунозара қилишга юборгандарида унга айтганлариdek: «*Эй Ибн Аббос! Сиз улар билан Суннат (ҳадислар) билан мунозара қилинг, Қуръон билан эмас. Чунки, Қуръон (ҳар хил таъвилларни) кўтарувчи, кўп жиҳатлар (яъни маънолар) эгасидир*».

Ушбу модда ҳақида сўзлашга киришарканман, уни буюк имомларимиз сўзларидан иқтибос олинган муҳим бир муқаддима билан бошламоқчиман. Энг аввал «Таҳовия ақидаси» шориҳи Имом Ибн Абиль-Иzz раҳимаҳуллоҳ сўзларини олиб келаман.

У айтади: «*Билингки, қабр азоби барзах азобидир. Ҳар бир инсон вафот этаркан, агар азобга ҳақли бўлса, хоҳ қабрга қўйилсин, хоҳ*

қабрга қўйилмай, ваҳшийларга ем бўлган, ё куиб, кулга айланган, ё денгизга чўкиб кетган бўлсин, ўзига тегишли бўлган азобни олмай иложи йўқдир».

Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган мана бу ҳадис ҳақида бир фикр қилиб кўринг. Унда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: «**Бир киши ҳаддан ташқари кўп гуноҳлар қилиб, вафоти яқинлашганда фарзандларига васият қилиб айтдики:** «Агар вафот этсам, мени куйдиринглар ва кулимни шамолли кунда денгизга сочиб юборинглар. Аллоҳга қасамки, агар Роббим мен(и қайта тирилтириш)га қодир бўлса, менга ҳеч бир бандасига бермайдиган қаттиқ азоб билан азоб беради». Фарзандлари унинг айтганини қилишди. (Аллоҳ таоло) ерга: «Олган (омонатлар)ингни адо қил», деб буюрди. Шунда у (одамнинг жасади йиғилиб келиб, Аллоҳ ҳузурида) турди. Аллоҳ таоло ундан: «Сени бундай қилишга нима унади?», деб сўради. «Сендан қўрқишим, эй Роббим», деб жавоб берди. Шу сабабли Аллоҳ таоло уни мағфират қилди» (Муттафакун алайҳ).

Ҳадиснинг мавзумизга тааллуқли жойи шуки, Аллоҳ таоло бу бандани жасади куйдирилиб, кули кўкка совурилганидан кейин қайта тирилтирди, оламлар подшоҳининг биргина «Бўл!» амри билан ўша заҳоти у яна қайта инсон шаклига кирди.

Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта Ийсонинг** (отасиз туғилишининг) **мисоли Аллоҳ олдида худди Одамнинг мисоли кабидирки, уни тупроқдаи яратиб, сўнгра «Бўл», деди. Бас, у (жонли одам) бўлди**» (Оли Имрон: 59).

Аллоҳ таоло айтади: «**Ёки бир зот** (Узайр пайғамбар) **ҳақидаги масални** (бilmadinhizmiki), у зот томлари **йиқилиб ҳувиллаб қолган бир қишлоқдан ўтаркан:** «Аллоҳ бу хароб бўлган қишлоқни қандай тирилтирас экан-а?» деди. Шунда Аллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди. Сўнгра тирилтириб сўради: «Қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг?» «**Бир кун ё ярим кун**», деди у. Аллоҳ деди: «**Йўқ, юз йил турдинг.** Таом ва ичимлигингга қара — бузилган эмас. Энди эшагингни (чириб, суяклари ажраб кетганини) **кўргин.** (Бу ҳодисани Аллоҳнинг қудратини кўрсатиш) **ва сени одамлар учун оят — ибрат**

қилиш учун (келтирдик). Бу сүякларни қандай тиклаб, сүнг уларни гүшт билан қоплашимизни күргин. Қачонки унга бу нарсалар аник күрингач: «Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан», деди» (Бақара: 259).

Аллоҳ таоло айтади: «Эсланг (эй Мұхаммад соллаллоҳу алайхи ва саллам), Иброҳим: «Парвардигор, менга ўликларни қандай қилиб тирилтиришиңгни күрсат», деганида, Аллоҳ: «Ишонмайсанми?» — деди. Иброҳим айтди: «Йўқ, ишонаманку, лекин дилим яна ҳам таскин топиши учун». Аллоҳ айтди: «Тўртта қушни олиб, ўзингга бургин (ва уларни бош, оёқ, қанот ва патларини тортиб, узиб, сўнгра бир-бирларига аралаштириб), кейин (атрофдаги тоғлардан) ҳар бир тоғнинг устига уларни бўлак-бўлак қилиб қўйгин ва шундан сўнг уларни чақиргин, дарҳол келадилар. Билгилки, Аллоҳ шубҳасиз қудратли ва ҳикматлидир» (Бақара: 260).

Аллоҳнинг қудратига чек-чегара йўқ, Уни еру осмондаги бирон нарса ожиз қолдира олмайди. Мавзу муқаддимасини Имом Ибнул Қайим раҳимаҳуллоҳнинг қимматли сўzlари билан якунлайман. У киши айтади:

Аллоҳ таоло учта ҳовли қилди: дунё ҳовлиси, барзах ҳовлиси ва қарор (ўрнашиш) ҳовлиси. Сўнг ҳар бир ҳовли учун ўзига хос ҳукмларни қилди. Дунё ҳовлисидаги ҳукмларни баданларга жорий бўладиган ва руҳлар унга тобеъ бўладиган қилди. Барзах ҳовлисидаги ҳукмларни руҳларга жорий бўладиган ва баданлар унга тобеъ бўладиган қилди. Қарор ҳовлисидаги ҳукмларни эса ҳам руҳларга, ҳам баданларга жорий бўладиган қилди.

Яна айтадилар: *Билингки, қабрнинг кенглиги ва торлиги, ёруғлиги ва алангаси одамлар бу дунёда билган нарсалар жинсидан эмасдир..*

Сўнг бунга ғоят гўзал ва тушунарли бир мисол келтиради:

Қаранг, битта тўшакда икки киши ухлаб ётибди. Улардан бири тушида ўзини ноз-неъматлар ичидা кўради, уйғонганида ҳам кўрган туши таъсиридан юзи ёришиб, хурсанд бўлиб, сизга тушида кўрган ноз-неъматларни сўзлаб беради. У билан ёнма-ён ётган шериги эса айни шу онларда ўзини азоблар ичидা кўраётган бўлиши ва тушидаги азоблар даҳшатидан қўрқиб, уйқусида қаттиқ безовта бўлиши ва

ҳатто, дод солиб уйғониб кетиши, сүнг күрган туши даҳшатидан анчагача ўзига келолмай туриши мумкин.

Аллоҳ йўлидаги дўстим, сиз бу сўзларни бир тафаккур қилиб кўрдингизми?! Икки киши битта тўشاқда ётган ҳолида, бирининг руҳи жаннатда, иккинчисининг руҳи эса дўзахда бўлиши мумкин, ёнма-ён ётган бўлишларига қарамай, бири иккинчисининг ҳолидан бутунлай бехабар бўлади.

Бу шу дунёning ўзида кўриниб турган ишдир. Шундай экан, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган барзах ҳовлисида не синоатлар яширин экан?!

Ушбу муқаддима ҳақида бироз чуқур фикр юритсангиз, ҳақиқатдан воқиф бўласиз.

Қолаверса, мен айтаманки, қачон ақл дин ва шариатга ҳоким бўлган экан?!

Ҳазрат Алийдан Аллоҳ рози бўлсин, у киши айтадилар: «*Агар дин иши ақлга кўра бўлганда эди, оёқ кийимнинг остига масҳ тортиш устига масҳ тортишдан лойикроқ эди*» (Саҳих, Абу Довуд: №162, Албоний ва Арноут «Жомиъул-усул»да саҳих санаган).

Қўйида мен қабр азобига доир саҳих ва очиқ далил-хужжатларни келтиришга киришарканман, энг аввал бутун дунё муҳаддислари имоми Имом Бухорийнинг «Жанозалар китоби»да тўла бир бобни «Қабр азоби ҳақида келган (ҳадис)лар тўғрисидаги боб» деб номлаган эканига диққатингизни қаратишни истардим. Аслида, шунинг ўзи ҳам етарли саналади. Зотан, ҳадис уламолари сўзларига кўра, Имом Бухорий ўз «Саҳих»ини бобларга бўлишда ўта фақиҳ олим эканини исботлаган. Бухорий ушбу боб ичига аввал Қуръондан бир неча оятларни киритган, сўнг бу хусусда келган саҳих ҳадисларни олиб келган. Мен барча аҳли сунна олимлари қабр азоби ҳақлигига далил қилишган биргина оятни келтириш билан кифояланаман.

Аллоҳ таоло айтади: «**Фиръавн хонадонини ёмон азоб ўраб олди.** (У азоб бир) **оловдирки, улар эртаю кеч ўшанга кўндаланг қилиниб** (куйдирилурлар). (Қиёмат) Соати қойим бўладиган Кунда эса (дўзах фаришталарига): «**Фиръавн хонадонини энг қаттиқ азобга киритинглар**», (дейилур)» (Фоғир: 45-46).

Барча аҳли сунна уламолари сўзларига кўра, Аллоҳ таоло бу оятда барзах ҳовлисидаги азобни ва қарор ҳовлисидаги азобни аниқ-тиник зикр қилди.

«Фиръавн хонадонини ёмон азоб ўраб олди. (У азоб бир) оловдирки, улар эртаю кеч ўшанга кўндаланг қилиниб (куйдирлурлар)» оятидаги азоб барзах азоби бўлиб, Фиръавн хонадони барзах ҳовлисида эртаю кеч азобга дучор қилинади.

«(Қиёмат) Соати қойим бўладиган Кунда эса (дўзах фаришталарига): **«Фиръавн хонадонини энг қаттиқ азобга киритинглар»,** (дейилур)» оятидаги азоб эса қиёмат кунидаги азобдир.

Демак, Аллоҳ таоло бу оятда икки азобни – дунё ва охират азобини, барзах ҳовлисидаги ва қарор ҳовлисидаги азобни зикр қилди.

Мен қабр азобини инкор қилувчилар оғзига мум тишлатиб қўядиган саҳих далилларни келтиришдан олдин бир нарсага огоҳлантиришни истардимки, Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга икки ваҳийни нозил қилган ва бандаларига бу икки ваҳийга иймон келтиришни фарз қилгандир. У иккиси Қуръон ва Саҳих Суннатдир.

Инкор қилувчилар сўзига қулоқ тутсангиз, улар Қуръон ўзи бизга кифоя қиласди (яъни, Қуръонда қабр азоби ҳақида очиқ сўз келмаган), дейишади. Улар ботиллигини исбот қилишга ҳам арзимайдиган бу пуч даъволари билан бизни алдамоқчи бўлишади. Ваҳоланки, фақат ўзларини алдашади.

Кимда-ким Саҳих Суннатни ёлғон санаса, у ҳеч шубҳасиз, Қуръонни ёлғон санаган бўлади. Ким Суннатни рад қилса, у Қуръонни рад қилган бўлади.

Аллоҳ таолонинг мана бу сўзларини бир фикрлаб кўринг:

«Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар ва Аллоҳдан қўрқинглар!
Албатта Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир» (Ҳашр: 7).

«Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди. Кимки юз ўғирса (бунинг сизга зарари йўқдир. Зоро) **Биз сизни уларнинг устига қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ»** (Нисо: 80).

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз

чиқарған ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тұла таслим бўлмагунларича - бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» (Нисо: 65).

«Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилган — буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳни ҳукмини қўшиб) ўз ишларидан ихтиёр қилиш жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига осий бўлса, бас у очиқ йўлдан озиш билан йўлдан озибди» (Аҳзоб: 36).

«Эй мўминлар, сизлар Аллоҳ ва Унинг пайғамбари олдида (яъни иккисининг изнисиз бирон сўз ёки ишга) қадам босманглар! Ва Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳ эшитувчи, билувчидир. Эй мўминлар, (токи қилган яхши) амалларингиз ўзларингиз сезмаган ҳолларингизда беҳуда-бефойда бўлиб қолмаслиги учун сизлар (пайғамбар билан сўзлашган пайтларингизда) овозларингизни пайғамбарнинг овозидан юқори кўтарманглар ва унга бир-бирларингизга очиқ (дағал сўз) қилгандек очиқ-дағал сўз қилманглар!» (Хужурот: 1-2).

Суннатнинг Қуръонга нисбатан ҳукми уч турлидир.

Ибнул Қаййим «Иъламул-муваққиъийн»да айтади:

Суннат Қуръонга нисбатан уч важҳададир:

Биринчи важҳ: Суннат Қуръон келтирган нарсани таъкидлаб келиши. Бу эса далилларни яна ҳам қувватли қилиш бобидан саналади.

Иккинчи важҳ: Суннат Қуръон мужмал ҳолда келтирган нарсани изоҳлаб ва баён қилиб келиши.

Мисол учун, Аллоҳ таоло: «**Намозни адo этинглар!**», деб буюрди, бироқ на намозлар сонини, на рукнларини, на намознинг кўринишини ва на вақтларини зикр қилди. Намозларнинг сонлари, рукнлари, кўринишлари, вақтлари ва бошқа тафсилотлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан баён қилиб берилди.

Учинчи важҳ: Суннат Қуръон айтмаган баъзи нарсаларни фарз ёки ҳаром қилиб келиши.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Бир одам сўрисида ястаниб ётиб олади-да, унга менинг ҳадисим айтилса: «Ўртамиизда Аллоҳ азза ва жалланинг Китоби бор, унда ҳалол деб**

топган нарсамизни ҳалол санаймиз, унда ҳаром деб топган нарсамизни ҳаром санаймиз», деб айтади. Огоҳ бўлингиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаром қилган нарса ҳам Аллоҳ ҳаром қилган нарса билан баробардир!» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 12).

Қабр азоби шак-шубҳасиз ҳақиқат эканини исботлайдиган саҳиҳ ҳадисларни эътиборингизга ҳавола этай. Аҳмад, Ҳоким ва бошқалар ривоят қилган ва шайх Албоний ҳасан санаган ҳадисда шундай келади: Усмон розияллоҳу анҳу қабр бошида турганда йиғлар, жаннат ва дўзах зикр қилинганда йиғламас эди. Унга: «Эй Усмон, жаннат ва дўзах зикр қилинганда йиғламайсиз-у, қабр бошига келганда йиғлайсиз», дейилди. Усмон деди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «**Қабр охират манзилларининг биринчисидир. Агар қабр соҳиби ундан нажот топса, кейингилари ундан кўра енгил бўлади. Агар соҳиби ундан нажот топмаса, кейингилари ундан ҳам оғирроқ бўлади**», деганларини эшитганман».

Яна бир саҳиҳ ҳадисга диққат қилинг.

«Саҳиҳайн»да Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка ёки Мадина (қўргонлари) деворларидан бир девор ёнидан ўтаётиб қабрларида азобланаетган икки кишининг овозини эшитдилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Бу иккиси азобланаяпти ва (лекин) гуноҳи кабира хусусида азобланишаётгани йўқ**» дедилар. Кейин: «**Йўқ, (гуноҳи кабира хусусида,) улардан бири бавлидан (сийдигидан) сақланмас эди, иккинчиси чақимчилик қилиб юрарди**» дедилар» (Бухорий: №216, Муслим: №292, Термизий: №70, Абу Довуд: №20, 21, Насойй).

Бухорий ва Муслим Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳга дуо қилиб: «**Эй Аллоҳ, мен Сендан қабр азобидан паноҳ тилайман**», дердилар (Бухорий: №1377, Муслим: №588, Термизий: №3599, Насойй: 4/275, 276).

Муслим, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Баззор ва бошқалар Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтилади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Нажкор қўргонларидан бири ичидা

хачирларига минган ҳолда эдилар, бирдан хачир ҳуркиб, у кишини йиқитиб юборай деди. Қарасак, у ерда бешта ё олтита қабр бор экан. «**Бу қабр эгаларини ким билади?**», деб сүрадилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Мен», деди бир киши. «**Қачон вафот этишган?**», деб сүрадилар. «Ширқда», деб жавоб берди. Шунда у зот айтдилар: «**Албатта, бу уммат қабрларида имтиҳонга учрайди. Агар ҳаммангиз (бир кун) қабрга қўйилишингиз бўлмаса эди, Аллоҳга дуо қилиб, сизларга мен ўзим эшитиб турган қабр азобидан эшиттиришини сўраган бўлардим**». Сўнг бизга юзланиб: «**Қабр азобидан Аллоҳдан паноҳ тиланглар!**», дедилар. Биз: «**Қабр азобидан Аллоҳдан паноҳ тилаймиз**», дедик» (Саҳих, Муслим: №2867).

Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Хузуримга Мадиналик бир яҳудий аёл кириб, қабр азобидан сўзлади, сўнг: «Аллоҳ сизга қабр азобидан паноҳ берсин», деб дуо қилди. Яҳудий аёл чиқиб кетганидан кейин Оиша розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қабр азоби ҳақида сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ҳа, қабр азоби ҳақдир**», дедилар. Оиша айтадилар: «Шундан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни қачон намоз ўқисалар, қабр азобидан паноҳ тилаганларини кўрдим» (Муттафақун алайҳ, Бухорий: №1372, Муслим: №584, Насойи: 4/104).

Энди масаланинг асос-устуни бўлган ҳадисга етиб келдик. Ушбу бобда асл-асос саналувчи бу ҳадисни Имом Аҳмад «Муснад»ида, Ибн Ҳиббон «Саҳих»ида, Байҳақий «Сунан»ида, Насойи «Сунан»ида, Абу Довуд «Сунан»ида келтирганлар, Ҳоким «Ал-Мустадрак»да ривоят қилиб, иккала шайх шартига кўра саҳиҳ деган, Имом Заҳабий унга иқорор бўлган, шунингдек бу ҳадисни Имом Ибнул Қаййим «Таҳзибус-сунан» ва «Иъламул-муваққиъийн» китобларида келтириб, уни иллатли санаганларга узоқ раддия берган, шайх Албоний ва бошқалар саҳиҳ санаганлар.

Бароъ ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ансорлардан бир кишининг жанозасига чиқдик. Қабрга етиб борганимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабр лабига келиб ўтирдилар. Биз ҳам у

зотнинг атрофларида, худди бошига қуш қўниб турган киши каби қимир этмай, жим ўтиридан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларидаги чўп билан ер чизиб ўтиридилар. Сўнг бошларини кўтариб, асҳобларига: «Қабр азобидан Аллоҳдан паноҳ тиланглар, қабр азобидан Аллоҳдан паноҳ тиланглар, қабр азобидан Аллоҳдан паноҳ тиланглар», дедилар. Бу гапни у зот икки ё уч марта айтдилар. Сўнг уларга ўгирилиб, дедилар: «Мўмин банда дунёдан узилар ва охиратга юзланар чоғида хузурига осмондан юzlари офтобдек, оқ юзли фаришталар тушиб келади. Улар билан бирга жаннат кафандари ва жаннат ҳанут (хушбўйлик)лари бўлади. Улар мўмин банданинг кўз қири тушарли ерга келиб ўтирадилар. Кейин ўлим фариштаси келиб, унинг бош тарафига ўтиради ва унинг пок руҳига хитоб қилиб: «Эй покиза жон, Аллоҳнинг мағфирати ва розилиги сари чиққин», дейди. Шунда мўминнинг жони меш оғзидан сув сизиб чиққанидек осонлик билан сизиб чиқади. Фаришталар уни ўлим фариштаси қўлида бир лаҳза ҳам қолдирмасдан қабул қилиб оладилар, сўнг уни ҳалиги кафандга ўраб, ҳалиги ҳанутдан сурадилар. Ундан ер юзида мавжуд бўлган энг хушбўй мушк ҳиди таралади. Сўнг уни олиб, юқорига кўтариладилар. Йўлда қай бир фаришталар жамоаси ёнидан ўтсалар, улар: «Бу покиза руҳ ким(нинг руҳи)?», деб сўрашади. Улар: «Фалончи фалончи ўғли» деб, уни дунёда аталган энг гўзал исмлари билан номлаб, таниширадилар. Ҳатто, дунё осмонига етиб келиб, унинг киришига изн сўрайдилар. У учун эшик очилади. Шундан сўнг ҳар бир осмоннинг муқарраб фаришталари уни кейинги осмонгача кузатиб қўядилар. Охири у еттинчи осмонга етиб боради. Аллоҳ таоло айтади: «Бандамнинг китобини Иллийонга ёзинглар, ўзини эса ерга қайтаринглар. Зеро, Мен уларни ундан (ер жинсидан) яратдим, унга қайтараман ва яна қайта ундан чиқараман». Шундан сўнг унинг руҳи (танига) қайтарилади. Сўнг хузурига икки фаришта кириб келади. Уни ўтиргизиб: «Раббинг ким?», деб сўрайдилар. «Раббим Аллоҳ», деб жавоб беради. «Дининг нима?», деб сўрайдилар. «Диним Ислом», деб жавоб беради. «Сизларга юборилган у киши ким?», деб сўрайдилар. «У Расулуллоҳ (Аллоҳнинг элчиси)», дейди. Сен

буларни қаердан биласан?», деб сўрайдилар. «Аллоҳнинг Китобини ўқидим, унга иймон келтирдим ва тасдиқ қилдим», дейди. Шунда самодан: «Бандам рост айтди, унга жаннатдан ўрин тўшанглар, жаннат либосларидан кийдиринглар, (қабрига) у учун жаннатдан дарча очиб қўйинглар», деган нидо келади. Шундан сўнг унга жаннатнинг хушбуй ҳиди ва шаббодаси эсиб туради. Қабри ҳам кўз илғарли ергача кенгайтириб қўйилади. Ҳузурига хушсурат, чиройли кийинган бир киши хушбўй ҳид таратиб кириб келиб: «Сенга хушхабар олиб келдим, хурсанд бўл, сенга ваъда қилингган кун мана шудир», дейди. Шунда у: «Ўзинг ким бўласан? Юзинг яхшилик келтирувчи кишининг юзидек», дейди. У: «Мен сенинг солиҳ амалинг бўламан», дейди. Шунда (майит): «Эй Раббим, тезроқ Қиёматни қойим қил, тезроқ Қиёматни қойим қил, токи мен аҳлим ва молим олдига қайтай», дейди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларида давом этдилар:

«Кофир banda дунёдан узилар ва охиратга юзланар ҷоғида ҳузурига осмондан қора юзли фаришталар тушиб келади. Улар билан бирга мусух (дағал кафандик) бўлади. Улар мўмин банданинг кўз қири тушарли ерга келиб ўтирадилар. Кейин ўлим фариштаси келиб, унинг бош тарафига ўтириб: «Эй ифлос жон, Аллоҳнинг азоби ва ғазаби сари чиқ!», дейди. Шунда жон жасад ичидаги тирқираб кетади. Ўлим фариштаси уни ҳўл жундан сафуд (яъни, учи илгаксимон сих)ни суғургандек суғуриб олади. Фаришталар уни ўлим фариштаси қўлида бир лаҳза ҳам қолдирмасдан қабул қилиб оладилар, сўнг уни ҳалиги мусухга ўрайдилар. Ундан ер юзида мавжуд бўлган энг бадбўй ўлаксанинг ҳиди тарқалади. Уни олиб, осмонга кўтариладилар. Йўлда қай бир фаришталар жамоаси ёнидан ўтсалар, улар: «Бу ифлос руҳ ким(нинг руҳи)?», деб сўрашади. Улар: «Фалончи фалончи ўғли» деб, уни дунёда аталган энг қабиҳ исмлари билан номлаб, таниширадилар. (Ҳатто, дунё осмонига етиб келиб,) унинг киришига изн сўрайдилар. Шунда унга эшик очилмайди...

Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги оятни ўқидилар:

«Албатта, оятларимизни ёлғон деган ва улардан кибр-ҳаво билан (юз үгирган) кимсалар учун ҳаргиз само эшиклари очилмас ва токи түя игна тешигидан ўтмас экан, улар ҳам жаннатга кира олмаслар (яъни ҳеч қачон жаннатга кира олмаслар). **Жинояткор** — осийларни мана шундай жазолагаймиз» (Аъроф: 40).

... Сўнгра Аллоҳ таоло: «Унинг китобини ернинг энг тубидаги Сижжийнга ёзинглар!», дейди. Шунда унинг руҳи шиддат билан пастга улоқтирилади. Сўнг руҳи жасадига қайтарилади. Ҳузурига икки фаришта кириб, уни ўтиргизадилар ва ундан: «Раббинг ким?», деб сўрайдилар. У: «Ааҳ... Ааҳ... Билмайман», деб жавоб беради. «Дининг нима?», деб сўрайдилар. У яна: «Ааҳ.. Ааҳ... Билмайман», дейди. Шунда самодан нидо келади: «Бандам ёлғон айтди. Унга дўзахдан ўрин тўшанглар, қабрига дўзахдан дарча очиб қўйинглар!». Шундан сўнг унга жаҳаннам оташи ҳарорати ва қайноқ шамоли келиб туради, қабри шу даражада торайтириладики, унинг қовурғалари бир-бирига киришиб кетади. Олдига бадбашара, хунук кийинган, бадбўй ҳидли бир киши кириб: «Сени хафа қиласиган шумхабар келтирдим. Сенга ваъда қилинган кун мана шудир», дейди. У: «Ўзинг ким бўласан? Юзинг ёмонлик келтирувчи кимса юзидек», дейди. «Мен сенинг қилган ифлос амалингман», деб жавоб беради у. Шунда у: «Эй Раббим, қиёматни қойим қилмагин», дейди» (Саҳих, Абу Довуд: №3212, Ибн Хузайма, Ҳоким, Байҳақий: «Шуъабул-ииман», шайх Албоний ушбу ҳадис ривоятларини барча манбаларидан жамлаган ва «Саҳихул-жомиъ»да (№1676) саҳих санаган).

Кечиринг дўстим, қабрдаги азоб ва роҳатлар ҳақидаги хабарлар билан анча гапни чўзиб юбордим.

Қуидида энди навбатдаги икки модда – яъни, қабр азобига сабаб бўлувчи ишлар ва ундан қутулиш йўллари ҳақида тезгина баён қилиб ўтаман.

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўллариға йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига қўпдан-қўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Иккинчи: Қабр азобига дучор этувчи сабаблар

Бу ҳақдаги сўз мухтасар ва муфассал кўринишга эгадир.

Мухтасари шуки, Аллоҳга қилинган маъсият ҳар қандай балонинг бошидир, маъсиятларнинг бошида эса ширк туради. Яъни, банданинг Аллоҳ ҳузурига олиб борадиган энг катта дастурхони тавҳиддир, у Аллоҳ ҳузурига олиб борадиган энг қабиҳ ва энг катта гуноҳ эса ширқдир. Аллоҳ таоло айтади: «Чунки ширк келтириш катта зулмдир» (Луқмон: 13).

Муфассал шаклда айтадиган бўлсак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам чақимчиликни қабр азоби сабабларидан деб зикр қилганлар. Ҳозирда чақимчиликни ўзлариға касб қилиб олган одамлар кўплаб топилади.

Демак, чақимчилик қабр азобига сабаб бўлувчи иллатлардан бири экан. Ундан ташқари, сийдиқдан сақланмаслик ва ўзини ундан пок тутмаслик ҳам қабр азобига сабаб бўлади. Юқорида шу мазмундаги ҳадисни келтириб ўтдик.

Яна, ёлғончилик, судхўрлик, Қуръон ўқишни ташлаб қўйиш ҳам қабр азобига сабаб бўлади. Бу ҳақда Имом Бухорий Самура ибн Жундуб розияллоҳу анхудан узун бир ҳадис ривоят қилган бўлиб, ҳозир уни келтирсак, гап узайиб кетади. Ўша ҳадис мазмунига қўра, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёлғончилик, риёкорлик, Қуръон ўқишни тарқ қилиш, зино ва ғулул – яъни, жангда тушган ўлжалар тақсим этилмасидан туриб, яширинча ундан олиш – қабр азобига сабаб бўлишини зикр қилганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Хайбар (жанги)га чиқдик, Аллоҳ бизга ғалаба берди. Биз на олтин, на кумуш ўлжа олдик, фақат

матолар, кийим-кечак ва егуликларни ўлжа қилдик. Сўнг водийга – яъни, Водил-қурога – қараб йўл олдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир қуллари бор эди, уни Жузомлик бир киши ҳадя қилганди, у Бану Зубайб қабиласилик Рифоа ибн Язид исмли киши эди. Водийга тушганимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўша қулларига камон ўқи тегиб, вафот этди. Биз: «Унга шаҳидлик муборак, ё Расулуллоҳ», дедик. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Йўқ, Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, Хайбар** куни тақсимот етмаган ўлжалар ичидан олган шамла (иштонбоги) **унинг устида ўт бўлиб ёнмоқда**», дедилар. Шунда одамлар қўрқиб кетдилар. Бир киши битта ё иккита оёқ кийим боғичи қўтариб келди ва: «Уни Хайбар куни олгандим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ўтдан бўлган битта боғич ёки ўтдан бўлган иккта боғич**», дедилар (Муттафақун алайҳ, Бухорий: №4234, Муслим: №115).

Учинчи: Қабр азобидан қутулиш йўллари

Буни мен ўта муҳтасар шаклда баён қиламан.

Қабр азобидан қутулишнинг энг катта йўли – Аллоҳ жалла ва алонинг тоатида устувор туриш ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлларига изчил эргашишdir.

Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта: «Парвардигоримиз Аллоҳдир», деб, сўнgra** (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) **тўғри** — устивор **бўлган зотларнинг олдиларига** (ўлим пайтида) **фаришталар тушиб,** (дерлар): «**Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар!** Бизлар ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам сизларнинг дўстларингиздирмиз. Сизлар учун (жаннатда) **кўнгилларингиз тилаган нарсаларингиз бордир** ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз бордир. (Бу) **мағфиратли ва меҳрибон зот томонидан бўлган зиёфатдир**» (Фуссилат: 30-32).

Қабр азобидан қутулишнинг энг фойдали йўлларидан яна бирини Имом Ибн Қаййим ўзининг «Рӯҳ» номли қимматли китобида шундай баён қилади:

«Энг фойдалы йўларидан бири шуки, инсон уйқуга кетишидан олдин бир муддат фикр юритиши ва амалини бир сарҳисоб қилиши лойик бўлади. Агар амалида қусур кўрса, уни тўғрилаб олади, агар Аллоҳга осий бўлган бўлса, тавба қилиб олади ва уйқуга кетишдан олдин ўзи билан Аллоҳ ўртасида тавбани янгилаб олади. Агар шу кеча мана шу тавбаси устида вафот этса, у жаннат аҳлидан бўлади, Аллоҳ уни қабр азобидан ва дўзах азобидан қутқаради».

Қабр азобидан қутулишнинг энг катта сабабларидан яна бири – ҳозирда кўпчилик одамлар бепарво қарайдиган тавҳид, намоз, рўза, садақа, ҳаж, илм ва уламолар мажлисларида ҳозир бўлиш каби солиҳ амалларда бардавом бўлишdir.

Амри маъруф, нахий мункар, ота-онага яхшилик қилиш, қариндошлар билан борди-келди қилиш ва умуман Парвардигорни рози қиладиган ҳар қандай яхши ва эзгу амалларни қилиб бориш ҳам қабр азобидан қутулишга сабаб бўлади.

Соҳибини қабр азобидан қутқарадиган энг катта солиҳ амаллардан яна бири Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишdir.

Ҳоким ривоят қилган ва шайх Албоний иснодини ҳасан санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Шаҳид учун Аллоҳ ҳузурида олтига хислат бор:**

- 1) Қони биринчи дафъа чиққан пайтдаёқ гуноҳи магфират қилинади ва унга жаннатдаги ўрни кўрсатилади.
- 2) Аллоҳ азза ва жалла унга қабр азобидан нажот беради.
- 3) Аллоҳ унга катта даҳшат (яъни қиёмат) кунида омонлик беради.
- 4) Аллоҳ унга виқор тожини кийдиради, ундаги битта ёқут дунё ва ундаги ҳама нарсадан яхшироқдир.
- 5) Аллоҳ уни етмиш икки нафар ҳури ийнга уйлантиради.
- 6) Аллоҳ уни ўз аҳлидан етмиш кишига шафоатчи қилади.

Қалбларни орзу-умидга тўлдирадиган яна бир ҳадис билан сўзимни якунламоқчиман. Ҳоким «Мустадрак»да Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилган ва сахиҳ санаган, Заҳабий унга иқрор бўлган, Албоний «Мишкотул-масобийҳ»да санадини сахиҳ санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Мулк сураси – табаарокал-**

лазий биядиҳил-мулк – тўсувчиидир ва нажот берувчиидир, (ўқувчисини) қабр азобидан қутқаради» (Термизий: №2892).

2011 йил 28-апрел

الشيخ محمد حسان
في رحاب الدار الآخرة
علامات الساعة الصغرى

Охират ҳовлиси силсиласи
Қиёматнинг кичик аломатлари
Шайх Мухаммад Ҳассон
Ислом Нури таржимаси



Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар, у зот омонатни адо этганлар, рисолатни етказганлар, умматга холис насиҳат қилганлар, Аллоҳ таоло у зот сабабли зулматларни ёритган, у зот Аллоҳ йўлида то ўлим келгунича ҳақиқий жиҳод қилганлар деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотни энг яхши мукофотлар билан мукофотлагин.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Фозил дўстлар, азиз биродарлар, барчангизга Аллоҳнинг саломи бўлсин, қадамларингизга ҳасанот, даврамизга хуш келибсиз, барчамизни Аллоҳ таборака ва таоло Ўзининг муборак уйида Ўз тоати устида

жамлагани каби Ўзининг жаннати ва каромат ҳовлисида ҳам жамласин ва даъватчилар саййиди бўлган Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга қилсин. Зотан, У бунинг эгаси ва бунга қодирдир.

«Охират ҳовлиси силсиласи» деб аталган ушбу муҳим илмий силсила ваъз-насиҳат услуби билан илмий асослаш ўртасини, таъсирли воқеа-ҳодисалар билан манҳажийлик ўртасини ўзида бирлаштирган бўлиб, ўлим билан бошланиб, жаннат васфи билан ниҳоясига етади, Аллоҳ барчамизни жаннат аҳлидан қилсин.

Бугун ушбу муборак силсиланинг учинчи ҳалқасига ўтамиз. Аввалги икки суҳбатимиизда ўлим ва барзах ҳаёти ҳақида, қабрдаги то қиёмат давом этувчи азоб ва неъматлар тўғрисида сўз юритиб ўтдик.

Қиёмат босқичлари ҳақида сўз юритишдан олдин қиёматнинг катта ва кичик аломатлари тўғрисида айтиб ўтиш мантиқ ва ҳикмат тақозоси бўлур эди. Шу боис бугунги суҳбатимииз қиёмат олдидан юз берадиган кичик аломатлар ҳақида бўлади.

Одатимизга кўра, суҳбатимииз мавзусини қўйидаги моддаларга бўлиб оламиз:

Биринчи: Қиёмат соати шак-шубҳасиз келувчидир.

Иккинчи: Бўлиб ўтган ва ниҳоясига етган кичик аломатлар.

Учинчи: Юз берган ва ҳали ниҳоясига етмаган кичик аломатлар.

Тўртинчи: Ҳали содир бўлмаган кичик аломатлар.

Аллоҳ таолодан барчамизни сўзларни эшишиб, яхшиларига эргашадиган кишилардан қилишини сўрайман.

Биринчи: Қиёмат соати шак-шубҳасиз келувчидир.

Охират ҳовлиси ҳақидаги бу сўзлар фақат ақлларга тааллуқли қуруқ маълумот олиш ёки совуқ зеҳний билимга эга бўлиш учунгина эмас!

Охират кунига иймон келтириш иймон руқнларидан асосий бир руқн бўлиб, усиз аввал-бошидан кишининг иймони яроқли бўлмайди. «Саҳих Муслим»да Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ривояти билан келган ҳадисда Жибрийл алайҳиссалом Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Иймон нима?» деб сўраганларида у зот: **«Иймон – Аллоҳга, малоикаларига, китобларига, элчиларига, охират кунига**

иимон келтиришинг, қадарнинг яхшиси ва ёмонига ишонишинг», деб жавоб берганлар.

Банданинг қалбида охират кунига бўлган иимон қачонки у куннинг ҳақиқатидан воқиф бўлсагина, у кунда юз берадиган ҳолатлар, даҳшат ва машақкатларни англаб етсагина мустаҳкам ўрнашади.

Қолаверса, банданинг қалбида охират кунига бўлган ишонч мустаҳкам ўрнашса, бу билим ва ишончи уни Аллоҳнинг манҳажи ва Расулининг йўлларида устувор бўлишга олиб келади. Чунки, у эртага албатта Аллоҳ жалла ва ало ҳузурида туришини ва Парвардигори ўртада таржимон бўлмаган ҳолатда у билан сўзлашишини, фаришта унга: «**Номай аъмолингни ўқи! Бугун ўз нафсинг ўзингга қарши етарли хисобчиидир**» (Исро: 14) деб нидо қилишини аниқ билади.

Ушбу силсиладан мурод – мусулмонларга панд-насиҳат ҳосил бўлса, улар шу сабабли узоқ давом этган уйқуларидан уйғонсалар, ғафлатдан кўз очиб, Аллоҳ таолога тавба ва инобат қилишга ошиқсалар. Шояд, ғофил огоҳланса, ухлаётган уйқусидан уйғонса, ўлим тўсатдан келиб, уларни кўча-кўйда жанжаллашиб турган пайтларида олиб кетиб қолишидан, улар на бирон васият қилишга ва на уйларига қайтишга қодир бўлмай қолишлиаридан олдин ғафлатдан қутулсалар.

Эй мусулмонлар! Аллоҳ таоло айтади: «Бунга сабаб Аллоҳ Ҳақ экани ва Унинг Ўзи ўликларга ҳаёт бериши ҳамда У ҳамма нарсага қодир эканлигидир. Яна аниқки, (қиёмат) соати шак-шубҳасиз келувчиидир ва албатта Аллоҳ қабрлардаги бор жонзотни тирилтирур» (Ҳаж: 6-7).

Инсонлар қиёмат қойим бўлишини ҳар қанча узоқ санамасинлар, инсонларни яратган Зот у кунни жуда яқин санади.

Аллоҳ таоло айтади: «**Чунки улар у (Кун)ни узоқ деб билурлар, Биз эса унинг яқинлигини билурмиз! У Кунда осмон эритилган мис каби бўлиб қолур. Тоғлар юнг каби (енгил) бўлиб қолурлар. Ва бирон дўст дўстидан (ҳол-аҳвол) сўрамас**» (Маориж: 6-10).

Аллоҳ таоло деди: «(Қиёмат) Соати яқинлашиб қолди ва ой ҳам бўлинди» (Қамар: 1).

Аллоҳ таоло деди: «**Аллоҳнинг фармони (яъни Қиёмат) келиб қолди. Бас, сизлар** (эй мушриклар), **уни шоштирмай қўя қолинглар**» (Наҳл: 1).

Аллоҳ таоло деди: «**Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва** (хар бир) **жон эрта** (Қиёмат Куни) **учун нимани** (яъни қандай эзгу амални) **тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан қўрқинглар!** Албатта **Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир**» (Ҳашр: 18).

Қиёмат соати қойим бўлишининг аниқ вақти Аллоҳ жалла ва алонинг ўзига хос илм бўлиб, унинг қойим бўлиш вақтини на муқарраб фаришта ва на бирон пайғамбар билгай.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Аъроф» сурасида айтади:

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиздан Соат** (яъни Қиёмат) **қачон воқе бўлади, деб сўрайдилар.** Айтинг: «**Унинг билими фақатгина Парвардигорим даргоҳидадир.** Вақти-соати келганида ҳам фақат Ўзи ошкор қилур. У (яъни Қиёмат) Самовот ва Ер учун жуда оғир (даҳшатли) бир ишдир. У сизларга фақат тўсатдан — кутилмаганда келур». Гўё сиз у ҳақда яхши биладигандек сўрайдилар. Айтинг: «**Унинг билими фақатгина Аллоҳ даргоҳидадир.** Лекин жуда кўп одамлар уни билмайдилар»» (Аъроф: 187).

Аллоҳ таоло «Аҳзоб» сурасида айтади:

«**Одамлар сиздан** (қиёмат) **соати** (қачон бўлиши) **ҳақида сўрайдилар.** «У (соатни) билиш ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир», деб айтинг. Қаердан билурсиз, эҳтимол у соат яқин келиб қолгандир» (Аҳзоб: 63).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Ван-назиат» сурасида айтади:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), мушриклар) **сиздан** (ўша Қиёмат) **Соатини қачон воқе бўлиши ҳақида сўрарлар.** Сиз бу ҳақда бирон нарса билмайсиз. (Яъни сиз ҳеч қачон у Куннинг вақтини айтиб бера олмайсиз). Уни (билиш) ёлғиз Раббингизга бориб тўхтар. Сиз фақат ўша (Қиёмат)дан қўрқадиган кишиларни огоҳлантирувчисиз, холос. (Аммо у Куннинг қачон воқе бўлишини айтиб бериш сизнинг вазифангиз эмасдир). Улар у Қиёмат қойим бўлганини қўрадиган кунда (Қиёмат даҳшатидан бу дунёда) гўё яrim кун ёки бир кун яшагандек бўлиб қолурлар!» (Ван-назиат: 42-46).

Қиёмат қойим бўлиш соатини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди.

Жибрийл алайҳиссалом энг улуғ фаришта, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам энг улуғ пайғамбар ва халқлар ичида энг олий манзилат эгаси бўлган зот эдилар. Шундай бўлгани ҳолда, Жибрийл Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «**Қиёмат соати қачон?**», деб сўраганларида у зот: «**Бу ҳақда сўралувчи сўровчидан билувчироқ эмас**», деб жавоб берганлар!! Сўровчи Жибрийл, сўралувчи эса Башир ва Назир (Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эдилар, ҳар иккилари қиёмат соати вақтини билмасдилар! Шундай экан, қайси оқил инсон қиёмат вақтини биламан дейишга журъат қила олади?!

Ином Бухорий Ибн Умар розияллоҳу анхұмодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

«Ғайб қалитлари (илмлари) бешта, уларни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди: 1) Ҳеч ким эртага нима бўлишини билмайди; 2) Ҳеч ким қоринлардаги (ҳомила)нинг нима бўлишини билмайди; 3) Ҳеч бир жон эртага нима қилишини билмайди; 4) Ҳеч бир жон қаерда ўлишини билмайди; 5) Ҳеч ким ёмғир қачон ёғишини билмайди».

Ва Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларини ўқидилар:

«Дарҳақиқат, ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридагина (қиёмат) соати (қачон бўлиши тўғрисидаги) билим бордир. У (Ўзи хохлаган вақтда, Ўзи хохлаган жойга) ёмғир ёғдирур ва (оналарнинг) бачадонларидаги ҳомилаларини (ўғилми-қизми, расоми-нуқсонлими, баҳтлими-баҳтсизми эканини) билур. Бирон жон эртага нима иш қилишини била олмас. Бирон жон қай ерда ўлишини ҳам била олмас. Фақат Аллоҳгина билувчи ва огоҳдир» (Луқмон: 34).

Гарчи, Аллоҳ таоло қиёмат соати вақтини яширган бўлса-да, У Зот бандалари огоҳланишлари ва тавбага шошилишлари учун қиёматдан олдин содир бўлувчи айрим аломат ва белгилар ҳақида хабар берган. Аллоҳ таоло айтади: «**Улар** (Макка коғирлари ўтмишдаги ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган қавмлар дучор бўлган ҳалокатлардан эслатма-ибрат олмадилар), энди фақат тўсатдан (Қиёмат) Соати келиб қолишинигина кутмоқдалар. Дарвоҷе унинг аломатлари келди» (Мұхаммад: 18).

Мен бу аломатларни уч қисмга бўлиб, сўз юритаман:

Биринчи: Бўлиб ўтган ва ниҳоясига етган кичик аломатлар.

Иккинчи: Юз берган ва ҳали ниҳоясига етмаган кичик аломатлар.

Учинчи: Ҳали содир бўлмаган кичик аломатлар.

Биринчи: Бўлиб ўтган ва ниҳоясига етган кичик аломатлар

Ушбу аломатлардан биринчиси Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар қилиб юборилишлариdir.

«Саҳиҳайн»да келган ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Мен (қиёмат) соати билан мана бу иккисидек (яқин) ҳолда юборилдим**», деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларига ишора қилдилар (Бухорий: №6503, Муслим: №2950). Демак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юборилишлари ва у зотнинг вафотлари кичик аломат бўлиб, ҳар иккиси бўлиб ўтди.

«Саҳиҳул Бухорий»да Авф ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинганд ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Қиёмат олдидан олтида нарсани сана**» деб, биринчисини ўз вафотлари деб айтганлар (Бухорий: №3176).

Юз берган ва ўтиб кетган кичик аломатлардан яна бири ойнинг бўлиниши ҳодисасидир. Аллоҳ таоло айтади: «**(Қиёмат) Соати яқинлашиб қолди ва ой ҳам бўлинди**» (Қамар: 1).

Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўплаб ҳадислар ривоят қилинганд. Имом Муслим ўз «Саҳиҳ»ида ривоят қилган ушбу ҳадислардан биргинасини сизларга айтиб ўтаман.

Анас розияллоҳу анху айтадилар: Макка аҳли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан аломат (мўъжиза) кўрсатишни талаб қилишганида уларга ойнинг бўлинишини кўрсатдилар. Улардан: «Нима истайсизлар?», деб сўраганларида «Осмондаги ойни иккига бўлиб беришингни истаймиз», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигорларидан сўрадилар. У Зот Пайғамбарининг сўровини ижобат қилиб, осмондаги ойни иккига бўлди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Гувоҳ бўлинглар... Гувоҳ бўлинглар**», дедилар (Муслим: №2800).

Шундан кейин ҳам улар инкор қилишди, юз ўгиришди, «Бу ҳар доимги сеҳр-ку!», дейишди.

Қиёматнинг кичик аломатларидан яна бири Ҳижоз ерида ўт чиқишидир. Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривояти билан келтирган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ҳижоз ерида **Бусродаги туялар бўйинларини ёритиб юборувчи ўт чиқмагунича (қиёмат) соати қоим бўлмайди**» (Бухорий: №7118, Муслим: №2902).

Бусро Шом диёридаги Ҳаврон деб аталувчи шаҳардир. Мазкур аломат ўз хоҳиш-ҳаволаридан сўзламайдиган Ростгўй зот қандай хабар берган бўлсалар, худди ўшандай содир бўлди.

Ином Қуртубий «Ат-тазкира»да айтади: «Бу оят-аломат худди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек бўлди. 654 йил жумодул-охиранинг учинчиси, чоршанба куни Ҳижоз еридан ўт чиқди ва бирон тоғу тошга етиб борса, уни эритиб, майдалаб ўтди. Бу ўтни бутун Шом аҳли кўрди.

Иккинчи: Юз берган ва ҳали ниҳоясига етмаган кичик аломатлар

«Саҳиҳ Муслим»да келган ҳадисда Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга (хутба қилиб) турдилар ва шу туришларида то қиёмат бўладиган бирон нарсани қолдирмай айтиб ўтдилар, уларни эслаган эслаб қолди, унуган унугди» (Муслим: №2891).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлиб ўтажак фитналардан хабар бердилар. «Саҳиҳ Муслим»да Абу Ҳурайра ва бошқалар ривояти билан келган ҳадисда у зот айтадилар:

«Зулматли тун парчалари каби фитналар келиб қолмасидан амаллар қилиб қолишга шошилингиз! (Ўша фитналар келган кунларда) киши мўмин бўлиб тонг оттириб, кечга бориб кофирга айланади ва мўмин бўлиб кеч киргазиб, кофир ҳолда тонг оттиради, дунё матоси эвазига динини сотиб юборади» (Муслим: №118, Термизий: №3196).

Қоронғұ тун зулмати парчаларидек қора фитналар! Киши иймонда тонг оттириб, кечга бормай коғирға айланади! Оқшом пайти иймон устида бўлгани ҳолда коғир бўлиб тонг оттиради!

Бугунги кунда мусулмон кишига кўндаланг бўлаётган фитналардан бири ғурбат фитнасиdir. Чин мусулмон киши ҳозирда ўта оғир фитнани – ғурбат (ғариблиқ, бегоналик) фитнасини бошидан кечирмоқда. «Саҳих Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: **«Ислом ғариф бўлиб бошланди ва қандай бошланган бўлса, шундай ғарибларка қайтади. Бас, ғарибларга (жаннат) хушхабари бўлсин»** (Муслим: №145).

Ҳозирда ғурбат аҳли динларини олиб қочмоқдалар. Имом Термизий «Сунан»да ҳасан санад билан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Одамларга шундай замон келадики, у кунларда динини ушлаган киши қўлларида чўғни чангллагандек бўлади»**, деганлар.

Мусулмон киши дуч келаётган фитналардан яна бири шаҳватлар фитнасиdir. «Саҳиҳайн»да Мисвар ибн Махрамадан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Қасамки, мен сизларга камбағаллик (зараridan) қўрқмайман, балки дунё сизларга худди аввалгиларга мўл-кўл қилингани каби мўл-кўл қилиб қўйилишидан ва сизлар ҳам улардек дунё йигишда мусобақалашиб, оқибатда бу уларни ҳалок қилгани каби сизларни ҳам ҳалок қилишидан қўрқаман»** (Бухорий: №6425, Муслим: №2961, Термизий: №2464).

Ғайратли мусулмон киши куфр давлатлари ва коғир миллатларнинг илм, маданият ва тараққиётда ҳайратомуз тезлиқда илгарилаб кетганини, ислом уммати эса ёмғирли совуқ тунда ҳар тарафга тирқираб кетган қўй подаси каби тарқоқ ҳолга келиб қолганини кўриб, дилига фитна оралайди, дастури Қуръон, пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, парвардигори Раҳиму Раҳмон бўлган уммат шуми ўзи, нега бу уммат бу қадар хорликка тушиб қолди, жаҳолатга ботиб, заифлик ва ожизликка дучор бўлди, деб сиқилади.

Ундан ташқари, хотинлар ва бола-чақа фитнаси ҳам бор. Аллоҳ таоло айтади: «**Эй мўминлар, албатта жуфтларингиз ва болаларингиздан сизлар учун душман бўлганлари ҳам бордир. Бас, улардан эҳтиёт бўлинглар!..**» (Тағобун: 14).

«Сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола-чақаларингиз фақат бир фитна-имтиҳондир, холос. Улуғ ажр-мукофот эса ёлгиз Аллоҳнинг ҳузуридадир» (Тағобун: 15).

Фитналар кўпдир.. «Саҳиҳайн»да Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Илмнинг кўтарилиб кетиши, жаҳолатнинг зоҳир бўлиши, зино кўпайиши, ароқхўрлик авж олиши, эркаклар камайиб, хотинлар кўпайиши, ҳатто элликта хотинга битта эркак тўғри келиши қиёматнинг аломатларидандир» (Бухорий: №80, 81, Муслим: №2671).

«Сунанут-Термизий»да саҳиҳ санад билан келган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Қиёмат олдидан замон яқинлашади (вақт тезлашади), йил ойга, ой ҳафтага, ҳафта кунга, кун эса бир ўтин ёнгудек вақтга ўхшаб қолади**» (Термизий: №2434, Албоний «Ал-мишкот»да (№5389) саҳиҳ санаган).

Содир бўлиб турган ва ўтиб кетмаган кичик аломатлардан яна бири ишни ўз эгасидан бошқага топширилишидир.

«Саҳиҳул Бухорий»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда келади: Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига кириб келди, у зот одамларга сўзлаб турган эдилар. У: «Ё Расулуллоҳ, қиёмат қачон?», деб сўради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларида давом этавердилар ва аъробийнинг саволига жавоб бермадилар. Сўзларини тугатгач: «**Қиёмат ҳақида сўраган киши қани?**», деб сўрадилар. «Мен шу ердаман, ё Расулуллоҳ», деди аъробий. «**Омонат зое қилинса, қиёматни кутавер**», дедилар. «Унинг зое бўлиши қандай бўлади?», сўради аъробий. «**Ишни ўз аҳлидан бошқаси қўлига топширилса, қиёматни кутавер**», дедилар (Бухорий: №59).

Аҳмад «Муснад»ида, Ҳоким «Мустадрак»ида Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган, Албоний «Саҳиҳул-жомиъ»да саҳиҳ санаган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ҳали одамларга**

шундай алдамчи замонлар келадики, унда ёлғончининг гапини рост деб кўрилади, ростгўйни ёлғончига чиқарилади, хиёнатчига омонат қўйилади, омонатдор хиёнатчига чиқарилади, унда рувайбиза гапдонлик қиласди», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, рувайбиза ким?», деб сўралди. «Қадрсиз одам, – бир лафзда «ақлсиз одам» – омманинг ишига тааллуқли гапларни гапиради», деб жавоб бердилар».

Улардан яна бири – ислом уммати устига бошқа халқлар ёпирилиб келишидир.

Абу Довуд «Сунан»ида ва Аҳмад «Муснад»ида Савбон розияллоҳу анхудан шундай ривоят қиласдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳали устингизга халқлар худди емакхўрлар товоғига ташланганидек ёпирилиб келади», дедилар. Биз: «Ё Расулуллоҳ, ўша куни озчилик бўлганимизданми?», деб сўрадик. «Сизлар у куни кўпчилик бўласизлар, лекин худди селнинг кўпиги каби кўпик бўласизлар, душманларингиз қалбидан маҳобат (кўрқув) олиб қўйилади ва қалбларингизга ваҳн (заифлик) солиб қўйилади», дедилар. «Ваҳн нима?», дедик. «Дунёга муҳаббат ва ўлимни ёмон кўриш», дедилар (Абу Довуд: №4297, Аҳмад: №22296, Албоний «Ассаҳиха»да (№956) саҳих санаган).

Бугун уммат айни воқеъликни бошидан кечириб яшамоқда! Ер юзининг энг хор халқлари бўлмиш яхудийлар, сигирпастлар ва атеистлар бугун Ислом уммати устига ёпирилиб келганлар, кучли-ю кучсиз, яқин-у узоқ халқлар томонидан ислом уммати бугун оёқости қилинмоқда.

Аломатлардан яна бири – Аҳмад, Табароний «Ал-кабийр»да саҳих санад билан ривоят қиласган, Абу Умома розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган ҳолатдир: «Қиёмат олдидан сигир думига ўхшаш қамчи кўтарган кишилар бўлади, улар Аллоҳнинг ғазаби билан чиқиб, Аллоҳнинг ғазаби билан қайтишади» (Саҳих, Муслим: №2857).

«Саҳих Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Дўзах аҳлидан икки тури борки, мен ҳали уларни кўрмадим: Биринчиси: қўлларида сигир думига ўхшаш қамчилари билан одамларни уриб

юрадиган кимсалар. Иккинчиси: кийиниб олган, лекин яланғоч, (бошқаларни ҳам) йўлдан оздирувчи, ўзлари ҳам (ҳақдан) оғган ҳамда бошлари(даги соchlари)ни туюнинг (бир тарафга) мойил бўлган ўркачлари сингари дўппайтириб олган аёллардир. Улар жаннатга кира олмайдилар, унинг ҳидини ҳам топа олмайдилар. Ваҳоланки, жаннатнинг ҳиди фалон масофадан келиб туради» (Муслим: №2128).

Севикли дўстларим! Бу ҳақда гапни узоқ чўзиб ўтирмаи, энди ҳали содир бўлмаган аломатлар ҳақида сўз юритишга ўтаман.

Иккинчи хутба:

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига қўпдан-қўп саловоту саломлар йўллагин.

Учинчи: Ҳали содир бўлмаган кичик аломатлар

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган ва ҳали содир бўлмаган қиёмат аломатларидан бири – Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мол-дунё қўпайиб, тўлиб-тошмагунича, ҳатто бир киши молининг закотини чиқариб, уни оладиган одамни тополмай қолмагунича қиёмат қоим бўлмайди» (Бухорий: №7121, Муслим: №157).

Баъзи аҳли илмлар айни шундай ҳол Умар ибн Абдулазиз розияллоҳу анҳу даврларида ҳам бир бўлиб ўтганини айтадилар.

Ҳали содир бўлмаган аломатлардан яна бири Ростгўй зот мана бундай хабар берганлар. Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«То Фурот (дарёси) тиллодан бўлган тоғни очмагунча қиёмат қоим бўлмайди. Одамлар уни деб уруш қиладилар ва ҳар юзтадан

тўқсон тўққизтаси ўлдирилади. Улардан ҳар бир киши, қани энди нажот топган мен бўлсам эди, дейди».

Бир ривоятда айтганлар: «**Келажақда Фурот тиллодан бўлган кондафинани очади. Ким унга ҳозир бўлса, ундан бирор нарсани олмасин**» (Бухорий: №7119, Муслим: №2894, Абу Довуд: №4313, 4314, Термизий: №2572, 2573).

Ҳали зоҳир бўлмаган аломатлардан яна бири Маҳдий розияллоҳу анҳунинг чиқишилариdir.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Агар дунёдан борйғи бир кунгина қолган бўлса ҳам, Аллоҳ ўша кунни узайтиради ва унда мендан – ёки аҳли байтимдан – бўлган бир кишини чиқаради, унинг исми исмимга, отасининг исми отамнинг исмига тўғри келади, ер юзи не қадар жавру зулмга тўлган бўлса, у уни ўшанча адолатга тўлдиради**» (Абу Довуд: №4282, Термизий: №2231, 2232).

Аллоҳ таоло бу киши билан динга қувват беради, у етти йил ҳукм юритади, шу вақт ичидаги жавру зулмга тўлган ер юзини адолатга тўлдиради, унинг даврида уммат ҳеч қачон кўрмаган фаровонликка эришади, ер ўз бағридаги набототни чиқариб беради, осмон ёмғир қуяди, ҳисобсиз мол-дунё берилади.

Ибн Касир айтадилар: «**Унинг замонида мева-чева кўп, ҳосил мўл бўлади, мол-дунё тўлиб тошади, салтанат қурратли, дин барпо, яхшиликлар давомли бўлади**» (Ан-ниҳая фил-фитан вал-малаҳим).

Уламолар ва имомларимиз сўзларига кўра, Маҳдий ҳақидаги ҳадислар маънавий мутавотирлик даражасига етган.

Шу миқдордаги сўз билан кифояланамиз, Аллоҳ таолодан сўраймизки, бизларни (гуноҳларимизни) ер юзида ҳам, ер остида ҳам, қиёмат кунида ҳам ўзи яширсин. У бунинг эгаси ва унга Қодирдир.

2011 йил 12-май

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

علامات الساعة الكبرى

المسيح الدجال

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мухаммад Ҳассон

Қиёматнинг катта аломатлари

Масих Дажжол

Ислом Нури таржимаси

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уругларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) **ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират**

қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбариға итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Бугунги учрашувимиз «**Охират ҳовлиси силсиласи**»дан тўртинчи суҳбат бўлиб, аввалги суҳбатимизда қиёматнинг кичик аломатлари ҳақида сўз юритган эдик. Бугун қиёмат қоим бўлишидан бевосита олдин юз берадиган катта аломатлар ҳақида сўзлашамиз.

Ином Муслим «Фитналар ва қиёмат аломатлари китоби»да Ҳузайфа ибн Усайд ал-Ғифорий розияллоҳу анхудан ривоят қилади:

«Гаплашиб ўтирган эдик, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқиб келдилар ва: «Нима тўғрисида гаплашаяпсизлар?», дедилар. Биз: «Қиёмат ҳақида гаплашаяпмиз», дедик. **«Қиёмат то ундан олдин ўнта аломатни кўрмагунларингча қоим бўлмайди»**, дедилар ва тутунни, Дажжолни, добба (ер жонивори)ни, қуёшнинг ботиш тарафидан чиқишини, Ийсо ибн Марямнинг тушишини, Яъжуж ва Маъжужни ва учта ер ютишини – биттаси машриқда, иккинчиси мағрибда, учинчиси араб жазирасидаги ер ютишини зикр қилдилар, охиргиси Ямандан чиқадиган ва одамларни маҳшар сари ҳайдайдиган ўт эди» (Муслим: №2901, Абу Довуд: №4311, Термизий: №2184).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа сахиҳ ривоятларда ушбу аломатларни мазкур тартибдан бошқачароқ кўринишда ҳам зикр қилганлар. Хабарлардан рожиҳроқ бўлгани – Ҳофиз Ибн Ҳажар «Фатхул Борий»да зикр қилганидек – Дажжолнинг чиқиши ер юзининг кўп қисмида умумий аҳволнинг ўзгаришига боғлиқ содир бўладиган биринчи катта аломат бўлиб, бу Ийсо ибн Марямнинг вафоти билан ниҳоясига етади. Қуёшнинг ботиш тарафидан чиқиши ҳолатларнинг ўзгаришига боғлиқ юз берадиган биринчи катта аломат бўлиб, у қиёмат қоим бўлиши билан

ниҳосига етади. Добба (ер жонивори) чиқиши ҳам қүёш ботиш томондан чиқадиган кунда бўлса керак, валлоҳу аълам. (Фатҳул Борий: 11/353).

Бироқ, нима бўлганда ҳам, катта аломатлар бирин-кетин содир бўлади, улар маржон доналарига ўхшаган бўлиб, бири узилса қолганлари ҳам унинг ортидан сочилиб кетгани кабидир.

Аҳмад «Сунан»да келтирган ва Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилиб, Муслимнинг шартига кўра саҳиҳ деган, Заҳабий ва Албоний бунга иқор бўлган, Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аморотлар – яъни катта аломатлар – ипга тизилган маржон доналаридир, ип узилса, уларнинг бири иккинчисига эргашиб кетади»**, деганлар (Аҳмад: №7040).

Рухсатларингиз билан қиёматнинг катта аломатлари ҳақидаги сўзимизни ер юзидаги ҳолатларнинг ўзгаришига боғлиқ содир бўладиган биринчи катта аломат – яъни, Масиҳ Дажжолнинг чиқиши ҳақидаги сўз билан бошласам.

Одатимизга кўра, сұхбатимиз мавзусини қуидаги бир неча моддаларга бўлиб оламиз:

Биринчи: Дажжол ер юзидаги энг катта фитнадир.

Иккинчи: Дажжол ва унинг фитнасининг аниқ-тиник васфи.

Учинчи: Нажот сари йўл.

Дикқат билан қулоқ солишларингизни умид қиласман. Зеро, мавзу ўзига хос аҳамиятга эга бўлган мавзулардан биридир.

Биринчи: Дажжол ер юзидаги энг катта фитнадир

Азиз дўстим! Бу фитна ҳақида яхши фикр юритинг ва унинг хатаридан воқиф бўлинг. Дажжол Аллоҳ таоло Одамни яратган кунидан то қиёматгача ер юзидаги энг улкан фитнадир.

Нима учун Дажжолни Масиҳ Дажжол дейилган?!

Дажжолнинг масиҳ деб номланишига сабаб, унинг кўзи мамсух – (яъни, бир кўзи ўрни теп-текис) бўлгани учундир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: (الدجال ممسوح العين) **«Дажжол – бир кўзи(нинг ўрни) текисдир»**, деганлар (Муслим: №2933, Абу Довуд: №4316, Термизий: №2246).

Дажжол (ёлғончи) деб аталишига сабаб – у ёлғон ва ботил билан ҳақни ўраб-чирмайди. Дажжол фитнаси жуда улкан фитнадир!

«Саҳих Муслим»да Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анхудан ривоят қилинганд ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Одам яратилишидан то қиёматгача Дажжолдан кўра (фитнаси ва шоншавкати) каттароқ маҳлуқ йўқдир**», деганлар (Муслим: №2946).

Дажжолнинг иши ғайбий ишдир. Ғайбга тааллуқли ишлар ҳақида ўз билганимизча гапиришимиз жоиз бўлмайди. Шунинг учун бу борада ўз хоҳиш-ҳаволаридан сўзламайдиган Содиқ ва Масдуқ зотнинг сўзларидан кўчирмалар келтирамиз. Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, бошқа ўринларда бўлгани каби бу мавзуда ҳам фақат саҳих ҳадисларни келтириш билан чекланамиз.

Иbn Можа «Сунан»ида, Иbn Ҳузайма «Саҳих»ида, Ҳоким «Мустадрак»ида Абу Умома розияллоҳу анхудан ривоят қилган, Албоний саҳих санаган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ер юзида Аллоҳ таоло Одам зурриётини яратганидан тортиб Масиҳ Дажжол фитнасидан каттароқ фитна бўлмади. Аллоҳ бирон пайғамбарни юборган бўлса, у албатта ўз қавмини Дажжолдан огоҳлантирган. Мен охирги пайғамбар, сизлар эса охирги умматсизлар. У албатта сизларнинг ичингизда чиқади. Агар Дажжол чиққанида ораларингизда бўлсам, мен ҳар бир мусулмоннинг ҳимоячиси бўламан. Агар Дажжол мендан кейин чиқса, ҳар бир киши ўзини ўзи ҳимоя қиласди. Аллоҳ (мендан кейин) ҳар бир мусулмон учун менинг халифамдир**».

Уммати исломия учун нақадар катта эҳтиром!

Дажжол фитнаси ғоят улкан фитнадир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам муваҳҳидлар Дажжол фитнасига алданиб қолмасликлари учун Дажжолни жуда ҳам аниқ-равшан қилиб сифатлаб берганлар ва унинг фитнасини аниқ-тиник қилиб баён қилиб берганлар. Суҳбатимизнинг иккинчи қисми шу ҳақда бўлади.

Иккинчи: Дажжол ва унинг фитнасининг аниқ-тиник васфи

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Дажжолнинг белгиларини аниқ айтиб ўтганлар.

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда айтилади: Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи ва саллам одамлар ичиди туриб хутба қилдилар, Аллоҳга Ўзи лойик бўлганидек ҳамду сано айтгач, Дажжолни зикр қилдилар: «**Мен сизларни ундан огоҳлантираман. Ҳар бир пайғамбар албатта ўз қавмини Дажжолдан огоҳлантирган, Нуҳ ҳам ўз қавмини огоҳлантирган.** Лекин, мен сизларга Дажжол ҳақида ҳеч бир пайғамбар ўз қавмига айтмаган сўзни айтаман. Билингки, у ғилайдир, Аллоҳ эса ғилай эмасдир» (Бухорий: №7127, Муслим: №169, Абу Довуд: №4757, Термизий: №2236).

Бир ривоятда унинг ўнг кўзи ғилайлиги, бошқа бир саҳиҳ ривоятда эса чап кўзи ғилайлиги келган.

Дажжол ғилайдир. Парвардигоримиз эса ғилай эмас, жалла жалолух, Унинг ўхашши йўқ, тенги йўқ, мисли йўқ, рақиби йўқ, жуфти йўқ, боласи йўқ, «**Бирон нарса У зотга ўхашаш эмасдир. У эшитувчи ва қўриб турувчи**дир» (Шўро: 11).

Сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Дажжол кўзи текисдир, унинг икки кўзи ўртасига "коғир" деб ёзилган, ҳар бир мусулмон уни ўқий олади**» (Саҳиҳ, Муслим: №2933, Абу Довуд: №3416, Термизий: №2246).

Бир ривоятда: «**Дажжол – унинг икки кўзи ўртасига "коғир" деб ёзилган, уни ҳар бир саводли ва саводсиз мўмин ўқий олади**» (Муслим: №2933, Абу Довуд: №3416).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларини зоҳиридан бошқага буриш керак эмас, Дажжолнинг пешонасига битилган ёзув ҳақиқий ёзувдир. «Саҳиҳ Муслим»да келган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Дажжол – кўзи текисдир, икки кўзи ўртасига "коғир" (رَفِّ) деб ёзилган**» (Муслим: №2933).

Ином Муслим «Фитналар ва қиёмат аломатлари китоби»да Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«**Мен Дажжолда бор нарсани ундан қўра яхши биламан. У билан иккита оқиб турган анҳор бор. Улардан бири қўрар кўзга оппоқ сув, бошқаси эса қўрар кўзга ёниб турган оловдир. Агар бирор унга**

етишса, кўзига олов бўлиб кўринган анҳорга борсин ва унга шўнғисин. Сўнгра бошини эгиб, ундан ичсин. Чунки, у муздек сувдир».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни Дажжолнинг оловидан қўрқмасликка йўлламоқдалар. Чунки, Дажжол ўз ёлғони ва ботили билан ҳақни ўрайди. Агар унинг алангали оловини кўрсангиз, билингки, у муздек ширин сувдир.

«Саҳиҳ Муслим»да Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ривоятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Дажжол чиққанида у билан бирга сув ва олов бўлади. Одамларга сув бўлиб кўринган нарса куйдирувчи оловдир. Одамларга олов бўлиб кўринган нарса муздек, ширин сувдир**», деганлар (Муслим: №2934).

Наввос ибн Самъон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Дажжолнинг ер юзида бўлиши муддати ҳақида сўрадилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Қирқ кун. Бир куни бир йилдек, бир куни бир ойдек, бир куни бир ҳафтадек, қолган кунлари бошқа кунларингизга ўхшаш**», дедилар. Шунда биз: «Ё Расулуллоҳ, бир йилга тенг бўлган кунда биз учун бир кеча-кундузлик намоз кифоя қиласдими?», деб сўрадик. «**Йўқ, ўлчовини чамаланглар**», дедилар (Муслим: №2937, Абу Довуд: №4321, Термизий: №2241).

Яъни, бомдодни ўқигач, аввал бомдод билан пешин орасида қанча вақт ўтган бўлса, шунча соатни ҳисоблаб, пешинни ўқийсизлар. Кейин пешин билан аср оралиғида бўладиган вақтни ҳисоблаб, асрни ўқийсизлар ва ҳоказо.

Юқоридаги ҳадис давомида саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Дажжолнинг ерда ҳаракатланиши тезлиги ҳақида сўрадилар. У зот дедилар: «**Ер юзида қирқ кун туради, шу вақт ичида бутун ер юзини босиб ўтади. Унинг тезлиги ортидан шамол эсган ёмғирли булутга ўхшайди**».

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Дажжол бир қавмга бориб, уларни даъват қиласди. Улар унга иймон келтирадилар ва чақириғига ижобат қиласдилар. У осмонга буюради, осмон ёмғир ёғдиради, ерга амр қиласди, ер (ўт-ўланларини)**

ундиради. Чорва моллари кечқурун уларнинг олдига ўркачи энг узун, елинлари энг тўлган ва қоринлари энг шишган ҳолда келади».

Кейин Дажжол бошқа бир қавмга бориб, уларни даъват қиласди. Улар: «Йўқ», деб, уни ёлғончи санайдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «У харобазордан ўтаркан, унга: «Хазиналарингни чиқар!», деб буюради, шунда унинг хазиналари тўзиган асаларилардек унга эргашади»..

Нақадар оғир фитна!! Кейин фитнаси яна-да зиёдалашади!

«Кейин у кучга тўлган ёш бир йигитни чақириб, унга қилич солиб, иккига бўлиб ташлайди. Дажжол одамлар кўзи олдида ўша икки бўлак ўртасидан юриб ўтади. Кейин йигитга: «Тур ўрнингдан!» деб буюради ва йигит ҳеч нарса бўлмагандек тирилиб, ўрнидан туради».

Нақадар оғир ва қаттиқ фитна!!

«Саҳих Муслим»да Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Шундан сўнг бир йигит унга қараб йўлга чиқади. Йўлда у қуролли кишиларга – Дажжолнинг қуролланган кишиларига (яъни, унинг қурол кўтарган яҳудий тобеъларига) дуч келади. Улар: «Қаерга бормоқчисан?», деб сўрайдилар.

У: «Ўша чиққан кимса – яъни, Дажжол – олдига бормоқчиман», дейди.

«Нима, сен раббимизга ишонмайсанми?!», дейдилар.

«Раббимизда маҳфийлик йўқ» – яъни, мен уни кўрсам, кимлигини билиб оламан – дейди у.

Шунда: «Ўлдиринглар уни!», дейишади.

Баъзилари: «Ахир раббимиз (яъни Дажжол) усиз бирон кишини ўлдиришдан бизни қайтарган эмасмиди?!», дейишади.

Шундан сўнг ҳалиги мўмин кишини улар Дажжол ҳузурига олиб боришади.

Мўмин Дажжолни кўргач: «Эй одамлар! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга зикр қилган Дажжол худди шу бўлади!», дейди.

Шундан сўнг Дажжолнинг буйруғи билан уни қорни билан ётқизилади.

Дажжол: «Уни ушлаб, бошини ёринглар», дейди.

Шундан сўнг мўмин кишининг орқаси ва қорнига роса уришади.

Кейин Дажжол: «Менга иймон келтирмайсанми?», дейди.

У: «Сен кazzоб масиҳсан», дейди.

Кейин у мўмин кишининг боши ўртасидан арра тортишга буюради. Уни икки оёғи орасигача арралаб, иккига бўлиб юборилади. Сўнгра Дажжол икки бўлак ўртасидан юриб ўтади, кейин унга: «Тур ўрнингдан!», дейди. У расо ҳолида ўрнидан туради.

Кейин Дажжол унга: «Энди менга иймон келтирасан?», дейди.

«Сенинг кимлигингни яна ҳам аниқ билиб олдим», дейди йигит.

Кейин одамларга қараб: «Эй одамлар! У мендан кейин биронта ҳам инсонга бундай қила олмайди», деб хитоб қиласди.

Шунда Дажжол уни ушлаб, сўймоқчи бўлади ва унинг бўйни билан ўмрови ўртасига пичоқ тортади, лекин, сўйишга қодир бўлмайди.

Шундан сўнг унинг қўл-оёқларидан ушлаб, улоқтиради. Одамлар, Дажжол уни дўзахга улоқтириди, деб ўйлайдилар. Аслида, у жаннатга ташланган бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Бу йигит оламлар Парвардигори ҳузурида шаҳидларнинг энг улуғидир**». (Бухорий: №7132, Муслим: №2938).

Дажжол фитнаси ҳақидаги сўзни ажиб бир ҳадис билан якунламоқчиман. Бу ҳадисни Муслим, Абу Довуд, Термизий ва бошқалар Фотима бинт Қайс ва Тамим ад-Дорийдан ривоят қилганлар.

Фотима бинт Қайс розияллоҳу анҳо айтади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам муаззинларининг «Жамоат намозига!» деган чорловини эшишиб, масjidга чиқдим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқидим. Мен қавмнинг орқа томонида турган аёллар ичиди эдим. Намоздан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга ўтиридилар ва табассум билан: «**Эй одамлар! Ҳеч ким ўрнидан қимирламасин**», дедилар. Сўнгра: «**Биласизларми, нима учун сизларни йиғдим?**», деб сўрадилар. Одамлар: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Аллоҳга қасамки, мен сизларни на**

тарғиб учун, на қўрқитиш учун йиғдим. Балки, сизларни йиғишим сабаби, Тамим ад-Дорий насроний киши эди. У келиб менга байъат берди ва Исломни қабул қилди ҳамда Масих Дажжол хақида мен сизларга айтиб берган ҳадисга тўла мувофиқ келадиган бир воқеани менга сўзлаб берди. Унинг айтишича, Лахм ва Жузом қабиласидан бўлган 30 киши билан кемага минишибди. Тўлқин уларни денгизда бир ой (писта пўчоқдек) ўйнатибди. Ниҳоят, улар денгиздаги бир орол яқинига лангар ташлабдилар. Қайиқларга ўтириб, оролга кириб боришибди. Уларнинг олдига қалин ва пахмоқ юнгли бир жонзот яқинлашибди. Юнгининг кўплигидан олди томонини орқасидан ажратиб бўлмас экан.

«Ҳой шўринг қургур, кимсан сен?», деб сўрабдилар.

«Мен Жассосаман», (жосус маъносида, Дажжолга хабарлар келтириб тургани учун шундай номланган) деб жавоб берибди у.

«Нима у Жассоса?», деб сўрабдилар.

У эса: «Эй қавм, хилватхонадаги анави киши олдига юринглар. Чунки, у сизларнинг хабарингизга муштоқ», дебди.

Тамим ад-Дорий деди:

Махлуқ бизга хилватхонадаги кишини айтгач, бу махлуқ шайтон эмасмикан, деб чўчилик. Кейин тез-тез юриб, хилватхонага кириб бордик. У ерда икки қўли бўйнига боғланган, тиззасидан тўпигигача темир билан кишанланган жуда баҳайбат бир инсонни кўрдик. Биз ундан: «Ҳой шўринг қурғур, сен кимсан?», деб сўрадик.

У: «Менинг хабарим(ни билиш)га қодир бўлдингиз. Менга айтингларчи, ўзингиз кимсизлар?», деди.

«Биз араблармиз. Кемага минган эдик. Денгизда довул бўлган вақтга тўғри келиб қолдик. Тўлқин бизни бир ой ўйнатди. Кейин сенинг мана бу оролинг яқинига лангар ташладик. Қайиқларга ўтириб, оролга келдик. Шунда юнгининг кўплигидан олдини орқасидан ажратиб бўлмайдиган пахмоқ бир жонзот олдимизга келди. «Ҳой шўринг қургур, кимсан сен?», деб сўрадик. «Мен Жассосаман», деди у. «Нима у Жассоса?», деб сўрадик. У эса: «Эй қавм, хилватхонадаги анави киши олдига юринглар. Чунки, у сизларнинг хабарингизга муштоқ», деди. Шундан сўнг биз тез юриб,

сенинг олдинга келдик. Махлуқдан шайтон эмасмиカン, деб чўчилик», дедик.

Ҳалиги киши: «Байсон (Шом диёридаги бир қишлоқ) хурмозори ҳақида менга хабар беринглар», деди.

Биз айтдик: «Унинг нимаси ҳақида сўраяпсан?».

У: «Унинг хурмолари ҳақида сўраяпман. Мева беряптими?», деди.

Биз: «Ҳа», дедик.

«Яқинда улар мева бермай қўяди. Энди менга Табария кўли ҳақида хабар беринглар», деди.

Биз дедик: «Унинг нимаси ҳақида сўраяпсан?».

«Унда сув борми?», деди.

«Ҳа, у жуда серсув», дедик.

«Кўлнинг суви яқинда қурий бошлайди. Энди менга Айн Зуғар (Зуғарбулоқ - Шомдаги шаҳар номи) ҳақида хабар беринглар», деди.

«Унинг нимаси ҳақида сўраяпсан?», дедик.

«Булоқда сув борми? Одамлар экинларини булоқ суви билан суғоришадими?», деб сўради.

«Ҳа, булоқнинг суви кўп, одамлари экинларини булоқ суви билан суғоришади», дедик.

«Уммийлар (яъни, оми, саводсизлар) пайғамбари ҳақида менга хабар берингларчи, у нима қилди?», деб сўради у.

«У Маккадан чиқди ва Ясрибга кўчиб ўтди», дедик.

«Араблар унга қарши уруш қилдими?», деб сўради.

«Ҳа», дедик.

«У улар билан қандай муносабатда бўлди?», деб сўради.

Биз унга у пайғамбарнинг чор атрофдаги араблардан ғолиб келганини ва ҳамма араблар унга итоат қилишганини айтдик.

У: «Шундай бўлдими?», деб сўради.

«Ҳа», дедик.

У деди: «Ҳа, араблар унга итоат қилишса, ўзларига яхши бўлади. Энди мен сизларга ўзим ҳақимда хабар берай. Мен Масих (Дажжол)ман. Яқин орада менга чиқиш учун рухсат берилади. Шунда мен чиқиб, қирқ кунда ер юзининг ҳаммасини айланиб чиқаман. Макка ва Тойбадан ташқари биронта ҳам шаҳару қишлоқни

қолдирмай, кириб бораман. Фақат шу икки шаҳар менга ҳаром қилинган. Қачон улардан бирига кирмоқчи бўлсам, бир фаришта қўлида яланғоч қиличи билан пешвоз чиқиб, мени ундан тўсади. Уларнинг ҳар бир тепалигида уларни қўриқлаб турадиган фаришталар бор».

Фотима бинт Қайс айтади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асолари билан минбарларига нуқиб: «Тойба мана шудир.. Тойба мана шудир», дедилар Мадинани назарда тутиб.

Кейин айтдилар: «Огоҳ бўлинглар, мен сизларга бу ҳақда хабар берган эдимми?».

Одамлар: «Ҳа», деб жавоб бердилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Тамимнинг гаплари жуда ажойиб бўлди. Чунки, улар менинг Дажжол ҳақида, Макка ва Мадина ҳақида сизларга айтиб берган гапларимга тўлик мос келди. Билиб қўйинглар, Дажжол Шом ёки Яман денгизидадир. Йўқ, у машриқ тарафдан (чиқади). Ҳа, у машриқдан, машриқдан..**».

Шундай деб у зот қўллари билан машриққа ишора қилдилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мана шу сўзларни ёдимда сақлаб қолганман, деди Фотима бинт Қайс. (Муслим: №5235).

Севикли дўстларим! Бу айтиб ўтилганлар Дажжол фитнаси ҳақидаги қўплаб хабарларнинг бир қисми эди, холос. Мен сизларни ушбу фитна хатаридан воқиф қилиш учун Аллоҳ мұяссар қилганича айрим ҳадисларни олиб келдим.

Энди бир ҳақли саволнинг жавоби қолмоқда. Яъни, Дажжол ўлдириладими? Агар ўлдирилса, уни ким ўлдиради?!

Ҳа.. Хурсанд бўлингиз, Дажжол қатл этилади, уни Ийсо ибн Марям алайхиссалом ўлдирадилар.

Ибн Можа «Сунан»ида ва Ҳоким «Мустадрак»ида Абу Умома розияллоҳу анхудан ривоят қилган ва Албоний саҳиҳ санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Байтул Мақдисда мусулмонлар имоми уларга бамдод намозин ўқиб бериб турганида Ийсо ибн Марям тушиб келади. Мусулмонлар имоми уни кўриб, танийди ва пайғамбарлар саййиди Муҳаммад соллаллоҳу**

алайҳи ва салламнинг тобеълари бўлган мўминларга Аллоҳнинг пайғамбари Ийсо намоз ўқиб берсинлар, деб орқага чекинади. Шунда Ийсо алайҳиссалом келиб, қўлини мусулмонлар имоми елкасига қўяди ва: «Йўқ, сиз олдинга ўтинг ва намоз ўқиб беринг, сиз учун намозга иқомат айтилди», дейди.

Бир лафзда: «Имомингиз сизлардан эй Муҳаммад уммати», дейди ва Аллоҳнинг пайғамбари Ийсо мусулмонлар имоми орқасида Аллоҳ Роббул оламийнга намоз ўқийди. Мусулмонлар имоми намозни тугатгач, Ийсо турди, мусулмонлар унинг ортида турдилар. Ийсо Байтул Мақдис эшигини очиб, Масих Дажжолни қуролланган етмиш минг яхудий билан турганини кўради. Дажжолнинг кўзи Аллоҳнинг пайғамбари Ийсога тушиши билан сувга тушган туздек эрийди ва қоча бошлайди. Ийсо унинг ортидан қувиб бориб, Фаластиндаги Луд дарвозаси олдида тутиб олади ва уни ўлдиради. Халқлар Дажжолнинг ёмонлигидан қутуладилар».

Энди яна бир савол қолди. Яъни, Дажжол фитнасидан нажот топиш йўли борми?

Ушбу саволга иккинчи хутбамизыва жавоб қидирамиз.

Иккинчи хутба:

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд..

Нажот йўли борми?

Қалбларингиз хотиржам бўлиши учун ушбу савол жавобини мардлар пешвоси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларидан келтираман.

Ибн Можа «Сунан»ида ва Ҳоким «Мустадрак»ида келтирган, Албоний саҳиҳ санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Ким «Қаҳф» сурасидан ўн оят ёд олса, Дажжол фитнасидан омонда бўлади».

Бир лафзда: **«Ким «Қаҳф» сурасининг аввалидан ўн оят ёд олса, Дажжол фитнасидан омонда бўлади».**

Бир лафзда: **«Ким «Қаҳф» сурасининг охиридан ўн оят ёд олса, Дажжол фитнасидан омонда бўлади».** (Муслим: №809, Абу Довуд: №4323, Термизий: №2888).

Дажжол фитнаси нақадар кенг кўламда ва нақадар оғир фитна бўлишини юқоридаги сўзлардан билиб ўтдингиз. Хўш, энди мана шундай оғир фитнадан воқиф бўла туриб, «Қаҳф» сурасидан фақат ўн оят ёдлаб қўйсак, кифоя қиласмикин?! Менимча, сизлар, йўқ, бутун бошли сурани ҳаммасини ёд олиш ҳам бу оғир фитна олдида енгил иш бўлади, десангизлар керак. Айрим кишилар, Макка ё Мадинага бориб оламиз, дейишса ҳам керак.

Мен айтаманки, майли, қўлидан келган одам Макка ё Мадинага бориб олса, жуда яхши. Бу икки шаҳар Дажжолга ҳаром қилинган, у уларга кира олмайди. Шу билан унинг фитнасидан кутулиб қолиш мумкин. Аммо, ҳамма ҳам у ерларга кетиб олиш имкониятига эга бўлавермайди-да.

Шу боис мен сизларга Аллоҳ жалла ва алонинг тавҳидини жойига келтириш ва «La ilâha illâ Allâh» маъносини билишдан қўра каттароқ, буюкроқ ва улканроқ нажот йўлини топа олмайман. Дунё ва охиратда ҳақиқий нажот топишни истаган киши учун энг асл-асос ва омонлик ороли шудир.

Эътибор берган бўлсангиз, Набий Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам Дажжолнинг икки кўзи ўртасига битилган «коғир» сўзини фақат мўмин-муваҳҳидгина ўқий олишини айтдилар.

Билингки, иймон – тил билан айтиб қўйиладиган сўзгина эмас.. Балки, иймон – тил билан айтиш, қалб билан тасдиқлаш ва аъзолар билан амал қилишдир..

Иймон рукнларини ҳам яхши билиб олиш зарур.. Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига,

қадарнинг яхшиси ва ёмонига иймон келтириш.. Ҳозироқ Аллоҳга бўлган иймонни тўғрилаб олмоқ ва ҳақиқий иймонни рўёбга чиқармоқ зарур.

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтганлариdek: «*Иймон таҳаллий* (зийнатланиш) ҳам, *таманий* (орзу-хавас қилиш) ҳам эмасдир, балки у қалбларда ўрнашган ва амаллар уни *тасдиқлаган нарсадир*. Ким яхшиликни гапирса ва яхши амал қилса, ундан қабул қилинади. Ким яхшиликни гапирса ва ёмон амал қилса, ундан қабул қилинмайди».

Аллоҳ таоло айтади:

«**Албатта: «Парвардигоримиз Аллоҳдир», деб, сўнгра** (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) **тўғри** — устивор бўлган зотларнинг олдилариға (ўлим пайтида) фаришталар тушиб: «**Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар! Бизлар ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам сизларнинг дўстларингиздирмиз. Сизлар учун** (жаннатда) **кўнгилларингиз тилаган нарсаларингиз бордир ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз бордир. (Бу) мағфиратли ва меҳрибон зот томонидан бўлган зиёфатдир», (дерлар)» (Фуссилат: 30-32).**

Аллоҳ таоло айтади:

«**Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун** Фирдавс боғлари манзил бўлур. Улар, у жойларда мангу қолар эканлар, (бошқа бирон жойга) кўчишни истамаслар. Айтинг: «Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари (яъни, илму ҳикматларини битиш) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари, у денгизлар тугаб битар!». (Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Уларга) айтинг: «**Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Тангрингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани** (унга) **шерик қилмасин!** (Яъни, қиласиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)» (Кахф: 107-110).

Эй Аллоҳ, бизларнинг гуноҳларимизни яширгин ва бизларни шарманда қилмагин, бизларни икром қилгин, хор қилмагин!

Эй Аллоҳ, ушбу муборак жамоадаги ҳар бир кишининг биронта ҳам гуноҳини қўймай мағфират этгайсан, биронта ҳам беморни қўймай шифо ато этгайсан, ҳеч бир қарзни қўймай адо этгайсан, вафот этганларимизни раҳматингга олгайсан, осийларимизни кечиргайсан, тоат-ибодатдагиларимизни саботли қилгайсан, Сенинг розилигинг ва бизнинг фойдамиз бўлган ҳар қандай ҳожатимизни раво қилгайсан, эй оламлар Парвардигори!

Эй Аллоҳ, ушбу жамоатимизни раҳматинг инган жамоат қилгин, бу ердан тарқалишимизни гуноҳдан холи тарқалиш қилгин, ораларимизда биронта ҳам бахтсиз ва маҳрумни қолдирмагин.

Эй Аллоҳ, бизни ҳидоят қилгин, биз сабабли ҳидоят қилгин, бизни ҳидоятланувчиларга сабабчи қилгин.

Эй Аллоҳ, агар одамларни фитналашни истасанг, бизни шармандаи шармисор бўлмаган ҳолимизда ҳузурингга олгин, эй раҳмлиларнинг раҳмлироғи!

Эй Аллоҳ, мусулмонларни ўз ҳимоянгга олгин, оч мусулмонларни тўйдиргин, яланғочларини кийдиргин!

Дўстларим! Неки тўғриликка муваффақ этилган бўлсам, ҳаммаси Аллоҳнинг ёлғиз Ўзидан. Неки хато, унутиш содир бўлган бўлса, бари ўзимдан ва шайтондан, Аллоҳ ва Расули ундан покдир. Мен устидан сизлар жаннатга ўтиб оладиган, ўзи эса жаҳаннамга улоқтириладиган кўприк бўлиб қолишдан, сизларга насиҳат қилиб, ўзимни унутишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман.

Эй Аллоҳ, Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўллагин.

2011 йил 19-май.

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

علامات الساعة الكبرى

نَزَولُ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ

Охирад ҳовлиси силсиласи

Шайх Мұхаммад Ҳассон

Қиёматнинг катта аломатлари

Ийсо ибн Марям алайҳиссаломнинг тушишлари

Ислом Нури таржимаси

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уругларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбариға итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Бугунги суҳбатимиз «Охират ҳовлиси силсиласи»дан бешинчи суҳбат бўлади. Олдинги суҳбатимизда Ҳузайфа ибн Усайд ал-Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисни музокара қила бошлаган эдик. Унда шундай дейилади:

«Гаплашиб ўтирган эдик, Пайғамбар sollalohu alaihi wasallam чиқиб келдилар ва: «Нима тўғрисида гаплашаяпсизлар?», дедилар. Биз: «Қиёмат ҳақида гаплашаяпмиз», дедик. **«Қиёмат то ундан олдин ўнта аломатни кўрмагунларингча қоим бўлмайди»**, дедилар ва тутунни, Дажжолни, добба (ер жоновори)ни, қуёшнинг ботиш тарафидан чиқишини, Ийсо ибн Марямнинг тушишини, Яъжуж ва Маъжужни ва учта ер ютишни – биттаси машриқда, иккинчиси мағрибда, учинчиси араб жазирасидаги ер ютишини зикр қилдилар, охиргиси Ямандан чиқадиган ва одамларни маҳшарлари сари ҳайдайдиган ўт эди» (Муслим: №2901, Абу Довуд: №4311, Термизий: №2184).

Бугун биз мазкур катта аломатлардан яна бири, яъни Ийсо ибн Марям алайҳиссаломнинг тушишлари ҳақида сўз юритамиз.

Одатимизга кўра, суҳбат мавзусини бир неча моддаларга бўлиб олиб борамиз:

Биринчи: Ийсо ибн Марям ва мўъжизакор таваллуд.

Иккинчи: Балки, Аллоҳ уни ўз ҳузурига кўтарди.

Учинчи: Ийсонинг самодан ерга тушишлари.

Дикқат билан қулоқ солишларингизни умид қиласман. Зоро, мавзу ўзига хос аҳамиятга эга бўлган мавзулардан биридир.

Биринчи: Ийсо ибн Марям ва мўъжизакор таваллуд

Севикли биродарим! Ушбу мавзудаги сўзни бошлаш учун Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзларидан кўра гўзалроқ ва муносиброқ сўз топмадим:

«(Эй Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам,) Имроннинг хотини: «Парвардигорим, мен қорнимдаги нарсани (хомилани дунё ишларидан) озод этиб, Сенга назр қилдим. Бас, (бу назримни Ўз даргоҳингда) қабул айла! Албатта Сен эши тувчи, билувчисан», деганини эсланг! Кўзи ёригач эса бундай деди: «Парвардигор, мен қиз туғдим». Ҳолбуки, Аллоҳ унинг нима туққанини билувчироқдир ва ҳар қандай ўғил бу қиз каби (бу қизнинг ўрнини босувчи) эмасдир.— «Ва мен унга Марям деб исм қўйдим. Мен бу қизга ва унинг зурриётiga даргоҳингдан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришингни Сендан илтижо қиласман». Бас, Парвардигори уни (Марямни) хуш қабул айлаб, чиройли парвариш этди ва унга Закариёни кафил қилди. Ҳар қачон Закариё (Маряннинг) олдига — ҳужрага кирганида унинг ҳузурида бир ризқ-насиба кўрди. У: «Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?» — деб сўраганида (Марям) жавоб қилди: «Булар Аллоҳ ҳузуридандир. Албатта Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ берур» (Оли Имрон: 35-37).

Ушбу латиф ва гўзал сўзлар бўстонида сайр қилишга киришишдан олдин шуни айтиб ўтмоқчиманки, башарият тарихида Аллоҳ таоло Одам алайхиссаломни тупроқдан яратганидан бери илк маротаба пайғамбарни онасига нисбат берилаётган эди.

Марям — Аллоҳ таоло энг покиза ҳомиладорлик ва мўъжизакор таваллуд борасидаги Ўзининг буюк сирини омонат қўйиши учун бутун дунё аёллари ичидан танлаб олган борлиқдаги ягона аёл эди.

Марям покиза ва тавқодор қиз бола эди. Аллоҳ таоло уни бутун олам аёллари ичидан танлаб олиб, унга Ўз руҳидан пуфлади ва унга бутун дунё оналарига насиб этмаган мана шундай олий рутбани тақдим этди.

Маряннинг онаси Ҳанна бинт Фокуд туғиши ёшидан ўтиб қолган эди. Шундай бўлса-да, у Аллоҳдан ноумид бўлмади ва бир фарзанд ато этишини сўраб, Унга илтижо қилди. Зотан, Аллоҳ ҳар бир ишга қодир зот. Аллоҳ унинг дуосини ижобат қилди. Еру осмонлардаги ҳеч бир куч-қудрат Уни ожиз қила олмайдиган ва ҳар нарсани биргина «Бўл!» амри билан бўлдирадиган Зотнинг қудрати билан унинг вужудида ҳомила ҳаракатга келди. Ҳомиладор бўлганининг шукронасини адо этишни истади ва: «Парвардигорим, мен қорнимдаги нарсани (хомилани дунё

ишларидан) озод этиб, Сенга назр қилдим. Бас, (бу назримни Ўз даргоҳингда) қабул айла! Албатта Сен эшитувчи, билувчисан», деди. Кексалик ёшига етганидан кейин ўзига инъом этилган бу неъматга шукrona ўлароқ қорнидаги ҳомиласини Аллоҳ йўлида – яъни, Байтул Мақдис хизмати учун – назр қилди. Ой-куни этиб, чиройли ва ширингина бир қиз фарзандни дунёга келтирди. Аллоҳ йўлига назр қилган фарзанди қиз бўлганидан ғамгин бўлиб, деди: «**Парвардигор, мен қиз туғдим**». Ҳолбуки, Аллоҳ унинг нима туққанини билувчироқдир ва ҳар қандай ўғил бу қиз каби (бу қизнинг ўрнини босувчи) эмасдир.—«**Ва мен унга Марям деб исм қўйдим. Мен бу қизга ва унинг зурриётiga даргоҳингдан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришингни Сендан илтижо қиламан**».

Ҳанна деди: «Ё Парвардигор! Менинг фарзандим қиз бўлиб туғилди. Ҳолбуки, Сен менинг нима туққанимни Ўзинг яхшироқ биласан. Яъни, Сен уни менга бердинг ва Сен унинг қиз бўлишини тақдир қилдинг. Куч-куватда ва Масжидул Ақсо хизматида ўғил бола билан қиз бола баробар бўлмайди. Ё Парвардигор! Мен унга ва унинг зурриётiga – яъни унинг фарзанди Ийсо ибн Марямга – шайтоннинг шарридан Ўзингдан паноҳ истайман». Аллоҳ унинг дуосини ижобат қилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Дунёга келадиган ҳар бир гўдак борки, (туғилажак пайтида) шайтон уни ушлайди, (нўқийди) шунда у шайтоннинг ушлашидан қичқириб овоз қилади. Фақат Ибн Марям ва онаси бундан мустасно бўлди**».(Аҳмад: №7182, Муслим: №2366, Саҳиҳул-жомиъ: №5775).

«**Бас, Парвардигори уни (Марямни) хуш қабул айлаб, чиройли парвариш этди..**». Яъни, онасининг назрини мақбул айлади ва унинг кўринишини ёқимтой ва кўркам қилди, қабул сабабларини унга муюссар айлаб, бандалари ичидаги солиҳ зотларга яқин қилиб қўйди. У улардан илм, яхшилик ва дин ўрганди.

«**Унга Закариёни кафил қилди..**» Марям етим бўлгани туфайли Закариё унга кафил бўлганди. Бир қавлга кўра, ўша йили қаҳатчилик бўлгани туфайли Марямни холасининг риояси ва тарбияси остида бўлиши учун холасининг эри (Закариё) ўз кафолати остига олди. Бу

икки сўз ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Яна бир қавлда уни опасининг эри бўлгани ҳам айтилган.

Қуръон бизга шуни ҳам таъкидладики: «**Ҳолбуки, Сиз улардан қайсилари Марямга кафил бўлишини билиш учун қаламларини (куръа қилиб) ташлаганларида уларнинг олдида эмасдингиз ва талашиб-тортишганларида ҳам уларнинг олдида эмасдингиз**» (Оли Имрон: 44).

Яъни, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ўшанда улар ўртасида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларда сиз йўқ эдингиз. Бироқ, Аллоҳ бу ишларни сизга худди кўриб турганингиздек қилиб билдириди, улар Марямни – бу покиза ва тоҳира навниҳолни ким ўз кафолати ва тарбиясига олиши ҳақида баҳслashiб, бунинг савобига ноил бўлиш умидида қуръа ташлаганлари хабарини берди. Ҳанна Марямни кўтариб, Мусо пайғамбарнинг оғаси Ҳоруннинг авлоди бўлмиш Банул-Коҳин қавми олдига олиб чиқди ва уларга: «Бу қизим назр қилинган, мен уни уйимга олиб кетолмайман, ҳайзли аёл масжидга ҳам киролмайди», деди. Шунда Закариё: «Уни менга беринглар, унинг холаси менинг аёлим бўлади», деди. Улар: «Буни биз ҳам истаймиз, чунки у имомимизнинг қизидир», дейишди. Кейин улар қуръа ташлашга келишишди ва шундай қилишди.

Қуръани қандай ташлаганларини биласизми? Тавротни кўчириб ёзадиган қаламларини Ундун дарёсига отадиган ва кимнинг қалами оқим билан бирга оқиб кетмай, ўрнида қолса, ўша киши Марямни ўз кафолатига оладиган бўлди. Дарҳақиқат, шундай қилдилар.

Оқмай қолган биргина қалам эгаси ким бўлди, деб ўйлайсиз?! Ҳа, у Закариё алайҳиссалом бўлди. Бу эса Аллоҳнинг Ўзигагина аён бўлган ва У Зот бизларга билдирган ҳикмат туфайли, яъни Марям пайғамбар таълимини олиши, Аллоҳнинг пайғамбари, заковат соҳиби Закариёдан илм ва билим ўрганиши учун бўлганди. Закариё уларнинг пешволари, имомлари ва ўша замон пайғамбари эди.

Аллоҳ таоло айтади: «**Ҳар қачон Закариё (Маряннинг) олдига — ҳужрага кирганида унинг ҳузурида бир ризқ-насиба кўрди**».

Закариё Марямни Аллоҳ наздида бу қадар олий рутбага етказган бу поклик, бу зоҳидлик ва бу тавҳиддан таажжубланаарди. У қачон унинг ҳузурига кирса, у у ерда қишда ёз мева-чевалари, ёзда қишда бўладиган

ноз-неъматларни кўрарди. (Бу ёз ва қишдан совук юртларники тушунилмасин, ҳодиса Фаластинда юз берган. Тарж)

«У: «Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?» — деб сўраганида (Марям): «Булар Аллоҳ ҳузуридандир. Албатта Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ берур», деб жавоб қилди».

Шундай қилиб, Аллоҳ Марямни танлаб олди, поклик, иффат, салоҳият ва тақво бўстонидан бир тоза гулни ажратиб олди. Марям шу покиза жойда ва шу тоза иймоний мухитда ўсиб-улғайди. Аллоҳ уни танлаб олди ва бутун дунё аёллари ичидан уни Ўз башоратига хослади. Нақадар буюк башорат! Нақадар олий танланиш!

Аллоҳ таоло айтади: **«Фаришталар Марямга: «Ё Марям, албатта Аллоҳ сени (аёллар орасидан) танлаб олди ва (барча гуноҳлардан) поклади ҳамда сени бутун оламларнинг аёлларидан афзал қилди. Ё Марям, Парвардигорингга итоат қил ва рукуъ (Аллоҳга ибодат) қилувчилар билан бирга сажда ва рукуъ (яъни ибодат) қил!», деганларини эсланг!»** (Оли Имрон: 42, 43).

Оҳ, нақадар олий рутба, нақадар юксак даража, эй Марям!!

Марям Парвардигорнинг ибодатида бир зум бўлса-да бўшашмади, ҳаёти мудом рукуъ ва сажда ичидан ўтиб борарди. Бир кун келиб, Аллоҳ таоло унга бутун дунё оналарига насиб этмаган ўша олий мартабани ато этишни истади.

Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам,) ушбу Китобда (яъни Қуръонда) Марямни зикр қилинг: У ўз аҳли-оиласидан четга – кун чиқар томонга бориб, улардан беркиниб олган пайтида, Биз унга ўз руҳимиз - (яъни Жаброил)ни юбордик. Бас у (Марямга) бус-бутун (рўйрост) одам бўлиб кўринди.

(Марям унга): **«Мен Раҳмонга (яъни Аллоҳга) сифиниб, сендан паноҳ беришни илтижо қилурман. Агар (Аллоҳдан) қўрқувчи бўлсанг (менга зиён етказмагин)», деди.**

(Жаброил) айтди: «(Қўрқмагин), мен фақат сенга бир покиза ўғил ҳадя қилиш учун (келган) Парвардигорингнинг элчисидирман, холос».

(Марям) деди: «Менга одамзод тегмаган бўлса, бузуқ аёл бўлмасам менда қаёқдан фарзанд бўлсин?!»

(Жаброил) айтди: «Шундай. Парвардигоринг айтурки, бу (иш) Менга осондир. Биз у (болани) одамлар учун оят-мўъжиза ва йўз томонимиздан бўлган раҳмат-марҳамат қилурмиз. Бу битган ишдир» (Марям: 16-21).

Кунлардан бирида Марям ўзининг хос хонасида бокира қизларга хос ишлари билан банд экан, тўсатдан кўркувдан овози бўғилди, даҳшатдан кўзлари қинидан чиқаёзди.. Чунки, покиза ва бокира қизнинг юрагини ёриб юборгудек ва ақлини карахт қилгудек бир синоат юз берганди!! Унинг хилват хонасида рўйи-рост бир эркак кўринишида малак пайдо бўлганди! Марям жон ҳолатда еру осмонлар Парвардигоридан ёрдам сўраб, илтижо қила бошлади. «(Марям унга): **«Мен Раҳмонга (яъни Аллоҳга) сифиниб, сендан паноҳ беришни илтижо қилурман. Агар (Аллоҳдан) қўрқувчи бўлсанг** (менга зиён етказмагин), деди».

Ақлу заковатнинг ўткирлигига қаранг! У Жабборга (кудратли Зотга) сифиниб, сендан паноҳ тилайман, демади,Faффорга (кечиримли Зотга) сифиниб, сендан паноҳ тилайман, демади. Балки, Раҳмон (раҳмли Зот) зикри билан унинг қалбида раҳм-шафқат уйғотишни умид қилди ва Раҳмонга сифиниб, сендан паноҳ беришини илтижо қиласман, деди. Яъни, менинг заифалигимга, аёллигимга, хилватда ёрдамчисиз эканимга раҳминг келсин, демоқчи бўлди.

Бироқ, Аллоҳ таоло унга бундан-да каттароқ муфожаани (кутилмаган ишни) тайёрлаб турган эди. Аллоҳнинг изни билан ҳалиги инсон қиёфасидаги малак унга шундай хитоб қилди: **«Сен қўрқма ва дилгир бўлма, мен фақат сенга бир покиза ўғил ҳадя қилиш учун келган Парвардигорингнинг элчисидирман, холос».**

Марям деди: **«Менга одамзод тегмаган бўлса, бузуқ аёл бўлмасам менда қаёқдан фарзанд бўлсин?!».** Ҳа, фахшдан мутлақо узоқ бўлган бу покиза қиз фарзанд вужудга келиши учун турмуш қурган бўлиш лозимлигидан бошқа нарсани билмас ва ўзини ҳали турмушга чиқмагани учун фарзандли бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмасди!

Шунда қатъий жавоб янграйди, малак ва буюк элчи хитоб қилади:

«Шундай. Парвардигоринг айтурки, бу (иш) Менга осондир. Биз у (болани) одамлар учун оят-мўъжиза ва Ўз томонимиздан бўлган раҳмат-марҳамат қилурмиз. Бу битган ишдир».

Аллоҳ таоло бошқа бир оятда айтганидек: «Яна ўз номусини сақлаган аёлни (яъни Марямни эсланг). **Бас, Биз Ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга пуфладик** (ва у Ийсога ҳомиладор бўлди) **ва уни ҳамда ўғлини барча оламлар учун оят-ибрат қилдик**» (Анбиё: 91).

Шу ерда халқлар ичида умуман кўрилмаган ғайриоддий бир иш содир бўлди: **«Биз Ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга пуфладик»**. Ва у Ийсога ҳомиладор бўлди. Яъни, фаришта Жаброил Аллоҳнинг амри билан унинг кўйлаги устидан пуфлади. Бу эса Аллоҳнинг қудрати беқиёс ва чек-чегарасиз эканини халқларга кўрсатиб қўйиш учун эди. Ўз қосир ақли билан Аллоҳнинг қудрати чек-чегарасига етаман деб уринган кишининг мисоли тоғни бир жойдан бошқа жойга кўчиришга уринган чумолидан фарқсиздир! Ахир, Аллоҳ шундай Зотки: **«Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоқлигидир. Бас у (нарса) бўлур — вужудга келур»** (Ёсин: 82).

Аллоҳ шундай Зотки, еру осмонлардаги бирон нарса Уни ҳаргиз ожиз қолдира олмас!

Хўш, ким у осмонларни устунсиз яратиб қўйган Зот?!

Ким у ерни яратган ва унда дарёлару денгизларни ёриб қўйган, уни дарахтлару ўт-ўланлар билан зийнатлаб қўйган Зот?!

Ким у буғдой бошоғини яратган ва ундаги донни шундай мустаҳкамметин парда билан ўраб қўйган, ҳар бир буғдой донаси учига тикан ўрнатиб қўйган Зот?! Хўш, нега У шундай қилиб қўйди?!

Чунки, Аллоҳ таоло бу донни сен учун озуқа бўлишини истади ва қурт-қумурсқалардан ҳимоя қилиб қўйди эй одамзот!!

Ким у инсоннинг ўзини ҳам шундай мукаммал ва гўзал қилиб яратиб қўйган Зот?!

Аллоҳдир У, Аллоҳдир У, Аллоҳдир!!!

«У — Аллоҳ шундай зотдирки, ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, фақат Унинг ўзи ҳақдир. (У) ғайб ва шаҳодатни (яъни яширин ва ошкора нарсаларни) билувчиидир. У меҳрибон ва раҳмлидир. У — Аллоҳ, шундай зотдирки, ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг ўзи бордир. У

(ёлғиз) **подшоҳдир**, (барча айб-нуқсондан) **покдир-саломатдир**, (Ўзи хоҳлаган бандаларини дунё бало-офатлари ва охират азобидан) **омон қилувчидир**, (бандаларнинг амалларини) **кўриб-кузатиб турувчидир**, **кудрат соҳибидир**, **бўйсиндирувчидир**, (танҳо) **кибр эгасидир**. Аллоҳ уларнинг (мушрикларнинг) **ширкларидан покдир**» (Ҳашр: 22-23).

Шеър (мазмуни):

«Уфқларда Аллоҳга йўлловчи аломатлар бисёрдир,
Эҳтимолки, сиз улардан жуда камин биларсиз.
Унинг вужудингизда жойлашган аломатлари ҳам
Жуда ҳайратомуздир агар очиқ кўз билан боқсангиз.
Борлик сир-асрорлар билан тўладир,
Уларга ечим қидирсангиз, ожиз қоласиз.
Ўлим чангалига тушган табибдан сўранг:
Эй дардларни даволовчи, сени ким ўлдирди?
Тиббиёт фани даволашдан ожиз қолганидан сўнг
Буткул тузалиб кетган bemордан сўранг, сени ким тузатди?
Соппа-соғ туриб ўлиб қолган кишидан сўранг:
Эй соғлом инсон, сени ўлимга ким маҳкум этди?
Тиқилинчда туртинмай бораётган кўрдан сўранг:
Эй кўзи ожиз, сени ким йўлга солмоқда?
Кўзи очиқ бўла туриб чуқурга йиқилган
Кишидан сўранг: Сени ким қулатди?
Ташқи оламдан узилган, озуқасиз яшаётган
Ҳомиладан сўранг: Сенга ким ризқ берди?
Туғилиш пайти чинқириб йиғлаган
Гўдақдан сўранг: Ким сени йиғлатди?
Заҳар сочаётган илонни кўрсангиз
Сўранг ундан: Ким сени заҳарга бой қилди?
Сўранг: Оғзинг тўла заҳар бўла туриб,
Ўзинг қандай ўлмай, омон юрибсан?
Асаларидан сўранг: Қандай бол ясайсан?
Асалдан сўранг: Сени ким тотли қилиб қўйди?
Тезак ва қон орасидан отилиб чиқувчи
Тоза сутдан сўранг: Ким сени мусаффо қилди?

Үлиқдан чиқиб келаётган тирикни кўрсангиз
Сўранг ундан: Ким сенга жон бахш этди?
Саҳрова ўсиб турган ёлғиз бутадан
Сўранг: Ким сенга озуқа берди?
Уруғни ёриб чиққан ниҳолни кўрсангиз
Сўранг: Данагингни ким ёрди?
Атрофга нур сочаётган ойни кўрсангиз
Сўранг ундан: Ким сенга нур берди?
Булутларга юзлашган тоғни кўрсангиз
Сўранг: Сени ким бунчалар пурвиқор этди?
Алангаси кўкка ўрлаган ўтни кўрсангиз
Сўранг: Сенга ким бунчалар ҳарорат берди?».

У Аллоҳдир.. У Аллоҳдир!!

Жаброил айтди: «Шундай. Парвардигоринг айтурки, бу (иш) Менга осондир. Биз у (болани) одамлар учун оят-мўъжиза ва йўз томонимиздан бўлган раҳмат-марҳамат қилурмиз. Бу битган ишдир».

Ҳа, бу иш Парвардигорга жуда осон.. ахир У эмасми бутун халқларни яратган Зот?! У эмасми Одам алайҳис-саломни отасиз ва онасиз яратган Зот?! Бас, шундай экан, Ийсони отасиз, онадан яратиш Унга ҳеч қийин эмас!! Бу иш одамлар учун Холиқнинг қудрати ҳадсиз-худудсиз эканига бир далил бўлсин!

Аллоҳ таоло айтади: «Яна (иймон келтирган зотлар ҳақида) ўз номусини сақлаган аёлни — **Марям бинти Имронни** (мисол келтирди). **Бас, Биз ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга пуфладик** (ва у Ийсога ҳомиладор бўлди). У **Парвардигорининг сўзларини ва китобларини тасдиқ этди ҳамда** (Аллоҳнинг амрига) **итоат этувчилардан бўлди»** (Таҳрим: 12).

Ҳомила зоҳир бўлди.. Муфассирлар сўзлари ичida рожиҳроқ (кучлироқ) қавлга кўра, Марямдаги ҳомиладорлик одатий, тўққиз ой давом этди. Шубҳасиз, Аллоҳ жалла ва ало ғайриоддий бошланган бу ҳомиладорликни ғайриоддий ҳолда ниҳоясига етказишга, уни бир

лаҳзанинг ўзида ёруғ дунёга келтиришга ҳам қодир Зот эди.. Лекин, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Марямнинг сабру бардошини синамоқни, бокира ва пок Марядан ўзга ҳеч бир аёл кўтаришга тоқати етмайдиган бундай улкан имтиҳон ва синовни кўтаришга бўлган куч-тоқатини имтиҳон қилишни истади.

Марямда ҳомиладорлик белгилари кўриниб қолди.

Юсуф ан-Нажкор – Байтул Мақдис хизматини қилиб юрувчи обид инсон – Марямнинг қорнида ҳомиладорлик белгилари бўртиб турганини кўргач, унга мурожаат қилиб, деди:

- Эй Марям, уруғсиз ҳам экин бўлиши мумкинми?! Ёмғирсиз ўсимлик униб чиқадими?! Отасиз фарзанд вужудга келадими?!

Юсуф закий ва фаросатли инсон эди. У Марямнинг покиза ва обида зот эканини биларди.

Марям жавоб берди:

- Ҳа, эй Юсуф.
- Қандай қилиб, эй Марям?
- Эй Юсуф, Аллоҳ Одамни яратганида уни отасиз ва онасиз вужудга келтирганини, биринчи бор ўсимликни яратганида уни уруғсиз вужудга келтирганини, набототни илк яратганида сувсиз ва ёмғирсиз яратганини унутдингми?!
- Ҳа, шундай. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан – деди Юсуф.

Аллоҳ таоло айтади:

«Бас, (Марям) унга ҳомиладор бўлиб, у билан бирга йироқ бир жойга кетди. Бас, тўлғоқазоби уни бир хурмо дарахтининг шохига олиб борди (ва у шохга осилган ҳолда кўзи ёригач), деди: «Қани, мана шу (кундан) илгари ўлиб кетсан-у, бутунлай унутилиб кетсан эди».

И з о ҳ. Биби Марям ўша фурсат очиққан, чанқаган ва ниҳоятда қийналган эдилар. Сув йўқ, емиш йўқ, руҳлари тушкун эди.

Шунда (хурмо дарахтининг) ортидан (Жаброил) нидо қилди:
«Ғамгин бўлма, Парвардигоринг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб қўйди.

(Мана шу қуриб қолган) **хурмо шохини силкитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлар.**

Энди сен еб-ичгин, шод-хуррам бўлгин. Бас, агар одамзоддан биронтасини кўриб қолсанг (ва у сендан бу боланинг отаси ҳақида сўраса) у ҳолда: «Мен Раҳмон йўлида рўза тутмоқни назр (ахд) қилганман, бас, бугун бирон инсонга сўзламайман», дегин.

Сўнг (Марям боласини) кўтарган ҳолда қавмига келганида улар: «Эй Марям, сен ҳеч ким қилмаган ишни қилдинг-ку!

Эй Ҳоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас, онанг ҳам фоҳиша эмас эди-ку!» дедилар.

Шунда (Марям оғиз очмасдан боласига) ишора қилди (яъни унинг ўзидан сўранглар, деди). Улар айтдилар: «Бешикдаги гўдак билан қандай сўзлашурмиз?!»

(Шу пайт чақалоқ, яъни Ийсо тилга кириб) деди: «Мен Аллоҳнинг бандасидирман. У зот менга Китоб — Инжил ато этди ва мени пайғамбар қилди.

Яна мени қаерда бўлсам, хайру-баракотли қилди ва модомики ҳаёт эканман, намозни (адо этишни) ва закотни (ато этишни) амр қилди.

Шунингдек, (Аллоҳ) мени онамга меҳрибон қилди ва мени ситамкор бадбахт қилмади.

Менга туғилган кунимда ҳам, вафот бўладиган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам тинчлик-омонлик бўлур». (Марям: 22-33).

Ҳа, бешикда ётган чақалоқ Ийсо ана шундай деди! Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ! Мен Аллоҳнинг бандасиман, У менга Инжилни ато этди, мени пайғамбар қилди, модомики ҳаёт эканман, намозни адo этишга ва закотни ўташга буюрди, мени онамга меҳрибон қилди ва ерда зўравонлардан ва бадбахтлардан қилмади.

Қуръон бизга Ийсонинг қиссасини шундай давом эттиради:

Улар (яъни яхудий ва насронийлар) шак-шубҳа қилаётган Ийсо ибни Марям (яъни унинг ҳақидаги Аллоҳнинг) Ҳақ сўзи мана шудир.

Аллоҳ учун ҳеч қандай бола тутиш жоиз эмас — У зот (бундай нуқсондан) покдир. У бирон ишни қилмоқни истаса фақат унга «Бўл», дер. **Бас** (ўша иш) бўлур.

(Ийсо айтди): «Албатта Аллоҳ Парвардигорим ва Парвардигорингиздир. Бас, Унга ибодат қилингиз! Мана шу ҳақ йўлдир». (Марям: 34-36).

Аллоҳ насронийлар айтадиган сўздан покдир. Комиллик Унинг сифатларидан биридир! Аллоҳ таоло учун бола тутиш муносибми?!

У нега фарзанд тутиши керак, ҳолбуки халқларидан беҳожат бўлса, халқлар эса Ундан асло беҳожат бўлолмасалар??!

Аллоҳ таоло фарзанддан ҳам, шериқдан ҳам, жуфтдан ҳам беҳожат Зот!!

Шеър (мазмуни):

Эй Масихга сиғинувчилар, сизга бир саволимиз бор,

Унинг жавобини сиздан кутамиз.

Агар илоҳ бир қавмнинг қўли билан ўлса

Уни илоҳ деб аташ мумкинми?!

Қизиқ, қабр худони ўз бағрига олса?!!

Ундан ҳам қизиқроғи, она қорни уни кўтарса!!

У ерда тўққиз ойни ўтказса,

Зулматлар ичра ҳайз қонидан озиқланса?!!

Заиф ва noctor гўдак ҳолида дунёга келса,

Очликдан чинқириб, кўкракка талпинса?!!

Еса, ичса, кейин ҳожат танг қилса?!!

Илоҳ шундай бўладими?!!

Насронийларнинг бўхтонидан Аллоҳ покдир!!

Эртага улар бу қилмишларига жавоб бергайлар!!

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Сухбатимизнинг ушбу қисмини мана бу гўзал ва муборак сўзлашув билан якунламоқчиман. Унда Парвардигоримиз Ўз пайғамбари Ийсо алайҳиссаломни мана бундай поклайди:

«Эсланг (эй Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам), Аллоҳ: «Эй Ийсо ибн Марям, одамларга: «Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни худо қилиб олинглар», деб сен айтдингми?» — деганида, (Ийсо) айтди: «Эй пок парвардигор, ҳаққим бўлмаган нарсани айтиш мен учун дуруст эмас-ку. Агар айтган бўлганимда Сен албатта билар эдинг.

Зотан Сен дилимдаги бор нарсани билурсан. Аммо мен Сенинг дилингдаги ҳеч нарсани билмасман. Фақат Сен Ўзинг ғайб илмларининг билимдонисан. Мен уларга фақат Ўзинг амр қилган гапнигина айтдим: «Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳга ибодат қилингиз!» Ва ораларида бўлган муддатимда уларнинг устида гувоҳ бўлиб турдим. Мени Ўз ҳузурингга чорлаганингдан кейин эса Сен Ўзинг уларнинг устида кузатувчи бўлдинг. Сен Ўзинг ҳамма нарсага гувоҳдирсан. Агар уларни азобласанг, улар Сенинг бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат эгасидирсан» (Моида: 116-118).

Иккинчи: Балки, Аллоҳ уни ўз ҳузурига кўтарди

Яхудийлар – уларга Аллоҳнинг тинимсиз лаънатлари бўлсин – Ийсо ибн Марямни ўлдиришганини ва чормихга тортишганини даъво қилишди. Насронийлар эса жаҳолат ва билимсизлик билан, Ийсо чормихга тортилиб, қатл қилинган, кейин уч кундан сўнг қабридан чиқиб келиб, самога кўтарилиб кетган, у Тангрининг – отасининг ёнида ўтиради, у тириклар ва ўликлар ўртасида ҳукм қилиш учун холос кунини кутади, деб даъво қилишди. «Уларнинг оғизларидан чиққан сўз оғир сўздир. Улар фақат ёлғон сўзлайдилар» (Каҳф: 5).

Аллоҳ таоло ҳақни баён қилиб берди ва яхуд ҳамда насронийларнинг ёлғонларини фош этди. Аллоҳ таоло айтади:

«Яна коғирликлари ва Марям хусусида улуғ бўхтон қилганликлари сабабли ҳамда Аллоҳнинг пайғамбари бўлган ал-Масих Ийсо ибн Марямни «бизлар ўлдирганмиз», деган сўzlари сабабли (Биз уларни лаънатладик). Ҳолбуки, улар уни ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун (бошқа бирор Ийсога) ўхшатиб қўйилди, холос Албатта, Ийсо ҳақида талашиб-тортишган кимсалар унинг (ўлдирилган-ўлдирилмагани) ҳақида шубҳада қолганлар. У ҳақда фақат гумонларга бериладилар, холос. Уни ўлдиримаганлари аниқдир. Балки уни Аллоҳ ўз ҳузурига кўтаргандир. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир. Ҳар бир аҳли Китоб

ўлими олдидан унга (яъни Ийсога) албатта иймон келтиур. Қиёмат Кунида эса у буларнинг зарарига гувоҳ бўлур» (Нисо: 157-159).

Муфассирлар айтишларича, яхудийлар Ийсони қатл қилиш учун келаётганларида Аллоҳ Яҳузо ал-Исхарютий (Judas Iscariot) деган шахсни Ийсо қиёфасига киритиб қўйди. Бу кимса яхудийларга Ийсонинг турган жойини кўрсатиб бериш учун келаётган эди. Аллоҳ унинг ўзини балога гирифтор этиб, уни Ийсо қиёфасига киритиб қўйди. Шундан сўнг яхудийлар уни тутиб, қатл қилдилар ва чормихга тортдилар.

Бошқа бир қавл ҳам борки, уни саҳиҳ санад билан Ибн Аби Ҳотим ва Насоий Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар, Ибн Касир «Нисо» сураси тафсирида уни саҳиҳ санаган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтадилар:

Аллоҳ таоло Ийсони самога қўтаришни истаганида у ҳаворийларидан ўн икки нафари йиғилиб ўтирган хонага кирди ва уларга: «Ораларингиздан бир киши менга иймон келтирганидан кейин тезда яна кофир бўлади», деди.

Сўнг уларга: «Қай бирингиз менинг қиёфам унга ташланишини ва менинг ўрнимга қатл этилиб, жаннатда мен билан бир даражада бўлишни қабул қиласди?», деди.

Шу ерда ўтирганлар ичida энг ёши кичиги бўлган бир ёш йигит ўрнидан туриб: «Мен», деди.

«Ўтири!», деди унга Ийсо. У жойига ўтирди.

Кейин Ийсо яна ҳалиги сўзларини такрорлади. Яна ўша йигит ўрнидан турди. «Ўтири!», деди унга Ийсо яна. У яна жойига ўтирди.

Кейин учинчи марта ҳалиги сўзларини такрорлади. Яна ўша йигит ўрнидан турди. Шундан сўнг Ийсо: «Ҳа, у сен экансан», деди. шундай қилиб, Аллоҳ таоло ўша йигитга Ийсонинг қиёфасини туширди, Ийсони эса самога қўтарди.

Ийсони ўлдириш қасдида келган яхудийлар у йигитни тутиб, қатл қилдилар ва уни чормихга тортдилар. Ийсога иймон келтирганлар ичидан баъзиси Ийсо бироз олдин хабар берганидек, унга кофир бўлди.

Энди Аллоҳ таоло Ийсони бир неча ҳикматлар туфайли ерга туширади.

Жумладан, уни ўлдирғанларини даъво қилған яхудийларни ёлғончи қилиш учун;

Шунингдек, ушбу ҳақиқатдан кўз юмган жоҳил насронийларни ёлғончи қилиш учун;

Барча инсонларга Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам ва у зотга эргашган мұваҳҳидлар одамлар ичиде Ийсога энг яқинроқ кишилар эканини, чунки Ийсо тушиб келгач, Аллоҳнинг Китоби ва Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам шариатлари бўйича ҳукм қилишларини билдириш учун туширади.

Қолаверса, Аллоҳ таоло Ийсони шу ер юзида вафот эттириш учун ҳам туширади. Акс ҳолда, Аллоҳ таолонинг мана бу сўзларига нима дейсиз:

«(Эй Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам), **Аллоҳ** айтган бу сўзларни эсланг: «**Ё Ийсо, албатта Мен сени вафот қилдирувчи ва Ўз ҳузуримга кўтарувчиман.** Ва кофирлар ёмонлигидан халос қилувчиман ҳамда то Қиёмат Кунигача сенга эргашган зотларни кофирлардан юқори қўюрман. Сўнгра Менга қайтажаксиз. Бас, ўзим сизлар талашиб-тортишган нарсалар ҳақида ораларингизда ҳакамлик қилурман» (Оли Имрон: 55).

Жумҳур муфассирлар сўзларига кўра, оятда айтилган вафот қилдириш кичик ўлим маъносидадир. Аллоҳ таоло бошқа бир оятда айтганидек: «**У кечаси «жонингизни оладиган»** (яъни уйқу берадиган), **кундузи қилған ишингизни биладиган зотdir»** (Анъом: 60).

Яна бир оятида айтганидек: «**Жонларни ўлим вақтларида, (ҳали-ҳануз) ўлмаганларини эса ухлаётган пайтларида Аллоҳ олур. Бас Ўзи ўлимга ҳукм қилған жонларни** (баданларга қайтармасдан) **ушлаб қолур, бошқаларини эса белгиланган бир муддатгача** (яъни ажаллари етгунича) **қўйиб юборур. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир»** (Зумар: 42).

Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам ҳам уйқудан турғанларида: «**Бизни ўлдирганидан сўнг яна қайта тирилтирган ва қайтиш ҳам Унинг ҳузурига бўладиган Аллоҳга ҳамд бўлсин»,** дердилар (Бухорий: 6312, Термизий: №3413, Абу Довуд: №5049).

Демак, юқоридаги оятда айтилган «**Мен сени вафот қилдирувчиман**» деган оятдан мурод – кўзингга уйқу солувчиман,

демақдир. Мана шу билиттифоқ кичик ўлимдир. Шундан сүнг Аллоҳ уни осмонга күтарди, кейин уни Ўзи истаган пайтда туширади.

Учинчи: Ийсонинг самодан ерга тушишлари

Аллоҳ таоло Ийсо алайхиссаломни Ўз ҳузурига күтарганини ва уни Ўзи истаган кунда қиёмат қойим бўлишининг катта аломатларидан бири сифатида яна қайта ерга туширишини баён қилди. Қуръонда шундай дейилади:

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), қачонки (Ийсо) ибн Марям мисол келтирилса, баногоҳ қавмингиз (бу мисолдан шодланиб) қичқира бошлайдилар. Улар: «Бизларнинг илоҳларимиз яхшироқми ёки уми (яъни Ийсоми?!) дедилар. Улар (бу мисолни) сизга фақат талашиб-тортишиш учунгина келтирдилар. Ахир улар хусуматчи-урушқоқ қавмдирлар!»

И з о ҳ. Бу оятлар мушриклар Ийсо ибн Марямни мисол қилиб, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни мулзам этмоқчи бўлишгани хусусидадир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурайшликларга «(Эй мушриклар), сизлар ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтингларидир», оятини (Анбиё сураси, 98-оят) тиловат қилғанларида, мушриклар ғазабга минишиб: «Эй Мұхаммад, бу фақат бизларга тегишлими ёки барча миллатларгами?» деб сўрашади. Ҳазрат уларга «Бу оят барча замонлардаги мушриклар ва улар сиғинадиган нарсаларга тегишилидир», деб жавоб бергач, улардан бири туриб: «Ахир сен Ийсони Аллоҳнинг пайғамбари деб эдинг-ку! Ҳолбуки насронийлар уни худо деб сиғинадилар. Бас, агар Ийсо насронийлар уни худо қилиб олганлари сабабли дўзахга тушадиган бўлса, бизлар ҳам ўз худоларимиз билан дўзахга тушишига розимиз. Энди бизларга айтгинчи, бизларнинг худоларимиз яхшироқми ёки Ийсоми?!» деди. Шунда юқоридаги оятлар нозил бўлиб, Ийсо пайғамбардан кейин насронийлар у зотни худо қилиб олишганлари учун у киши айбдор эмасликлари, бу мушриклар эса фақат талашиб-тортишиш учунгина бундай беҳуда мисолларни келтиришлари баён этилади. Қуийдаги оятларда Ийсо ибн Марям ким бўлганликлари хусусида яна бир бор уқтириллади.

У фақатгина Биз (пайғамбарлик) инъом этган бир бандадир. Биз

уни (отасиз дунёга келтириш билан) Бани Исроил учун (Бизнинг қудратимизни намойиш қиласиган) бир мисол-ибрат қилдик. Агар хоҳлаганимизда, албатта сизларнинг ўрнингизга Ерда халифа бўладиган фаришталарни (пайдо) қилган бўлар эдик.

Албатта у (яъни Ийсо Қиёмат) Соати ҳақидаги билим-аломатdir. **Бас, сизлар у (Соат) ҳақида ҳаргиз шак-шубҳа қилмангиз!** (Эй Муҳаммад, Макка ахлига айтинг): «Менга эргашинглар. Мана шу Тўғри йўлдир» (Зухруф: 57-61).

Иbn Жарир сахиҳ санад билан ривоят қилишича, Иbn Аббос розияллоҳу анҳумо: «Албатта у қиёмат ҳақидаги алломатdir» ояти ҳақида, яни, Ийсонинг тушиши, деганлар. Ийсо тушса, бу қиёматнинг яқинлашганига далолат қилувчи катта аломат бўлади.

Аллоҳ таоло юқорироқда зикр қилинган оятда айтганки: **«Ҳар бир аҳли Китоб ўлими олдидан унга (яъни Ийсога) албатта иймон келтирур»**. Яъни, Ийсо алайҳиссалом ўлимларидан олдин, демакдир.

Сахиҳ ва мутавотир Суннат (ҳадислар) ҳам Ийсо алайҳиссаломнинг осмондан ерга тушишларини баён қилган.

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ичингизга Ибн Марям одил ҳакам бўлиб тушиши яқиндир. Шунда у хочни синдиради, чўчқани ўлдиради, жизяни бекор қиласи, молу дунёни тошириб юборганидан уни бирор олмай қўяди» (Бухорий: №2222, Муслим: №155).

Абу Довуд «Сунан»ида сахиҳ санад билан Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Мен билан Ийсо ибн Марямнинг орамизда набий йўқ. У албатта нозил бўлгай. Қачон уни кўрсангиз, таниб олингиз. У ўрта бўйли ва ўртача жуссали, оқ-қизилга моил рангли кишидир. Боши ҳўл бўлмаса ҳам, ундан сув томчилаб турганга ўхшаб кўринади». (Абу Довуд: №4324, Албоний «Ас-саҳиҳа»да (№2182) сахиҳ санаган).

«Саҳиҳ Муслим»да Наввос ибн Самъондан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ийсо

Димашқнинг шарқий тарафидаги оқ минора олдида (оч сариқ рангга бўялган) икки кийим ичида, икки қўлини икки фариштанинг қанотига қўйган ҳолда нозил бўлади. Қачон бошини эгса, қатралар тушади. Қачон уни кўтарса, ундан луълуъ каби доналар тўкилади. Аллоҳнинг пайғамбари Ийсо Димашқдан Байтул Мақдисга қараб йўл олади. (У етиб келганида) намозга иқомат айтилган пайт бўлади. Зийрак ва закий имом Аллоҳнинг пайғамбари Ийсони кўриб, танийди ва Аллоҳнинг пайғамбари Ийсо намоз ўқиб берсинлар, деб орқага чекинади. Шунда Ийсо алайҳиссалом келиб, қўлини мусулмонлар имоми елкасига қўяди ва: «Сиз учун намозга иқомат айтилди. Сизлар баъзингиз баъзингизга амирсиз. Бу Аллоҳнинг ушбу умматга кўрсатган ҳурматидир», дейди. Сўнг Аллоҳнинг пайғамбари Ийсо мусулмонлар имоми ортида намоз ўқийди. Намоздан сўнг Ийсо пайғамбар Байтул Мақдис эшигига қараб кетади ва уларга уни очишни буюради. Эшикни очишгач, эшик ортида Дажжолни қуролланган етмиш минг яҳудий билан турганини кўрадилар. Дажжол Аллоҳнинг пайғамбари Ийсони кўриши билан сувга тушган туздек эрийди ва қоча бошлайди. Аллоҳнинг пайғамбари Ийсо унинг ортидан қувиб бориб, Фаластиндаги Луд дарвозаси олдида тутиб олади ва уни ўлдиради ва халқларни Дажжолнинг ёмонлигидан қутқаради».

Имом Аҳмаднинг «Муснад»ида ва «Саҳиҳ Ибн Ҳиббонда» келган ва Ҳофиз Ибн Ҳажар санадини саҳиҳ санаган, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуда қизиқ бир гап айтганлар: «**Ийсонинг даврида Исломдан бошқа барча миллатлар ҳалок бўлади, Аллоҳ таоло ал-Масиҳ ад-Дажжолни ҳалок қиласди, ерга омонлик нозил бўлади, ҳатто шерлар туялар билан, йўлбарслар сигирлар билан, бўрилар қўйлар билан яйловда бирга бўлади**» (Муснад: №8902).

Мусулмон биродарим! Ҳадиснинг бошидаги сўзларга эътибор беринг! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Исломдан бошқа барча миллатлар ҳалок бўлишини хабар бермоқдалар.

Субҳаналлоҳ!! Аллоҳу акбар!!

Шодлан эй муваҳҳид! Хурсанд бўл эй «ла илаҳа иллаллоҳ» ошиғи!

Ха, Аллоҳга қасамки, Исломдан ўзга барча динлар ҳалок бўлгай!
«Аллоҳ наздида мақбул дин Исломдир» (Оли Имрон: 19).

Энди ҳадис давомига диққат қилинг! Шерлар туялар билан, йўлбарслар сигирлар билан, бўрилар қўйлар билан ёнма-ён юрса!!

Абу Умома ривоятида – санади саҳиҳ – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Бўри қўйлар билан худди (поданинг) итидек бўлади. Гўдак бола шер ёнидан ўтса, у унга зарар етказмайди. Қизалоқ илон ёнидан ўтади, у унга зиён етказмайди. Зулм кўтарилиб, тинчлик-омонлик ва фаровонлик қарор топади. Барака зиёда бўлиб, ерга эминлик нозил бўлади».

Наввос ибн Самъон ривоятида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Кейин ерга: «Ҳосилингни ундири, баракангни қайтар» дейилади. Ўша кунда одамлар бир анонинг ўзини еб, пўстлоғини соябон қиласидилар. Подаларга барака киритилади. Ҳаттоқи бир туюнинг сути бир катта жамоа одамларга кифоя қиласиди. Бир сигирнинг сути бир қабила одамларга етади. Бир қўйнинг сути бир уруғ одамларга етади...» (Муслим: №2937).

Субҳаналлоҳ!!

Шундай қилиб, ер аҳли тарихда мисли кўрилмаган фаровон ҳаёт кечира бошлайди. Ҳатто, Дайламий ва Зиё ал-Мақдисий ривоят қилган ва Албоний саҳиҳ санаган, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлариdek: «**Масиҳ (тушгани)дан кейинги ҳаёт нақадар яхши, Масиҳ (тушгани)дан кейинги ҳаёт нақадар яхши!** Осмонга ёмғир ёғдиришга изн берилади. Ерга набототларни ундиришга изн берилади. Ҳатто, силлиқ тошга уруғ қадасанг ҳам, албатта униб чиқади. Одамлар ўртасида адovat, ҳасад ва нафрат бўлмайди. Бир киши шернинг олдидан ўтади, у унга зиён етказмайди. Илонни босиб олади, у унга зиён етказмайди. Одамлар ўртасида адovat, ҳасад ва нафрат бўлмайди» (Албоний «Ас-саҳийҳа»да (№1926) саҳиҳ санаган).

2011 йил 2-июн

Охират ҳовлиси силсиласи

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

علامات الساعة الكبرى

يأجوج و مأجوج

Шайх Мұхаммад Ҳассон

Ислом Нури таржимаси

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Үнга ҳамд ва истигфор айтамиз, Үндан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсанни адаштирувчи, адаштирган кимсанни ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар, у зот омонатни адо этганлар, рисолатни етказганлар, умматга холис насиҳат қилганлар, Аллоҳ таоло у зот сабабли зулматларни ёритган, у зот Аллоҳ йўлида то ўлим келгунича ҳақиқий жиҳод қилганлар деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотни энг яхши мукофотлар билан мукофотлагин.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Фозил дўстлар, азиз биродарлар, барчангизга Аллоҳнинг саломи бўлсин, қадамларингизга ҳасанот, даврамизга хуш келибсиз, барчамизни Аллоҳ таборака ва таоло Ўзининг муборак уйида Ўз тоати устида жамлагани каби Ўзининг жаннати ва каромат ҳовлисида ҳам жамласин ва даъватчилар саййиди бўлган Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга қилсин. Зотан, У бунинг эгаси ва бунга қодирдир.

Ваъз-насиҳат услуби билан илмий асослаш ўртасини, таъсирли воқеа-ҳодисалар билан манҳажийлик ўртасини ўзида бирлаштирган «Охират ҳовлиси силсиласи» деб аталган ушбу муҳим илмий силсиладан мақсад одамларга бу дунё ҳақиқатини англатиш бўлиб, токи улар Аллоҳ таолога тавба ва инобат қилишга ошиқсалар, ўлим тўсатдан келиб, уларни кўча-кўйда жанжаллашиб турган пайтларида олиб кетиб қолишидан, улар на бирон васият қилишга ва на уйларига қайтишга қодир бўлмай қолишлиаридан олдин ғафлатдан қутулсалар.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Бугунги суҳбатимиз «Охират ҳовлиси силсиласи»дан олтинчи суҳбат бўлади. Ушбу суҳбатимизда биз Имом Муслим «Саҳиҳ»да Ҳузайфа ибн Усайд ал-Ғифорий розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам зикр қилган қиёматнинг катта аломатларидан яна бири ҳақида сўзлашамиз.

Мазкур ҳадисни яна бир эсга олиб ўтамиш:

«Гаплашиб ўтирган эдик, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқиб келдилар ва: «Нима тўғрисида гаплашаяпсизлар?», дедилар. Биз: «Қиёмат ҳақида гаплашаяпмиз», дедик. «Қиёмат то ундан олдин ўнта аломатни кўрмагунларингча қоим бўлмайди», дедилар ва тутунни, Дажжолни, добба (ер

жонивори)ни, қуёшнинг ботиш тарафидан чиқишини, Ийсо ибн Марямнинг тушишини, Яъжуж ва Маъжужни ва учта ер ютишни – биттаси машриқда, иккинчиси мағрибда, учинчиси араб жазирасидаги ер ютишини зикр қилдилар, охиргиси Ямандан чиқадиган ва одамларни маҳшарлари сари ҳайдайдиган ўт эди» (Муслим: №2901, Абу Довуд: №4311, Термизий: №2184).

Олдинги сұхбатларимизда биз Дажжол ҳақида, Ийсо алайҳиссаломнинг нозил бўлишлари ҳақида сўз юритган эдик. Бугунги сұхбатимиз мавзуси Яъжуж ва Маъжужга бағишлиланади.

Одатимизга кўра, бугун Яъжуж ва Маъжуж ҳақидаги сўзимизни ҳам бир неча моддаларга бўлиб олиб борамиз:

1. Биринчи: Қисқача луғавий ва шаръий асослаш.
2. Иккинчи: Дўзахга юборилувчилар.
3. Учинчи: Зулқарнайн ва Яъжуж ва Маъжуж.
4. Тўртинчи: Уларнинг қиёмат олдидан чиқишилари.
5. Бешинчи: Ийсо ибн Марям ва ижобат бўлган дуо.

Дикқат билан қулоқ солишиларингизни умид қиласман. Аллоҳ таолодан барчамизни сўзга қулоқ солиб, унинг яхшисига эргашадиган кишилардан қилишини сўрайман.

Биринчи: Қисқача луғавий ва шаръий асослаш

Севикли дўстларим!

Бир талай муаррих ва муфассирлар Яъжуж ва Маъжуж ҳақида ажаб хабарлар ва ғарип ривоятларни келтиришади, унда уларнинг келиб чиқишилари, насл-насаблари, шакл-шамойиллари, ранглари, турар жойлари ҳақидаги маълумотларни беришади.

Аслида, ушбу ривоят ва хабарлар қуруқ хурофот, вахм-гумон ва афсоналардан бошқа нарса эмас. Чунки, аксарияти исроилиётдан олинган. Ишончли манбалардан, яъни Қуръон ва Суннатдан олинмаган. Бинобарин, ҳеч бир кимса бу каби ғайбга тааллуқли ишлар хусусида Қуръон ёки Суннатдан олинган кучли далилларсиз гапириши дуруст бўлмайди. Биз Яъжуж ва Маъжуж ёки Зулқарнайн ҳақида сўз юритиш учун исроилиёт ва ғарип, тўқима-ёлғон хабарлар ортидан ҳакиллаб чопиб юришга эҳтиёжимиз йўқ. Аксинча, Раббимизнинг Китобида ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Суннатларида бизни бундан беҳожат қиласиган етарлича далил-хужжатлар мавжуд ва биз ўшаларга мурожаат қилишимиз вожиб бўлади.

Яъжуж ва Маъжуж Одам алайҳиссалом зурриётидан бўлган икки халқ бўлиб, бошқа инсонлардан ўта ваҳшийликлари ва ададларининг кўплиги, шунингдек, ер юзида мислсиз вайронагарчиллик ва бузғунчилик қилишилари билан ажralиб туришади.

Муҳаққиқ луғатшунослар луғат китобларидан, жумладан Ибн Манзурнинг «Лисанул-араб» луғат тўпламидан нақл қилишиларича, Яъжуж ва Маъжуж сўzlари араб тилида ўтнинг алангланиб ёниши маъносини англатувчи «ажиж» (أجيج) сўзидан, шунингдек ўта шўр ва ўта аччиқ сув маъносидаги «ал-маа-ул-ужаж» (الماء الْعَاج) сўзидан олинган.

Бу билан мазкур икки қавмнинг ер юзида мислсиз бузғунчилик қилиши ва ўта шиддатли фитналарини алангали ўт ва аччиқ-шўр сувга ўхшатилган.

Яъжуж ва Маъжужнинг қисқа ва лўнда луғавий маъноси шу бўлиб, бу ҳақда маълумотга эга бўлиш кишини улар ҳақида битилган афсона ва хурофотлар гирдобига шўнғиб кетишдан сақлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Яъжуж ва Маъжужни «баъсун-наар», яъни, қиёмат куни дўзахга юбориладиган қавм, деб таърифлаганлар. Суҳбатимиз давоми шу ҳақда бўлади.

Иккинчи: Дўзахга юборилувчилар – баъсун-наар

«Саҳиҳайн»да Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Аллоҳ қиёмат куни: «Эй Одам!», деб хитоб қиласди. Одам алайҳиссалом: «Лаббайка ва саъдайк, ҳамма яхшиликлар Сенинг қўлингда эй Парвардигор!», деб жавоб беради. Аллоҳ азза ва жалла: «Дўзахга юборилувчиларни чиқар!», дейди. Одам алайҳиссалом: «Кимлар у дўзахга юборилувчилар?», деб сўрайди. «Ҳар минг кишидан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси жаҳннамга, биттаси жаннатга!», дейди Аллоҳ таоло».

Бу гап Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларини жуда қийин аҳволга солиб қўйди.

Бир ривоятда: «Қавм бутунлай умидсизликка тушиб, кулгуни эсда чиқариб қўйди».

Бир ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари ийглаб: «Ё Расулуллоҳ! Қайси биримиз ўша бир киши?», деб сўрадилар.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавоб бердилар: «Хурсанд бўлингиз! Хурсанд бўлингиз! Тўққиз юз тўқсон тўққизтаси Яъжуж ва Маъжуждан, бир киши эса сизлардан».

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, мен умид қиласманки, сизлар жаннат аҳлининг тўртдан бири бўласизлар». Биз шунда такбир айтиб юбордик.

Кейин дедилар: «Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, мен умид қиласманки, сизлар жаннат аҳлининг учдан бири бўласизлар». Биз яна такбир айтиб юбордик.

Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳга қасамки, мен умид қиласманки, сизлар жаннат аҳлининг ярми бўласизлар».

Пайғамбаримиз умматлари баҳти умматдир.. Пайғамбаримиз умматлари Аллоҳнинг раҳматига сазовор умматдир.

Шеър (мазмуни):

«Эй Парвардигор! Сенинг «Эй бандаларим!» деган хитобинг остига киришим ва менга Аҳмадни Пайғамбар қилиб юборганинг менинг фахру ифтихоримни ошириб юборди ва мен юлдузлардан ҳам юқорироққа кўтарилиб кетдим».

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматидан бўлганинг шукронасига сажда қил эй биродар! Уммати Муҳаммад Парвардигор таборака ва таолонинг мақтови ва раҳматига сазовор умматдир!

Аллоҳ таоло бу умматга деди: «(Эй уммати Муҳаммад), одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз» (Оли Имрон: 110).

Аллоҳ таоло бу умматга деди: «Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар

сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик» (Бақара: 143).

Термизий, Аҳмад, Ибн Можа ҳасан санад билан ривоят қилган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Сизлар етмишта умматни тўлдирувчиси (яъни сўнгиси) бўлдингиз, сизлар улар ичида энг яхиси ва Аллоҳга энг мукаррамисиз**». (Бухорий: №4487, Термизий: №2965, Саҳиҳул-жомиъ: №8034).

Ҳа, сизлар энг яхши умматсиз.. Сизлар умматлар ичида Аллоҳ жалла ва алога энг мукаррамисиз..

Бухорий ва бошқалар Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Қиёмат куни Нуҳни чақирилади.** У: «Лаббай, амрингга ҳозирман, эй Парвардигор», дейди. «(Менинг рисолатимни) етказдингми?», деб сўрайди. У: «Ҳа», деб жавоб беради. Унинг умматидан: «**Сизларга етказганми?**», деб сўралади. Улар: «Бизга ҳеч қандай огоҳлантирувчи (пайғамбар) келган эмас», дейишади. «Сенга ким гувоҳ бўлади, эй Нуҳ?», деб сўрайди Аллоҳ таоло Ўзи яхши билиб тургани ҳолда. «**Мұхаммад ва у кишининг умматлари гувоҳлик беради**», деб жавоб беради Нуҳ. Шунда сизлар чақириласиз ва унинг етказган эканига гувоҳлик берасиз, кейин мен чақириламан ва сизлар устингизда гувоҳ бўламан.

Бу Аллоҳ таолонинг: «Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат-уммат қилдик» (Бақара: 143), деган ояти маъносидир». Сўнг: «**Ўрта – адолатдир**», дедилар. (Саҳиҳул-жомиъ: №8034, Бухорий: №4487, Аҳмад, Термизий, Насорий, Ибн Можа).

Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган қуйидаги ҳадис ҳам пайғамбарлар саййиди умматлари ичида пешқадамлар ва улар ортидан келганларнинг фазлини баён қилиб беради:

Бир куни Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабристонга келдилар ва: «**Ассалому алайкум мўмин қавмлар диёри! Сизлар собиқ (аввал ўтган)ларсиз, биз эса иншооллоҳ, сизларнинг орtingиздан борувчимиз**», дедилар.

Кейин у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Қани энди биродарларимизни кўрсак эди**», дедилар.

Саҳобалар: «Биз сизнинг биродарларингиз эмасмизми, ё Расууллоҳ?», деб сўрадилар.

«Сизлар менинг саҳобаларимсиз. Биродарларимиз эса ҳали-ҳануз келмаган кишилардир», дедилар.

«**Ё Расууллоҳ, ҳануз келмаган умматингизни қандай танийсиз?**», деб сўрадилар.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Айтингларчи, агар бир кишининг қашқа отлари тим қора отлар орасида юрган бўлса, у ўз отларини таний оладими?**», дедилар.

«**Бўлмасачи, ё Расууллоҳ**», деб жавоб бердилар.

Расууллоҳ соллаллоҳ алайҳи ва саллам: «Улар Қиёмат куни таҳоратнинг асаридан (юз-қўллари) порлаган ҳолда келадилар», дедилар (Бухорий: №136, Муслим: №249, Насойи: №1/93-95).

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

Энди сұхбатимиз давомида Яъжуж ва Маъжужнинг бузғунчилиги ва тажовузига дучор бўлган қавм билан Зулқарнайн ўртасида бўлиб ўтган гўзал сўзлашувдан воқиф бўламиз.

Учинчи: Зулқарнайн ва Яъжуж ва Маъжуж

Аллоҳ таоло Зулқарнайн ҳикоясини Қуръон Карим сураларидан биргина сурада - «Қаҳф» сурасида келтирган. Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳ алайҳи ва саллам), яна сиздан Зул-қарнайн ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Энди мен сизларга у (ҳақдаги хабар)дан бир зикрни тиловат қилурман».

Дарҳақиқат, Биз унга (Зул-қарнайнга) бу Ерда салтанат – ҳукмронлик бердик ва (кўзлаган)барча нарсасига йўл-имконият ато этдик.

Бас, у (аввал Ғарбга қараб) йўл олди.

То (кетаётиб) кун ботадиган жойга етгач у (куёшнинг) бир лойқа булоққа ботаётганини кўрди ва у (булоқ) олдида бир қавмни учратди. Биз: «Эй Зулқарнайн, ё (уларни) азобга дучор қилурсан, ёки уларга яхши муомалада бўлурсан», дедик.

У айтди: «Золим бўлган кимсани, албатта, азоблагаймиз. Сўнгра Парвардигорига қайтарилгач, У зот уни яна даҳшатли азоб билан азоблар.

Энди иймон келтириб яхши амаллар қилган зотга келсак, унинг учун гўзал оқибат — жаннат мукофот бўлур. Биз ҳам унга ишимиздан осон-енгилларини буюрумиз».

Сўнгра, у (Шарққа қараб) йўл олди.

То (кетаётиб) кун чиқишига етиб боргач, унинг (куёшнинг) бир қавм устига чиқаётганини(кўтарилаётганини) кўрдики, **Биз** у (қавм) учун күёшдан (сақланадиган уй либос каби) бирон парда қилмаган эдик.

Худди илгаригидек бўлди (яъни, Зул-қарнайн бу қавмга ҳам кун ботишдаги қавмга қилган муомалани қилди). **Аниқки,** **Биз** **унинг** **барча** **ишларидан** **хабардормиз** - (уни) **иҳота қилиб олгандирмиз.**

Сўнгра, у яна йўл олди.

То (кетаётиб) икки тоғ ўртасига етиб келгач, у (тоғлар ортида) **бирон** **гапни** **англай** **олмайдиган** қавмни учратди.

Улар: «Эй Зул-қарнайн, шак-шубҳасиз, (шу тоғлар ортидаги) Яъжуж ва Маъжуж (қабилалари) Ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Бизлар сенга бир (миқдор) тўлов тўласак, биз билан уларнинг ўртасига бир сад чекиб (бир тўғон куриб) берасанми?» дедилар.

У (Зул-қарнайн) айтди: «Парвардигорим менга ато этган (салтанат) сизлар берадиган (мол-дунёдан) яхшироқдир. **Бас,** сизлар менга (мол-дунё билан эмас, балки) қувват билан ёрдам беринглар, мен сизлар билан уларнинг ўртасига бир девор бино қиласай.

Сизлар менга темир парчаларини келтиринглар. То (темир парчалари) иккала тоғ билан баробар бўлгач, (Зул-қарнайн: «Босқонлар билан) дам уринглар», деди. **Бас,** қачон у (темир-терсакларни қиздириб) ўт

қилгач (эритгач), деди: «**Менга эритилган мис (ҳам) келтиринглар, уни(темир парчаларининг) устидан қуорман.**

Энди улар у (тўсиқ) устига чиқишига ҳам, уни тешиб ўтишга ҳам қодир эмаслар».

«Бу Парвардигорим томонидан бўлган бир марҳаматдир. Энди қачон Парвардигорим(Яъжуж ва Маъжуж чиқади, деб) ваъда қилган вақт келганида (яъни, Қиёмат қойим бўлишига яқин қолганида), Ўзи у (тўсиқни) теп-текис қилиб қўюр. Парвардигоримнинг ваъдаси ҳақдир», деди у» (Кахф: 83-98).

Зулқарнайн ва Яъжуж ва Маъжуж ҳикояси шундан иборат.

Шуни айтишим керакки, Зулқарнайн ҳикояси атрофида шу қадар кўп ва турли-туман афсоналар, хаёлий ва хурофий қиссалар тўқилганки, хижолат ва уятдан таҳқиқ аҳлининг пешонаси тиришмай иложи йўқ.

Ўз илми ва ақлини ҳурмат қиласидан ҳеч бир киши Зулқарнайн ҳикояси борасида Куръонда келган оятлар чегарасидан чиқиши жоиз бўлмайди. Зоро, Аллоҳ таоло Куръонда келтирган ҳикояда бу ҳақда етарлича маълумотлар мавжуд, ундан ортиқаси бари исроилиёт тўқималаридан бошқа нарса эмас. Биз Зулқарнайн шахси атрофида тўқилган бундай хурофт ва афсоналар гирдобига чуқур киришиб кетишимиш тўғри бўлмайди.

Келинг, энди Зулқарнайн ва Яъжуж ва Маъжуж воқеаси ҳақида Куръонда келтирилган оятларни енгилгина тафсир билан кўриб чиқайлик.

Зулқарнайн солиҳ бандадир, унинг пайғамбар бўлган-бўлмагани хусусида тафсирчилар ўртасида ихтилоф мавжуд, бирон киши бу ҳақда аниқ бир гап айтишга жазм қилмаган.

Қисса мушрикларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Зулқарнайн ҳақида савол сўрашлари билан бошланади: «(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиздан Зул-қарнайн ҳақида сўрайдилар...**».

Саволнинг жавоби Аллоҳ таоло томонидан келади: «**Айтинг...**».

Тафсир уламолари айтишларича, оятдаги «Айтинг» сўзи талқин учун бўлиб, шу калима орқали бу қиссани Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз томонларидан эмас, балки Аллоҳ таолонинг ваҳийиси билан айтиб беришлари аниқлашади.

«Энди мен сизларга ундан (яъни, у ҳақдаги хабардан) бир зикрни тиловат қилурман».

Оятдаги «ундан» (عندن) калимаси «табъизийя» учун, яъни, ундан баъзисини деган маънони ифодалаш учундир. Чунки, Аллоҳ таоло бизга Зулқарнайн ҳикоясидан баъзи бир қисмини зикр қилиб беради. Агар Қуръонда келтирилганидан кўра кўпроқ маълумот зикр қилинишида биз учун яхшилик бўлганида, Аллоҳ таоло албатта зикр қилган бўларди. Шундай экан, биз Қуръонда келган ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларида зикр қилинган нарсада тўхташимиз яхши бўлади.

«Дарҳақиқат, Биз унга (Зул-қарнайнга) бу Ерда салтанат – ҳукмронлик бердик...».

Ўйлаб кўринг.. Ким унга ерда салтанат-ҳумронлик берди?!

Қуръондаги тамкин – салтанат ва ҳукмронлик бериш ҳақидаги оятларни тадаббур қилсангиз, уларнинг ҳаммасида тамкин Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога нисбат берилганини кўрасиз. Балоғатга доир ушбу қоида қалбларга иймоний қоида бўлиб ўрнашади.

Демак, давлатлар, халқлар ва миллатларга салтанат ва ҳукмронлик берәётган зот Аллоҳ таоло деб билмоғимиз, қалбларимизни ҳамма нарсанинг эгаси бўлган Зотга боғлашимиз, шу билан бир қаторда сабабларни ҳам ушлашни тарк қиласмилигимиз лозим бўлади. Аллоҳга ҳақиқий таваккул шудир.

Уммат фақат Аллоҳнинг изни билан ҳукмронликка эришади, уммат фақат Аллоҳнинг изни билан ҳукмронлиқдан чекинади.

Аллоҳ таоло айтади: «**Айтинг: Эй мулку давлат эгаси бўлган Аллоҳим, сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдадир. Албатта Сен барча нарсага қодирсан**» (Оли Имрон: 26).

«Дарҳақиқат, Биз унга (Зул-қарнайнга) бу Ерда салтанат – ҳукмронлик бердик ва (кўзлаган)барча нарсасига йўл-имконият ато этдик».

У барча сабабларни ва тамкин, нусрат, фатҳ ва ғалабага етказувчи воситаларни ушлади.

Аллоҳ таоло айтади: «**Уларни (яъни мусулмонларни) агар Биз ер юзига ғолиб қилсак – улар намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, яхшилика буюрадилар, ёмонлиқдан қайтарадилар.** (Барча) ишларнинг оқибати Аллоҳнинг (измидадир)» (Ҳаж: 41).

Айрим халқларга Аллоҳ таоло тамкин, яъни салтанат ва ҳукмронлик беради, улар тамкин сабабларини маҳкам ушлашлари оқибатида Аллоҳ таоло уларга сабот ва тамкинни яна ҳам зиёда қилади. Айрим инсонлар борки, Аллоҳ уларга тамкин-салтанат берса, тамкин сабабларини маҳкам тутиб, салтанат ва ҳукмронликлари яна ҳам кучайишига йўл очадилар. Ушбу сабабларни кўлдан беришлари оқибатида эса Аллоҳ улардан ҳукмронликни олиб, ўзларини ҳалокатга етказади.

Аллоҳ таоло Зулқарнайнга ҳам ер юзида ғалаба, салтанат ва ҳукмронлик берди, машриқу мағриб оралиғида кезиш ва истаган ишини қила олишга имконият очиб берди.

Зулқарнайн Аллоҳ йўлидаги жиҳодини аввал ғарб томондан бошлайди.

«Бас, у (аввал Ғарбга қараб) йўл олди. То (кетаётиб) кун ботадиган жойга етгач у (куёшнинг)бир лойқа булоққа ботаётганини кўрди ва у (булоқ) олдида бир қавмни учратди».

Маълумки, қуёш учун фақат битта қунчиқар ва қунботар бўлмасдан, унинг бир неча чиқар ва ботар ўрни бўлади. Аллоҳ таоло айтади: «**Бас, (шундок экан) машриқлар ва мағрибларнинг Парвардигорига қасам ичурман...**» (Маориж: 40).

Йилнинг фасллари, ой ва кунларига қараб, қуёшнинг бир неча чиқар ва ботар ўринлари бўлади. Маконларга қараб унинг бир неча чиқар ва ботар ўринлари бўалди. Куннинг чиқиш ва ботиш пайтида қуёш гардишини кузатувчи кишининг кузатишига нисбатан ҳам унинг бир неча чиқиш ва ботиш ўринлари бўлади.

«Биз: «Эй Зулқарнайн, ё (уларни) азобга дучор қилурсан, ёки уларга яхши муомалада бўлурсан», дедик».

Зулқарнайн ўзининг адолатли манҳажи ва ҳикматли дастурини баён қилди.

«У айтди: Золим бўлган кимсани, албатта, азоблагаймиз. Сўнgra Парвардигорига қайтарилгач, У зот уни яна даҳшатли азоб билан азоблар. Энди иймон келтириб яхши амаллар қилган зотга келсак, унинг учун гўзал

оқибат — жаннат мукофот бўлур. Биз ҳам унга ишимиздан осон-енгилларини буюрумиз».

Ким Аллоҳга ширк келтириш билан ва менга эргашмаслик билан зулм қилса, уни азоблайман, Аллоҳ ҳузурида ҳам унинг учун азоб бордир. Аммо, ким менга эргашса, мен келтирган нарсага иймон келтирса, Аллоҳни ягона деб билса ва Аллоҳнинг манҳажида устувор турса, у учун хайрли оқибат – жаннат бордир. Мен томонимдан унга бўладиган муомалага келсак, биз унга енгил-кулай ишларни айтамиз.

Кейин Зулқарнайн иккинчи сафарида машриққа қараб йўл олди.

«Сўнгра, у (Шарққа қараб) йўл олди. То (кетаётиб) кун чиқишига етиб боргач, унинг (қуёшнинг) бир қавм устига чиқаётганини (кўтарилаётганини) кўрдики, Биз у (қавм) учун қуёшдан (сақланадиган уй, либос каби) бирон парда қилмаган эдик.

«Худди илгаригидек бўлди (яъни, Зулқарнайн бу қавмга ҳам кун ботишдаги қавмга қилган муомалани қилди). Аниқки, Биз унинг барча ишларидан хабардормиз - (уни) ихота қилиб олгандирмиз».

Яъни, Аллоҳ таоло унинг дилидан кечайтган ва кўнглидан ўтаётган ҳар бир ишдан хабардор эди.

Шундан кейин Зулқарнайнинг учинчи – биз сўзлашаётганимиз қиссага тааллукли сафари бошланади:

«Сўнгра, у яна йўл олди. То (кетаётиб) икки тоғ ўртасига етиб келгач, у (тоғлар ортида) бирон гапни англай олмайдиган қавмни учратди».

Яъни, у қавм Зулқарнайнинг тилини тушунмайдиган ёки бошқа халқлардан умуман ажralиб, фақат ўз қобиғига ўралиб қолган бир қавм эди. Улар Яъжуж ва Маъжуж томонидан қаҳрли ҳужумларга ва шиддатли зарбаларга учраган бир қавм эди. Улар Зулқарнайнинг одил ва фотих бир подшоҳ эканини кўриб, унинг ҳузурига келишиди ва илтимос билан мурожаат қилишиди:

«Улар: «Эй Зулқарнайн, шак-шубҳасиз, (шу тоғлар ортидаги) Яъжуж ва Маъжуж (қабилалари) Ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Бизлар сенга бир (миқдор) тўлов тўласак, биз билан уларнинг ўртасига бир сад чекиб (бир тўғон қуриб) берурмисан?» дедилар».

Яъни, биз сенга истаганингча пул-мол йигиб берайлик, эвазига сен бизни Яжуж ва Маъжуждан ҳимоя қиладиган мустаҳкам бир тўсиқ қуриб бергин, дейишиди.

Зулқарнайн зуҳд ва парҳезкорлик билан жавоб берди.

«У (Зулқарнайн) айтди: «Парвардигорим менга ато этган (салтанат) сизлар берадиган (мол-дунёдан) яхшироқдир».

Аллоҳ азза ва жалла менга сизларнинг пул-молингиздан мени беҳожат қиладиган даражада салтанат бериб қўйган, шунинг ўзи менга кифоя қилади.

Бироқ, Зулқарнайн уларда заифлик ва ялқовлик белгиларини кўрди ва бу улкан ишда уларни ўзига шерик бўлишларини истади. Ва уларга шундай деди:

«Бас, сизлар менга (мол-дунё билан эмас, балки) қувват билан ёрдам беринглар, мен сизлар билан уларнинг ўртасига бир девор бино қилай».

Яъни, замонавий тил билан айтганда, ушбу тўғон қурилишини инженерлик ва меъморий жиҳатдан лойиҳалашни ва унга кетадиган сарф-харажатларни биз ўз зиммамизга оламиз. Лекин, бизнинг ишчи кучига эҳтиёжимиз бор, ушбу қурилиш ишини бажарадиган ва унда ишлайдиган ишчилар керак. Сизлар шу томондан ёрдам беринглар.

Шундан кейин замонавий ҳандаса фани олимларидан бир неча асрлар үзиб кетган моҳир муҳандис Зулқарнайн иш бошлади.

У ушбу қурилишнинг биринчи босқичини бошлашга амр этди:

«Сизлар менга темир парчаларини келтиринглар».

Яъни, катта-катта темир бўлакларини йигиб келинглар ва уларни манави икки тоғ оралиғидаги тор бўшлиққа уйинглар.

«Тоғ (темир парчалари) иккала тоғ билан баробар бўлгач, (Зул-қарнайн: «Босқонлар билан)дам уринглар», деди».

Вазни ва ҳажмини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган кўп тонналик бу улкан темир ўюмларини шиддатли олов остида лаққа чўғга айланаётган ҳолатини кўз олдингизга келтиринг.

Кучли аланса таъсирида темир бўлаклари эриб, икки тоғ оралиғидаги бўшлиққа тўла бошлади. Шундант сўнг Зулқарнайн қурилишнинг иккинчи босқичига ўтишга амр қилди. Яъни, темир эритмаларига мис эритмасини қўшишга буюрди.

«Бас, қачон у (темир-терсакларни қиздириб) ўт қилгач (эритгач), деди: «Менга эритилган мис(ҳам) келтиринглар, уни (темир парчаларининг) устидан қуорман».

Мис эритилгач, уни темир эритмаси устига қуийшни буюрди. Шу билан мис эритмаси темир эритмасига аралашиб, унинг қуввати ва мустаҳкамлигини оширди.

«Энди улар – яъни, Яъжуж ва Маъжуж қавми – у (тўсиқ) устига чиқишга ҳам, уни тешиб ўтишга ҳам қодир эмаслар».

Бу иши билан Зулқарнайн темирнинг кучини мис билан ошириш борасида замонавий илм-фандан бир неча асрлар үзиб кетди.

Зулқарнайн ўзининг кучли раҳбарлик қобилиятини ва муваффақиятли бошқарув белгиларини намоён қилди. Уммат бугун ана шундай шахсиятларга нақадар муҳтож! У ўзи қуриб битказган улкан темир тўғонга боқаркан, куч-қудрат ва билимдонлик ғурурига берилмади, «Менинг билимим ва куч-қудратимни қўриб қўйинглар», демади. Балки, фазлни унинг ҳақиқий эгаси бўлган Зотга нисбатлади:

«Бу Парвардигорим томонидан бўлган бир марҳаматдир. Энди қачон Парвардигорим(Яъжуж ва Маъжуж чиқади, деб) ваъда қилган вақт келганида (яъни, Қиёмат қойим бўлишига яқин қолганида), Ўзи у (тўсиқни) теп-текис қилиб қўюр. Парвардигоримнинг ваъдаси ҳақдир», деди у».

Улкан дарс, катта ибрат намунаси.. **«Бу Парвардигорим томонидан бўлган бир марҳаматдир..».**

Кейин у ҳозир бўлганларга ўзининг қайта тирилиш ва қиёмат кунига бўлган иймон борасидаги соф ақидасини баён қилиб деди:

Албатта, ушбу тўғонни бино қилишга буюрган зот Аллоҳдир ва албатта, Яъжуж ва Маъжуж йўлини тўсишга амр этган зот Аллоҳдир. Келажақда уларнинг чиқиб келишига изн берадиган зот ҳам Аллоҳдир. Бир кун келиб, албатта бу тўғон теп-текис бўлиб, ер билан битта бўлади. Бу эса қиёмат қойим бўлишидан олдинрок, худди тоғлар ер билан битта бўлганидек юз беради.

Зулқарнайн ўзининг қайта тирилиш ва охират куни ҳақидаги соф ақидасини ана шундай баён қилди. Аллоҳ таоло қиёматнинг катта аломатларидан бири сифатида Яъжуж ва Маъжужнинг чиқишига изн берадиган кун келгач, улар чиқиб келишади. Суҳбатимиз давомида шу ҳақда сўз боради.

Тўртингчи: Уларнинг қиёмат олдидан чиқишилари

«Саҳиҳул Бухорий»да Зайнаб бинт Жаҳш розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: Бир куни Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ҳузурига қўрқан ҳолда кириб келдилар ва: **«Ла илаҳа иллаллоҳ, ла илаҳа иллаллоҳ, яқинлашиб қолган ёмонликдан араблар ҳолигавой! Бугун Яъжуҷ ва Маъжуҷ тӯғонидан шунчаси очилди»**, деб бош бармоқлари ва кўрсаткич бармоқларини ҳалқа қилиб кўрсатдилар. Шунда Зайнаб: «Ё Расууллоҳ, ичимизда солиҳ кишилар бўлгани ҳолда ҳам ҳалок бўламиزم?!», деб сўрадилар. **«Ҳа, агар нопоклик кўпайса!»**, деб жавоб бердилар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Солиҳ ҳам, толиҳ (ёмон) ҳам ҳалок бўлади, сўнгра Аллоҳ таоло ҳар кимни ниятига қараб қайта тиргизади.

Яна бир ҳадис ҳақида тафаккур қилинг. Аҳмад, Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ривоят қилган, Ҳоким «Мустадрак»да келтириб, икки шайх шартига кўра саҳиҳ деган, Заҳабий ҳам бунга иқорор бўлган, Албоний «Ас-силсила»да саҳиҳ санаган, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Яъжуҷ ва Маъжуҷ тӯғонни ҳар куни бузиб очишга ҳаракат қиласидилар. Қуёш нури кўринай деб қолганида: «Кетдик, қолганини эртага бузамиз», деб қайтиб кетишади. Шунда Аллоҳ таоло уни аввалгидан ҳам мустаҳкамроқ қилиб қўяди. То бир кун келиб, Аллоҳ таоло уларни чиқаришни истаганида улар тӯғонни бузиш учун чиқишади. Қуёш нури кўринай деб қолганида бошлиқлари: «Қайтинглар, Ин ша Аллоҳ (Аллоҳ ҳоҳласа), эртага келиб, қолганини бузасизлар», дейди. Улар (эртасига) қайтиб келиб, тӯғонни қандай ҳолда қолдирган бўлсалар, ўшандай ҳолда турганини кўрадилар. Шундан сўнг уни бузиб, чиқиб келадилар».

И мом Муслим Наввос ибн Самъондан ривоят қилган ҳадисда: **«Улар Табарийя кўлидан ўтишади. Ўтаётиб, Яъжуҷ ва Маъжужнинг олдинги қисми кўлнинг ҳамма сувини ичиб қўяди. Орқада келаётганлари: «Шу кўлда сув бўларди», дейди»**.

Яъжуҷ ва Маъжуҷ чиққач, одамлар улардан қўрқиб, қўрғонларига яшириниб оладилар, кўча ва йўлларни улар учун бўшатиб қўядилар, ҳеч ким уларга қарши урушишга журъят қилимайди. Шундан сўнг Яъжуҷ ва Маъжуҷ: «Биз ер аҳлини мағлуб этдик, келинглар энди само аҳлига уруш очамиз», дейишади.

Қаранг, нақадар фожирлик!! Бу гап билан ер юзидағи фасоднинг салмоғи нечоғли кучайганини тасаввур қилишга қодир бўласиз. Чунки, уларнинг сурбетликлари ҳаддан зиёда ортиб, осмон аҳлига уруш қилмоққа чоғланишади! Дарҳақиқат, шундай ҳам қилишади. Улар осмонга қараб ўқ отишади. Шунда Аллоҳ таоло уларни имтиҳон қилиш ва яна ҳам фитнага солиш учун отган ўқларини қонга бўялган ҳолда қайтаради. Шунда улар: «Ер аҳлини мағлуб этдик, само аҳлидан ҳам устун келдик», дейишади. Ер юзи бу фитна гирдобидан чиқмай туриб, иккинчи бир фитна ер аҳли ичига оралайди. Яъни, Дажжол фитнаси юзага чиқади, сўнгра Ийсо алайҳиссалом тушиб келади.

Хутбамизнинг иккинчи қисмida шу ҳақда сўз юритамиз.

Ушбу сўзларимни айтарканман, ўзим учун ва сизлар учун Аллоҳга истифорлар айтаман.

Иккинчи хутба:

Барча ҳамду санолар Аллохга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд..

Бешинчи: Ийсо ибн Марям ва ижобат бўлган дуо

Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломни туширади. Имом Муслим Наввос ибн Самъондан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «У – яъни, Дажжол – шу ҳолда турганида тўсатдан Аллоҳ таоло Ийсо ибн Марямни Димашқнинг шарқий тарафидаги оқ минора олдида (оч сариқ рангга бўялган) икки кийим кийган, икки қўлини икки фариштанинг қанотига қўйган ҳолда нозил қиласи. У қачон бошини эгса, қатралар тушади. Қачон уни кўтарса, ундан луълувъ каби доналар тўкилади».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Сўнгра Ийсо ибн Марям Дажжолни қувиб, Фаластиндаги Лудд дарвозаси ёнида унга етиб олади ва уни ўлдиради».

«Кейин Ийсо ибн Марям Аллоҳ уларни ундан (яъни Дажжолдан) сақлаган бир қавмга боради ва уларнинг юзларини силаб, жаннатдаги даражалари билан хушхабар беради. У шундай ҳолда турганида тўсатдан Аллоҳ Ийсога ваҳий қиласидики, Мен улар билан урушишга ҳеч ким қодир бўлмайдиган бандаларни чиқардим. Бас, сен бандаларимни Тур тоғига жамлагин».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Ва Аллоҳ Яъжуҷ ва Маъжуҷни чиқаради, улар ҳар бир тепалиқдан оқиб келишади».

«Уларнинг аввалгилари Табария қўли олдидан ўтаётуб ундаги ҳамма нарсани ичиб юборадилар. Охиргилари ўтаётуб: «Бунда бир вақтлар сув бор эди», дейдилар. Аллоҳнинг набийси Ийсо ва унинг асҳоблари қамал қилинадилар. Шунда Аллоҳнинг набийси Ийсо ва унинг асҳоблари Аллоҳдан Яъжуҷ ва Маъжуҷни ҳалок қилишини сўраб, тазарруъ қилишга рағбат қиласидилар. Аллоҳ уларнинг дуосини ижобат қиласи.

Қулоқ солинг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима деганлар: «Шунда Аллоҳ Яъжуҷ ва Маъжуҷга нағаф (майда қуртлар)ни юборади».

Аллоҳнинг қудрати ва азamatини фикр қилин! Аллоҳга қасамки, уммат бугунги кунда қалби Аллоҳнинг қудратига бўлган ишончга нақадар муҳтоҳ!!

Биз бугун Аллоҳнинг азамати ва куч-қудратини танишга нақадар муҳтоҳмиз!! Зотан, Аллоҳнинг амри биргина «Бўл!» сўзи билан амалга ошади.

Аллоҳ таоло улар устига бўйинлари томонидан нағаф қуртларини юборади ва уларни ҳалок қиласи.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Улар бир жон ўлгандек ўликка айланадилар».

Бир ривоятда: «Аллоҳнинг набийси Ийсо ҳалиги қўрқиб, қўрғонга кириб олган кишилардан биридан ташқарига чиқишини ва Яъжуҷ ва Маъжуҷ ерда нима қилганини билиб келиш учун ўз жонини бағишлишини сўрайди. У ўлимга ва ҳалок бўлишга тайёр бўлиб, ташқарига чиқади ва бу каромат ва мўъжизага

кўзи тушади. Сўнг Аллоҳнинг набийси Ийсо ҳузурига қайтиб, унга ва унинг асҳобларига: «Хушхабар! Аллоҳ Яъжуж ва Маъжужни ҳалок қилибди!», деб хитоб қиласди».

Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Сўнгра Аллоҳнинг набийси Ийсо ва унинг асҳоблари тушадилар. Улар ер юзида уларнинг ёғи ва сассиги етмаган бирор қарич ҳам жой топа олмайдилар. Одамлар бу бадбўй ҳидга чидай олмай қоладилар. Шунда Аллоҳнинг набийси Ийсо ва унинг асҳоблари Аллоҳга илтико қилиб, ерни бу сасиқлиқдан тозалашини сўрайдилар. Шундан сўнг Аллоҳ туюнинг бўйнига ўхшаган кушларни юборади. Бу қушлар уларни кўтариб олиб бориб, Аллоҳ истаган томонга ташлайди. Сўнгра Аллоҳ бир ёмғир юборади. Ундан лойдан ёки жундан бўлган бирор уй четда қолмайди. У ерни ювиб, худди ойнакка ўхшатиб қўяди. Кейин ерга: «Ҳосилингни ундири, баракангни қайтар» дейилади».

Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Улар шундай ҳолда тургандарида тўсатдан Аллоҳ бир ёқимли шамолни юборади. У уларнинг қўлтиқларидан олиб, ҳар мўмин ва муслимнинг руҳини қабз қиласди. Энг ёмон одамлар қолиб, ер юзида худди эшакларга ўхшаш жинсий яқинлик қилишади. Қиёмат ана ўшаларнинг бошида қойим бўлади».

Шу билан ишончли манбалар бўлмиш Қуръон ва Суннатдан олинган Яъжуж ва Маъжуж тўғрисидаги гапни якунлайман. Биродарларга насиҳатим шуки, бу ҳақда тўқиб чиқарилган хурофот ва афсоналарга ҳамда исроилиёт хабарларига кўнгил бурмасинлар.

Аллоҳ азза ва жалладан сизу бизга фақат фойдали илм ато этишини, барчамизни динда фақих қилишини, ошкору маҳфий фитналардан Ўзи асранини сўрайман. У ҳар ишга қодир Зотdir.

Эй Аллоҳ, бизларнинг гуноҳларимизни яширгин ва бизларни шарманда қилмагин, бизларни икром қилгин, хор қилмагин, биз томонимизда бўлгин, бизга қарши бўлмагин!

Эй Аллоҳ, ушбу муборак жамоадаги ҳар бир кишининг биронта ҳам гуноҳини қўймай мағфират этгайсан, биронта ҳам беморни қўймай шифо ато этгайсан, ҳеч бир қарзни қўймай адо этгайсан, вафот этганларимизни раҳматингга олгайсан, осийларимизни кечиргайсан, тоат-ибодатдагиларимизни саботли қилгайсан, Сенинг розилигинг ва бизнинг фойдамиз бўлган ҳар қандай ҳожатимизни раво қилгайсан, эй оламлар Парвардигори!

Эй Аллоҳ, ушбу жамоатимизни раҳматинг инган жамоат қилгин, бу ердан тарқалишимизни гуноҳдан холи тарқалиш қилгин, ораларимизда биронта ҳам баҳтсиз ва маҳрумни қолдирмагин.

Эй Аллоҳ, бизни ҳидоят қилгин, биз сабабли ҳидоят қилгин, бизни ҳидоятланувчиларга сабабчи қилгин.

Эй Аллоҳ, агар одамларни фитналашни истасанг, бизни шармандаи шармисор бўлмаган ҳолимизда ҳузурингга олгин, эй раҳмлиларнинг раҳмлироғи!

Эй Аллоҳ, мусулмонларни ўз ҳимоянгга олгин, оч мусулмонларни тўйдиргин, яланғочларини кийдиргин!

Дўстларим! Неки тўғриликка муваффақ этилган бўлсам, ҳаммаси Аллоҳнинг ёлғиз Ўзидан. Неки хато, унутиш содир бўлган бўлса, бари ўзимдан ва шайтондан, Аллоҳ ва Расули ундан покдир. Мен устидан сизлар жаннатга ўтиб оладиган, ўзи

эса жаҳаннамга улоқтириладиган кўприк бўлиб қолишдан, сизларга насиҳат қилиб, ўзимни унутишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман.

Эй Аллоҳ, Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўллагин.

2011 йил 16-июн

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

علامات الساعة الكبرى

الشمس ، الدابة ، الدخان ، الخسوف

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мухаммад Ҳассон

Қиёматнинг катта аломатлари

Қуёш, ер жонивори, тутун, ер ютиши ва бошқа аломатлар

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мухаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиши билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчидир.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

Бугунги суҳбатимиз «Охират ҳовлиси силсиласи»дан еттинчи суҳбат бўлади. Ушбу силсила давомида биз биз Имом Муслим «Саҳиҳ»да Ҳузайфа ибн Усайд ал-Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам зикр қилган қиёматнинг катта аломатлари ҳақида сўз юритаётган эдик.

Мазкур ҳадисни яна бир эсга олиб ўтамиш:

«Гаплашиб ўтирган эдик, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқиб келдилар ва: «Нима тўғрисида гаплашаяпсизлар?», дедилар. Биз: «Қиёмат ҳақида гаплашаяпмиз», дедик. «Қиёмат то ундан олдин ўнта аломатни кўрмагунларингча қоим бўлмайди», дедилар ва тутунни, Дажжолни, добба (ер жоновори)ни, қуёшнинг ботиш тарафидан чиқишини, Ийсо ибн Марямнинг тушишини, Яъжуж ва Маъжужни ва учта ер ютишни – биттаси машриқда, иккинчиси мағрибда, учинчиси араб жазирасидаги ер ютишини зикр қилдилар, охиргиси Ямандан чиқадиган ва одамларни маҳшарлари сари ҳайдайдиган ўт эди» (Муслим: №2901, Абу Довуд: №4311, Термизий: №2184).

Бугун сизлар билан биз мазкур ҳадисда зикр қилинган аломатларнинг қолганлари – қуёшнинг ботиш тарафидан чиқиши, добба (ер жоновори) чиқиши, тутун ва ер ютиши ҳақида сўзлашамиз.

Қуёшнинг ботиш тарафдан чиқиши

Қуёш бу олам ичра яратилибдик, ҳар куни бир хилда, машриқдан чиқиб, мағрибга ботади, бирон кун ҳам бундан бошқача бўлгани кузатилмаган ва бу ҳол то қиёматгача шундай давом этади.

Аллоҳ таоло айтади:

«Қуёш (бирон сония тўхтамай) ўз қароргоҳи сари жорий бўлур. Бу қудратли ва билувчи зотнинг тақдири — ўлчовидир. Биз ойни ҳам тики у эски (хурмо) бутоғи каби бўлиб (эгилиб ҳилол ҳолига келиб) қолгунича бир неча манзилга белгилаб-тайинлаб қўйгандирмиз. На қуёш учун ойга етиш мумкин бўлур ва на кеча кундуздан ўзувчиdir. (Қуёш, ой ва юлдузларнинг) барчалари фалақда сузиб юрур» (Ясин: 38-40).

Ҳеч шак-шубҳасиз, бу ҳол покиза ва саломат фитратни Аллоҳнинг ягоналигини тан олишга мажбур этадиган ва уни бу ҳақда сўзлатадиган ҳамда Аллоҳнинг қудратига далил бўладиган оят-аломатлардан биридир.

Шунинг учун Аллоҳнинг пайғамбари Иброҳим Халиуллоҳ алайҳиссалом ер юзининг энг катта тоғут-золимларидан бирига хитобларида айни шу оят-аломатни тилга олгандилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди:

«Аллоҳ подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб Иброҳим билан Парвардигори ҳақида талашган кимсанинг (Намруднинг) ҳоли-хабарини билмадингизми? Қайсики Иброҳим: «Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган зотдир», деганида, у: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим айтди: «Албатта Аллоҳ қуёшни Машриқдан чиқаради. Сен уни Мағрибдан чиқаргинчи?» Шунда бу инкор қилувчи довдираб қолди. Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди» (Бақара: 258).

Қаранг, Иброҳим Халиуллоҳ золим тоғут Намруд ибн Кањон билан ўртада кечган баҳсларида: «Менинг Парвардигорим тирилтириб, ўлдирувчи Зот», деганларида Намруд нодонлик ва сурбетлик билан: «Ўлдириш ва тирилтириш менинг ҳам қўлимдан келади», деди. Сўнgra икки кишини келтирди-да, бирини ўлдириб, иккинчисини қўйиб юборди. Лекин, бу жоҳилона ғурур нубувватнинг ёрқин нури қаршисида қаергача борарди!?

Иброҳим алайҳиссалом унинг аҳмоқлигини кўргач, нубувват зиёсидан мунаввар бўлган кучли заковат билан дедилар: «Менинг Парвардигорим қуёшни шарқдан чиқаради. Агар сен чиндан ҳам қудрат эгаси бўлсанг,

уни ғарбдан чиқаргынчи?!». Ана шундагина Намруд жавоб тополмай, каловланиб қолди.

Қуёш Аллоҳ яратган кунидан бери бир хил, мунтазам равишда фақат шарқдан чиқиб, фақат ғарбга ботади, лоақал бир кунга бўлса ҳам, бу йўналишини ўзгартирган эмас.

Ваъда қилинган кун етиб келгач, қуёш Парвардигоридан одатдагидек машриқдан чиқишига изн сўрайди, бироқ унга изн берилмайди.

«Саҳиҳ Муслим»да Абу Зар ал-Ғифорий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кун ботар пайтида асҳобларига: «**Бу қуёш қаёққа кетишини биласизларми?**», дедилар. Улар: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», дейишиди. Шунда у зот дедилар: «**Албатта, у то ўзининг Арш остидаги қароргоҳига етгунча юриб бораверади. Сўнгра Аллоҳ жалла ва алога сажда қилиб йиқилади.** То унга: «**Кўтарил, келган ерингга қайт!**», дейилгунча шу ҳолда тураверади. Кейин чиқар жойидан – яъни, машриқидан – чиқади. Кейин то ўзининг Арш остидаги қароргоҳига етгунча юриб бораверади. Сўнгра Аллоҳ жалла ва алога сажда қилиб йиқилади. То унга: «**Кўтарил, келган ерингга қайт!**», дейилгунча шу ҳолда тураверади. Кейин чиқар жойидан чиқади. У мана шундай ҳолатда, одамлар ундан бирон нарсани инкор қилмаган (яъни, ғайри табиий санамаган) ҳолида давом этаверади. То (бир кун келиб, одатдагидек) яна юриб, ўша Арш остидаги ўз қароргоҳига боради. Шунда унга: «**Кўтарил, ботиш тарафингдан чиқиб тонг оттир!**», дейилади. **Бас, у мағрибидан чиқиб келади**».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам:

«**Ўша қачон бўлади, биласизларми? Бу ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, иймони наф бермайдиган пайтда бўлади**», дедилар».

(Муттафақун алайҳ, Бухорий: №4802, Муслим: №159, Термизий: №3225).

Ажабланманг, борлиқдаги ҳар бир нарса Аллоҳга сажда қиласди.

Аллоҳ жалла ва ало айтади: «(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиз осмонлардаги ва ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дов-даражтлар ва (барча) жониворлар ҳамда**

кўпдан-кўп инсонлар (ёлғиз) Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми? Кўп (одамларга эса кофир бўлганлари сабабли) азоб ҳақ бўлгандир. Кимни Аллоҳ хор қилиб қўйса, бас, уни (ҳеч ким) азиз қилувчи бўлмас. Албатта Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани қилур» (Ҳаж: 18).

Инсу жиндан бўлган кофирлардан бошқа борлиқдаги ҳар бир нарса еру осмонлар Парвардигорига сажда қиласди.

Аллоҳнинг ягоналигини ва Холиқнинг улуғворлигини билмоқчи бўлсангиз, еру осмонларга боқинг.

Осмоннинг баландлигига, ернинг кенглигига, тоғларнинг пурвиқорлигига, фалакларнинг айланишига, денгизларнинг мавжланишига боқинг..

Ҳаракату сукунатдаги ҳар бир нарсага боқинг..

Аллоҳга қасамки, ҳамма-ҳаммаси Аллоҳнинг тавҳидига иқор бўлиб, Аллоҳга сажда қилиб туради, ўз хожасининг зикридан ғофил бўлмайди. Фақат инсу жиннинг кофирларигина бу баҳтдан мосуво.. Ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ!

Эй қуёш, мағрибдан чиқ! Қуёш Парвардигорнинг шу биргина амрини ўша заҳоти ижро қилишга ошиқади ва мағрибидан чиқиб келади!!

Ушбу маъно Ибн Мардавайҳ ҳасан санад билан Абдуллоҳ ибн Аби Авфодан ривоят қилган ҳадисда яна ҳам очиқроқ кўринади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Одамларга бир кеча келадики, у сизларнинг кечаларингиздан уч кечага тенг келади. Ўша кеча бўлганида нафл ибодат билан машғул бўлувчилар буни биладилар. Улардан бирлари (уйқудан) туриб, ўз ҳизбини (яъни, намозида кундалик ўқийдиган Қуръон оятларини) ўқийди. Кейин ётиб ухлайди. Кейин туриб, яна ўз ҳизбини ўқийди. Кейин яна ётиб ухлайди. (Одамлар) қўрқиб, масжидларга шошилишади. Шундай ҳолатда турганларида тўсатдан қуёшни мағрибидан чиққанини кўрадилар».**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига эътибор беринг! Ўша кеча бўлганида нафл ибодат билан машғул кишилар буни биладилар. Яъни, кечалари туриб, Аллоҳ роббул оламийнга намозда қоим бўлувчи кишилар буни биладилар.

Хүш, бу улкан аломат қачон содир бўлади?

Юқорироқда олиб келганим ҳадиснинг Абу Зардан қилинган ривоятида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Ўша қачон бўлади, биласизларми? Бу ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, иймони наф бермайдиган пайтда бўлади», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қуёш мағрибидан чиқса ва одамлар уни кўрсалар, ҳамма-ҳаммалари иймон келтиришади» (Бухорий: №6506, Муслим: №157, Абу Довуд: №4312).

Бироқ.. Ҳайҳот, энди у иймон фойда бермайди!!

«Саҳиҳ Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Қачон уч нарса чиқса, ҳеч бир жонга агар у олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, иймони наф бермайди: қуёшнинг мағрибидан чиқиши, Дажжол ва доббатул-арз (ер жонивори)». (Муслим: №158, Термизий: №3074).

Севикли дўстим! Аввало ўзимни, кейин сизни Аллоҳ таоло тавба эшигини ёпмасидан туриб, Унга тавба ва инобат қилишга чақираман.

Зоро, Аҳмад саҳиҳ санад билан келтирган ҳадисда Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Модомики тавба мақбул бўлиб тураркан, ҳижрат тўхтамайди. Тавба эса то қуёш мағрибидан чиқмагунича мақбул бўлаверади. Қачон қуёш мағрибидан чиқса, ҳар бир қалбга ичида бор нарсаси билан муҳр урилади ва одамлар (шунгача қилган) амалга кифояланади» (Албоний «Саҳиҳул-жомиъ»да (№7469) саҳиҳ санаган).

Эй ғофил.. Эй ўйин-кулгига муккасидан кетган.. Эй тавҳидни зое қилган.. Эй намозга бепарво қаровчи.. Эй закотни зое қилувчи.. Эй ота-онасига оқ бўлиб юрган.. Эй Аллоҳдан юз ўгириб юрган.. Эй Аллоҳнинг марҳаматини динсизлик билан қарши оловчи..

Ғўрлик даврингда ўтган

Ишларингни қўй энди,

Гуноҳларингни эслаб,

Кўзингдан ёш қуй энди.

*Гарчи сен эдинг ғофил,
Икки фаришта огоҳ,
Сен маъсиятга машғул,
Улар ёзишига, эвоҳ!*

*Бу жон сенга берилган
Омонатдир билсанг гар.
Эгасига у бир кун
Албатта қайтарилар.*

*Сен алданиб, ортидан
Елиб-юргурган дунё
Ҳовлидир бир ўткинчи,
Алдамчи мисли рӯё.*

*Билки, кечаю кундуз
Олганинг ҳар бир нафас
Ҳисоблидир барчаси,
Кетмагай беиз, абас.*

«Саҳиҳ Муслим»да Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинганд ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Аллоҳ таоло кундузниң гуноҳкори тавба қилиши учун тунда қўлини ёзади, кечанинг гуноҳкори тавба қилиши учун кундузи қўлини ёзади, то қуёш мағрибидан чиқмагунича** (шу ҳол давом этаверади)», дедилар (Муслим: №2760).

Қуёш мағрибидан чиқиб келган кунда Аллоҳниң тоатида устувор турган кишига шодлик бўлсин!

Эй Аллоҳ, бизни ҳам тавҳид, иймон ва тоат аҳлидан қилгайсан, Ўзингни рози қиласиган солиҳ амалларга муваффақ этгайсан, эй оламлар Парвардигори!

Аллоҳ жалла ва ало айтади:

«Албатта: «Парвардигоримиз Аллоҳдир», деб, сўнгра (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) тўғри — устивор бўлган зотларнинг олдилариға (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, (дерлар): «Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар! Бизлар ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам сизларнинг дўстларингиздирмиз. Сизлар учун (жаннатда) кўнгилларингиз тилаган нарсаларингиз бордир ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз бордир. (Бу) мағфиратли ва меҳрибон зот томонидан бўлган зиёфатдир» (Фуссилат: 30-32).

Добба – ер жонивори

Аллоҳ таоло айтади:

«Қачон (кофирларнинг) устига сўз-азоб тушганида (яъни қиёмат яқинлашиб қолганида), **Биз улар учун ердан бир жонивор чиқарурмиз.** У **уларга** (қайта тирилишни инкор қилувчи) одамлар **Бизнинг оятларимизга** (Қуръонга, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва унинг динига) ишонмайдиганлар эканлари ҳақида сўзлар» (Намл: 82).

Жонивор гапиради!! Ҳайвонга тил битади!! У одамлар тушунадиган тилда сўзлайди, уларга қарши ҳужжат барпо қиласди, уларга Аллоҳнинг оятлариға ишонмайдиган бўлиб қолганларини ва уларни тасдиқламай қўйганликларини эслатади.

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Қиёматнинг биринчи аломати қуёшнинг мағрибидан чиқиши ва добба-жониворнинг чошгоҳ пайтида одамларга чиқишидир. Қайси бири олдин чиқса, кейингиси тезда унинг орқасидан чиқади**» (Муслим: №2941, Абу Довуд: №4310).

Добба-жонивор чиқиши жуда ажиб бир иш! Ҳақиқий тадаббур қилиб кўрсангиз, юрагингиз ёрилиб кетгудек бир ҳолат! Бир жонивор чиқиб, ер юзида кезиб юради. Мўмин билан кофирнинг ўртасини ажратади. Мўминга ҳам белги қўяди, кофирга ҳам белги қўяди. Кофирнинг бурнига белги босади, шунда унинг юзи қорайиб кетади. Мўминнинг юзига белги босади, шунда унинг юзи нурланиб, ёруғ юлдуздек ёришиб кўринади.. Жуда қизиқ ҳолат!!

Имом Аҳмад «Муснад»ида ривоят қилған ва Албоний саҳиҳ санаган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Добба чиқиб, одамларнинг бурунлариға белги қўяди»**. (Аҳмад: №22209, Саҳиҳул-жомиъ: №2927).

Мана бу ҳадис эса ундан ҳам қизиқроқ. Уни Аҳмад «Муснад»ида ва Термизий «Сунан»ида ривоят қилғанлар. Илмий омонат юзасидан айтиб ўтишим керак, бу ҳадис иснодини шайх Албоний заиф санаган, чунки ровийлар силсиласида Алий ибн Зайд ибн Жудъон бор бўлиб, Албоний уни заиф дейдилар. Аммо, аллома Аҳмад Шокир ҳадис санадини саҳиҳ санаб, Алий ибн Зайд ибн Жудъон ҳақида ихтилоф бор, кучлироқ сўзга кўра, у ишончли, деганлар. Имом Термизий уни ҳасан ҳадис деганлар. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Добба-жонивор Мусонинг асоси ва Сулаймоннинг узуги унда бўлган ҳолда чиқиб, кофирининг бурнига белги қўяди, мўминнинг юзидан нур ёғилиб турди. Ҳатто, битта дастурхон аҳли таомга йиғилғанларида (бир-бирларини) буниси: «Эй мўмин!», деб, униси эса: «Эй кофир!», деб чақиришади. Чунки, добба ҳақиқатни очиб, равshan қилиб қўйган, мўминни кофирдан ажратиб қўйган бўлади»** (Абу Довуд: №3186).

Айрим мусаннифлар добба-жонивор васфида ўта ғулувга кетиб, уни ғаройиб, хаёлий, драматик кўринишда сифатлашади. Баъзилари уни боши ҳўқизнинг боши, кўзи тўнғизнинг кўзи, қулоғи филнинг қулоғи, бўйни тяқушнинг бўйни, кўкраги шернинг кўкраги, оёқлари тяянинг оёқлари ва ҳоказо ғаройиб кўриниш эгаси қилиб тасвирлашган. (Буларнинг бари асоссиз, ИНТ)

Тутун

Тутун – қиёматнинг мўмин киши ер юзида гувоҳ бўладиган энг охирги аломатидир. Ундан кейинги бошқа аломатларни мўминлар кўрмайдилар, у азобларни муваҳҳид зотлар бошдан кечирмайдилар. Балки, у аломатлар фақат ер юзининг энг ёмон халқлари бўлмиш кофир ва фожир кимсалар устига келади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтишларича, қиёматнинг аломатларидан бўлмиш бу тутун Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг мушрикларга қилган дуоибадлари ортидан содир бўлиб ўтгандир.

Ўшанда тутун ҳақиқатда бўлган. Бироқ, Ҳузайфа ибн Усайд ал-Фифорий ҳадисида қиёматнинг катта аломатларидан бири ўлароқ келган тутун Макка мушриклари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуолари ортидан гувоҳ бўлишган у тутундан бутунлай бошқадир. Аллоҳ таоло ушбу аломат ҳақида айтади: «**Бас, (эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз осмон очиқ** (яъни барчага қўринадиган) тутунни **келтирадиган Кунга кўз тутинг!** У (тутун барча) **одамларни ўраб олур. Бу аламли азобдир**» (Духон: 10-11).

Тутун чиққанидан сўнг Аллоҳ тавбаларни қабул қилмайди.

Тутун чиққач, Аллоҳ таоло ипақдан ҳам мулойим бир шамолни юборади. У шамол ер юзидаги мўминларнинг жонларини қабз қиласди, ер юзида биронта ҳам мўмин қолмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**У қалбида бир уруғ-дон оғирлигича иймони бор бирон кишини ҳам қўймай, албатта, қабз қиласди, ер юзида фақат энг ёмон одамлар қолади.**» (Муслим: №1924).

Яъни, ер юзида фақат Аллоҳга иймон келтирмаган кофир ва фожир одамлар қолади.

«Саҳиҳ Муслим»да Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Қиёмат фақат энг ёмон одамлар устида қоим бўлади**» (Муслим: №2949).

Имом Муслим Анас розияллоҳу анхудан келтирган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Токи ер юзида «Аллоҳ, Аллоҳ» дейилмай қолмагунча қиёмат қоим бўлмас**».

Ер юзида «Аллоҳ» деб айтилмай қолади. Чунки, муваҳҳидларнинг рухлари қабз этилиб, фақат кофирлар қолади. Улар на Аллоҳни танийдилар, на Уни ягона деб биладилар. Қиёмат ўшандай кимсалар устига қоим бўлади. Балки, азоб устига азоб, бало устига бало бўладиган бошқа аломатлар ҳам зоҳир бўлади.

Улар қайси аломатлар бўлади?! Қўйида улар ҳақида сўз юритамиз.

Уч бора ер ютиши

Машриқдаги биринчи ер ютиши:

Машриқда ер ютиши содир бўлади. Маълумки, бундай ҳолатда ернинг ёрилиши содир бўлади.

Аллоҳ таоло Қорун ҳақида ҳикоя қиларкан: «**Бас, Биз (Қорунни) ҳам, унинг ҳовли-жойини ҳам** (ерга) **ютдиридик**» (Қасас: 81).

Аллоҳ таоло мўминларнинг жонларини қабз этганидан сўнг машриқда энг ёмон халқларга ер ютиши содир бўлади.

Мағрибдаги иккинчи ва араб жазирасидаги учинчи ер ютишлари

Мазкур ер ютишлар бўлиб ўтганидан сўнг қиёматнинг катта аломатларининг сўнгиси содир бўлади. Яъни – ҳозирда Яманда жойлашган – Адан шаҳри қаъридан чиқиб, барча одамларни маҳшарлари сари ҳайдайдиган ўт ҳодисаси содир бўлади.

Бухорий Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларига боқиб, унинг ёлғончи кимсанинг юзи эмаслигини билдим», дейдилар. Шундан сўнг бу киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирғанлар. Ушбу ҳадисдан биз сўз юритаётган мавзуга тааллуқли жойи шуки, Абдуллоҳ ибн Салом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир неча саволлар берадилар. Жумладан, у киши қиёматнинг илк аломати ҳақида сўраганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Адан қаъридан чиқиб, одамларни машриқдан мағрибга йиғадиган ўт-олов**», деб жавоб берганлар.

Зийрак ўқувчи бу икки ҳадис ўртасидаги зоҳирий қарама-қаршиликни дарров ҳис қилган бўлса керак. Бироқ, аслида ҳеч қандай қарама-қаршилик мавжуд эмас. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳузайфа ривоятида келган: «**Улар ичida охиргиси ўтдир**» деган сўzlари маъноси – у бир аломатки, содир бўлганидан сўнг сур чалиниш ва қабрлардан туриб чиқиш кўринишлари билан қиёмат бошланади. (Демак, Абдуллоҳ ибн Саломнинг ҳадисидаги қиёматнинг илк аломатидан мурод Қиёмат бошланганига аломат эканидир. Ҳузайфанинг ҳадисидаги охирги ўт, Қиёмат яқинлашганига бўладиган

аломатларнинг охиргиси демақдир. Икки ҳадисда келган бу алтомат бирдир. ИНТ)

Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Одамлар қиёмат куни рағбат қилган ва қўрқан ҳолларида, уч тариқада (маҳшарга) йиғилади.** Икки киши бир туяда, уч киши бир туяда, тўрт киши бир туяда, ўн киши бир туяда (келади). Қолганларини ўт-олов йиғиб келади. Кундузи дам олган жойларида ҳам ўт улар билан бирга, кечани ўтказган жойларида ҳам ўт улар билан бирга, тонг оттирган жойларида ҳам ўт улар билан бирга, кечкиртирган жойларида ҳам ўт улар билан бирга бўлади». (Бухорий: №6522, Муслим: №2861).

Қуртубий айтадилар: Ҳашр – йиғмоқ маъносида бўлиб, тўрт хил бўлади. Биринчи ва иккинчи ҳашр дунёда, учинчи ва тўртинчи ҳашр охиратдадир.

Биринчи ҳашр – Аллоҳ таолонинг «Ҳашр» сурасидаги қўйидаги сўзларида зикр қилинган: «**У аҳли китоблардан (яҳудийлардан) коғир бўлган кимсаларни биринчи тўплашдаёқ ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарган зотдир**» (Ҳашр: 2).

Иккинчи ҳашр – Ҳузайфанинг ҳадисида: «Охиргиси Ямандан чиқадиган ва одамларни маҳшарлари сари ҳайдайдиган ўт» деган сўзларда ифода этилган ҳашрдир. Демак, ўт одамларни йиғиб келиши шу дунёда бўлади.

Учинчи ҳашр – Одамлар қайта тирилганларидан сўнг қабрларидан ва бошқа ўринлардан маҳшарга йиғилишлари.

Тўртинчи ҳашр – Одамларнинг жаннатга ёки дўзахга йиғилишлари.

Жумхур муҳаққиқ уламолар сўзларига кўра, Ҳузайфанинг ҳадисида қиёматнинг катта алломатларидан бири сифатида зикр этилган ҳашр шу дунёда бўлади. Бунга очиқ ва саҳих далил шуки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки, охиратдаги ҳашрда мўминлар ҳам, коғирлар ҳам ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган ҳолда маҳшарга йиғилади. «Саҳиҳайн»да Оиша розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ялангоёқ, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолда маҳшарга йиғиласизлар**», деганлар. Шунда

Оиша розияллоҳу анҳо: «Ё Расулуллоҳ! Эркак-у аёллар бир-бирига қарайдилар-ку!», деганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Эй Оиша, иш** (яъни, аҳволнинг оғирлиги) **бу нарса уларга аҳамиятли бўлишидан қаттиқроқ»**, деб жавоб берганлар (Бухорий: №6527, Муслим: №2859).

Анас розияллоҳу анҳу ривоятларида: **«Эй Оиша, менга шундай бир оят нозил бўлдики, эгнингда кийим бўладими, йўқми, бунинг сенга зарари** (яъни, аҳамияти) **бўлмай қолади»**. Шундай деб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Улардан ҳар бир киши учун у Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур!»** (Абаса: 37) оятини ўқидилар».

Шеър (мазмуни):

*Тасаввур қил, ҳисоб куни маҳшаргоҳ ичра,
Туришингни қўрқиб, гангуб, вужудинг титраб..*

*Жаҳаннам ғазабла ўқирап, ўрлар,
Осийларни бағрига чорлар.*

*Арш соҳиби қаҳру ғазаб ила дер:
«Эй банда, номангни ўқи бирма-бир!*

*Кўргинчи, бормикан унда лоақал,
Сен қилиб ўтмаган биргина амал?!»*

*Номанг ўқиб, бўлганингда барига иқрор,
Дўзах посбонларига амр этур Жаббор:*

*«Эй фаришталарим, ушлангиз уни,
Дўзахнинг қаърига ташлангиз уни!».*

*Мушриклар эртага дўзахда ёнарлар,
Мўминлар абадий жаннатда қоларлар.*

Шундай қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳузайфа ибн Усайд ал-Ғифорий розияллоҳу анҳу ривоят қилған ҳадисда хабар берган қиёматнинг катта аломатлари ҳақидаги сўзимиз ниҳоясига етди.

Аммо, ушбу ҳадисда зикр қилинмаган, бироқ юракларга қўркув соладиган яна бир қанча аломатлар ҳам борлиги маълум. У аломатлар қайсилар, дейсизми?

Улар қўйидагилар:

Каъбанинг тошларини битта-битталаб вайрон қилиниши

Каъба – қалблар унга интиладиган ва кўнгиллар унга ташна бўладиган Байтуллоҳ (Аллоҳнинг уйи)дир. Аллоҳ таоло уни шундай васф қилған: «**Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилдик**» (Бақара: 125).

Яъни, ундан ҳеч малолланмайдилар, унга боққанлари сари боққилари келаверади, қайтиб кетсалар, яна келишга ва уни зиёрат қилишга иштиёқлари кундан-кун ортаверади.

Ана шу Каъбани – Аллоҳнинг уйини тошларини битта-битта кўчириб, вайрон этилиши қиёматнинг катта аломатларидан яна биридир.

Аввалроқ айтиб ўтганимдек, Ийсо ибн Марям алайҳиссалом ерга тушиб келгач, Дажжолни ўлдириб, унинг ёмонлигидан одамларни қутқарадилар. Сўнг Яъжуж ва Маъжуж қавмини ҳалок қилишини сўраб, Аллоҳга илтижо қиладилар. Аллоҳ уларнинг дуоларини ижобат қилиб, Яъжуж ва Маъжужни ҳалок қиласди. Мўл-кўл ёмғир ёғдириб, ер юзини уларнинг жасадлари бадбўйлигидан тозалаб, ерни худди ойнадек покиза ва силлиқ қилиб қўяди. Ерда барака бўлади, осмондан барака ёғилади. Одамлар Ийсо пайғамбар билан тинчлик ва омонлиқда ҳаёт кечирадилар. Кейин Ийсо пайғамбар ҳаж қилиш учун Байтуллоҳга кетадилар.

Демак, Аллоҳнинг пайғамбари Ийсо тушган пайтларда ҳам ҳаж ибодати сақланиб турган бўлар экан.

Кейин Аллоҳ таоло Ийсога ўлимни тақдир қиласди. Ийсо Мадинаи Мунавварада вафот этадилар. У кишининг жанозаларини мусулмонлар ўқийдилар ва ҳужраи муборакка, Муҳамад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнларига дағн этадилар.

Ана шундан кейин мен юқорида айтиб ўтганим қиёмат аломатлари содир бўлиб, ер юзида фақат энг ёмон одамлар қолади. Қуръондан Аллоҳнинг оятлари ўчирилади, «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтадиган одам қолмайди, одамлар Байтуллоҳга ҳаж қилмай қўйишади, у ҳақда одамлар ҳеч нарса билмайдилар. Ана ўша энг ёмон халқлар ичидаги ҳабаш кимса ҳам бўлади. Ўша кимса Каъбани бузади. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг Каъбани вайрон қилаётган ҳолидаги шакл-шамоилини худди кўриб тургандек тасвирлаб берганлар.

У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«То икки болдири ингичка бир ҳабаш Каъбани бузмагунича қиёмат қоим бўлмайди»** (Бухорий: №1596, Муслим: №2909).

Бухорий Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мен Каъбани бузаётган кишини кўриб тургандекман, у қоп-қора, икки оёғи маймоқ бўлиб, Каъбанинг тошларини битталаб кўчирмоқда»**, деганлар (Бухорий: №1595).

Шу билан бу дунё ҳаёти ширин-у аччиғи, ҳалол-у ҳароми, яхши-ю ёмони билан, ҳамма-ҳаммаси тамом бўлади. Ер юзида фақат энг ёмон халқлар бўлмиш кофирлар қолади. Қиёмат ўшалар устига қоим бўлади. Бу эса Аллоҳ таоло Исроифилга сурни чалишга амр этганидан ва у биринчи бор чалганидан сўнг содир бўлади. Бу Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзига тасдиқ бўлади: **«Сур чалиниб, Аллоҳ Ўзи хохлаган зотлардан бошқа осмонлардаги ва ердаги (барча) кимсалар даҳшатга тушиб қолган ва барча У зот (хузурига) бўйин эгган ҳолда келган кунни эсланг»** (Намл: 87).

Қиёмат аломатлари ҳақидаги сўзларимизни шу билан якунлаймиз. Қиёматнинг бошланиши ва унинг ақлларни караҳт қилиб, юракларни увиштириб қўядиган оғир босқичлари ҳақидаги сўзлар иншооллоҳ, кейинги суҳбатларимизда давом этади.

2011 йил 30-июн

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

النفح في الصور

Oxirat ҳовлиси силсиласи

Шайх Мұхаммад Ҳассон

Сур чалиниши

Ислом Нури таржимаси



Барча ҳамду санолар Аллоҳға хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиши билан қўрқинглар ва факат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан қўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уругларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

Бугунги сухбатимиз «Охират ҳовлиси силсиласи»дан саккизинчи сухбат бўлади. Унда биз қиёмат қоим бўлиш пайтида юз берадиган улкан бир ҳодиса – сур чалиниши ҳодисаси ҳақида сўз юритамиз.

Аллоҳ таоло айтади:

«У сур чалинадиган кундир. У кунда Биз жиноятчи-кофир кимсаларни кўзлари ва ранглари (ўзгарган) кўк бўлган ҳолларида йиғурмиз. Улар ўзаро шивирлашиб: «(Дунёда) ўн кунгина турдинглар», (дейдилар). Биз уларнинг айтадиган сўзларини жуда яхши билурмиз. Ўшанда уларнинг энг тўғри йўл тутган — донолари: «Бир кунгина турдинглар», дейди(лар). (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), улар сиздан тоғлар (қиёмат кунида қандай ҳолда бўлиши) ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Парвардигорим уларни (кум каби) сочиб юборур. Сўнг (ерни) теп-текис қилиб қўюрки, Унда на чуқурни ва на дўнгликни кўрурсиз». У кунда (одамлар маҳшаргоҳга) чорловчи (фариштага) эгилмай-бурилмай эргашурлар — итоат қилурлар. Овозлар ҳам Раҳмонга таъзим қилур, фақат пиҷирлашнигина эшитурсиз. У кунда шафоат-оқлов фойда бермас, магар Раҳмон изн берган ва сўзлашига (шафоат қилишига) У зот рози бўлган кишининггина (шафоати фойда берур). У зот уларнинг олдиларидағи (яъни охиратдаги) ва ортларидағи (яъни дунёдаги) бор нарсани билур. Улар эса У зотни била олмаслар». (Тоҳа: 102-110).

Аввалги сухбатларимизда қиёмат олдидан содир бўладиган катта аломатлар ҳақида сўзлаб ўтганимиздан сўнг бугундан энди қиёматнинг қоим бўлиши ва ўша аснода содир бўлажак воқеа ва ҳодисалар ҳақида сўз юрита бошлаймиз.

Қиёмат бевосита мазкур аломатларнинг ҳаммаси юз берганидан сўнг Аллоҳ азза ва жалланинг Исрофил фариштага сурга нафха уриш (пуфлаш) ҳақида амр қилиши билан бошланади ва юракларни қинидан чиқариб юборувчи даҳшатли ҳодисалар силсиласи бошланади.

Вақтдан унумли фойдаланиш учун одатимизга кўра, суҳбатимизни қуидаги бир неча мавзуларга бўлиб оламиз:

Биринчи: Сур нима? Уни ким чалади?

Иккинчи: Даҳшат нафхаси.

Учинчи: Ўлиб йиқилиш нафхаси.

Сўзимни ҳамманинг тили утида турган савол билан бошлайман.

Биринчи: Сур нима? Уни ким чалади?

Сур нима?!

Бу савол жавобини саййидул-мурсалийн Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламдан эшитинг. Имом Аҳмад, Абу Довуд, Термизий ва бошқалар Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда айтилади:

Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайхи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, сур нима?», деб сўради. **«У нафха уриладиган** (пуфланадиган) **бир шоҳдир, бу шоҳнинг эгаси Исрофилдир**», деб жавоб бердилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам (Абу Довуд: №4742, Термизий: №2432).

(Изоҳ: Исрофил – Раҳмон таолонинг улуғ фаришталаридан бири бўлиб, Аллоҳ маҳлукотларни ва шу жумладан сурни яратган кунда уни Исрофилга топширган ва уни сурга нафха уришга вакил қилган. Исрофил ўша кундан бери ҳар лаҳзада Раббининг амрини кутиб, кўз юммасдан аршга тикилиб турди).

Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилиб, икки шайх шартига кўра саҳих санаган ва Захабий бунга иқорор бўлган, Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам айтадилар:

«Сур эгаси Аллоҳ уни яратган ва шунга вакил қилгандан бери мижжа қоқмади. У Арш рўпарасида кўз юммасдан кутиб турди, икки кўзи чақнаган юлдуздек бўлиб, қачон буйруқ бўлишини кутади».

Имом Аҳмаднинг «Муснад»ида ва имом Термизийнинг «Сунан»ида саҳих санад билан Абу Сайд ал-Худридан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: **«Қандай роҳатланай, сур эгаси сурни оғзига олиб борган, бўйинини эгиб, қулогинни тутиб турган, буйруқни кутиб, пуфлашга шай**

бўлиб турган бўлса?!», дедилар. Бу нарса саҳобаларни анча қийин ахволга солиб кўйди. Улар: «Унда қандай қиласиз – ёки нима деймиз – ё Расулуллоҳ?», деб сўрадилар. **«Ҳасбуналлоҳу ва неъмал-вакийл, алаллоҳи таваккална-а»** (Аллоҳ бизга кифоя қиласи, У нақадар яхши вакиллар, Аллоҳга таваккул қилдик), деб айтинглар», дедилар (Термизий: №2433, Саҳихул-жомиъ: №4592).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло Исрофилга сур чалиш амрини қайси кун беришини ҳам аниқ айтиб бергандар. Ином Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда у зот айтдилар: **«Қуёш нурини сочган энг яхши кун жумъа кунидир, бу кунда Одам алайҳиссалом яратилди, шу кунда жаннатга киритилди ва шу кунда жаннатдан чиқарилди, шу кунда қиёмат қоим бўлади».**

Бир ривоятда: «(Сур чалиниши ортидан ҳосил бўлувчи) ўлиб йиқилиш шу кунидир. Бу куни менга кўп саловот айтинглар. Чунки, саловотларингиз менга рўпара қилинади». (Муслим: №854, Термизий: №488).

Демак, Аллоҳ таоло Исрофилни сурга нафха уришга жумъа куни этади. Бироқ, қайси жумъа? Буни ёлғиз Аллоҳ билади. Чунки, биз юкорида асослаб бердикки, қиёмат фақат энг ёмон халқлар устига қоим бўлади. Аллоҳ таоло ер юзидағи мўминларнинг жонларини қабз қилиши учун бир мулојим ва салқин шаббодани юборади. Мўмин киши ҳатто тоғдаги бир ғорга кирган бўлса, ўша шаббода унинг ортидан бориб, жонини олади. Ер юзида фақат энг ёмон халқлар қолади, қиёмат ўша халқлар устига қоим бўлади.

Аллоҳ таоло сурга биринчи нафха – даҳшат нафхаси уришга амр этади. Суҳбатимиз давоми шу ҳақда бўлади.

Иккинчи: Даҳшат нафхаси

Аллоҳ таоло айтади: **«Сур чалиниб, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган зотлардан бошқа осмонлардаги ва ердаги (барча) кимсалар даҳшатга тушиб қолган ва барча У зот (хузурига) бўйин эгган ҳолда келган кунни эсланг»** (Намл: 87).

Аллоҳ таоло мазкур оятда истисно қилган зотлар кимлиги борасида уламолар турли фикрлар билдирганлар.

Баъзилари улар пайғамбарлардир, дейишган, баъзилари эса улар шахидлардир, зоро шахидлар абадий тирик, Парвардигорлари хузурида ризқланиб туришади, деганлар.

Баъзи олимлар уларни малоикалар деб айтишган, баъзилари эса улар фақатгина Жибрийл, Исрофил, Мийкоил, Ўлим фариштаси ва аршни кўтариб турувчи фаришталардир, дейишган.

Баъзилар эса улар Парвардигори оламнинг жаннатларидағи хури ийнлардир, деганлар.

Баъзилар мазкур оятда истисно қилинган зот Мусо алайхиссаломдир, деб, бу сўзларига Имом Бухорий ривоят қилган саҳиҳ ҳадисни далил қиласидар. Унда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Мен нафхадан кейин биринчи бўлиб ҳушига келувчи киши бўламан. Шунда қарасам, Мусо Аршни ушлаб турган бўлади. Билмайманки, у мендан олдинроқ ҳушига келганми ёки Аллоҳ истисно қилган зотларданми**».

Шунинг учун айтаманки, ушбу оятда Аллоҳ истисно қилган зотларнинг кимлигини аниқ айтиш имконсизdir. Бутун башариятнинг муаллими бўлган зотнинг ўзлари ҳам Мусо алайхиссалом истисно қилинган зотлардан бўлиш-бўлмаслигини аниқ айта олмадилар, шундай бўлгач, аҳли илмлар ҳам истисно қилинган зотларнинг кимлар бўлишини албатта аниқ айта олмайдилар. Зотан, Аллоҳнинг илми фақатгина Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан келган саҳиҳ хабар билангина билинади.

«Осмонлардаги ва ердаги (барча) кимсалар даҳшатга тушиб қолган..!!»

Яъни, борлиқдаги барча алоқалар издан чиққан ва ўзаро боғлиқликлар узилган, ер худди шифтга осиб қўйилган қандил мисоли тебранган, ер аҳли даҳшатли бекарорликка юз тутган, ушбу товушни эшиитган киши борки, қаттиқ қўрқув ва даҳшатдан нес бўлиб қолган..

Юракларни ёриб юборадиган бу даҳшатли манзарани бир кўз олдингизга келтириб кўринг, ушбу даҳшат ҳажмидан воқиф бўласиз..

Қуёш нурини йўқотган..

Юлдузлар нур сочмай қўйган ва Аллоҳнинг амри билан у ер, бу ерга сочилиб кетган..

Денгизлар ва дарёлар бағридаги сув алангаси кўкка ўрлаган ўт-оловга айланган..

Тоғларни Ерга ўрнатиб қўйган Зот уларни толқонга айлантириб қўйган, энди улар худди титилган юнг парчалари мисол атрофга сочилган..

Қалбингиз, ақлингиз ва бор вужудингиз билан ушбу ҳодисалар ичида яшаб кўринг, шунда бугун кўриб турганингиз бу Ерга етадиган даҳшат миқёсини англаб оласиз.

Мана бу икки оят маъносини тадаббур қилиб кўринг:

«Қачон Ер ўзининг (энг даҳшатли) зилзиласи билан ларзага тушганида. Ва Ер (ўз бағридаги хазинаю дафиналардан ва инсон жасадларидан иборат) «юқ»ларини (юзага) чиқариб ташлаганида» (Залзала: 1-2).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу сўзларини бир тасаввур қилиб кўринг:

«Кимда-ким қиёмат қунига худди кўз билан кўргандек боқиши истаса, «Изаш-шамсу қуввирот»ни ўқисин, «Изас-сама-ун-фаторот»ни ўқисин, «Изас-сама-ун-шаққот»ни ўқисин» (Термизий: №3330, Аҳмад: №4816, 4934, Ҳоким: (2/515) ривоят қилиб, сахих санаган, Заҳабий унга мувофиқ бўлган, Албоний «Ас-саҳиҳа»да (№1081) сахих санаган).

Келинг, «Изаш-шамсу қуввирот»ни биргаликда ўқиймиз:

1. Қуёш ўралиб (нурсизланиб) қолганида. 2. Юлдузлар ҳам (сочилиб) тўкилганида. 3. Тоғлар ҳам (ўз жойларидан) жилдирил (иб титиб юборил)ганида. 4. (Корнидаги боласи) ўн ойлик бўлган бўғоз туялар ҳам бўш (эътиборсиз) қўйиб юборилганида. 5. Ваҳший ҳайвонлар ҳам (бир жойга) тўпланиб қолганида. 6. Денгизлар ёндирилганида (ва сув ўрнига олов бўлиб қолганида). 7. Жонлар (ўз ўхшашлари билан) жуфтланганида. 8-9. Тириклай кўмилган (ҳар бир) қиздан қандай гуноҳ сабабли ўлдирилгани сўралганида. 10. (Номаи аъмол) саҳифалари очилганида. 11. Осмон (Ернинг устидан) сидириб олинганида. 12. Дўзах (коғирлар учун) ловуллатиб ёқилганида. 13. Жаннат (тақводор зотларга) яқин қилинганида. 14. (Ана ўша Кунда ҳар бир жон ўзи (мана шу Кун учун) ҳозирлаб келган нарсани (яъни барча яхши-ёмон амалларини) билур!» (Таквир: 1-14).

«Қуёш ўралиб қолганида...» Сурга нафха урилгач, бутун борлиқда улкан инқилоб-тўнтариш содир бўлади. Борлиққа ёруғлик ва иссиқлик улашувчи асосий манба бўлмиш қуёш ўз нуридан мосуво бўлади. Ёруғлик ва зиё бобида зарбулмасал бўлган нури ўчиб, зулмат парчасига айланади.

Ибн Аббос: «Яъни, ўралиб, Арш остига қўйилганида», деб тафсир қилганлар.

«Сахиҳ Муслим»да Абу Зар ал-Гифорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам кун ботар пайтида асхобларига: «Бу қуёш қаёққа кетишини биласизларми?», дедилар. Улар: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», дейишиди. Шунда у зот дедилар: **«Албатта, у то ўзининг Арш остидаги қароргоҳига етгунча юриб бораверади. Сўнгра Аллоҳ жалла ва алога сажда қилиб йиқилади».** (Муттрафақун алайҳ, Бухорий: №4802, Муслим: №159, Термизий: №3225).

« Юлдузлар ҳам (сочилиб) тўкилганида...» Юлдузлар ҳам нури сўниб, ҳар тарафга сочилиб кетади.

« Тоғлар ҳам (ўз жойларидан) жилдирил (иб титиб юборил) ганида...» Ерга мустаҳкам ўрнашган пурвиқор тоғлар ўша куни Подшоҳлар Подшоҳининг амри билан толқондек туйилиб, титилган жунлардек ҳар томонда ёйилиб ётади.

Субҳаналлоҳ!! Мана бу оятларни тадаббур қилиб кўринг:

«(Эй Мұхаммад соллаллоху алайҳи ва саллам), улар сиздан тоғлар (қиёмат кунида қандай ҳолда бўлиши) ҳақида сўрайдилар. Бас, айтинг: «Парвардигорим уларни (қум каби) сочиб юборур.

106. Сўнг (ерни) теп-текис қилиб қўюрки,

107. Унда на чуқури иштагида сўнгликни кўурсиз».

108. У кунда (одамлар маҳшаргоҳга) чорловчи (фариштага) эгилмай-бурилмай эргашурлар — итоат қилурлар. Овозлар ҳам Раҳмонга таъзим қилур, фақат пицирлашнигина эшитурсиз.

109. У кунда шафоат-оқлов фойда бермас, магар Раҳмон изн берган ва сўзлашига (шафоат қилишига) У зот рози бўлган кишининггина (шафоати фойда берур).

110. У зот уларнинг олдиларидағи (яъни охиратдаги) ва ортларидағи (яъни дунёдаги) бор нарсани билур. Улар эса У зотни била олмаслар

111. Юзлар ҳам Тирик ва абадий Турувчи (У) зотга таъзим қилур. Ким зулмни (ширкни) кўтариб келган бўлса ноумид бўлиши аниқдир».

(Тоҳа: 102-111).

«(Корнидаги боласи) ўн ойлик бўлган бўғоз туюлар ҳам бўш қўйиб юборилганида...» Корнида ўн ойлик боласи бўлган бўғоз тую Араб жазирасида истиқомат қилувчи араблар учун йирик мулк саналарди.

Бутун ер аҳли даҳшат нафхасини эшитгач, киши ўзининг севимли мулки бўлган ўша бўғоз туяга ҳам қарамай қўяди. Кўзига бу дунё зеб-зийнатларидан ҳеч нарса қўринмай, факат жонини ўйлаб қолади.

«Ваҳший ҳайвонлар ҳам тўпланиб қолганида...» Даҳшатнинг зўридан йиртқич ваҳшийлар хонаки ҳайвонлар билан бир-бирининг пинжига тиқилиб, йиртқич ўлжани, хонаки ҳайвон эса йиртқич чангалини бутунлай эсидан чиқаради.

«Денгизлар қизитилганида..» Субҳаналлоҳ!! Ҳатто, ҳаёт манбаи бўлмиш сувни Аллоҳ ўт-оловга айлантириб қўяди. Сув ўзининг аслига қайтиб, унинг таркибий қисми бўлмиш кислород ва водород бир-биридан ажралиб, ловуллаб ёнувчи ўтга айланади.

«Жонлар жуфтланганида...» Мўминларнинг руҳлари Парвардигори оламнинг жаннатларида ҳури ийнлар билан жуфтлашганида ёки жонлар жасадлар билан жуфтлашганида ёки кофиirlар шайтонлар билан жуфтлашганида..

«Тириклай кўмилган (ҳар бир) қиздан қандай гуноҳ сабабли ўлдирилгани сўралганида...» Яъни, бу бечора ва бегуноҳ қиз нима килган гуноҳи сабабли бу қадар зулм ва тажовуз билан ўлдирилишга – тириклайн кўмилишга дучор бўлганидан сўралса..

«(Номай аъмол) сахифалари очилганида..» Ва ҳар бир жонга ўзининг амал сахифаларини ўқиши учун тарқатилса..

«Осмон (Ернинг устидан) сидириб олинганида...» Ёки осмонни худди очик китоб муқовасини ёпгандек ёпиб қўйилади. Аллоҳ таоло буни ўз қўли билан қиласди. Субҳаналлоҳ!! Нега қилолмасин?! Ахир уни устунсиз кўтариб қўйган Унинг Ўзи эмасми?!

«Дўзах (кофиirlар учун) ловуллатиб ёқилганида...» Гуриллаб, ловуллаб, ямлашга ҳозир бўлиб: «Яна борми?! Яна борми?!», деб туради..

«Жаннат (тақводор зотларга) яқин қилинганида....»

«(Ана ўша Кунда ҳар бир) жон ўзи (мана шу Кун учун) ҳозирлаб келган нарсани (яъни барча яхши-ёмон амалларини) билур!» Ҳар бир инсон боласи ўзининг дунёда гапирган ҳар бир гап-сўзи, қилиб ўтган ҳар бир иш-амали ҳақиқатини билади. Ҳа, ҳамма ишларингизни кўрасиз.. Дунёда қилган ҳамма сўзу амалингизни ёзилган ҳолда топасиз..

Ушбу оятларни шунчаки ўқиб ўтманг, уларни чукур фикрлаб, тадаббур билан ўқинг..

«1. Осмон ёрилганида, 2. Юлдузлар (хар томонга) сочилиганида, 3. Дарё-денгизлар (ўртасидаги тўсиқ-тўғонлар) очилганида, 4. Қабрлар (тупроғи) ағдарилиганида (ва уларнинг ичидаги инсонларга жон ато этилиб Ер юзига чиқарилгандаридан), 5. (Ана ўша Кунда ҳар бир) жон ўзи (ҳаёти дунёдалик чоғида) қилиб ўтган ва (ўзидан кейин) қолдирган (барча) нарсаларни (яъни яхши-ёмон амалларини) билур!» (Инфитор: 1-5).

«1-2. Осмон ёрилган ва у Парвардигори(нинг ёрилиш тўғрисидаги амри)га қулоқ тутган — (мана шу амрга) лойиқ топилган вақтда; 3-4-5. Ер ёйилган (теп-текис бўлган) ва ўз ичидаги (жасадларни устига) чиқариб ташлаб, бўшаниб олган ва у Парвардигори(нинг ёйилиб, теп-текис бўлиш тўғрисидаги амри)га қулоқ тутган — (мана шу амрга) лойиқ топилган вақтда (ана ўша Қиёмат Кунида ҳар бир инсон ўзи қилиб ўтган амалларига рўбарў бўлур)!» (Иншиқоқ: 1-5).

«Эй инсонлар, Парвардигорингиздан қўрқингиз! Зеро (қиёмат) соати (олдидағи) зилзила улуғ-даҳшатли нарсадир. Уни кўтар кунингизда эмизаётган (оналар) эмизиб турган (боласини) унугар ва барча ҳомиладор (аёллар) ўз ҳомиласини ташлаб юборар, одамларни маст-алааст ҳолда кўрурсиз, ҳолбуки улар ўзлари маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир» (Ҳаж: 1-2).

Ушбу машҳад-кўриншларни яхшироқ ва чуқурроқ тадаббур қилинг, шунда қиёмат куни содир бўладиган улкан ва мислсиз зилзила даҳшатини теранроқ англайсиз.

«42. (Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз ҳаргиз: «Аллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил», деб ўйламанг! Фақат Аллоҳ уларни(нг жазоларини) кўзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган (кўрқинчли Қиёмат) Кунига қолдирмоқда, холос.

43. (У Куни) улар бошларини (осмонга) кўтарган ҳолларида (чорланган томонга ҳисоб-китоб учун) чопурлар. Кўзлари ўзларига қайтмайди (яъни, кўрқувдан қотиб қолиб, ўзларининг қандай ҳолда эканликларини ҳам кўрмайдилар). Диллари (даҳшатдан) бўум-бўш бўлиб қолур.

44. (Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), одамларни огоҳлантириб қўйингки, уларга азоб келар Кунда (Қиёматда) золим кимсалар:

«Парвардигоро, бизларга озгина мухлат бергин, (яъни, бизларни дунёга қайтариб, озгина ҳаёт бергин, албатта) Сенинг даъватингни қабул қилурмиз ва пайғамбарларингга эргашурмиз», дейдилар. (Шунда уларга жавоб қилинур): **«Илгари** (хаёт пайтларингизда) **хеч қачон заволга юз тутмаслигингиз** (яъни, ҳеч қачон ўлмаслигингиз ва охират жазосига дучор бўлмаслигингиз) **ҳақида қасам ичмаган эдингизларми?!**

45. (Ахир) сизлар ўзларига зулм қилган кимсаларнинг масканларига (улар заволга юз тутганиларидан кейин) **жойлашган эдингизлар.** Уларни қандай (ҳалок) **қилганимиз ҳам сизларга аниқ маълум эди.** Биз сизлар учун (қанчадан-қанча) **мисоллар келтирган эдик** (лекин сизлар бу кўрган-билганиларингиздан ибрат олмадингиз, ҳақ йўлга юрмадингиз)».

46. **Дарҳақиқат, улар** (яъни Макка мушриклари) **ўзларининг макр-хийлаларини қилдилар.** (Лекин) **агар уларнинг макрлари сабабли тоғлар емирилиб кетадиган бўлса-да, уларнинг (бу) макр-хийлалари Аллоҳ хузурида** (маълумдир).

47-48. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиз ҳаргиз Аллоҳни Ўз пайғамбарларига берган** («Биз албатта пайғамбарларимизни ғолиб қилурмиз», деган) **ваъдасига хилоф қилувчи, деб ўйламанг.** Албатта, Аллоҳ ғолибdir **ва** (у) Ер бошқа Ерга: осмонлар (ўзга осмонларга) **айланиб қоладиган ҳамда** (барча одамлар) **ёлғиз ва қудратли Аллоҳга рўбарў бўладиган Кунда** (Киёматда) **интиқом олувчи**дир.

49. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **у Кунда жиноятчи кимсаларни кишанлар билан боғланган ҳолларида** **кўурсиз.**

50. Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов ўраб олур.

51. Аллоҳ ҳар бир жонга қилган ишига яраша жазо бериш учун (мана шундай қайта тирилтирур). **Албатта, Аллоҳ жуда тез ҳисоб-китоб қилувчи**дир» (Иброҳим: 42-51).

Мазкур оятларни ўқиркансиз, «**Диллари** (даҳшатдан) **бўм-бўш бўлиб қолур**» сўзларига диққат қаратинг. Уларнинг қалблари қиёмат қунининг даҳшатидан бўм-бўш бўлиб қолади. Яъни, юраклари қинидан чиқиб кетиб, ўрни бўшаб қолади, юраклар қинидан чиқиб, бўғизларига қадалиб қолади!!

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиз уларни яқин Кундан** (яъни Киёматдан) **огоҳлантиринг!** Ўшанда улар юраклари халқумларига **тиқилиб,** (ўзлари) **ғам-ҳасратга тўлиб туурлар**» (Ғоғир: 18).

Аллоҳу акбар!! Даҳшатнинг зўридан юраклар кўқрак қафасидаги ўз жойидан чиқиб кетиб, бўғизларга қадалади!!

Не даҳшат бу?! Не шиддат бу?! Даҳшатнинг чўққисидир бу!! Шиддатнинг чўққисидир бу!! Бу ҳам ўта қосир тасаввур бўлур эди! Лекин, агар ушбу оятлар маъносини чуқур тадаббур қилсангиз, Аллоҳ азза ва жалла дилингиздаги ихлос, ростлик ва софлик миқдорига қараб, сизни бу даҳшатли кўринишлар ҳажмидан воқиф этади.

Бу нафха – сурнинг даҳшат нафхаси деб аталган бу чалиниши бир мунча вақт давом этади. Биласизми, қанча вақт ўтади?! Табиийки, йўқ!

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Икки нафха ўртасида қирқ... бордир».

«Эй Абу Ҳурайра, қирқ кунми?», деб сўрашди.

«Ибо қилдим», дедилар Абу Ҳурайра.

«Қирқ ойми?», деб сўрашди. «Ибо қилдим», дедилар яна Абу Ҳурайра.

«Қирқ йилми?», деб сўрашди. «Ибо қилдим», дедилар Абу Ҳурайра яна.

Ибо қилдим, дегани маъносини биласизми?

Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрашга ибо қилдим, деганидир бу. (Муттрафақун алайҳ, Бухорий: №4814, Муслим: №2955

Бу қирқнинг илми Парвардигори олам хузуридадир.

Қирқ ўтганидан кейин Аллоҳ таоло Исрофилга иккинчи бор сурга нафха уришга амр этади.

Суҳбатимизнинг учинчи моддаси шу тўғрида бўлади.

Учинчи: Ўлиб йиқилиш нафхаси

Аҳли илмлар Исрофил неча марта сур чалиши ҳақида ихтилоф қилганлар.

Баъзилари икки марта нафха уради, биринчи – даҳшат (фазъ) нафхаси билан иккинчи – ўлиб йиқилиш (соъқ) нафхаси бир вақтда бўлади, деганлар.

Хофиз Ибн Ҳажар ва Имом Қуртубий шу фикрни олганлар. Қуртубий «Ат-тазкира»да айтишича, ўлиб йиқилиш (соъқ) нафхаси катта даҳшат (ал-фазъ ал-акбар) нафхаси билан бирга бўлади. Яъни, қаттиқ даҳшатга тушиб, шунинг оқибатида ўлиб йиқиладилар. Шу туфайли Хофиз ва Қуртубийлар икки нафха бир вақтда бўлади, деб хисоблайдилар.

Шайхулислом Ибн Таймия, Ҳофиз Ибн Касир ва Имом Ибн ал-Арабийлар эса Аллоҳ таоло Исрофилга сурга катта даҳшат нафхасини, ўлиб йиқилиш нафхасини ва қайта тирилиш нафхасини уришга амр этади, дейдилар. Мен ҳам (Мухаммад Ҳассон) шу фикрга мойилман. Чунки, Куръон ҳам шундай дейди. Куръонда Аллоҳ таоло даҳшат нафхаси, ўлиб йиқилиш нафхаси ва қайта тирилиш нафхаси ўртасини фарқлаган.

Аллоҳ таоло айтади: «**Сур чалиниб, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган зотлардан бошқа осмонлардаги ва ердаги (барча) кимсалар даҳшатга тушиб қолган ва барча У зот (хузурига) бўйин эгган ҳолда келган кунни эсланг»** (Намл: 87).

Аллоҳ таоло айтади: «**Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина** (тирик қолдилар)» (Зумар: 68).

Аллоҳ таоло айтади: «**Сўнгра у иккинчи бор чалинди-да, баногоҳ улар** (яъни барча халойиқ қайта тирилди, қабрларидан) **туриб,** (Аллоҳнинг амрига) **кўз тутарлар**» (Зумар: 68).

Юқоридаги оятларда Аллоҳ таоло истисно қилган зотлар кимлиги борасида уламолар турли фикрлар билдирганлар.

Баъзилари улар пайғамбарлардир, дейишган, баъзилари эса улар шахидлардир, зеро шахидлар абадий тирик, Парвардигорлари хузурида ризқланиб туришади, деганлар.

Баъзи олимлар уларни малоикалар деб айтишган, баъзилари эса улар фақатгина Жибрийл, Исрофил, Мийкоил, Ўлим фариштаси ва аршни кўтариб турувчи фаришталардир, дейишган.

Баъзилар эса улар Парвардигори оламнинг жаннатларидағи ҳури ийнлардир, деганлар.

Баъзилар мазкур оятда истисно қилинган зот Мусо алайҳиссаломдир, деб, бу сўзларига Имом Бухорий ривоят қилган саҳиҳ ҳадисни далил қиласидар. Унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Мен нафхадан кейин биринчи бўлиб ҳушига келувчи киши бўламан. Шунда қарасам, Мусо Аршни ушлаб турган бўлади. Билмайманки, у мендан олдинроқ ҳушига келганми ёки Аллоҳ истисно қилган зотларданми.**»

Шунинг учун айтаманки, ушбу оятда Аллоҳ истисно қилган зотларнинг кимлигини аниқ айтиш имконсизdir. Бутун башариятнинг муаллими бўлган зотнинг ўзлари ҳам Мусо алайҳиссалом истисно қилинган зотлардан бўлиш-бўлмаслигини аниқ айта олмадилар, «Билмайманки, у мендан олдинроқ ҳушига

келганми ёки Аллоҳ истисно қилган зотларданми» дедилар. Шундай бўлгач, аҳли илмлар ҳам истисно қилинган зотларнинг кимлар бўлишини албатта аниқ айта олмайдилар. Зотан, Аллоҳнинг илми фақатгина Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан келган сахих хабар билангина билинади.

Байҳақий, Табароний, Табарий, Ибн Аби Ҳотим ва бошқалар ривоят қилган сур ҳақидаги узун ҳадисда келади – илмий омонат юзасидан айтиб ўтишим керакки, ушбу ҳадис заифдир. Унинг заифлиги ровийлар силсиласидаги Исмоил ибн Рофиъга боғлиқ бўлиб, жарҳ ва таъдил уламолари фикрига кўра, у заифдир – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ўлим фариштаси Малик (Подшоҳ, яъни, Аллоҳ) ҳузурига келади. Шунда Малик ўлим фариштасидан – Ўзи яхши билиб тургани ҳолда – «Эй ўлим фариштаси, ким қолди?», деб сўрайди. У: «Жибрийл, Исрофил, Микоил, Аршни кўтариб турувчи фаришталар ва мен қолдик», дейди. Шундан сўнг Малик: «Жибрийл ўлсин, Исрофил ўлсин, (Микоил ўлсин), Аршни кўтарувчилар ўлсин!», дейди. Ўлим фариштаси қолади. У Малик ҳузурига келади. Малик ундан: «Ким қолди, эй ўлим фариштаси?», деб сўрайди. «Фақат мен қолдим», дейди ўлим фариштаси. Шунда Малик: «Сен ҳам маҳлукотларимдан бирисан, Мен сени шу кўриб турганинг иш учун яратгандим, энди сен ҳам ўл, эй ўлим фариштаси!», дейди. У ҳам ўлади ва абадий ўлмас Ҳақ (Аллоҳ) қолади».**

Мулк ва малакут эгаси бўлган Зотни поклайман.. Иззат ва жабарут соҳибини поклайман.. Барча халойиқларга ўлимни битган, Ўзи эса абадий барҳаёт Зотни поклайман.

Фаришталар ўладилар.. Жибрийл ўлади.. Исрофил ўлади.. Микоил ўлади.. Ўлим фариштаси ўлади.. Аршни кўтарувчи фаришталар ўладилар..

Подшоҳлар ўлади.. Дунёнинг лидерлари ўлади.. Президентлар ўлади.. Министрлар ўлади.. Корчалонлар ўлади.. Бойлар ўлади.. Камбағаллар ўлади..

Солиҳлар ҳам ўлади.. Толиҳлар (ёмонлар) ҳам ўлади.. Мужоҳидлар ҳам ўлади.. Панада ўтирганлар ҳам ўлади.. Ақида билан юксалганлар ҳам ўлади.. Қулларга бўйин эгиб ўтганлар ҳам ўлади.. Хорликка қарши бош кўтарган содик ва муҳлис инсонлар ҳам ўлади.. Қандай қилиб бўлмасин, яшаб қолишга ҳарис бўлган қўрқоклар ҳам ўлади.. Улкан химмат ва юксак ғоялар эгалари ҳам ўлади.. Арzon ва енгил-елпи ҳаётни ихтиёр этган пасткаш ва тубан кимсалар ҳам ўлади.. Ҳамма ўлади. **«(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир. Буюклиқ**

ва қарам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг юзи — Ўзигина боқий мангу қолур» (Ар-Раҳмон: 26-27).

Ёлғиз Маликнинг Ўзи қолади. У осмонлару ерни қўлида тутиб, хитоб қилади: «Мен Подшоҳман! Қани зўравонлар?! Қани мутакаббирлар?! Бугун мулк кимники?! Кимники бугун подшоҳлик?!». Ҳеч ким жавоб бермайди. У Ўзи жавоб беради.

Аллоҳ таоло айтади: «У юксак мартабалидир, арш соҳибидир. У Ўз амри билан бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишига — токи у (инсонларни) мuloқот Кунидан (яъни Қиёматдан) огоҳлантириш учун — ваҳий туширад. Улар (қабрларидан) чиқадиган Кунда Аллоҳга улар(нинг қилиб ўтган амаллари)дан бирон нарса маҳфий бўлиб қолмас. Бу Кунда подшоҳлик кимницидир? Яккаю ягона ғолиб зот Аллоҳницидир!» (Фоғир: 15-16).

Золимлар қани?! Толиҳлар қани?! Солиҳлар қани?! Фиръавнлар қани?! Цезарлар қани?! Кисролар қани?!

Қани Фиръавн?! Қани Ҳомон?! Қани Қорун?!

Ўткинчи мансаб курсиларига мағрур бўлганлар қани?!

Мол-мулклар-у қасрлари билан мағурурлар қани?!

Дабдабали автомобиллари-ю долларлари билан мағрур бўлганлар қани?!

Қани золимлар?! Қани залолатда уларга эргашганлар?!

Аллоҳ таоло айтади: «(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир. Буюклик ва қарам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг юзи — Ўзигина боқий мангу қолур» (Ар-Раҳмон: 26-27).

«Барча нарса ҳалок бўлувчиидир, магар Унинг Ўзигина (мангудир)» (Қасас: 88).

Ҳар қанча яшаманг, барибир ўласиз.. Нақадар яхши кўрманг, барибир ажраласиз.. Ҳар қанча жамғарманг, албатта қолдириб кетасиз.

Эй Аллоҳ мансаб курсисига ўтиргизиб қўйган биродар! Каъбанинг Парвардигорига қасамки, курси қўлдан кетади, мансаб фоний! Ёлғиз Аллоҳ жалла жалолуху боқий! Билингки, сиз ҳам албатта ўтасиз! Мансабингизга мағрур бўлиб қолманг! Курсингизга алданиб қолманг! Мансаб курсингизни Аллоҳнинг розилиги ва тоатига ишлатиб қолинг! Билингки, курси ё сизни Аллоҳга ва Унинг жаннатига яқинлаштиради, ё эса сизни Аллоҳдан узоқлаштириб, Унинг дўзахига отади!. Шундай экан, мансаб курсисини Аллоҳнинг жаннатига етказадиган воситага айлантириб олинг!

Эй биродар! Унумтнаг, агар мансаб курсиси бировга вафо қилсайди, сизга асло етиб келмаган бўларди!

Замонлар ва маконлар оша ҳар бир тирик жоннинг ақлига ва қулоғига етиб бориши лозим бўлган улкан ҳақиқат шуки, боқийлик фақат Мангу Барҳаёт Зотга тегишлидир.

Ўлим шундай ҳақиқатки, солиҳлар ҳам, толиҳлар ҳам унинг шаробини totmai иложи йўқ.

Оlamda тавҳид калимасидан, ла илаҳа иллаллоҳ калимасидан кейинги энг катта ҳақиқат шудир.

Севикли биродарим! Бу ер юзидаги ҳаёт муваққат ва чеклангандир. Бир кун у албатта ниҳоясига етади. Ҳамма ўлади. Яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам, мужоҳидлар ҳам, панада ўтирганлар ҳам, олийҳиммат зотлар ҳам, пасткаш ва тубан кимсалар ҳам, қандай қилиб бўлмасин дунёда яшаб қолишни истаган кимсалар ҳам, ҳамма-ҳамма ўлади!!

Аллоҳ таоло айтади: «(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир. Буюклик ва карам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг юзи — Ўзигина боқий мангур колур» (Ар-Раҳмон: 26-27).

«Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолдилар)» (Зумар: 68).

Аллоҳ таолодан Унинг гўзал исмлари ва олий сифатларини восита қилиб сўрайман, барча мусулмонларни фойдали илм ва солих амалга муваффақ этсин, сизу бизни динда факиҳ қилсин, ошкору маҳфий фитналардан Ўзи асрасин.

Эй Аллоҳ, бизларнинг гуноҳларимизни яширгин ва бизларни шарманда қилмагин, бизларни икром қилгин, хор қилмагин!

Эй Аллоҳ, ушбу муборак жамоадаги ҳар бир кишининг биронта ҳам гуноҳини қўймай мағфират этгайсан, биронта ҳам беморни қўймай шифо ато этгайсан, ҳеч бир қарзни қўймай адo этгайсан, вафот этганларимизни раҳматингга олгайсан, осийларимизни кечиргайсан, тоат-ибодатдагиларимизни саботли қилгайсан, Сенинг розилигинг ва бизнинг фойдамиз бўлган ҳар қандай ҳожатимизни раво қилгайсан, эй оламлар Парвардигори!

Эй Аллоҳ, ушбу жамоатимизни раҳматинг инган жамоат қилгин, бу ердан тарқалишимизни гуноҳдан холи тарқалиш қилгин, ораларимизда биронта ҳам баҳтсиз ва маҳрумни қолдирмагин.

Эй Аллоҳ, бизни хидоят қилгин, биз сабабли хидоят қилгин, бизни хидоятланувчиларга сабабчи қилгин.

Эй Аллоҳ, агар одамларни фитналашни истасанг, бизни шармандаи шармисор бўлмаган ҳолимизда хузурингга олгин, эй раҳмлиларнинг раҳмлироғи!

Эй Аллоҳ, мусулмонларни ўз ҳимоянгга олгин, оч мусулмонларни тўйдиргин, яланғочларини кийдиргин!

Дўстларим! Неки тўғриликка муваффақ этилган бўлсан, ҳаммаси Аллоҳнинг ёлғиз Ўзидан. Неки хато, унутиш содир бўлган бўлса, бари ўзимдан ва шайтондан, Аллоҳ ва Расули ундан покдир. Мен устидан сизлар жаннатга ўтиб оладиган, ўзи эса жаҳаннамга улоқтириладиган кўприк бўлиб қолишдан, сизларга насиҳат қилиб, ўзимни унутишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман.

Эй Аллоҳ, Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўллагин.

2011 йил 14-июл

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

نفخة البعث

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мухаммад Ҳассон

Қайта тирилиш нафхаси

Ислом Нури таржимаси



Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва

қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! **Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир»** (Нисо: 1).

«**Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар!** (Шунда Аллоҳ) **ишлиарингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).**

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишлиарнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчидир.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

Бугунги суҳбатимиз «Охират ҳовлиси силсиласи»дан тўққизинчи суҳбат бўлади. Унда биз қиёмат қоим бўлиш пайтида юз берадиган улкан бир ҳодиса – сур чалиниши ҳодисаси ҳақидаги сўзни давом эттирамиз.

Аллоҳ таоло айтади:

«68. Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолдилар). **Сўнгра у иккинчи бор чалинди-да,баногоҳ улар** (яъни барча халойиқ қайта тирилди, қабрларидан) **туриб,** (Аллоҳнинг амрига) **кўз тутарлар.**

69. Ер (яъни маҳшаргоҳ) **Парвардигорининг нури билан ёриши;** китоб – **номаи аъмол** (ҳисоб-китоб қилиш учун ҳозирлаб) **қўйилди;** **пайғамбарлар ва гувоҳлар келтирилди ва уларнинг** (яъни барча бандаларнинг) **ўрталарида** (биронталарига) **зулм қилинмаган ҳолда ҳақ** (хукм) **билан ҳукм қилинди.**

70. Ва ҳар бир жонга қилган амали(нинг мукофот ёки жазоси) **комил қилиб берилди,** (Аллоҳ) **уларнинг қилар ишлиарини жуда яхши билур»** (Зумар: 68-70).

Аввалги суҳбатимизда сур ҳақида умумий маълумот берган, сўнгра унинг даҳшат нафхаси ва ўлиб йиқилиш нафхаси ҳақида сўзлаб ўтган эдик. Бугун сурнинг қайта тирилиш нафхаси (чалиниши) ҳақида сўз юритамиз.

Вақтдан унумли фойдаланиш учун одатимизга кўра, сұхбатимизни қуидаги бир неча бўлига бўлиб оламиз:

Биринчи: Қайта тирилиш нафхаси.

Иккинчи: Қайта тирилишга Қуръон ва Суннатдан далиллар.

Учинчи: Ким нимада ўлса, ўшанда тирилади.

Ўтган сұхбатимизда сур чалиниши ортидан борлиқдаги бутун жонзотнинг ўлиб йиқилиши, барча халойиқлар фанога юз тутганидан кейин подшоҳлар Подшоҳи Аллоҳ таоло: «Қани подшоҳлар?! Қани зўравонлар?! Қани мутакаббирлар?!» деб хитоб қилиши, сўнг ўз овози билан: «Бугун мулк кимники?!» деб нидо қилиши, ҳеч ким жавоб беролмагач, Ўзи: «Ягона Қаҳҳор Аллоҳники!!», деб жвоб бериши ҳақида гапириб келаётган эдик.

Барча махлуқот ўлди.. Якка, Ягона, Беҳожат, туғмаган ва туғилмаган, Унга бирор тенг бўлмаган Аллоҳнинг Ўзи қолди.. Аввал Ўзи бўлганидек, Охир ҳам Ўзи бўлди.

«Аввал ҳам, охир ҳам, зоҳир ҳам, ботин ҳам Унинг Ўзидир. У барча нарсани билувчидир» (Ҳадид: 3).

Аллоҳ аввалдир, яъни У азалий зот бўлиб, Ундан аввал бирон нарса ўтган эмас;

Аллоҳ охирдир, яъни У абадий-мангу зот бўлиб, барча нарса йўқ бўлгай, лекин Унинг интиҳоси йўқдир;

Аллоҳ зоҳирдир, Ундан юқорида бирон нарса йўқдир;

Аллоҳ ботиндир, Ундан қуидаги-яқинда бирон нарса йўқдир.

Биринчи: Қайта тирилиш нафхаси

Аллоҳга қасамки, илми ҳамма нарсани қамраб олган Зотдан ўзга ҳеч ким буни билолмайди.

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Икки нафха ўртасида қирқ... бордир».

«Эй Абу Ҳурайра, қирқ кунми?», деб сўрашди.

«Ибо қилдим», дедилар Абу Ҳурайра.

«Қирқ ойми?», деб сўрашди. «Ибо қилдим», дедилар яна Абу Ҳурайра.

«Қирқ йилми?», деб сўрашди. «Ибо қилдим», дедилар Абу Ҳурайра яна.

Ибо қилдим, дегани маъносини биласизми?

Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрашга ибо қилдим, унинг илми Аллоҳ ҳузуридадир, дедилар у киши. (Муттафақун алайҳ, Бухорий: №4814, Муслим: №2955).

Ўша қирқ ўтганидан кейин Аллоҳ таоло бутун махлуқотини яна қайта тирилтиришни истаган пайт осмондан сув ёғдиради. Шу сув билан ер остида, қабрлар ичидаги ётган жасадлар худди ўсимликлар унганидек унади.

«Саҳих Муслим»да келган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Ҳар бир одам фарзанди чириб йўқ бўлиб кетади, фақат ажбуз-занаб қолади. Одамзот шундан яралган ва (яна қайтиб) шундан таркиб топади»**. (Муслим: №2955).

Ажбуз-занаб умуртқа поғонасининг охирида жойлашган ўта кичик хажмдаги суюқдир. Одам ўлиб, вужуди чириб, тупроққа қўшилиб кетиши, куйиб кулга айланиши ёки бирор ҳайвонга ем бўлиши мумкин. Аммо, мазкур ажбуз-занаб қолади. Қиёмат куни осмондан ёқсан сув таъсирида одамнинг жасади худди ўсимликнинг уруғига ёмғир таъсир қилиб, униб чиққанидек униб чиқади.

Аллоҳ таоло халойиқларни тирилтиришни истаган пайт ўша майда суюқдан уларни қайта таркиб топтиради. Жасад тупроққа қўйилган бўлсин, сувга чўккан бўлсин, йиртқичларга ем бўлган бўлсин, фарқсиз, Аллоҳ таоло уни ўша ажбуз-занаб аталган майдагина суюгидан яна қайта таркиб топтиради. Қабрлардаги жасадлар инсон шаклига киради. Шундан сўнг Аллоҳ таоло Исрофилга амр этади, у сурни оғзига олиб бориб, қайта тирилиш нафхасини уради. Шунда руҳлар чиқиб келади. Мўминларнинг руҳлари нурли, мушрикларнинг руҳлари зулматли бўлиб чиқади. Руҳлар жасадларга худди заҳар жисмга тараалгани каби тараалади. Шундан сўнг Аллоҳ таоло ерга амр этади, ер силкиниб, ёрилади ва бағрида ётган Одам алайҳиссаломдан тортиб то қиёматгача ўтган инсонларни ташқарига чиқаради.

Аллоҳ таоло айтади:

«68. Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолдилар). Сүнгра у иккинчи бор чалинди-да,баногоҳ улар (яъни барча халойиқ қайта тирилди, қабрларидан) туриб, (Аллоҳнинг амрига) кўз тутарлар.

69. Ер (яъни маҳшаргоҳ) **Парвардигорининг нури билан ёришди;** **китоб – номаи аъмол** (ҳисоб-китоб қилиш учун ҳозирлаб) **кўйилди;** **пайғамбарлар ва гувоҳлар келтирилди ва уларнинг** (яъни барча бандаларнинг) **ўрталарида** (биронталарига) **зулм қилинмаган ҳолда ҳақ** (хукм) **билан ҳукм қилинди.**

70. Ва ҳар бир жонга қилган амали(нинг мукофот ёки жазоси) комил қилиб берилди, (Аллоҳ) уларнинг қиласар ишларини жуда яхши билур» (Зумар: 68-70).

Аллоҳ таоло айтади:

«51. (Қиёмат соати келиб фаришта Исрофилнинг) сури чалиниши билан баногоҳ улар қабрларидан Парвардигорлари ҳузурига (ҳисоб-китоб учун) сұғурилиб чиқурлар.

52. Улар: «Эй бизларга ўлим бўлсин! Ким бизларни ётган жойимиздан (қабрларимиздан) турғазди?» деганларида, (уларга айтилур): «Мана шу Раҳмон ваъда қилган ва пайғамбарлар рост сўзлаган нарса Қиёматдир».

53. Фақатгина бир даҳшатли қичқириқ бўлар-у, баногоҳ уларнинг барчалари Бизнинг даргоҳимизда ҳозир қилинувчи дирлар.

54. Мана бу Кунда ҳеч бир жонга бирон зулм қилинмас ва сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган амалларингиз сабабли жазоланурсиз» (Ясин: 51-54).

Аллоҳ таоло айтади:

«41. Ва жарчи (Исрофил фаришта) **яқин бир макондан туриб жар соладиган Кунда** (унинг нидосига) **қулоқ тутинг!**

42. У Кунда улар (барча халойиқ) **у даҳшатли кичқириқни ҳаққи-рост эшитурлар. Бу** (қабрлардан тирилиб) **чиқиш Кунидир!**

43. Албатта Биз Ўзимиз (барча жонзотга) **ҳаёт берурмиз ва ўлим берурмиз. Ёлғиз Бизга қайтиш бордир!**

44. У Кунда уларнинг устидаги Ер ёрилиб, (улар) **шошган ҳолларида** (қабрларидан чиқиб келурлар). **Бу** (яъни Қиёмат Кунида

барча халойиқни ҳисоб-китоб учун түплаш) ёлғиз Бизгагина осон бўлган түплашдир.

45. Биз улар (кофирлар) **айтаётган сўзларни жуда яхши билурмиз.** (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиз уларнинг устида** (дину иймонга) **зўрловчи эмассиз.** **Бас, ушбу Қуръон билан Менинг** (кофирларни азоб-уқубатга гирифтор қилиш ҳақидаги) **ваъдамдан** **кўрқадиган кишиларга панд-насиҳат қилинг!** (Қоф: 41-45).

Аллоҳ таоло айтади:

«1. Қачон Ер ўзининг (энг даҳшатли) **зилзиласи билан ларзага** **тушганида.**

2. Ва Ер (ўз бағридаги хазинаю дафиналардан ва инсон жасадларидан иборат) **«юк»ларини** (юзага) **чиқариб ташлаганида.**

3. Ва (ҳаётлик пайтида қайта тирилишни инкор қилувчи бўлган) **инсон** (қайта тирилганидан даҳшатга тушиб: «Ерга» нима бўлди ўзи?) **деб** **қолганида**

—4-5.— **Ана ўша Кунда Ер, Парвардигорингиз унга ваҳий қил(иб,** сўзлашга буюр)гани сабабли ўз хабарларини сўзлар!

6. Ўша Кунда одамлар, уларга (қилиб ўтган амаллари) **нинг жазо ёки** мукофотлари **кўрсатилиши учун тўда-тўда бўлиб чиқиб келурлар!**

7. Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) **зарра мисқоличалик** яхшилик қилса (Қиёмат Кунида) **ўшани кўрур.**

8. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!

(Залзала: 1-8).

Келинг, ушбу сура маъносини биргалиқда кўриб чиқамиз:

«Қачон Ер ўзининг (энг даҳшатли) **зилзиласи билан ларзага** **тушганида ва Ер «юк»ларини** (юзага) **чиқариб ташлаганида..»** Яъни, Ерда мисли кўрилмаган улкан зилзила содир бўлиб, у ўз бағрида яширган бутун махлуқотлар жасадларини чиқариб ташласа ва ҳолат тили билан: «Сизлар гуноҳ ва маъсиятларингиз билан менга жуда оғир юк бўлдингиз, мен сизларнинг қон тўкиш, талон-тарож, туғён, ўғирлик каби жуда кўп гуноҳларингизни кўтардим», деб айтса..

«Ва инсон: «Ерга нима бўлди ўзи?», деб қолганида..» Нима бўлди ўзи?! Нима унинг тинчлигини беқарорликка айлантириди?! Нима сабабдан ер бунча кучли силкинмоқда?!..

Ер уларга: «Аллоҳнинг амри шу!» деб жавоб беради. Субҳаналлоҳ!
Ер гапиради!! Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси шу!!

«Ана ўша Кунда Ер, Парвардигорингиз унга ваҳий қил(иб, сўзлашга буюр)гани сабабли ўз хабарларини сўзлар!» Ўшанда сиз барча хабардан воқиф бўласиз, нима гаплигини ва нима ҳодиса юз берганини англаб етасиз. Бу ҳол Парвардигори оламнинг амри билан юз бераётганини тушунасиз.

«Ўша Кунда одамлар, уларга (қилиб ўтган амаллари)нинг жазо ёки мукофотлари қўрсатилиши учун тўда-тўда бўлиб чиқиб келурлар! Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат Кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!».

Аллоҳ ҳаққи, бутун вужудингиз билан ўша ҳодисалар ичига киришга уриниб кўринг, ўзингизни юракларни қинидан чиқариб юборадиган ва борлиқни ларзага келтирадиган ўша кўринишлар ичидан деб тасаввур қилинг.. Ер ёрилган, шарқу ғарбда, жанубу шимолда, ҳамма-ҳамма ерда қабрлар очилиб, ўз бағридаги жасадларни чиқариб ташлаган.. Ҳар бир қабрдан ўнлаб, юзлаб, балки минглаб жасадлар чиқиб келади.. Ҳамманинг кўзи фақат бир тарафга тикилган, ҳеч ким бошқа томонга қарамайди.. Ҳамма Парвардигори оламнинг буйруғи билан бутун инсониятни ҳали бирорвнинг қадами тегмаган янги ерга – Маҳшар ерига олиб бориш учун ўзига чорлаётган Улуғ Фариштага тикилиб қолган.

Аллоҳ таоло айтади:

«108. У кунда (одамлар маҳшаргоҳга) чорловчи (фаришта)га эгилмай-бурилмай эргашурлар — итоат қилурлар. Овозлар ҳам Раҳмонга таъзим қилур, бас фақат пичирлашнигина эшитурсиз.

109. У кунда шафоат-оқлов фойда бермас, магар Раҳмон изн берган ва сўзидан У зот рози бўлган кишигагина (фойда берур).

110. У зот уларнинг олдиларидаги (яъни охиратдаги) ва ортларидаги (яъни дунёдаги) бор нарсани билур. Улар эса У зотни била олмаслар.

111. Юзлар ҳам Тирик ва абадий Турувчи (У) зотга таъзим қилур. Ким зулмни (ширкни) кўтариб келган бўлса ноумид бўлиши аниқдир»
(Тоҳа: 108-111).

«У кунда (одамлар маҳшаргоҳга) чорловчи (фаришта)га әгилмай-бурилмай әргашурлар..» Ҳеч ким бурилмайди, бирон кимса ортда қолмайди.. Фаришта нидо қилади.. Эй чириган сүяклар.. Эй чирик кағанлар.. Эй даҳшатдан бўм-бўш бўлиб қолган диллар.. Эй мўлтираган кўзлар.. Эй инсонлар.. Эй қабрлардаги одамлар.. Қудратли Подшоҳ хузурига ажрим ва ҳисоб-китоб учун чиқиш фурсати етди!

Биласизми, одамлар қабрлардан қай суратда чиқиб келишади?!

Одамлар қабрлардан ялангоёқ, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолда чиқиб келади.

Аллоҳ таоло айтади: «**У кунда Биз осмонни ҳам худди мактуб ёзилган саҳифани ўраган янглиғ ўраб, биринчи марта қандай яратган бўлсак, (ўша ҳолга) қайтарурмиз.** (Бу) **Бизнинг зиммамиздаги ваъдадир. Албатта Биз (шундай) қилувчиидирмиз**» (Анбиё: 104).

«Саҳиҳайн»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ялангоёқ, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолда маҳшарга йигиласизлар»**, деганлар. Шунда Оиша розияллоҳу анҳо: «**Ё Расулуллоҳ!** Эркак-у аёллар бир-бирига қарайдилар-ку!», деганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Эй Оиша, иш (яъни, аҳволнинг оғирлиги) бу нарса уларга аҳамиятли бўлишидан қаттиқроқ»**, деб жавоб берганлар (Бухорий: №6527, Муслим: №2859).

Аллоҳ таоло айтади:

«Бас, қачон (кулоқларни) кар қилувчи (даҳшатли қичқириқ) келганда (яъни сур чалиниб, барча халойиққа қайтадан жон ато этилганда ҳар бир инсон ўзи билан ўзи бўлиб қолур)! У Кунда киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотини-ю, бола-чақасидан ҳам қочур! (Чунки) **улардан ҳар бир киши учун у Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур!»** (Абаса: 33-37).

Бу кўринишларни бир тасаввур қилиб кўринг, шунда у куннинг даҳшатидан салгина бўлса ҳам воқиф бўласиз.

Шеър (мазмуни):

Тасаввур қил, ҳисоб кун маҳшаргоҳ ичра,
Туришингни даҳшатдан вужудинг титраб..

Жаҳаннам ғазабла ўқирад, ўрлар,
Гуноҳкор бандани бағрига чорлар.

Арш соҳиби қаҳру ғазаб ила дер:
«Эй банда, номангни ўқи бирма-бир!

Кўргинчи, бормикан унда лоақал,
Сен қилиб ўтмаган биргина амал?!»

Номанг ўқиб, бўлганингда барига иқрор,
Дўзах посбонларига амр этур Жаббор:

«Эй фаришталарим, ушлангиз уни,
Дўзахнинг қаърига ташлангиз уни!».

Мушриклар эртага дўзахда ёнарлар,
Мўминлар абадий жаннатда қоларлар.

Эй Аллоҳнинг бандаси! Бугун эгнингга покиза ридони – солиҳ амаллар ридосини илиб ол.. Бугун баданингни солиҳ амаллар либоси билан, еру осмонлар Парвардигори ҳузурида боқий қолувчи покиза ва эзгу амаллар либоси билан ўраб ол! Зотан солиҳ амалгина ўз эгасини Парвардигорнинг жаннатларига етказади!

Иккинчи: Қайта тирилишга Қуръон ва Суннатдан далиллар

Қайта тирилишни икор қилувчилардан бири қўлидаги суюкни ҳавога отиб, айлантириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келди ва истеҳзо ва масхара билан: Эй Мұҳаммад! Сен мана шу суюк чириб, тупроққа айланиб кетганидан кейин Раббинг уни яна қайта тирилтиради деб даъво қиласанми?!», деди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, (Раббим) сени ўлдиради, сўнг тирилтиради, сўнгра дўзахга ташлайди», дедилар.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло қуйидаги оятларни нозил қилди:

«77. Инсон Биз уни нутфадан, бир томчи сувдан яратганимизни, энди эса баногоҳ у (Үзимизга) очиқ қаршилик қилувчи бўлиб қолганини кўрмадими?!

78. У Бизга «Чириб битган суякларни ким ҳам тирилтира олур?» деб, мисол келтирди-ю, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди.

79. (Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «У (чириган суяқ)ларни дастлаб (бир томчи сув)дан пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур. У (Ўзи яратган) барча халқни билувчидир».

80. У сизлар учун ям-яшил дараҳтдан олов пайдо қилган зотдир. Бас, сизлар ўшандан ўт ёқурсизлар.

81. Осмонлар ва ерни яратган зот яна уларнинг ўхшашини яратишга қодир эмасми?! Йўқ, (албатта қодирдир), Унинг Ўзигина яратувчи ва билувчидир.

82. Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоқлигидир. Бас у (нарса) бўлур — вужудга келур.

83. Барча нарсанинг эгалиги Ўз қўлида бўлган (Аллоҳ ҳар қандай айбу-нуқсондан) пок зотдир. Ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар» (Ясин: 77-83).

Имом Аҳмад «Муснад»ида ҳасан санад билан Буср ибн Жаҳҳош ал-Қураший розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтилади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни кафтларига туфлаб, унга кўрсаткич бармоқларини қўйдилар ва айтдилар: «Аллоҳ таоло айтади: Эй одамзот, сен мени қандай қилиб ожиз қолдира олардинг, ҳолбуки Мен сени мана бу каби нарсадан яратдим, Мен қадди-қоматингни расо қилиб қўйгач, иккита бурдага (кийимга) ўралиб (гердайиб) юрдинг, ернинг ҳам сендан шикоят-оғриқи бор, (мол-дунёни) жамғардинг, (закоту садақотини) бермадинг, жон ҳалқумга етган пайтда «садақа қиласман» дейсан, садақа қилиш вақти аллақачон ўтган бўлади!» (Ибн Можа: №2707, Аҳмад: №17769, Ас-силсилатус-саҳиха: 1143).

Аллоҳ таоло айтади:

«36. Инсон ўзини (бу дунёда дину иймонга буюрилмасдан, охиратда эса қайта тирилиб ҳисоб-китоб қилинмасдан) **бекор ташлаб қўйилишини ўйларми** (тамаъ қилурми)?! **37. Ахир у** (бачадонга) **тўкиладиган манийдан бир** (ҳақир) **нутфа эмасмиди?!** **38. Сўнгра лахта қон бўлди.** **Бас,** (Аллоҳ уни) **яратиб, расо** (инсон) **қилди.** **39. Сўнг** ундан эркак ва аёл жуфтларини (пайдо) **қилди.** **40. Ана шу** (Аллоҳ) **ўликларни тирилтиришга қодир эмасми?!**» (Қиёмат: 36-40).

Албатта Аллоҳ бунга қодирдир!

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Аллоҳ таоло деди: Одамзот мени ёлғончи қилди, у бунга ҳақли эмас эди, мени ҳақоратлади, унинг бунга ҳаққи йўқ эди. Мени ёлғончи қилиши шуки, у: «Аллоҳ мени биринчи бор яратганидек ҳолимга қайтаролмайди», деди. Ҳолбуки, биринчи бор яратиш Менга қайта яратишдан кўра енгил эмасдир. Мени ҳақорат қилиши шуки, «Аллоҳнинг фарзанди бор» деди. Ҳолбуки, Мен ягона, беҳожат, туғмаган ва туғилмаган, ҳеч ким Менга баробар келолмайдиган Зотман» (Бухорий: №4974).

Аллоҳ таоло айтади:

«Кофир бўлган кимсалар ўзларининг ҳеч қачон қайта тирилмасликларини гумон-даъво қилдилар. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) **айтинг: «Йўқ! Парвардигоримга қасамки, албатта қайта тирилурсизлар, сўнгра албатта сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур. Бу Аллоҳга осондир»** (Тағобун: 7).

Яъни, Аллоҳ таоло уларни албатта тирилтиради ва улар дунёда ўзлари қилиб ўтган ишларидан катта-ю кичик бирон нарсани қолдирмай битиб қўйилган китобларини албатта ўқийдилар.

Кофирилар қайса́рлик билан инкор қилдилар ва Қуръонда айтилганидек, шундай дедилар:

49. Улар: «Суяқ ва (чирик) мурдаларга айланиб кетгач, яна янгитдан яралиб тирилурмизми?!» дедилар.

50-51. Айтинг: «Сизлар хоҳ тош ё темир бўлинглар ёки кўнгилларингизда (ҳаётлигини тасаввур қилиши) жуда қийин бўлган

бошқа бирон махлуқ бўлинглар, (харҳолда Аллоҳ сизларни тирилтирур). Ҳали улар: «Бизларни ким қайта тирилтира олур?»— дейдилар. «Сизларни илк бор яратган зот», деб айтинг! Ҳали улар: «У (кун) қачон бўлур?» деб (сўрайдилар). «Шоядки яқин бўлса», деб айтинг!

52. У зот сизларни чорлайдиган кунда Унга ҳамду сано билан жавоб берурсизлар ва ўзларингизнинг (дунёда) жуда оз (муддат) турғанларингизни ўйлаб қолурсизлар» (Исро: 49-52).

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир киши ҳаддан ташқари кўп гуноҳлар қилиб, вафоти яқинлашганда фарзандларига васият қилиб айтдики: «Агар вафот этсан, мени куйдиринглар ва кулимни шамолли кунда денгизга сочиб юборинглар. Аллоҳга қасамки, агар Роббим мен(и қайта тирилтириш)га қодир бўлса, менга ҳеч бир бандасига бермайдиган қаттиқ азоб билан азоб беради». Фарзандлари унинг айтганини қилишди. (Аллоҳ таоло) ерга: «Олган (омонатларингни) адo қил», деб буюрди. Шунда у (одамнинг жасади йигилиб келиб, Аллоҳ ҳузурида) турди. Аллоҳ таоло ундан: «Сени бундай қилишга нима ундаид?», деб сўради. «Сендан қўрқишим, эй Роббим», деб жавоб берди. Шу сабабли Аллоҳ таоло уни мағфират қилди» (Муттафакун алайҳ, Бухорий: №7508, Муслим: №2756).

Ином Муслим Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган, шунингдек Ином Термизий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Аллоҳ таоло деди: «Эй Одам фарзанди, мудом Менга дуо қилар экансан ва Мендан умид қилар экансан, нима қилган бўлсанг ҳам (қандай катта гуноҳ бўлишидан) қатъий назар кечираман. Эй Одам фарзанди, агар гуноҳларинг осмондаги булутларга қадар етиб борса ва Мендан мағфират сўрасанг, (қандай катта гуноҳлигидан) қатъий назар, мағфират қиласман. Эй Одам фарзанди, агар Менинг ҳузуримга ер юзичалик гуноҳлар билан келсанг-у, Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳолда йўлиқсанг, Мен сенга ер юзичалик

мағфират билан рўбарў бўламан» (Термизий: (2/270), Доримий (2/322), Аҳмад (5/172) ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: №4338).

Қайта тирилиш ҳақиқатини билмайдиган ва ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу ҳақиқатни инкор қиласидиган кишиларга Аллоҳ таоло Ўзининг Китобида амалий мисолни келтириб қўйган.

Аллоҳ таоло айтади:

«259. Ёки бир зот ҳақидаги масални (билмадингизми), у зот томлари йиқилиб ҳувиллаб қолган бир қишлоқдан ўтаркан: «Аллоҳ бу хароб бўлган қишлоқни қандай тирилтирас экан-а?» деди. Шунда Аллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди. Сўнгра тирилтириб сўради: «Қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг?» «Бир кун ё ярим кун», деди у. Аллоҳ деди: «Йўқ, юз йил турдинг. Таом ва ичимлигингга қара — бузилган эмас. Энди эшагингни (чириб, суяклари ажраб кетганини) кўргин. (Бу ҳодисани Аллоҳнинг қудратини кўрсатиш) ва сени одамлар учун оят — ибрат қилиш учун (келтиридик). Бу суякларни қандай тиклаб, сўнг уларни гўшт билан қоплашимизни кўргин. Қачонки унга бу нарсалар аниқ кўрингач: «Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан», деди.

260. Эсланг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Иброҳим**: «Парвардигор, менга ўликларни қандай қилиб тирилтиришингни кўрсат», деганида, Аллоҳ: «Ишонмайсанми?» — деди. Иброҳим айтди: «Йўқ, ишонаманку, лекин дилим яна ҳам таскин топиши учун». Аллоҳ айтди: «Тўртта қушни олиб, ўзингга бургин (ва уларни бош, оёқ, қанот ва патларини тортиб, узиб, сўнгра бир-бирларига аралаштириб), кейин (атрофдаги тоғлардан) ҳар бир тоғнинг устига уларни бўлак-бўлак қилиб қўйгин ва шундан сўнг уларни чақиргин, дарҳол келадилар. Билгилки, Аллоҳ шубҳасиз қудратли ва ҳикматлидир» (Бақара: 259-260).

Қуръони каримда келган учинчи бир мисол билан ушбу мавзуга якун ясаймиз. Аллоҳ таоло ғорда 309 йил қолиб кетган ғор эгалари воқеасини шундай зикр қиласиди:

9. Балки сиз Каҳф (ғор) ва Битик (уларнинг қиссалари битилган тош) эгалари (ҳақидаги ривоятдан воқиф бўлгач, бу) Бизнинг

(охират, Қиёмат ҳаққи-рост эканлиги түғрисидаги) оятларимизнинг энг ажойиби, деб ўйлагандирсиз?

И з о х . Муфассирлар ёзишларича, «Асҳобул-Каҳф» - «Гор эгалари»нинг қиссаси бундоқ бўлган экан: Ийсо алайҳис-салом замонларидан кейин Рум давлатларидан бирида Дақёнус номли золим шоҳ чиқиб, одамларни бутларга ибодат қилишга мажбур қилар, амрига бўйинсунмаган кишиларни эса ўлдирап экан. Кунлардан бирида, унга фуқароларидан бир неча йигит унинг фармонидан бош тортишиб, бутларга сиғинишмаётганини етказибдилар. Подшоҳ уларни саройига чақириб, бу хабарнинг рост-ёлғонлигини сўраганида, улар: «Бизлар ёлғиз Аллоҳдан ўзга бирон кимса ёки нарсага сиғинмаймиз», деб жавоб қиласдилар. Шунда шоҳ уларга: «Сенлар ёш, чиройли, бақувват йигитлар экансанлар, ўз жонларингга жабр қилманглар. Мен сенларни ўлдириб юборишга кўзим қиймаяпти. Яхиси, эрталабгача ўйлаб кўриб, эртага менга жавобини айтинглар», деб уларга рухсат беради. Йигитлар ўзаро маслаҳатлашиб, «Аллоҳдан ўзгага бўйсунгандан кўра шу бадбахт диёрни тарк қилганимиз афзал», дейишиб, тун қоронғусида шаҳарни тарк қилишади. Йўлда яйловдан ўтиб бораётгандаридан уларга ўша ерлик бир чўпоннинг ити ҳам эргашади. Тонгга яқин бир тоққа етиб боришиб катта ғорга кириб яширинадилар. Танғри таоло Ўзининг садоқатли бандаларини ҳалок бўлишидан сақлайди – уларни узоқ уйқуга чўмдиради. Уйғонгандаридан орадан уч юз иш ўтган эди. Бундан бехабар йигитлар бир ё ярим кун ухладик, деб ўйлайдилар ва ораларидан битталарини яширинча шаҳарга егулик харид қилиб келиш учун жўнатадилар. У йигит бозорга келиб таом сотиб олиб, ёнидаги тангани узатганида, сотувчи ҳайрон бўлиб: «Бу Дақёнусдан қолган танга-ку, бирон ердан ҳазина топиб олдингми?» деб сўрайди, Йигит ҳам ҳайрон бўлиб «Ҳеч қандай ҳазина топиб олганим йўқ, бу менинг қавмим ишлатадиган оддий танга», деб жавоб қилиб, Дақёнусга нима бўлганини сўрайди. Бу орада тўпланиб кетган одамлар унинг аллақачон ўлиб кетганини айтишиб, йигитни подшоҳ олдига олиб борадилар. Бу шоҳ мўмин, солиҳ киши эди. Йигитдан ўзи ва ўртоқларининг бошидан кечган воқеаларни эшиштгач, аскарлари ва шаҳар аҳли билан ўша ғор оғзига борадилар. Ичкаридаги

йигитлар Дақёнус олиб кетгани келди, деб ўйлашиб, ўлим олдидан сүнгги бор ибодат қилиб олишга тутинадилар. Подшоҳ ва унинг одамлари ғорга киришиб, уларни ибодат устида кўрадилар ва намозларини тугатганларидан сўнг подшоҳ йигитларнинг ҳар бири билан қучоқлашиб кўришиб, уларнинг бошларидан кечган саргузашт Аллоҳ таоло бандаларини Қиёмат кунида ҳисоб-китоб қилиш учун қайта тирилтириши ҳақ эканига бир оят — аломат эканлигини айтади. Юқорида мазкур бўлган ва қуийда келадиган ояtlарда мана шу «Асҳобул-Қаҳф» хусусида сўз кетади.

10. Эсланг, ўшанда улар ғорга паноҳ истаб боришиб: «Парвардигоро, бизларга ўз ҳузурингдан раҳмат — марҳамат ато этгин ва бизларнинг ишимизни Ўзинг ўнглагин», дедилар.

11. Бас, Биз ўша ғорда уларни бир неча йил чуқур уйқуга чўмдириб қўйдик.

12. Сўнgra (уларнинг ичидаги қанча ухлаганлари ҳақида тортишадиган) икки гуруҳдан қайси бири турган муддатларини (тўғри) ҳисоблаганини билиш учун уларни уйғотдик» (Қаҳф: 9-12).

Аллоҳу акбар! Аллоҳ уларни шунча йиллар ухлатиб, кейин одамларга Ўзининг ҳамма нарсага қодирлигини кўрсатиб қўйиш учун яна қайта тирилтирди.

Эй яхшилар! Ақлини Аллоҳнинг қудрати ҳад-худудларига етишга таклиф қилган кишининг мисоли худди чумолини тоғни ўз ўрнидан жилдиришга таклиф қилган кишига ўхшайди.

Шеър мазмуни:

Ўлим чангалига тушган табибдан сўранг:

Эй дардларни даволовчи, сени ким ўлдирди?

Тиббиёт фани даволашдан ожиз қолганидан сўнг

Буткул тузалиб кетган bemордан сўранг, сени ким тузатди?

Соппа-соғ туриб ўлиб қолган кишидан сўранг:

Эй соғлом инсон, сени ўлимга ким маҳкум этди?

Тиқилинчда туртинмай бораётган кўрдан сўранг:

Эй кўзи ожиз, сени ким йўлга солмоқда?

Кўзи очиқ бўла туриб чуқурга йиқилган
Кишидан сўранг: Сени ким қулатди?
Ташқи оламдан узилган, озуқасиз яшаётган
Ҳомиладан сўранг: Сенга ким ризқ берди?
Туғилиш пайти чинқириб йиғлаган
Гўдақдан сўранг: Ким сени йиғлатди?
Заҳар сочаётган илонни кўрсангиз
Сўранг ундан: Ким сени заҳарга бой қилди?
Сўранг: Оғзинг тўла заҳар бўла туриб,
Ўзинг қандай ўлмай, омон юрибсан?
Асаларидан сўранг: Қандай бол ясайсан?
Асалдан сўранг: Сени ким тотли қилиб қўйди?
Тезак ва қон орасидан отилиб чиқувчи
Тоза сутдан сўранг: Ким сени мусаффо қилди?

Аллоҳ билан бирга яна бошқа барҳақ маъбуд борми?! Ла илаҳа
иллаллоҳ!! Бир Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқдир!! Ундан ўзга
парвардигор йўқдир!!

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор
айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан
ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ
ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят
қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва
элчисидирлар, у зот омонатни адо этганлар, рисолатни етказганлар,
умматга холис насиҳат қилганлар, Аллоҳ таоло у зот сабабли
зулматларни ёритган, у зот Аллоҳ йўлида то ўлим келгунича ҳақиқий
жиҳод қилганлар деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотни энг яхши мукофотлар билан мукофотлагин.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва
йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп
саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Учинчи: Ким нимада ўлса, ўшанда тирилади

Аллоҳ йўлидаги дўстим!

«Саҳиҳ Муслим»да ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтгандар: **«Ҳар бир банда ўзи вафот этган нарсада тирилади».** (Муслим: №2878).

Эй Аллоҳнинг бандаси! Нима ҳолат устида яшаб ўтган бўлсангиз, ўша ҳолат устида қайта тириласиз. Саодат аҳлидан бўлсангиз, тоат устида вафот этасиз ва қиёмат куни ўша ҳолат устида тириласиз. Бахтсизлар жумлсидан бўлсангиз, маъсият устида вафот этасиз ва ўша устида тириласиз.

Аллоҳу акбар!!

У куни юзидан, аъзоларидан, ўнгидан ва чапидан нур ёғилиб турган ҳолатда тириладиган кишилар бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«У Кунда Аллоҳ пайғамбарни ва у билан бирга иймон келтирган зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрур.** Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин. **Албатта Сен барча нарсага қодирдирсан», дерлар» (Таҳрим: 8).**

Суютий «Ад-дуррул-мансур»да келтириб, Ибн Аби Ҳотим, Ибн Мунзир ва Ибн Мардавайҳга нисбат берган, Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилиб, икки шайх шартига кўра саҳиҳ деган, Заҳабий эса Бухорий шартига кўра саҳиҳ санаган асарда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтадилар: «*Улардан баъзисининг нури тоғдек бўлади, баъзисининг нури хурмо дарахтидек бўлади, баъзисининг нури тик турган кишидек бўлади, баъзисининг нури бош бармоғида бўлиб, гоҳ ёниб, гоҳ ўчиб туради, баъзисини эса ҳар тарафдан зулмат ўраб олган бўлади*».

«У Кунда мунофиқ ва мунофиқалар иймон келтирган зотларга: **«Бизга қараб туинглар, биз ҳам сизларнинг нурингиздан озгина олиб фойдаланайлик», десалар, (уларга) «Орtingларга қайтиб нур истайверинглар», дейилур. Сўнг улар (билин мўминлар)нинг ўртасига дарвозали бир девор урилурки, унинг ичидаги раҳмат—жаннат, ташқарисида — олдида эса азоб — дўзах бўлур» (Ҳадид: 13).**

Зулмат аҳли нур аҳлига нидо қилади: «Эй нур аҳли! Бизни кутиб туринглар, бизни бу қоронғи зулматда қолдирманглар! Ахир биз ҳам сизлар билан бирга эмасмидик?! Сизлар билан битта жамоатда намоз ўқиган эмасмидик?! Ғазотларда сизлар билан бирга ҳозир бўлган эмасмидик?!».

«Улар (мўминларга) **«Биз** (ҳаёти дунёда) **сизлар** билан бирга **эмасмидик», деб нидо қилганларида, (мўминлар) дерлар: «Ҳа, (кўринишда биз билан бирга эдинглар), лекин **сизлар** (мунофиқлик билан) **ўзларингизни фитнага дучор қилдинглар ва** (бизларга бало-офатлар етишига) **кўз тутдинглар ҳамда** (Исломнинг ҳақ дин эканлиги тўғрисида) **шубҳаландинглар ва то Аллоҳнинг амри** (яъни ўлим) **келгунича сизларни** (ҳали умр узоқ эканлиги, Аллоҳ ҳар қандай гуноҳни кечиб юборавериши каби) **хомҳаёллар алдади. Сизларни Аллоҳ ҳақида** (У зотнинг карами кенг, ҳеч қачон Ўзи яратган бандаларни азобга гирифтор қилмайди, деб) **алдовчи** (шайтон) **алдаб қўйди»** (Ҳадид: 14).**

«Улардан баъзилари қайта тирилгач, маҳшаргоҳ сари бор овози билан «Лаббайкаллоҳумма лаббайк» деб боради». Биласизми, ким улар?!

У ҳаж ва умра учун эҳром либосини эгнига илган ҳолида вафот этган киши бўлиб, қиёмат куни ўша, «лаббайка» айтган ҳолида тирилади.

«Саҳиҳайн»да Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Арафотда турган пайт туясидан йиқилиб тушди ва туюнинг оёқлари остида нобуд бўлди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Уни сув ва сидр билан ювинглар ва иккита матога кафланлантар, хушбўйламанглар ва бошини ўраманглар, чунки у қиёмат куни талбия айтган ҳолда тирилади**», дедилар (Бухорий: №1265, Муслим: №1206).

«Улардан баъзилари қон оқизган ҳолда боради, унинг ранги қон рангида, ҳиди мушк ҳидида бўлади».

Ким улар ё Расулуллоҳ?!

«Улар Аллоҳ йўлидаги шаҳидлардир», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Жоним Қўлида бўлган Зотга**

қасамки, бир киши Аллоҳ йўлида жароҳатланган бўлса – Аллоҳ Унинг йўлида жароҳатланган одамни яхшироқ билувчидир – қиёмат куни жароҳатидан ранги қон рангида, ҳиди эса мушк ҳиди бўлган қон оқизиб келади» (Бухорий: №2803, Муслим: №1876).

Аллоҳ йўлидаги дўстим! Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, бирон ғазот ва жангда урушиб ўлдирилган киши одамлар наздида шаҳид кетган бўлиб кўриниши, аслида эса ундан бўлмаслиги ҳам мумкин. Нега дейсизми?!

Чунки, кишининг дилидаги сир-асрорни Аллоҳдан бошқаси билмайди. Дунёда бирон кишини шу одам аниқ шаҳид бўлди, деб гувоҳлик берилмайди, «Фалоний шаҳид» деб айтилмайди. Балки, Аллоҳ уни Ўз хузурида шаҳидлар қаторида қабул қилишини умид қиласиз, деб айтилади. Зотан, ниятларни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди.

Баъзилар қорни шишиб кетган, туришга ҳам, ўтиришга ҳам қодир бўлмайдиган ҳолда, ҳали ўнгига, ҳали сўлига думаланиб, маҳшарга кетиб боради. Улар кимлар дейсизми?!

Улар судхўрлардир. Аллоҳ таоло айтади: **«Судхўр бўлган кимсалар (Қиёмат Кунида қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Байъ (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?», деганларидир»** (Бақара: 275).

Яна бир кўринишга диққатингизни қаратинг..

Бир киши маҳшар ерида кетиб боради, атрофини ёш болалар ўраб олган, бири қўлидан тортган, бошқаси оёғига ёпишган, буниси бир томонга, униси бошқа томонга тортган.. Жуда оғир ҳолат.. Ким бўлди бу киши?! У болаларчи?!

У етимларнинг молини ноҳақ еган кимса, болалар эса ўша етимлардир!

«Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар!» (Нисо: 10).

Баъзи бир аёллар эгниларида Аллоҳнинг лаънатидан бўлган жилбоб ва ўтдан бўлган ёпинчиқ бўлиб, қўлларини бошларига қўйиб олганича маҳшар ерида: «Во вайлато, ё вайло!!» деб оҳ урганча кетиб боради. Улар кимлигини биласизми?!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг навҳачи (ўликка фарёд қилиб йиғловчи гўянда) хотинлар эканини айтганлар. Навҳачи деб маййитнинг орқасидан дод-фарёд солувчи, юзига уриб, ёқасини йиртиб, бошига тупроқ сочиб, «Во вайло! Во вайло!» деб борувчи хотинни айтилади.

Баъзи бир кимсалар қўлларида май косалари тутганча кетиб боради.. Айримлар эса дунёда ўғирлаган нарсасини елкасига ортиб боради.

Аллоҳ таоло айтади: «**Ҳеч бир пайғамбар учун** (урушдан тушган ўлжаларга) **хиёнат қилиш жоиз эмас. Ким хиёнат қилса, Қиёмат Кунида** (Аллоҳнинг ҳузурига) **қилган хиёнати билан бирга келур**» (Оли Имрон: 161).

Ҳофиз Ибн Касир айтади: «*Карамли Парвардигор Ўз карами билан бир одат-қонунни жорий қилдики, ким нима нарса устида яшаб ўтса, ўша нарса устида вафот этади. Ким нима устида ўлса, ўша нарса устида тирилади*».

АЗИЗ ДЎСТИМ, агар тоат устида тирилишни истасангиз, бу дунёда Аллоҳ таолога тоатда бўлинг. Агар бирон маъсият сари қадамингиз тойилса, дарҳол Аллоҳга тавба қилинг. Ўлим фариштаси сизни тоат устида учратиб, шу ҳолатингизда жонингизни олса, охиратда ҳам тоат-ибодат қилувчилар даврасида, пайғамбарлар саййиди байроғи остида тириласиз.

Ушбу мавзудаги сўзни дилларни жунбушга келтирувчи 2-3та воқеани ҳикоя қилиш билан якунлайман.

Асли испан бўлган бир америкалик йигит тонг пайти Нью Йоркнинг Бруклин шаҳридаги масжидлардан бирига кириб, биродарларга: «Мен Исломни қабул қилмоқчиман», дебди. Улар унинг кимлигини сўрашибди. У эса: «Мендан ҳеч нарса сўраманглар, фақат мени йўллаб қўйинглар», дебди. Биродарларнинг йўл-йўриқ кўрсатишларидан сўнг йигит ғусл қилиб, шаҳодат калимасини айтиб, мусулмон бўлибди. Сўнг унга намоз ўқишини ўргатишибди. У ғоят хушуъ билан намоз ўқибди. Унинг хушуъси, саждаси ва намоздаги йиғисини кўриб, масжид аҳли ўзларини жуда ҳақир санаб қолишибди ва унинг ҳолатидан ажабланишибди.

Учинчи куни бир мисрлик биродар у билан ёлғиз қолиб, секин гапга солибди, «Эй биродар! Сенда бир гап бор, менга айтгин», дебди.

Шунда йигит айтибди:

«Мен ўзим насроний хонадонида ўсиб-улғайған, қалбим Масих алайҳиссаломга қаттиқ боғланған эди. Лекин, одамларнинг аҳволини кузатиб, мутлақ кўпчилик Масихнинг ахлоқидан тамомила бегона бўлиб кетганини кўрдим. Шундан сўнг Ислом ҳақида қизиқиб кўрдим, у ҳақда ёзилган китобларни ўқидим. Аллоҳ дилимни Исломга очди. Мен сизларнинг олдингизга келган куним тунда чуқур ўй-фирқлар оғушида ухлаб қолибман. Тушимда Масих алайҳиссалом келиб, кўрсаткич бармоқлари билан мана бундай ишора қилиб: «Муҳаммадий бўлгин», дедилар. Шундан сўнг чиқиб, масжид қидирдим ва Аллоҳ мени сизларнинг масжидингизга йўллади».

Мана шу сухбатдан кейин муаззиннинг хуфтон намозига чорловчи аzon овози эшитилибди. Ҳалиги йигит ҳам намозхонлар билан сафга турибди. Имом биринчи ракъатда сажда қилиб, ўрнидан туриб, иккинчи ракъатни бошлабди. Лекин, йигит саждадан бош кўтартмабди. Ёнидаги одам уни секин туртган экан, йигит ёнига йиқилибди. Билишса, у аллақачон руҳини Аллоҳ жалла ва алога топшириб бўлган экан. Аллоҳу акбар!!

Аллоҳ йўлидаги биродарим! Аллоҳ ҳаққи, бу гўзал хотима ҳақида бир ўйланиб кўринг.

Иккинчи бир гўзал хотима:

(«Солим экспресс» кемаси ҳалокатга учраган кечада (14/12/1991й) Мисрнинг) Сувайс шаҳрилик бир муслима аёл турмуш ўртоғи билан биргалиқда шу кемада ҳаж сафаридан қайтаётган экан. Кема чўка бошлаб, ҳамма даҳшат ва саросимага тушиб, тўғри келган томонга қочишга тутинганида муслиманинг эри ҳам: «Бўла қол, тез чиқ!» дейди шошилиб. Шунда муслима: «Тўхтанг, ҳижобимни кийиб олай», деб жавоб беради. «Ҳозир ҳижоб кийиб олай дейдиган вақтми?! Ҳалок бўламиз, ахир!», деб бақиради эр. «Аллоҳга қасамки, ҳижобимни тўла киймасдан ҳеч қаёққа чиқмайман! Ўлсам, Аллоҳга тоат устида йўлиқишни истайман», дейди аёл. Шундан сўнг у ҳижобини устига маҳкамлаб, эри билан ташқарига чиқиб боради. Тирик қолишдан умидлар узилиб, ҳамманинг кўзига ўлим кўриниб қолган кез у эрига ёпишиб: «Аллоҳни ўртага қўйиб сўрайман, мендан розимисиз?», деб сўрайди. Эр йиғлаб

юборади. «Айтинг, розимисиз мендан?» сўрайди аёл яна. Эр эса йигидан ўзини тўхтатолмайди. «Айтинг, эшитиб қолай!», дейди аёл ёлвориб. «Розиман, валлоҳи, розиман сендан», деб жавоб беради эр. Шундан сўнг муслима: «Ашҳаду ан ла илаха иллаллоҳ, ва ашҳаду анна Мұхаммадан росулуллоҳ», деб калима қайтара бошлайди ва тилида шаҳодат калимаси билан ғарқ бўлади. «Аллоҳдан умидим шуки, охиратда бизни у билан бирга қилсин», дейди ушбу ҳалокатда тирик қолган эр йиғлаб.

Яна бир чиройли хотима..

Умрининг қирқ йилини фақат Аллоҳ розилиги учун намозга аzon айтиб ўтказган бир киши ўлимидан олдин қаттиқ касал бўлиб, тўшакка ётиб қолади. Тилдан қолади, масжидга ҳам чиқолмай қолади. Касали кучайиб кетгач, йиғлаб: «Эй Роббим! Қирқ йил Сенга чорлаб келдим. Ўзинг яхши биласан, мен бу ишни фақат Сендан ажр истаб қилдим. Энди умримнинг охирида азондан маҳрум бўламанми?!», дейди. Фарзандлари қасам билан айтиб беришларича, аzon вақти етгач, мўйсафид тўшагида тик туриб, қиблага юзланади ва аzon айта бошлайди. Аzonни охиригача айтиб, унинг сўнгги калимаси бўлмиш «La илаҳа иллаллоҳ»ни айтгач, тўшагига йиқилиб, жон таслим қилади.

Амаллар хотималарига қараб бўлади.

Устозимиз шайх Абдулҳамид Кишк раҳимаҳуллоҳ ўзи чин дилдан севган кунда жон таслим қилганидан хабарингиз бўлса керак. У киши жумъа куни ғусл қилиб, оппоқ кийимларини кийиб, хушбўйликлар суртиб, икки ракъат таҳорат намозини ўқишга тутинади ва иккинчи ракъатда рукуъда турганида йиқилиб, жон таслим қилади.

Карамли Парвардигор Ўз карами билан бир одат-қонунни жорий қилдики, ким нима нарса устида яшаб ўтса, ўша нарса устида вафот этади. Ким нима устида ўлса, ўша нарса устида тирилади.

Буюк арш соҳиби бўлган Улуғ Аллоҳдан барчамизнинг хотимамизни чиройли қилишини сўрайман. У бунга қодир Зотдир.

Дуо...

2011 йил 28-июл

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

الحضر

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мухаммад Ҳассон

Маҳшарга йигилиш

Ислом Нури таржимаси

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчидир.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

Олдинги суҳбатимизда қайта тирилиш ҳақида сўзлаб, юракларни қинидан чиқариб юборадиган кўринишларга тўхталган ва одамларнинг қабрлардан яланғоч, ялангоёқ, хатна қилинмаган ҳолда чиқиб келишлари, ҳар бир киши нима устида вафот этган бўлса, шу устида тирилиши, тоат устида вафот этган киши тоат устида, маъсиятда вафот этган маъсият устида қайта тирилиши ҳақидаги сўзларда тўхтаган эдик.

Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ҳар бир банда ўзи вафот этган нарсада тирилади**». (Муслим: №2878).

Карамли Парвардигор Ўз карами билан бир одат-қонунни жорий қилдики, ким нима нарса устида яшаб ўтса, ўша нарса устида вафот этади. Ким нима устида ўлса, ўша нарса устида тирилади..

Қиёмат куни биринчи бўлиб қабри ёрилиб, ундан чиқиб келадиган киши ҳабибимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўладилар.

«Саҳиҳ Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Мен қиёмат куни одамзотнинг саййидиман, қабри биринчи бўлиб ёриладиган киши менман, энг биринчи шафоатчи ва шафоати қабул қилинувчи ҳам менман**». (Муслим: №1178, Абу Довуд: №4763, Термизий: №3615).

Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёмат куни биринчи бўлиб қабрдан чиқиб келувчи зот бўлсалар, қиёмат куни биринчи бўлиб эгнига кийим ёпиладиган зот пайғамбарлар отаси Халилуллоҳ Иброҳим алайҳиссалом бўладилар.

«Саҳиҳ Муслим»да Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлариdek: «**Эй одамлар! Қиёмат куни сизлар ялангоёқ, яланғоч**

ва хатна қилинмаган ҳолда маҳшарга йиғиласиз. Қиёмат куни биринчи кийинтириладиган зот Иброҳим алайҳиссаломдир» (Бухорий: №6524, Муслим: №2860, Термизий: №2425).

Байҳақий Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Қиёмат куни биринчи бўлиб жаннатдан кийим кийдириладиган киши Иброҳим алайҳиссалом бўлади. Мени ҳам олиб келиниб, жаннатдан бир ҳулла кийдирадилар...**»

Уламоларимиз қиёмат куни кийим борасида Иброҳим алайҳиссаломни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан муқаддам қилиниши сабаби тўғрисида сўзлаб ўтганлар.

Аҳли илмлар зикр қилган сўзлар ичидаги энг гўзал сўзлардан бири шуки, мушриклар Иброҳим алайҳиссаломни тириклий ўтда ёндириш мақсадида бир неча ой ўтин йиғиб, гулхан қалаган ва гулханнинг алангаси кўкларга ўрлаган, ҳатто осмондаги қушлар унинг иссиғига бардош беролмай қулайдиган ҳолат бўлгач, Иброҳимни ўтга улоқтиришдан олдин эгнидаги кийимларини ечиб олишган, у шунда ҳам сабр қилиб, Аллоҳдан ажр истаб, Аллоҳга таваккул қилиб, бардош билан тургани учун Аллоҳ таоло уни дунёда ҳам, охиратда ҳам ўт ҳароратидан сақлади ва шунинг мукофоти тариқасида қиёмат куни гувоҳлар кўзида уни кийинтириди.

Хуллас, биринчи бўлиб қабрдан чиқадиган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, биринчи бўлиб кийим кийдириладиган зот Иброҳим алайҳиссалом бўладилар, барча пайғамбарларга Аллоҳнинг саловоту саломи бўлсин.

Қайта тирилишдан сўнг нима ҳодиса бўлади?! Маҳшаргоҳга йиғилиш ҳодисаси бўлиб ўтади.

Бугунги сұхбатимиз мавзуси шудир.

Вақтдан унумли фойдаланиш учун одатимизча, сұхбатимизни қуйидаги бир неча моддаларга бўлиб оламиз:

Биринчи: Маҳшаргоҳнинг кўриниши.

Иккинчи: Одамлар қай тариқа маҳшарга йиғилади?!

Учинчи: Мавқиф (маҳшарда туриш) даҳшати.

Тўртинчи: Унинг арши соясида.

Биринчи: Маҳшаргоҳ күриниши

Маҳшар ерини қандай тасаввур қиласиз?!

Үзимиз яшаб турган шу ерга ўхшаган бўладими?!

Йўқ. Шак-шубҳасиз, маҳшар ери биз яшаб турган бу ердан бошқача бўлади. Нега ҳам шундай бўлмасин?! Замон бутунлай ўзгача.. Макон бутунлай ўзгача..

Аллоҳ таоло айтганидек: «**Албатта, Аллоҳ ғолибdir ва (у) Ер бошқа Ерга, осмонлар** (ўзга осмонларга) **айланиб қоладиган ҳамда** (барча одамлар) **ёлғиз ва қудратли Аллоҳга рўбарў бўладиган Кунда** (Қиёматда) **интиқом оловчидир**» (Иброҳим: 48).

Демак, бу дунёning ери ҳам, осмони ҳам ўзгариб, бутунлай бошқа ер ва бошқа осмонга айланиб қолади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар қиёмат куни йиғиладиган маҳшар ерини жуда аниқ қилиб сифатлаб берганлар.

Бухорий ва Муслим Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Одамлар қиёмат куни худди тоза ундан қилинган нон каби қизғиш оқ ер устига йиғиладилар, унда ҳеч ким учун бирон белги бўлмайди». (Бухорий: №6521, Муслим: №2790).

Яъни, унда на иморат, на бир бино ва на йўл белгиси бўлади.. Силлиқ, теп-текис, қизғиш оқ ер бўлади..

Саҳл айтади: «Унда ҳеч ким учун бирон белги бўлмайди.. Яъни, одамлар ўзаро таниб оладиган кўчалар, йўллар, шаҳарлар каби бирон аломат-белги бўлмайди».

Унда на дараҳтлар, на анҳорлар, на бинолар бўлади.

Маҳшар ерининг кўриниши ана шундай бўлади.

Хўш, энди одамлар бу ер узра қандай ва қай тариқа йиғилишади?!

Иккинчи: Одамлар қай тариқа маҳшарга йиғилади?!

Қиёмат куни одамлар қабрларидан ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган ҳолатда чиқиб келади.

«Саҳиҳайн»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилингандар ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ялангоёқ, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолда маҳшарга йиғиласизлар»**, деганлар. Шунда Оиша розияллоҳу анҳо: «Ё Расулуллоҳ! Эркак-у аёллар бир-бирига қарайдилар-ку!», деганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Эй Оиша, иш (яъни, аҳволнинг оғирлиги) бу нарса уларга аҳамиятли бўлишидан қаттиқроқ»**, деб жавоб берганлар (Бухорий: №6527, Муслим: №2859).

Ҳа, Аллоҳга қасамки, одамлар қабрларидан ана шундай яланғоч, хор ва ҳақир ҳолатда чиқиб келадилар.

Аллоҳ таоло айтади: **«Ва жарчи** (Исрофил фаришта) **яқин бир макондан туриб жар соладиган Кунда** (унинг нидосига) **қулоқ тутинг!** У **Кунда улар** (барча халойик) **у даҳшатли кичқириқни ҳаққи-рост эшитурлар. Бу** (қабрлардан тирилиб) **чиқиш Кунидир!**» (Қоф: 41,42).

Ҳа.. Аллоҳга қасамки, Одам алайҳиссаломдан тортиб, қиёматгача яшаб ўтган барча инсонларни тирилтириш Аллоҳ таолога жуда осондир! Ҳеч ким бунга қарши ҳам чиқолмайди, бош ҳам тортолмайди!

Аллоҳ таоло айтади:

«47. Биз тоғларни (булутлар янглиғ) **юргизадиган ва сиз** (барчангиз) **Ерни очиқ-яланғоч** (тоғ-тошларсиз, боғ-роғларсиз) **кўрадиган Кунни** (яъни, Қиёматни эслангиз)! (У Кунда) **Биз улардан биронтасини қўймай йиғдик.**

48. Улар саф тортган ҳолларида Парвардигорингизга рўбарӯ қилиндилар (ва Биз уларга айтдик): **«Мана, сизларни аввал-бошда қандай яратган бўлсак, шундай ҳолда** (яъни, мол-дунё, болачақаларингизни тарқ қилиб, яланғоч ҳолингизда) **хузуримизга келдингиз. Балки Бизни, сизларга ваъда қилинган Кунни** (яъни, Қиёматни пайдо) **қила олмас, деб ўйлагандирсизлар?!**» (Қаҳғ: 47-48).

У кунда Биз уардан биронтасини қўймай йиғдик... Подшоҳ ҳам, мутакаббир ҳам, ҳоким ҳам, раҳбар ҳам, зўравон ҳам, ҳеч ким қолмайди.. Ҳеч бирини қолдирмай йиғади Аллоҳ таоло у куни.

Аллоҳ таоло айтади:

«93. Осмонлар ва ердаги бор жонзот (қиёмат кунида) **Раҳмон** (хузурига) **бўйсунган ҳолда келур.**

94. У зот уларни санаб-аниқлаб қўйгандир.

95. Уларнинг барчаси қиёмат кунида ёлғиз ҳолда У зотнинг ҳузурига келувчиидир.

96. Албатта иймон келтириб яхши амаллар қилган зотлар учун Раҳмон (бандаларнинг қалбларида) **муҳаббатни қилиб қўюр»** (Марям: 93-96).

Шундай.. Ҳар бир киши Раҳмон ҳузурига келади, ҳеч бир махлуқот бош тортишга қодир бўлмайди. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломдан тортиб, қиёмат қоим бўлгунича ўтган барча халқларнинг ҳисобини олгандир. Барча халқлар уларни маҳшаргоҳ сари етаклаб бориш учун ўзига чорлаётган улуғ фаришта ортидан юриб борадилар. Ҳамма қўрқув ичида, бўйсунган ҳолда, овозларни ичга ютиб, кетиб боради.

Аллоҳ таоло айтади:

«108. У кунда (одамлар маҳшаргоҳга) чорловчи (фаришта)га эгилмай-бурилмай эргашурлар — итоат қилурлар. Овозлар ҳам Раҳмонга таъзим қилур, бас фақат пичирлашнигина эшитурсиз.

109. У кунда шафоат-оқлов фойда бермас, магар Раҳмон изн берган ва сўзидан У зот рози бўлган кишигагина (фойда берур).

110. У зот уларнинг олдиларидағи (яъни охиратдаги) ва ортларидағи (яъни дунёдаги) бор нарсани билур. Улар эса У зотни била олмаслар.

111. Юзлар ҳам Тирик ва абадий Турувчи (У) зотга таъзим қилур. Ким зулмни (ширкни) кўтариб келган бўлса ноумид бўлиши аниқдир» (Тоҳа: 108-111).

Гаплар у куни фақат шивирлаш-у пичирлаш бўлиб қолади! Сўроқ-савол у куни фақат ишнинг эгасиникидир!!

У куни ким Ундан қочиб қутулишга ё Унинг амрига хилоф қилишга қодир бўлади?!

Қай бир зўравон панада қолишга ё ўзини четга олишга қодир бўлади?! Ваҳоланки, Аллоҳ таоло ҳар бир одам боласига у куни иккитадан фариштани бириктириб қўйган ва улар уни маҳшар сари олиб боришга вакил қилинган бўлсалар?!

Аллоҳ таоло айтади:

«Мана ўлим маstлиги (яъни жон чиқар пайти) ҳаққи-рост (етиб) келди. (Эй инсон), бу (ўлим) сен қочувчи бўлган нарсадир. (Қайта тирилишга даъват қилувчи) Сур ҳам чалинди.— Бу (кофирларга азоб) ваъда қилинган Кундир! Ва ҳар бир жон ўзи билан бирга (уни маҳшаргоҳга) ҳайдовчи (бир фаришта) ва (унинг қилиб ўтган амалларига) гувоҳлик берувчи (бир фаришта) бўлган ҳолда келди. (Эй инсон), аниқки, сен бу (оғир Кун)дан ғафлатда эдинг. Бас, Биз сендан пардангни (яъни мана бу Қиёмат Куни ҳақидаги шакшубҳаларингни) очиб юбордик. Энди бу Кун сенинг кўзинг жуда ўткирдир» (Қоф: 19-22).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу оятлар маъносини шундай тасвирлаб берадилар. Термизий ҳасан санад билан ривоят қилган ҳадисда у зот айтадилар: «**Қиёмат куни одамлар уч турли бўлиб маҳшарга йиғилади. Бир тури яёв, бир тури отлик, яна бир тури юзтубан бўлиб**» (Термизий: №3141, Албоний «Мишкот»да (№5546) сахиҳ санаган).

Бухорий ва Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда бир киши: «Ё Расулуллоҳ, кофир қандай қилиб маҳшарга юз тубан юриб боради?», деб сўради. «**Уни дунёда икки оёқда юргизиб қўйган Зот қиёмат куни юзтубан юргизишга қодир эмасми?!**», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. (Муттафақун алайҳ, Бухорий: №4760, Муслим: №2806).

Ҳа, Раббимизнинг иззатига қасамки, албатта У қодирдир бунга!

Севикли дўстим! Илонни кўрмасингиздан бурун бирон бир жонзотни қорни билан юришини тасаввур қила олармидингиз?!

Илонни қорни билан юргизиб қўйган Зот қиёмат куни кофирни юзи билан юргизиб қўйишга албатта қодирдир.

Баъзи одамлар яёв юриб борадилар.

Баъзилари эса отлик ҳолда борадилар.

Ким бўлди экан бундай оғир ва даҳшатли кунда отлик юриб бориш баҳтига мушарраф бўлувчилар?!

Парвардигор азза ва жаллага қулоқ солинг. У зот айтади:

«Биз тақводор зотларни отлик ҳолларида Раҳмон даргоҳига тўплайдиган... кунни (эсланг)!» (Марям: 85).

Аллоҳ таоло айтади:

«Албатта: «Парвардигоримиз Аллоҳдир», деб, сўнгра (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) тўғри — устивор бўлган зотларнинг олдилариға (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, (дерлар): «Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар!» (Фуссилат: 30).

Малоикалар тақво аҳлига охират от-уловларини келтирадилар, уларга олтиндан ясалган эгарлар ўрнатилган бўлади. Тақводор зотлар шундай оғир кунда яёв юришдан озод бўлиб, ушбу от-уловларга минадилар ва маҳшар сари йўл оладилар. Яхшиликнинг мукофоти яхшилик эмасми, ахир?!

Тақво – Аллоҳга итоат қилиш ва осий бўлмаслик, Аллоҳни зикр қилиш ва унумаслик, Аллоҳга шукр бажо келтириш ва куфрони неъмат қилмаслиқдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан тақво ҳақида сўралганида у киши: «Тиканли йўлда юрганмисан?», деб сўрадилар. «Ҳа», деди сўровчи. Тиканни кўрганингда нима қилгансан?», дедилар. «Эҳтиёт бўлганман», деди у. «Худди ана шу тақводир», дедилар у киши.

Иbn ал-Мұтаз деди:

(Шеър мазмуни)

Гуноҳларнинг кичигини ҳам, каттасини ҳам ташла, тақво шудир.

Тиканзор узра юриб бораётган кишидек эҳтиёткорона ҳаракат қил.

Кичик гуноҳни арзимас санама, тоғлар ҳам майда тошлардан бириккан.

Толқ ибн Ҳабиб айтади: «Тақво – Аллоҳ томонидан бўлган нур узра Аллоҳнинг тоатига амал қилишинг ҳамда Аллоҳ томонидан бўлган нур узра Аллоҳнинг маъсиятини тарқ этишинг, Аллоҳнинг азобидан қўрқишингдир».

«Биз тақводор зотларни отлиқ ҳолларида Раҳмон даргоҳига тўплайдиган ва жиноятчи-кофирларни жаҳаннамга тушишлари учун ҳайдайдиган кунни (эсланг)!» (Марям: 85-86).

Тақводор отлиқ ҳолда боради..

Аммо, дунёда шишиб-гупирган ва нафсини Аллоҳ учун қуи тутмаган, Аллоҳнинг халқларига раҳм-шафқат қанотини ёзмаган, балки амал курсиси билан мағрур бўлиб, мол-дунёси, обрў-эътибори, мансаби билан такаббурлик қилган мутакаббир кимса у куни ўзининг қандай ҳолат ва қандай кўринишда маҳшарга юриб боришини билганида эди, Хожасига хорлик изҳор қилиб, бурнини тупроққа ишқалаган, Аллоҳнинг халқларига раҳм-шафқат қанотини ёзган бўлар эди.

Недан бу қадар кибр эй одамзот?!

Оғзинг тўла тупукни олиб юрган бўлсанг!!

Қўлтиқларинг ости тердан намиққан бўлса!!

Қовуғингда сийдикни, ичакларингда ахлатни кўтариб юрган бўлсанг!!

Ҳар куни бир-икки марта қўлинг билан нажосатни артсанг!!

Эй инсон, қаердан келди сенга бу қадар кибр?!

Салафлардан бирлари бир кимсанинг калондимоғлик билан: «Менинг кимлигимни биласанми?!» деган саволига: «Ҳа, биламан, куни кеча нопок сув эдинг, яқинда бадбўй жасадга айланасан, ҳозир эса ичинг тўла ахлатни кўтариб юрибсан», деб жавоб берган эди..

Менинг кимлигимни биласанми?!..

Кимсан сен эй мағрур?!

Мутакаббир кимсанинг қиёмат кунидаги ҳолатини кўз олдингизга келтириб кўринг..

Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Мутакаббирлар қиёмат куни гўё одам суратидаги майда чумолилардек бўлиб маҳшарга йиғилади, уларни ҳар томондан хорлик ўраб олади»** (Саҳиҳ, Термизий: №2494, Албоний «Мишкотда саҳиҳ санаган, «Саҳиҳул-жомиъ: №8040).

Ҳа, мутакаббирлар қиёмат куни оёқ остида эзғиланиб ётадиган қумурсқалардек майда ва қадрсиз бўлиб маҳшарга боради. Чунки, улар дунёда шишиб-гупирган ва ҳаммани эзиб-янчиб, оёқости қилиб юрар эдилар. Жазо албатта, амал жинсидан бўлади!

Барча халойиқлар маҳшар ерига етиб келгач, ер аҳлига икки баробар миқдорда фаришталар тушиб келадилар. Фаришталар уларни ҳамма томондан ўраб оладилар.

Маҳшаргоҳда туриш юракларни қинидан чиқаргудек оғир ва шиддатли бир ҳолатдир.

Сұхбатимиз давомида шу ҳақда сүз боради.

Учинчи: Мавқиф (маҳшарда туриш) даҳшати

Одамлар маҳшаргоҳға етиб келишгач, ғам-қайғу ва ташвишизтироблари яна-да ортади. Сабаби, унда туриш жуда узоқ чўзилади.

Қуёш бошлар устига жуда яқин келтирилади. «Саҳиҳ Муслим»да Микдод розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Қиёмат куни қуёш халқларга жуда яқин келтирилади, ҳатто бир мил миқдорида қилинади. Шунда одамлар амаллари миқдорига қараб тер ичидан бўладилар. Баъзилари тўпиқларигача, баъзилари тиззаларигача, баъзилари белларигача (терга ботади), айримларини тер юганлаб олади (яъни оғзигача етади)».** Шундай деб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари билан оғизларига ишора қилдилар (Муслим: №2864, Термизий: №2423).

«Саҳиҳайн»да Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Улар ўзларининг улуғ бир Кунда — барча одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурида тик туриб (ҳисоб-китоб берадиган Қиёмат) Кунида қайта тирилувчи эканликларини ўйламайдиларми?!»** (Мутоффифун: 4-6) ояти ҳақида айтдилар: **«Улардан бирлари қулогининг ярмигача тер ичидан туради».** (Бухорий: №6531, Муслм: №2862).

Мана шу кўринишни кўз олдингизга келтириб кўрдингизми?! Қуёш бош устига яқин келтириб қўйилган.. Тошу темирни эритиб юборадиган кучли ҳарорат.. Тасаввур қилинг, башариятнинг ҳаммаси битта ерга, бир жойга жамланган.. Нафасларни бўғиб юборадиган тиқилинч!!

Ана шундай оғир ва шиддатли ҳолатда жаҳаннамни олиб келиниши уларнинг ғам-қайғуларини яна ҳам кучайтириб юборади.

Ҳа.. жаҳаннамни маҳшаргоҳга олиб келинади. Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Қиёмат кунида жаҳаннам олиб келинади ва унинг етмиш минг тизгини бўлади. Ҳар бир**

тизгиндан етмиш минг фаришта тортиб келади» (Муслим: №2842, Термизий: №2576).

Жаҳаннам келтирилиб, халойиқларни ўраб олгач ва халқларни кўргач, Аллоҳ таолонинг ғазаби ифодаси ўлароқ ғазабдан гуриллаб, даҳшатли овоз билан ўкиради.. Шунда ҳамма халойиқлар қўрқувнинг зўридан тиз чўкиб қолишади.

Аллоҳ таоло айтади: «(У Кунда) барча умматни (даҳшат ва изтиробла) тиз чўккан ҳолда қўрарсиз. Ҳар бир уммат ўз номаи аъмолига чақирилур, (сўнг уларга дейилур): «Бугун қилиб ўтган амалларингиз билан жазоланурсизлар» (Жосия: 28).

Шугина эмас. Балки, даҳшатидан соchlар оқариб кетадиган ва юраклар қинидан чиқиб кетадиган бошқа қўринишлар ҳам юз беради.

Ином Термизий саҳих санад билан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Дўзахдан бўйин (шаклидаги бир бўлак аланга) чиқади, унинг кўрадиган икки кўзи, эшитадиган икки қулоғи, сўзлайдиган тили бўлади. У: «Мен уч (тоифа) кишига вакил қилиндим: Аллоҳга бошқа илоҳларни шерик қилган кишига, ҳар бир қайсар, зўравон кимсага ва мусаввирларга». (Термизий: №2577, Албоний «Ас-саҳиҳа»да (№512) саҳих санаган).

Қуръон ҳар бир саркаш ва зўравоннинг жазосини зикр қилган. Аллоҳ таоло айтади:

«(Сўнгра пайғамбарлар Аллоҳдан) мадад тиладилар ва барча жабркор-саркаш кимсалар баҳтсизликка дучор бўлдилар. Унинг (яъни, ҳар бир коғир бўлган кимсанинг) олдида жаҳаннам бордир. (Жаҳаннамда) унга йирингли сувдан берилганида, уни ютмоқчи бўлади-ю, (томоғидан) ўтказолмайди, унга ҳар томондан ўлим келади-ю, у ўлолмайди. Унинг ортида (бундан-да) оғир азоб бордир» (Иброҳим: 15-18).

Ана шундай қаттиқ иссиқда ва оғир тиқилинчда.. Ана шундай соchlарни оқартириб юборадиган, юракларни қинидан чиқариб юборадиган ва баданлар қўрқувдан титраб-қалтирайдиган ҳолатда..

Пайғамбарлар ҳам мавқиф-ҳолатнинг оғирлигидан ва қўринишнинг даҳшатидан қўрқув ичидаги тиллари: «Аллоҳумма саллим.. Эй Аллоҳ, Ўзинг саломат қил» деб илтижо қилишдан бошқа нарсага эга бўлмайди.

Уларнинг ўша кунги дуолари фақат шу бўлади, сўзлаш эса фақат уларга чекланган бўлади!

«Уни (яъни қиёматни) кўрар кунингизда эмизаётган (оналар) эмизиб турган (боласини) унутар ва барча ҳомиладор (аёллар) ўз ҳомиласини ташлаб юборар, одамларни маст-аласт ҳолда кўурурсиз, ҳолбуки улар ўзлари маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир». (Ҳаж: 2).

У куни киши ўз отасидан, онасидан, ака-укасидан, аёлидан қочади.. Ўғил дунёда ўзи меҳр кўрсатган, севиб хизматларини қилган ота-онасини унутади!! У куни ака укасидан қочади, ўртадаги қариндошлик алоқалари унутилади!

У куни хотин дунёда ўзига бор меҳр-муҳаббатини берган ва бирга ширин турмуш кечирган эридан қочади!

У куни меҳрибон она ўз фарзандидан қочади.. У даҳшатлар ичра оналиқдек меҳр-муҳаббат булоғи қуриб қолади!

Ҳамма ўз жонини ўйлаб қолади.. Ҳатто, пайғамбарлар ҳам..

Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади..

«Бас, қачон (қулоқларни) кар қилувчи (даҳшатли қичқириқ) келганда (яъни сур иккинчи марта чалиниб, барча халойиққа қайтадан жон ато этилганда ҳар бир инсон ўзи билан ўзи бўлиб қолур)! У Кунда киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотини-ю, бола-чақасидан ҳам қочур! (Чунки) улардан ҳар бир киши учун у Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур!» (Абаса: 33-37).

Мана бу шеърни айтган кишини Аллоҳ раҳматига олсин.

(Шеър мазмуни:)

Эй мағрур, ўзингни қиёмат кунида деб тасаввур қил.

Осмон титраб-чайқалган..

Қуёш бандалар бошига яқин келтирилган..

Юлдузлар ҳам тўкилиб, сочилиб кетган..

Тоғлар илдизларидан қўпорилиб, булутлардек сузид юради..

Ҳомиласи ўн ойлик бўғоз туялар эгасиз ташлаб қўйилган..

Уй-жойлар хароб бўлиб, эгасиз ҳувиллаб қолган..

Ваҳший ҳайвонлар ҳам бир ерга йигилиб қолган..

Жалил самони Қўллари билан худди мактубни ўрагандек ўраб қўйган..
Саҳифалар тарқатилиб, эгалари қўлига учиб келган..
Бутун олам аҳлининг пардалари очилган..
Она қорнидаги ҳомила ҳам қўрқувдан қалтираб, қасосдан қўрқсан..
У-ку бир бегуноҳ бўла туриб, шунча қўрқса,
Умрбод гуноҳларга ботган кимса қандай қўрқмасин?!
Жаҳаннам алангаси кўкларга ўрлаган,
Маъсият аҳлига қараб даҳшатли ўкирган..
Барча синовлардан сабр-бардош ила ўтган киши учун
Жаннатлар зийнатланган ва хушланган..

Мана шу кўринишларнинг ҳаммасини кўз олдингизга келтиринг..
Тиқилинчдан нафаслар тиқилган.. Қуёш бошларни куйдириб, эритиб
юборишга яқин бўлган.. Ҳамма бир-бирининг пинжига тиқилишга
уринган.. Саволлар пичирлашдан иборат.. Гаплар шивирлашдан
ўтмайди..

Абадий Ўлмас ва Барҳаёт Зотнинг улуғворлиги майдонга яна ҳам
ҳайбат ва маҳобат солган.

Ана шундай оғир ва шиддатли лаҳзаларда Аллоҳ жалла жалолуху
маҳшар еридаги халқлардан бир қанчасини Ўз сояси билан сояланишга
чорлайди.

Улар ким бўлди экан?! Ушбу савол жавобини сұхбатимиз давомида
билиб оласиз.

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор
айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан
ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ
ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят
қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва
элчисидирлар, деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

Тўртинчи: Унинг арши соясида

У куннинг даҳшатлари ҳақида сўз юритишнинг ўзи ҳам вужудларни титроққа солади. Шундай экан, энди у куннинг воқеалари ичидан хаёлан эмас, бевосита ўз жисмимиз билан яшасак, у куннинг шиддатига ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлсак, қандай бўларкин?!

Ана шундай шиддатли ҳолатлар ичидан турилганда Аллоҳ жалла ва ало бир тоифа кишиларни Ўз соясила сояланишга чорлайди. Ким экан у бахтиёр зотлар?!

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Етти киши борки, Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя йўқ кунда уларни Ўз соясида соялантиради: Адолатли имом-раҳбар; Парвардигорининг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши; мансабли ва соҳибжамол аёл ўзига чорлаганда: «Мен Аллоҳдан қўрқаман», деган киши; махфий ҳолда садақа берган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмаган киши; Аллоҳни холий зикр қилиб, кўзёши тўккан киши» (Бухорий: 2/119, Муслим: №1031).**

«Адолатли имом-раҳбар..» Яъни, ерда адолат ўрнатиш мақсадида яшаган ҳоким. Раиятлар у билан бахтиёр, у ҳам раиятлар билан бахтиёр, ушбу масъулиятли омонат юкини кўтаришда Аллоҳдан тақво қилади.. Ҳокимият ва мансаб омонат эканини, эртага Аллоҳ ҳузурида бунинг жавобини беришини яхши билади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Зар розияллоҳу анхуга айтганларидек: «**Амирлик омонат, қиёмат куни эса шармандалик ва надоматдир. Фақат ким уни ҳаққи билан ушласа ва зиммасидаги омонатни адо этса, бундан мустасно».** Ана шундай адолатли ҳокимнинг мукофоти Аллоҳнинг соясидан ўзга соя бўлмаган кунда Унинг соясида сояланишdir.

«Парвардигорининг ибодатида улғайган йигит..» Аллоҳ йўлидаги биродарим! Агар Аллоҳнинг ибодатида улғайсангиз, Аллоҳнинг маъсиятидан юз ўгирсангиз, қадамингиз гуноҳда тойилса, Аллоҳ жалла ва алога тавба қилишга шошилсангиз, Аллоҳ таоло Ўзининг соясидан бошқа соя йўқ кунда сизни Ўз соясида соялантиради.

Эй навқиран йигит! Эй заковатли йигит! Эй ўз жонига жабр қилиб юрган йигит! Умидим шуки, Аллоҳга тавба ва тоат қилишдан кечикиб қолмайсиз. Зеро, тоат азизликдир, тоат шарафдир. Дунёда ҳам, охиратда ҳам азизлик фақат Аллоҳнинг тоати билан бўлади.

Нима учун йигитни хосладилар?! Чунки, йигитлар томирида шаҳват гупуриб туради.. Чунки, йигит кишини айниқса, балоғат ёшида бутун вужудини шаҳватлар ўз гирдобига тортишга зўр бериб уринади.. Лекин, ибодатда улғайган йигит Аллоҳдан қўрқанидан ва Аллоҳнинг кузатиб туришини вужуди билан ҳис қилганидан нафсини сақлади, шаҳватларига қарши турди, ёмонликларга буюрадиган нафси амморасидан ғолиб келади.

Шунинг учун Аллоҳ таоло бу ибодатли, тақводор ва покиза йигитни мукофотлаб, Ўз соясидан ўзга соя йўқ кунда арши соясида соялантиради.

«Қалби масжидларга боғланган киши...» Яъни, қалби, фикри-зикри масжидда бўлади. Фарз намозини ўқигач, ҳалол ризқ талабида дунё ишига чиқиб кетган пайтида ҳам, уйига ва бола-чақаси ҳузурига қайтиб келганида ҳам қалби масжидга муштоқ бўлади, яна қайтиб масжидга боришга ва Аллоҳнинг уйида ибодат, зикр ва Қуръон тиловати билан ўтиришга интилади. Имкони бўлса, бутун вақтини масжидда ўтказсам эди, дейди.

Эй бутун вақтини телевизор қаршисида, сериаллар, спорт мусобақалари ва кинофилмлар томоша қилиш билан ўтказувчи! Шунчак вақtingизни масжидда, Аллоҳнинг уйида ўтказсангиз бўмайдими?!
Қалбингиз масжидга боғланса, қиёмат куни сояга мухтож пайtingизда Аллоҳнинг соясида бўласиз.

«Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши...» Бу Аллоҳ йўлидаги мұхаббатдир.

«Ким Аллоҳ учун яхши кўриб, Аллоҳ учун ёмон кўрса ва Аллоҳ учун инъом этса ва Аллоҳ учун ман қилса, иймонини комил қилибди» (Саҳиҳ, Абу Довуд: №4681, Саҳиҳул-жомиъ: №5965).

Аллоҳ йўлидаги севги алоқаси энг кучли ва энг қимматли алоқадир. Билингки, **«Иймоннинг энг мустаҳкам дастаси – Аллоҳ йўлида дўстлашиш ва Аллоҳ йўлида душманлашиш, Аллоҳ йўлида яхши**

кўриш ва Аллоҳ йўлида ёмон кўришдир», деганлар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. (Табароний ва бошқалар ривояти, «Саҳиҳул-жомиъис-сағир: 2539).

«Менинг йўлимда муҳаббатлашган кишилар қани? Бугун, Менинг соямдан бошқа соя йўқ кунда Мен уларни Ўз соямда соялантираман». (Муслим: №2566, Муваттоъ: 2/952).

«Мансабли ва соҳибжамол аёл ўзига чорлаганда: «Мен Аллоҳдан кўрқаман», деган киши..» Яъни, зинога чорлаганида Аллоҳни эслаб, Унинг қузатиб туришини ўйлаб, Аллоҳдан кўрқанидан бу катта гуноҳдан ўзини тортган киши.

«Махфий ҳолда садақа берган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмаган киши...»

«Аллоҳни холий зикр қилиб, кўзёши тўккан киши». Ўзи билан ўзи холи қолиб, кечалари туриб, намоз ўқийдиган ва Аллоҳни зикр қиладиган, қалби Аллоҳнинг маҳобати билан лиммо-лим бўлиб, Аллоҳдан кўрқиб кўзидан ёш тўккан киши.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Иккита кўзга – Аллоҳдан кўрқиб йиғлаган кўзга ва тун бўйи Аллоҳ йўлида қўриқчилик қилиб чиқсан кўзга дўзах ўти тегмайди»** (Саҳиҳ, Термизий: №1639, Саҳиҳул-жомиъ: №6107).

Қиёмат куни Аллоҳ Ўз соясида соялантирадиган яна бошқа кишилар ҳам бўлади.

Ҳофиз Ибн Ҳажар юқоридаги етти кишидан бошқа яна Аллоҳ Ўз соясида соялантирадиган кишиларни «Маърифатул-хисол ал-мувсила илаз-зилал» (Сояга етказувчи хислатларни таниш) деб номланувчи алоҳида бир китобда жамлаганлар.

Саҳиҳ ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Ким (қарзини тўлашга) қийналган кишига муҳлат берса, Аллоҳ уни Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда Ўз соясида соялантиради».** (Саҳиҳ, Термизий: №1306, Саҳиҳул-жомиъ: №6107).

Севикли дўстим! Мазкур тоатларга ва яхши хислатларга ҳарис бўлинг, шояд Аллоҳ Ўз соясидан бошқа соя йўқ кунда сизни ҳам Ўз соясида сояланишга чорласа!

Қолған халқлар ҳаммаси ана шундай оғир қийинчилік ичида жуда узоқ туриб қолади. Ҳолат оғирлашиб, шу даражага борадики, айримлар дўзах азоби ҳам бу ерда туришдан енгилроқ бўлса керак деган гумонда бу шиддатли ва даҳшатли мавқифда тургандан кўра дўзахга маҳкум бўлиб кетсам ҳам майли эди, деб қолади.

Ўшанда халойиқлар Аллоҳ таоло халқлар ичида ҳисоб-китоб ва ажрим ишини тезроқ бошласайди, шояд бу оғир мавқифдан қутулсак эди деб, У зотга илтижо қиласиган ва воситачилик қиласиган одам қидириб қоладилар ва шу мақсадда бир қанча пайғамбарларга мурожаат қиласилар. Бироқ, пайғамбарлар ҳам ўз жонимни қутқарсан ҳам катта гап, деб бу ишга ботинмайдилар.

Шундан сўнг мақтовли мақом соҳиби, ҳавзи кавсар эгаси, тикилган байроқ эгаси, қиёмат кунидаги буюк шафоат соҳиби бўлмиш Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳшаргоҳдаги халойиқлар номидан воситачи бўлиб, Аллоҳ таолога илтижо қиласилар ва уларнинг ҳисоб-китобларини тезроқ қилишини сўрайдилар.

Бугунги суҳбатимизни шу ўринда якунлаймиз. Келгуси суҳбатимизда иншооллоҳ, Аллоҳ қодир қилса, мазкур улуғ шафоат ҳақида сўз юритамиз.

Буюк арш соҳиби бўлган Улуғ Аллоҳдан барчамизнинг хотимамизни чиройли қилишини сўрайман. У бунга қодир Зотдир.

2011 йил 12-август

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

الشفاعة

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мухаммад Ҳассон

Шафоат

Бисмillaхир роҳманир роҳийм

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират

қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбариға итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

«Охират ҳовлиси» силсиласидан бугунги суҳбатимиз ўн биринчи суҳбат бўлади. Аввалги суҳбатимизда қиёматнинг даҳшатли ва вужудларни ларзага солувчи айрим кўринишлари ҳақида сўз юритган эдик. Одамлар маҳшаргоҳга йиғилган, вужудларни қўрқув ва ғам-қайғу эгаллаб олган, тиқилинчдан нафаслар бўғилган, қуёш бош устига бир мил миқдорида яқин келтирилган, ҳамма одамлар амалига ва Аллоҳга яқин-узоқлик ҳолига қараб терга ғарқ ботган, жаҳаннамнинг олиб келиб қўйилиши эса бор ғам-қайғуларни чўққисига етказиб қўйган..

Аллоҳ таоло мазкур кўринишни Қуръони каримда мана бундай тасвирлайди:

«23. (Кофиirlар кўришлари учун) ўша Кунда жаҳаннамни ҳам (яқин) келтириб қўйилганда — ана ўша Кунда инсон (бу кўрганларидан) эслатма-ибрат олур! (Аммо у Кунда) бу эслатма-ибрат(нинг фойдаси) қаёқдан тегсин?!

24. У: «Эҳ, кошки эди мен ҳаёт вақтимда (яхши амаллар) қилиб ўтган бўлсам», деб қолур!

25. У Кундаги (Аллоҳнинг) азоби каби ҳеч ким азоблай олмас!

26. Ва У зотнинг (кишан ва занжирлар билан) боғлаши каби ҳеч ким боғлай олмас!» (Вал-фажр: 23-26).

Ҳа.. Жаҳаннамни маҳшаргоҳга олиб келинади. Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Қиёмат кунида жаҳаннам олиб келинади ва унинг етмиш минг тизгини бўлади. Ҳар бир тизгиндан етмиш минг фаришта тортиб келади»** (Муслим: №2842, Термизий: №2576).

Жаҳаннам келтирилиб, халойиқларни ўраб олгач ва халқларни кўргач, Аллоҳ таолонинг ғазаби ифодаси ўлароқ ғазабдан гуриллаб, даҳшатли овоз билан ўкиради.. Шунда ҳамма халойиқлар қўрқувнинг зўридан тиз чўкиб ўтириб қолишади.

Аллоҳ таоло бу кўринишни Қуръони каримда мана бундай тасвирлайди: «(У Кунда) барча умматни (даҳшат ва изтироб-ла) тиз чўккан ҳолда қўрарсиз. Ҳар бир уммат ўз номаи аъмолига чақирилур, (сўнг уларга дейилур): «**Бугун қилиб ўтган амалларингиз билан жазоланурсизлар**» (Жосия: 28).

Бу лаҳзаларда мўминларнинг қалблари жаннатга ошиқиб, интилади.. Жиноятчи кимсаларнинг қалблари эса дўзахдан қочиш илинжида потирлаб, қўрқув ва даҳшатдан қинидан чиқишига яқин бўлади.

Маҳшарда туаркан, жуда кўпчилик дунёда қилиб ўтган ишларига ҳасрат ва надомат қилиб, бармоқларини тишлаб қолади. Бироқ.. Ҳайҳот!! Вақт ўтган! Энди надомат фойда бермас!

Аллоҳ таоло айтади:

«26. Ўша кунда хақ-собит подшохлик (ёлғиз) Раҳмон учун бўлур
(Чунки бошқа барча муваққат подшохликлар йўқ бўлиб битур!). У (кун)
коғирларга кўп қийин кун бўлур.

27. У кунда бу золим қўлларини тишлаб (надоматлар қилиб) **дер:**
«Э, қанийди мен ҳам пайғамбар билан бир йўлни тутганимда эди,

28. Ўлим бўлсин менга, қанийди мен фалончини дўст
тутмаганимда эди,

29. Аниқки, менга эслатма — Қуръон келганидан сўнг, ўша
(фалончи) **мени йўлдан оздирди».** (У кунда) шайтон (ҳаёти дунёда
ўзига эргашган барча) **инсонни ёрдамсиз қўювчидир»** (Фурқон: 26-29).

Ана шундай оғир ҳолат юзага келгач, баъзи бир одамлар бир-
бирларига мурожат қилиб: «Аҳвол жуда оғирлашиб кетди-ку! Бирор
иложини қидирайлик! Ўртамиизда тезроқ ажрим ва ҳисоб-китобни
бошлишини сўраб, Парвардигорга илтижо қиласидиган бирон киши
йўқмикин?!», дейишади.

Шундан сўнг Аллоҳга воситачи бўлишларини илтимос қилиб, аввал
Одам алайҳиссаломнинг, сўнг Нуҳнинг, сўнг Иброҳимнинг, сўнг Мусонинг,
сўнг Ийсонинг ёнларига келадилар. Ҳаммалари: «Жоним, жоним» (яъни,

жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтожман), деб жавоб беришади. Нихоят улар пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келадилар, у зот: «Майли, мен шафоатчи бўлай» дейдилар.

Бугун сизлар билан мана шу катта шафоат мавзуусида суҳбатлашамиз.

Вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида суҳбатимизни қуидаги бир неча мавзуларга бўлиб оламиз:

Биринчи: Катта шафоат.

Иккинчи: Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоатларига мушарраф бўлувчи энг баҳтли инсон ким?

Суҳбатимизга дикқат-эътибор билан қарашингизни сўрайман. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан сизу бизни сўзларни эшишиб, яхисига эргашадиган кишилардан қилишини сўрайман.

Биринчи: Катта шафоат

Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Мен қиёмат куни одамзотнинг саййидидирман. Биласизларми, нима сабабдан шундай?! Аллоҳ қиёмат куни аввалги-ю охиргиларни бир кенгликка йигади. Жарчи уларга (овозини) эшиитира олади, кўраман деган одам ҳаммани кўриб турди. Қуёш уларга яқинлаштирилади. Одамлар тоқат қилолмайдиган ва кўтаролмайдиган даражада ғам-гуссага ботиб қолишади. Шунда одамлар (бир-бирларига): «Нима аҳволга тушганингизни, сизларга нималар етганини кўрмаяпсизларми? Сизлар учун Раббингизга воситачи бўладиган бирон кишини (қидириб) кўрмайсизларми?!», дейишади. Баъзилари баъзиларига: «Оталарингиз Одам (алайҳиссалом ҳузурига боринглар)», дейишади. Сўнgra унинг олдига бориб: «Эй Одам, сиз башариятнинг отасисиз. Аллоҳ сизни Ўз қўли билан яратиб, руҳидан сизга пуфлаган, фаришталарига амр этганида улар сизга сажда қилишган, сизни жаннатда тургизган. Биз учун Раббингизга шафоатчи-воситачи бўлмайсизми?! Бизнинг аҳволимизни ва бизга нималар етганини кўрмаяпсизми?!»,

дайишади. Шунда Одам алайхиссалом: «Раббим бугун шундай ғазабланганки, бундан олдин шу қадар ғазабланмаган, бундан кейин ҳам ҳеч қачон шу қадар ғазабланмагай. У мени дараҳт (ҳосилини ейиш)дан ман этганида мен унга осийлик қилганман. Жоним, жоним (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтоҗман). Мендан бошқасига боринглар, Нуҳнинг олдига боринглар», деб айтади. Улар Нуҳ ҳузурига бориб: «Эй Нуҳ! Сиз ер аҳлига (юборилган) биринчи пайғамбарсиз. Аллоҳ сизни "мудом шукр қилувчи банда", деб номлаган. Бизнинг аҳволимизни ва бизга нималар етганини кўрмаяпсизми?! Биз учун Раббингизга воситачи бўлмайсизми?!», дайишади. У ҳам: «Раббим бугун шундай ғазабланганки, бундан олдин шу қадар ғазабланмаган, бундан кейин ҳам ҳеч қачон шу қадар ғазабланмагай. Мен қавмимни дуоибад қилиб қўйганим бор. Жоним, жоним, жоним (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтоҗман). Сизлар Иброҳим ҳузурига боринглар», деб айтади.. Шундан сўнг улар Иброҳим алайхиссалом ҳузурига бориб: «Сиз Аллоҳнинг пайғамбари ва ер аҳлидан халили-дўстидирсиз. Биз билан Раббингиз ўртасида шафоатчи бўлинг. Бизнинг аҳволимизни ва бизга нималар етганини кўрмаяпсизми?!», дайишади. У ҳам уларга: «Раббим бугун шундай ғазабланганки, бундан олдин шу қадар ғазабланмаган, бундан кейин ҳам ҳеч қачон шу қадар ғазабланмагай. Мен уч марта ёлғон сўзлаганман – шундай деб ўша (ёлғонлари)ни зикр қиласди – жоним, жоним, жоним (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтоҗман). Сизлар мендан бошқага боринглар, Мусога боринглар», деб айтади. Шундан сўнг улар Мусо алайхиссалом ҳузурига бориб: «Сиз Аллоҳнинг расулисиз, У сизни Ўз рисолати ва каломи (яъни Ўзи билан гаплаштириши) билан одамлардан афзал қилди. Биз билан Раббингиз ўртасида шафоатчи бўлинг. Бизнинг аҳволимизни ва бизга нималар етганини кўрмаяпсизми?!», дайишади. У ҳам уларга: «Раббим бугун шундай ғазабланганки, бундан олдин шу қадар ғазабланмаган, бундан кейин ҳам ҳеч қачон шу қадар ғазабланмагай. Мен бир одамни ўлдириб қўйганман. Уни ўлдиришга

буюрилмагандим. Жоним, жоним, жоним (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтожман). Сизлар мендан бошқага боринглар, Ийсога боринглар», дейди. Улар Ийсо алайҳиссалом ҳузурига бориб: «Эй Ийсо! Сиз Аллоҳнинг расулисиз. Унинг Марямга ташлаган сўзи ҳамда Унинг томонидан бўлган рух (соҳибидир)сиз. Сиз одамлар билан бешикдаёқ гаплашгансиз. Биз учун Раббингизга воситачи бўлинг. Бизнинг аҳволимизни ва бизга нималар етганини кўрмаяпсизми?!», дейишади. Шунда Ийсо ҳам: «Раббим бугун шундай ғазабланганки, бундан олдин шу қадар ғазабланмаган, бундан кейин ҳам ҳеч қачон шу қадар ғазабланмагай», дейди, ўзининг бирон гуноҳини зикр қилмайди ва: «Жоним, жоним, жоним (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтожман). Сизлар мендан бошқага боринглар, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га боринглар», дейди. Шундан сўнг улар менинг олдимга келиб: «Эй Муҳаммад! Сиз Аллоҳнинг расули ва пайғамбарларнинг сўнгисисиз. Аллоҳ аввалги-ю кейинги гуноҳларингизни кечирган. Биз учун Раббингизга воситачи бўлинг. Бизнинг аҳволимизни кўрмаяпсизми?!», дейишади. Шунда мен (Раббим ҳузурига) йўл оламан ва Арш остига бориб, Раббимга сажда қилиб йиқиламан. Сўнгра Аллоҳ таоло мендан илгари ҳеч кимга илҳом қилмаган Ўзига айтиладиган мақтовлар ва чиройли ҳамду-санолар (айтиш)ни менга илҳом қилади. Сўнгра: «Эй Муҳаммад! Бошингизни кўтаринг. Тиланг, (тилагингиз) берилади. Шафоатчи (воситачи) бўлинг, шафоатингиз қабул қилинади», дейилади. Шунда мен бошимни кўтариб: «Эй Раббим! Умматим, умматим (яъни, умматимга раҳм қил)», дейман» (Муттафақун алайҳ, Бухорий: №3340, Муслим: №194, Термизий: №2436).

Севикли биродарим, келинг энди мазкур ҳадиснинг баъзи ўринларини биргалиқда кўриб чиқамиз:

Одамлар бошига ғоят оғир ҳолат тушган.. Қуёш бошлар устига бир мил миқдорида яқинлаштирилган. Одамлар тоқат қилолмайдиган ва кўтаролмайдиган даражада ғам-ғуссага ботиб қолишган.. Шунда одамлар бир-бирларига: «Нима аҳволга тушганингизни, қандай оғир ҳолат бошимизга тушганини кўрмаяпсизларми? Биз учун Раббимизга воситачи

бўладиган бирон кишини қидириб кўрмайсизларми?!», дейишади. Баъзилари баъзиларига: «Оталарингиз Одам (алайҳиссалом ҳузурига боринглар)», дейишади. Сўнгра унинг олдига бориб, шафоатчи бўлишини илтимос қилишса, у: «Жоним, жоним (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтожман). Мендан бошқасига боринглар, Нуҳнинг олдига боринглар», деб жавоб беради. У куннинг даҳшатидан Ўзинг саломат сақлагин, эй раҳмлиларнинг раҳмлироғи!!

Шундан сўнг одамлар Нуҳ пайғамбар алайҳиссалом ҳузурига боришади. Даъват майдонининг толмас паҳлавони, одамларни 950 йил Аллоҳга даъват қилган улуғ зот ҳузурига, қавмини кечаю кундуз, маҳфию ошкор, тинимсиз даъват қилган, бироқ даъватига жуда камчилик кишилар ижобат қилган ўша улуғ Пайғамбар олдига боришади.

Аллоҳ таоло айтади:

«5. (Нуҳ) деди: «Парвардигорим, албатта мен қавмимни кечаю кундуз (иймон-эътиқодга) даъват этдим.

6. (Аммо) менинг даъватим уларга фақат (иймондан) қочишни зиёда қилди, холос.

7. Дарвоқе, ҳар қачон мен уларни Сенинг мағфиратингга (сабаб бўладиган дин йўлига) даъват қилсанм улар (менинг сўзларимни эшитмаслик учун) бармоқларини қулоқларига тиқиб, (мени кўрмаслик учун юзу кўзларига) кийимларини ўрашиб, оёқ тираб турдилар ҳамда (менга итоат этишдан бош тортиб) кибр-ҳаво қилдилар.

8. Сўнгра, мен уларни ошкора (яъни, одамлар тўпланган жойларда баланд овозда) даъват этдим.

9. Сўнгра мен уларга (ўз даъватимни) очиқ эълон ҳам қилдим, пинҳона сир қилиб ҳам айтдим» (Нуҳ: 5-9).

Ушбу паҳлавон даъват учун биронта ҳам йўлни қолдирмай, ҳаммасига кириб чиққан, эллик кам минг йил тиним билмаган, хотиржам ухламаган, роҳат нималигини билмаган зот эди. Шундай улуғ зот бўлишига қарамай у киши ҳам: «Жоним, жоним, жоним.. Бошқага боринглар», деб айтади.

Ҳар бир пайғамбарга Аллоҳ таоло томонидан албатта ижобат этилувчи бир дуо берилган бўлади. Ҳамма пайғамбарлар ўша ўзларига

берилган дуони шу дунёда қилишган, биргина бизнинг пайғамбаримиз Мұхаммад соллалпоҳ алайҳи ва саллам уни охиратга олиб қўйганлар. «Саҳиҳ Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллалпоҳ алайҳи ва саллам айтганлар: «Ҳар бир пайғамбарнинг ижобат қилинадиган дуоси бўлади, ҳар бир пайғамбар у дуони қилишга шошилган, мен эса уни қиёмат куни умматимнинг шафоати учун асраб қўйганиман, у умматимдан Аллоҳга ширк келтирмай ўтган ҳар бир кишига – иншоаллоҳ – албатта етгусидир» (Муслим: №200).

Нуҳ пайғамбар қавмини дуоибад қилган эди. Аллоҳ таоло Қуръонда айтганидек:

«26. Нуҳ айтди: «Парвардигорим, Ер юзида коғирлардан бирон ҳовли-жой эгасини қолдирмагин.

27. Чунки, Сен агар уларни (Ер юзида) қолдирсанг, улар бандаларингни йўлдан оздирурлар ва улар фақат кўрнамак, нопок (кимсалар)ни туғиб-кўпайтирурлар» (Нуҳ: 26-27).

Шунинг учун у зот «Мен қавмимни дуоибад қилиб қўйганим бор. Жоним, жоним, жоним (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтожман). Мендан бошқага боринглар», деб Иброҳим алайҳиссалом ҳузурига йўллайдилар.

Шундан сўнг одамлар Иброҳим Халилуллоҳ алайҳиссалом ҳузурига боришади. Иброҳим алайҳиссалом ҳам уларга: «Раббим бугун шундай ғазабланганки, бундан олдин шу қадар ғазабланмаган, бундан кейин ҳам ҳеч қачон шу қадар ғазабланмагай. Мен уч марта ёлғон сўзлаганман – шундай деб ўша (ёлғонлари)ни зикр қиласди – жоним, жоним, жоним (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтожман). Сизлар мендан бошқага боринглар, Мусога боринглар», дейдилар.

Иброҳим алайҳиссалом ёлғон сўзлаганми?!

У кишининг қачон, нима деб ёлғон сўзлаганини биласизми?!

Жавобни «Саҳиҳул Бухорий»дан, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисдан топамиз:

«Иброҳим алайҳиссалом учта ёлғондан бошқа ҳеч ёлғон гапирмаган. Уларнинг иккитаси Аллоҳнинг зотида: «Мен беморман»,

(Вас-соффат: 89) **деган гапи ва «Йўқ, бу ишни уларнинг каттаси мана бу (ҳайкал) қилди»** (Анбиё: 63) деган гапидир. Биттаси эса Сора ҳақидадир. У киши бир жаббор (зўравон подшоҳ)нинг ерига борган, Сора ҳам унга ҳамроҳ эди. У (яъни, Сора) одамларнинг гўзали эди. У зот унга: «Мана бу зўравон агар сени менинг хотиним эканингни билса, сен учун мендан ғолиб келади. Шунинг учун агар сендан сўраса, менинг синглим эканингни айтгин. Албатта, сен менинг Исломдаги синглимсан. Албатта, мен ер юзида мен ва сендан бошқа мусулмон борлигини билмайман», деди. Улар ўша ерга кирганларида уни жабборнинг аҳлидан баъзилари қўриб қолиб, унинг олдига бориб: «Сенинг ерингга бир аёл келди. У сендан ўзгага муносиб эмас», деди. У одам юборди. Уни олиб келишди. Иброҳим алайҳиссалом намозга турди. У (яъни, Сора) **унинг** (яъни, жабборнинг) олдига кирганида ўзини тута олмай, қўлини унга узатди. Шунда унинг қўли қаттиқ тортишиб қолди. Шунда унга: «Аллоҳга дуо қил, қўлимни бўшатиб юборсин. Сенга зарар етказмайман», деди. У (унинг айтганини) қилди. У (жаббор эса) яна (ёмонликка) қайтди. Яна қўли аввалгидан ҳам қаттиқроқ тортишиб қолди. Унга яна аввалги гапини қайтарди. У (яна унинг айтганини) қилди. У эса яна (ёмонликка) қайтди. Шунда унга: «Аллоҳга дуо қил, қўлимни бўшатиб юборсин. Аллоҳга қасамки, сенга зарар етказмайман», деди. У (унинг айтганини) қилди. Шундан сўнг унинг қўли бўшалди. Жаббор уни олиб келган кишини чақириб: «Сен менга шайтонни олиб келибсан! Одамни олиб келмабсан! Уни менинг еримдан чиқариб юбор! Унга Ҳожарни бер!», деди. (Сора) кела бошлади. Иброҳим алайҳиссалом уни қўриб (намозни тугатиб унга) бурилди ва: «Нима гап?!» деди. «Яхшилил! Аллоҳ фожирнинг қўлини тийди ва хизматчи ҳам берди», деди».

Абу Ҳурайра: «Ана ўша сизнинг онангиздир, эй осмон суви фарзандлари!» дедилар. (Муттафақун алайх, Бухорий: №3358, Муслим: №2371).

Иброҳим алайҳиссаломнинг (аслида, ёлғон деб аташга ҳам арзимайдиган) ёлғонлари мана шу эди. У киши мана шу ёлғонларини зикр қилиб: «Мендан бошқага боринглар, Мусога боринглар! У

Калимуллоҳдир, Аллоҳ уни рисолатига ва қаломига танлаб олгандир», дейдилар.

Аммо, Мусо калимуллоҳ ҳам: «Жоним, жоним, жоним... Мендан бошқага боринглар, Ийсога боринглар», дейдилар.

Улар Ийсо алайҳиссалом ҳузурига боришади. Шунда Ийсо ҳам: «Раббим бугун шундай ғазабланганки, бундан олдин шу қадар ғазабланмаган, бундан кейин ҳам ҳеч қачон шу қадар ғазабланмагай. Жоним, жоним, жоним (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтожман). Сизлар мендан бошқага боринглар, Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га боринглар», дейди ва ўзининг бирон гуноҳини зикр қилмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Шундан сўнг улар менинг олдимга келадилар. Мен: «Майли, мен бу ишни ўз зиммамга оламан», дейман. Сўнгра (Раббим ҳузурига) йўл оламан ва Арш остига бориб, Раббимга саждага бош қўяман. Сўнгра Аллоҳ таоло мендан илгари ҳеч кимга илҳом қилмаган Ўзига айтиладиган мақтовлар ва чиройли ҳамду-санолар (айтиш)ни менга илҳом қилади. Сўнгра: «Эй Мұхаммад! Бошингизни қўтаринг. Тиланг, (тилагингиз) берилади. Шафоатчи (воситачи) бўлинг, шафоатингиз қабул қилинади», дейилади. Шунда мен бошимни кўтариб: «Эй Раббим! Умматим, умматим (яъни, умматимга раҳм қил)», дейман».

Субҳаналлоҳ!! Қаранг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматга бўлган муҳаббатларини!! У зот ҳақиқатан буюк қалб эгаси, ғоят раҳмдил зот эдилар. Аллоҳ таоло у зот ҳақларида айтганидек: **«барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайғамбар»** (Тавба: 128) эдилар.

Бир куни у зот Аллоҳ таолонинг Иброҳим алайҳиссалом ҳақларида нозил қилган: **«Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар. Бас, ким менга эргашса, ана ўша мендандир** (яъни менинг динимдадир). **Ким менга исён қилса, яна Ўзинг мағфиратли, меҳрибонсан** (яъни, ундей кимсаларни ҳам ҳақ йўлга хидоят қилишга қодирсан)» (Иброҳим: 36) оятини ўқидилар.

Аллоҳ таолонинг Ийсо алайҳиссалом ҳақларида нозил қилган: **«Агар уларни азобласанг, улар Сенинг ожиз бандаларинг. Агар уларни**

мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат эгасидирсан»
(Моида: 118) оятыни ўқидилар.

Сўнг йиғладилар. Шунда Аллоҳ Жибрилни у зот ҳузурларига туширди ва Ўзи яхши билгани ҳолда: «Эй Жибрил, Мұхаммаддан сўра-чи, нега йиғлаляпти экан?», деди. Жибрил тушиб: «Нега йиғлаляпсиз, эй Аллоҳнинг Расули?», деб сўради. «Умматим.. умматим, эй Жибрил!», дедилар у зот. Жибрил Буюк Подшоҳ ҳузурига кўтарилиб – У Ўзи билгувчироқ бўлгани ҳолда – «Уммати учун йиғлаляпти экан», деди. У Жибрилга деди: «Мұхаммад ҳузурига тушиб, айтгин, Биз уни уммати хусусида албатта рози қиласиз ва асло хафа қилмаймиз».

У зот: «Эй Раббим! Умматим... Умматим... Умматим», дейдилар.

Табарий, Табароний, Байҳақий, Абу Яъло ривоят қилган, Суютий келтирган ва Ибн Абил-Из ал-Ҳанафий далил қилиб олиб келган сур ҳақидаги узун ҳадисда ривоят қилинишича – илмий омонат юзасидан айтиб ўтишим керак, бу ҳадис заифдир, чунки ровийлар силсиласида Исмоил ибн Рофиъ бор, жарҳ ва таъдил илми уламолари сўзларига кўра, у заифдир. Яна унда Мұхаммад ибн Зиёд бор, у мажхулдир. Бироқ, бу ҳадисда юқорида мен келтирган Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадис сиёқига мувофиқлик бордир – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Шунда мен Арш остида саждага бош қўяман. Кейин менга – Унинг Ўзи яхши билувчи бўлгани ҳолда – «Нима истайсан?», дейилади». Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Раббим, менга шафоат ваъда қилгансан, ҳалқларинг хусусида менинг шафоатимни қабул қилиб, улар ўртасида ҳукм қилгайсан», дейдилар. Аллоҳ жалла ва ало: «Мен сени шафоатингни қабул қилдим.. Мен сизларнинг ўртангизда ҳукм қилиш учун бораман», дейди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кейин мен маҳшаргоҳда одамлар билан бирга туриш учун ортимга қайтаман. Бутун башарият Малик жалла жалолуҳунинг келишини кутади.

У зот Ўзининг камоли ва жалолига мос бўлган ҳолда келади. Бу ҳақда кўнглингизга келган ҳар қандай кўриниш ва тасаввурларни тарқ қилинг, Аллоҳ таоло унинг хилофича бўлади. **«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У эшитувчи ва кўриб турувчиидир»** (Шуро: 11).

Тушиш сифати, юриш сифати, келиш сифати, ғазаб сифати ва шу каби Аллоҳ таолонинг барча сифатларини Унинг Ўзи ёки Пайғамбари қандай айтган бўлсалар, шундай исбот қиласиз (яъни тасдиқлаймиз), таҳриф, ташбих, такийф, таътил, тамсил қиласиз.

Мисол учун, Аллоҳ таоло: «**У Ўз аршига кўтарилиган Раҳмондир**» (Тоҳа: 5), деган.

Уламоларимиз айтадилар: Аллоҳ Ўзи хабар берганидек ва Ўзи хоҳлаган кўринишда ва Ўзи айтган маънода, биз билган маънодаги тушиш ва қўчишдан пок ҳолда кўтарилигандир.

(Шеър мазмуни)

«Арш Уни кўтарувчи эмасдир, курсий Унга суюнчиқ ҳам эмасдир.

Аксинча, арш ва уни кўтарувчилар ҳам, курсий ва унинг улуғворлиги ҳам, барча-барчаси Унинг қудрати лутфи билан кўтарилиган, Унинг қабзаси билан мақхур (бўйсундирилган)».

Истиво (кўтарилиш) маълум, кайфияти мажхул, унга иймон келтириш фарз, у ҳақда савол қилиш бидъатдир.

Бир киши Исҳоқ ибн Роҳавайҳга деди: «Эй Исҳоқ! Сизлар қандай қилиб ҳар кеча ўз аршидан дунё осмонига тушадиган илоҳга ишонасизлар?!».

У деди: «Эй, сен! Гарчи сен ишонмасанг-да, биз ҳар кеча Ўз аршидан дуё осмонига тушадиган ва арши ҳам Ундан холи қолмайдиган илоҳга ишонамиз!!».

Қани, қай биримиз чумолининг гапиришини тасаввур қиласидик?! Ҳар биримиз ҳам Қуръондаги мана бу оятни ўқигандан кейингина буни билган ва тасдиқ қиласан: «**То улар чумолилар водийсига етган вақтларида, бир чумоли:** «Эй чумолилар, уяларингизга киринглар, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўzlари сезмаган ҳолларида сизларни босиб-янчиб кетмасинлар», деди» (Намл: 18).

Қай биримиз илонни қорни билан судралиб юришини кўрмасидан олдин бирон жонзотнинг оёқларсиз, қорни билан юришини тасаввур қиласиди?!

Кимда-ким Аллоҳнинг зоти қандайлигини биламан деб даъво қиласа, унинг даъвоси пуч бўлиб қолаверади. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «**Улар эса У зотни била олмаслар**» (Тоҳа: 110).

Жалла жалолух.. Тенги йўқ, ўхшashi йўқ, мисли йўқ, баробари йўқ.
«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «**У — Аллоҳ Бирдир. Аллоҳ** (барча ҳожатлар билан) **кўзланувчи**дир (яъни барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). **У туғмаган ва туғилмагандир** (яъни Аллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У аввал ва охир зотдир). **Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир»** (Ихлос: 1-4).

Савол: Ким бутун башарият ўртасида ажрим қилишини сўраб, Аллоҳга воситачи бўлади?

Бу шарафли ва оғир вазифани Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз зиммаларига оладилар.

Муваҳҳид дўстларим! Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадрларини фақат Аллоҳ таоло билади!!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадрлари Аллоҳнинг хузурида жуда буюқдир!

У зот мустафо – танлаб олинган, мужтабо – саралаб олинган зотдирлар. Аллоҳ таоло башарият ичидан пайғамбарларни танлаб олган, пайғамбарлар ичидан расулларни танлаб олган, расуллар ичидан улул-азм бўлган зотларни танлаб олган, мазкур улул-азм бўлган бешта улуғ пайғамбар ичидан Иброҳим ва Муҳаммад Мустафони танлаб олган, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни танлаб, бутун башариятдан муфаззал қилган, у зотнинг қалбларини очган, зикр-номларини кўтарган, гуноҳларини кечирган, у зотни барча жиҳатдан поклаган.

Ақллари жиҳатидан поклаган.

Аллоҳ таоло айтади: «**Сизларнинг соҳибингиз** (яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **заполатга ҳам кетгани йўқ, йўлдан ҳам озгани йўқ!**» (Ван-нажм: 2).

Ростгўйликлари жиҳатидан поклаган.

Аллоҳ таоло айтади: «**У** (сизларга келтираётган Қуръонни) **ўз ҳавоий-ҳоҳиши билан сўзламас**» (Ван-нажм: 3).

Кўнгиллари жиҳатидан поклаган:

Аллоҳ таоло айтади: «(Пайғамбарнинг) **кўнгли кўрган нарсасини инкор этмади**» (Ван-нажм: 11).

Илмлари жиҳатидан поклаган:

Аллоҳ таоло айтади: «**Унга** (бу ваҳийни) **бир кучга тўлган, соҳиби қудрат** (яъни Жаброил алайҳис-салом) **таълим бергандир**» (Ван-нажм: 5).

Қалблари жиҳатидан поклаган.

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Биз сизнинг қалбингизни** (иймон ва Қуръон нури билан) **кенг-мунааввар қилиб қўймадикми?**» (Шарҳ: 1).

Елкаларини поклаган.

Аллоҳ таоло айтади: «**Ва Биз сиздан елкангизни эзиб турган оғир юкингизни олиб қўйдик**» (Шарҳ: 2-3).

Зикрлари жиҳатидан поклаган.

Аллоҳ таоло айтади: **Ва Биз сизнинг зикрингизни** (яъни номингизни) **баланд қилиб қўйдик**» (Шарҳ: 4).

Мехрибонликлари жиҳатидан поклаган.

Аллоҳ таоло айтади: «**Барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайғамбар**» (Тавба: 128).

У зотнинг бутун вужудларини поклаган.

Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта сиз улуғ хулқ устидадирсиз**» (Қалам: 4).

Ота-онам у зотга фидо бўлсин..

У зот қиёмат соатида ҳамма учун энг зарурий инсон бўладилар..

Маҳшар еридаги барча пайғамбарлар ҳавас қилувчи мақтовли мақом соҳибидирлар. Аллоҳ таолонинг Ўзи у зотга бу мақомни ваъда қилгандир: «**Кечанинг** (бир қисмида) **уйғониб ўзингиз учун нафл** (ибодат) **бўлган намозни ўқинг!** **Шоядки, Парвардигорингиз сизни** (Қиёмат кунида) **мақтовли** (яъни, гуноҳкор умматларингизни шафоат қилиб оқладиган) **мақомда тирилтирур**» (ИсроП: 79).

Мақтовли мақом шудир. «Саҳиҳ Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлариdek: «**Мен қиёмат куни одамзотнинг саййидиман, қабри биринчи бўлиб ёриладиган киши менман, энг биринчи шафоатчи ва шафоати қабул қилинувчи ҳам менман**». (Муслим: №1178, Абу Довуд: №4763, Термизий: №3615).

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мен ва ўтган пайғамбарларнинг мисоли шундайки, бир киши иморат бино қилди, уни жуда чиройли ва яхши қилиб қурди-ю, бинонинг бир бурчида фақат бир ғиштнинг ўрни очиқ қолди. Одамлар уйни айланиб кўриб, қойил қолишади ва: «Мана шу ғишт ҳам қўйилганидами?!», дейишади. Мен ўша ғишт (мисолида)ман ва мен пайғамбарларнинг охиргисиман» (Бухорий: №3535, Муслим: №2286).

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мен (бошқа) пайғамбарлардан олти нарса билан афзал қилиндим: менга жавомиъ ал-калим (қисқа, лекин етук маъноларни ўз ичига олган сўзлар айтиш) берилди, (Бухорий ривоятида: бир ойлик масофа ичидан душманларим қалбида) қўрқув билан нусратландим, менга ўлжалар ҳалол қилинди, ер мен учун намозгоҳ ва (сув бўлмагандан) таҳоратга яроқли қилинди, барча халқларга пайғамбар қилиб юборилдим, мен билан пайғамбарлар ниҳоясига етди» (Бухорий: №2977, Муслим: №523, Термизий: №1553, Насойи: 6/304).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мақомлари ана шундай улуғдир.

Аллоҳ таоло саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан қандай одоб сақлашлари, у зотни қандай эҳтиром қилишлари, у зотга хитоб қилишда қандай одобларга риоя қилишлари кераклигини таълим берувчи оятлар нозил қилди.

Лекин.. Бугунга келиб, умматга нима бўлди?!

Бугун уммат ўз пайғамбарининг қадрига етмай қўйди, пайғамбарини керакли даражада эҳтиром қилмай қўйди, у зотга нисбатан одобни унутди. Уммат у зотнинг шариатларидан юз ўғирди, у зотнинг суннатларини ҳаётдан четлатди. Уммат бугунга келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни улуғлаш фақат мавлуд кечаларида у зотнинг мақтовларини завқ билан куйлаш деб биладиган бўлиб қолди.

Уммат бугун фақат куй-қўшиқ ва рақсни дўндиради. У ҳазил-ҳузулга ўч бўлиб, жиддийлик ва мардлик тушунчаларини унутди.

Уммат ўз пайғамбариға муҳаббатни даъво қилади, ҳар хил маросимларда у зот шаънларига мақтовли куй-ғазаллар ўқииди. Ваҳоланки, у зотнинг шариатларини ҳаётдан четлатган, суннатларидан юз ўгирган. Ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ.

Аллоҳ йўлидаги дўйстларим!

Қиёмат майдонига қайтамиз. Қуёш шундоққина бошлар устида қиздирган.. Тиқилинчнинг ўзиёқ нафасларни бўғиб юборади.. Одам атодан тортиб то қиёматгача яшаб ўтган одамзотнинг ҳаммаси қўрқув ва даҳшат ичида, ҳамма бир майдонга йиғилган.

Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳавзлари устида турибдилар. Ҳавзнинг суви сутдан оқ, асалдан ширин, мушқдан хушбўй. Кўзаларининг сони осмон юлдузлари сонича. Ундан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларидан бир бор нўш этган киши шундан кейин ҳеч қачон ташналик нималигини билмайди (Бухорий: №6579, Муслим: №2292).

Ином Бухорий Саҳл ибн Саъд ас-Соидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Мен қиёмат куни сизлардан олдин ҳавзга бориб турувчитирман. Ким менинг олдимдан ўтса, ундан ичади. Ким ичса, ҳеч қачон ташна бўлмайди. Ҳавз олдига бир қавм келади, мен уларни танийман, улар ҳам мени танийдилар. Сўнг мен билан улар ўртамиз тўсиб қўйилади. Шунда мен: «Улар менинг умматимдан, улар менинг умматимдан», дейман. Менга: «Сиздан кейин улар нима ишлар пайдо қилишганини сиз билмайсиз», дейилади. Шунда мен: «Мендан кейин ўзгартириб юборганларга (Аллоҳнинг раҳматидан) узоқлик бўлсин, узоқлик бўлсин», дейман» (Бухорий: 6576, Муслим: №2304).

Бунинг маъноси шуки, Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлларига эргашиш зафар ва нажот йўлидир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига тўла бўйсунган, у зотнинг қайтариқларидан буткул тийилган муваҳҳид зотларга боқинг, улар ҳатто умрларининг охирги лаҳзаларида ҳам қандай ҳолда бўлганларини билиб оласиз.

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу ўлим тўшагида ётган ҳолларида тунга бориб, дардлари оғирлашиб қолди. Шунда асҳобларига боқиб:

«Тонг отдими?!», деб сўрай бошладилар. Улар: «Йўқ, ҳали тонг отмади», дейишарди. Муоз йиғлаб: «Тонги дўзах сари олиб борадиган тундан Аллоҳдан паноҳ сўрайман», дердилар.

Муоз ибн Жабалдек улуғ саҳоба дўзах аҳлидан бўлиб қолишдан шундоқ қўрқардилар!!

Умматнинг Форуқи (ҳақ ва ботил ўртасини ажратувчиси) бўлган Умар розияллоҳу анҳу ўлим тўшагида ётарканлар, Ибн Аббос у кишининг шаънларида яхши мақтов сўзлар айтадилар. Шунда Умар айтадилар: «Аллоҳга қасамки, агар ер юзи тўла олтиним бўлса, Аллоҳнинг азобини кўрмай туриб, ундан шу билан қутулишга жон деб рози бўлардим. Истардимки, дунёдан на фойда, на зиён кўрган ҳолда чиқиб кетсам!»

Субҳаналлоҳ!!

Бир киши Оиша розияллоҳу анҳодан сўради: «Эй онажон, менга Аллоҳ таолонинг қуидаги оятларини тушунтириб беринг: **«Сўнgra Биз бу Китобга бандаларимиздан Ўзимиз танлаган зотларни (яъни сизнинг умматингизни) ворис қилдик. Бас уларнинг орасида ўз жонига жабр қилувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Аллоҳнинг изну иродаси билан мудом яхшиликларга шошилувчи ҳам бордир»** (Фотир: 32)».

Оиша розияллоҳу анҳо айтдилар: «Эй болам, яхшиликларга шошилувчилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ўтган ва у зот улар ҳақларида жаннат хушхабарини берган кишилардир. Ўртачалар эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ортларидан эргашиб, уларга етиб олган саҳобалардир. Ўз жонига жабр қилувсилар эса сен билан бизга ўхшаганлардир».

Қаранг, Оиша розияллоҳу анҳо ўзларини сизу биз билан бир қаторга қўймоқдалар!! Бизга ўхшаган гуноҳкорлар ва ўз жонига зулм қилганлар сафига қўймоқдалар ўзларини!!

Суфён Саврий раҳимаҳуллоҳ ўлим тўшагида ётганларида ҳузурларига Ҳаммод ибн Салама кириб: «Хурсанд бўлинг, эй Абу Абдуллоҳ! Сиз ўзингиз Ундан мудом умидвор бўлган, раҳмлиларнинг раҳмлироғи бўлган Зот ҳузурига йўл олмоқдасиз», дедилар.

Суфён йиғладилар ва: «Эй Ҳаммод! Аллоҳга қасамёд қилиб сўрайманки, мендек бир кимсани дўзахдан қутулиб қолади деб гумон қиласанми?!», дедилар.

Қаранг, улар қандай бўлганлар?! Нималар деганлар?! Энди қаранг, биз қандай аҳволга келиб қолдик?! Нималар демоқдамиз?!

Ҳайҳот!! Жуда катта фарқ бор!!

Биз ҳаммамиз ҳам: «Бизлардан қай биримиз жаннатга кирмас эканмиз?! Қай биримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатларидан маҳрум бўларканмиз?!», деймиз.

Юқорида келган, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у зотнинг йўлларини ўзгартириб, суннатларидан бурилиб кетган қавмларни ўзларидан тўсилишини хабар бермоқдалар.

Буюк Аллоҳдан сизу бизнинг гуноҳларимизни мағфират қилишини ва бизни Ўз раҳмати остига олишини сўрайман.

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар, деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотни энг яхши мукофотлар билан мукофотлагин.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Иккинчи: Қиёмат куни Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоатларига мушарраф бўлувчи энг баҳтли инсон ким?

Бугунги сұхбатимизнинг сўнгги моддаси шу ҳақда бўлади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: «**Айтинг** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «**Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашиналар.**

Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади» (Оли Имрон: 31).

Ўзини ҳақиқий мусулмонман деган ҳар бир киши ўзига савол бериб кўрсин: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрларига бўйнсундимми?! У зот қайтарган ишлардан тийилдимми?! Тилим дилим билан ва бошқа аъзоларим билан боғланганми?!

Барча ишларимда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларига муҳаббат ва ихлос билан эргашдимми?!

Шоир айтганидек:

«Ким Пайғамбар севгисини даъво қилса-ю, унинг йўлидан юрмаса, унинг даъвоси қуруқ гапдир.

Агар севгиси чин бўлса, севгининг энг биринчи шарти итоат ва вафодир».

Аллоҳ йўлидаги дўстим! Қиёмат куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоатларига мушарраф бўлувчи энг баҳтли инсон ким бўлади?

Жавобни бевосита «Саҳихул Бухорий»дан топамиз. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен: «Ё Расулуллоҳ, қиёмат куни сизнинг шафоатингиз ила энг саодатли бўлувчи инсон ким?» деб сўрадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Абу Ҳурайра, сизнинг ҳадисга бўлган иштиёқингизни кўрганим учун сиздан аввал бирор киши бу ҳадис ҳақида мендан сўрамайди, деб ўйлаган эдим. Қиёмат куни менинг шафоатим ила энг саодатли бўлувчи инсон – сидқидилдан, холис: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтган кишидир», дедилар (Бухорий: №99).

Иbn Ҳиббон ривоятида: «Менинг шафоатим ила энг саодатли бўлувчи инсон – сидқидилдан, холис: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтган, дили тилини тасдиқлайдиган, тили дилини тасдиқлайдиган кишидир».

«Саҳих Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳар бир пайғамбарнинг ижобат қилинадиган дуоси бўлади, ҳар бир пайғамбар у дуони қилишга шошилган, мен эса уни қиёмат куни умматимнинг шафоати учун асрраб қўйганман, у умматимдан

Аллоҳга ширк келтирмай ўтган ҳар бир кишига – иншоаллоҳ – албатта етгусидир» (Муслим: №200).

Демак, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёмат куни сизни шафоат қилишлари учун ўта муҳим бир шартни тўла-тўқис қилишингиз лозим бўларкан. Бу шарт – тавҳидни рӯёбга чиқаришдир, тавҳид калимасини сидқидилдан айтишдир.

Одамлар борки, ушбу калимани тилда қайтаришади, бироқ, нима деяётганини билишмайди. Одамлар борки, ибодатни Аллоҳ азза ва жаллага холис қилишмайди, балки бунда бошқаларни У зотга шерик қилишади.

Одамлар борки, тили билан «ла илаҳа иллаллоҳ»ни қайта-қайта айтишади. Кейин эса хоҳиш-ҳавосига тўғри келган ҳар қандай ишларни ҳеч тортинмай қилишади, Исломни бир четга суриб қўйиб, кўнгиллари чопган йўлни танлашади.

Одамлар борки, тавҳид калимасини айтишади, бироқ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларига эргашишмайди.

Одамлар борки, тавҳид калимасини айтишади, бироқ валоъ ва бароъ (Исломдаги дўст ва душман тушунчаси)га бепарво қарашади.

Одамлар борки, тили билан «ла илаҳа иллаллоҳ»ни қайта-қайта айтишади. Бироқ, намозни тарқ қилган, закотни зое қилган, қодир бўла туриб, ҳажга боришни пайсалга солган, судхўрлик қилган, маст қилувчи ичимлик ичган, етимларнинг молини ноҳақ еган, амру наҳийларни эшитиб туриб, унга ҳеч қандай алоқаси йўқдек, истеҳзо билан елка қисиб кетаверади. Панд-насиҳатларни эшитиб туриб, унга тааллуқи йўқдек, кулгига олади.

Тавҳидда ихлос зарурдир. Тавҳид калимаси инсон фақат тилида қайтариб қўйиши билан кифоя қиладиган калима эмас. Балки, иймон – тил билан талаффуз қилиш, дил билан тасдиқлаш, аъзолар билан амал қилишдир..

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ айтганларидек: «Иймон таҳаллий (зийнатланиш) ҳам, таманий (орзу-хаёл қилиш) ҳам эмасдир, балки у қалбларда ўрнашган ва амаллар уни тасдиқлаган нарсадир. Ким яхшиликни гапирса ва яхши амал қилса, ундан қабул қилинади. Ким яхшиликни гапирса ва ёмон амал қилса, ундан қабул қилинмайди».

«Саҳиҳайн»да Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ, У ёлғиз ва шериксиздир, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва расули, Ийсо Аллоҳнинг бандаси, расули, чўрисининг ўғли ва Марямга туширган сўзиҳидир, жаннат ва дўзах ҳақдир деб гувоҳлик берса, амали қандай бўлган бўлмасин, Аллоҳ уни жаннатга киритади» дедилар (Муттафақун алайҳ, Бухорий: №3435, Муслим: №2640).

Итбон ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоятида: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Албатта, Аллоҳ Ўзининг юзини истаб «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган кишини дўзахга ҳаром қилгандир».

Аллоҳга қасамки, Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоатлари билан фақатгина ихлос билан тавҳидни рӯёбга чиқарган кишигина, Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга чин дилдан эргашган кишигина саодатли бўлади.

Имом Муслим Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган, шунингдек Имом Термизий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Аллоҳ таоло деди: «Эй Одам фарзанди, мудом Менга дуо қилар экансан ва Мендан умид қилар экансан, нима қилган бўлсанг ҳам (қандай катта гуноҳ бўлишидан) қатъий назар кечираман. Эй Одам фарзанди, агар гуноҳларинг осмондаги булатларга қадар етиб борса ва Мендан мағфират сўрасанг, (қандай катта гуноҳлигидан) қатъий назар, мағфират қиласман. Эй Одам фарзанди, агар Менинг ҳузуримга ер юзичалик гуноҳлар билан келсанг-у, Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳолда йўлиқсанг, Мен сенга ер юзичалик мағфират билан рўбарў бўламан»** (Термизий: (2/270), Доримий (2/322), Аҳмад (5/172) ривоятлари).

Бу тавҳиддир.. Қиёмат куни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоатлари или энг саодатли бўлувчи инсон – сидқидилдан, холис: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтган кишидир. Тавҳид калимаси Аллоҳ таоло томонидан жуда оғир шартларга боғлиқ қилиб қўйилган.

Бу калима бир пок дарахтдир, унинг илдизлари муҳаббат ва ихлос, танаси, ишонч ва қабул, барглари бўйсунишдир. У сувсиз ва нурсиз яшай олмайди, илм унга нур, сидқ-ростгўйлик унга сувдир.

Улуғ арш соҳиби бўлган Буюк Аллоҳдан оқибатларимизни чиройли қилишини сўрайман. У бунга қодирдир.

2011 йил 11-сентябр

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

مجيء الرب جل جلاله

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мухаммад Ҳассон

Парвардигор жалла жалолуҳунинг келиши

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) **ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират**

қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

«Охират ҳовлиси» силсиласидан бугунги суҳбатимиз ўн иккинчи суҳбат бўлади. Аввалги суҳбатларимизда қиёматнинг баъзи кўринишлари ҳақида сўз юритиб, одамларнинг маҳшаргоҳга йиғилиб турган пайтдаги ҳолатлари ҳақидаги сўзда тўхтаган эдик.

Одамлар маҳшаргоҳга йиғилган, вужудларни ер юзининг энг сўзамол кишиси ҳам тасвирлаб беролмайдиган қаттиқ қўркув ва ғам-қайғу ўраб олган, тиқилинчдан нафаслар бўғилган, қуёш бош устига бир мил миқдорида яқин келтирилган ва этдан ўтиб, суякларни ҳам эритиб юборишига яқин бўлган..

Одам алайҳиссалом яратилганидан тортиб то қиёмат қоим бўлгунига қадар яшаб ўтган бутун башарият битта майдонга тўпланган.

Ҳамма одамлар амалига ва Аллоҳга яқин-узоқлик ҳолига қараб терга ғарқ ботган..

Жаҳаннамнинг олиб келиб қўйилиши эса бор ғам-қайғуларни чўққисига етказиб қўйган.. Унинг етмиш минг тизгини бўлади. Ҳар бир тизгиндан етмиш минг фаришта тортиб келади. Жаҳаннам келтирилиб, халойиқларни ўраб олгач ва халқларни кўргач, Аллоҳ таолонинг ғазаби ифодаси ўлароқ ғазабдан гуриллаб, даҳшатли овоз билан ўкиради.. Шунда ҳамма халойиқлар қўркувнинг зўридан тиз чўкиб ўтириб қолишади.

У куни пайғамбарлардан бошқа ҳеч ким оғиз очиб гапиришга ботинолмайди. Пайғамбарларнинг сўзлари ҳам фақат: «Аллоҳумма саллим, саллим! Эй Аллоҳ! Ўзинг асрарин, Ўзинг саломат қилгин!»дан ўтмайди.

Ана шундай оғир ҳолат юзага келгач, баъзи бир одамлар бир-бирлариға мурожат қилиб: «Аҳвол жуда оғирлашиб кетди-ку! Бирор иложини қидирайлик! Ўртамиизда тезроқ ажрим ва ҳисоб-китобни бошлашини сўраб, Парвардигорга илтижо қиласидиган бирон киши йўқмикин?!», дейишади.

Шундан сўнг Аллоҳга воситачи бўлишларини илтимос қилиб, бирин-кетин Аллоҳнинг танланган бандалари бўлмиш пайғамбарлар ҳузурига келадилар. Ҳаммалари: «Раббим бугун шундай ғазабланганки, бундан олдин шу қадар ғазабланмаган, бундан кейин ҳам ҳеч қачон шу қадар ғазабланмагай. Жоним, жоним, жоним» (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтожман), деб жавоб беришади. Фақат биргина Мұхаммад Мустафо соллалпоҳу алайҳи ва саллам бу оғир вазифани ўз зиммалариға олишга рози бўладилар.

Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Шунда улар менинг ҳузуримга келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Бизнинг аҳволимизни ва бизга нималар етганини кўрмаяпсизми?!** Биз учун Раббингизга воситачи бўлмайсизми?!», дейишади. Шундан сўнг мен туриб: «Майли, мен бу ишга (ҳозирман)», дейман. Сўнг (Раббим ҳузурига) йўл оламан ва Арш остига бориб, Раббимга сажда қилиб йиқиламан. Сўнгра Аллоҳ таоло мендан илгари ҳеч кимга илҳом қилмаган Ўзига айтиладиган мақтовлар ва чиройли ҳамду-санолар (айтиш)ни менга илҳом қиласиди. Сўнгра: «**Эй Мұхаммад! Бошингизни кўтаринг.** Тиланг, (тилагингиз) берилади. Шафоатчи (воситачи) бўлинг, шафоатингиз қабул қилинади», дейилади. Шунда мен бошимни кўтариб: «**Эй Раббим! Умматим, умматим (яъни, умматимга раҳм қил)**», дейман» (Муттафакун алайҳ, Бухорий: №3340, Муслим: №194, Термизий: №2436).

Табарий, Табароний, Байҳақий, Абу Яъло ривоят қилган, Суютий келтирган ва Ибн Абил-Из ал-Ҳанафий далил қилиб олиб келган сур ҳақидаги узун ҳадисда ривоят қилинишича – илмий омонат юзасидан айтиб ўтишим керак, бу ҳадис заифдир, чунки ровийлар силсиласида Исмоил ибн Рофиъ бор, жарҳ ва таъдил илми уламолари сўзларига кўра, у заифдир. Яна унда Мұхаммад ибн Зиёд бор, у мажхулдир. Бироқ, бу ҳадисда юқорида мен келтирган Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадис

сиёқига мувофиқлик бордир – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Шунда мен Арш остида саждага бош құяман. Кейин менга – Унинг Үзи яхши билувчи бўлгани ҳолда – «Нима истайсан?», дейилади». Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Раббим, менга шафоат ваъда қилгансан, халқларинг хусусида менинг шафоатимни қабул қилиб, улар ўртасида ҳукм қилгайсан», дейдилар. Аллоҳ жалла ва ало: «Мен сени шафоатингни қабул қилдим.. Мен сизларнинг ўртангизда ҳукм қилиш учун бораман», дейди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кейин мен маҳшаргоҳда одамлар билан бирга туриш учун ортимга қайтаман. Бутун башарият Малик жалла жалолуҳунинг келишини кутади».

Бугун сизлар билан сұхбатимиз мана шу мавзу атрофида кечади.

Вақтдан унумли фойдаланиш учун сұхбатимизни қуйидаги бир неча мавзуларга бўлиб оламиз:

Биринчи: Парвардигор жалла жалолуҳунинг келиши.

Иккинчи: Қиёмат куни Аллоҳ таоло биринчи бўлиб гаплашадиган киши.

Учинчи: Аллоҳ жалла ва алога рўбарў келиш ва китобларнинг берилиши.

Сұхбатимизга диққат-эътибор қаратишиңгизни сўрайман. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан сизу бизни сўзларни эшишиб, яхисига эргашадиган кишилардан қилишини сўрайман.

Биринчи: Парвардигор жалла жалолуҳунинг келиши

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

Ҳеч бирингиз шу дунёда бўлиб турадиган маҳкама жараёнларидан биронтасида иштирок этганмисиз?

Айбланувчиларни олиб келиб, панжара ортига ўтқизадилар.. Айбланувчиларнинг яқинлари ва ҳимоячилар билан гавжум маҳкама зали ичра тўсатдан: «Ўрнингиздан туриңг, суд ҳайъати келмоқда!», деган эълон эшитилади. Залга сув қуйгандек жимлик чўкади. Қозилар (суд ҳайъати) кириб келиб, ўз ўринларини эгаллайди. Юраклар қинидан чиққудек гурсиллаб ура бошлайди. Қораловчи ва оқловчилар ишга

киришади, баҳс-мунозаралар бошланади, далил-исботлар келтирилади. Ҳакамлар (судялар) ҳар икки томоннинг сўзларини диққат билан эшитиб, саволлар беришади. Ўзаро нималарнидир муҳокама қилишади. Кейин суд ҳайъати бир хонага ўтиб, ҳукм чиқариш олдидан бир-бирларининг фикрларини ўрганишади, баҳслашишади. Кейин маҳкамама залига қайтиб, мазкур иш бўйича ҳукмни эълон қилишади.

Аллоҳ ҳаққи, шу пайтда маҳкамама залида ўтирган одамларнинг юзларига диққат билан боққанмисиз?!

Кўзлар ёшланган.. Юраклар қинидан чиқиб кетаёзган.. Ҳаяжондан нафаслар бўғизга тиқилган.. Ўзаро шивир-шивирлар.. Кўзларда савол назари.. Ҳамманинг кўзи қозида, нима ҳукм чиқааркин, нима деркин, деган ҳадик ҳаммани қамраб олган..

Ваҳоланки, қози ҳам бошқалар қатори ҳамма нарсага Қодир Буюк Подшоҳнинг фақир ва ҳақир бир бандаси!

Ана энди маҳшаргоҳни кўз олдингизга келтиринг.

Даҳшат ва ҳаяжоннинг зўридан юраклар кўкрак қафасидан чиқиб, бўғизларга қадалиб қолган.. Ҳамма халойиқлар, ораларида пайғамбарлар ҳам бор, маҳшаргоҳда йиғилиб, самога тикиладилар, Одил Подшоҳ жалла жалолуҳунинг келишини кутадилар.

Аллоҳ таоло айтади:

«108. У кунда (одамлар маҳшаргоҳга) чорловчи (фариштага) эгилмай-бурилмай эргашурлар — итоат қилурлар. Овозлар ҳам Раҳмонга таъзим қилур, бас фақат пичирлашнигина эшитурсиз.

109. У кунда оқлов фойда бермас, магар Раҳмон изн берган ва сўзидан У зот рози бўлган кишигагина (фойда берур).

110. У зот уларнинг олдиларидағи (яъни охиратдаги) ва ортларидағи (яъни дунёдаги) бор нарсани билур. Улар эса У зотни била олмаслар.

111. Юзлар ҳам Тирик ва абадий Турувчи (У) зотга таъзим қилур. Ким зулмни (ширкни) кўтариб келган бўлса ноумид бўлиши аниқдир» (Тоҳа: 108-111).

Осмон ёрилиб, биринчи осмон аҳли бўлган фаришталар ердаги инсу жиннинг (икки) баробарича сонда тушиб келадилар.

Аллоҳ таоло айтади: «**Булутли осмон ёрилиб, фаришталар туширилган (қиёмат) кунини (эсланг)!**» (Фурқон: 25).

Ибн Аббос розияллоҳу анхұмо айтадилар: Биринчи осмон аҳли бўлган фаришталар ердаги инсу жиннинг (икки) баробарича сонда тушиб келади, сўнгра малоикалар маҳшаргоҳдаги халойиқларни ўраб оладилар. Халойиқлар малоикаларни кўрган вақтларида улардан: «Орангизда Парвардигоримиз борми?», деб сўрайдилар. Фаришталар: «Йўқ, У энди келади», дейишади.

Аллоҳ таоло айтади:

«Улар (ҳақ йўлни инкор этувчилар Қиёмат Кунид) боқмайдилар, магар уларга булутдан бўлган соябон остида Аллоҳ ва фаришталар (ҳисоб-китоб учун) келади-да, иш тамом бўлади (яъни улар куфрлари сабабли дўзахга ҳукм қилинурлар). Ва барча ишлар ёлғиз Аллоҳга қайтарилажак» (Бақара: 210).

Аллоҳ таоло айтади:

«22. Парвардигорингиз ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда. 23. (Кофирилар кўришлари учун) ўша Кунда жаҳаннамни ҳам (яқин) келтириб қўйилганда — ана ўша Кунда инсон (бу кўрганларидан) эслатма-ибрат олур! (Аммо у Кунда) бу эслатма-ибрат(нинг фойдаси) қаёқдан тегсин?! 24. У: «Эҳ, кошки эди мен ҳаёт вақтимда (яхши амаллар) қилиб ўтган бўлсам», деб қолур! 25. У Кундаги (Аллоҳнинг) азоби каби ҳеч ким азоблай олмас! 26. Ва У зотнинг (кишан ва занжирлар билан) боғлаши каби ҳеч ким боғлай олмас!» (Вал-фажр: 22-26).

Ўзинг нажот бергайсан эй раҳмиларнинг раҳмлироғи!! Аллоҳумма саллим, саллим!!

Аллоҳ жалла ва ало Ўзининг улуғлиги ва буюклигига мос келувчи тушиш билан тушиб келади.

Бу ҳақда кўнглингизга келган ҳар қандай қўриниш ва тасаввурларни тарқ қилинг, Аллоҳ таоло унинг хилофича бўлади. **«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У эшитувчи ва кўриб турувчиdir»** (Шуро: 11).

Тушиш сифати, юриш сифати, келиш сифати, ғазаб сифати ва шу каби Аллоҳ таолонинг барча сифатларини Унинг Ўзи ёки Пайғамбари

қандай айтган бўлсалар, шундай исбот қиласиз (яъни тасдиқлаймиз), таҳриф, ташбих, такийф, таътил, тамсил қилмаймиз.

Мисол учун, Аллоҳ таоло: «**У Ўз аршига ўрнашган Раҳмондир**» (Тоҳа: 5), деган.

Уламоларимиз айтадилар: Аллоҳ Ўзи хабар берганидек ва Ўзи хоҳлаган кўринишида ва Ўзи айтган маънода, биз билган маънодаги тушиш ва қўчишдан пок ҳолда ўрнашгандир.

(Шеър мазмуни)

«Арш Уни кўтарувчи эмасдир, курсий Унга суюнчиқ ҳам эмасдир.

Аксинча, арш ва уни кўтарувчилар ҳам, курсий ва унинг улуғворлиги ҳам, барча-барчаси Унинг қудрати лутфи билан кўтарилиган, Унинг қабзаси билан мақхур (бўйсундирилган)».

Истиво (кўтарилиш, ўрнашиш) маълум, кайфияти мажхул, унга иймон келтириш вожиб, у ҳақда савол қилиш бидъатдир.

Кимда-ким Аллоҳнинг зоти қандайлигини биламан деб даъво қилса, унинг даъвоси пуч бўлиб қолаверади. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «**Улар эса У зотни била олмаслар**» (Тоҳа: 110).

Жалла жалолуҳ.. Тенги йўқ, ўхشاши йўқ, мисли йўқ, баробари йўқ.

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «**У — Аллоҳ Бирдир. Аллоҳ** (барча ҳожатлар билан) **кўзланувчидир** (яъни барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). **У туғмаган ва туғилмагандир** (яъни Аллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У Аввал ва Охир зотдир). **Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир**» (Ихлос: 1-4).

«**Бас, Аллоҳнинг ўхшашини қидирманглар!** (У зотнинг мисли — ўхшаши йўқдир)» (Нахъ: 74).

«**Улар** (ҳақ йўлни инкор этувчилар Қиёмат Кунида) **боқмайдилар, магар уларга булатдан бўлган соябон остида Аллоҳ ва фаришталар** (ҳисоб-китоб учун) **келади-да, иш тамом бўлади** (яъни улар куфрлари сабабли дўзахга ҳукм қилинурлар). **Ва барча ишлар ёлғиз Аллоҳга қайтариларажак**» (Бақара: 210).

Кейин иккинчи осмон аҳли бўлган фаришталар ердаги биринчи осмон фаришталари ва инсу жиннинг (икки) баробарича сонда тушиб келади,

сўнг иккинчи осмон аҳли бўлган малоикалар маҳшаргоҳдаги инсу жин ва фаришталардан иборат халойиқларни ўраб оладилар.

Кейин эса учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи осмон аҳли бўлган фаришталар худи шу тартибда тушиб келишади.

Кейин Буюк Подшоҳ жалла ва алонинг аршини кўтарувчи фаришталар аршини олиб тушадилар, улар Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога тасбеҳ айтиб: «Субҳана зил-мулки вал-малакут.. Субҳана зил-иззати вал-жабарут.. Субҳана ман катабал-мавта алал-холааиқи ва ла ямуут.. Суббуҳун Қуддусун Роббул-малааикати вар-руҳ.. (Мулк ва подшоҳлик эгаси бўлган Зотни поклаймиз. Иззат ва қудрат эгаси бўлган Зотни поклаймиз. Барча халойиқларга ўлимни битган, Ўзи эса абадий барҳаёт Зотни поклаймиз. У Покдир, Муқаддасдир. Малоикалар ва Рух (Жибрил)нинг Раббидир)», дейишади.

Аллоҳ таоло айтади:

«13. Бас, қачон сур бир бор чалинганида. 14. Ва Еру тоғлар (ўз жойларидан) кўтарилиб, (бир-бирларига) бир бор урилиб (чилпарчин бўлганида). 15. Ана ўша Кунда воқеа воқеъ бўлур! (Яъни Қиёмат қойим бўлур!) 16. Ва осмон ёрилур! Чунки (осмон) у Кунда заиф бўлиб қолур! 17. Ва фаришталар (осмоннинг) чор-атрофига (Аллоҳнинг амрига муентазир бўлиб) турурлар. Уларнинг устида Парвардигорингизнинг аршини у Кунда саккиз (фаришта) кўтариб турур. 18. Ўша Кунда сизлар (ҳисоб-китоб учун Аллоҳга) кўндаланг қилинурсизлар — сизларнинг бирон сирингиз махфий қолмас» (Ал-Ҳааққо: 13-19).

Аллоҳ жалла жалолуҳу Ўз курсийсини Ўзи истаган ерига қўяди ва айтади: «Эй инсу жинлар жамоати! Сизларни яратганимдан бери Мен сизларга жим қулоқ солдим, сўзларингизни эшитиб, ишларингизни кўриб-кузатиб келдим. Бугун энди Менга қулоқ солинглар! Мана, сизларнинг амалларингиз. Саҳифаларингиз сизларга ўқиб берилади. Ким яхшиликни топса, Аллоҳга ҳамд айтсин. Ким бошқача топса, фақат ўзини айбласин!».

Кейин Аллоҳ жалла ва ало айтади:

«60-61. Мен сизларга «Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қилмангиз, чунки у сизларга очиқ душмандир. Менгагина ибодат қилинглар! Мана шу Түғри йўлдир», деб буюрмаганмидим?!

62. Аниқки (шайтон) сизларнинг ичингиздан кўп авлодни йўлдан оздириди. Ахир ақл юритувчи бўлмадингизларми?!

63. Сизларга ваъда қилинган жаҳаннам мана шудир!

64. Сизлар (ҳаёти дунёда) кофир бўлиб ўтганларингиз сабабли мана бу Кунда (жаҳаннамга) киringиз!

65. Бу кун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз. Ва Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида — уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур» (Ясин: 60-65).

Биласизларми, Аллоҳ таоло бандалари ичидан биринчи бўлиб ким билан сўзлашади?

Сұхбатимизнинг иккинчи моддасида шу ҳақда сўз боради.

(Давоми)

Иккинчи: Қиёмат куни Аллоҳ таоло биринчи бўлиб гаплашадиган киши

Бутун халойиқлар ана шундай ғоят оғир ҳолатда турганларида Аллоҳ таоло биринчи бўлиб Одам алайҳиссаломга хитоб қиласди. «Саҳиҳайн»да Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Аллоҳ қиёмат куни: «Эй Одам!», деб хитоб қиласди. Одам алайҳиссалом: «Лаббайка ва саъдайк, ҳамма яхшиликлар Сенинг қўлингда эй Парвардигор!», деб жавоб беради. Аллоҳ азза ва жалла: «Дўзахга юборилувчиларни чиқар!», дейди. Одам алайҳиссалом: «Кимлар у дўзахга юборилувчилар?», деб сўрайди. «Ҳар минг кишидан тўқиз юз тўқсон тўқизтаси жаҳаннамга, биттаси жаннатга!», дейди Аллоҳ таоло». Бу эса гўдаклар (ғамнинг зўридан) кексайиб қоладиган кунда бўлади. Уни қўрар кунингизда эмизаётган (оналар) эмизиб турган (боласини) унтар ва барча ҳомиладор (аёллар) ўз ҳомиласини ташлаб юборар, одамларни маст-аласт ҳолда кўурсиз, ҳолбуки улар ўzlари маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир».

Бу гап Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларини жуда қийин аҳволга солиб қўйди.

Бир ривоятда: «Қавм бутунлай умидсизликка тушиб, кулгуни эсдан чиқариб қўйди».

Бир ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари йиғлаб: «Ё Расулуллоҳ! Қайси биримиз ўша бир киши?», деб сўрадилар.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавоб бердилар: **«Хурсанд бўлингиз! Хурсанд бўлингиз! Тўққиз юз тўқсон тўққизтаси Яъжуж ва Маъжуждан, бир киши эса сизлардан».**

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, мен умид қиласманки, сизлар жаннат аҳлининг тўртдан бири бўласизлар»**. Биз шунда такбир айтиб юбордик.

Кейин дедилар: **«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, мен умид қиласманки, сизлар жаннат аҳлининг учдан бири бўласизлар»**. Биз яна такбир айтиб юбордик.

Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аллоҳга қасамки, мен умид қиласманки, сизлар жаннат аҳлининг ярми бўласизлар. Сизларнинг бошқа умматлар ичидаги мисолингиз худди қора ҳўқиз терисидаги оппоқ тук ёки эшакнинг оёғидаги (тиззасидаги) қадоқ мисолидир»** (Бухорий: №6530, Муслим: №222).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларига хитоб қилиб деди: **«Сизлар одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдингиз»**. Эй Аллоҳ! Эй бизларни тавҳид аҳлидан ва пайғамбарлар саййиди умматидан қилиб яратган Зот! Сенга беҳад ҳамду санолар бўлсин.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Шундан сўнг Парвардигор таборака ва таоло: «Эй Нуҳ!, деб хитоб қиласади. У: «Лаббай, амрингга ҳозирман, эй Парвардигор», дейди. «(Менинг рисолатимни) етказдингми?», деб сўрайди. У: «Ҳа», деб жавоб беради. Унинг умматидан: «Сизларга етказганми?», деб сўралади. Улар: «Бизга ҳеч қандай огоҳлантирувчи (пайғамбар) келган эмас», дейишади. «Сенга ким гувоҳ бўлади, эй Нуҳ?», деб

сўрайди Аллоҳ таоло. «Мұхаммад ва у кишининг умматлари», деб жавоб беради Нуҳ. Шунда улар унинг етказган эканига гувоҳлик берадилар, пайғамбар эса сизлар устингизда гувоҳ бўлади. Бу Аллоҳ таолонинг: «Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир уммат қилдик» (Бақара: 143), деган ояти маъносидир». Сўнг: «Ўрта – адолатдир», дедилар. (Саҳиҳул-жомиъ: №8034, Бухорий: №4487, Аҳмад, Термизий, Насойи, Ибн Можа).

Ибн Можа ривоятида: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Аллоҳ менинг умматимдан: «Нуҳ — қавмига етказганини сизларга ким хабар берди?», деб сўрайди. Шунда уммат: «Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга барча пайғамбарлар ўз қавмларига етказгандарини хабар берганлар, биз у зотни тасдиқлаганмиз», дейдилар» (Шайх Албоний санадини сахиҳ санаган).

Сўнгра Ийсо алайҳиссаломни чақирилиб, унга: «Эй Ийсо ибн Марям, одамларга: «Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни худо қилиб олинглар», деб сен айтдингми?», дейилади (Моида: 116).

Нима учун Аллоҳ таоло бу саволга пайғамбарлари орасидан Ийсони хослади?!

Чунки, қайси бир пайғамбар қавмига юборилган бўлса, қавмидан айримлар унга иймон келтиришган, айримлар инкор қилишган. Фақат Ийсо алайҳиссаломнинг қавми ундан қилимади. Балки, улардан баъзилари Ийсони Аллоҳ деб даъво қилишди. Баъзилари эса Ийсони Аллоҳнинг ўғли дейишди. Яна баъзилари эса Аллоҳни қўйиб, Ийсо ва унинг онасини худо қилиб олишди.

Хўш, худо ҳам ейдими, ичадими?! Худо ҳам оила қурадими?! Худо ҳам қазои ҳожатини ўтайдими?! Ибнул Қаййимни Аллоҳ раҳмат қилсин, нақадар гўзал сўзларни айтганлар:

Шеър (мазмуни):

Эй Масиҳга сифинувчилар, сизга бир саволимиз бор,

Унинг жавобини сиздан кутамиз.

Агар илоҳ бир қавмнинг қўли билан ўлса

Уни илоҳ деб аташ мумкинми?!

Қизиқ, қабр худони ўз бағрига олса?!!

Ундан ҳам қизиқроғи, она қорни уни күтарса!!

У ерда түққиз ойни ўтказса,

Зулматлар ичра ҳайз қонидан озиқланса?!!

Заиф ва noctor гўдак ҳолида дунёга келса,

Очликдан чинқириб, кўкракка талпинса?!!

Еса, ичса, кейин ҳожат танг қилса?!!

Илоҳ шундай бўладими?!!

Насронийларнинг бўхтонидан Аллоҳ покдир!!

Эртага улар бу қилмишларига жавоб бергайлар!!

Аллоҳ таоло айтади:

«**Эсланг** (эй Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам), **Аллоҳ**: «Эй Ийсо ибн Марям, одамларга: «Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни худо қилиб олинглар», деб сен айтдингми?» — деганида, (Ийсо) айтди: «Эй пок парвардигор, ҳаққим бўлмаган нарсани айтиш мен учун дуруст эмас-ку. Агар айтган бўлганимда Сен албатта билар эдинг. Зотан Сен дилимдаги бор нарсани билурсан. Аммо мен Сенинг дилингдаги ҳеч нарсани билмасман. Фақат Сен Ўзинг ғайб илмларининг билимдонисан. Мен уларга фақат Ўзинг амр қилган гапнигина айтдим: «Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳга ибодат қилингиз!» Ва ораларида бўлган муддатимда уларнинг устида гувоҳ бўлиб турдим. Мени (нг ердаги) муддатимни туганганингдан (ва Ўз ҳузурингга мени тириклайн кўтарганингдан) кейин эса Сен Ўзинг уларнинг устида кузатувчи бўлдинг. Сен Ўзинг ҳамма нарсага гувоҳдирсан. Агар уларни азобласанг, улар Сенинг бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат эгасидирсан». Аллоҳ айтди: «Бу кун (яъни Қиёмат Куни) ҳаққи-рост иймон келтирганларга рост сўзлари фойда берадиган. Кундир». Улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Улар унда абадий қолажаклар. Улардан Аллоҳ рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Бу эса улуғ баҳтдир» (Моида: 116-119).

Кейин барча пайғамбарларни чорланади.

Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳ пайғамбарларини тўплаб: «Сизларга** (яъни, қилган даъватингизга умматларингиз томонидан) қандай жавоб бўлди?» — деб сўрайдиган кунида, улар: «Биз билмаймиз. Фақат Сенинг Ўзинггина ғайб илмларининг билимдонисан», дейдилар» (Моида: 109).

Аллоҳ таоло айтади: «**Энди албатта пайғамбар юборилган** кишилар билан ҳам, юборилган пайғамбарлар билан ҳам савол-жавоб қилурмиз» (Аъроф: 6).

Эй яхшилар! Расуллар, набийлар, шаҳидлар сўроққа тутилганда сиз билан биз сўралмай қоламизми?!

Аллоҳ таоло айтади:

«68. Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолдилар). **Сўнgra у иккинчи бор** чалинди-да, баногоҳ улар (яъни барча халойиқ қайта тирилди, қабрларидан) турраб, (Аллоҳнинг амрига) кўз тутарлар.

69. Ер (яъни маҳшаргоҳ) Парвардигорининг нури билан ёришди; китоб – номаи аъмол (ҳисоб-китоб қилиш учун ҳозирлаб) қўйилди; пайғамбарлар ва гувоҳлар келтирилди ва уларнинг (яъни барча бандаларнинг) ўрталарида (биронталарига) зулм қилинмаган ҳолда ҳақ (хукм) билан ҳукм қилинди.

70. Ва ҳар бир жонга қилган амали(нинг мукофот ёки жазоси) комил қилиб берилди, (Аллоҳ) уларнинг қиласар ишларини жуда яхши билур» (Зумар: 68-70).

Шундан сўнг Аллоҳ жалла ва алога рўбарў бўлиш ва амалларнинг ҳисоб-китоби бошланади.

Суҳбатимиз давоми шу мавзуда давом этади.

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар, деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотни энг яхши мукофотлар билан мукофотлагин.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўллариға йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Учинчи: Аллоҳ жалла ва алога рўбарў қилиниш ва китобларнинг берилиши

Севикли биродарларим!

Шундан сўнг ҳисоб бошланади. Ҳисобнинг бир неча босқичи бордир. У энг аввал, Одил Подшоҳ ҳузурида туриш ва У зотга рўбарў бўлиш билан бошланади.

Тасаввур қилинг, маҳшаргоҳда, Аллоҳ жалла ва ало ҳузурида, қилган барча ишларингизга ҳисоб бериш учун турибсиз! Атрофингизда малоикалар, бутун маҳшар аҳли йиғилган.. Пайғамбарлар, малоикалар, жинлар.. Ҳамма жимжит!! Ҳамма қўрқувда!! Мангу Барҳаёт ва абадий Турувчи Зотнинг улуғворлиги ва ҳайбати ҳамма ёқни эгаллаб олган!!

Тўсатдан овоз эшитилади:

- Фалончи ўғли Фалончи қаерда?!
- Мееен?! Бу менинг исмим-ку.. Нима истайсиз, эй малоикалар?
- Аллоҳ азза ва жаллага рўбарў қилиниш учун яқин кел!!

Маҳшаргоҳ ичра, барча халойиқлар қўзида сизни олиб кетиш учун вакил қилинган малоикалар ортидан юриб борасиз. Чақирувдан юрагингиз ёрилишга яқин бўлган, қўрқувдан юзингиз сарғайиб кетган, бутун вужудингиз қалтирайди.. Ўзингизни Аллоҳ жалла жалолуҳу олдида қўрасиз, У зот сиз билан ўртада таржимонсиз сўзлашади.

«Саҳиҳайн»да Адий ибн Хотим розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Сизлардан ҳар бирингиз билан Парвардигори қиёмат кунида ўртада таржимон бўлмаган ҳолда гаплашади. У (банда) ўнг томонига қараб, фақат ўзи қилиб ўтган ишларни кўради, чап томонига қараб ҳам, фақат ўзи қилиб ўтган ишларни кўради, олди томонига қараб, рўпарасида дўзахдан бошқа нарсани кўрмайди. Бас, шундай экан, яримта хурмо билан бўлса-да дўзахдан сақланингиз!» (Бухорий (№7512), Муслим (№1016) ривоятлари).

Яъни, Аллоҳ йўлида яримта хурмо садақа қилиб бўлса-да, Аллоҳнинг азобидан қутулингиз.

Аллоҳ таборака ва таоло амаллар саҳифаларини беришга амр этади, ҳар бир инсон номаи аъмолини қўлга олади.

Ушбу саҳифада сиз ҳамманинг кўзидан яшириб қилган тирноқча амалингиз-да қолдирилмай битилган бўлади!!

Эсингиздан чиқиб кетган қанча-қанча гуноҳларингизни Аллоҳ таоло эслатиб қўяди!!

Қанча-қанча яшириб ўтган қилмишларингизни Аллоҳ таоло очиб юборади!!

Дунёдалик пайтимида Парвардигоримиз тоатида сустлик қилганимизга қаттиқ ҳасрат-надоматлар қиласиз у куни!!

Парвардигор азза ва жаллага қулоқ солинг, У айтади:

«47. Биз тоғларни (булутлар янглиғ) юргизадиган ва сиз (барчангиз) Ерни очиқ-яланғоч (тоғ-тошларсиз, боғ-роғларсиз) кўрадиган Кунни (яъни, Қиёматни эслангиз)! (У Кунда) Биз улардан биронтасини қўймай ийғидик.

48. Улар саф тортган ҳолларида Парвардигорингизга рўбарў қилиндилар (ва Биз уларга айтдик): «Мана, сизларни аввал-бошда қандай яратган бўлсак, шундай ҳолда (яъни, мол-дунё, болачақаларингизни тарқ қилиб, яланғоч ҳолингизда) ҳузуримизга келдингиз. Балки Бизни, сизларга ваъда қилинган Кунни (яъни, Қиёматни қоим) қила олмас, деб ўйлагандирсизлар?!»

49. (Сўнг ҳар бир кишининг) номаи аъмоли ўртага қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг унда (битилган) нарсалардан даҳшатга тушиб: «Бизларга ҳалокат бўлғай, бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб-битиб қўйибди», дейишларини кўрурсиз. Улар қилиб ўтган барча амалларини ҳозири нозир ҳолда топурлар. Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас» (Каҳф: 47-49).

Эй мусулмон!

*Тасаввур қил, ҳисоб кун маҳшаргоҳ ичра,
Туришингни даҳшатдан вужудинг титраб..*

*Жаҳаннам ғазабла ўқирад, ўрлар,
Гуноҳкор бандани бағрига чорлар.*

*Арш соҳиби қахру ғазаб ила дер:
«Эй банда, номангни ўқи бирма-бир!*

*Кўргинчи, бормикан унда лоақал,
Сен қилиб ўтмаган биргина амал?!»*

*Номанг ўқиб, бўлганингда барига иқрор,
Дўзах посбонларига амр этур Жаббор:*

*«Эй фаришталарим, ушлангиз уни,
Дўзахнинг қаърига ташлангиз уни!».*

*Мушриклар эртага дўзахда ёнарлар,
Мўминлар абадий жаннатда қоларлар.*

Шу нуқтада, яъни Аллоҳ азза ва жаллага арз – рўбарў қилиниш кўриниши устида бугунги сұхбатимизни якунлаймиз. Аллоҳ муваффақ қилса, келгуси сұхбатимизда қуйидаги мавзуларда сўзимизни давом эттирамиз:

Арз қандай шаклда бўлади? Ҳисоб қандай амалга оширилади? Аллоҳ таоло қиёмат куни мўмин бандани қандай ҳисоб қилади? Мўмин ўз китобини қандай ўқииди? Аввал яхши амаллар кўринадими, ёмон амалларми? Аллоҳ мўмин бандага нима дейди? Аллоҳ кофир бандани қандай ҳисоб қилади? Кофир ўз китобини қандай ўқииди?

Улуғ арш соҳиби бўлган Буюк Аллоҳдан оқибатларимизни чиройли қилишини сўрайман. У бунга қодирдир.

2011 йил 23-сентябр

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

يوم الحساب

Охирадат ҳовлиси силсиласи

Шайх Мухаммад Ҳассон

Ҳисоб куни

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар!
(Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират

қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбариға итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

«Охират ҳовлиси» силсиласидан бугунги суҳбатимиз ўн учинчи суҳбат бўлади. Бундан аввалги суҳбатимизда Аллоҳ жалла жалолуҳунинг Ўзининг камоли ва жалолига мос ва муносиб суратда маҳшаргоҳга келган пайтидаги ҳолат устида тўхтаган эдик. Аллоҳ таоло айтганидек: «**Улар (ҳақ йўлни инкор этувчилар Қиёмат Кунида) боқмайдилар, магар уларга булатдан бўлган соябон остида Аллоҳ ва фаришталар (ҳисоб-китоб учун) келади-да, иш тамом бўлади** (яъни улар куфрлари сабабли дўзахга ҳукм қилинурлар). **Ва барча ишлар ёлғиз Аллоҳга қайтарилажак**» (Бақара: 210).

Шундан сўнг бандаларнинг ҳисоб-китоби бошланади. Сизлар билан бугунги суҳбатимиз айни шу мавзуда давом этади. Вақтдан унумли фойдаланиш учун одатдагидек, суҳбатимизни бир неча моддаларга бўлиб оламиз.

Биринчи: Бугун зулм йўқдир.

Иккинчи: Аллоҳга рўбарў бўлиш ва номаи аъмолни қабул қилиб олиш.

Учинчи: Ҳисоб қилинмасдан туриб ўзингизни ҳисоб қилинг.

Суҳбатимизга дикқат-эътибор қаратасиз деб умид қиласман. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан сизу бизни ер юзида ҳам, ер остида ҳам, ҳисоб кунида ҳам Ўз карами билан ўрашини сўрайман. Албатта, У Ҳалим, Мехрибон ва Раҳмли зотdir.

Биринчи: Бугун зулм йўқдир

Севикли биродарларим! Қасамки, агар Аллоҳ таоло бутун осмон аҳлини ва бутун ер аҳлини азобласа, уларга асло зулм қилган бўлмас эди. Чунки, улар Унинг Ўз мулкидаги қуллариридир. Мулк эгаси ўз мулкида ўзи истаганича тасарруф қилишга ҳақлидир. Лекин, У субҳанаҳу ва таоло Ўзининг раҳмати, карами ва бандаларига меҳр-шафқати туфайли Ўзига зулмни ҳаром қилди, бандалари орасида ҳам зулмни ҳаром қилди.

Аллоҳ таоло айтади: **Шубҳасиз, Аллоҳ зарра мисқолича ҳам зулм қилмас**» (Нисо: 40).

Аллоҳ таоло айтади: «**Парвардигорингиз бандаларига зулм қилувчи эмасдир**» (Фуссилат: 46).

Аллоҳ таоло айтади: «**Ҳолбуки, Аллоҳ ўз бандаларига зулм қилишини истамас**» (Ғофир: 31).

Имом Муслим Абу Зар ал-Гифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси құдсийда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигорларидан ҳикоя қилиб айтганлар: «**Аллоҳ таоло деди: Эй бандаларим, Мен зулмни Ўзимга ҳаром қилдим. уни сизларнинг ўртангизда ҳам ҳаром этдим. Бас, бир-бирларингизга зулм қилмангиз**» (Муслим: №2577, Термизий: №2497).

Аллоҳ жалла ва ало одилдир, олийжанобдир, карамлидир, меҳрибондир, халқларидан биронтасига ҳам зулм қилмайди, бандаларидан бирон кишига ҳам зулм қилмайди. Шунинг учун Аллоҳ жалла ва ало қиёмат куни бандаларини қуидаги қоидалар асосида ҳисоб-китоб қиласи:

Биринчи қоида: Ҳеч қандай зулм арапашмаган тўла адолат.

Аллоҳ таоло айтади: «**Биз қиёмат куни учун адолатли тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшанида келтиурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилувчиидирмиз**» (Анбиё: 47).

Шуни яхши билингки, охиратда сиз бу дунёда бўладиган маҳкамаларга ўхшаган маҳкамага тортилмайсиз. Бу дунё маҳкамаларида судлашувчилар ёлғонлар ва сохта гувоҳлар ёрдамида ҳукмни ўз фойдаларига чиқариб олишлари мумкин. Бироқ, билингки, қиёмат кунида

сизнинг маҳкамангизни Аллоҳ таолонинг шахсан Ўзи олиб боради. У шундай зотки: «**Кўзларнинг хиёнатини** (яъни қараш ҳаром қилинган нарсага ўғринча кўз ташлашни) **ҳам, диллар яширадиган нарсаларни ҳам билур.** Аллоҳ ҳақ (ҳукм) билан ҳукм қилур. Улар (Аллоҳни), қўйиб дуо-илтижо қилаётган бутлари эса бирон нарсага ҳукм чиқара олмаслар. Албатта Аллоҳнинг Ўзигина эшитувчи ва кўриб турувчи зотdir» (Фофир: 19-20).

Аллоҳ таоло айтади:

«47. Биз тоғларни (булутлар янглиғ) **юргизадиган ва сиз** (барчангиз) **Ерни очик-яланғоч** (тоғ-тошларсиз, боғ-роғларсиз) **кўрадиган Кунни** (яъни, Қиёматни эслангиз)! (У Кунда) **Биз улардан биронтасини қўймай йиғдик.**

48. Улар саф тортган ҳолларида Парвардигорингизга рўбарў қилиндилар (ва Биз уларга айтдик): «**Мана, сизларни аввал-бошда қандай яратган бўлсак, шундай ҳолда** (яъни, мол-дунё, болачақаларингизни тарқ қилиб, яланғоч ҳолингизда) **ҳузуримизга келдингиз.** **Балки Бизни, сизларга ваъда қилинган Кунни** (яъни, Қиёматни пайдо) **қила олмас, деб ўйлагандирсизлар?!**»

49. (Сўнг ҳар бир кишининг) номаи аъмоли ўртага қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг унда (битилган) нарсалардан даҳшатга тушиб: «**Бизларга ҳалокат бўлғай, бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта** (гуноҳни) **қолдирмай,** барчасини ҳисоблаб-битиб **қўйибди**», дейишларини кўурсиз. Улар қилиб ўтган барча амалларини ҳозиру нозир ҳолда топурлар. Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас» (Каҳф: 47-49).

Аллоҳ таоло айтади:

«Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) **зарра мисқоличалик яхшилик қилса** (Қиёмат Кунидаги) **ўшани кўрур.** **Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!»** (Залзала: 7-8).

Хуллас, одамзотнинг барча амали Аллоҳ жалла ва алонинг ҳузуридаги китобга ёзиб, сақлаб қўйилгандир, Раббим асло адашмайди ва унутмайди. Шуни яхши билингки, инсон унутиб юборади, бироқ Аллоҳ таоло унутмайди!

*Ғүрлик даврингда ўтган
Ишларингни қўй энди,
Гуноҳларингни эслаб,
Кўзингдан ёш қўй энди.*

*Гарчи сен эдинг ғофил,
Икки фаришта огоҳ,
Сен маъсиятга машғул,
Улар ёзишига, эвоҳ!*

*Бу жон сенга берилган
Омонатдир билсанг гар.
Эгасига у бир кун
Албатта қайтарилар.*

*Сен алданиб, ортидан
Елиб-югурган дунё
Ҳовлидир бир ўткинчи,
Алдамчи мисли рӯё.*

*Билки, кечаю кундуз
Олганинг ҳар бир нафас
Ҳисоблидир барчаси,
Кетмагай беиз, абас.*

Ҳа, Аллоҳ таоло айтганидек: «Шубҳасиз, Аллоҳ зарра мисқолича ҳам зулм қилмас» (Нисо: 40).

Иккинчи қоида: Бирор бирорнинг юкини (яъни гуноҳини) кўтармас.

Аллоҳ таоло айтади:

«13. Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйгандирмиз (яъни, унинг қилган ҳар бир амали икки дунёда унга ажralmas ҳамроҳ

бўлур). Биз Қиёмат куни унга очик ҳолда рўбарў бўладиган бир китобни (яъни, номаи аъмолини) чиқариб кўрсатурмиз.

14. (Ва унга дейилур:) «Номаи аъмолингни ўқи! Бугун ўз нафсинг ўзингга қарши етарли ҳисобчидир».

15. Ким ҳидоят йўлига юрса, бас, ўзи учун юрар. Ким (ҳидоят) йўлидан озса, у ҳам ўз зиёнига озур. Ҳеч бир кўтарувчи (яъни, гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юкини (яъни, гуноҳини) кўтармас. Биз то бирон пайғамбар юбормагунча (у орқали Ўзимизнинг амру фармонларимизни юбориб, унга итоат қилишдан бош тортмагунларича, бирон кимсани) **азобловчи эмасмиз**» (Исро: 13-15).

Аллоҳ таоло айтади:

«**36-37. Ёки унга Мусонинг ва (ахдига) вафодор зот бўлган Иброҳимнинг саҳифаларидағи сўзлар хабари берилмаганмиди?!** — **38.— Ҳеч бир кўтарувчи** (яъни гуноҳкор жон) **ўзга жоннинг юкини** (яъни гуноҳини) **кўтармас.** **39. Инсон учун фақат ўзи қилган ҳаракатигина бўлур** (яъни унга ўзининг ҳаракати билан қилган яхши амалларининг савоби ҳосил бўлур). **40. Унинг қилган саъй-ҳаракати эса яқинда** (Қиёмат Кунидаги) **кўринур.** **41. Сўнгра у** (ўша саъй-ҳаракати учун) **тўла-тўкис жазо-мукофот олур»** (Ан-нажм: 36-41).

Ҳеч бир киши бошқа бирорнинг гуноҳини кўтармайди. Балки, қиёмат куни фарзанд отасининг олдидан ўтади, шунда отаси унга: «Эй болам! Мен сенинг отангман, мен сенга жуда яхши оталик қилган эдим, энди бугун ҳасанот (савоблар)ингдан бирозгина бергин», деса, бола отасига ҳам, онасига ҳам: «Ўзим савобга муҳтожман!», деб жавоб беради.

Тўғрида, ахир... У куни ҳатто пайғамбарлар ҳам: «Жоним, жоним», яъни жонимни қутқаришга муҳтожман, деб қолади!

Учинчи қоида: Аллоҳ бандаларига узр қолдирмаслиги.

Шубҳасиз, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Одам алайҳиссаломдан тортиб қиёматгача яшаб ўтган ҳар бир инсоннинг қилган барча амалини билади. Шундай бўлса-да, У хузурида бирон кишининг бирон узри қолиб кетмаслиги учун Ўзининг буюк адолати, фазли ва марҳаматидан келиб чиқиб, қиёмат куни бандаларига ўзларининг амалларини бирма-бир кўрсатади.

Аллоҳ таоло айтади: «Ҳар бир жон ўз қилган яхши амалларини ҳозири нозир ҳолда кўрадиган, ёмон амалларининг эса олислисларда қолиб кетишини истайдиган КУНни (эсланглар)! Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур. Аллоҳ бандаларига меҳрибондир» (Оли Имрон: 30).

Аллоҳ таоло айтади: «(Ана ўша Кунда ҳар бир) **жон ўзи** (мана шу Кун учун) ҳозирлаб **келган нарсани** (яъни барча яхши-ёмон амалларини) **билиур!**» (Таквир: 14).

«(Ана ўша Кунда ҳар бир) **жон ўзи** (ҳаёти дунёдалик чоғида) **қилиб ўтган ва** (ўзидан кейин) **қолдирган** (барча) **нарсаларни** (яъни яхши-ёмон амалларини) **билиур!**» (Инфитор: 5).

Тўртинчи қоида: Қиёмат куни бандаларга гувоҳлар келтирилиши.

Қиёмат куни бандаларга қарши энг катта гувоҳ – ошкору маҳфий ҳамма нарсани билувчи, бўлиб ўтган ва энди бўладиган нарсалардан ҳам хабардор Буюк Подшоҳнинг Ўзи бўлади.

Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага гувоҳ бўлган зотдир**» (Нисо: 33).

Кейин пайғамбарлар келиб, барча умматларга (Аллоҳнинг аҳкомлари етказилганига) гувоҳлик берадилар. Ҳар бир пайғамбар ўз умматига гувоҳ бўлади. Кейин Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматлари келиб, ўтган барча умматлар устидан гувоҳлик берадилар. Охирида эса аввалгилару охиргиларнинг энг яхшиси бўлган зот барча-барча устидан гувоҳлик берадилар.

Аллоҳу акбар!! Аллоҳу акбар!!

Аллоҳ таоло айтади: «**Шунингдек** (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), **сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта** (адолатли) **бир миллат қилдик**» (Бақара: 143).

Аллоҳ таоло Ўз Расулига хитобан айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **биз ҳар бир умматдан** (ӯша умматнинг пайғамбарини) **гувоҳ келтирганимизда ва Сизни ана уларга қарши гувоҳ қилганимизда уларнинг ҳоли не кечур?!**» (Нисо: 41).

«Саҳиҳул Бухорий»да Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Қиёмат куни Нуҳни чақирилади. «Эй Нуҳ!», дейилади унга. У: «Лаббай, амрингга ҳозирман, эй Парвардигор», дейди. Шунда Аллоҳ: «Қавмингга (Менинг рисолатимни) етказдингми?», деб сўрайди. У: «Ҳа, эй Роббим», деб жавоб беради. Шундан сўнг унинг умматини чақирилиб: «Нуҳ сизларга етказганми?», деб сўралади. Улар: «Йўқ, бизга ҳеч қандай огоҳлантирувчи (пайғамбар) келган эмас», дейишади. «Сенга ким гувоҳ бўлади, эй Нуҳ?», деб сўрайди Аллоҳ таоло. «Муҳаммад ва у кишининг умматлари», деб жавоб беради Нуҳ. Шундан сўнг сизлар чақириласиз ва унга гувоҳлик берасизлар, сўнgra мен сизлар устингизда гувоҳлик бераман. Бу Аллоҳ таолонинг: «Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик» (Бақара: 143), деган ояти маъносидир». (Бухорий: №4487, Термизий: №2965).

Сўнgra малоикалар гувоҳлик берадилар. Аллоҳ таоло айтади: «**Ва ҳар бир жон ўзи билан бирга** (уни маҳшаргоҳга) **ҳайдовчи** (бир фаришта) **ва** (унинг қилиб ўтган амалларига) **гувоҳлик берувчи** (бир фаришта) **бўлган ҳолда келди**» (Қоф: 21).

Шундан сўнг Ер унинг юзида қилинган яхши ва ёмон амалларга гувоҳлик беради. Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни Аллоҳ таолонинг: «**Ана ўша Кунда Ер Парвардигорингиз унга ваҳий қил(иб, сўзлашга буюр)гани сабабли ўз хабарларини сўзлар!**» (Залзала: 4) оятини ўқидилар ва: «**Биласизларми, унинг хабарлари нима?**», дедилар. (Саҳобалар:) «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Унинг хабарлари шуки, Ер ҳар бир эркак ва аёл банда унинг юзида нима қилганига гувоҳлик бериб:** «Эй Раббим, у фалон-фалон куни фалон-фалон ишни қилган», дейди. **Шу унинг хабарлариидир**», дедилар (Саҳиҳ, Термизий: №3350).

Шунда лаим (пасткаш) банда Улуғ Парвардигори билан тортишиб: «Эй Раббим, мен бу гувоҳликларни ҳам, бу гувоҳларни ҳам ҳаммасини рад этаман, мен ўз нафсимдан бошқанинг гувоҳлигини қабул қилмайман», дейди.

Имом Муслим Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда айтилади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдик, у зот кулдилар, сўнг: **«Нега кулганимни биласизларми?»**, деб сўрадилар. Биз: **«Аллоҳ ва Расули билувчироқ»**, деб жавоб бердик. Шунда дедилар: **«Банданинг Рабби билан сўзлашувидан** (кулдим). У: **«Эй Раббим, менга зулмдан паноҳ бермаганмисан, ахир?!»**, дейди. (Рабби) айтади: **«Ҳа, шундай»**. Шунда у: **«Мен ўзимга қарши ўзимдан бошқа гувоҳ** (келтирилиши)га ижозат бермайман», дейди. (Рабби:) **«Бугун сенга қарши ўзингнинг гувоҳлигинг ва Киромун Котибийн** (яъни амалларни ёзиб турувчи улуғ фаришталар) **гувоҳлиги етарлидир»**, дейди. Сўнг унинг оғзи муҳрланади ва аъзоларига: **«Гапир!»**, дейилади. (Аъзолари унинг қилган) амалларини айтиб беришади. Сўнгра унга гапиришга имкон берилади. Шунда у (аъзоларига): **«Қуриб кетгурлар, йўқ бўлиб кетгурлар! Мен сизларни ҳимоя қилаётган эдим-ку»**, дейди» (Муслим: №2969).

Аллоҳ таоло деди:

«Бу кун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз. Ва Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида — уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур» (Ясин: 65).

Аллоҳ таоло деди:

«19. Аллоҳнинг душманлари дўзахга (ҳайдалиш учун) **тўпланиб, тизилиб турадиган Кунни** (эсланг). **20. Энди қачонки улар** (дўзахга) **келишгач,** (ҳаёти дунёда қилиб ўтган куфру исёнлари ҳақида сўралади, лекин улар ўз қилмишларидан тонишга уринадилар. Шунда) **уларнинг қулоқлари, кўзлари ва терилари улар қилиб ўтган нарсалари ҳақида ўзларига қарши гувоҳлик беради.** **21. Улар териларига:** «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?»— дейишганида, (терилари): **«Бизларни барча нарсани сўзлатган зот Аллоҳ сўзлатди. Сизларни дастлаб У яратган ва сизлар яна Унинг Ўзигагина**

қайтариурсизлар», дедилар. 22. Сизлар (ҳаёти дунёда гуноҳ ишларни қилғанларингда шарманда бўлишдан қўрқиб, одамлардан яширинар эдинглар-у, аммо) қулоқларингиз, кўзларингиз ва териларингиз ўзларингизга қарши гувоҳлик беришидан (сақланиш учун улардан) яширинувчи эмас эдинглар, (чунки сизлар Қиёмат Кунида аъзойи баданларингизга ҳам забон берилишини билмасдинглар). **Лекин сизлар Аллоҳ қилаётган амалларингиздан кўпини** (яъни одамлардан яширинча қилган гуноҳларингизни) билмайди, деб ўйладинглар. 23. Ва Парвардигорларингиз ҳақида ўйлаган мана шу гумонларингиз сизларни ҳалок қилди (яъни дўзахга тушишларингизга сабаб бўлди). Бас сизлар зиёнкор кимсаларга айланиб қолдинглар. 24. Энди агар улар (азобга) чидасалар, ана ўша дўзах жойлариридир (яъни азоб-уқубатни тортаверадилар), агар ортга қайтишни талаб қилсалар, энди улар қайтариувчи эмаслар» (Фуссилат: 19-24).

Бешинчи қоида: Иймон аҳлига ҳасанотлари (савоблари) бир неча баробар кўпайтирилиши.

Тавҳид ва иймон аҳлига ҳасанотлари бир неча баробар қилиб кўпайтириб берилиши - «**Бу** (яъни ваъда қилинган мағфират ва жаннат) **Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этур. Аллоҳ улуғ фазлу марҳамат соҳибиридир» (Ҳадид: 21).**

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бир яхшиликни ўн баробарга кўпайтиради.

Аллоҳ таоло айтади: «**Ким бирон чиройли амал қилса, унга ўн баробар қилиб** (қайтарилур). Ким бирон ёмон иш қилса, фақат ўшанинг баробарида жазоланур ва уларга зулм қилинmas» (Анъом: 160).

Ином Аҳмад «Муснад»ида, Ҳоким «Мустадрак»ида Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган, шайх Албоний ҳасан санаган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Аллоҳ таоло ҳадис қудсийда деди: Ҳасана (яхшилик) ўн баробарича ёки ундан ҳам зиёда қиласан, саййиа (ёмонлик) эса бир баробарича ёки кечириб юбораман».** (Аҳмад: №21212, Муслим: №2687, Ибн Можа: №3821).

Имом Термизий Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилган, шайх Албоний саҳиҳ санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ким Аллоҳ китобидан бир ҳарф ўқиса, унга битта яхшилик-ҳасанот ёзилади. Ҳасанот(га) ўн баробар зиёдаси билан (ажр-мукофот берилади).** Мен «Алиф, лам, мим» битта ҳарф деб айтаётганим йўқ. Балки, "алиф" бир ҳарф, "лом" бир ҳарф ва "мим" бир ҳарфдир» (Термизий: №2912, Саҳиҳул-жомиъ: №6469).

Айрим ҳолларда Аллоҳ таоло бир ҳасанага етти юз баробар ва ундан ҳам ортиқроқ ажру савоб ҳам беради. Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди.** (Яъни, қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда.) **Аллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билувчидир**» (Бақара: 261).

Баъзи ишлар борки, уларнинг савобини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди.

«Саҳиҳайн»да келтирилган ҳадис қудсийда Аллоҳ таоло айтади: «**Одам фарзандининг ҳар бир амали ўзи учун, фақат рўза (мустасно), у мен учундир ва унинг мукофотини Ўзим бераман**» (Бухорий: №1894, Муслим: №1151).

Энди фазлу карами кенг, саховатли Зотнинг сабрга берадиган мукофотини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Аллоҳ таоло айтади: «**Ҳеч шак-шубҳа йўқи, сабр-тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилур**» (Зумар: 10).

Олтинчи ва сўнгги қоида: Ёмонликларни яхшиликларга алмаштириш.

Албатта, Аллоҳ таборака ва таоло Ўзининг фазлу карами билан мўминларнинг ёмонликларини (гуноҳларини) яхшиликларга (савобларга) алмаштириб беради. Аллоҳ таоло айтади:

«68. Улар Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилмаслар ва Аллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ

ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтасини) қилса уқубатга дучор бўлур.

69. Қиёмат кунида унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур.

70. Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб яхши амаллар қилса, бас Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик-гуноҳларини яхшилик-савобларга айлантириб қўюр. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир» (Фурқон: 68-70).

Имом Муслим Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган саҳих ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Мен, шубҳасиз, жаннатга охирги бўлиб кирувчи ва дўзахдан охири чиқувчи кишини биламан. Бир кишини қиёмат куни олиб келинади ва : «Унга кичик гуноҳларини рўбарў қилинглар, катта гуноҳларини ундан кўтаринглар!», дейилади. Шунда унга кичик гуноҳларини рўбарў қилиниб: «Фалон куни фалон-фалон (гуноҳ)ни қилгансан, фалон куни фалон-фалон (гуноҳ)ни қилгансан», дейилади. У: «Ҳа, (тўғри)», дейди, инкор қила олмайди. Ваҳоланки, катта гуноҳлари рўбарў қилинишидан қўрқиб туради».

Мана шундай оғир қўрқинч ичидаги турганида унга айтиласди: **«Албатта, сенга ҳар бир ёмонлик (гуноҳ) ўрнига бир яхшилик (алмаштириб берилади)».** Шунда бандаги айтади: **«Эй Раббим! Мен ўзим қилган баъзи ишларни (гуноҳларни) бу ерда кўрмаяпман».**

Абу Зар айтадилар: «Шундай деб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кулдилар, ҳатто озиқ тишлари кўриниб кетди» (Муслим: №190, Термизий: №2599).

Бу Аллоҳ жалла ва алонинг мўмин бандаларига бўлган фазлу марҳаматидир.

Юқорида айтиб ўтилган қоидалар Аллоҳ таоло қиёмат куни бандани улар асосида ҳисоб қиладиган қоидалардир.

Иккинчи: Аллоҳга рўбарў бўлиш ва номаи аъмолни қабул қилиб олиш

Аллоҳ таоло Ўзининг улуғ Қуръонида айтади:

«21. Ба ҳар бир жон ўзи билан бирга (уни маҳшаргоҳга) ҳайдовчи (бир фаришта) ва (унинг қилиб ўтган амалларига) гувоҳлик берувчи (бир фаришта) бўлган ҳолда келди.

22. (Эй инсон), аниқки, сен бу (оғир Кун)дан ғафлатда эдинг. Бас, Биз сендан пардангни (яъни мана бу Қиёмат Кунин ҳақидаги шакшубҳаларингни) очиб юбордик. Энди бу Кун сенинг кўзинг жуда ўткирдир.

23. Унинг (кофирнинг) яқини-ҳамроҳи (бўлган, унинг қилиб ўтган гуноҳларини ёзиб-гувоҳлик берувчи фаришта) деди: «Мана бу (номай аъмол) менинг ҳузуримда ҳозиру нозир бўлган нарсадир».

24-25. (Шундан кейин дўзах ходимларидан икки фариштага айтилур): «Барча (Ҳаққа қаршилик қилувчи) қайсар, яхшиликни ман қилувчи, зўравон ва (Аллоҳнинг динига шак келтирувчи) кофир-кўрнамакни жаҳаннамга ташланглар!

26. (Қай) бир кимса Аллоҳ билан бирга бошқа бир «илоҳ» қилиб олган бўлса (яъни ёлғиз Аллоҳга бирон нарса ё кимсани шерик қилиб олган бўлса), бас, уни қаттиқ азобга ташланглар!»

27. Унинг яқини (бўлган шайтон): «Парвардигоро, уни мен түғёнга солганим йўқ, лекин унинг ўзи (ҳақ йўлдан) йироқ-залолатда бўлди», деди.

28. (Аллоҳ кофир ва унинг шайтонига) айтди: «Менинг даргоҳимда талашиб-тортишманглар, аниқки, Мен илгари сизларга (кофир бўлганларингиз сабабли охиратда азобга гирифтор бўлишларингиз тўғрисида) ваъда қилганман.

29. Менинг даргоҳимда (ваъда қилинган) сўз ўзгартирилмас ва Мен бандаларга зулм қилувчи ҳам эмасдирман» (Қоф: 21-29).

«Саҳиҳайн»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким (Аллоҳ ҳузурида) ҳисобга тортилса, у азобга дучор бўлади». Мен дедим: «Аллоҳ таоло: «Бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак» (Иншиқоқ: 8), демаганми?!» У зот дедилар: «У бир арз (амалларга иқрор қилдириш) холос. Ким тўла-тўкис ҳисоб қилинса, албатта ҳалок бўлади» (Бухорий: №103, Муслим: №2876).

«Саҳиҳайн»да Адий ибн Хотим розияллоҳу анҳу ривоят қилған ҳадисда у зот айтадилар: «Сизлардан ҳар бирингиз билан Парвардигори қиёмат кунида ўртада таржимон бўлмаган ҳолда гаплашади. У (банда) ўнг томонига қараб, фақат ўзи қилиб ўтган ишларни кўради, чап томонига қараб ҳам фақат ўзи қилиб ўтган ишларни кўради, олди томонига қараб, рўпарасида дўзахдан бошқа нарсани кўрмайди. Бас, шундай экан, яримта хурмо (ни садақа қилиш) билан бўлса-да дўзахдан сақланингиз!» (Бухорий (№7512), Муслим (№1016) ривоятлари).

Малоикалар нидо қилади: «Фалончининг ўғли фалончи қаерда?!».

Ким?!.. Ахир бу менинг исмим-ку!.. Ҳа, бу менман!

Чорланаётган киши сиз эканингиз аниқ бўлгач, чақириқ юрагингизни тешиб юборгандек бўлади.. Рангингиз сарғайиб кетади.. Юрагингиз қинидан чиқиб, бўғзингизга қадалиб қолади..

Сизга вакил қилингандар фаришталар сизни халойиқлар ичидан етаклаб олиб кетадилар. Ҳамманинг кўзи сизга тикилган.. Сиз одамлар оралаб, Аллоҳ таоло ҳузурида туриш ва ҳисоб-китобга тортилиш учун кетиб борасиз.

Эй Аллоҳнинг бандаси! Аллоҳ ҳаққи, мана шу ҳолатда туришингизни бир тасаввур қилиб кўринг..

Маҳшаргоҳ узра малоикалар сафлари орасидан ўтасиз.. Инсу-жин сафлари оралаб ўтасиз.. Ва ўзингизни Аллоҳ жалла жалолуҳ ҳузурида, У зотнинг ҳисобига тортилиш ва амалларингиз саҳифасини қабул қилиш учун турганингизни кўрасиз!!

Ушбу саҳифада сиз ҳамманинг кўзидан яшириб қилған тирноқча амалингиз-да қолдирилмай битилган бўлади!!

Эсингиздан чиқиб кетган қанча-қанча маъсиятларингизни Аллоҳ таоло эслатиб қўяди!!

Қанча-қанча яшириб ўтган гуноҳларингизни Аллоҳ таоло очиб юборади!!

Дунёдалик пайтингизда Парвардигорингиз тоатида сустлик қилганингизга қаттиқ ҳасрат-надоматлар қиласиз у пайт!!

Агар банда дунё-ю охиратда Аллоҳнинг розилигини топган саодат аҳлидан бўлса – эй Аллоҳим, бизларни ҳам йўз фазлу караминг ила

ўшандай кишилардан қилгайсан я арҳамар-роҳимиин – Аллоҳ унга китобини ўнг томонидан беради, унга китобининг зоҳирини ҳасанот (яхшилик-савоблар), ботинини эса саййиот (гуноҳлар) қилиб кўрсатади. Сўнг унга китобини ўқишни буюради. Банда ўқишни бошлайди ва китобининг бошки саҳифаларига битилган ўз гуноҳларини ўқиб, ранги сарғайиб, юзи ўзгариб, баданини титроқ босади.

Ўзининг барча гуноҳларини ўқиб тугатгач, охирида «Бу сенинг гуноҳларинг эди, Мен уларни кечирдим» деб ёзилганини кўради. Қувончдан юзи ёришиб кетади, ортидан энди ҳеч қачон бахтсизликка юз тутмайдиган олий баҳт оғушига кўмилади. Кейин китобини ўқишда давом этиб, савоблар саҳифаларини ўқий бошлайди. Қувончдан юзи порлаб, севинчига севинч қўшилади. Сўнг Буюк Подшоҳ жалла жалолуҳ унга хитоб қиласди: «Бор, яқинларинг ва тавҳиду иймон аҳли бўлган дўст-ёрларинг ёнига бор, уларга ҳам худди ўзингга берилганидек шодлик хабарини бер!!». Шундан сўнг у номаи аъмолини қўлида тутганича, шодлиқдан юз-кўзи порлаб, бутун вужудидан нур ёғилиб, ёр-дўстлари ёнига келади. Ёр-дўстлари уни таний олмайдилар. «Мени танимаяпсизларми?!», дейди у уларга. «Сен кимсан, бутун вужудингни Аллоҳнинг каромати чулғаб олибди?!», дейишади улар. «Мен фалончининг ўғли фалончиман, мана, кўринглар менинг номаи аъмолимни!. Китобимни ўқинглар!! Мана у, қўлимда!! Менинг шодлигимга ва баҳтимга шерик бўлинглар!! Ўқинглар!! Мана бу менинг тавҳидим, буниси намозим, буниси закотим, буниси садақаларим, буниси ҳажжим, буниси тунги намозларим, буниси эҳсонларим, буниси ота-онамга қилган яхшиликларим, буниси аҳли-аёлим ва қўни-қўшниларимга қилган яхшиликларим, буниси маъруфга буюрганларим, буниси мункардан қайтарганларим, буниси ғийбат ва чақимчиликдан узок бўлганим, буниси бандаларга зулм қилишдан тийилганим...

«Бас, энди ўз китоби — номаи аъмоли ўнг қўлидан берилган кишига келсак, у: «Мана менинг китобимни ўқинглар. Дарҳақиқат мен ҳисоб-китобимга (яъни охиратдаги ажр-мукофотга) рўбарў бўлишимни билган эдим», дер. Сўнг у розилик ҳаётида, мевалари (аҳли жаннат учун) яқин бўлган юксак жаннатда бўлур. (Жаннат аҳлига) «Ўтган кунларда (яъни ҳаёти дунёда) қилиб ўтган (эзгу) амалларингиз

сабабли (ушбу ноз-неъматларни) **пок билиб еб-ичаверинглар»,** (дейилур)» (Ал-Ҳааққо: 19-24).

Аммо, банда агар дунё-ю охиратда Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган бадбаҳт кимсалардан бўлса – Аллоҳ сизу бизни шундайлардан бўлиб қолишдан сақласин – уни «Фалончининг ўғли фалончи қаерда?!» деб чақирилади. Субҳаналоҳ!! У учун ҳар қандай овозлар-у, ҳеч бир тил нотаниш бўлмаган, барча маҳлуқотнинг исм-у сифатларини адашмай таниб-биладиган Зотни поклайман!!

Фалончи ўғли фалончи қаерда??!

Ким?!.. Ахир бу менинг исмим-ку!.. Ҳа, бу менман! Нима истайсиз эй Аллоҳнинг малоикалари?!

Қани, юр, Аллоҳ азза ва жалла ҳузурига, ҳисоб учун!!

Сафлар оралаб бориб, охири ўзини Аллоҳ таоло ҳузурида кўради. Шундан сўнг унга номаи аъмоли чап тарафидан ё орқа тарафидан берилади.

Китобини ўқигач, унинг юзи қорайиб кетади. Кейин эса унга қорамойдан кийим кийдирилади. Унга: «Бор ўзингта ўхшаганлар ёнига!! Уларга ҳам худди сенга берилган нарсанинг хабарини бер!!», дейилади.

Шундан сўнг у маҳшаргоҳ узра қаро юз билан, вужудини хорлик ва шармандалиқ ўраб олган ҳолда, номаи аъмоли чап қўлида, кетиб боради. Дўстлари ва яқинлари ёнига келиб: «Мени танимаяпсизларми?!», дейди. Улар: «Йўқ, сен кимсан?! Бутун вужудингни хорлик ва шармисорлик ўраб олганини кўрмоқдамиз?!», дейишади. «Мен фалончиман. Мана бу қўлимдаги номаи аъмолим, ҳар бирингизни худди шундоқ оқибат кутмоқда», дейди у. Дарҳақиқат, энди у ҳеч қачон саодатга эришолмайдиган ҳақиқий бадбаҳт кимса бўлди!!

Бор овози билан дод-фарёд қиласи:

«25. Энди ўз китоби чап қўлидан берилган кимсага келсак, бас, у дер: «Эҳ, қанийди, менга китобим берилмаса эди! 26. Ва мен ҳисоб-китобим (яъни оладиган жазойим) нима эканлигини билмасам эди! 27. Эҳ, қанийди, ўша (биринчи ўлим барча нарсани) тугатувчи-узувчи бўлса (ва Қиёматдаги мана бу қайта тирилиш бўлмаса) эди! 28. Менга (не машақатлар билан топган) мол-дунёйим асқотмади-я! 29. Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!» 30. (Бас, Аллоҳ жаҳаннам

қўриқчиларига дер): «Уни ушлаб, кишанланглар! 31. Сўнгра дўзахга ташланглар! 32. Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солиб боғланглар!» 33. Чунки у (ҳаёти дунёдалик пайтида) Улуғ Аллоҳга иймон келтирмас эди. 34. Ва мискин-бечорага таом беришга (ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам) тарғиб қилмас эди. 35. Бас, Бугун, бу ерда унинг учун бирон дўст-мададкор йўқдир! 36. Ва бирон таом ҳам йўқдир! Фақат йирингдан бўлган (бир «таом» борки), 37. Уни фақат (йўлдан) адашган (кофир)ларгина ерлар!» (Ал-ҳааққо: 25-37).

Мана бу сўзларни айтган шоирни Аллоҳ раҳматига олсин:

Тасаввур қип, ҳисоб кун маҳшаргоҳ ичра,
Туришингни даҳшатдан вужудинг титраб..

Жаҳаннам ғазабла ўқирап, ўрлар,
Гуноҳкор бандани бағрига чорлар.

Арш соҳиби қаҳру ғазаб ила дер:
«Эй банда, номангни ўқи бирма-бир!

Кўргинчи, бормикан унда лоақал,
Сен қилиб ўтмаган биргина амал?!»

Номанг ўқиб, бўлганингда барига иқрор,
Дўзах посбонларига амр этур Жаббор:

«Эй фаришталарим, ушлангиз уни,
Дўзахнинг қаърига ташлангиз уни!».

Мушриклар эртага дўзахда ёнарлар,
Мўминлар агадий жаннатда қоларлар.

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар, у зот омонатни адо этганлар, рисолатни етказганлар, умматга холис насиҳат қилганлар, Аллоҳ таоло у зот сабабли зулматларни ёритган, у зот Аллоҳ йўлида то ўлим келгунича ҳақиқий жиҳод қилганлар деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотни энг яхши мукофотлар билан мукофотлагин.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўллариға йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Учинчи: Ҳисоб қилинмасдан туриб ўзингизни ҳисоб қилинг

Бу ҳисоб кунининг менинг қосир илмимча тасаввур қилганим кичик бир кўриниши эди. Сиз юракларни ёриб юборгудек бу кўринишлар ичра қалбингиз ва бутун вужудингиз билан яшаб кўринг.. Зотан, фақат қалби тирик инсонларгина панд-насиҳат билан таъсирланади, оят ва ҳадисга ижобат қиласди.

Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта бунда (огоҳ) қалб эгаси бўлган ёки ўзи ҳозир бўлган ҳолда (яъни, сидқидилдан) қулоқ тутган киши учун эслатма-ибратлар бордир»** (Қоф: 37).

Севикли биродарим! Ҳасрат ва надомат фойда бермайдиган Кунда Улуғ Хожангиз ҳузурида ҳисобга тортилмасдан туриб бугун ўзингизни ҳисоб қилинг.

Ином Аҳмад ва Термизийлар сахих санад билан ривоят қилишларича, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтганлар: «Эй одамлар! Ҳисоб қилинишдан олдин ўзингизни ҳисоб қилингиз, (амаллар) тарозига қўйилишдан олдин нафсингизни тарозига қўйингиз! Чунки, (буғун) нафсингизни ҳисоб қилишингиз эртага (қиёматда) ҳисобингизни енгиллаштиради. Катта ҳисоб-китоб кунига ўзингизни ҳозирлангиз!».

Нафсингизни сарҳисоб қилинг ва билингки, нафс ёмонликка буюрувчиидир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда нафсни уч хил сифат билан; хотиржам нафс, маломатчи нафс, ёмонликка буюрувчи нафс деб васф қилган.

Хотиржам нафс ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди: «(У Кунда ҳаёти дунёдан Аллоҳ таолонинг ваъдасига ишониб иймон ва эзгу амаллар билан ўтган мўминларга хитоб қилиниб, дейилур): **«Эй хотиржам-сокин жон, сен** (Аллоҳ ато этган неъматлардан) **рози бўлган ҳолда** Парвардигоринг (хузури)га қайт! **Бас,** (солих) **бандаларим қаторига киргин. Ва Менинг жаннатимга киргин!»» (Вал-фажр: 27-30).**

Хотиржам нафс Аллоҳни Парвардигор деб, Исломни дин деб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар ва расул деб рози бўлган нафс-жондир.

У Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига хотиржам бўлган нафсдир.

У Аллоҳнинг ваъдасига хотиржам бўлган ва Унинг ваъидидан (азоб хабари билан қўрқитувидан) қўрқувчи нафсдир.

У Аллоҳнинг зикри ва ибодати билан, Унга бандалик қилиш билан хотиржам бўлган нафсдир.

У Парвардигори азза ва жаллага муштоқ бўлувчи нафсдир.

Маломатгўй нафс ҳақида Аллоҳ таоло марҳамат қилиб ва унга қасамёд қилиб, шундай деган: **«Мен Қиёмат Кунига қасам ичурман. Ва Мен маломатгўй нафсга қасам ичурманки,** (ҳеч шак-шубҳасиз қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинурсизлар)!» (Қиёмат: 1, 2).

Маломатгўй нафс ўз эгасини яхши-ёмон ишлар устида маломат қиласиган нафсдир.

У ўз эгасини яхшилик устида нега шу яхшиликни кўпроқ қилмадинг, деб маломат қиласиди.

У ўз эгасини ёмонлик устида нега шу ёмонликка қўл урдинг, деб маломат қиласиди.

Ҳасан раҳимаҳуллоҳ айтади: «*Аллоҳга қасамки, мўминни сиз ҳар доим ва ҳар бир ҳолатида нафсини маломат қилишини кўрасиз, фожир эса нафсини умуман айбламай умр ўтказади.*»

Мўмин киши нафсини муҳосаба қиласиди, уни маломат қиласиди. Фожир эса ўз нафсини энг олий юксакликларда ва комиллик даражаларининг энг чўққисида деб кўради.

Ёмонликка буюрувчи нафс (нафси аммора) ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди: «**Чунки нафс – агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса – албатта барча ёмонликларга буюрувчидир. Дарҳақиқат, Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир.**» (Юсуф: 53).

Нафси аммора ўз соҳибини мудом ёмонликка ва маъсиятга чорловчи нафсдир.

У ўз соҳибини ҳидоят йўлидан чиқариб, залолат йўлига, жаннат йўлидан чиқариб, жаҳаннам йўлига, суннат йўлидан чиқариб, бидъат йўлига, ҳалол йўлдан чиқариб, ҳаром йўлга солишни истайди.

Бу нафс агар соҳиби унга бепарво қараса ва муҳосаба қилиб туришга аҳамият бермаса, уни дунё-ю охиратда ҳалокат ва зиёнга етаклайди.

Бу нафсни сиз агар Аллоҳнинг тоати билан машғул қилмасангиз, у сизни маъсиятга машғул қилади. Агар уни тақво тизгини ила тизгинлаб олмасангиз, у сизни ботилга машғул қилиб қўяди. Нафс бамисоли гўдак боладир, гўдакни она кўкрагидан ажратсангиз, у ажралиб кетаверади. Нафсни ҳам Аллоҳнинг маъсиятидан айирсангиз, тоат ва тақво тизгини билан тизгинлаб олсангиз, у албатта бўйсунади.

Қачонки, Аллоҳ жалла ва алодан мадад сўраб, нафсни қаттиқ кузатув остига олсангиз, у билан худди хасис шериклардек ҳисоб-китоб қилиб турсангиз, шундагина у сизни дунё ва охират баҳт-саодатига олиб боради.

Инсоний заифлик туфайли нафсингиз тойилса – албатта, ҳеч биримиз на фаришта, на пайғамбармиз – иймонингиз ва ўз нафсингизни билишингиз сизни дарҳол тавбага ва Аллоҳга қайтишга ундейди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сиз Аллоҳ таолога ва пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат йўлига қайтасиз.

Севикли биродарим, ҳозироқ, хоҳ катта, хоҳ кичик ҳар бир ишдан олдин ва ҳар бир ишдан кейин нафсингизни сарҳисоб қилинг.

Ҳар бир ишдан олдин нафсингизга савол қилинг: Нега бораман? Нима учун гапираман? Нега жим тураман? Нима учун яхши кўраман? Нима учун ёқтиромайман? Нега кираман? Нега чиқаман?

Ҳар бир ишдан сўнг нафсингизни сўроққа тутинг: Шу иш Аллоҳ учун холис бўлдими? Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлларига мувофиқ бўлдими? Зоро, амал мақбул бўлиши учун унда

иккита шарт топилиши лозим. Биринчи шарти ихлос, иккинчи шарти Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлларига мувофиқ бўлишидир.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади:

Аллоҳнинг дини бўлмиш Ислом икки асл-асос устига қурилган:

Биринчиси: Шериксиз, ягона Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилиш.

Иккинчиси: Аллоҳ таолога Унинг ўзи пайғамбарининг тилида машруъ қилган нарсалар билан ибодат қилиш. Мана шу улкан икки асл-асос бизнинг «Бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқлигига ва Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг элчиси эканига гувоҳлик берамиз» деган сўзимизнинг моҳиятидир.

Мусулмон биродар! Агар охиратда ҳисобингиз енгил бўлишини истасангиз, ўз нафсингизни худди хасис шерикдек ҳисоб қилинг. Маймун ибн Мехрон раҳимаҳуллоҳ айтганидек: «Банда ўз нафси билан худди хасис шериклардек ҳисоб-китоб қилмагунича тақво даражасига етолмайди».

Қилаётган тоатингиз билан асло-асло мағрур бўлиб қолманг, илмингиз билан асло-асло мағрур бўлиб қолманг, доим қўрқув устида бўлинг. Зеро, фақат хотималар эътиборлидир.

Ўз илмлари, зоҳидликлари ва парҳезкорликлари билан оламни ёритган зотлар сўзига қулоқ тутинг.

Бир киши Оиша розияллоҳу анҳодан сўради: «Эй онажон, менга Аллоҳ таолонинг қуийдаги оятларини тушунтириб беринг: **«Сўнгра Биз бу Китобга бандаларимиздан Ўзимиз танлаган зотларни (яъни сизнинг умматингизни) ворис қилдик. Бас уларнинг орасида ўз жонига жабр қилувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Аллоҳнинг изну иродаси билан мудом яхшиликларга шошилувчи ҳам бордир»** (Фотир: 32)».

Оиша розияллоҳу анҳо айтдилар: «Эй болам, яхшиликларга шошилувчилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ўтган ва у зот улар ҳақларида жаннат билан хушхабар берган кишилардир. Ўртачалар эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ортларидан эргашиб, уларга етиб олган саҳобалардир. Ўз жонига жабр қилувчилар эса сен билан бизга ўхшаганлардир».

Воажаб.. Қаранг, Оиша розияллоҳу анҳо ўзларини сизу биз билан бир қаторга қўймоқдалар! Биз бўлсак ҳаммамиз жаннатга кирамиз деб даъво қиламиз! Жаннатга биз кирмасак, ким киаркан, деб катта гапирамиз!!

Оиша розияллоҳу анҳо на ўз насл-насаблари билан, на Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга умр йўлдоши бўлиш шарафлари билан мағрур бўлдилар. Ваҳоланки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оғизларидан жаннатилик башоратини эшитган эдилар! Ҳа, у зот нафснинг миқдорини ва хатарини шу қадар яхши англаған эдилар.

Умматнинг Форуқи (ҳақ ва ботил ўртасини ажратувчиси) бўлган Умар розияллоҳу анҳу ўлим тўшагида ётарканлар, Ибн Аббос у кишининг шаънларида яхши мақтов сўзлар айтадилар. Шунда Умар айтадилар: «Аллоҳга қасамки, агар ер юзи тўла олтиним бўлса, Аллоҳнинг азобини кўрмай туриб, ундан шу билан қутулишга жон деб рози бўлардим. Истардимки, дунёдан на фойда, на зиён кўрган ҳолда чиқиб кетсан!».

Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг севикли кишилари бўлган, у зот қасам билан таъкидлаб: «Эй Муоз, Аллоҳга қасамки, мен сизни яхши кўраман», деган, ёшлари ҳали ўттиз учга ҳам етмаган Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу Шомда тоун (ўлат)га чалиниб, ўлим тўшагида ётганларида асҳобларидан: «Тонг отдими?», деб сўрадилар. Улар: «Йўқ ҳали», дейишди. Бироздан кейин яна: «Тонг отдими?», деб сўрадилар. Улар: «Йўқ ҳали», дейишди. Бироздан кейин яна: «Тонг отдими?», деб сўрадилар. Улар: «Йўқ ҳали», дейишди. Шунда у киши: «Тонги дўзах сари юзланиш бўладиган тундан Аллоҳ паноҳ берсин», дедилар!!!.

Зуҳд, тақво ва ҳадис бобида дунёning имомига айланган Суфён Саврий ўлим тўшагида ётганларида ҳузурларига Ҳаммод ибн Салама кириб: «Хурсанд бўлинг, эй Абу Абдуллоҳ! Сиз ўзингиз Ундан мудом умидвор бўлган, раҳмлиларнинг раҳмлироғи бўлган Зот ҳузурига йўл олмоқдасиз», деганида Суфён раҳимахуллоҳ ийғлаб: «Аллоҳ номини ўртага қўйиб сўрайман эй Ҳаммод, сиз менга ўхшаган одамни дўзахдан нажот топади, деб ўйлайсизми?!», дедилар!!!.

Эй мусулмон! Илмингизга мағрур бўлманг, амалингизга мағрур бўлманг, мудом қўрқув устида бўлинг. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

салламдек ўтган-у келажак гуноҳлари кечирилган зот ҳам ана шундок ҳолатда бўлганлар.

Ҳар бир амалдан олдин ва ҳар бир амалдан кейин ўз нафсингизни сарҳисоб қилинг. Нафсингизни ҳар қандай маъсият ва ҳар қандай қосирлик устида сарҳисоб қилинг.

Халифа Сулаймон ибн Абдулмалик салаф уламоларидан Абу Ҳозим номли бир олимдан: «Эй Абу Ҳозим! Айтингчи, нега биз ўлимни ёмон кўрамиз?!», деб сўради.

Шунда Абу Ҳозим шундай жавоб берди: «Чунки, сизлар дунёнгизни обод, охиратингизни эса хароб қилдингиз. Шу боис обод ўлкадан харобазорга ўтишни ёқтирмайсиз».

Сулаймон ибн Абдулмалик деди: «Эй Абу Ҳозим, Аллоҳ таоло ҳузурида аҳволимиз не кечади?!».

Абу Ҳозим жавоб берди: «Аллоҳнинг Китобига қараб қўринг, ўзингизни унда топасиз».

«Қаерида топаман?!», сўради Сулаймон.

«Шак-шубҳасиз, яхшилар жаннат неъматлари дадирлар. Шак-шубҳасиз, фисқ-фужур қилувчи кимсалар дўзахдадирлар!»
(Инфитор: 13-14) оятларида», жавоб берди Абу Ҳозим.

Шунда Сулаймон ибн Абдулмалик: «Аллоҳнинг раҳмати қаерда қолди, эй Абу Ҳозим?!», деб хитоб қилди.

«Албатта, Аллоҳнинг раҳмати муҳсинларга (эзгу амал қилувчиларга) яқиндир» (Аъроф: 56), деб жавоб берди Абу Ҳозим.

«Эртага Аллоҳга рўбарў бўлишимиз қай суратда бўлади?», сўради Сулаймон ибн Абдулмалик.

«Муҳсин – эзгу амал қилувчи киши худди узоқ сафардан ўз аҳли ҳузурига қайтиб келган ва аҳли уни шод-хуррамлик билан кутиб олган кишидек, мусиъ – гуноҳга ботган киши эса худди хожаси ҳузурига қайтарилган қочоқ қул каби ҳолатда бўлади», деб жавоб берди.

Буюк арш соҳиби бўлган Улуғ Аллоҳдан барчамизни хотимамизни чиройли қилишини сўрайман. У бунга қодир Зотдир.

Дуо...

2011 йил 6-октябр

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

الحساب

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мұхаммад Ҳассон

Ҳисоб-китоб



Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар!
(Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират
қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ
баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад
соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда)
янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса
бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга
элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! «Охират ҳовлиси» силсиласидан бугунги
суҳбатимиз ўн тўртинчи суҳбат бўлади.

Бундан аввалги суҳбатимизда ўта маҳобатли ва оғир ҳолатлардан
бири бўлган ҳисобга тортилиш кўриниши ҳақида сўзлаб ўтган,
бандаларни маҳшар ерида ҳар ким ўз ҳисоб-китобини кутиб, Аллоҳ
таолонинг жарчиси уни Аллоҳ хузурига ҳисоб учун чорлашига мунтазир
бўлиб, саф-саф бўлиб турган ҳолатларига келиб тўхтаган эдик. Яна
айтиб ўтган эдикки, Аллоҳ таоло бандаларини қуидаги қоидалар
асосида ҳисоб-китобга тортади:

- 1) Ҳеч қандай зулм араплашмаган тўла адолат.**
- 2) Бирор бирорнинг юкини (яъни гуноҳини) кўтармас.**
- 3) Аллоҳ бандаларига узр қолдирмаслиги.**
- 4) Қиёмат куни бандаларга гувоҳлар келтирилиши.**
- 5) Иймон аҳлига ҳасанотлари (савоблари) бир неча баробар
кўпайтирилиши.**
- 6) Ёмонликларни яхшиликларга алмаштириш.**

Шундан сўнг ҳисоб бошланади. Нима деб ўйлайсиз, биринчи бўлиб
қайси уммат ҳисоб-китоб қилинади?! Қиёмат куни кимлар ўртасида
биринчи бўлиб ажрим қилинади?! Банда илк бор қайси амалидан ҳисоб
беради?!

Бугунги суҳбатимиз айни саволларнинг жавоби ҳақида бўлади.

Суҳбатимизга диққат-эътибор қаратасиз деб умид қиласман. Аллоҳ
субҳанаҳу ва таолодан сизу бизни ер юзида ҳам, ер остида ҳам, ҳисоб

кунида ҳам Ўз карами билан ўрашини сўрайман. Албатта, У Ҳалим, Раҳмон ва Раҳмли зотдир.

Биринчи: Аллоҳ азза ва жалла биринчи бўлиб қайси умматни ҳисобга тортади?

Севикли дўстларим! Маҳшаргоҳда, Аллоҳ таоло ҳузурида туриш жуда оғирдир.

Қуёш бош устига яқин келтириб қўйилган.. Тошу темирни эритиб юборадиган кучли ҳарорат.. Тасаввур қилинг, башариятнинг ҳаммаси битта ерга, бир жойга жамланган.. Нафасларни бўғиб юборадиган тиқилинч!!

Ана шундай оғир ва шиддатли ҳолатда жаҳаннамни олиб келиниши уларнинг ғам-қайғуларини яна ҳам кучайтириб юборади.

Ҳа.. жаҳаннамни маҳшаргоҳга олиб келинади. Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Қиёмат кунида жаҳаннам олиб келинади ва унинг етмиш минг тизгини бўлади. Ҳар бир тизгиндан етмиш минг фаришта тортиб келади**» (Муслим: №2842, Термизий: №2576).

Жаҳаннам келтирилиб, халойиқларни ўраб олгач ва халқларни кўргач, Аллоҳ таолонинг ғазаби ифодаси ўлароқ ғазабдан гуриллаб, даҳшатли овоз билан ўкиради.. Шунда ҳамма халойиқлар қўрқувнинг зўридан тиз чўкиб қолишади.

Аллоҳ таоло айтади: «(У Кунда) барча умматни (даҳшат ва изтиробла) тиз чўккан ҳолда кўрарсиз. Ҳар бир уммат ўз номаи аъмолига чақирилур, (сўнг уларга дейилур): «**Бугун қилиб ўтган амалларингиз билан жазоланурсизлар**» (Жосия: 28).

Юракларни ёриб юборгудек оғир ва даҳшатли шу лаҳзаларда Аллоҳ таоло маҳшаргоҳда хорлик ва синиқлик билан турган етмишта уммат ичидан Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларига нидо қиласди.

Иbn Можа сахиҳ санад билан Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Биз умматларнинг охиргиси, қиёмат куни ҳисоб-китобда**

эса бириңчисимиз. «Пайғамбари уммий (саводсиз) бўлган уммат қаерда?!», деб нидо қилинади. Бас, биз охиргилар ва бириңчилармиз». (Саҳих, шайх Албоний «Ас-саҳиҳа»да (№2374) саҳих санаган, Саҳиҳул-жомиъ: №6749).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматлари раҳматга сазовор умматдир, Аллоҳ таоло маҳшаргоҳда туриш даҳшатидан тезроқ фориғ бўлишлари учун уларга раҳм қилиб ва бошқа умматлардан мукаррам санаб, уларга нидо қилади.

Аҳмад «Муснад»ида ривоят қилган ва Ҳоким «Мустадрак»ида ривоят қилиб, икки шайх шартига кўра саҳих санаган, Заҳабий ҳам шунга иқорор бўлган, Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис деган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Сизлар етмишта умматни тўлдирувчиси (яъни сўнгиси) бўлдингиз, сизлар улар ичида энг яхшиси ва Аллоҳ жалла ва алога энг мукаррамисиз»** (Аҳмад: №19908, Термизий: №3001, Ибн Можа: №4288, Доримий: №2760).

Ҳа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматлари барча умматлар ичида Аллоҳга энг мукаррами, покизароги ва шарафлироғидир. Нега ҳам шундай бўлмасин?! Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларидан биргина киши баъзан бутун бир умматдан кўра ҳам салмоқлироқ бўлади.

Ином Аҳмад «Муснад»ида, Табароний «Ас-сағир» ва «Ал-авсат»да ривоят қилган, Ҳайсамий «Мажмаъуз-заваид»да: «Аҳмаднинг кишилари «Саҳиҳ»нинг кишиларидир» деган, Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Аллоҳ азза ва жалла айтади: «Эй Ийсо, Мен сендан кейин бир умматни чиқаргум. Уларга ўзлари суйган нарса етса, Аллоҳга ҳамд айтиб, шукр қиласилар. Ёқтирган нарсалари етса, сабр қилиб, ажр умид қиласилар. Ҳолбуки, (уларда) ҳилм ҳам, илм ҳам бўлмайди». (Ийсо) деди: **«Ё Раббим, Бу уларга қандай қилиб (ҳосил бўлади), ҳилм ҳам, илм ҳам бўлмаса?!».** Аллоҳ жалла ва ало айтади: **«Мен уларга Ўз ҳилмим ва илмимдан ато этдим».** (Аҳмад: №27416).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларининг қиёмат куни Парвардигор азза ва жалла ҳузуридаги ҳурмат-эътиборлари уларни етмишта уммат ичидан чорлаган пайтида яққол кўринади..

Қани, олдинга чиқинглар!!..

Нима учун?...

Пайғамбарлар фойдасига барча умматлар устидан гувоҳ бўлишларинг учун!!

Ином Бухорий ва бошқалар Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Қиёмат куни Нуҳни чақирилади.** У: «Лаббай, амрингга ҳозирман, эй Парвардигор», дейди. «(Менинг рисолатимни) етказдингми?», деб сўрайди. У: «Ҳа», деб жавоб беради. Унинг умматидан: «Сизларга етказганми?», деб сўралади. Улар: «Бизга ҳеч қандай огоҳлантирувчи (пайғамбар) келган эмас», дейишади. «Сенга ким гувоҳ бўлади, эй Нуҳ?», деб сўрайди Аллоҳ таоло. «Муҳаммад ва унинг уммати», деб жавоб беради Нуҳ. Шунда улар унинг етказган эканига гувоҳлик берадилар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса сизлар устингизда гувоҳ бўлади. Бу Аллоҳ таолонинг: «Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир уммат қилдик» (Бақара: 143), деган ояти маъносидир». Сўнг: «Ўрта – адолатдир», дедилар. (Саҳихул-жомиъ: №8034, Бухорий: №4487, Аҳмад, Термизий, Насойи, Ибн Можа)

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматлари муҳтарам уммат бўлиб, кимга яхшилик билан гувоҳлик берсалар, у нажот топиб, жаннатга киради. Кимга ёмонлик билан гувоҳлик берсалар, у ҳалокатга юзланиб, дўзахга тушади.

«Саҳиҳ Муслим»да ва «Сунан Аби Довуд»да Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилади:

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир жаноза олдидан ўтдилар, шунда уни (маййитни) яхшилик билан зикр қилинди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди», дедилар. Яна бир жаноза ёнидан ўтганларида

уни ёмонлик билан зикр қилинди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди», дедилар.

Шундан сўнг Умар розияллоҳу анҳу: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ, бир жаноза олдидан ўтилганда унга мақтов айтилди, шунда сиз: «Вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди», дедингиз. Бошқа бир жаноза олдидан ўтилганда уни ёмонлик билан зикр қилинди, шунда сиз яна: «Вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди», дедингиз», деб сўрадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлар кимни яхшилик билан зикр қилган бўлсангиз, унга жаннат вожиб бўлди. Кимни ёмонлик билан зикр қилсангиз, унга дўзах вожиб бўлди. Сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларидирсиз, сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларидирсиз». (Бухорий: 3/181, Муслим: №949, Термизий: №1059, Насойй: 4/49).

Қасамки, Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга умматлари борасида ато этишини ва у зотни рози қилишини ваъда берган. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир!

«Саҳиҳайн»да Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолонинг Иброҳим алайҳиссалом ҳақларида нозил қилган: «Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар. Бас, ким менга эргашса, ана ўша мендандир (яъни менинг динимдадир). Ким менга исён қилса, яна Ўзинг мағфиратли, меҳрибонсан (яъни, ундан кимсаларни ҳам ҳақ йўлга ҳидоят қилишга қодирсан)» (Иброҳим: 36) оятини ўқидилар.

Кейин Аллоҳ таолонинг Ийсо алайҳиссалом ҳақларида нозил қилган: «Агар уларни азобласанг, улар Сенинг ожиз бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг кудрат, ҳикмат эгасидирсан» (Моида: 118) оятини ўқидилар.

Сўнг йиғладилар. Шунда Аллоҳ Жибрилни у зот ҳузурларига туширди ва Ўзи яхши билгани ҳолда: «Эй Жибрил, Муҳаммаддан сўра-чи, нега йиғляяпти экан?», деди. Жибрил тушиб: «Нега йиғляяпсиз, эй Аллоҳнинг Расули?», деб сўради. «Умматим.. умматим, эй Жибрил!», дедилар у зот. Жибрил Буюк Подшоҳ ҳузурига кўтарилиб – У Ўзи билгувчироқ бўлгани

ҳолда – «Уммати учун йиғлаяпти экан», деди. У Жибрилга деди: «Мұхаммад ҳузырига тушиб, айтгин, Биз уни уммати хусусида албатта рози қиласыз ва аспо хафа қилмаймиз» (Мұслим: №301).

Пайғамбаримиз умматлари бағтли умматдир, муборак умматдир, маҳмуд умматдир.

Шеър мазмуни:

«Эй Парвардигор! Сенинг «Эй бандаларим!» деган хитобинг остига киришим ва менга Аҳмадни Пайғамбар қилиб юборганинг менинг фахру ифтихоримни ошириб юборди»..

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй уммати Мұхаммад), **одамлар учун чиқарилған умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз**» (Оли Имрон: 110).

Қиёмат куни кимлар ўртасида биринчи бўлиб ажрим қилинади?

Бу савол жавобини «Саҳиҳ Мұслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда топамиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«**Қиёмат куни одамлар ичиде энг аввал ҳукм қилинадиган киши шаҳид қилинган кишидир.** Уни олиб келинади ва Аллоҳ унга Ўз неъматларини эслатади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Уларнинг шукронасига нима амал қилдинг?», деб сўрайди. У банда: «То шаҳид бўлгунимга қадар Сенинг йўлингда жанг қилдим», деб жавоб беради. Шунда Аллоҳ: «Ёлғон айтаяпсан, сен одамлар сени «жасур» дейишлари учун урушдинг ва дарҳақиқат, одамлар шундай ҳам дейишди», дейди. Сўнг буйруқ берилади, уни юзтубан ерга судраб, олиб кетилади ва дўзахга ташланади.

Кейин илм ўрганган ва уни ўргатган ҳамда Қуръон ўқиган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам Ўз неъматларини эслатади. У банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронасига нима амал қилдинг?», деб сўрайди. Банда: «Сен учун илм ўргандим, уни бошқаларга ўргатдим ва Қуръон ўқидим», деб жавоб беради. Аллоҳ: «Алдаяпсан, сен илмни одамлар сени «илмли», дейишлари учун ўргандинг, Қуръонни эса одамлар «қори», дейишлари учун ўқидинг, дарҳақиқат, одамлар шундай дейишди», дейди. Шундан сўнг буйруқ

берилади, уни юзтубан ерга судраб, олиб кетилади ва дўзахга ташланади.

Шундан кейин Аллоҳ унга ризқини кенг қилиб берган, бойликнинг ҳамма туридан инъом қилган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам Ўз неъматларини танилади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронасига сен нима амал қилдинг?», деб сўрайди. «Мол-давлатни Сен хуш кўрган бирон йўлни қолдирмай, ҳаммасига Сен учун сарф қилдим», дейди у. «Ёлғон айтаяпсан, сен бу ишни одамлар сени «саҳий», деб айтишлари учун қилгансан, дарҳақиқат, одамлар шундай ҳам дейишди», дейди Аллоҳ. Сўнг буйруқ берилади, уни юзтубан ерга судраб, олиб кетилади ва дўзахга ташланади» (Муслим: №1905, Термизий: №3383, Насойи: 6/23).

Демак, ҳадис шарифдан маълум бўлишича, қиёмат куни энг биринчи ҳисобга тортиладиган киши жанг майдонида, қаҳрамонлик ва баҳодирлик саҳнасида, ҳар қанча узун тиллар ҳам соқов бўлиб қоладиган, фақат қилич ва найзалар бўйинлар минбарида хутба қиладиган ўринда шаҳид бўлиб, ерга йиқилган киши бўлар экан. Ўзи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматидан, жанг майдонида шаҳид бўлган, бироқ Аллоҳ ризосини кўзлаган эмас, балки бандаларнинг мақтовига эришишни истаган. Натижа ҳам ўзи кутганидек бўлди. Жасур ва қаҳрамон деган гапни эшитиш учун урушган, дарҳақиқат шундай ҳам дейилган. Шунинг учун ҳам буйруқ берилади, уни юзтубан ерга судраб, олиб кетилади ва дўзахга ташланади.

Яна бири илм ўрганган ва Қуръонни ўқиган киши – яъни, масжидларни ва илм мажлисларини илмий сұхбатлар билан гуриллатган, китоблар ёзган, газета ва журналларни илмий мақолалар билан тўлдирган олимдир!! Ўқиган ва ўқитган илми билан фақат шухрат қозонишни, обрў-эътиборга эришишни, мансаб курсисига минишни, мол-дунёга эга бўлишни истаган! Илми билан Раҳмон таолонинг ризосинигина қасд қилмаган! Натижа эса ўзи истаганидек бўлади: «Ёлғон айтаяпсан, сен илмни одамлар сени «илмли», дейишлари учун ўргандинг, Қуръонни эса одамлар «қори», дейишлари учун ўқидинг, дарҳақиқат, одамлар шундай дейишди», дейди. Шундан сўнг буйруқ

берилади, уни юзтубан ерга судраб, олиб кетилади ва дўзахга ташланади».

Аллоҳу акбар! Олим дўзахда ёнса, қори жаҳаннамда куйса!! Нега ҳам шундай бўлмасин?! У амали қабул бўлиши шартларидан мухим бир шартни – ихлосни йўқотди, ахир!!

Учинчиси яна бир кишики, Аллоҳ унга молнинг ҳамма туридан берган, берганда ҳам мўл-кўл қилиб берган. У ҳам молини яхши йўлларга сарф қилган, садақалар қилган. Бироқ, сахийлик билан донг таратиш, хотамтой бўлиб ном чиқариш, жуда қўп инфоқ-эҳсон қиласиган киши номини қозониш мақсадида қилган. Натижа ўзи кутганидек бўлди: **«Сен бу ишни одамлар сени «сахий», деб айтишлари учун қилгансан, дарҳақиқат, одамлар шундай ҳам дейиши», дейди Аллоҳ. Сўнг буйруқ берилади, уни юзтубан ерга судраб, олиб кетилади ва дўзахга ташланади».**

Ҳар учаласи жаҳаннамга ўтин бўлишди, чунки амаллари билан риё қилишди.

Билингки, риё луғатда "кўриш" маъносидаги "руъят" (الرؤيَة) сўзидан олинган бўлиб, шаръий маъноси ҳам луғавий маъносидан келиб чиқкан (яъни, бир тоат амалини хўжакўрсинга қилиш маъносини ифодалайди). Яъни, риёнинг истилоҳдаги маъноси – банда зоҳирида бошқа нарсани изҳор қилиб, ботинида бошқа нарсани яширишидир.

Риёниг чек-чегараси шуки, у Парвадигор азза ва жаллага қилинадиган тоат амалини бандалар кўриши учун қилишдир.

Эй Аллоҳнинг розилигини топиш мақсадида амал қилаётганлар, ушбу улкан неъматига шукр ўлароқ Аллоҳга сажда қилинглар ва Ундан шундай амалларда саботли қилишини сўранглар!

Эй қилаётган амаллари билан Аллоҳ розилигини эмас, риё, сумъа, шуҳрат ва обрў-эътибор қозонишни истаётган кишилар, шуни яхши билингларки, сизнинг амалингиз Аллоҳ ҳузурида мақбул бўлмайди. Чунки, Аллоҳ таоло фақат шариатга мувофиқ ва йўзи учун холис қилинган амалнигина қабул қиласи.

Аллоҳ таоло айтади: «Холбуки улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган, Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адo этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга)

ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу түғри йўлдаги (умматнинг) динидир» (Баййина: 5).

Аллоҳ таоло айтади: «Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)» (Қаҳф: 110).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Аллоҳ таборака ва таоло айтди:** «Мен шерикларнинг шерикликдан энг беҳожат бўлганидирман. Ким бирон амал қилиб, унда Менга бошқани шерик қилса, Men уни ҳам, шерик қилган нарсасини ҳам тарк қиласман» (Муслим: №2985).

Риё маҳфий ширқтир, риё кичик ширқтир, риё амалларни бекорга чиқаради ва вайрон қилади. Шунинг учун ҳам Имом Аҳмад «Муснад»ида ривоят қилган ва шайх Албоний «Саҳихут-тарғиб ват-тарҳиб»да ҳасан санаган, Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади:

«Биз Масиҳ Дажжол ҳақида гаплашиб ўтирган эдик, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқиб келдилар ва: **«Менинг назаримда сизлар учун Дажжолдан кўра ҳам хавфлироқ бўлган нарса ҳақида хабар берайми?»**, дедилар. «Ҳа, ё Расулуллоҳ», дедик. **«У маҳфий ширқтир, киши намоз ўқиш учун туради-да, бошқа бирор уни кўриб тургани учун намозини чиройли қилиб ўқийди»**, дедилар». (Шайх Албоний «Саҳихут-тарғиб»да (№27) ҳасан санаб, Ибн Можа ва Байҳақийлар ривоят қилганини айтган).

Имом Аҳмад Маҳмуд ибн Лабид розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ва шайх Албоний «Саҳихут-тарғиб ват-тарҳиб»да саҳиҳ санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мен сизлар учун энг қўрқадиган нарса бу кичик ширқтир»**, дедилар. «Ё Расулуллоҳ, кичик ширқ нима?», деб сўрашди саҳобалар. **«У риёдир. Аллоҳ таоло қиёмат куни ҳаммани қилган амаллари учун ҳисоб-китоб қилганда: «Боринглар риё қилган кишиларингизнинг олдига, қарангларчи, уларнинг хузурида бирон мукофот топармикансизлар» деб айтади»**, деб жавоб бердилар (Аҳмад: №23521, Саҳихут-тарғиб ват-тарҳиб: №29).

Севикли биродарим! Риё кишининг амалларини ҳабата қилиб юборадиган ўта хатарли иллатдир. Буюк ва Карамли Аллоҳдан сўрайманки, сизу бизни дунёда ҳам, охиратда ҳам Ўз карами билан ўрасин, барчамизга махфию ошкоримизда, сўзу амалимизда ихлос ато этсин, ичимишни ташимиздан покизароқ қилсин, гуноҳларимизни мағфират этсин, ниятларимизни тўғрилаб қўйисин. Зотан, У бунга қодир ва бунинг эгасидир.

Бинобарин, ушбу ёмон иллат ва оғир дард бўлмиш махфий ширк – риёни даволаш учун зарур бўладиган энг муҳим даволарни сиз билан биргалиқда кўриб чиқайлик:

Биринчи даво: Аллоҳга дуо қилиб, сўзу амалда, махфию ошкора, кечаю кундуз ихлос ато этишини сўраш. Биз учун муваҳҳидлар имоми ва муҳаққиқлар йўлбошчиси Иброҳим Халиуллоҳда гўзал намуна бордир. У киши Аллоҳ Роббул оламийнга илтижо қилиб, ўзларини ширқдан узок қилишини сўрадилар. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), эсланг, Иброҳим айтган эди: «Парвардигорим, бу шаҳарни (яъни Маккани) тинч шаҳар қилгин, мени ва болаларимни бутларга ибодат қилишдан йироқ қилгин» (Иброҳим: 35).

Аллоҳдан ихлос сўраш, амални Унинг ўзига холис қилишга муваффак этишини сўраш зарурдир. Яхши билингки, фақат Угина сизга ихлос ато этишга қодир. Ихлосни Аллоҳ таоло фақат Ўзи суйган бандасининг қалбига жойлайди. Риёning дунёю охиратдаги оқибатини асло ёдан чиқармаслик зарур.

Риёкор шахс қиёмат куни келганида унинг амал саҳифаси кўзи етар жойгача очиб қўйилади. Бироқ, у куни Аллоҳ ҳузурида мукофот топмайди.

Ё Аллоҳ! Бундай ёмон оқибатдан Ўзинг асррагайсан. У буткул зиёнкорга айланади. Нега ҳам шундай бўлмасин?! Ахир у мунофиқ, мунофиқлар эса дўзахнинг қаърида Фиръавн, Ҳомон ва Қорун билан бир жойда бўлади.

У зоҳирида бир хил сўзу амални изҳор қилиб, ботинида бошқа сўз ва амални яширди. Унинг ҳақиқатини ёлғиз Аллоҳнинг ўзи билади.

Аллоҳ таоло айтади: «Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади ва

**Ўзи истаган кишини мағфират қилиб, Ўзи истаган кишини азоблайди.
Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир»** (Бақара: 284).

Аллоҳ таоло айтади: «**Агар сизлар бирон нарсани ошкор қилсангизлар ё яширсангизлар, албатта** (Аллоҳ билур). **Зеро Аллоҳ барча нарсани билувчи бўлган зотдир»** (Аҳзоб: 54).

Аллоҳ таоло айтади: «**Агар сиз ошкора гапирсангиз ҳам, (ва ёки) хуфёна гапирсангиз ҳам, У зотга баробардир.** Зеро У сирни ҳам, энг махфий нарсаларни ҳам билур» (Тоҳа: 7).

Агар риё диннинг асли-асосида бўлса, яъни дилда куфрни яшириб, тилда иймонни изҳор қилиш бўлса, бу риёning энг ёмон кўриниши бўлиб, унинг эгаси дўзахда абадий қолади.

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг гапирган гапи, ҳаёти дунёда Сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи (исломга) ашаддий хусуматчи бўлган ҳолида дилидаги «иймонига» Аллоҳни гувоҳ келтиради. (Олдингиздан) кетганида эса ерда бузғунчилик, экин ва наслларни ҳалок қилиш учун югуриб-елиб юради. Аллоҳ эса бузғунчилик-фасодни севмайди. Қачон унга: «Аллоҳдан қўрқян», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга етаклайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а!» (Бақара: 204-206).

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), қачон мунофиқлар сизнинг олдингизга келсалар: «Гувоҳлик берамизки, сиз шак-шубҳасиз Аллоҳнинг пайғамбаридаидирсиз» дерлар. Аллоҳ, дарҳақиқат, сиз Ўзининг пайғамбари эканлигинги билур, яна Аллоҳ у мунофиқларнинг шак-шубҳасиз ёлғончи эканликларига ҳам гувоҳлик берур» (Мунофиқун: 1).

Аммо, агар кишининг дилида дин ва иймоннинг асли ўрнашган бўлиб, фақат амалларида одамларга риё қилаётган бўлса, бу кичик ширк бўлади ва эгасининг умри ёмон оқибат билан якунланиши хавфи бордир, Аллоҳ сақласин. Риёкорга охиратда мукофот йўқдир.

Эй одамларни рози қилиш учун амал қиладиганлар! Яхши билиб олингки, ҳеч ким ҳамма одамларни бирдек рози қилолмайди. Оила деб аталмиш кичик бир мамлакат подшоҳи бўлган ота ўзининг ҳамма фарзандларини бирдек рози қилолмайди-ю! Устоз ўзининг илм

мажлисига қатнашувчи ҳамма шогирдларини бирдек рози қилолмайди-ю! Қандай қилиб ҳамма одамни бирдек рози қиласман дейсиз?! Бу жуда катта қоидадир, уни билмаган киши жохил бўлади.

Севикли дўстим, дилингизни ёлғиз Аллоҳга боғланг, сўзу ишингиз билан фақат Аллоҳ ризосини кўзланг. Агар бутун ер юзи аҳли йиғилиб, сизни мақтаса, модомики сиз Аллоҳдан узоқ экансиз, уларнинг мақтовлари сизни Аллоҳга заррача ҳам яқин қилолмайди.

Агар бутун ер аҳли йиғилиб, сизни айбласа, модомики сиз Аллоҳга яқин бўлсангиз, уларнинг айблашлари сизни Аллоҳдан узоқ қилолмайди.

Парвардигори олам наздида манфур инсон бўлсангиз, одамларнинг мақтовлари нима наф етказа оларди?!

Парвардигори олам наздида суюкли ва Унга яқин бўлсангиз, одамларнинг айблашлари нима заар етказа олади?!

Одамларни рози қиласман деб Аллоҳни ғазаблантириб қўйманг! Одамлар хусусида Аллоҳга итоат қилинг, Аллоҳдан тақво қилинг. Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Ким одамларни ғазаблантириб туриб, Аллоҳни рози қилса, Аллоҳ у учун одамларга кифоя қилади. Ким одамларни рози қиласман деб Аллоҳни ғазаблантирса, Аллоҳ уни одамларга топшириб қўяди»**. (Шайх Мустафо ал-Адавий гувоҳлик беришича, Абд ибн Ҳумайд «Ал-мунтахаб»да (№1522) келтирган, исноди саҳих).

Аллоҳ таоло айтади: **«Албатта иймон келтириб яхши амаллар қилган зотлар учун Раҳмон дўстликни (барқарор) қилур»** (Марям: 96).

Яъни, ўзининг ихлосли мўмин бандалари қалбига муҳаббатни жойлаб қўяди.

Агар бирорнинг солиҳ мўмин кишини ёмон кўраётганини кўрсангиз, билингки, унинг дили нопок ва маразли экан. Чунки, мунофиқ кимса мўминни ёмон кўради, фақат ўзига ўхшаган мунофиқларни яхши кўради.

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Одамлар олтин ва кумуш конлари каби конлардир. Уларнинг Исломда яхшилари жоҳилиятда яхши бўлганларидир – агар илм ўргансалар. Руҳлар жамланган лашкарлардир. Улар ичидан жинси бир-бирига мос келгани (таниғанлари) улфатлашади, мос келмагани**

(танимаганлари) бир-бири билан чиқиша олмайды (юз ўгириб кетади)» (Муслим: 2638).

Хаттобий раҳимаҳуллоҳ айтади: Яхши одам яхшиларга мойил бўлади, ёмон кимса ёмонларга мойил бўлади.

Мен ўта муҳим бир ишни сизларга эслатиб қўйишни истайманки, Аллоҳ таоло риёкор кимсани дунёда нияти ва мақсадининг зидди билан жазолайди.

Бухорий ва Муслим Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ким (қилаётган ишларини бирорларга) эшиттиришга ҳаракат қилса, Аллоҳ уни эшиттириб (шармандинини чиқаради), ким (амалларини бошқаларга) кўрсатишга ҳаракат қилса, Аллоҳ уни (шармандали ҳолда) кўрсатиб қўяди»** (Бухорий: №6499, Муслим: №2987).

Ҳофиз Ибн Ҳажар «Фатҳул-Борий»да айтади: «Хаттобий дедики, ким бир яхшилик ва тоат амалини қилиб, одамлар уни кўришини ва эшитишини мақсад қилса, Аллоҳ унинг нияти ва қасдининг зидди билан жазолайди, Аллоҳ жалла ва ало уни шарманда қилиб, ботинини кўрсатиб қўяди».

Ё Аллоҳ! Ўзинг бизларни яширгайсан ва шарманда қилмагайсан..

Аммо, агар қадами бирон маъсиятда тойилгач, пушаймон қилиб ийғласа, юраги зириллаб, Аллоҳдан қўрқса, бу инсон тақводор мўминдир. Аллоҳ таолодан барчамизнинг оқибатимизни хайрли қилишини, умримиз хотимасини тавҳид ва иймон устида қилишини сўрайман.

Аллоҳ таоло тақводор зотларни Қуръонда зикр қилиб, уларни баъзан нолойиқ ишларга ҳам тушиб қолишларини айтади. Аллоҳ таоло айтади:

«Ва Парвардигорингиз томонидан бўлғувси мағфиратга ҳамда тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган (эни осмонлар ва Ер баробарида бўлган) **жаннатга шошилингиз!** (У тақводор зотлар) **яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиласиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг** (хато-камчиликларини) **афв этадиган кишилардир.** Аллоҳ бундай яхшилик килувчиларни севади. (У тақводор зотлар) қачон бирон-бир нолойиқ иш қилиб қўйсалар ёки (қандайдир гуноҳ иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрайдиган. — Ҳар қандай гуноҳни

ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилур, — билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир» (Оли Имрон: 133-135).

Шу ўринда яна бир муҳим ишни эслатиб ўтишни истайман. Агар банда амалида ихлос ато этишини Аллоҳдан илтижо қилган бўлса ва Аллоҳнинг розилигини истаб, бир ишни қилган бўлса-ю, шундай кейин одамлар унинг амалини мақтасалар, Аллоҳ Ўзининг содик бандалари тилига у кишининг мақтовини ўрнатиб қўйса, ихлосли бандалари дилида унга нисбатан ҳурмат-эҳтиромни жойлаб қўйса, бу банда хурсанд бўлаверсин.

«Саҳиҳ Муслим»да Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен: «Ё Расулуллоҳ, нима дейсиз, бир киши бир яхши амални қилади, кейин одамлар уни мақтайди», дедим. **«Бу мўмин киши учун (шу дунёдаги) нақд башоратдир»**, дедилар (Муслим: №2642).

Мана бу гўзал ва ажойиб ҳадисга ҳам бир кўз югуртиринг. Баззор ривоят қилган ва шайх Албоний «Саҳихул-жомиъ»да саҳиҳ санаган бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Ҳар қандай банданинг осмонда овозаси бўлади. Агар унинг осмондаги овозаси яхши бўлса, (ўша овозаси) ерга ҳам туширилади. Агар осмондаги овозаси ёмон бўлса, ерга ҳам (ўша овозаси) туширилади»** (Саҳиҳ, Албоний: Ас-саҳиҳа: №2275, Саҳихул-жомиъ: №5732).

Яъни, унинг осмондаги зикри ва довруғи чиройли бўлса, ерда ҳам шундай бўлади ва аксинча. Нега ҳам шундай бўлмасин, ахир?!

Зоро, «Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Аллоҳ таоло бир бандани яхши кўрса, Жибрийлни чақириб: «Мен фалончини яхши кўраман, сен ҳам уни яхши кўргин», дейди. Шунда Жибрийл ҳам уни яхши кўриб қолади. Сўнг само аҳли ичида: «Аллоҳ фалончини яхши кўради, сизлар ҳам уни яхши кўринглар», деб нидо қилади, само аҳли ҳам уни яхши кўрадилар. Шундан сўнг у инсон учун ерда қабулият (яъни, одамларнинг муҳаббати ва розиликлари) вужудга келади. Агар Аллоҳ бир бандани ёмон кўрса, Жибрийлни чақириб: «Мен фалончини ёмон кўраман, сен ҳам уни ёмон кўргин», дейди. Шунда Жибрийл ҳам уни ёмон кўриб қолади. Сўнг само аҳли ичида: «Аллоҳ фалончини ёмон кўради, сизлар ҳам уни ёмон**

кўринглар», деб нидо қилади, само аҳли ҳам уни ёмон кўрадилар. Шундан сўнг у инсон учун ерда нафрат вужудга келади» (Бухорий №3209), Муслим (№2637) ривоятлари).

Аллоҳ таолодан ҳар биримизни Ўзининг фазлу марҳамати ва раҳмати билан ўрашини сўрайман. У ҳар ишга қодир Зотдир.

Севикли дўстларим! Юқорида айтиб ўтилганлар қиёмат куни биринчи бўлиб ҳисобга тортиладиган кишилар ҳақидаги сўзлар эди. Хўш, қиёмат куни банда энг биринчи қайси амалидан ҳисоб беради?! Суҳбатимиз давомида мана шу савол жавобига тўхталамиз.

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотни энг яхши мукофотлар билан мукофотлагин.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Учинчи: Қиёмат куни банда биринчи бўлиб қайси амалидан ҳисоб беради?

Жавобни қуидаги саҳих ҳадисда топамиз. Абу Довуд, Насоий, Термизий, Ибн Можа ва бошқалар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган, шайх Албоний «Саҳихул-жомиъ»да саҳих санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Қиёмат куни банданинг энг биринчи ҳисоб қилинадиган амали НАМОЗдир. Агар намози яхши бўлса, нажот топади ва зафарга эришади. Намози ёмон бўлса, ноумид ва зиёнкор бўлади»** (Термизий: №413, Насоий: 1/232).

Қасамки, Ислом умматига етган ачинарли ҳолатдан дилларимиз маҳзун, кўзларимиз ёшланган..

Онт ичиб айта оламанки, мусулмон уммати ичida Аллоҳнинг уйига ҳафтада бир бор, фақат жумъя куни кирадиганлар бор!!

Ундан ҳам ёмони, йилда икки мартагина, фақат ҳайит намозларига кирадиганлар бор!!

Энг ёмони ва энг ачинарлиси, бир умр яшаб, Аллоҳнинг уйига фақат бир бор, шунда ҳам намоз ўқиш учун эмас, ўзига жаноза намози ўқилиши учун кирадиганлар бор!!

Намоз... Намоз... Намоз... Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўнгги васиятлари эди бу.

Уммат намозни зое қилди, Аллоҳ раҳматига олган кишиларгина бундан мустасно. Аксарият намозхонлар намозда хотиржамликни зое қилиш билан намозларини зое қилдилар. Имом Бухорий ривоят қилишларича, Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳу кўрдиларки, бир киши рукуъ ва сужудини тўла қилмай намоз ўқияпти. Намозини тугатганидан сўнг Ҳузайфа унга: «Сен намоз ўқимадинг, агар ўлсанг, Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларидан бошқа нарса устида ўлган бўлардинг», дедилар. (Бухорий: №808).

Қаранг, бу одам намоз ўқимади эмас, ўқиди. Бироқ, рукуъ, сужуд ва қиёмларни мукаммал қилмади. Шу одамнинг ҳоли шу бўлса, намозини зое қилиб юрган одамнинг аҳволи нима бўларкин?! Умуман намоз ўқимайдиган кимсанинг аҳволи нима бўларкин?!

Аллоҳ таоло айтади: «Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди у (ўринбосарлар) албатта ёмонликка (яъни жаҳаннамда ёмон жазога) йўлиқурлар» (Марям: 59).

Нима экан оятда айтилган у (الغى) ёмонлик – ёмон жазо? Ибн Аббос ва Оиша розияллоҳу анҳум айтишларича, "ал-ғой" жаҳаннамдаги тубсиз ва таъми жирканч бир дарёдир.

Аллоҳ таоло айтади:

«32. Дарҳақиқат, Ойга қасам. 33. Ўтиб кетган тунга қасам. 34. Ёришиб келаётган тонгга қасамки, 35-36-37. Албатта у (жаҳаннам барча) инсонлар учун — сизларнинг орангизда (яхшилик ва тоат-ибодат томонга) илгарилаётган ёки (куфру исён томонига) чекинаётган кишилар учун — огоҳланларувчи» бўлган чўнг (бало)лардан биридир. 38. Ҳар бир жон ўзи (ҳаёти-дунёда) касб қилган амали сабабли (дўзахда) ушланувчидир. 39. Фақат ўнг қўл эгаларигина

(яъни ҳаёти- дунёда иймон келтирганлари ва эзгу амаллар қилғанлари сабабли Қиёмат Кунидан номаи аъмоллари ўнг қўлларидан берилган саодатманд зотлар ёки балоғатга етмай вафот қилған гўдакларгина дўзахдан) **нажот топувчиidlар.** 40-41. Улар жаннатларда бир-бирлари **билаи** (дўзахга ташланган) жиноятчи-кофир ҳақида савол-жавоб қилишурлар. 42. (Улар дўзах аҳлига): «**Сизларни нима Сақарга киритди?**» (деганларида,) 43. Улар айтурлар: «**Бизлар намоз ўқувчилардан бўлмадик.** 44. **Мискин-бечорага таом берувчи ҳам бўлмадик.** 45. **Бизлар** (ботил-бехуда сўзларга) шўнғувчи кимсалар билан бирга **шўнғир эдик** (яъни, Қуръон ва пайғамбар хусусида туҳмат-ёлғонлар тўқир эдик). 46-47. **То бизларга аниқ (ўлим) келгунича бизлар Жазо — Қиёмат Кунини ёлғон дер эдик.** 48. Энди оқловчиларнинг оқлови уларга фойда бермас! 49-50-51. Нега улар худди шердан қочган ёввойи эшакларга ўхшаб бу **Эслатмадан — Қуръондан юз ўгирадилар-а?!** 52. Йўқ, (улар ҳеч қачон Қуръон оятларига қулоқ тутмаслар, балки) **улардан ҳар бир кимса ўзига очиқ сахифалар берилишини истар!** 53. Йўқ, (уларнинг кофир бўлишларига сабаб асло уларга очиқ сахифалар берилмагани эмас), **балки улар охират(га иймон келтирмайдилар ва унда бўладиган азоб-уқубат)дан қўрқмаслар** (ва шу сабабдан Қуръондан юз ўгирурлар). 54. **Ҳа, албатта у (Қуръон) бир эслатмадир.** 55. **Бас, хоҳлаган киши ундан эслатма-ибрат олур»** (Муддассир: 32-55).

Эй намозни зое қилувчи кимса! Нега Аллоҳ ва Расулидан бунчалар юз ўгирасан?!

Буюк арш соҳиби бўлган Улуғ Аллоҳдан барчамизнинг хотимамизни чиройли қилишини сўрайман. У бунга қодир Зотдир.

2011 йил 22-октябр

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

السؤال عن أربع

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мухаммад Ҳассон

Тўрт нарсадан сўралиш

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) **ишлиарингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират**

қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбариға итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Аллоҳнинг тавфиқи билан «Охират ҳовлиси» силсиласидан сизлар билан бугунги суҳбатимиз ўн бешинчи суҳбат бўлади.

Ёдингизда бўлса, бундан аввалги икки учрашувимизда қиёмат куни Аллоҳ таоло бандаларини унинг асосида ҳисоб қиладиган адолат мезонлари ҳақида сўзлаб ўтган, сўнgra биринчи бўлиб ҳисобга чорланадиган уммат билан, биринчи бўлиб ажрим қилинадиган кишилар билан, биринчи бўлиб ҳисобга тортиладиган амал билан танишиб ўтган эдик. Бугунги суҳбатимиз ҳам ҳисоб майдонида, Аллоҳ таоло хузурида туриш мавзусида давом этади. Намоз ҳақида ҳисоб қилганидан сўнг Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандадан қуидаги тўрт нарса ҳақида сўрайди:

Умрини нима билан ўтказгани ҳақида;

Илмига қандай амал қилгани ҳақида;

Молини қаердан топиб, нимага сарф қилгани ҳақида;

Жисмини нима ишларда қаритгани ҳақида.

Мана шу тўрт нарса бугунги суҳбатимиз мавзуси бўлади.

Суҳбатимизга дикқат-эътибор қаратасиз деб умид қиласман. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан сизу бизни ер юзида ҳам, ер остида ҳам, ҳисоб кунида ҳам Ўз қарами билан ўрашини сўрайман. Албатта, У Ҳалим, Мехрибон ва Раҳмли зотdir.

Шубҳасиз, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандани дунёда қилиб ўтган ҳамма амалларидан сўроққа тутади.

Аллоҳ таоло айтади: «**Ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқолича яхшилик қилса (Қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқолича ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!**» (Залзала: 7-8).

Аллоҳ таоло айтади: «**Парвардигорингиз номига қасамки, албатта, уларнинг барчасидан қилиб ўтган иш — амаллари ҳақида сўраймиз**» (Хижр: 92-93).

Унутиб юборган не-не гуноҳларингизни Аллоҳ у куни эслатиб қўяди. Яшириб ўтган қанча маъсиятларингизни Аллоҳ таоло очиб ташлайди.

Бироқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларки, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандани намоздан сўнг яна тўрт нарсадан сўроққа тутади.

Термизий «Сунан»ида, Табароний «Муъжам ус-Сағир»ида, Хатиб «Тарих»да ривоят қилган, шайх Албоний «Ас-силсилатус-саҳиҳа»да саҳиҳ санаган, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Қиёмат куни банда тўрт нарсадан – умрини нима билан ўтказгани ҳақида, илмига нима амал қилгани ҳақида, молини қаердан топиб, нимага сарф қилгани ҳақида ва жисмини қайси ишларда қаритгани ҳақида сўралмагунча қадами силжимайди» (Термизий: №2419, Албоний: Ас-силсилатус-саҳиҳа: №946).

Биринчи: Умр ҳақида сўралиш

Аллоҳ йўлидаги дўстим! Умр кишининг сармоясидир. Ким сармоясини зое қилса, аниқ зиёнкорга айланади.

Сиз ўз умрингиз бўлмиш ва сизга сездирмай ўтиб бораётган бу кунлар, бу ойлар, бу йиллардан Аллоҳ таоло ҳузурида ҳисоб бермайман деб ўйлайсизми?!

Аллоҳ таоло айтади: «**Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда** (яъни дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) **яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!**» (Ундоқ эмас)! Зотан Ҳақ Подшоҳ - Аллоҳ (бирон ишни беҳуда қилишдан) юксакдир. Ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, магар **У - улуғ арш соҳиби барҳақдир** » (Муъминун: 115-116).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: «**Инсон ўзини** (бу дунёда дину иймонга буюрилмасдан, охиратда эса қайта тирилиб ҳисоб-китоб қилинмасдан) **бекор ташлаб қўйилишини ўйларми** (тамаъ қилурми)?!

Ахир у (бачадонга) **түкиладиган манийдан бир** (хақир) **нұтфа** **эмасми?! Сүнгра лахта қон бўлди.** **Бас,** (Аллоҳ уни) **яратиб, расо** (инсон) **қилди.** **Сўнг ундан эркак ва аёл жуфтларини** (пайдо) **қилди.** **Ана шу** (Аллоҳ) **ўликларни тирилтиришга қодир эмасми?!** (Албатта Аллоҳ бунга қодирдир)!» (Қиёмат: 36-40).

Ана шундай зот бўлмиш Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларни дунёда қилиб ўтган каттаю кичик амалларидан ҳисоб беришлари учун қайта тирилтиришга ва йўз ҳузурида тургизишга қодир эмасми?!

Эй мусулмон! Кунлар ўз ортидан ой ва йилларни эргаштириб ўтиб бораверади. Бир авлод ортидан иккинчисининг умри поёнига етмоқда. Охир оқибат бу дунёдан ўтиш ва Буюк Подшоҳ ҳузурида туриш бордир.

Яшаб ўтган умрнинг ҳар соатидан, ҳар кунидан, ҳар ойидан, ҳар йилидан, қўйингки умрнинг ҳаммасидан ҳисоб бериш турибди олдимизда!!

Ҳасан ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Эй одамзот! Сен кунлар йифиндисидан иборатсан. Бир кунинг ўтгани бир бўлагинг ўтганидир, бир бўлагинг ўтганинг ҳамманг ўтганидир».

Ҳасан ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ яна айтадилар: «Ҳар бир кун тонг отаркан, ҳол тили билан: «Эй одамзот, мен янги яратилган кунман, сенинг амалингга гувоҳман, мени ғанимат билгин, кетсам то қиёматгача қайтиб келмайман», деб нидо қиласди».

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтардилар: «Аллоҳга қасамки, қуёши ботиб, умрим муҳлати бир кунга қисқарган, аммо амалим зиёда бўлмаган кунга ачинганимча бирор нарсага ачинмадим».

Умр ҳақиқий сармоядир. Қасамки, бизга ушбу муборак сармоя ўйин-кулги ва енгил-елпи ҳаёт кечириш учун берилмаган! Қасамки, биз беҳуда ишлар учун яралмаганмиз, улуғ ғоя ва буюк мақсадлар учун яратилганмиз.

Аллоҳ жалла ва ало айтади: **«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** (Ваз-зарият: 56).

Аллоҳ таоло халқларини мана шу мақсад учун яратган. Қасамки, биз умрларимизни бечора умматимиз ҳаётида жиддий ишга айланиб қолган сериаллар, спорт мусобақалари, филмлар томоша қилиш, беҳуда ўйин-кулгилар учун яратилган эмасмиз.

Қуръони каримда Аллоҳнинг пайғамбари Яхё алайҳиссалом ҳақларида келган мана бу сўзлар нақадар гўзал: «(Биз унга): **«Эй Яхё, Китобни** (яъни Тавротни) **маҳкам ушлагин»**, (дедик) **ва унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат-маърифат ато этдик» (Марям: 12).**

Жумҳур муфассирлар сўзларига кўра, Аллоҳ таоло унга гўдаклик чоғидан ҳикмат-донишмандлик ато этган экан. Пайғамбарлик берилишидан олдин бир куни тенгдошлари унинг олдига келиб: «Юр, ўйнаймиз, эй Яхё», дейишганида у: «Аллоҳга қасамки, биз ўйин-кулги учун яратилган эмасмиз, Аллоҳга қасамки, биз беҳудалик ва лаҳв учун яратилган эмасмиз», деб жавоб берган экан.

Ҳа.. Аллоҳга қасамки, биз умрларни зое қилиш учун яратилган эмасмиз.

Аксарият одамлар деярли ҳамма вақтини телевизор олдида ўтказадиган бўлиб кетган. Ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил алиййил азийм.

Эй бепарволик билан умрини зое қилаётган инсон! Унутмагин, ўтаётган мана шу соатларинг учун албатта ҳисобга тортиласан!

Эй умрини ғафлатда ўтказаётган инсон! Унутмагин, дунё ҳаёти ҳар қанча узоқ бўлмасин, барибир қисқа.. Дунё ҳар қанча улкан бўлмасин, барибир ҳақир.. Чунки, кеча ҳар қанча узун бўлмасин, барибир тонг отиши бор.. Умр ҳар қанча узун бўлмасин, барибир қабрга кириш бор.

Набий соллалпоҳу алайҳи ва саллам орзу-ҳавасларга берилишдан огоҳлантириб, Ибн Умар розияллоҳу анҳумога айтганлар: **«Дунёда ғариб ёки йўловчидек бўл»** (Имом Бухорий ривояти: 6413).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтардилар: «Кун ботса, тонгни кутма, кун чиқса, кеч бўлишини кутма» (яъни, ҳозирги умрингдан фойдалан, амал қил. Кечгача ё эртагача бормисан ё йўқмисан. Тарж).

Иброҳим Адҳамдан сўрадилар: – Эй Иброҳим, қандай қилиб дунёдан зоҳид бўла олдингиз?.

Иброҳим деди: – Уч нарса билан.

- Нима у уч нарса?
- Қабрни ваҳшатли эканини, унда менга бирон муnis, ҳамдам бўлмаслигини кўрдим. Йўлнинг узоқлигини, ёнимда эса йўл озуқаси йўқлигини кўрдим. Осмонлару Ернинг Парвардигори қози

бўлишини, ундан мени ҳимоя қиласиган ҳимоячим йўқлигини кўрдим.

Севикли биродарларим! Дунёning ҳаммаси заволга юз тутади, умринг охири фанодир.

Улкан бойлик соҳиби бўлган Султон Фотих Муҳаммад ибн Маликшоҳ ўлим тўшагида ётаркан: «Қўл остимдаги барча қул-чўриларимни, ходиму ходималаримни, мол-дунё-ю дурру жавоҳирларимни ҳузуримга келтиринглар, лашкаримнинг барини ҳозир қилинглар», деб буюрди. Сўнг султон ўзининг шу қадар улкан мулкига боқиб, йиғлади ва: «Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, агар ўлим фариштаси рози бўлса, мана шу мулкимнинг ҳаммасини бериб, жонимни қутқариб олган бўлардим», деди.

Сўнг ўзининг лашкарига боқиб, деди: «Аммо, булар, Аллоҳга қасамки, менинг умримга бир соат ҳам қўшиб беролмайди».

Сўнг фарёд қилиб деди: «**Менга** (не мاشаққатлар билан топган) **мол-дунёйим асқотмади-я!** **Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!**» (Ал-ҳааққа: 28-29).

Самодаги булатга хитоб қилиб: «Эй булат, истаган ерингга ёмғирингни тўқ, иншооллоҳ, барибир хирожи менинг хазинамга келиб тушади!», деган Ҳорун ар-Рашид бир кун келиб, ўлим тўшагида ётганида яқинларига: «Мени ўзим қўйиладиган қабрга олиб боринглар», деди. Уни қабр ёнига олиб келдилар. Шунда қабрга қараб йиғлади ва осмонга қараб: «Эй мулку салтанати абадий Зот! Салтанати қўлдан кетган кимсага Ўзинг раҳм қилгайсан», деди..

*Ғўрлик даврингда ўтган
Ишларингни қўй энди,
Гуноҳларингни эслаб,
Кўзингдан ёш қўй энди.*

*Гарчи сен эдинг ғофил,
Икки фаришта огоҳ,
Сен маъсиятга машғул,
Улар ёзишга, эвоҳ!*

*Бу жон сенга берилган
Омонатдир билсанг гар.
Эгасига у бир кун
Албатта қайтарилар.*

*Сен алданиб, ортидан
Елиб-югурган дунё
Ховлидир бир ўткинчи,
Алдамчи мисли рүё.*

*Билки, кечаю кундуз
Олганинг ҳар бир нафас
Ҳисоблидир барчаси,
Кетмагай беиз, абас.*

«Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда (яъни дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) **яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилемайсизларми?!**» (Ундоқ эмас)! Зотан Ҳақ Подшоҳ - Аллоҳ (бирон ишни беҳуда қилишдан) юксакдир. Ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, **магар У - улуг арш соҳиби барҳақдир** » (Муъминун: 115-116).

Азиз биродарим! Қиёмат куни умрингиздан сўралмагунча қадамингиз қимирилмайди.

Эй ғафлат ичра қимматбаҳо матоси ва ҳақиқий сармояси бўлган умрини зое қилиб юрган инсон, кўзингни оч!! Унутмагинки, ўтаётган ҳар бир кунинг сени дунёдан узоқлаштириб, охиратга яқинлаштироқда!

Луқмон ҳаким фарзандига деди: Эй фарзанд! Сен дунёга келган кунингдан бошлаб, дунёни орtingда қолдириб, охират сари юриб бормоқдасан.. Сен ўзинг яқинлашиб бораётган ҳовлига узоқлашиб бораётганинг ҳовлидан кўра яқинроқсан..

Фузайл ибн Иёз бир кишидан сўради:
- Ёшингиз нечада?
- Олтмишда, - жавоб берди у.

- Демак, сиз олтмиш йилдан бери Аллоҳ ҳузурига қараб бораяпсиз экан, етишингизга ҳам оз қолибди.
- Инна липлахи ва инна илайхи рожиуун (Ҳаммамиз Аллоҳникимиз ва Аллоҳ ҳузурига қайтамиз), - деди киши.
- Эй биродар, бу сўзларнинг маъносини биласизми? – сўради Фузайл.
- Ҳа, биламан. Мен Аллоҳнинг бандасиман ва Унинг ҳузурига қайтаман.
- Эй биродар! Ким ўзининг Аллоҳга банда эканини ва Унга қайтажак эканини билса, ўзининг Унинг олдида туришини билади. Ким Унинг олдида туришини билса, ўзининг сўроққа тутилажак эканини билади. Ким ўзининг сўроққа тутилишини билса, саволга жавобини тайёрлаб қўйсин.
- Чораси нима? – сўради ҳалиги киши йиғлаб.
- Осон – деди Фузайл.
- Менга айтиб беринг, Аллоҳ сизга раҳматини ёғдирсан.
- Қолган умрингизда Аллоҳдан тақво қиласиз, Аллоҳ ўтган ва бўлажак гуноҳларингизни кечиради.

Иккинчи: Билган илмига қандай амал қилгани ҳақида сўралиш

Яхши билингки, эртага, қиёмат куни жумъа хутбаларида эшитган ё илм мажлисларида эшитган ё китобдан ўқиб билган ҳар бир калима ҳақида сўроққа тутиласиз. Ўқиган-билган илмингиздан сўраласиз, илмингга қандай амал қилдинг, деган савол сизга кўндаланг бўлади! Ўйлаб кўринг, қачонлардан бери, қанчалаб марта Аллоҳнинг каломини эшитганмиз?! Қачонлардан бери, қанчалаб марта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини эшитганмиз?! Шундай бўлгани ҳолда, билган нарсамиз, яъни илмимиз билан унга амал қилиш ўртасида жуда катта жарлик борлиги кўриниб туради. Мана шу жарлик нифоқ сабабларидан биридир, агар билсангиз!

Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани айтасизлар?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган нарсани айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур (ишдир)» (Саф: 2-3).

Аллоҳ таоло айтади: «**Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб** (Таврот) **тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?**» (Бақара: 44).

Аллоҳ таолодан барчамизга сўзу амалда сидқу ихлос ато этишини сўрайман.

Севикли дўстларим! Илм бу ҳаётда талаб қилинадиган энг қимматбаҳо матодир. Ҳеч шубҳасиз, Аллоҳни таниш, дунёю охиратда Унинг розилигига етиш йўли фақат шаръий илм ўрганиш орқали бўлади. Илм йўлида мол сарф қилинади, илм учун умр сарф қилинади, илм учун вақт сарф қилинади. Катта фидокорлик талаб қилувчи энг қимматбаҳо нарса ҳам илмдир. Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарига бирон нарсада зиёдалик талаб қилишни буюрмагани ҳолда, фақат илмда зиёдалик талаб қилишга амр этди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва салламга хитобан шундай деди: **«Айтинг: Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин»** (Тоҳа: 114).

Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳдан бандалари орасидаги олимларгина қўрқур»** (Фотир: 28).

Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур»** (Мужодала: 11).

Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай барҳақ тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи ҳақлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай барҳақ тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи ҳақдир. У қудратли, ҳикмат эгасидир»** (Оли Имрон: 18).

«Саҳиҳайн»да Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Албатта Аллоҳ илмни бандалари (қалби)дан суғуриб олиш билан олиб қўймайди, балки илмни олимларни олиш билан олиб қўяди. Ҳатто бирон бир олимни қолдирмагач, одамлар жоҳил кимсаларни ўзларига бош қилиб олишади, улардан (фатво) сўралганда илмсизлик билан фатво бериб, (ўзлари ҳам) адашиб, (бошқаларни ҳам) адаштиришади»** (Бухорий: 1/174, Муслим: №2673).

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Аллоҳ кимга яхшилик истаса, уни динда фақиҳ-олим қилиб қўяди**» (Бухорий: 3116, Муслим: №1037).

«Саҳиҳайн»да ривоят қилинган яна бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Алий розияллоҳу анҳуга айтгандар: «**Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сен сабабли бир кишини ҳидоят қилиши сен учун қизил туялар бўлишидан кўра яхшироқдир**» (Бухорий: №3701, Муслим: №2406).

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва бошқалар ривоят қилган ва шайх Албоний ҳасан санаган, Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтгандар:

«Ким илм талабида бир йўлга кирса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўюр. Дарҳақиқат, фаришталар илм толибининг бу қилган ишидан рози бўлиб, ўз қанотларини унинг оёқлари остига тўшарлар. Олимга осмонлару-ердагилар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам дуо-истигфор айтадилар. Олимнинг обиддан афзаллиги худди тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир. Дарҳақиқат, уламолар пайғамбарларнинг меросхўрларирилар, пайғамбарлар эса тилла ҳам, кумуш ҳам мерос қолдирмаганлар, балки илмнигина мерос қилиб қолдирганлар. Кимда-ким уни олган бўлса, мўл улушни олибди» (Абу Довуд: №3641, 3642, Термизи: №2683, 2684, Саҳиҳулжомиъ: №6297).

Аллоҳ кимга илм ато этган бўлса, унга ҳамма яхшиликни ато этибди. Чунки, Аллоҳ таоло дунёни Ўзи яхши кўрган кишисига ҳам, сўймаган кишисига ҳам бераверади. Аммо, динни фақат Ўзи сўйган бандасига беради. Аллоҳ кимга яхшилик истаса, уни динда фақиҳ, яъни олим қилиб қўяди.

«Саҳиҳ Муслим»да ва бошқа ҳадис тўпламларида ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтгандаридек: «**Инсон вафот этгач, барча амаллари ундан узилади: фақат учта амали(дан савоб келиб туради): садақаи жориядан, фойдаланиб туриладиган илмдан ва ҳаққига дуо қилиб турадиган солих фарзанддан**» (Муслим: №1631, Абу Довуд: №2880, Термизий: №1376).

Агар илм сизнинг қалбингизни ва аъзоларингизни амалга ва Аллоҳнинг тақвосига қўзғотолмаса, у илмда на яхшилик, на барака бор.

Илм агар амалга етакламаса, унинг нима фойдаси бор?! Илм агар сизу бизни Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога яқинлаштирмаса, унинг нима фойдаси бор?!

Диллар агар еру осмонлар Парвардигорига ибодат қилмаса, у дилларни ларзага келтирадиган бу маъruzаларнинг, хутбалару таъсирчан сўзларнинг нима фойдаси бор?!

Бу илм бизга Аллоҳдан қўрқишни олиб келмаса, бу илм қалбимизга тақво ҳосил қилмаса, унинг нима фойдаси бор?!

Бу илм бизга суннатга муҳаббат ва бидъатга нафрат олиб келмаса, унинг нима фойдаси бор?!

Ином Шотибий ўзининг қимматли «Ал-мувофақот» номли китобида айтади: «Амални ифода этмайдиган ҳар қандай илмни шариатда яхши санашга далолат қилувчи нарса йўқдир».

Аллоҳ таоло айтади: «**Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?**» (Бақара: 44).

«Саҳиҳайн»да Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Қиёмат куни бир кишини олиб келиниб, дўзахга улоқтирилади. Ичаклари қорнидан чиқиб кетиб, улар билан тегирмон айлантираётган эшакдек (доира шаклида) айланаверади. Жаҳаннам аҳли унга йиғилиб келиб:** «Эй фалончи, сизга нима бўлди, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб юрган эмасмидингиз ахир?», дейишади. «**Ҳа, яхшиликка буюрардим-у, ўзим қилмас эдим, ёмонликдан қайтарар эдим-у, ўзим қилаверар эдим», дейди**» (Бухорий (6/238), Муслим (№2989).

Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фойдасиз илмдан паноҳ тилардилар. «Саҳиҳ Муслим» ва «Сунан ут-Термизий»да Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуоларида шундай дердилар:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ وَمِنْ قُلْبٍ لَا يَخْشَعُ وَمِنْ نَفْسٍ لَا تَشْبُعُ وَمِنْ دَعْوَةٍ لَا يُسْتَجَابُ لَهَا

«Эй Аллоҳим, мен фойдасиз илмдан, хушуъсиз қалбдан, тўймас нафсдан ва қабул қилинмас дуодан Ўзинг паноҳ беришингни тилайман» (Абу Довуд (№1548), Насоий (8/263) ривоятлари).

Абуд-Дардо розияллоҳу анҳу айтадилар: «Қиёмат куни мендан: «Илм ўқидингми ё жоҳил бўлдингми?» деб сўралса, мен: «Илм ўқидим» десам, шунда Аллоҳнинг Китобидан биронта ҳам буюрувчи ё қайтарувчи оят қолмасдан, ҳаммаси менинг олдимга келиб, унга амал қилганимдан сўраса, буюрувчи оят келиб: «Буйруғимга бўйсундингми?!», деса, қайтарувчи оят келиб: «Қайтариғимдан тийилдингми?!», деса, мен ана шундан қаттиқ қўрқаман. Бас, шундоқ экан, мен фойдасиз илмдан, хушуъсиз қалбдан, тўймас нафсдан ва қабул қилинмас дуодан Аллоҳнинг Ўзидан паноҳ тилайман» (Байҳақий, Доримиий, Ибн Абдилбар ривоят қилганлар).

Илм кўп ривоят қилиш дегани эмас, ҳақиқий илм Аллоҳдан қўрқув олиб келадиган, амалга чорлайдиган илмдир.

Алий розияллоҳу анҳу айтадилар: «Эй илм аҳли, унга амал қилингиз! Зеро, олим – илм ўқиган, сўнг амал қилган ва илми амалига мувофиқ келган кишидир. Ҳали шундай қавмлар келадики, илмлари ҳалқумларидан ўтмайди, ичлари ташларига зид келади, илмлари амалларига хилоф бўлади, бир-бирларига мақтанишиб, ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтиришади, ҳатто бир киши ўз ҳалқасидаги киши бошқа бир ҳалқага бориб ўтиrsa, ундан ғазабланади ва уни тарк қиласди. У кишиларнинг бу амаллари Аллоҳ азза ва жалла хузурига кўтарилемайди».

Молик ибн Динор раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Олим агар илмига амал қилмаса, унинг мавъизаси қалбларда худди ёмғир томчиси силлик тошда ўрнамаганидек ўрнамайди.

Ибн Саммок раҳимаҳуллоҳ айтганлариdek, қанча-қанча Аллоҳни эслатувчи кишилар бўладики, ўзлари Уни унугтан бўлади. Қанча-қанча Аллоҳдан қўрқитувчилар бўладики, ўзлари Аллоҳдан қўрқмайдиган бўлади. Қанча-қанча Аллоҳга яқинлаштирувчилар бўладики, ўзлари Аллоҳдан узоқ бўлади. Қанча-қанча Аллоҳга чорловчилар бўладики,

ўзлари Аллоҳдан қочувчи бўлади. Қанча-қанча Аллоҳнинг Китобини ўқувчилар борки, ўзлари Аллоҳнинг оятларидан сууриловчи бўлади.

Модомики, илм ўз эгасини Аллоҳ жалла ва алога бандалик қилдирмас экан, унинг асло қиймати йўқдир. Илм ўз эгасини Аллоҳ жалла ва алога яқинлаштирмас экан, унинг ҳеч қандай вазни йўқдир. Илм ўз соҳибига Аллоҳдан қўрқувни келтирмас экан, унда яхшилик йўқдир. Шаръян эътиборли илм – ўз соҳибини Аллоҳнинг амрларига бўйсуниш ва қайтариқларидан тийилиш ҳамда Аллоҳнинг ҳад-ҳудудларида туриш орқали Аллоҳга яқинлаштирадиган ҳар қандай ишга мажбурлайдиган илмдир.

Қиёмат куни банда то илмига қандай амал қилгани ҳақида сўралмай туриб, унинг қадами ўрнидан жилмайди.

Учинчи: Молини қаердан топгани ва нималарга сарфлагани ҳақида сўралиши

Мол энг катта неъматлардан биридир. Мол-дунё ва бола-чақа дунё ҳаёти зийнатидир.

Аллоҳ таоло айтади: «**Мол-мулк, бола-чақа шу ҳаёти дунё зийнатидир**» (Каҳф: 46).

Эътибор беринг, ушбу оятда Аллоҳ таоло мол-мулкни бола-чақадан олдин зикр қилди. Мол-мулк зийнатидир, улкан неъматдир. Лекин, бу неъматнинг қадрини молдан бўлган ғоя-мақсадни тўғри англаган кишигина билади. Мол нақадар яхши неъматдир агар унинг жилови солих кишилар қўлида бўлса!!

Мол-мулк неъматдир, унинг қадрини фақат молдан бўлган мақсадни яхши тушунган, молнинг йўқолиб кетувчи соя ва қайтариб олинадиган омонат эканини яхши англаган солих ва тақволи зотлар билади.

Мол-мулк Аллоҳ таоло томонидан сизга ато этилган неъматдир, Аллоҳ таоло сизни у билан зийнатлаган зийнатдир.

Лекин, билиб қўйинг, мана шу мол-мулкнинг ҳаммасидан сўраласиз, қаердан топганингиз ва нима ишларга сарфлаганингиз ҳақида жавоб берасиз. Ҳа, жиддий ўйлаб кўрсангиз, бу жуда оғир савол! Банданинг қалбига қўрқув соладиган ва молни қўлга киритишдан олдин ўз нафсини минглаб марта саволга тутишга мажбур этадиган савол!

Эй ҳаром нарсалар билан савдо қилувчи, мол-дунё йиғишдан бошқа ғами бўлмай, жигарбандларимиз жисмларини тилка-пора қилувчи гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи! Кўзингни оч, эртага бу ҳаром йўллар билан топган молингнинг ҳисобини қандай берасан?! Махфию ошкор барча нарсани билувчи Зот ҳузурида ҳисобга туришдан, молингни қаердан топдинг ва нима ишларга сарф этдинг, деган саволга тутилишдан олдин, шу бугун молингни тозалаб ол!

Мол нақадар яхши неъматdir агар унинг жилови солиҳ кишилар қўлида бўлса!!

Молдан бўлган ғоя-мақсад нималигини, молнинг инсон ҳаётидаги вазифаси нимадан иборат эканини яхши билувчи тақволи мўмин учун мол-дунё улкан неъматdir.

Бинобарин, «Саҳиҳайн»да ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллалпоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек:

«Фақат икки нарсага ҳасад (яъни ҳавас) қилса бўлади: Аллоҳ таоло бировга мол-давлат берса ва у кеча-кундуз молидан инфоқ-эҳсон қилса. Аллоҳ таоло бировга Қуръон ато этса ва у кеча-ю кундуз Қуръон (ўқиш, унга амал қилиш) билан қоим бўлса!» (Бухорий: №9/65, Муслим: №815).

Имом Аҳмад ва Термизийлар ривоят қилган, шайх Албоний саҳих санаган, Абу Кабша ал-Анморий розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади:

«Уч нарсани қасам билан айтаман ва сизларга битта ҳадис айтиб бераман. Эслаб қолинглар: Банданинг моли садақа туфайли камайиб қолмайди. Бир banda кўрган зулмига сабр қилса, Аллоҳ унинг азизлигини орттиради. Банда агар сўраниш (тиламчилик) эшигини очаркан, Аллоҳ унга фақирлик эшигини очгай. Энди сизларга битта ҳадис айтиб бераман, эслаб қолинглар: Дунё тўрт нафарникидир. Биринчиси шундай кишики, Аллоҳ таоло унга мол-дунё ва илм берган. Ушбу нарсалар ҳақида у Раббидан тақво қилади, силаи раҳм қилади ва бу нарсалардаги Аллоҳнинг ҳақини танийди. Бу энг олий мартабадаги кишидир. Иккинчи бир кишига Аллоҳ таоло илм берган, лекин мол-дунё бермаган. У сидқи ният билан айтадики: «Агар менда ҳам мол-дунё бўлганда мен ҳам

фалончи сарф қилганидек сарф қилардим.» Бу икки киши ажр борасида тенгдирлар. Учинчиси шундай бир кишики, Аллоҳ таоло унга мол-дунё бергану, илм бермаган. У мол-дунёсини жоҳиллик билан нотўғри тасарруф этади. Моли хусусида Аллоҳдан тақво қилмайди. Моли билан силаи раҳм қилмайди. Молидаги Аллоҳнинг ҳақини танимайди. У энг ёмон манзилатдаги кишидир. Тўртинчиси шундай кишики, Аллоҳ таоло унга илм ҳам, мол-дунё ҳам бермаган. У айтадики: «Агар менда ҳам мол-дунё бўлганда эди, мен ҳам фалончи қандай сарф қилган бўлса шундай сарф қилардим». Унинг ҳоли ниятига қарабдир. Бу иккаласи гуноҳ борасида тенгдирлар» (Термизий: 2326, Аҳмад: 4/230, Ибн Можа: №4228).

Мол қачонки ундан бўлган ғояни биладиган бир солиҳ кишининг қўлига тушсагина неъматга айланади. Ортимизда қолдириб кетадиган молимиз бизнинг молимиз бўлмайди, энди у аллақачон ворисларнинг молига айланган бўлади. «Саҳихул Бухорий»да Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Қай бирингизга ворисининг моли ўзининг молидан суюмлироқ?»**, дедилар. «Ё Расулуллоҳ, ҳаммамизга ҳам ўз моли ворисининг молидан кўра суюмлироқ», деб жавоб беришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Албатта, (охирати учун) юбориб қўйгани ўз молидир, ортида қолдиргани эса ворисларининг молидир»**. (Бухорий: №6442).

«Саҳих Муслим»да Абдуллоҳ ибн Шиххир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бордим, у зот: «Алҳакумут-такасур» сурасини ўқиётган эканлар. Айтдилар: **«Одамзот: «молим, молим» дейди. Эй одамзот, сенга молингдан фақат еб-тугатганинг ё кийиб-эскиртирганинг ёки садақа қилиб, (охиратингга) ўтказиб қўйганингдан бошқа бирон нарса борми?!»**. (Муслим: №).

Шунинг учун ҳам «Сунан ут-Термизий»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: «Бир қўй сўйилди ва садақа қилинди, фақат курагигина қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Қўй гўштидан бирор нарса қолдими?»** деб сўрадилар. «Фақат кураги қолди», дедилар. **«Курагидан бошқа ҳамма жойи**

қолибди», дедилар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Термизий: №2472, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2544).

Эртага қиёматда, мол-дунё ҳам, фарзандлар ҳам фойда бермайдиган кунда амалларингиз тарозисида фақат садақа қилиб юборган ўша молингиз қолади.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу ҳадисларига қулоқ солинг. «Саҳиҳ Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилингандан ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Аллоҳ пок Зот, фақат покиза нарсаларни қабул қиласди, Аллоҳ таоло пайғамбарларга буюрган нарсани мўминларга ҳам буюрди: «Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан енглар ва яхши амаллар қилинглар!» (Муъминун: 51), **«Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз — покиза нарсалардан енглар»** (Бақара: 172). Сўнг у зот узоқ йўл босиб, чангга беланганд, қўлларини кўкка чўзиб: «Эй Парвардигорим, эй Парвардигорим!», деб дуо қилаётган, бироқ егани, ичгани, кийгани ҳаром бўлган ва ҳаром билан озиқланган киши ҳақида сўзлаб: **«Унинг дуоси қандай ижобат бўлсин?!»**, дедилар (Муслим: №1015, Термизий: №2992).

Ҳаром еган одамнинг дуоси қандай ижобат бўлсин?! Ҳаром ичган одамнинг дуоси қандай ижобат бўлсин?! Бола-чақасига ҳаром едириб-ичирган одамнинг дуоси қандай ижобат бўлсин?! Ҳозирги пайтда ҳалол-пок емак-ичмак талаб қилиш борасида жуда катта эътиборсизлик кўзга ташланади. Одамларни қўрасизки, қандай қилиб бўлмасин, мол-дунё жамғариш пайида, ҳалолдан топадими, ҳаромданми, ҳатто судхўрлик қилиб топадими, одамларнинг молларини ботил йўл билан қўлга киритиш биланми, фарқсиз, мол йиғса бўлди!! Ваҳоланки, бу дунёдан кетар пайти бир дирҳам ё бир доллар ўзи билан олиб кетолмайди!

Шеър (мазмуни):

Нафс камбағаллиқдан қўрқиб, оҳ-воҳ қиласди,
Ҳолбуки, фақирлик туғёнга етакловчи бойлиқдан яхшидир.
Нафсларнинг бойлиги борига қаноат қилишдир,
Акс ҳолда ер юзининг ҳамма бойлиги ҳам етмайди.
Қаноатни лозим тут, подшоҳга айланасан
Гарчи тан соғлигидан бошқа ҳеч нарсанг бўлмаса ҳам.

Бутун дунёга подшоҳ бўлган кишини кўр,
Кетар чоғи хушбўйлигу кафандан бошқасини олиб кета олдими?!
Ҳа.. Қиёмат куни банда молини қаердан топиб, нимага сарф қилгани
ҳақида сўралмагунча қадами силжимайди..

Тўртингчи: Жисмини нима ишларда қаритгани ҳақида сўралиши
Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта, қулоқ, қўз, қалб — буларнинг
барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур**» (Исро: 36).

Қалб ўзида жо бўлган эътиқоддан сўралади. У Аллоҳ ва Расулининг муҳаббати билан тўла бўлганми, мўминларга муҳаббат руҳи билан суғорилганми, шу билан бирга ширкка, мушрикларга, ботил ва унинг аҳлига нисбатан нафратга тўла бўлганми, мана шу ҳақда сўралади.

Қулоқ ўзи эшитган ҳар бир нарса тўғрисида, қўз ўзи кўрган ҳар бир нарса тўғрисида сўроққа тутилади.

Банда Аллоҳ ҳузурида фақат мана шу аъзоларидангина сўралади, деб ўйлайсизми?!

Йўқ.. Ундей эмас.. Бутун жисмидан, баданидаги ҳамма аъзоларидан сўроққа тутилади.

Жисмидаги аъзолари ўзлари воситасида унинг нима қилгани, нима қўйгани, қаерга боргани, нималар дегани, нимани кўргани, нимани эшитгани, нимани яхши кўргани, нимани ёмон кўргани... ҳақида гувоҳлик беради. Қўл-оёғи ва барча аъзолари унга қарши шоҳидлик беришади.

Аллоҳ таоло айтади:

«Бу кун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз. Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида — уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур» (Ясин: 65).

Аллоҳ таоло айтади:

«Аллоҳнинг душманлари дўзахга (ҳайдалиш учун) тўпланиб, тизилиб турадиган Кунни (эсланг). Энди қачонки улар (дўзахга) келишгач, (ҳаёти дунёда қилиб ўтган куфру исёнлари ҳақида сўралади, лекин улар ўз қилмишларидан тонишга уринадилар. Шунда) уларнинг қулоқлари, қўзлари ва терилари улар қилиб ўтган нарсалари ҳақида ўзларига қарши гувоҳлик беради. Улар териларига «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?», дейишганида, (терилари): «Бизларни

барча нарсани сўзлатган зот Аллоҳ сўзлатди, дедилар. Сизларни дастлаб У яратган ва сизлар яна Унинг Ўзигагина қайтариурсизлар», » (Фуссилат: 19-21).

Бутун баданингиз сизга қарши гувоҳлик беради. Сиз ҳали бу жисмни нима ишлар устида қаритганингиз ҳақида сўроққа тутиласиз. Жисмингизни дунё ва охират ишларида қаритмоқдамисиз ё фақат дунё иши билангинами?!

Инсон жисмини дунё ва охират ишларида қаритса, заари йўқ. Аммо, агар ўз жисми ва жасадида бўлган Аллоҳнинг ҳаққини, охират ҳаққини зое қилиб туриб, уни фақат дунё ишларида қаритган бўлса, мана шуниси зарар ва ўзи учун ёмон зиёнкорлик бўлади.

Аллоҳ йўлидаги дўстим! Майли, тижорат қилинг, дунёнгизни обод қилинг, бунёдкорлик билан машғул бўлинг, ҳалолдан мол жамғаринг. Лекин, Аллоҳ таборака ва таолонинг ҳаққини ҳам унуманг! Дунёнгиз учун абадий яшайдигандек, охиратингиз учун эса худди эртага ўладигандек амал қилинг. Бу иккисини бирга олиб боришнинг зарари йўқ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Аллоҳим, мен учун ишларимнинг ҳаммасини саломат сақловчи бўлган динимни, тирикчилигим бўлган дунё ҳаётимни, оқибатим бўладиган охиратимни ислоҳ этгайсан**» деб дуо қилардилар (Муслим: №2720).

Бутун умрингизни дунё учун сарфлаб, охиратни эсдан чиқариб қўйманг. Қиёмат куни бўлганида дунёга қайтарилишни истаб қоласиз, қанийди қайтаришсан, фақат охиратим учун амал қилган бўлардим, деб орзу қилиб қоласиз.

Аллоҳ таоло айтади:

«97. Айтинг: «Парвардигорим, мен Сендан шайтонларнинг васвасаларидан паноҳ беришингни сўрайман.

98. Яна мен Сендан (ё) Парвардигорим, улар менинг ҳузуримга келишларидан паноҳ беришингни сўрайман».

99. Токи қачон улардан (яъни иймонсизлардан ёки иймонни даъво қилиб Аллоҳнинг буйруқларига амал қилмаганлардан) бирига ўлим келганида: «Парвардигор, мени (яна ҳаётга) қайтаринглар.

100. Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсан», деб қолур. Йўқ! (У асло ҳаётга қайтаришмас). Дарҳақиқат бу (ҳар бир жон

бераётган кофир) айтадиган сўздир. Уларнинг ортида то қайта тириладиган кунларигача (дунёга қайтишларидан тўсиб турадиган) бир тўсиқ бўлур» (Муъминун: 97-100).

Шундай экан, шу бугун, ортга қайтишни орзу қиладиган кун келмасдан туриб, дунё ва охират учун амал қилиб қолинг.

Шуни яхши билингки, бир умр охиратни унутиб, фақат дунё учун ишлаб ўтганингизда ҳам дунёдан Аллоҳ тақдир қилгандан ортиқ нарсага эришолмайсиз. Мана бу ҳадисни бир тадаббур қилиб кўринг. Термизий ва бошқалар ривоят қилган, шайх Албоний саҳих санаган бу ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Кимнинг ғами охират бўлса, Аллоҳ унинг бойлигини қалбида қилиб қўяди, сочилган ишларини жамлаб қўяди, дунё ўзи истамаган ҳолда унинг ҳузурига келаверади. Кимнинг ғами дунё бўлса, Аллоҳ унинг фақирлигини икки кўзи ўртасида қилиб қўяди, йиғилган ишларини сочиб ташлайди, дунёдан эса унга Аллоҳ битиб қўйганидан бошқаси келмайди**». (Термизий: 2/76, Албоний «Ас-саҳиҳа»да (№949) саҳих санаган).

Севикли дўстим! Ўзингизга бир савол бериб кўринг, жисмингизни дунё ва охират ишларида қаритмоқдамисиз ё фақат дунё ишидами?!

Аллоҳ ва Расулининг тоатида қаритмоқдамисиз ё Аллоҳ ва Расулининг маъсиятидами?!

Ўтган умрингиз ҳақида ўзингизни бир саволга тутинг, жисмингизни Аллоҳ ва Расулининг тоатига бўйсундирдингизми ё Аллоҳ ва Расулининг маъсиятигами?!

Аллоҳ сизга бу жисм неъматини у билан Ўзига осий бўлишингиз учун берганми ё Унга итоат этишингиз учунми?!

Яхши билингки, маъсият дунё ва охиратдаги барча баҳтсизликлар, танглик ва балоларнинг сабабидир. Тоат эса дунё ва охиратдаги барча муваффақият, зафар ва яхшиликлар сабабидир.

Иbn Аббос розияллоҳу анҳумо айтадилар: «Тоат таъсирида юзда нур, қалбда нур, баданда қувват, ризқда кенг-мўллик, халқлар қалбида муҳаббат ҳосил бўлади Маъсият таъсирида эса юзда қоралик, қалбда зулмат, баданда заифлик, ризқда танглик, халқлар қалбида нафрят ҳосил бўлади».

Бир киши Иброҳим ибн Адҳам ҳузурига келиб:

– Эй Иброҳим! Қандай қилиб Аллоҳ жалла ва алога маъсият қилишни тарк этсам бўлади? – деб сўради.

Иброҳим деди:

– Беш нарсани эсда тут, агар шуларга амал қилсанг, ҳаргиз Аллоҳнинг маъсиятига тушмайсан ва қадаминг тойилса, тезлик билан Аллоҳ жалла ва алога тавба қиласан.

- Майли, айтинг эй Иброҳим – деди киши.
- Биринчиси, агар Аллоҳга маъсият қилмоқчи бўлсанг, Аллоҳ берган ризқдан ема.
- Қандай қилиб, ахир ҳамма ризқ ҳам Аллоҳнинг қўлида-ку?!
- Аллоҳ берган ризқни еб туриб, Аллоҳга осий бўлишни ўзингга муносиб кўрасанми?!
- Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин, эй Иброҳим. Иккинчисини айтинг.
- Иккинчиси, қачон Аллоҳга осийлик қилишни истасанг, Аллоҳнинг мулкига дохил бўлмаган жойга бориб, ўша ерда осий бўл.
- Қандай қилиб, ахир еру осмонлар ҳаммаси Унинг мулки-ку?!
- Мулк эгасига Унинг мулкида туриб осийлик қилишдан уялмайсанми?!
- Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин. Учинчисини айтинг.
- Учинчиси, агар Аллоҳ жалла ва алога маъсият қилмоқчи бўлсанг, Аллоҳ сени кўрмайдиган жойга бориб қил.
- Қандай қилиб, Аллоҳ ҳамма жойда кўриб ва эшитиб турди-ку?!
- Аллоҳ сени кўриб турганини аниқ билиб туриб, Унга осийлик қилишдан уялмайсанми?!
- Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин. Тўртинчисини айтинг.
- Ҳузурингга жон олғувчи фаришта келганида сен унга: «Менга бир соатгина муҳлат бер, токи Аллоҳга тавба қилиб, Унинг тоатига кириб олай», деб айт.
- Қандай қилиб, эй Иброҳим?! Ахир Аллоҳ таоло айтган-ку: **«Қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соатга кетга ҳам, илгарига ҳам суро олмайдилар»** (Аъроф: 34), деб!
- Шуни билиб туриб, тавба ва солиҳ амаллар қилишни ортга суришни қандай ўзингга эп кўрасан?!

- Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин. Бешинчисини айтинг.
- Бешинчиси, жаҳаннам посбонлари сени жаҳаннамга олиб кетиш учун олдингга келганларида, асло улар билан борма!

Шунда ҳалиги одам қаттиқ йиғлади ва Аллоҳга тоат-ибодат қилишга аҳд берди.

Эй мусулмон! Аллоҳга осий бўлишдан олдин мана шу беш нарсани хаёлингдан ўтказ, билгинки, сен бир заиф инсонсан, қадаминг Аллоҳнинг маъсиятига тойилса, дарҳол тавбани янгилаб ол, унутмагинки, Аллоҳ таоло тавба қилувчиларни ва мудом ўзларини пок тутувчиларни сужди.

Дунё яралибдикি, ҳар кеча Аллоҳ азза ва жалла Ўз камоли ва жалолига муносиб қўринишда дунё осмонига тушади ва: «**Мен Подшоҳман, Мен Подшоҳман, ким Менга дуо қиласдики, ижобат қилсам?! Ким Мендан сўрайдики, унга ато этсам?! Ким Менга истиғфор айтадики, гуноҳини кечирсам?!**», дейди ва тонг отгунича мана шу ҳолат давом этади (Бухорий: №1145, Муслим: №758).

Шундай экан, севикли дўстим, Аллоҳга қайтинг, Аллоҳга тавба қилинг, мазкур тўртта саволга жавоб ҳозирлаб олинг ва унуманг: «**Қиёмат куни банда тўрт нарсадан – умрини нима билан ўтказгани ҳақида, илмига нима амал қилгани ҳақида, молини қаердан топиб, нимага сарф қилгани ҳақида ва жисмини қайси ишларда қаритгани ҳақида сўралмагунча қадами силжимайди**» (Термизий: №2419, Албоний: Ас-силлатус-саҳиха: №946).

Буюк арш соҳиби бўлган Улуғ Аллоҳдан барчамизнинг хотимамизни чиройли қилишини сўрайман. У бунга қодир Зотдир.

Дуо...

2011 йил 4-ноябр

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

القصاص

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мухаммад Ҳассон

Қасос



Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мүминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар!
(Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират
қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ
баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад
соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда)
янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса
бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга
элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Аллоҳнинг тавфиқи билан «Охират
ҳовлиси» силсиласидан сизлар билан бугунги суҳбатимиз ўн олтинчи
суҳбат бўлади.

Ёдингизда бўлса, бундан аввалги учта суҳбатимизда ҳисоб
майдонида, Аллоҳ таоло ҳузурида туриш мавзусида сўз юритган, қиёмат
куни Аллоҳ таоло бандаларини унинг асосида ҳисоб қиладиган адолат
мезонлари ҳақида сўзлаб ўтган, сўнgra биринчи бўлиб ҳисобга
чорланадиган уммат билан, биринчи бўлиб ажрим қилинадиган кишилар
билан, биринчи бўлиб у ҳақда ҳисобга тортиладиган амал билан
танишиб ўтган эдик. Аллоҳ жалла ва ало Ўзига тааллуқли бўлган ҳақ-
хукуқлар борасида бандаларни ҳисобга тортганидан сўнг энди мазолим
девонларини (яъни халқлари ўртасидаги ўзаро зулмларни кўриб
чиқадиган маҳкамалар) ўрнатишга изн беради, унда қасос ва ҳақларни ўз
эгаларига олиб бериш ишлари бўлиб ўтади. Аллоҳнинг изни билан
буғунги суҳбатимиз мана шу мавзуда бўлади.

Вақтдан унумли фойдаланиш учун суҳбатимизни қуийдаги бир неча
моддаларга бўлиб оламиз:

Биринчи: Жониворлар ўртасидаги қасос.

Иккинчи: Бандалар ўртасидаги қасос.

Учинчи: Қон ҳурмати.

Тўртинчи: Мўминлар ўртасидаги қасос.

Суҳбатимизга диққат-эътибор қаратишингизни сўрайман. Аллоҳ
субҳанаҳу ва таолодан сизу бизни сўзларни эшишиб, яхшисига
эрғашадиган кишилардан қилишини сўрайман.

Бириңчи: Жониворлар ўртасидаги қасос

Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилған ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Қиёмат куни ҳақ-хуқуқтарни ўз эгаларига албатта адо қиласизлар**».

Бир ривоятда: «**Қиёмат куни ҳақ-хуқуқтарни ўз эгаларига албатта адо қиласизлар, ҳатто шохсиз қўйга шохли қўйдан ҳам ўч олиб берилади**» (Муслим: №2582, Термизий: №2422).

«Муснад Аҳмад»да саҳих санад билан Абу Зар розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир-бири билан сузишаётган икки қўчкорни кўриб, Абу Зарга: «**Булар нимага сузишаётганини биласизми?**», дедилар. «Йўқ», дегач, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Лекин, Аллоҳ билади ва қиёмат куни шу иккиси ўртасида ҳам хукм қиласади**» (Аҳмад: №21330).

Мусулмон биродарлар! Тилсиз жониворларни ҳам қиёмат куни тирилтирилиб, бир-биридан қасос олиб берилиши ҳақидаги сўзни биз ҳақ деб эътиқод қиласиз.

Жумҳур аҳли суннанинг мазҳаби шудир. Жониворлар ўртасида қасос олиб берилиши ақлга тўғри келмайди, деган даъво билан бу бобда келган саҳих ҳадисларни рад қилиш тўғри бўлмайди.

Имом Нававий раҳимахуллоҳ айтишларича, шариатда бир лафз келган бўлса-ю, уни зоҳирича қабул қилишдан тўсувчи бирор шаръий ва ақлий монеъ бўлмаса, уни зоҳирича олиш вожиб бўлади. Шундай экан, мазкур хукмни, яъни тилсиз жониворлар ўртасида қасос олиб берилиши хукмини рад қилиш учун бу ҳадисларни таъвил қилиш мутлақо дуруст эмасдир. Агар айтилсанки, қўйнинг ақли йўқ, у мукаллаф эмас, қандай қилиб қиёмат куни ундан қасос олинади?

Бунга жавоб Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзлариdir:

«Зотан, Парвардигорингиз фақат Ўзи истаган ишни қилувчи зотдир!» (Ҳуд: 107).

«У Ўзи қиладиган бирон нарса ҳақида масъул бўлмас, улар (яъни бандалар эса қиладиган ҳар бир иш-амаллари хусусида) масъул бўлурлар» (Анбиё: 23).

Бандалар шуни яхши билишлари керакки, Аллоҳ ҳузурида ҳақ-хуқуқлар зое бўлмайди. Агар тилсиз жониворлар ва ақлсиз ҳайвонлар ўртасидаги ҳолат шу бўладиган бўлса, ақл эгалари бўлган инсонлар ўртасидаги қасос олиниши ҳолатлари ҳақида нима дейиш мумкин?!

Аллоҳ таоло ҳайвоннинг ҳайвондан ҳақини олиб берса, бандаларнинг ҳақларини, хусусан Ўзига иймон келтирган мўминларнинг ҳақларини қандай олиб бермасин?!

Иккинчи: Қиёмат куни бандалар ўртасидаги қасос

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

Бирор ўйламасинки, бирорни уриш бўлсин, сўкиш бўлсин, ҳақорат бўлсин, туҳмат бўлсин, бирорнинг ҳақини ейиш бўлсин, етимнинг молини ноҳақ ейиш бўлсин, бирорни масхара ё ғийбат қилиш бўлсин, чақимчилик қилиш бўлсин, бирорнинг обрўсими тўкиш бўлсин, хуллас бандаларга ўтказган қандай бир зулми жазосиз қолса!!

Йўқ, йўқ!! Асло ундан бўлмайди! Зулм қиёмат куни ўз эгасига зулматлар келтиради.

Эй мансабига алданиб, курсисига мағрур бўлиб, куч-қудратига суюниб, заиф-мискинларга зулм қилаётган кимса! Унутма, Аллоҳ жалла ва ало энг Қудратли Зот!! Яхши билиб ол, У эртага, қиёматда мазлумлар ҳақини золимлардан ундириб беради! Бинобарин, барча турдаги зулмдан қўлингни торт! Зоро, зулм қиёмат куни зулматларга айланади.

Шеър (мазмуни):

Зулм қилма қудратли бўлсанг-да ҳар чоқ,

Зулмнинг охирни бўлар надомат.

Ухларсан, лек мазлум кўзлари уйғоқ,

Дуосин эшиштар ухламас Бир Зот.

«Саҳиҳайн»да Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуни Яманга юбораётганларида унга бир неча қимматли насиҳатлар қилдилар. Васиятлари ичидаги жумладан, шундай дегандилар: «**Мазлумнинг дуосидан қўрқинг, чунки у билан Аллоҳ ўртасида тўсиқ бўлмайди**» (Бухорий: №4347, Муслим: №19).

Огоҳ бўлингиз, мазлумнинг дуоси Аллоҳ ҳузурига тўппа-тўғри, ҳеч қандай тўсиқсиз кўтарилади. Бинобарин, «Саҳиҳайн»да Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ таоло золимни маълум вақт қўйиб қўяди. Токи (бир куни) уни (азоб билан) ушлаганида, қутилиб чиқиб кета олмайди»**, дедилар, сўнг қуидаги оятни ўқидилар: **«Парвардигорингиз (аҳли-эгалари) золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши-азоби аламли ва қаттиқдир»** (Худ: 102) (Бухорий: №4686, Муслим: №3583).

Баъзан золим кимса Аллоҳнинг бандаларига зулм қилиб, ўз зулми билан йиллаб мағурланиб юради. Аллоҳ унга муҳлат беради, уни ўз ҳилми билан ўраб, яширади. Бироқ, золим ўз зулми ва тажовузида тобора чуқурлашиб бораверади ва бу бечора Аллоҳ ўзига муҳлат бераётганини, уни беэътибор ташлаб қўймаганини тушунмайди.

Қани зўравонлар?! Қани Кисролар?! Қани Қайсарлар?! Қани Фиръавнлар?! Қани тоғутлар?! Қани золимлар, қани зулмда уларга эргашганлар?! Фиръавн қани, Ҳомон қани, Қорун қани??!!

Шеър (мазмуни):

Ўз қудратлари билан дунёни тиз чўктирганлар қани?!

Халқлар хотирасида улар фақат зулм ва туғён билан сақланиб қолди.

Ўлим куч-қудрат эгасини қудрати сабабли аяб ўтирдими?!

Ёки сultonни салтанати ундан қутқариб қолдими?!

Йўқ, борлиқни йўқдан бор қилган Зотга қасамки,

Ҳамма фанога юз тутгай, инсон ҳам, жин ҳам.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматни зулмнинг ёмон оқибатидан огоҳлантирганлар. Ибн Можа, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ва Абу Яъло Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳасан ҳадисда айтилишича, Фатҳ йилида Ҳабашистон муҳожирлари қайтиб келганларида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга: **«Ҳабашистонда кўрганларингиз қизиқ нарсалар ҳақида бизга айтиб бермайсизларми?»**, дедилар. Шунда улар ичидағи бир йигит деди: **«Хўп, ё Расулуллоҳ! Бир куни ўтирган эдик, уларнинг роҳибаларидан бир**

роҳиба кампир бошида бир катта кўзада сув билан ўзларидан бўлган бир бир йигитнинг ёнидан ўтиб қолди. Шунда ҳалиги йигит кампирнинг елкасидан ушлаб, итариб юборди. Кампир чўккалаб қолди, бошидан кўзаси тушиб, синиб кетди. Шундан сўнг у ўрнидан туриб, йигитга қараб деди: «Яқинда биласан, эй ғаддор! Аллоҳ курсийни қўйганида, аввалгилару охиргиларни жамлаганида, қўл ва оёқлар қилган ишлари ҳақида сўзлаб берганида, эртага Унинг ҳузурида сен билан менинг ишим нима бўлишини билиб оласан!». Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Тўғри айтибди, тўғри айтибди. Зўравонларидан заифларига ҳақларини олиб берилмайдиган умматни Аллоҳ қандай покласин?!»**, дедилар (Иbn Можа (№4010) ривояти, Албоний ҳасан санаган).

Ҳа, Парвардигоримга қасамки, зўравонларидан заифларига ҳақларини олиб бермайдиган умматни Аллоҳ қандай покласин?! Ҳа, Парвардигоримга қасамки, инсонларнинг ҳурматлари эҳтиром этилмайдиган, номуслар ва насл-насаблар поклиги сақланмайдиган халқларни Аллоҳ қандай покласин?! Ораларида қонлар тўкиладиган, покиза инсонлар туҳматга учраб, золим кимсалар оппоқ бўлиб қолаверадиган умматни Аллоҳ қандай покласин?!

Бундай бузук ахлоқли уммат дунёда ёмирилишга, охиратда эса унинг золим кимсалари дўзахга маҳкумдир.

Эй мусулмонлар! Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам зулмнинг қиёмат кунидаги оқибатидан огоҳлантирганлар ва золимларни охиратга қолдирмай, шу дунёning ўзида зулмларидан қутулиб олишга чақирганлар.

«Саҳиҳул Бухорий»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Кимнинг зиммасида биродарининг обрў-номусига нисбатан қилган зулм ё (моли ё жонига қилган зулм каби бошқа) бирон нарса бўлса, шу бугун, динор ва дирҳам бўлмайдиган кун келишидан олдин ундан қутулиб олсин. (У кунда) агар унинг солиҳ амали бўлса, зулми миқдорича ундан олинади, агар савоблари бўлмаса, биродарининг гуноҳларидан олинниб, унга юкланади»** (Бухорий: №2449, Термизий: №2421).

Эй Аллоҳнинг бандалари! Золим бу дунёда у ёки бу йўл билан қутулиб кетиши мумкинdir, бироқ, қиёмат куни асло қутулиб кетолмайди. Бирон киши бўйнида бировга нисбатан қилган зулми билан бирга жаннатга кириши амри маҳолдир. Зулм қилган одам ҳатто агар иймон ва тавҳид аҳлидан бўлса ҳам, ҳисоб майдонида, адолатли маҳкамада Аллоҳ таоло уни зулмидан тозаламасдан туриб, жаннатга киритмайди.

Бас, шундай экан, кимнинг зиммасида бировга нисбатан зулм бўлса, шу бугун, Одил Подшоҳ ҳузурида туришидан олдин ундан қутулиб олсин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни асҳобларидан: «**Муфлис** (қашшоқ, сариқ чақасиз [банкрот бўлган] киши) **деб кимни айтилишини биласизларми?**» деб сўрадилар. «**Бизнингча, муфлис – на дирҳами, на бирон матоси бўлмаган одам**» деб жавоб беришди. «Умматим ичидаги муфлис шундай одамки, қиёмат куни намоз, рўза, закот билан келади, бироқ кимнидир сўккан, кимгадир тухмат қилган, кимнингдир молини еган, кимнидир қонини тўккан, кимнидир урган ҳолда келади. Шунда савобларидан унга, бунга олиб берилади, савоблари зиммасидаги ҳақлардан қутулишга етмаса, уларнинг гуноҳларидан олиниб, бунга юкланди, сўнг дўзахга отилади», дедилар (Муслим: №2581, Термизий: №2420, Саҳиҳул-жомиъ: №87).

Ўзинг сақлагайсан, Парвардигорим!!

Тасаввур қилинг.. Маҳшаргоҳ, тиқилинчдан нафаслар қайтиб кетгудек.. Қуёш бош устига яқин келтирилган ва этдан ўтиб, суюкларни ҳам эритиб юборгудек иссиқ оташ.. Унинг устига, жаҳаннамни олиб келинган, унинг етмиш минг тизгини бўлиб, уларнинг ҳар биридан етмиш минг фаришта тортиб, олиб келган.. Жаҳаннам Жаббор таолонинг ғазаби ифодаси ўлароқ, ғазабдан ўкирган ва алангаси қўкка ўрлаган.. Чунки, Парвардигор таоло ҳеч қачон у кунгидек ғазаб қилмаган, кейин ҳам ҳеч қачон у кунгидек ғазаб қилмас..

Ана шундай оғир ва даҳшатли ҳолат ичida ҳалиги золим ҳам турибди.. Ўта хор ва синик, қаттиқ қўрқув ичida, кўзлари қотиб қолган, ўнгга ҳам, сўлга ҳам, юқорига ҳам, пастга ҳам қарай олмайди, даҳшатдан кўз фақат тўғрига қараб қотиб қолган.. Юрак қўкрак қафасидан чиқиб,

бўғизга қадалиб қолган.. Шу лаҳзаларда, ана шунча мусибат орасида, ўшанча оғир машаққат ичида тураркан, тўсатдан ўзини бир тўп одамлар ўраб олаётганини кўради.. Қизиқ, ким бўлди булар?! Нега уни ўртага олишди?!. Ҳа, улар дунёда ундан зулм кўрган кишилардир. Бугун улар энди Буюк ва Одил Ҳакам ҳузурида ундан ўз ҳақларини ундириш учун даъвогар бўлиб туришади. Унга ҳар томондан осилиб, Аллоҳ жалла ва алонинг адолатли маҳкамаси сари судрашади. Ким бирори қўлидан ушлаб олган, яна бирори елкасидан тутган, яна кимдир соқолига ёпишган.. Буюк Подшоҳ ҳузурига келишгач, У адолат маҳкамаси тикланишига ва ҳақдорларга қасос олиб берилишига изн беради.

Дунёда ўзингиз зулм қилган кишиларнинг ҳаммасини олдингизда кўрасиз. Кўпларини унутиб юборгансиз.. Айримларини танийсиз ҳам.. Ҳаммаси Подшоҳ жалла ва ало ҳузурида сизга ёпишиб, ўз ҳақини талаб қиласди. Сиз бечора эса ҳасратга кўмилиб, тилингиз тутилиб, чорасизликдан бош эгиб турасиз. Ҳақдорларга ҳақларини ўтаб қўяй десангиз, на бир динор ва на бир дирҳамингиз бор.. На ҳақдорга ҳақини беришга, на бирон узр айтишга қодирсиз..

Шунда айтилади: «Унинг ҳасанотидан (ажру савобларидан) олиб, ундан зулм кўрган кишиларга беринглар!».

Қўлингиздаги номаи аъмолингизга қараб, унинг сиз умр бўйи қийналиб, қўлга киритган ажру савоблардан бўшаб қолганини кўрасиз. Шунда фарёд чекиб айтасиз: «Қани ажру савобларим?! Қани намозим?! Қани закотим?! Қани даъватим?! Қани тарқатган илмим?! Қани ўқиган қуръонларим?! Қани қилган яхшиликларим?! Қани тоат-ибодатларим?! Қани солиҳ амалларим?! Қани?!. Қани?!. Қани?!.».

Ажру савобларингиз қаерга кетганини биласизми, эй бечора?! Улар сиз зулм ўтказган кишиларнинг номаи аъмолларига кўчиб қолади!!

Ҳасанотларингиз тугаб битганидан кейин ҳам ҳақдорлар ҳали тугамаган бўлади. Улар Аллоҳ жалла ва алога мурожаат қилиб, сиздан ўз ҳақларини олиб беришини талаб қилишади. Шунда Аллоҳ таборака ва таоло дунёда сиздан зулм кўрган кишиларнинг гуноҳларидан олиб, сизга берилишига амр этади.. Номаи аъмолингизга қараб, унга ўзингиз қилмаган гуноҳлар қўшилиб қолганини кўрасиз. Фарёд қилиб айтасиз: «Эй Парвардигор! Ўзингга қасамки, мен бу гуноҳларни қилмаганман!».

«Ҳа, тўғри, уларни сен қилмагансан, улар сен дунёда зулм ўтказган кишиларнинг гуноҳларидир», дейилади сизга..

Шояд бу лаҳзалар оғирлигидан сизни қутултириб юборса, деб Хожангиз ва Сайидингизга умид ва илтижо билан боқасиз.. Бироқ, қутулиш қаерда?!.. Чунки, Аллоҳ таоло зулмни Ўзига ҳам ҳаром қилган, бандалари орасида ҳам ҳаром қилган. Ҳақ таоло айтгани каби, мана бу хитоб қулоғингиз ва юрагингизни ёриб юборгудек бўлиб янграйди:

«42. (Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиз ҳаргиз:** «**Аллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил**», деб **ўйламанг! Фақат Аллоҳ уларни(нг жазоларини) кўзлар** (даҳшатдан) **қотиб қоладиган** (қўрқинчли Қиёмат) **Кунига қолдирмоқда, холос.** **43.** (У Куни) **улар бошларини** (осмонга) **кўтарган ҳолларида** (чорланган томонга ҳисоб-китоб учун) **чопурлар.** **Кўзлари ўзларига қайтмайди** (яъни, қўрқувдан қотиб қолиб, ўзларининг қандай ҳолда эканликларини ҳам кўрмайдилар). **Диллари** (даҳшатдан) **бўм-бўш бўлиб қолур.** **44.** (Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **одамларни огоҳлантириб қўйингки, уларга азоб келар Кунда** (Қиёматда) **золим кимсалар:** «**Парвардигоро, бизларга озгина муҳлат бергин,** (яъни, бизларни дунёга қайтариб, озгина ҳаёт бергин, албатта) **Сенинг даъватингни қабул қилурмиз ва пайғамбарларингга эргашурмиз**», дейдилар. (Шунда уларга жавоб қилинур): «**Илгари** (ҳаёт пайтларингизда) **ҳеч қачон заволга юз тутмаслигингиз** (яъни, ҳеч қачон ўлмаслигингиз ва охират жазосига дучор бўлмаслигингиз) **ҳақида қасам ичмаган эдингизларми?!** **45.** (Ахир) **сизлар ўзларига зулм қилган кимсаларнинг масканларига** (улар заволга юз тутганларидан кейин) **жойлашган эдингизлар.** Уларни қандай (ҳалок) **қилганимиз ҳам сизларга аниқ маълум** эди. **Биз сизлар учун** (қанчадан-қанча) **мисоллар келтирган** эдик (лекин сизлар бу кўрган-билгандарингиздан ибрат олмадингиз, ҳақ йўлга юрмадингиз). **46. Дарҳақиқат, улар** (яъни иймонсизлар) **ўзларининг макр-ҳийлаларини қилдилар.** (Лекин) **агар уларнинг макрлари сабабли тоғлар емирилиб кетадиган** бўлсада, **уларнинг** (бу) **макр-ҳийлалари Аллоҳ ҳузурида** (маълумдир). **47-48.** (Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиз ҳаргиз Аллоҳни Ўз пайғамбарларига берган** («Биз албатта пайғамбарларимизни ғолиб

қилурмиз», деган) **ваъдасига хилоф қилувчи, деб ўйламанг. Албатта, Аллоҳ ғолибdir ва (у) Ер бошқа Ерга, осмонлар** (ўзга осмонларга) айланиб қоладиган ҳамда (барча одамлар) ёлғиз ва қудратли **Аллоҳга рўбарў бўладиган Кунда** (Қиёматда) **интиқом олувчидир.** 49. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), у **Кунда жиноятчи кимсаларни кишанлар билан боғланган ҳолларида кўурсиз.** 50. Уларнинг кийимлари қора майдан бўлиб, юзларини олов ўраб олур. **51. Аллоҳ ҳар бир жонга қилган ишига яраша жазо бериш учун** (мана шундай қайта тирилтирур). **Албатта, Аллоҳ жуда тез ҳисоб-китоб қилувчидир.** 52. **Бу** (Қуръон) одамлар огоҳлантирилишлари ва (Аллоҳ) ягона илоҳ эканини билишлари ҳамда ақл эгалари эслатмабрат олишлари учун (Аллоҳ тарафидан нозил қилинган) **бир баёнот — хабардир».** (Иброҳим: 42-52).

Эй золим! Эй мағрур! Эй унутган!

(Шеър мазмуни:)

Эй мағрур, ўзингни қиёмат кунида деб тасаввур қил.

Осмон титраб-чайқалган..

Қуёш бандалар бошига яқин келтирилган..

Юлдузлар ҳам тўкилиб, сочилиб кетган..

Тоғлар илдизларидан қўпорилиб, булутлардек сузиб юради..

Ҳомиласи ўн ойлик бўғоз туялар эгасиз ташлаб қўйилган..

Уй-жойлар хароб бўлиб, эгасиз ҳувиллаб қолган..

Ваҳший ҳайвонлар ҳам бир ерга йигилиб қолган..

Жалил самони Қўллари билан худди мактубни ўрагандек ўраб қўйган..

Саҳифалар тарқатилиб, эгалари қўлига учиб келган..

Бутун олам аҳлининг пардалари очилган..

Она қорнидаги ҳомила ҳам қўрқувдан қалтираб, қасосдан қўрқсан..

У-ку бир бегуноҳ бўла туриб, шунча қўрқса,

Умрбод гуноҳларга ботган кимса қандай қўрқмасин?!

Жаҳаннам алангаси кўкларга ўрлаган,

Маъсият аҳлига қараб даҳшатли ўкирган..

Барча синовлардан сабр-бардош ила ўтган киши учун

Жаннатлар зийнатланган ва хушланган..

Мусулмонлар! Зулмдан сақланингиз. Чунки, зулм қиёмат куни зулматларга айланади. Ҳамма нарсани билувчи, мазлумлар ҳолидан хабардор, Адолатли ва Ҳаким Подшоҳ мол-дунё ва бола-чақа фойда бермайдиган Кунда мазлумга золимдан қасос олиб беради.

Эй мазлум, сабр қил, эзмасин ўкинч,
Аллоҳнинг кўзлари уйғоқ, ухламас.
Ухлайвер бемалол, кўнглинг бўлсин тинч,
Жорийдир Аллоҳнинг адли, тўхтамас.
Гар Аллоҳ золимга берса-да муҳлат
Жазо пайти келгач, асло аяmas.

Улуғ ваadolatli Подшоҳ наздида энг оғир иш ва энг оғир зулм – ноҳақ қон тўкишdir. Суҳбатимизнинг учинчи моддаси шу ҳақда бўлади.

Учинчи: Қон ҳурмати

Аллоҳ таоло наздида қоннинг ҳурмати улуғdir. Шунинг учун ҳам қиёмат куни одамлар ўртасидаги энг биринчи ажрим қонлар хусусида бўлади.

«Саҳиҳайн»да Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Қиёмат куни одамлар ўртасида энг биринчи ажрим қилинадиган нарса қонлар хусусидадир**».

Бир нарсага эътибор беришингизни сўрардимки, бу ҳадис билан «Сунан-ҳадис тўпламлари» соҳиблари ривоят қилган бошқа бир саҳиҳ ҳадис ўртасида қарама-қаршилик йўқdir. У ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Қиёмат куни банданинг энг биринчи ҳисоб қилинадиган амали намоздир. Агар намози яхши бўлса, нажот топади ва зафарга эришади. Намози ёмон бўлса, ноумид ва зиёнкор бўлади**», деганлар (Термизий: №413, Насойи: 1/232).

Бу икки ҳадис ўртасидаги зидликни қандай қилиб кеткизилади?!

Аҳли илмлар айтадиларки, намоз биринчи бўлиб ҳукм қилинадиган Аллоҳнинг ҳаққидир, қонлар эса бандаларнинг ўзаро ҳақлари ичидан биринчи бўлиб ажрим қилинадиган нарсадир. Шунинг учун Насойи ривояти мазкур икки ҳақ ўртасини жамлаган: «**Қиёмат куни банданинг**

энг биринчи ҳисоб қилинадиган амали намоздир, бандалар ўртасида биринчи бўлиб ҳукм қилинадиган нарса қонлар хусусидадир».

Инсонни яратган ва унга ҳаёт ато этган зот Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодир. Бинобарин, унинг ҳаётини олишга ҳам фақат яратувчи ва ҳаёт ато этувчи зотнинг ўзи ҳақли, ёки Унинг амри ва У тузиб берган шариат доирасидагина қони тўкилиши мумкин. Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳ** (ўлдиришни) ҳаром қилган жонларни ўлдирмангиз, магар ҳақ билан (яъни қасос олиш учун ё муртад бўлгани, ёки зино қилгани учун шариат ҳукми билан ўлдиришингиз мумкин)» (Анъом: 151).

Бу – очиқ-ойдин қилиб белгилаб қўйилган, ҳеч қандай чигаллик ва ноаниқлик бўлмаган ҳақ-ҳуқуқдир, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам белгилаб берганлар. Бухорий ва Муслим Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ деб ва Мени Аллоҳнинг Расули деб гувоҳлик берган мусулмон кишининг қони фақат қуидаги уч ҳолатдагина ҳалол бўлади: оиласи зинокор, жонга-жон сифатида (яъни бир мусулмонни қасдан ўлдирса) ва мусулмон жамоадан ажралиб, диндан чиқсан кимса» (Бухорий: №6878, Муслим: №1676).

Демак, мусулмон кишининг қонини тўкиш ушбу уч ҳолатнинг биридагина ҳалол бўлар экан.

Биринчи ҳолат: Қасос (жонга-жон)

Қасосни мусулмон раҳбар ёки унинг вакили ижро эттиради. Чунки, бу одамларнинг ўзига ташлаб қўйиладиган иш эмас. Акс ҳолда, жамиятда бошбошдоқлик вужудга келади. Қасосда жамият учун ҳаёт бордир. Зоро, қотил агар ўзининг ҳам албатта қасос йўли билан ўлдирилишини билса, еру осмонлар Парвардигори яратган бир инсоннинг жонига тажовуз қилишдан олдин минг марта ўйлаб кўради. Шунинг учун қасосда жамият учун ҳаёт бор дейилади. Аллоҳ таолонинг Ўзи айтмаганми ахир: «**Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд (жиноятлардан) сақлансангизлар**» (Бақара: 179), деб?!

Иккинчи ҳолат: Оила кўрган зинокор

Оилали зинокор – Аллоҳ уни ҳалол-пок турмуш қуриш орқали жуфтга эга қилган, бироқ у ўз жуфтиҳалолини тарқ қилиб, ифлос ва бадбўй разолат ботқоғига ботган, зинога қўл уриб, обрў-номусини тўккан ва шарафини поймол қилган кимсадир. Бундай шахсни тошбўрон қилиш йўли билан қатл қилинади. Баъзи бировларга бу хукм ўта қаттиқўл бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ, агар шарафи булғаниб, номуси поймол қилинса, бундай кимсанинг бир эмас, бир неча марта қатл қилинишини ёқлаб гапирган бўларди.

Учинчи ҳолат: Муртадлик

Аллоҳ Ислом билан мукаррам этганидан сўнг уни тарқ қилиб, муртадликни ихтиёр қилган кишини қатл қилинади. Бухорий ва Аҳмад Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ким динини алмаштиrsa, уни ўлдиринглар**», деганлар (Бухорий: №5922, Аҳмад: 1/282, Термизий: №1458, Абу Довуд: №4351, Насойи: №7/104).

Мана шу уч ҳолатда мусулмон раҳбар ёки унинг ноibi-вакили Аллоҳ таоло белгилаб берган шариат доирасида қон тўкишга ҳақли бўлади.

Аммо, шундан бошқа ўринларда бир бегуноҳ кишини қатл қилиш жуда оғир жиноятдир.

Аллоҳ таоло айтади: «**Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёrlаб қўйгандир**» (Нисо: 93).

Аллоҳу акбар!! Қаранг қоннинг ҳурматини!!

«Саҳиҳул Бухорий»да Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Мўмин киши ҳаром (яъни ноҳақ) қон тўкмас экан, динида давомий кенглиқда (хотиржамлиқда) бўлади**». Ибн Умар айтдилар: «Ўзини унга туширган киши учун қайтиб чиқиш йўли йўқ бўлган ҳалокатли ишлардан (ботқоқликлардан) бири ҳаром қон тўкишдир» (Бухорий: №6862).

Аҳмад, Абу Довуд, Ҳоким ва Насойи ривоят қилган, Албоний саҳих санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ҳар бир гуноҳни шоядки, Аллоҳ кечирар, бироқ бир киши коғир бўлиб ўлса ёки бир киши бир мўминни қасдан ўлдирса** (уни кечирмайди)» (Аҳмад: №16849, Насойи: 7/81).

Насойи ривоят қилган ва Албоний «Саҳихул-жомиъ»да саҳих санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Дунёнинг заволга юз тутиши Аллоҳ наздида битта мусулмон кишини қатл қилишдан кўра енгилроқдир**» (Насойи: 7/83, Саҳихул-жомиъ: №4361).

Насойи ва Бухорий «Ат-тариҳ»да Амр ибн ал-Ҳамиқ ал-Хузоий розияллоҳу анхудан ривоят қилган, Албоний саҳих санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ким бир кишига ўз қони** (яъни жонини) **ишонса-ю**, **у уни ўлдириб қўйса, гарчи ўлдирилган киши коғир бўлса ҳам, мен қотилдан покман** (яъни у мендан эмас)» (Насойи, Ибн Можа, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 440).

Еру осмонлар Парвардигори наздида қоннинг ҳурмати шу даражададир. Шунинг учун ҳам бандалар ўртасида биринчи ажрим қилинадиган иш қонлар хусусида бўлади.

Мана бу ҳадисга ҳам диққат қаратинг. Унда маҳшар ерида мақтул билан қотил ўртасида бўладиган ажиб бир кўриниш баён қилинган. Насойи ҳасан санад билан ривоят қилган бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Қиёмат куни мақтул Аллоҳ ҳузурига қотилга осилган ҳолда келади, унинг бўйин томирларидан қон отилиб турган бўлади. У: «Эй Раббим, ундан сўрагин, мени нега ўлдирган экан?», дейди. Ҳатто, уни аршга яқин қилади.**».

Ибн Аббосга тавба ҳақида зикр қилишганида у: «**Ким қасдан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак**» оятини ўқиди ва: «Бу оят мансух бўлмаган ва ўзгартирилмаган, қаердан унга тавба бўлсин?!», деди (Термизий: №3032, Насойи: 7/85, Аҳмад: №23004, Саҳихул-жомиъ: №8031).

Тўртинчи: Мўминлар ўртасидаги қасос

Тавхид ва иймон аҳли ўртасида ҳам қасос олиш содир бўладими?!

Ҳа, албатта! Мен юқорида ҳам айтганимдек, бирон киши гарчи Аллоҳга иймон келтирган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашган бўлса ҳам, агар зиммасида бир мўмин биродарига нисбатан зулм бўлса, жаннатга кирмайди.

Бухорий Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган мана бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «(Қиёматда) мўминлар дўзахдан халос бўлишгач, жаннат билан дўзах оралиғидаги бир майдонга қамаладилар. Улар (шу ерда) дунёда ўтказган зулмлари учун ўзаро ҳисоб-китоб қилиб оладилар. Сўнгра (гуноҳлардан) покланиб, тозалангандаридан кейингина уларга жаннатга киришга изн берилади» (Бухорий: №2440).

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Шу билан қиёмат куни ҳисоб майдонида бўлиб ўтадиган ишлар ҳақида умумий суратда гапириб ўтган бўлдим. Аллоҳ насиб этса, келгуси суҳбатимизда ушбу уммат ичидан жаннатга азобсиз ва ҳисобсиз кирадиган баҳтли инсонлар синфи ҳақида сўз юритамиз.

2011 йил 17-ноябр

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

إلى الجنة بغير حساب

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мұхаммад Ҳассон

Хисоб-китобсиз жаннатга кириш

Барча ҳамду санолар Аллоҳға хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбариға итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳнинг тавфиқи билан «Охират ҳовлиси» силсиласидан сизлар билан бугунги суҳбатимиз ўн еттинчи суҳбат бўлади.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Рухсатларингиз билан бироз ортга қайтиб, аввалги суҳбатларимида сўзлашиб ўтган мавузларни бир сидра эсга олиб ўтсак. Охирги тўртта суҳбатимизда маҳшар майдонида, Аллоҳ таоло ҳузурида ҳисоб бериш мавзусида сўз юритган, қиёмат куни Аллоҳ таоло бандаларини унинг асосида ҳисоб қиладиган энг муҳим адолат мезонлари билан танишиб ўтган, энг сўнгига эса бандаларнинг ҳақ-хуқуқлари борасида биринчи бўлиб ажрим қилинадиган ишлар ҳақида сўзлаб ўтган эдик.

Маҳшаргоҳ... Ўта оғир ва даҳшатли ҳолат.. Башариятнинг ҳаммаси адолат маҳкамасида, Қаҳҳор ва Жаббор Зот ҳузурида ўта синик ва хор ҳолатда, қўркув ва даҳшат ичиди турибди..

Кимгадир номаи аъмоли ўнг томонидан берилади ва Аллоҳ таоло уни жуда енгил ҳисоб қилади. Яна кимгадир номаи аъмоли чап томонидан берилиб, оғир ҳисоб-китобга дучор бўлади. Баъзилар эса ҳеч қандай ҳисобсиз ва азобсиз, тўппа-тўғри жаннатга қараб йўл олади.

Ким экан у баҳтли инсонлар?!

Бугунги суҳбатимиз мавзуси шунга бағишлиданади. Суҳбатимизга диққат-эътибор билан қулоқ соласиз деб умид қиласман. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан сизу бизни сўзларни эшишиб, яхшисига эргашадиган кишилардан қилишини сўрайман.

Келинг, бу савонни суҳбатимиз бошиданоқ, бевосита Содиқ ва Масдуқ зотдан, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраб қўя қоламиз.

Жавобни эса Бухорий, Муслим, Аҳмад, Термизий, Насойй, Байҳақий ва бошқалар ривоят қилган саҳих ҳадисдан топамиз. Ибн Аббос

розияллоху анхумодан ривоят қилинганды барында Расулуллох
сөллаллоху алайхи ва саллам айтдилар:

«Менга умматлар кўрсатилди. – «Сунанут-Термизий»да келган саҳих ривоятга кўра, бу кўрсатилиш Исро кечасида эди. – Бир пайғамбарни кўрдим, у билан бир неча киши бор эди. Бир пайғамбарни кўрдим, у билан биргина киши бор эди. Яна бир пайғамбарни кўрдим, у билан икки киши бор эди. Бир пайғамбарни кўрдим, у билан бирон киши йўқ эди. Тўсатдан менга катта бир қоралик кўринди. Улар менинг умматим бўлса керак деб ўйладим. Шунда менга: «Бу Мусо ва унинг қавми. Лекин, сиз уфқقا қаранг», дейилди. Қарасам, жуда катта бир қоралик кўринди. Менга: «Шу сизнинг умматингиз, улар ичидан етмиш минги борки, жаннатга ҳисобсиз ва азобсиз кирадилар», дейилди».

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб, уйларига кириб кетдилар. Саҳобалар жаннатга беҳисоб кирадиган ўша кишилар ҳақида баҳсга шўнғиб кетдилар.

Баъзилар: «Улар Расулууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга ҳамсүхбат бўлганлар (саҳобалар) бўлса керак», дейишиди.

Бошқалари: «Улар Исломда туғилиб, Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирмаганлар бўлса керак», дейишди. Ва ҳоказо, бир қанча нарсани зикр қилдилар.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улар ҳузурига чиқиб: «Нима ҳақида баҳслашаяпсизлар?», дедилар. Улар (үрталарида бўлган баҳсадан) у зотни хабардор қилишди. Шунда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улар руқя қилдирмайдиган (дам солдирмайдиган), куйдириб даволанмайдиган, шумланмайдиган ва Раббилирига таваккул қиласидиган кишилардир», дедилар.

Шунда Укоша ибн Миҳсон ўрнидан туриб: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга дуо қилинг, мени ўшалардан қилсин», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сиз ўшалардансиз», дедилар. Кейин яна бир киши туриб: «Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам ўшалардан қилсин», деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Унга Укоша сиздан ўзигетди**», дедилар (Бухорий: №5752, Муслим: №220, Термизий: №2448).

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Умматимдан етмиш минг кишилик бир жамоат юзлари тўлин ойдек нур сочган ҳолда жаннатга киради»**, дедилар (Бухорий: №6542).

Яна бир гўзал ва меҳр-муҳаббат руҳи уфуриб турган олийжаноб бир ҳадисни бирга кўриб чиқайлик. Аҳмад «Муснад»ида, Байҳақий «Сунан»ида ривоят қилган, Ҳофиз Ибн Ҳажар «Фатҳ»да санадини яхши деган, шайх Албоний «Ас-силсилатус-саҳиҳа»да саҳиҳ санаган, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Раббимдан шафоат сўрадим. У: «Сен учун етмиш минг (кишининг шафоатига ижозат), улар жаннатга ҳисобсиз ва азобсиз кирадилар», деди. Мен: «Ё Раббим, яна зиёда қилгин», дедим. Шунда менга икки қўли билан ўнг ва чап тарафига икки марта ҳовучлади»**. (Ас-силсилатус-саҳиҳа: №1879).

Аллоҳу акбар!! Нақадар эҳтиром!! Нақадар эътибор!!

Мана бу мазмундаги шеър соҳибини Аллоҳ раҳматига олсин:

«Эй Парвардигор! Сенинг «Эй бандаларим!» деган хитобинг остига киришим ва менга Аҳмадни Пайғамбар қилиб юборганинг менинг фахру ифтихоримни ошириб юборди»..

Эй тавҳид аҳлидан бўлиб яралган ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга уммат бўлиш шарафига ноил бўлган мўмин биродар! Бу неъмат шукронасига пешонангни саждага қўй..

Жаннатга ҳисоб-китобсиз ва азобсиз кирадиган у баҳтиёр инсонлар ким бўлди экан?!

Маҳшар ерида ҳисоб-китоб учун турмайдиган ва ҳеч қандай азобсиз жаннатга кириш баҳтига мушарраф бўладиган инсонлар хабарини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган асҳоби киром ўша баҳтли инсонлар ким бўлишлари ҳақидаги баҳсга машғул бўлдилар. Баъзилар уларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриш ва у зотга ҳамсуҳбат бўлиш баҳтига мушарраф бўлган саҳобалар бўлишини тахмин қилдилар. Дарҳақиқат, у зотга саҳоба бўлиш жуда катта шарафли мақомдир.

Бошқалари эса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннатга ҳисоб-китобсиз ва азобсиз киришларини хабар берган у баҳтли инсонлар Исломда туғилган ва Аллоҳга асло ширк келтирмаган кишилар бўлишини айтдилар. Бу ҳам аслида, жуда катта шарафдир. Ким Исломда ўсиб-улғайса ва тавҳид бўстонида тарбия топган бўлса, иймон гулу райҳонлари ҳидига тўйиб, Қуръону Суннат сувидан суғорилган бўлса, жуда катта зафарга эришибди. Нега ҳам шундай бўлмасин?! Аллоҳ таоло айтиб қўйган: **«Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур»** (Нисо: 48).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло муваҳҳидлар имоми, муҳаққиқлар пешвоси ва пайғамбарлар саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиб деди: **«Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги** (пайғамбарларга ҳам шундай) **ваҳий қилингандир:** «Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўрувчилардан бўлиб колурсан! Йўқ, сен ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилгин ва шукр қилувчилардан бўлгин!» (Зумар: 65-66).

«Саҳиҳул Бухорий»да Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирган ҳолда ўлса, дўзахга киради»**, дедилар. Мен айтаман: «Ким Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирмаган ҳолда ўлса, жаннатга киради». (Бухорий: №1238, Муслим: №92).

«Саҳиҳайн»да Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ким: Бир Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ёлғиз ва шериксиздир, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва расули, Исо Аллоҳнинг бандаси, расули, чўрисининг ўғли ва Марямга туширган сўзидир, жаннат ва дўзах ҳақдир деб гувоҳлик берса, амали қараб, Аллоҳ уни жаннатга киритади».**

Итбон ибн Молик ривоятида: **«Албатта, Аллоҳ Ўзининг юзини истаб «La ilaha illalлоҳ» деган кишини дўзахга ҳаром қилгандир»** (Бухорий: №3435, Муслим: №29).

Шундоқ экан, тавхид жуда катта фазлдир, баъзи саҳобаларнинг мазкур баҳтли инсонлар Исломда туғилган ва ширк келтирган кишилар бўлиши ҳақидаги гапларидан асло таажжубланмаслик керак.

Улар шу зайлда мубоҳаса қиларканлар, тўсатдан улар ҳузурига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқиб келдилар.

«Нима ҳақида баҳс қилаяпсизлар?», деб сўрадилар у зот.

Улар нима ҳақида баҳс қилаётганларини айтишгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Улар руқя қилдирмайдиган (дам солдирмайдиган), куйдириб даволанмайдиган, шумланмайдиган ва Раббилирага таваккул қиладиган кишилардир»**, дедилар.

Демак, улар тавхидни тўла-тўқис рўёбга чиқарган, ширкнинг ҳаммасини, каттасини ҳам, кичигини ҳам бирдек тарқ қилган, барча ҳожатларини фақат Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан сўраган зотлар экан.

«Улар шумланмайдилар...» Биз шумланиш (ирим қилиш) деб таржима қилганимиз калима араб тилида «татойюр» (куш учиши) сўзидан олинган бўлиб, жоҳилият даври араблари одатда, бирон сафар олдидан қуш учиришар, агар қуш ўнг томонга учиб кетса, йўлимиз очиқ экан деб, хурсанд бўлиб йўлга отланишар, мабодо қуш чап томонга қараб учса, бундан шумланиб, сафарни қолдиришар эди.

Ислом келгач, бундай шумланиш одатини бекор қилди ва фойда етказувчи ҳам, зарар етказувчи ҳам ёлғиз Аллоҳ эканини, барча иш Аллоҳнинг қўлида эканини одамларга таълим берди. Шундай қилиб, улар на макон, на замон билан шумланадиган бўлдилар. Чунки, макон ва замонлар яратувчиси ягона Аллоҳ эканини, Аллоҳгина маконлар ва замонларни бошқариб турувчи Зот эканини яхши тушуниб олган эдилар. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бутун иш Аллоҳнинг (қўлида)!»** (Оли Имрон: 154).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анхумо шундай дейди:

«Бир куни мен (уловда) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларига мингашиб кетаётган эдим, у зот менга айтдилар: **«Эй бола, мен сенга бир неча калималарни таълим бераман. Аллоҳни ёдда тут, сени Аллоҳ ёдда тутади, Аллоҳни ёдингда тут, У зотни рўпарангда топасан. Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўра, агар ёрдам**

истасанг Аллоҳдан иста. Билгинки, бутун уммат агар сенга фойда етказамиз деб тўпланишса, Аллоҳ сенга ёзган нарсадан бошқа бирон нарса билан фойда етказиша олмайди. Агар сенга зарар етказиш учун тўпланишса, Аллоҳ сенга ёзган нарсадан бошқа бирон нарса билан зарар етказиша олмайди. Қалам (то қиёматгача бўладиган нарсаларни) ёзиб бўлган ва саҳифалар қуриган» (Термизий: №2518, Саҳиҳул-жомиъ: №7958).

«Улар руқя қилдирмайдиган (дам солдирмайдиган), куидириб даволанмайдиган... кишилардир». Бу билан уларнинг нақадар улкан таваккул эгалари эканига ишора қилинди. Аслида, бирон киши руқя қилмоқчи бўлса, бунга ҳеч қандай монеълик йўқ. Бироқ, гап шундаки, улар бирордан бу нарсани талаб қилмайдилар, ҳожатларини ёлғиз Аллоҳга боғлайдилар, бандалардан биронтасига боғламайдилар. Қалблари халқлардан холий ва ёлғиз Парвардигорга боғлангандир.

Уларни бундай қилишга ундан нарса Аллоҳга бўлган таваккуллари ғоят кучлилиги, фойда ҳам, зарар ҳам фақат Аллоҳ томонидан, барча иш Аллоҳнинг қўлида, деган эътиқодлари ғоят мустаҳкамлиги бўлди.

«Раббилирига таваккул қиласиган кишилардир». Ҳақиқий таваккул – қалбнинг Аллоҳга чинакамига боғланишидир. Таваккул иймоннинг боғичидир, таваккул тавҳиднинг чўққисидир. Сабабларни ушлаш таваккулга зид келмайди, таваккулни нуқсонли қилиб қўймайди.

Шотибий айтадилар: «Сабабларга киришиш шаръян вожиб ишдир».

Иbn Қайим айтадилар: «Тавҳид сабабларга бевосита киришиш билангина комил бўлади, сабабларни ушлаш таваккулга нуқсон етказмайди».

Жумхур салаф сўзларига кўра, қачонки, банда Раббига қаттиқ ишонса ва барча ишлар фақат Унинг қўлида эканини билса, сўнгра суннатни ушлаб, бевосита сабабларга киришса ва шу билан бирга, сабабларнинг ўзи уларни натижаларга боғлаб қўювчи Зотнинг амрисиз ҳеч нарса қилолмаслигига эътиқод қилса, шундагина таваккул ҳосил бўлади.

Ҳақиқий таваккул – сабабларни ушлашимиз ва сабабларни натижаларга боғлаб қўювчи Зотга суюнишимиз ва сабабларнинг ёлғиз ўзи Аллоҳ жалла ва алонинг амрисиз ҳеч қандай фойда ҳам, зарар ҳам етказолмаслигига аниқ ишонч устида бўлишимиздир. Аллоҳ таоло

таваккул қилувчиларнинг саййиди бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни айни шу таваккулга буюрган: «**Ва ўлмайдиган тирик Зотга таваккул қилинг, ҳамда У зотга ҳамду сано айтиш билан покланг!**» (Фурқон: 58).

Таваккул қилувчиларнинг пешвоси бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари ҳам ҳижратга чиққан кунлари сабабларни ушлагандилар. Ўзлари сабабларнинг ёлғиз ўзи фойда ҳам, зарар ҳам беролмаслигини яхши билардилар. Шу боис йўл кўрсатувчиликка бир кишини ёлладилар, сафар учун озуқа ва улов ҳозирладилар. Уҳуд жангигуни урушга чиқарканлар, икки қават совут кийиб чиқдилар. Таваккул қилувчиларнинг саййиди бўлганлари ҳолда қавмларига ва аҳли-оилаларига озиқ-овқат жамғарардилар. Демак, ҳақиқий таваккул сабабларни ушлаш билан бўлар экан. Биз ерга уруғ қадаймиз, экинга ишлов берамиз ва суғорамиз, шундан кейингина қалбларимизни сабабларга эмас, балки сабабларни натижаларга боғловчи Зотга боғлаймиз. Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарига буюрган таваккул шудир.

«Ва ўлмайдиган тирик Зотга таваккул қилинг, ҳамда У зотга ҳамду сано айтиш билан покланг!» (Фурқон: 58).

«Энди (маслаҳат қилгач, бирон ишни) **қасд қилсангиз, Аллоҳга суюнинг — таваккул қилинг!** Албатта **Аллоҳ Ўзига таваккул қилувчиларни севади**» (Оли Имрон: 159).

Аллоҳ таоло Ўзининг қўйидаги сўзларни айтган элчилари ва пайғамбарларини мақтади:

«(Ахир) бизни (тўғри) йўлимизга ҳидоят қилган Аллоҳга нечун таваккул қилмаймиз. Албатта, биз сизлар етказган озорларга сабр қилурмиз. Таваккул қилувчилар ёлғиз Аллоҳга таваккул қилсинлар» (Иброҳим: 12).

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларини мақтади:

«Ундей зотларга айrim кимсалар: «Қурайш одамлари сизларга қарши (саноқсиз лашкар) тўплаган; қўрқингиз!», деганларида бу гап уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир!», дедилар» (Оли Имрон: 173).

Аллоҳ таоло Ўзининг қуидаги сўзларни айтган дўстларини – валийларини мақтади:

«Парвардигоро, ёлғиз Ўзингга таваккул қилдик ва Ўзингга инобат-тавба қилдик. Ёлғиз Сенгагина қайтишимиз бордир» (Мумтаҳана: 4).

Аллоҳга таваккул қилиш набийлар шиоридир, пайғамбарлар амалидир.

«Саҳихул Бухорий»да Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: **«Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир!»** деган сўзларни Иброҳим алайҳиссалом ўтга ташланган пайтда айтганлар, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам у кишига: **«Қурайш одамлари сизларга қарши (саноқсиз лашкар) тўплаган, қўрқингиз!», деганларида бу гап уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир!», дедилар»** (Бухорий: №4563).

Таваккулнинг самарасини кўринг! Аллоҳга таваккул қилишнинг натижаси ва самараси нима?!

Иброҳим алайҳиссалом қўл-оёқлари боғланиб, ўтга ташланган пайтларида **«Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир!»** дедилар. Натижа ва самара шу бўлдики, Улуғ Подшоҳ жалла жалолуҳу ўтга амр қилди: **«Эй олов, сен Иброҳим учун салқин ва омонлик бўл!».** (Анбиё: 69).

Дарҳақиқат, Аллоҳнинг қудрати билан ўт Иброҳимнинг қўл-оёқларидаги боғловлардан бошқа ҳеч нарсани ёндирамади, Иброҳим ўт ичида соғ-саломат ўтиридилар.

Заиф ривоятга кўра, Иброҳим алайҳиссалом ўтга отилган пайтларида ҳавода у кишига Жибрил алайҳиссалом рўбарў келиб: **«Бирон эҳтиёжингиз борми?»** деб сўрадилар. Шунда Иброҳим алайҳиссалом: **«Агар сизга бўлса, йўқ. Агар Аллоҳга бўлса, Унинг Ўзи менинг ҳолимни яхши билади, менинг сўрашимдан беҳожатдир», деб жавоб бердилар.**

Мардлар саййиди Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд ғазотида, жароҳатлар ва қонлар ичида туриб: **«Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир!»**, дедилар.

Саҳобалар розияллоҳу анҳум мазкур ғазотда жуда оғир имтиҳонларга дучор бўлдилар. Урушнинг эртасига, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни душман ортидан чиқиб боришга буюрдилар, улар чиқиб бордилар. Натижа ва самара кутилганидек бўлди.

Аллоҳ таоло айтади: «Бас, у юришдан бирон нохушлик етмай Аллоҳнинг неъмат ва фазли билан қайтдилар. Улар Аллоҳнинг ризолигини истадилар. Аллоҳ эса улуғ фазлу марҳамат соҳибидир» (Оли Имрон: 174).

Ҳақиқий таваккулни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрганамиз. «Саҳиҳайн»да Жобир ибн Абдуллоҳдан «Зотур-риқоъ» ғазотида бўлиб ўтган бир воқеа ривоят қилинади. У киши айтадилар:

«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан «Зотур-риқоъ» ғазотига чиққан эдик. Бир сояли дарахт олдига етиб келиб, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қолдирдик, у зот ўша ерга тушдилар. Одамлар бутазорга тарқалиб, буталар соясига тушдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиличларини дарахт шохига илиб қўйиб, дам олгани ётдилар. Биз ухлаб ётганимизда мушриклардан бир киши келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиличларини (билдирмасдан) суғуриб олиб кейин: «Мендан қўрқасанми?», деб сўрабди. У зот: «Йўқ», деб жавоб берибдилар». «Сени ким мендан ҳимоя қила олади?», деб сўрабди. «Аллоҳ», дебдилар. Бир вақт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни чақириб қолдилар. Борсак, олдиларида бир аъробий ўтирибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу одам мен ухлаётган пайтда келиб, қиличимни суғуриб олибди. Уйғонсан, у қилич яланғочлаб турибди. Шунда у мендан: «Сени мендан ким ҳимоя қила олади?», деди. Мен: «Аллоҳ», дедим. Мана, у олдимда ўтирибди», дедилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ҳеч қандай итоб қилмадилар». Абу Авона ривоятида: «Шунда унинг қўлидан қилич тушиб кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қўлларига олиб: «Сени мендан ким ҳимоя қила олади?», дедилар. У: «Менга шафқат қилинг», деб илтимос қилди. «Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқлигига ва менинг Аллоҳнинг элчиси эканимга гувоҳлик берасанми?», дедилар. Аъробий: «Йўқ, бироқ мен сизга қарши урушмасликка ва сиз билан урушадиган қавм билан

бирга бўлмасликка аҳд бераман», деди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қўйиб юбордилар. У қавмига бориб: «Мен ҳозир одамларнинг энг яхшиси олдиdan келдим», деди».

Таваккул мақомларининг энг юксак ва энг олий кўринишларидан яна бири Ҳожар ва И smoил алайҳимассаломда содир бўлган ҳодисадир. «Саҳиҳул Бухорий»да И bn Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Сўнгра Иброҳим уни ва унинг эмизаётган ўғли И smoилни олиб келиб, Байтнинг ўрнига, Замзам устидаги катта дараҳт остига, Масжиднинг юқори тарафига қўйиб кетди. Ўша пайтда Маккада бирор киши ҳам, сув ҳам йўқ эди.

У икковларининг олдиларига хурмо солинган бир ҳалта ва сувли меш қўйди. Сўнгра Иброҳим ортига қайтиб кетди. И smoилнинг онаси унга эргашиб:

«Эй Иброҳим! Бизни инс ҳам йўқ, жин ҳам йўқ, бирор нарса ҳам унмайдиган водийга ташлаб қаёққа кетмоқдасиз?!» деди. У буни бир неча марта такрорлади. У эса унга ўгрилиб қарамас эди. Шунда:

«Аллоҳ сизни шунга амр қилдими?» деди.

«Ҳа», деди.

«Ундоқ бўлса бизни зое қилмайди», деди-да ортига қайтди.

Иброҳим эса ўз йўлида давом этди. Қачонки у тепалик йўлидан ўтганида, улар уни кўрмайдиган бўлганда Байтга юзланиб ўша калималар ила дуо қилди ва икки қўлини кўтарди:

«Эй Роббимиз, ҳақиқатда, мен ўз зурриётимдан, Сенинг Байтул Ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштиридим», деб айтди...».

Ҳожар И smoилни эмизиб, ҳалиги сувдан ичиб турди. Таом ва сув тугади.. Лекин Ҳожарнинг қалбида Аллоҳ жалла ва алога нисбатан тоғлар ҳам кўтаролмайдиган улкан ва битмас-туганмас таваккул бор эди.

Бу Аллоҳга бўлган ҳақиқий таваккулdir.. Аллоҳга бўлган чин ишончdir.. Ким Аллоҳга таваккул қилса, Унинг Ўзи кифоя қилади. Ким Аллоҳ билан паноҳланса, албатта нажот топади. Ким ўз ишини Аллоҳга топширса, Аллоҳ уни албатта ҳидоят қилади.

Аллоҳ таоло айтади: **«Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир»** (Талоқ: 3).

Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилишнинг яна бир гўзал кўриниши Мусо алайҳиссалом оналари томонидан кўрилди. Муштипар аёл кишидан содир бўлган бу таваккул эҳтимолки, эрларнинг ҳам қўлидан келмас, тоғлар ҳам унга бардош беролмас эди. Уни сифатлаб беришга тиллар ожиз.. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу воқеани Қуръони каримда шундай баён қиласди:

«Биз Мусонинг онасига (Мусони туғиб, уни ҳам Фиръавн одамлари келиб ўлдиришларидан қўрқиб турган пайтида) **ваҳий қилдикки:** «**Уни эмизавергин. Бас қачон** (Фиръавн одамлари ўғил кўрганингни билишиб қолиб, уни ўлдириб кетишларидан) **қўрқсанг, уни дарёга ташлагин ва қўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам.** Зеро **Биз уни сенга** (яъни тирик ҳолида) **қайтарувчи**дирмиз ва уни **пайғамбарлардан қилувчи**дирмиз» (Қасас: 7).

Боласининг жонига хавф қилган қайси она уни дарёга ташлайди?! Одатда, боласига хавф туғилган пайтда она уни олиб, бағрига босади, эмизади ва бутун меҳрини бериб, уни ҳар қандай бало-қазодан асрashга тиришади.

Лекин, бу ерда сиз билан биз билгандан бутунлай бошқа иш содир бўлмоқда. Аллоҳ таоло Мусонинг онасига, агар у боласининг жонига хавф қилса, уни дарёга ташлашга буюрмоқда. Чунки, ўшанда Фиръавн янги туғилган ўғил болаларни ўлдириб, қизларни қолдиришга буюрганди. Аллоҳ таоло айтади: «**Сизларни оғир азоблар билан қийнаган, ўғилларингизни сўйиб, хотинларингизни тирик қолдираётган** Фиръавн одамларидан қутқарганимизни эсланглар. Ана ўша ишларда Парвардигорингиз томонидан буюк синов бордир» (Бақара: 49).

Бироқ, Аллоҳ жалла жалолух ушбу покиза гўдак Фиръавннинг қасрида ва Фиръавннинг бағрида ўсиб-улғайшини ирова қилди.

Аллоҳ таоло айтади: «**Бас уни Фиръавн хонадони** (ўсиб-улғайгач) **ўзларига душман ва ғам-ташвиш бўлиши учун тутиб олдилар.** **Албатта** Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашкарлари хато қилувчи **бўлдилар**» (Қасас: 8).

Субҳаналлоҳ! Субҳаналлоҳ! Фиръавн Мусони тарбияласа?!! Мусо Фиръавн хонадонида ва унинг бағрида ўсиб-улғайса?!! Аллоҳнинг чексиз

куч-қудрати ва иродаси намоён бўлмоқда бу сўзларда! Аллоҳ таоло Ўз пайғамбари Мусони сон-саноқсиз лашкар билан ё танклар ва самолётлар билан эмас, айримлар ҳатто тасаввур ҳам қилолмайдиган жуда ҳам юпқа парда билан ҳимоя қилмоқда! Аллоҳ таоло Фиръавн аёлининг дилига Мусога нисбатан меҳр-муҳаббат солиб қўйди ва у Мусога чиппа ёпишиб қолди. Аллоҳ таоло Фиръавн аёли ҳақида шундай ҳикоя қилади: «**Фиръавннинг хотини** (унга): «(Бу бола) **мен учун ҳам, сен учун ҳам** кўз қувончидир. Уни **ўлдирманглар**. Шоядки, **унинг бизларга нафи** тегса ёки уни бола **қилиб олсак**», деди. Улар (ўзларининг ҳалокатлари шу гўдак қўлида эканини) **сезмаган ҳолларида** (уни бола қилиб олдилар)» (Қасас: 9).

Ҳамма гўдакларни бирма-бир тиғдан ўтказаётган Фиръавн Аллоҳнинг чексиз изни-иродаси билан аёлининг сўзини қабул қилади ва Аллоҳнинг қудрати билан Мусо ашаддий душмани қўлида ўсиб-улғаяди.

Аллоҳ таоло айтади: «**Бирон нарсани** (яратишни) **ирода қилган** вақтида **Унинг иши фақатгина «Бўл», демоқлигидир**. **Бас у** (нарса) **бўлур — вужудга келур**» (Ясин: 82).

Аллоҳ Фиръавннинг аёли дилига Мусога нисбатан меҳр-муҳаббат солди, шу билан бу муборак гўдак тарбиясига шахсан Фиръавннинг ўзи бош-қош бўлди.

Мусонинг онасидан содир бўлган таваккулнинг самараси шунгагина чекланиб қолмади. Балки, Мусо ўз онасидан бошқанинг сийнасидан сут ҳам эммади. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

«**Биз аввал** (Мусога барча) **эмизувчи аёлларни ҳаром килдик** (у бирон аёлни эммади), **шунда** (унинг опаси келиб): «**Мен сизларга унга кафил бўлиб** (эмизадиган) **ва унга холис** (тарбия берадиган) **бир оилани кўрсатайми?**» деди. Шундай қилиб, **Биз** (Мусонинг онасининг) кўзлари шодланиши **ва ғам чекмаслиги** учун ҳамда **Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ** эканини билиши учун уни **онасига қайтардик**. Лекин кўп (одамлар Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини) **билмайдилар**» (Қасас: 12-13).

Унинг таваккули жуда катта самара берди, Аллоҳ унга фарзандини қайтарди ва у хавф-хатардан омонда, бемалол боласини эмизадиган бўлди. Ваҳоланки, бунгача у боласини Фиръавндан қўрқанидан фақат яширинча эмизишга мажбур эди.

Аллоҳ қудрати ва чексиз иродасини кўрингки, энди она боласини Фиръавн қасрида эмизмоқда! Аллоҳ таоло айтмадими ахир: «**Зоро Биз уни сенга** (яъни тирик ҳолида) **қайтарувчиридирмиз ва уни пайғамбарлардан қилувчиридирмиз**» деб?! (Қасас: 7).

Аллоҳнинг ваъдаси албатта ҳақдир. Аллоҳ Мусони онасига қайтарибгина қўймади, балки унга пайғамбарлик ҳам ато этди.

Севикли дўстларим! Аллоҳга чин таваккул қилиш ҳаловатини totish учун бу кўринишлар олдида бироз тафаккур қилиш лозим бўлади.

Ишонаманки, агар таваккул қилувчилар бўйтонида сайр этсак, умринг ҳаммасини ўтказиб юборган, бироқ ҳар бир гул ва ҳар бир раён олдида тўхтаб, унинг хушбўй ҳидларидан тўйиб ҳидлашга фурсатимиз етмаса керак эди. Зотан, ул покиза зотлар замоннинг умри ва ҳаётнинг уриб турган юраклариридир, замоннинг нафасларини санашга ва ҳаётнинг юрак уришларини ўлчаб чиқишига эса имкон етмайди.

Бу баҳтли уммат, Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммати ўз тарихида Аллоҳга таваккул қилувчи чин эрларни етиштириб чиқардики, улардан ҳар бири хусусида тўхталмоқчи бўлсак, бунга инсон умри кифоя қилмайди.

Бу умматдаги сиддиқлик ўркачининг энг баланд чўққиси Абу Бакр Сиддиқ эдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларини инфоққа буюрганларида, Абу Бакр ҳамма молларини олиб келдилар. Бу жуда буюк иш ва ғоят улкан жўмардлик эди! Қани, қай биримиз шундай қила олади?! Ичимииздан ким чорак молини бера олади?! Уни қўйинг, қай биримиз молининг салмоқли бир қисмини инфоқ қила олади?!

Умар розияллоҳу анҳу ярим молларини олиб келдилар. Бу ҳам жуда катта жўмардлик эди. Сиддиқ эса ҳамма молларини келтирдилар. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аҳли-оилангизга нима қолдирдингиз, эй Абу Бакр?», деганларида у киши: «Аллоҳ ва Расулини қолдирдим», деб жавоб бердилар.

Аллоҳга қасамки, ер юзининг энг сўзга уста кишиси ҳам сифатлаб беролмайди бу таваккул даражасини!!

Умар розияллоҳу анҳу Яманлик бир қанча кишиларни кўриб: «Сизлар кимсизлар?», деб сўраганларида, улар: «Мутаваккиллар (таваккул

қилувчилар)», деб жавоб беришди. Шунда Умар: «Йүк, сизлар муттакилларсиз (яни, сүяниб қолғанларсиз). Чунки, таваккул қилувчи уруғни ерга қадаб, кейин Аллоҳга таваккул қиласы», дедилар.

2011-12-02

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

الميزان

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мұхаммад Ҳассон

Тарози



Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Сиз билан биз бугун Аллоҳнинг мадади билан «Охират ҳовлиси» силсиласидан ўн саккизинчи сұхбат устида йиғилиб турибмиз. Бундан олдинги сұхбатимизда бутун башариятни маҳшаргоҳ узра,adolat маҳкамасида, ҳисоб-китоб майдонида турган ҳолида қолдирган эдик. Нима деб ўйлайсиз, ҳисоб-китоб ниҳоясига етиши билан қиёматнинг барча даҳшатлари тамом бўладими?! Йўқ, ундаи эмас!!

Ҳисоб тамомига етганидан сўнг Аллоҳ жалла ва ало энди тарози ўрнатилишига амр этади. Ҳисоб амалларга иқрор қилдириш учун эди. Тарозида ўлчаш эса амаллар миқдорини кўрсатиб бериш ва шунга кўра жазо-ю мукофотлар бериш учун, шунингдек, ҳисоб майдонида турган бутун башариятга Аллоҳнинг адолатини изҳор қилиш учундир. Мўминнинг амаллари унинг фазлини кўрсатиш учун, кофирнинг амаллари эса майдонда турган барча гувоҳлар қўзида унинг хорлиги ва шармандалигини изҳор қилиш учун тарозида ўлчанади.

Хўш, тарози ўзи нима?!

Унда нималар ўлчанади?!

Қиёмат куни тарозини оғирлаштирадиган амаллар қайсилар?!

Мана шу учта савол бугунги сұхбатимиз мавзусидир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан сизу бизни сўзларни эшитиб, эшитганига амал қиладиган кишилардан қилишини сўрайман.

Биринчи: Тарози нима?

Тарозининг ҳозирда мавжуд бўлган сурати ва кўриниши қандайлиги – Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни унга қандай бўлса, шундай иймон келтиришга буюрган ғайб ишларидан биридир. Иймоннинг ҳақиқати ҳам шудир аслида ўзи. Ғайбни ёлғон сановчи ва тарози ўрнатилишини инкор қилувчи кимсалар нақадар зиёнкор бўлдилар!! Улар Аллоҳ таборака ва таолонинг оятларига тил теккиздилар, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларини масхара қилдилар, худосиз нопок кимсалар каби: «Тарози дегани фақат бақол ва мевафурушларга керак бўлади», дейишди, улар бу билан қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузурида ҳеч қандай қадр-қийматга эга бўлмайдиган кимсалар қаторига кирдилар! (Таҳовий ақидаси шарҳи, Албоний таҳқиқи билан: 419-с).

Чунки, бундай кимса ўзининг жаҳолати, нодонлиги ва қалбига қулф урилгани боис охиратдаги тарозини дунёдаги тарозидек деб гумон қилди. Ваҳоланки, охиратдаги аҳволларнинг ҳеч бири дунёдаги аҳволларга асло қиёс қилинмаслиги очик-ойдин ишдир. Ҳофиз Ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ аҳли сунна мезон (тарози)га ҳамда унинг икки палласи ва тили (кўрсаткичи) борлигига ҳамда қиёмат куни бандаларнинг амаллари тарозида тортилишига иймон келтиришга иттифоқ қилганларини нақл қилганлар.

Имом Ибн Абил-Из ал-Ҳанафий «Таҳовия ақидаси шарҳи»да айтадилар: «Суннат далолат қилишича, қиёмат куни амаллар тортиладиган тарозининг сезилиб ва кўриниб турадиган икки палласи бордир» (Таҳовий ақидаси шарҳи, Албоний таҳқиқи билан: 417-с).

Унинг ортидаги кайфиятлар Аллоҳнинг Ўзигагина маълум.

Тарозининг моҳиятини, тарозининг табиатини, тарозининг кайфиятини (қандайлигини) фақат Аллоҳнинг Ўзи билади. Йўқса, қиёмат куни Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтиб берганларидек: «**У билан осмонлару ерни тортилса, албатта уларни тортадиган**» тарози ўрнатилишини тасаввур қила оласизми?!

Сиз бу тарозини қандай тасаввур қиласиз?!

Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилиб, Муслимнинг шартига кўра саҳих деган, Ҳофиз Заҳабий унга мувофиқ бўлган, Албоний иснодини саҳих санаган, Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Қиёмат куни**

мезон-тарози қўйилади, у билан агар осмонлару ерни тортилса, у албатта уларни ўзига сиғдиради. Фаришталар уни кўриб: «Эй Парвардигор! Бу кимни (амалларини) ўлчайди?», деб сўрайдилар. «Халқим ичидан Ўзим хоҳлаган кишини (амалини тортади)», деб жавоб беради. Шунда фаришталар: «(Субҳанака (Сени поклаймиз), биз Сенга ҳақиқий ибодат қилолмадик», дейдилар».

Фикр қилинг.. Даҳшат ва қўрқувнинг зўридан фаришталар ҳам Раҳмон таолога ҳақиқий ибодат қилолмаганликларини эътироф этишади. Зотан, мезон кўриниши қиёматдаги энг оғир кўринишлардан биридир. Мезон ҳақдир. Аллоҳ таоло айтади: «**Биз қиёмат куни учунadolatli тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинmas. Агар xардал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшани-да келтиurmiz!** **Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилувчиidirmiz**» (Анбиё: 47).

Мазкур оятда Аллоҳ таолоadolatli тарозилар қўйишини ва Ўзининг етарли ҳисоб-китоб қилувчи Зот эканини баён қилди. Илм аҳлларининг қувватлироқ сўзларига кўра, қиёмат куни фақат битта тарози қўйилади. Унда оятда нима учун «тарозилар» деб кўплик шаклида зикр қилинди? Уламолар бунга шундай жавоб берадилар: Оятда кўплик шаклида зикр қилиниши ўлчанадиган нарсалар кўплиги эътибори биландир. Чунки, қиёмат куни тарозида жуда кўп нарсалар ўлчанади. Аллоҳ таоло айтади: «**Бас қачон сур чалинганида (яъни қиёмат қойим бўлганида) ана у кунда уларнинг ўрталарида ҳеч қандай насл насаб қолмас ва улар бир-бирлари билан савол-жавоб ҳам қила олмаслар. Энди кимнинг (яхшилик) мезонлари (ёмонлик-гуноҳларидан) оғир келса бас, ана ўшалар нажот топувчиidirlar. Кимнинг мезонлари енгил бўлса (яъни ёмонликлари яхши амалларини босиб кетса), бас ана ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Улар жаҳаннамда мангум қолувчиidirlar. Уларнинг юзларини ўт куйдириб бадбашара бўлиб қолувчиidirlar**» (Муъминун: 101-104).

Улуғ Подшоҳнингadolatiga қаранг. Кимнинг мезони биргина ҳасана (ажр-савоб) билан оғир келса ҳам, у бундан кейин ҳечам баҳтсиз бўлмайдиган абадий саодатга эришар экан. Кимнинг мезони енгил келса, асло саодат топмайдиган баҳтсизликка йўлиқар экан. Аммо, кимнинг

мезонлари тенг келса, яъни яхшиликлари билан ёмонликлари баробар келса, уламоларнинг қувватлироқ сўзларига кўра, у одам аъроф аҳлидан бўлади. Аъроф аҳли – ёмонликлари жаннатга киришидан тўсган, яхшиликлари эса дўзахга киришига тўсиқ бўлган аросатдаги кишилар бўлиб, жаннат билан дўзах ўртасидаги бир кўприқда ушлаб туриладилар. Аъроф аҳли жаннат аҳлига боқиб, уларга салом берадилар: **«Улар жаннат эгаларига: «Сизларга тинчлик-салом бўлгай, дейдилар. Ўзлари эса тамаъ қилган —истаган ҳолларида, унга (жаннатга) кира олмайдилар»** (Аъроф: 46).

Яъни, аъроф аҳли жаннатга кирмаган бўладилар ва Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб, жаннатга кириш истагида турадилар.

Улар иккинчи тарафга, жаҳаннам аҳлига боқиб, Аллоҳ таолодан уларни ўша золим қавмлар билан бирга қилмаслигини илтижо қиладилар. Аллоҳ таоло айтади: **«Уларнинг (жаннат эгалари билан дўзах эгаларининг) ўрталарида тўсиқ бўлиб, у деворлар устида ҳаммани** (яъни жаннатиларни ҳам, дўзахиларни ҳам) **сиймоларидан таниб оладиган кишилар бўлур. Улар жаннат эгаларига: «Сизларга тинчлик бўлгай, дейдилар. Ўзлари эса тамаъ қилган —истаган ҳолларида, унга (жаннатга) кира олмайдилар. Қачон кўзлари дўзах эгалари тарафга бурилиб қолса: «Парвардигоро, бизларни бу золим қавм билан бирга қилиб қўймагайсан», дейдилар»** (Аъроф: 46-47).

Шундай экан, эй мусулмон биродар, мезон-тарозининг учала қисми ҳақида маълумотга эга бўлган бўлсангиз, энди ҳар қандай солиҳ амални, гарчи жуда кичик бўлса ҳам, асло ҳақир санаманг, ҳар қандай маъсиятни, гарчи бир донагина бўлса ҳам, арзимас санаманг. Билингки, биргина ҳасана ҳам тарозини оғирлаштиради, биргина гуноҳ ҳам тарозини енгиллаштириб қўяди. Ҳатто, биргина калима билан ҳам Раҳмоннинг розилигига эришиш, биргина калима билан ҳам Жабборнинг ғазабига дучор бўлиш мумкин.

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Банда ўзи эътибор бермаган ҳолда Аллоҳнинг розилигидан бўлган бир сўзни гапиради ва Аллоҳ уни шу сабабли жаннатда юксалтиради. Банда ўзи эътибор бермаган ҳолда Аллоҳнинг ғазаби келадиган бир**

сўзни гапиради ва шу сабабли у жаҳаннамга тушади» (Бухорий №6478), Муслим (№2988) ривоятлари).

Демак, биргина калима ҳам Аллоҳнинг динида жуда катта аҳамиятли саналар экан. Биргина калима билан Раҳмоннинг розилигига эришиш ва биргина калима билан Жабборнинг ғазабига йўлиқиш мумкин экан. Биргина ҳасана (савоб) банданинг тарозисини оғирлаштириб, уни жаннатга киритиши ва биргина саййиа (гуноҳ) тарозисини енгиллаштириб, уни дўзахга тушириши мумкин экан. Шунинг учун ҳам «Саҳиҳ Муслим»да Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда событ бўлганки: **«Яхшилиқдан бирор нарсани ҳам арзимас санамагин, ҳатто биродарингга очиқ юз билан юзланишинг ҳам** (яхшилиқдир)» (Муслим: №2626).

Сиз буни асло арзимас иш санаманг. Бу ўзи кичиккина ва енгилгина тоат амали бўлса ҳам, қанча кичик амаллар борки, ният уни катта ишга айлантириб қўяди. Қанча катта амаллар борки, ният уни арзимас ва ҳақир ишга айлантириб қўяди.

Яхшилиқдан бирон нарсани ҳам арзимас санаманг.. Ҳеч йўқ, биродарларингиз юзига табассум билан боқишга ожиз эмасдирсиз.. «Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Бир ит қудуқ атрофида айланиб юрар, ташналик уни ҳалок қилаёзган эди. Шунда Бани исроилдан бир зинокор аёл уни кўриб, оёқ кийимини ечди-да, шу билан сув олиб, уни суғорди. Шу сабабли унинг гуноҳлари кечирилди»** (Бухорий: №3321, №2245, Абу Довуд: №2550).

Итларга раҳм-шафқат қилиш фоҳиша аёлларнинг гуноҳи кечирилишига сабаб бўлса, Аллоҳ Роббул оламийнга иймон келтирган мўминларга раҳм-шафқат қилиш ҳақида нима дейиш мумкин?!

Ҳа, биз раҳм-шафқат ва меҳр-мурувват касб қилишга муҳтожмиз. Раҳм-шафқат ва меҳр-мурувват ҳеч қачон бузмайди ва емирмайди. Қаттиқўллик ва қўполлик бузади, вайрон қиласади. Аллоҳнинг ўз ҳалқлари ичидаги қонунияти шудир. Мулойимлик қай бир нарсада бўлса уни зийнатли қиласади, қай бир нарсадан суғурилган бўлса уни айбли қиласади.

«Саҳиҳайн»да Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Бир аёл бир мушукни ўлгунча қамаб қўйиб, шунинг ортидан азобга дучор бўлди ва шу мушук туфайли дўзахга кирди. Унга ўзи ҳам овқату сув бермади, ердаги ҳашаротлардан егани қўйиб ҳам юбормади». (Бухорий: №2365, Муслим: №2619).

Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Саҳиҳайн»да Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда бизларга буюрганлар: **«Яримта хурмо билан бўлса-да, дўзахдан сақланинглар!»** (Бухорий: №1417, Муслим: №1016).

Иккинчи: Тарозида нимани тортилади?

Уламолар бу савол жавобида уч хил сўз айтганлар.

Биринчи сўз:

Тарозида амалларнинг ўзи, яни бандаларнинг намоз, рўза, закот, ҳаж, умра, садақа, яхшилик каби солиҳ ва яхши амаллари тортилади.

Айримлар бу гапни рад қилиб: «Амаллар жисм эмас, араз (маънавий) нарса, маънавий нарсаларни тарозида тортиш мумкин эмас. Бинобарин, намозу рўзалар жисмдан холи нарса бўлса, уларни қандай қилиб тарозида тортиш мумкин?! Қандай қилиб, қиёмат куни амалларни тарозида тортилади, деб айтасизлар?!», дейишади.

Бунга жавоб шуки, Аллоҳ таоло қиёмат куни аразларни тарозига қўйса бўладиган жисмларга айлантириб қўяди, ҳасанотлар (савоблар) ва саййиотлар (гуноҳлар) миқдорига қараб, тарози оғир ё енгил келади.

Саҳиҳ суннатдан бунга далиллар кўп, ушбу далиллардан баъзиларини олиб келамиз.

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Икки калима борки, тилга енгил, тарозида оғир, Раҳмон таолога суюмлидир: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳаналлоҳил азийм» (Аллоҳни поклайман ва Унга ҳамд айтаман, Буюк Аллоҳни поклайман)»** (Бухорий: №4606, Муслим: №2694).

Икки калима – араз, жисм эмас, улар билан тарози оғирлашади.

Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Насойи, Ибн Ҳиббонлар Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ва Албоний «Мишкотул-масобийҳ»да

саҳиҳ санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Қиёмат куни мўминнинг амал тарозисида гўзал хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди**» (Термизий: №2003, 2004, Абу Довуд: №4799, Саҳихул-жомиъ: №5721).

Гўзал хулқ ҳам жисм эмас, бироқ у қиёмат куни банданинг тарозисини оғирлаштиради. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа бир ҳадисларида қиёмат куни Қуръони карим Аллоҳ жалла ва ало ҳузурида бандага булат шаклида соябон бўлиб туриб, унинг учун Аллоҳ таолога шафоатчи бўлишини хабар берганлар.

Имом Муслим Абу Умома ал-Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Қуръон ўқинглар, зеро у қиёмат куни ўз эгаларига (яъни, уни ўқиганларга) шафоатчи бўлиб келади. Икки нур сочувчини – «Бақара» ва «Оли Имрон»ни ўқинглар. Чунки, у иккаласи қиёмат куни иккита булатдек ёки саф тортиб келувчи икки гала қушлар каби ўз эгаларини ҳимоя қилиб келади. «Бақара» сурасини ўқинглар, чунки уни олиш барака, тарқ қилиш ҳасратдир, унга сеҳргарлар қодир бўлмайди**» (Муслим: №804).

«Саҳиҳ Муслим»да Наввос ибн Самъон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган яна бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Қиёмат куни Қуръонни ва унга амал қиладиган қуръон аҳлини олиб келинади, уларнинг олдида Бақара ва Оли Имрон суралари худди иккита булатдек ёки саф тортиб келувчи икки гала қушлар каби ўз эгаларини ҳимоя қилиб келади**» (Муслим: №805, Термизий: №2886).

Ушбу келтирилган далиллар қиёмат куни аразлар жисмларга айланиши ҳақидаги саҳиҳ ҳадислар эди. Сиз билан биз охиратга тааллуқли ғайбий қонунлар устидан ҳиссий дунё қонунлари билан ҳукм қилишга уринганимиз учун ушбу ҳақиқатларни англашга ожизлик қилмоқдамиз.

Мусулмон биродар! Орамизда ўтирганлардан ҳеч биримиз ер юзида биз билан бирга яшайдиган бошқа бир оламни, яъни чумолилар оламини инкор қилмаса керак. Шунингдек, Аллоҳнинг каломига иймон келтирган ҳеч бир киши чумолиларнинг ўзларига хос тилда сўзлашишларини ҳам

инкор қилмайди. Уларнинг гапиришларига далил шуки, Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга чумолилар тили рамзини ечиб берган ва у киши чумолилар тилини тушуниб, чумолилар билан сўзлашган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръонда шундай хабар беради: «**То улар чумолилар водийсига етган вақтларида, бир чумоли:** «Эй чумолилар, уяларингизга киринглар, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни босиб-янчиб кетмасинлар», деган эди. (Сулаймон) унинг сўзидан табассум қилди ва: «Парвардигорим, мени Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларнигина қилишга муваффақ этгин ва мени ҳам Ўз фазлу раҳматинг билан солих бандаларинг қаторига киритгин», деди» (Намл: 18-19).

Бизлардан ҳеч бир киши чумолилар олами мавжудлигини инкор қилолмаганига, балки чумолиларнинг сўзлашишларини ҳам инкор қилолмаганига қарамасдан, ҳали бирон киши энг сезувчан овоз кучайтиргичлар ёрдамида ҳам ҳали ҳануз биронта чумолининг овозини эшитишга қодир бўлганини билмаймиз. Нега шундай?!

(Давоми)

Чунки, инсон ақл-идроқи учун чумолилар тилини тушуниш имконияти берилмаган, Аллоҳ таоло у учун ушбу тилнинг рамзларини ечиб бермаган. Чумолилар ҳам Аллоҳнинг халқларидан бир халқ, бор йўғи.

Шундай экан, инсоннинг ожиз ақли Аллоҳнинг зотини қандай идрок қилсин?!

Охират олами дунё оламига ўхшаган эмас. Охиратнинг ғайбий олами ва унинг қонунларига дунё олами ва унинг ҳиссий қонунлари билан ҳукм қилишимиз айни зулмдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз қудрати билан жисмдан холи бўлган аразларни тарозида тортиладиган жисмларга айлантириб қўяди ва ҳасанотлар ва саййиотлар миқдорига қараб, тарози оғир ё енгил келади.

Шугина эмас, балки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кишининг амали қабри ичиди инсон суратида келишини ҳам хабар берганлар. Ҳа, ушбу ҳадисни Имом Аҳмад, Абу Довуд, Насойӣ, Ҳоким, Термизий, Ибн Ҳиббон ва бошқалар ривоят қилганлар, Ибн Қайим ҳадисни саҳиҳ санаган ва уни иллатли санаганларга жуда узун раддия

берган, ҳадисни Албоний ҳам саҳиҳ санаган. Бароъ ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилингандын бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўмин банданинг қабрга қўйилгандаги ҳолатини зикр қилиб, айтадилар:

«... Сўнг ҳузурига икки фаришта кириб келади. Уни ўтиргизиб: «Раббинг ким?», деб сўрайдилар. «Раббим Аллоҳ», деб жавоб беради. «Дининг нима?», деб сўрайдилар. «Диним Ислом», деб жавоб беради. «Сизларга юборилган у киши ким?», деб сўрайдилар. «У Расулуллоҳ (Аллоҳнинг элчиси)», дейди. Сен буларни қаердан биласан?», деб сўрайдилар. «Аллоҳнинг Китобини ўқидим, унга иймон келтирдим ва тасдиқ қилдим», дейди. Шунда самодан: «Бандам рост айтди, унга жаннатдан ўрин тўшанглар, жаннат либосларидан кийдиринглар, (қабрига) у учун жаннатдан дарча очиб қўйинглар», деган нидо келади. Шундан сўнг унга жаннатнинг хушбуй ҳиди ва шаббодаси эсиб туради. Қабри ҳам кўз илғарли ергача кенгайтириб қўйилади. Ҳузурига хушсурат, чиройли кийингандын бир киши хушбуй ҳид таратиб кириб келиб: «Сенга хушхабар олиб келдим, хурсанд бўл, сенга ваъда қилингандын кун мана шудир», дейди. Шунда у: «Ўзинг ким бўласан? Юзинг яхшилик келтирувчи кишининг юзидек», дейди. У: «Мен сенинг солиҳ амалингман», дейди. Шунда (маййит): «Эй Раббим, тезроқ Қиёматни қойим қил, тезроқ Қиёматни қойим қил, токи мен аҳлим ва молим олдига қайтай», дейди... ».

Ҳадис давомида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кофир кимсанинг қабрдаги ҳолини зикр қилдилар:

«... Ҳузурига икки фаришта кириб, уни ўтиргизадилар ва ундан: «Раббинг ким?», деб сўрайдилар. У: «Аааҳ... Аааҳ... Билмайман», деб жавоб беради. «Дининг нима?», деб сўрайдилар. У яна: «Аааҳ.. Аааҳ... Билмайман», дейди. Шунда самодан нидо келади: «Бандам ёлғон айтди. Унга дўзахдан ўрин тўшанглар, қабрига дўзахдан дарча очиб қўйинглар!». Шундан сўнг унга жаҳаннам оташи ҳарорати ва қайноқ шамоли келиб туради, қабри шу даражада торайтириладики, унинг қовурғалари бир-бирига киришиб кетади. Олдига бадбашара, хунук кийингандын, бадбўй ҳидли бир киши кириб: «Сени хафа қиладиган шумхабар келтирдим. Сенга ваъда қилингандын кун мана

шудир», дейди. У: «Үзинг ким бўласан? Юзинг ёмонлик келтирувчи кимса юзидек», дейди. «Мен сенинг қилган ифлос амалингман», деб жавоб беради у. Шунда у: «Эй Раббим, қиёматни қойим қилмагин», дейди» (Бухорий: №1374, Муслим: №2870, Абу Довуд: №3231, Насойи: 4/97).

Қиёмат куни араз (жисмдан холи нарса)нинг жисмга айланishiغا далил бўлувчи яна бир ҳадисни келтираман. Унда қиёмат куни ўлимни қўчкор суратида олиб келинишидан хабар берилган. «Саҳиҳайн»да Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Қиёмат куни ўлимни оқ-қора рангли (ола) қўчкор суратида келтирилади ва бир жарчи: «Эй жаннат аҳли!», деб чақиради. Улар бўйинларини чўзиб, қарайдилар. «Буни танийсизларми?», деб сўрайди улардан. Улар: «Ҳа, бу ўлимдир», дейдилар. Барчалари уни кўрган бўладилар. Кейин бир жарчи: «Эй дўзах аҳли!», деб чақиради. Улар бўйинларини чўзиб, қарайдилар. «Буни танийсизларми?», деб сўрайди улардан. Улар: «Ҳа, бу ўлимдир», дейдилар. Барчалари уни кўрган бўладилар. Сўнгра уни (яъни қўчкор суратидаги ўлимни) жаннат билан дўзах оралиғида бўғизланади. Сўнг у: «Эй жаннат аҳли! Мангалик, ўлим йўқ! Эй дўзах аҳли! Мангалик, ўлим йўқ!», дейди».

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Эй Мұхаммад), сиз уларни (яъни Макка мушрикларини) барча иш битирилиб, (яъни жаннат аҳли жаннатга, дўзахилар дўзахга ҳукм қилиниб), улар ҳасратнадомат қилиб қоладиган Кундан — Қиёматдан қўрқитинг! (Бугун) улар ғафлатдадирлар, (шу сабабдан) улар иймон келтирмайдилар» (Марям: 39) оятини ўқидилар ва қўллари билан пастга ишора қилдилар (Бухорий: №6548, Муслим: №2850).

Демак, сахих далиллар билан исботландики, қиёмат куни жисмдан холи нарсалар (аразлар) тарозига қўйиладиган жисмларга айланади ва ҳасанотлар ва саййиотлар миқдорига қараб, тарози оғир ё енгил келади.

Ушбу далиллар биринчи сўз эгаларининг, яъни қиёмат куни тарозида амалларнинг ўзи тортилади, деб айтадиган кишиларнинг далиллари эди.

Иккинчи сүз:

Тарозида амаллар эмас, амал қилувчи шахс тортилади.

Ушбу сүз әгалари ҳам саҳиҳ далиллар көлтирганлар. Жумладан, Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қасамки, қиёмат куни жуда катта ва семиз бир киши келади, Аллоҳ наздида у пашшанинг қанотича ҳам вазнга эга бўлмайди», дедилар ва: «Бас, Биз Қиёмат кунида улар учун ҳеч қандай вазн (қадр-қиймат) бермасмиз!» (Каҳф: 105) оятини ўқинглар», дедилар (Бухорий: №4729, Муслим: №2785).

Семириб, шишиб кетган, йўғон бир одам қиёмат куни тарозига қўйилганида Аллоҳ наздида бир пашша қанотича ҳам вазнга эга бўлмайди. Чунки, у куни бандалар тарозига қўйилганда тарози уларнинг баданларининг семизлиги ва эт-ёғларининг кўплигига қараб оғир ё енгил келмайди. Балки, савоб ва гуноҳларининг кўп-озлигига қараб оғир ё енгил келади.

Юқорида ҳам айтдим, яна бир бор таъкидлайманки, охират қонунлари устидан бу дунё қонунлари билан ҳукм қилишга уриниш айни зулм бўлур эди!

Энди бунинг муқобилида, ўзи нозик, болдиrlари ингичка бир киши келади, унинг ўша этсиз болдиrlари тарозининг бир палласига қўйилиб, иккинчи палласига Уҳуд тоғи қўйилса, болдиrlар турган палла босиб кетади. Бу ким бўлди экан, дейсизми?!

Жисми ориқ ва нозик, лекин иймони ўта бақувват, бадани енгил, бироқ амаллари оғир бу киши Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудир. Имом Аҳмад «Муснад»ида яхши санад билан ривоят қилган ҳадисда Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анху айтадилар:

«Ибн Масъуд розияллоҳу анху бир куни меваларини йиғиш учун Арок дарахти устига чиққанида уни шамол тебратা бошлади. Одамлар кулдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нега куляпсизлар?», деб сўрадилар. «Унинг болдиrlарининг нозиклигига куляпмиз, ё Расулуллоҳ», дейишиди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, унинг

болдиrlари тарозида Уҳуд тоғидан оғирроқдир», дедилар. (Аҳмад: №920, Аҳмад Шокир иснодини саҳих санаган).

Учинчи сўз:

Қиёмат куни банданинг мезонида унинг саҳифалари (номаи аъмоли) тортилади.

Бу фикр эгалари ҳам саҳих ҳадисни далил қиласидилар. Аҳмад «Муснад»ида ривоят қилган, Ҳоким «Мустадрак»да келтириб, икки шайх шартига биноан саҳих деган ва Заҳабий бунга мувофиқ бўлган, Ибн Ҳиббон, Абу Довуд ва бошқалар Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган, Албоний саҳих санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Қиёмат куни Аллоҳ таоло умматимдан бир кишини халқлар орасидан ажратиб олади, унинг тўқсон тўққизта китоби очилади, ҳар бир китоб кўз илғамас даражада улкан бўлади. Сўнг унга: «Шу (китобларда ёзилган амалларинг)дан биронтасини инкор қиласанми?! Менинг амалларни ёзувчи фаришталарим сенга зулм қилибдиларми?!», дейди. Банда: «Йўқ, эй Раббим», дейди. «Бирон узринг борми?», деб сўрайди. У: «Йўқ, эй Раббим», дейди. Шунда

(قَالَ: لَا يَا رَبِّ! فَيَقُولُ: بَلَى) أَيْ: لَكَ عِنْدَنَا مَا يَقُومُ مَقَامَ عَذْرِكَ

Аллоҳ таоло: «Йўқ (ундай эмас, балки сенинг узринг ўрнига ўтадиган), хузуримизда сенинг битта ҳасананг (савобли амалинг) бор, бугун сенга зулм қилинмайди», дейди ва бир битоқани (яъни, бир парча қоғозни) чиқаради, унда: «Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мұҳаммадан абдуҳу ва росулуҳ» деб ёзилган бўлади. Сўнг: «Тарозингнинг олдида ҳозир бўл», дейди. У: «Эй Раббим, шунча катта китоблар олдида бу битоқа нима бўларди?!», дейди. «Сенга зулм қилинмайди», дейилади унга. Сўнг китоблар бир паллага, битоқа иккинчи паллага қўйилади, шунда китоблар енгил келиб, битоқа оғир келади. Зоро, Аллоҳнинг исми бўлган ҳолда унда бирон нарса оғир келолмайди» (Термизий: №2641, Албоний «Ас-саҳиха»да (№135) саҳих санаган).

Бу учинчи фикр эгаларининг далили эди.

Юқорида қиёмат куни тарозида нимани ўлчаниши хусусида уч хил фикр билан танишиб ўтган бўлдик. Ушбу сўзлар ичидан қувватлироғи қай бири экани, тарозини оғирлаштирадиган амаллар нималар экани билан суҳбатимиз давомида танишасиз.

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истифор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир.

Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аммо баъд..

Валлоҳу аълам, қувватлироқ гап шуки, амаллар ҳам, амал қилувчи ҳам, сахифалар ҳам тарозига қўйилади, амал қилувчи ўз амаллари ва номаи аъмоли билан бирга ўлчанади. «Маъорижул-қабул бишарҳи сулламил-вусул илил илмил-усул» соҳиби шу фикрни қувватли санаган, мен ҳам шу гапга мойилман.

Бинобарин, аввало ўзимни, кейин сиз азиз биродарларимни қиёмат куни тарозини оғирлаштирадиган айрим амаллардан бохабар қилиб ўтишни вазифам деб билдим.

Учинчи: Қандай амаллар қиёмат куни тарозини оғирлаштиради?

Қиёмат куни тарозини оғирлаштирадиган амаллар ичida энг катталаридан бири гўзал хулқдир.

Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Насойи, Ибн Ҳиббонлар Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ва Албоний «Мишкотул-масобийҳ»да саҳиҳ санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Қиёмат куни мўминнинг амал тарозисида гўзал хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди, Аллоҳ таоло фаҳш сўзлар айтувчи,**

оғзи бузуқ кимсани ёмон кўради» (Термизий: №2003, 2004, Абу Довуд: №4799, Саҳиҳул-жомиъ: №5721).

Қасамки, уммат бугун ҳокимлари-ю олимлари, даъватчилари-ю имомлари, эркаклари-ю аёллари, ўсмирлари-ю ёш болалари билан, ҳамма-ҳамма гўзал хулқли бўлишга нақадар муҳтож!!

Бугун нурли, назарий манҳаж бўлмиш гўзал хулқ билан воқелиқда амалий манҳаж бўлиб қолган ёмон хулқ ўртасида жуда катта жарлик борлиги кўринади.

Қани Ислом ахлоқлари?! Қани Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг намунавий хулқлари?!

Хонадонларимиздаги, мактаб-мадрасаларимиздаги, олийгоҳларимиздаги кутубхоналар токчалари нурли назарий манҳаж ҳақида ёзилган жилд-жилд китоблар билан тўла, бироқ уммат воқелигига назар ташласангиз, одамларнинг аҳволларини текширсангиз, бу мунаввар манҳаж билан воқелик ўртасида жуда катта жарлик борлигини кўрасиз.

Эй Ислом уммати! Ростгўйлик қани?! Ихлос қани?! Мулойимлик қани?! Муруват қани?! Афв қани?! Яхшилик қилиш қани?! Ҳаё қани?! Жўмардлик қани?! Олийжаноблилик қани?! Саховат қани?! Қани?!... Қани?!... Қани?!...

Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг гўзал хулқларига эргашиш қани?!

Мен кўпинча айтаман, Мұхаммад Мустафо соллалпоҳу алайҳи ва саллам куфр билан мавжланиб ётган саҳролар орасида Ислом давлатини барпо этишга муваффақ бўлдилар. Бунга асосий сабаб шу бўлдики, у зот Исломдан аввал Араб жазирасидан ташқарида на салмоғи, на эътибори бўлган араблар ва аъробийлардан, ўша ялангоёқ ва яланғоч саҳроилардан башарият ичра мутлақо тенги бўлмаган мислсиз буюк бир қуръоний авлодни этиштириб чиқардилар. У зот исломий тарбия дастуридан минглаб нусхани чоп этдилар. Бироқ, бу нусхаларни сиёҳ билан қофозга эмас, балки инсонлар қалбига нурдан бўлган сиёҳ билан битдилар! Пайғамбар соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари ушбу тарбия ва ахлоққа доир назарий дастурни одамлар оламида порлаб ва ярқ этиб кўзга ташланиб турадиган амалий

воқеликка айлантирилар. Бутун башарият уларнинг юксак ахлоқларига гувоҳ бўлди, ер юзида икки оёқ билан юриб турган тирик қуръонларни кўрди.

Бироқ, бугунга келиб, шарқу ғарбда Исломнинг йўлига тўғаноқ бўлаётган энг катта чақиртош мусулмонларнинг ахлоқи, тўғрироғи уларнинг ахлоқсизлиги бўлиб турибди!

Бугун дунёning шарқу ғарбида мусулмонларнинг аҳволига назар солган киши улар орасида зинокорларни, маст қилувчи ичимлик ичадиганларни, чўчқа олди-соттиси билан шуғулланадиганларни, намозларни тўқис адо қилмайдиганларни кўради, мусулмонлик даъвосини қилиб юрган кишиларга назар солиб, уларни ахлоқда ўзидан юқори даражада деб билмайди. Бугун шарқу ғарб оламида исломий ҳаракат йўлига тўғаноқ бўлаётган энг катта тўсиқ бизларнинг ахлоқимиз бўлиб қолди!

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Қиёмат куни мўминнинг амал тарозисида гўзал хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди».**

Ином Аҳмад ва Термизий саҳиҳ санад билан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мўминларнинг энг иймони комилроғи ким бўлиши ҳақида сўралганда: **«Мўминларнинг иймони комилроғи хулқи гўзалроғидир»**, деб жавоб берганлар (Абу Довуд: №4682, Термизий: №1162).

Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ва бошқалар саҳиҳ санад билан Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Шубҳасиз, мўмин киши гўзал хулқи сабабли кундузлари рўзадор, тунлари эса намоз билан бедор кишининг даражасига эришади»**. (Абу Довуд: 4798, Аҳмад: №24236).

Ана ўша олий хулқ эгалари қиёмат куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга энг яқин манзил эгаси бўладилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Менга энг суюмли бўлганингиз ва қиёмат куни менга яқин ўринда турадиганингиз ахлоқи гўзал бўлганларингиздир»** (Термизий: №2019, Саҳиҳул-жомиъ: №2201).

Қиёмат куни тарозини оғирлаштирадиган энг катта ишлардан яна бири ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай хабар берганлар: «**Таҳорат-покизалик иймоннинг ярмидир. «Ал-ҳамду лиллаҳ» мезонни тўлдиради, «Субҳаналлоҳи вал-ҳамду лиллаҳи» осмонлару ер оралиғини тўлдиради»** (Муслим: №223, Термизий: №3512, Насойй: №5/5, Саҳихул-жомиъ: №3957).

Аллоҳ йўлидаги биродарим! Таҳорат қилишдан ожизмисиз?! Энг аввал дилингиз, кейин эса тилингиз билан Аллоҳга ҳамд ва тасбех айтишдан ожизмисиз?!

«Саҳиҳ Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар**» (Аллоҳни поклайман, Аллоҳга ҳамд бўлсин, бир Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Аллоҳ буюқdir) **деб айтишим менга қуёш нури тушган барча нарсалардан суюмлироқдир»** (Муслим: №2695, Термизий: №3591).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ким бир кунда юз марта: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳ»** (Аллоҳни поклайман ва Унга ҳамд айтаман) деса, хато-гуноҳлари денгиз кўпикларича бўлсада ўчирилади» (Термизий: №3462, Муслим: №2691).

Мени эшитиб турган ҳар бир қулоқ эгасидан тилагим шуки, ушбу калималарни диллари билан тасдиқлаб, тиллари билан такрорлаб, аъзолари билан унга амал қилсинлар..

2011 йил 15-декабр

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

الصراط

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мұхаммад Ҳассон

Сирот



Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар!
(Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират
қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ
баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад
соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда)
янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса
бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга
элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Аллоҳнинг тавфиқи билан бугун сизлар
билан «Охират ҳовлиси» силсиласидан ўн тўққизинчи сұхбат устида
йиғилиб турибмиз. Бундан олдинги сұхбатимизда мезон-тарози хусусида
сўз юритган, ҳисоб-китоб амалларга иқор қилдириш учун, тарозида
ўлчаш эса амаллар миқдорини кўрсатиб бериш ва шунга кўра жазо-ю
мукофотлар бериш учун бўлишини айтиб ўтган эдик.

Амаллар тарозига қўйилиб, жазо-ю мукофотлар аниқ бўлгач, энди ҳар
бир киши учун ўзининг оқибатига юзланиш қолади. Шу ҳолда турилганда
Аллоҳ таоло жаҳаннам устига Сирот (йўл) номли бир кўприк ўрнатишга
амр этади ва бу кўприк устида мўмин, муваҳҳид ва тақводор зотлар
ажралиб, жаннат сари йўл оладилар, мушрик, кофир ва жиноятчи
кимсалар эса жаҳаннамга қулайдилар.

Аллоҳнинг изни билан бугунги сұхбатимиз Сирот мавзусида бўлади.

Одатимизга кўра, вақтдан унумли фойдаланиш учун ушбу мавзудаги
сўзимизни қўйидаги бир неча моддаларга бўлиб оламиз:

**Биринчи: Сирот – жаҳаннам устидаги кўприк ва одамларнинг
ундаги аҳволи.**

**Иккинчи: Омонат ва раҳм (қариндошлик алоқаси) кўприкнинг икки
томонида туриши.**

Учинчи: Сиротдан охири бўлиб ўтадиган киши ким?

Тўртинчи: Нажот борми?

Севикли биродарим, сұхбатимизни жон қулоқ билан тинглашингизни
умид қиласман. Зеро, мавзу жуда муҳим мавзулардан. Аллоҳ таолодан

сизу бизга ҳисоб кунида, мезон кунида, Сирот кунида Ўзи нажот беришини сўрайман. У бунинг эгаси ва бунга қодирдир.

Биринчи: Сирот – жаҳаннам кўприги ва одамларнинг ундаги аҳволи

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Сирот лугатда тўғри ва ёруғ-ойдин йўл маъносини англатади.

Шариат истилоҳига келсак, бу ерда у қиличдан ўткир ва қилдан ингичка кўприк маъносида қўлланилади. «Саҳиҳ Муслим»да Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анҳу айтганларидек, Сирот – мўминлар унинг устидан юриб, наъим жаннатларига, мушриклар эса жаҳаннамга – нақадар ёмон жой у – ўтишлари учун Аллоҳ жала ва ало жаҳаннамга устига қурадиган қилдан ингичка ва қиличдан ўткир кўприқдир.

Аллоҳ таоло айтади: «**Сизлардан ҳар бирингиз унга тушувчиидирсиз. (Бу) Парвардигорингиз (амрига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир**» (Марям: 71).

Имом Абул-Из ал-Ҳанафий «Таҳовия ақидаси шарҳи»да айтади: Муфассирлар **«Сизлардан ҳар бирингиз унга тушувчиидирсиз»** (Марям: 71) оядаги тушишдан мурод нима экани хусусида ихтилоф қилганлар. Очикроқ ва қувватлироқ фикр шуки, ундан мурод сирот устидан ўтишдир. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: **«Сўнг тақводор бўлган зотларни қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдиурмиз»** (Марям: 72).

Саҳиҳ ҳадисда келганки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, дараҳт остида байъат берган бирон киши дўзахга тушмайди», дедилар. Ҳафса розияллоҳу анҳо айтадилар: «Шунда мен: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ: **«Сизлардан ҳар бирингиз унга тушувчиидирсиз»** демаганми?!», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ахир Аллоҳнинг: **«Сўнг тақводор бўлган зотларни қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдиурмиз»**, деганини эшитмаганмисиз?!», дедилар.

Уламоларнинг мазкур оятда зикр қилинган тушиш маъносида айтган сўзларини шундай жамланадики, дўзахга тушиш икки хил бўлади:

Биринчиси, тушиш – кириш маъносида бўлиб, бу кофир ва мушриклар учундир. Аллоҳ таоло Фиръавн ҳақида айтганидек: «**У (Фиръавн) Қиёмат Кунида ўз қавмини бошлаб бориб дўзахга туширур. У тушиладиган энг ёмон жойдир!**» (Худ: 98).

Иккинчиси, Сирот кўпригидан ўтиш маъносида бўлиб, бу тақводор мўминлар учундир. Аллоҳ таоло улар ҳақида айтганидек: «**Сўнг тақводор бўлган зотларни қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз.**

Менга жон қулоғингизни тутинг, ўз хоҳишларидан сўзламайдиган Содиқ ва Масдуқ зот ўзларига хос бўлган етук, қисқа, гўзал ва пурмаъно пайғамбарона услублари билан Сиротдан ўтиш ҳолатини тасвирлаб берадилар, истасангиз айтишингиз мумкинки, юракларни ёриб юборгудек бу манзарани маҳорат билан чизиб берадилар.

Саҳобалар сўрадилар: «**Ё Расулуллоҳ, қиёмат куни Раббимизни кўрамизми?**».

Ул зот: «**Ой тўлган кечада ойни ҳеч қандай тўсиқсиз ҳолида (кўришга) шубҳа қиласизларми?**», дедилар. Улар: «**Йўқ, ё Расулуллоҳ,**» дейишди. «**Қуёшни булат тўсмаган ҳолатида (кўришга) шубҳа қиласизларми?**», дедилар. Улар яна: «**Йўқ,**» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Сизлар Ул зотни худди ана шундай кўрасизлар. Қиёмат куни одамлар маҳшаргоҳда жамланадилар.** (Аллоҳ таоло:) «**Ким нима нарсага сифинган бўлса, ўшанга эргашсин,**» дейди. Улардан кимдир қуёшга эргашади, кимдир ойга эргашади, кимдир тоғутларга эргашади. Бу умматгина қолади, ичиди мунофиқлари ҳам бўлади. Аллоҳ (улар таниганидан бошқача суратда) олдиларига келиб: «**Мен Роббингизман,**» дейди. Улар: «**То Роббимиз келгунича бизнинг турар жойимиз шудир. Роббимиз келса, биз уни таниймиз,**» дейишади. Сўнг Аллоҳ (улар танийдиган суратда) олдиларига келиб: «**Мен Роббингизман,**» дейди. Улар ҳам: «**Сен бизнинг Роббимиздирсан,**» дейишади. Аллоҳ уларни чорлайди, жаҳаннам устига Сирот (кўприги) қурилади. Шунда пайғамбарлар ичидан ўз умматлари билан биринчи бўлиб ўтучиси мен бўламан. У куни пайғамбарлардан ўзга бирор кимса сўз сўзламас. Пайғамбарларнинг у кундаги сўzlари: «**Парвардигор,**

Ўзинг саломат қилгайсан, Парвардигор, Ўзинг саломат қилгайсан» бўлур. Жаҳаннамда саъдон (ўсимлиги) тиконлари мисол чангаклар бордир, – Саъдоннинг тиконларини кўрганмисизлар?, деб сўрадилар, Ҳа, дейишгач, сўзларида давом этдилар: – У чангаклар худди саъдоннинг тиконларига ўхшайди. Лекин уларнинг нақадар катталигини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмас. (Ўша чангаклар) одамларга амалларига қараб чанг солади. Баъзилар амали сабабли ҳалок қилинади, баъзилар (чанг билан баданлари) тилкаланиб, кейин нажот топади. Қачон, Аллоҳ дўзах аҳлларидан Ўзи истаган кишиларни раҳм қилишни истаганда малоикаларга Аллоҳга ибодат қилувчи бўлган кишиларни дўзахдан чиқаришликка фармон беради. Малоикалар уларни чиқарадилар, уларни сажда изларидан таниб оладилар. Аллоҳ дўзахга сажда изини ейишни ҳаром қилгандир. Улар дўзахдан чиқадилар. Одам боласининг сажда изларидан бошқа барча аъзосини ўт еб битирган бўлади. Улар куйиб кетган ҳолда дўзахдан чиқадилар. Сўнг уларнинг устларидан оби ҳаёт қуилади. Шунда улар сел лойқасига тушган уруғ қандай униб чиқса, шундай униб-яшнайдилар. Сўнг Аллоҳ бандалар ўртасида ҳукм қилишдан фориғ бўлади...».

Эътибор берган бўлсангиз, ҳадисда қуёшга сифинганлар қуёшга ойга сифинганлар ойга эргашиши, бу уммат эса орасида мунофиқлар ҳам бўлган ҳолда қолиши айтилди.

Мунофиқлар иймон аҳллари билан бирга бориб, мўминлар билан бирга: «Сен Раббимизсан», дейишади... Улар Аллоҳни алдамоқчи бўлишади! Биласизми, шунда нима бўлади?!

Шу пайт Аллоҳ таоло мавқиф аҳли устига қоп-қоронғи зулмат туширади ва ҳеч ким ёруғликсиз бир қадам ҳам босишига қодир бўлмай қолади.

«Саҳиҳ Муслим»да келган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулуллоҳ, Ер бошқа Ерга, осмонлар ўзга осмонларга айланиб қоладиган ҳамда барча одамлар ёлғиз ва қудратли Аллоҳга рўбарў бўладиган Кунда одамлар қаерда бўлади?», деб сўрадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Эй Оиша, улар кўприк олдида зулматда бўлишади».

Бир лафзда: «Улар Сирот устида бўлишади».

Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон ва Ибн Аби Ҳотим ривоят қилган, Албоний сахиҳ санаган ҳадисда Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтадилар: «Улардан баъзиларининг нури тоғдек, баъзиларининг нури хурмо дарахтидек, баъзиларининг нури тик турган одамдек, баъзиларининг нури бош бармоғида бўлиб, гоҳ ёниб, гўҳ учиб туради. Бу энг нури ози бўлган кишидир. Баъзиларини эса ҳар томондан зулмат ўраб олади» (Муслим: №315).

Аллоҳ йўлидаги биродарим! Мана бу оятларни тадаббур қилиб кўринг:

«Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар, шоядки Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. У Кунда Аллоҳ пайғамбарни ва у билан бирга иймон келтирган зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрур. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин. Албатта Сен барча нарсага қодирдирсан», дерлар» (Таҳрим: 8).

«Мўмин ва мўминаларнинг олдиларида ва ўнг томонларида нурлари (яъни қилган яхши амаллари ва номаи аъмоллари йўлларини ёритиб) кетаётганини кўрадиган Кунни (эсланг)! (Ўша Кунда уларга дейилур): «Сизлар учун Бугунги хушхабар — остидан дарёлар оқиб турадиган, (сизлар) мангу қоладиган жаннатлардир. Бу улуғ бахтнинг ўзидир!» (Ҳадид: 12).

Қачон мунофиқлар Сиротга яқинлашишга ҳаракат қилишса, Аллоҳ уларнинг нурларини олиб қўяди ёки Захҳок айтганларидек, мунофиқларнинг нури учиб қолади ва нифоқ аҳли иймон аҳлидан ажралиб қолади. Шунинг учун мўминлар мунофиқларнинг сирот устида нурлари учиб қолганини кўришса, қўрқиб, ёмон аҳволга тушиб қолишади. Бу Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзи маъносидир: «Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин. Албатта Сен барча нарсага қодирдирсан», дерлар» (Таҳрим: 8).

Ўшанда, қоп-қоронғи зулматлар бағрида қолған нифоқ ахли Сирот устида нурга чулғаниб бораётган иймон аҳлини кўриб, уларга нидо қилишади:

«У Кунда мунофиқ ва мунофиқалар иймон келтирган зотларга: «Бизга қараб туринглар, биз ҳам сизларнинг нуриңгиздан озгина олиб фойдаланайлик», десалар, (уларга:) «Ортингларга қайтиб нур истайверинглар», дейилур. Сўнг улар (билан мўминлар)нинг ўртасига дарвозали бир девор урилурки, унинг ичида раҳмат—жаннат, ташқарисида – олдида эса азоб — дўзах бўлур. Улар (мўминларга): «Биз (ҳаёти дунёда) сизлар билан бирга эмасмидик», деб нидо қилганларида, (мўминлар) дерлар: «Ҳа, (кўринишда биз билан бирга эдинглар), лекин сизлар (мунофиқлик билан) ўзларингизни фитнага дучор қилдинглар ва (бизларга бало-офатлар етишига) кўз тутдинглар ҳамда (Исломнинг ҳақ дин эканлиги тўғрисида) шубҳаландинглар ва то Аллоҳнинг амри (яъни ўлим) келгунича сизларни (ҳали умр узоқ эканлиги, Аллоҳ ҳар қандай гуноҳни кечиб юборавериши каби) хомҳаёллар алдади. Сизларни Аллоҳ ҳақида (У зотнинг карами кенг, ҳеч қачон Ўзи яратган бандаларни азобга гирифтор қилмайди, деб) алдовчи (шайтон) алдаб қўйди» (Ҳадид: 13-14).

Улар мўминларга: «Биз ҳам сизлар билан бирга эмасмидик, бирга жумъа ўқирдик, жамоатга ҳозир бўлардик, ғазотларда бирга бўлардик, Арафотда бирга турардик, бошқа ибодатларда ҳам сизлар билан бир қаторда эмасмидик?!», дейишади.

Мўминлар уларга жавобан айтадилар: «Ҳа, кўринишда сизлар биз билан бирга эдингиз, лекин сизлар ўзингизни фитнага дучор қилдингиз, ҳақ аҳлига ва суннат аҳлига нисбатан ёмонликларни кутдингиз, қайта тирилиш, тарози, Сирот ва дўзах ҳақида шак-шубҳа қилдингиз, хомҳаёллар ва пуч орзу-умидлар сизларни алдаб қўйди ва охир-оқибат шу ҳолатда ўлимга юзландингиз. Мана, энди ушбу ҳақиқатларни ўз кўзингиз билан кўрдингиз, мезонни, сиротни кўрдингиз».

Содиқ ва Масдуқ зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳолатни яна-да аниқроқ чизиб берадилар. «Саҳиҳ Муслим»да Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда у зот айтадилар:

«Ҳатто, фақат Аллоҳга ибодат қилиб ўтган яхши-ёмон кишиларгина қолгач, Роббул оламийн субҳанаҳу ва таоло улар кўрган (яъни, сифатлари орқали билган) суратга яқин бир суратда улар олдига келади ва: «Нимани кутиб турибсизлар? Ҳар бир уммат ўзи сиғинган нарсага эргашади», дейди. Улар: «Эй Раббимиз! Биз бу одамлардан дунёда уларга энг муҳтож бўлиб турганимизда ҳам ажralганимиз ва улар билан бирга бўлмаганимиз», дейдилар. «Мен Раббингизман», дейди. Улар: «Биз сендан Аллоҳга паноҳланамиз, Аллоҳга биронтасини шерик қилмаймиз», дейишади икки ё уч марта. Ҳатто, баъзилари (ҳақдан) бурилиб кетишга яқин бўлади. (Шунда Аллоҳ:) «Сизлар билан Унинг ўртасида сизлар уни таниб оладиган бирон аломат борми?», деб сўрайди. «Ҳа», дейишади. Шунда болдирни очади.

Ўшанда (дунёдалик пайтида) Аллоҳ учун ўз ихтиёри ила сажда қилувчи бўлган бирон киши қолмасдан, Аллоҳ унга сажда қилишига изн беради. Аммо (бировдан) қўрқиб ёки риё қилган ҳолда сажда қилувчи бўлган кишиларнинг орқаларини Аллоҳ бир табақа қилиб қўяди (яъни орқалари қотиб қолади), улар ҳар гал сажда қилмоқчи бўлишганида чалқанчасига йиқилишади.

Кейин бошларини кўтаришса, (Аллоҳ таоло) улар биринчи бор кўришган суратига айланиб қолган бўлади. У: «Мен Раббингизман», дейди, улар ҳам: «Сен Раббимизсан», дейишади.

Сўнгра жаҳаннам устига кўприк ўрнатилиб, шафоатга изн берилади. Улар: «Аллоҳим, саломат қилгайсан, омонда қилгайсан», деб айтишади...

«Ё Расулуллоҳ, кўприк нима?», деб сўралди.

У зот дедилар: «Оёқ тойиб кетадиган сирпанчик ўринидир. У ерда чангаклар, темир илгаклар ва Нажд ерларида ўсадиган тиканли нарсалар бўлиб, у саъдан дейилади. Мўминлар у ердан кўз очиб юмгунча, чақмоқдек, шамолдек, қушдек ва учқур отлардек тез ўтишади. Бир қисми соғ-саломат ҳолда најот топади. Яна бир қисми (чангаклар билан) тилиниб, сўнг қўйиб юборилади. Ва яна бир қисмини уюмланиб, жаҳаннамга қулатилади.

Ҳатто, мўминлар дўзахдан халос бўлишгач, жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлардан биронтангиз ҳам (бу дунёда биروف учун) ҳақ талаб қилиб, ўша қиёмат куни мўминлар дўзахдаги биродарларига ёрдам сўраб Аллоҳга ёлворишларидан кўра қаттиқ ёлвора олмайсиз. Улар: «Эй Раббимиз, улар биз билан бирга рўза тутишарди, намоз ўқишарди, ҳаж қилишарди», дейдилар. Шунда уларга айтилади: «Таниган кишиларингизни чиқаринглар. Уларнинг суратлари дўзахга (таъсир қилиши) ҳаром қилинади». Шунда улар кўп халойиқни у ердан олиб чиқишиади, уларнинг болдир ва тиззалари ярмигача олов теккан бўлади.

Мўминлар: «Эй Раббимиз! У ерда Сен бизга (чиқаришга) амр қилган кишилардан биронта ҳам қолмади», деб айтишиади. Уларга: «Қайтинглар, кимнинг қалбида динор мисқолича яхшилик борлигини топсангиз, уларни ҳам чиқаринглар», дейди. Шунда улар яна кўп одамларни олиб чиқишиади. Сўнгра улар: «Эй Раббимиз! Бизларга буюрган кишиларингдан ҳеч бир кишини у ерда қолдирмадик», дейишиади. Уларга: «Қайтинглар, кимнинг қалбида ярим динор мисқолича яхшилик борлигини топсангиз, уларни ҳам чиқаринглар», дейди. Шунда улар яна кўп одамларни олиб чиқишиади. Сўнгра улар яна: «Эй Раббимиз! Бизларга буюрган кишиларингдан бирон кишини у ерда қолдирмадик», дейишиади. Уларга: «Қайтинглар, кимнинг қалбида зарра мисқолича яхшилик борлигини топсангиз, уларни ҳам чиқаринглар», дейди. Шунда улар яна кўп одамларни олиб чиқишиади. Сўнгра улар: «Эй Раббимиз! Биз у ерда биронта ҳам яхшилик (эгаси)ни қолдирмадик», дейишиади.

Абу Сайд айтар эдилар: «Агар бу ҳадис билан мени тасдиқламасангиз, мана бу оятни ўқинглар: «Шубҳасиз, Аллоҳ биروفга бир зарра вазнича зулм қилмас. Агар заррача яхшилик бўлса, уни бир неча баробар қилур ва ўз ҳузуридан улуғ ажр ато қилур» (Нисо: 40)».

(Давоми)

«Аллоҳ таоло: «Фаришталар, пайғамбарлар ва мўминлар шафоат қилишди, фақат раҳм қилувчиларнинг энг раҳмлисигина қолди», дейди-да, дўзахдан бир сиқимни сиқимлаб олиб, ундан ҳеч яхшилик

қилмаган, куйиб күмирга айланиб кетган бир қавмни чиқаради. Уларни жаннат бўсағасидаги «ҳаёт анҳори» деб номланувчи бир анҳорга ташлайди. Улар у ердан худди сел лойқасида уруғ униб чиққани каби униб чиқишади. Кўргансизлар-ку, (сел лойқасидаги ўша уруғ) бирон тош ё дараҳт ёнида бўлса, қуёшга қарагани сарғиши ва кўкимтири бўлиб, сояга қарагани оппоқ бўлиб унади».

Шунда сахобалар: «Ё Расулуллоҳ, сиз худди дала-даштларда қўй боқиб юрган одамдек (тасвирлаб бердингиз)», дейишди.

У зот сўзларида давом этдилар: «**Улар марвариддек (товланиб), бўйинларида тақинчоқлар бўлган ҳолда чиқишади. Жаннат аҳли уларни бирон амал қилишмаган ва бирон яхшилик тақдим қилишмаган ҳолларида Аллоҳ таоло жаннатга киритган «Раҳмоннинг озод этган қуллари», деб танишади. Кейин Аллоҳ:** «Жаннатга киринглар, нимани кўрсангизлар, ўша нарса сизларга», дейди. Улар: «Эй Раббимиз, оламдаги ҳеч кимга бермаган нарсангни бизга ато қилдинг», дейишади. Шунда У: «Сизларга Менинг ҳузуримда бундан ҳам афзал нарса бор», дейди. Улар: «Эй Раббимиз, бундан кўра ҳам афзалроқ нима бор?!», дейишади. У: «Менинг розилигим, бундан кейин сизларга ҳеч қачон ғазаб қилмайман», дейди». (Муттафақун алайҳ, Бухорий: №7439, Муслим: №183, Насойи: 8/112, 113).

Аллоҳу акбар.. Иззат эгаси бўлган Раббимга қасамки, худди кўз билан кўриб тургандек ва шунинг ичидаги яшаб тургандек тасвирлаб бердилар.. Нега ҳам шундай бўлмасин?! Аллоҳ таоло томонидан жавомиул-калим (лафзи оз бўлса-да, пурмаъно сўзлар) берилган зот буни баён қилмоқдалар!!

Мусулмон биродар! Аллоҳ ҳаққи, юракларни ёриб юборгудек бу кўринишларни яхшилаб тадаббур қилинг-а... Сирот устидасиз.. Ёнверингизда одамлар.. Кимдир кўз-очиб юмгунча ўтиб кетмоқда.. Кимдир яшиндек ўтиб кетмоқда.. Яна кимдир қушдек учиб ўтиб кетмоқда.. Айримлар эса Сирот устида судралиб бормоқда.. Баъзиларини чангаклар илиб олиб, жаҳаннамга улоқтирмоқда..

Шеър мазмуни:

Нафсим тавба қилишдан бош тортди, энди бандалар Зул-жалол хузурида турганида ҳолим не кечар..

Қабрларидан гандираклаб, тоғдек гунохлар остида чиқиб келишганида..

Сирот тикилган, ундан ўтмоқ даркор..

Баъзилар ундан қуламоқда, баъзилар эса Адн боғларига ўтиб кетмоқда..

Раҳмон уларга дейди: Гунохларингни кечирдим эй бандам, парво қилма..

Иккинчи: Омонат ва раҳм (қариндошлик) кўприкнинг икки томонида туриши

Аллоҳга қасамки, бу ҳам юракни ёргудек оғир кўринишdir.

«Саҳиҳ Муслим»да Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Омонат ва раҳм (қариндошлик) Сиротнинг икки четига юборилади».**

Имом Нававий ушбу ҳадис шарҳида айтади: «Омонат ва раҳмни Сиротнинг икки четига юборилиши Сиротдан ўтаётган ҳар бир кишидан ўз ҳаққини талаб қилиб олиши учундир».

Бу эса бу иккисининг Парвардигор наздида қадри нақадар баланд эканига далил бўлади. Омонат – осмонлару ер уни кўтаришга журъат қилмаган ва инсон уни ўз зиммасига олган оғир юқдир.

Аллоҳ таоло айтади: **«Албатта Биз бу омонатни (яъни шариати Исломийядаги тоат-ибодатларни) осмонларга, ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат у (ўзига) зулм қилувчи ва нодон эди (яъни бу омонатнинг нақадар вазмин юк эканлигини бутун коинот билди ва уни кўтаришга қурби етмаслигини сезди, аммо инсон ўзи билмаган ҳолда ўта мушкул вазифани ўз зиммасига олди)»** (Аҳзоб: 72).

Омонат маъносини биласизми?

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтадилар: «Омонат – Аллоҳ бандаларига фарз қилган фарзлардир».

Абул-Олия айтадилар: «Омонат – бандаларга буюрилган ва қайтарилган ишлардир».

Ҳасан айтадилар, бу кишининг сўзлари энг балоғатли сўздир: «Омонат – диндир, диннинг ҳаммаси омонатдир»

Ибодат ҳамма турлари билан – намоз, закот, рўза, ҳаж омонатдир, жасадингизнинг барча аъзолари омонатдир, мансабу курсингиз омонатдир, қўлингиздаги мол-мулк омонатдир, аёлингиз ва болаларингиз омонатдир, илм омонатдир, олимга шогирдлари омонатдир. Аллоҳ таоло сизу бизни омонатга хиёнат қилишдан огоҳлантирган. Аллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига хиёнат қилмангиз ва билган ҳолингизда сизларга ишониб берилган нарсаларга (яъни, динга ва бошқа ҳар қандай омонатларга) хиёнат қилмангиз!»** (Анфол: 27).

«Саҳихул Бухорий»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мажлисда қавмга ҳадис айтиб турғанларида бир аъробий келиб: «Қиёмат қачон?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзлашда давом этдилар. Қавмнинг баъзилари: «(Аъробийнинг) гапини эшитдилар-у, унинг айтган сўзини ёқтирмадилар» дейишди. Баъзилари эса: «Йўқ, эшитмадилар» дейишди. Сўзларини тугатгач: **«Қиёмат ҳақида сўровчи қани?», дедилар. «Менман, ё Расулуллоҳ» деди. (У зот:) «Омонат зое қилинса, қиёматни кутавер», дедилар. «Уни зое қилиш қандай бўлади?», деди. «Ишни ўз эгасидан бошқага топширилса, қиёматни кутавер», дедилар** (Бухорий: №59).

Қасамки, иш ўз эгасидан бошқаларга топшириб қўйилди, арзимас ва беқадр кимсалар иш бошига миниб олиб, рувайбизалар оғизларини тўлдириб сўзламоқда. Аҳмад «Муснад»ида, Ҳоким «Мустадрак»ида Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган, Албоний «Саҳихул-жомиъ»да саҳих санаган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ҳали одамларга шундай алдамчи замонлар келадики, унда ёлғончининг гапини рост деб кўрилади, ростгўйни ёлғончига чиқарилади, хиёнатчига омонат қўйилади, омонатдор хиёнатчига чиқарилади, унда рувайбиза гапдонлик қиласи», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, рувайбиза ким?», деб сўралди. «Қадрсиз одам, – бир**

лафзда «ақлсиз одам» – омманинг ишига тааллуқли гапларни гапиради», деб жавоб бердилар.

Ҳозирда бизлар рувайбизаларнинг омманинг ишигагина эмас, балки динга тааллуқли бўлган муҳим ишларда ҳам гапдонлик қилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ.

Қўйларини бўридан қўрир асли қўйчивон,
Қўй додига ким етар гар бўри бўлса чўпон?!

Диннинг ҳаммаси омонатдир, Аллоҳ таоло хиёнатдан огоҳлантириди.

Омонат Сиротнинг бир томонида туриб олиб, ундан ўтаётган ҳар бир кишидан ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қиласди. Шундай экан, омонат ва раҳм (қариндошлиқ) хусусида Аллоҳдан қўрқингиз!!

Раҳим нималигини биласизми?!

Бу замонамида раҳмни (қариндошлиқ алоқасини) узиш одат тусига айланиб қолмоқда!! Қасамки, ўғил отасидан ва онасидан алоқани узиб юборганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Мусулмон кишини кўрасизки, масжидга қатнайди. Бироқ, яқинлари билан умуман алоқани узган. Ота-онасининг ҳолидан хабар олмайди, амакиси ва тоғасини, аммаси ва холасини хорлайди. Кейин яна қариндошларим мен билан алоқа қилмайди, шунинг учун табиийки, мен ҳам улар билан алоқани узганман, дейди. Бу нарсани ўзаро манфаатлар ва борди-келдилар алмашуви дейилади, силаи раҳм деб аталмайди. Ҳақиқий силаи раҳм деб сиздан алоқани узганларга алоқа қилишга айтилади.

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аллоҳ таоло ҳалқларни яратиб, фориғ бўлгач, қариндошлиқ алоқаси ўрнидан турди. «Нима истайсан?», деди. «Мен алоқани узишдан Сендан паноҳ тиловчи мақомида турдим», деди. «Ҳўп, сени боғлаган одамни (Ўзимга) боғлашимга ва сени узган одамни (Ўзимдан) узишимга рози бўласанми?!», деди. «Ҳа, эй Роббим!», деди. «Унда шу нарсани сенга ато этдим», деди».**

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Агар истасангиз, Аллоҳнинг мана бу сўзларини ўқинглар: «Агар (иймондан) юз ўғирсангизлар, яқин-ки, сизлар Ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз (билин ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар! Ундай кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, бас уларнинг (кулоқларини панд-насиҳат эшитишдан) кар, кўзларини эса (Тўғри йўлни кўра олмайдиган) кўр қилиб қўйгандир» (Муҳаммад: 22-23). (Бухорий: №7502, Муслим: №2554).

Эй мусулмон! Эй Сиротдан ўтиш машаққатини ҳис қилган мўмин биродар! Кел, ҳозироқ пешонангни ерга қўй, Аллоҳ учун сажда қил.. Отангнинг қўлларини ўп, онангнинг қўлларини ўп.. Амма-холаларинг, амаки-тоғаларинг билан алоқани тикла.. Қариндошлик алоқасини узма.. Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Қариндошлар билан алоқани) узувчи жаннатга кирмайди», деб айтганлар (Бухорий: №5987, Муслим: №2556).

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ким ризқи мўл-кўл қилинишини ва умри узайтирилишини истаса, силай раҳм (қариндошлари билан алоқа) қилсин!**» (Бухорий: №5985, Муслим: №2555).

Шу ерда бир савол ўртага чиқади:

Агар сиз айтгандек қариндошлар билан алоқа қилайлик десак, номаҳрамлар ўртасида аралашиш ва баъзи гуноҳлар ҳам содир бўлиши хавфи бор. Шундай бўлишидан қочиш учун алоқа қилмай қўйсак бўладими?

Жавоб: Алоқани узиш икки турли бўлиб, бири дунё учун, иккинчиси охират учун узишдир. Агар қариндошлар билан алоқани дунё туфайли узсангиз, бу Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган узиш бўлади. Аммо, агар қариндошлар билан динингизни деб алоқани узишга тўғри келса, масалан, улар билан борди-келди қилиш иймонингизни заифлашишига сабаб бўлса ва уларда сизга таъсир ўтказиши мумкин бўлган маъсиятлар бор бўлса, сиз уларга ҳикмат билан насиҳат қилган, чиройли йўллар билан тушунтиришга ҳаракат қилган ва ўнлаб марта баҳс-мунозара қилган бўлсангиз, бироқ улар қабул қилишмаган бўлса, у ҳолда сиз ўз

динингиз ва аҳли-оилангизга фитна етишидан қўрқиб, алоқани узсангиз зарари йўқдир, аксинча, бундай алоқа узиш учун Аллоҳнинг ажрига ҳам эришасиз. Аллоҳ сизнинг ниятингизни яхши билади. Бунга мисол қилиб, Табук ғазотидан қолиб кетган уч киши ҳақидаги ҳадисни келтириш мумкин. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларини ва ҳатто уларнинг ўз аҳли-аёлларини ҳам улардан алоқани узишга буюрдилар (Табук ғазотидан қолиб кетган Каъб ибн Молик ва унинг икки шериги ҳақидаги ҳадисни Бухорий (№4418) ва Муслим (№2769) ривоят қилганлар). Бу дин учун ва охират туфайли алоқа узиш туридан бўлиб, киши бунинг учун ажру-савобга эришади.

Учинчи: Сиротдан охири бўлиб ўтадиган киши ким?

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Жаннатга охири бўлиб бир киши киради. У Сирот устида гоҳ юриб, гоҳ қоқилиб, гоҳ ўт уни домига тортиб, шу ҳолда ўтиб келади. Ундан ўтиб олгач, ортига қайрилиб қараб: «Мени сендан қутқарган Зот буюkdir. Аллоҳ менга аввалгилару охиргилардан бирон кишига бермаган неъматини берди», дейди. Шунда унга узоқдан бир дарахт қўрсатилади.

«Эй Роббим, мени ўша дарахтга яқинлаштирсанг, соясида ўтирсан ва сувидан исчам», дейди. «Эй одам боласи, agar уни сенга берсан, Мендан қайтиб бошқа нарса сўрамайсанми?», дейди Аллоҳ азза ва жалла. У: «Йўқ, эй Роббим (бошқа нарса сўрамайман)», дейди ва бошқа ҳеч нарса сўрамасликка ваъда беради. Банда ўзи сабр қилолмайдиган нарсани кўраётгани учун Робби унинг узрини қабул қиласи ва уни ўша дарахтга яқинлаштиради. Банда дарахт соясида ўтириб сувидан ичади. Кейин унга бундан-да чиройлироқ бир дарахт қўрсатилади. Шунда у: «Эй Роббим, мени бунисига ҳам яқинлаштирсанг, соясида ўтирсан ва сувидан исчам. Сендан бошқа ҳеч нарса сўрамайман», дейди. «Эй одам боласи, ҳалигидан бошқа нарса сўрамасликка ваъда бермаганимидинг? Агар ҳозир сени бу дарахтга ҳам яқинлаштирсан, Мендан яна бошқасини ҳам сўрарсан?», дейди. У бошқа нарса сўрамасликка аҳд беради. Сабри

етмайдиган нарсани кўраётгани учун Робби унинг узрини қабул қиласди ва уни ўша дарахтга яқинлаштиради. Банда унинг соясида ўтиради ва сувидан ичади. Кейин жаннат эшиги олдида унга аввалги иккисидан ҳам чиройлироқ бир дарахт кўрсатилади. «Эй Роббим, мени бунга ҳам яқинлаштирсанг, соясида ўтирсам ва сувидан ичсам, бундан бошқа нарса сўрамайман», дейди банда.

Шунда Аллоҳ: «Эй одам боласи, бошқа нарса сўрамайман, деб ваъда бермабмидинг?», дейди. Банда: «Ҳа, шундай қилгандим. Эй Роббим, шуни ҳам бергин, кейин бошқасини сўрамайман», дейди. У сабри етмайдиган нарсани кўраётгани учун Робби унинг узрини қабул қиласди ва уни ўша дарахтга яқинлаштиради. Банда дарахтга яқинлашгач, аҳли жаннатларнинг товушларини эшитиб қолади ва: «Эй Роббим, мени ҳам жаннатга киргизсанг», дейди. «Эй одам боласи, нима қилсам сўрашни бас қиласан, бутун дунёни ва унга қўшиб яна шунчасини берсам рози бўласанми?», дейди Аллоҳ. Банда: «Эй Роббим, Сен оламлар Робби бўла туриб менинг устимдан куляпсанми?», дейди...

Шу сўзларни айтиб, Ибн Масъуд кулдилар ва «Нима учун кулаётганимни сўрамайсизларми?», дедилар.

«Нима учун куляяпсиз?», дейишди. «Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ҳудди шундай кулгандилар. Асҳоблар: «Нима учун куляяпсиз, ё Расулуллоҳ?», дейишганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Банданинг: «Сен оламлар Робби бўла туриб менинг устимдан куляпсанми?» деганида Аллоҳ Роббул оламийн кулгани учун**», дегандилар.

... Аллоҳ бандага: «**Сенинг устингдан кулмайман. Лекин Мен хоҳлаган ишимни қилишга қодирман**», дейди» (Бухорий: №6571, Муслим: №187).

Тўртинчи: Нажот борми?

Нажот бир неча калималардадир..

Аллоҳ таолонинг бу дунёда ҳам Сироти (йўли) бор, охиратда ҳам Сироти бор. Ким бу дунёда Аллоҳнинг Сиротида – ҳақ йўлида устивор ва барқарор турга олса, Аллоҳ охиратдаги Сиротида унинг қадамини событ

қилади, у банда Аллоҳнинг охиратдаги Сиротида ҳам тойилмайди. Ҳар бир мўмин киши намозининг ҳар бир ракъатида «Иҳдинас-сиротол-мустақийм» (бизларни Тўғри Йўлга йўллагин) деб дуо қилади. Мана шу сирот-йўл Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг йўллариdir. Сиз мана шу йўлни лозим тутинг ва шу йўлда сабитқадам бўлинг.

Аллоҳ йўлидаги дўстим!

Неки тўғриликка муваффақ этилган бўлсан, ҳаммаси Аллоҳнинг ёлғиз Ўзидан, неки хато, унутиш содир бўлган бўлса, бари ўзимдан ва шайтондандир, Аллоҳ ва Расули ундан покдир. Мен устидан сизлар жаннатга ўтиб оладиган, ўзи эса жаҳаннамга улоқтириладиган кўприк бўлиб қолишдан, сизларга насиҳат қилиб, ўзимни унутишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман.

Эй Аллоҳ, Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўллагин.

2011 йил 29-декабр

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

دار الشقاوة

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мұхаммад Ҳассон

Бахтсизлик ҳовлиси



Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар!
(Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират
қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ
баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад
соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда)
янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса
бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга
элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Сиз билан биз бугун Аллоҳнинг тавфиқи
ва мадади билан «Охират ҳовлиси» силсиласидан йигирманчи сухбат
устида кўришиб турибмиз.

Бугунги сухбатимизда Аллоҳнинг изни билан дўзах ҳақида сўз
юритамиз, Аллоҳ барчамизни унинг азобидан сақласин. Бунда биз
Қуръони Каримнинг тарҳиб ва тарғиб, яъни қўрқитув ва қизиқтирув
услубидан келиб чиқамиз.

Аллоҳ таоло айтади: **«Ҳо, Мим. (Ушбу Қуръон) қудратли ва билувчи,
гуноҳни мағфират қилувчи, тавба-тазарруъни қабул қилувчи, азоби
қаттиқ ва инъом-эҳсон эгаси бўлмиш Аллоҳ томонидан нозил
қилинган Китобдир. Ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, магар Унинг
Ўзигина бордир. Фақат Унинг Ўзига қайтилур»** (Ғофир: 1-3).

Аллоҳ таоло айтади: **«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам),
бандаларимга ёлғиз Менинг Ўзимгина мағфиратли, меҳрибон
эканлигимни ва Менинг азобим энг аламли азоб эканлигини хабар
қилинг!»** (Ҳижр: 49-50).

Шунингдек, аҳли суннат ва жамоанинг эътиқодидан келиб чиқамиз. Бу
эътиқодга кўра, жаннат ва дўзах яратиб қўйилган, асло йўқ бўлмайди ва
тугаб битмайди. Аллоҳ таоло жаннат ва дўзахни халқларни яратишидан
аввал яратиб қўйган. Жаннат Аллоҳнинг раҳмати бўлиб, у билан Ўзи
истаган бандаларига раҳм қилади. Дўзах эса Аллоҳнинг азоби бўлиб, у
билан Ўзи истаган бандаларига азоб беради. Аллоҳ таоло ҳар иккиси
учун ўзига лойиқ бўлган халқларни яратган. Ким жаннатга кирса, Унинг
фазли ва раҳмати билан, ким дўзахга тушса, Унинг адли ва ҳикмати

билиандир. «Парвардигорингиз бандаларига зулм қилувчи эмасдир» (Фуссилат: 46).

Одатимизга кўра, келинг, вақтдан унумли фойдаланиш учун ушбу ўта муҳим ва ғоят долзарб мавзудаги сўзимизни қуидаги бир неча моддаларга бўлиб оламиз:

Биринчи: Дўзахнинг сифати.

Иккинчи: Дўзах аҳлига бўладиган азоблар.

Учинчи: Абадий қолувчилар ва чиқувчилар.

Ўртинчи: Дўзахдан қандай қилиб қутулиш мумкин?!

Сұхбатимизни жон қулоқ билан тинглашингизни умид қиласман. Зеро, мавзу жуда муҳим мавзулардандир. Аллоҳ таолодан сизу бизни дўзах азобидан асршини ва барчамизни жаннат аҳлидан қилишини сўрайман. У бунга қодир Зотдир.

Биринчи: Дўзахнинг сифати

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Қай бирингиз ўрмонга ўт кетганида ёки нефт қудуғида ёнгин чиққанида ёки газ омборида портлаш юз бергаганида ёки ҳеч бўлмаса бировнинг уйи ёниб кетганида ўша ёнгинни яқиндан туриб кузатган?! Биласизларми эй мусулмонлар, инсон яқинига боришга ҳам журъат этмайдиган мана шу даҳшатли ёнгин жаҳаннам алангасининг бор йўғи етмишдан бир қисмiga тўғри келади!!

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Ёқаётган бу ўтларингиз дўзах ҳароратининг етмишдан бир бўлагидир».** «Аллоҳга қасамки, бир бўлаги ҳам етарди, Ё Расулуллоҳ», дейилди. **«Дўзах ўти ўша ҳолатига олтмиш тўққиз баробар кучайтирилгандир ва ҳар бири ўшанча ҳароратдадир»**, дедилар (Бухорий: №3256, Муслим: №2843, Муваттоъ: №2/994, Термизий: №2592).

Дўзах Аллоҳга шикоят қилганини эшитганмисиз?! Нима деб шикоят қилибди, дейизими?! Алангасининг ўта кучайиб кетганидан ва бир-бирини еб юбораётганидан шикоят қилган!!

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Дўзах Раббига шикоят қилиб: «Эй Раббим, (алангалаҳим) бир-бирини еб**

юборди» деди. Шунда Аллоҳ унга икки марта – бир бор қишда ва бир бор ёзда – нафас (чиқариши)га изн берди. Сизлар билган энг қаттиқ иссиқ ва сизлар билган энг қаттиқ совуқ ана шу (нафасдан)дир» (Бухорий: №3260, Муслим: №617, Термизий: №2595).

Термизий ривоятида: «Унинг қишдаги нафаси замҳарир (қаҳратон совуқ), ёздаги нафаси эса самум (жазирама иссиқ)дир».

У – яъни, жаҳаннам самумдир:

Аллоҳ таоло айтади: «Чап томон эгалари... Чап томон эгалари (бўлмоқ), не (бахтсизлик)дир! (Улар дўзахдан тинимсиз эсиб турадиган, баданларни илма-тешик қилиб юборувчи) Самум (шамоли) ва қайноқ сув ичида. Ва на салқин, на фойдали бўлмаган қора тутундан иборат «соя» (ости)дадирлар» (Воқеа: 41-44).

У сақардир:

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Сақарнинг нима эканлигини сиз қаердан ҳам билар эдингиз. У (бирон коғирни) қолдирмас — қўймас (балки куйдириб ҳалок қилур)! (У) инсонларга яққол кўриниб турувчидир. Унинг устида ўн тўққиз (фаришта қўриқчиллик-эгалик қилур)» (Муддассир: 27-30).

У ҳумаза (яъни чил-парчин қилувчи)дир:

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй пайғамбар), чил-парчин қилувчи нима эканлигини сен қаердан билар эдинг?! (У) Аллоҳнинг ёқиб қўйилган бир оловидирки, (ўз алангаси билан баданларни тешиб ўтиб) юракларга қадар етур! Албатта (у коғирлар) узундан-узун занжирлар билан боғлаб қўйилган ҳолларида олов уларнинг устида қопланиб қолувчидир (яъни, на улар жаҳаннам қаъридан қутулиб чиқа олурлар ва на улар нафас олишлари учун бир ютум тоза ҳаво кируг)! (Ҳумаза: 5-9).

Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли-оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангизки, у (дўзах) устида қаттиқдил ва қаттиққўл, Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани қиласидиган фаришталар туур» (Таҳрим: 6).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаҳаннамни қиёмат кунида олиб келинишини жуда ажойиб сифатлаб берганлар. Имом Мұслим Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилған ушбу саҳих ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Қиёмат кунида жаҳаннам олиб келинади ва унинг етмиш минг тизгини бўлади. Ҳар бир тизгиндан етмиш минг фаришта тортиб келади**» (Мұслим: №2842, Термизий: №2576).

Маҳшарда тўпланиб турган халойиқларни кўргач, жаҳаннам Парвардигор таолонинг ғазаби ифодаси ўлароқ ғазаб билан наъра тортади.

Аллоҳ таоло айтади: «(Дўзах) уларни узоқ жойдан кўрган вақтидаёқ унинг хайқириқ ва бўкиригини эшитурлар» (Фурқон: 12).

Субҳаналлоҳ!! Жаҳаннам қиёмат куни кўрар экан! Жаҳаннам қиёмат куни эшитар экан! Жаҳаннам қиёмат куни гапирап экан!

Ҳа, Қуръон карим гувоҳлик берадики, жаҳаннам қиёмат куни гапиради!!

Аллоҳ таоло айтади: «**У Кунда Биз жаҳаннамга «тўлиб битдингми?» дермиз, у эса «Яна қўшимча борми?» дер**» (Қоф: 30).

Эй Аллоҳим, Ўзинг асррагайсан!! Яна қўшимча кофирлар борми?! Яна қўшимча мунофиқлар борми?! Яна қўшимча мушрик ва мужримлар борми?! Яна қўшимча фожирлар борми?! Жаҳаннам тинмасдан: «Яна қўшимча борми?», деб ҳайқирап! Охири Парвардигори олам унинг тўлишига изн берур. Имом Мұслим Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилған ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Жаҳаннам: «Яна борми?», деб талаб қиласверади, ҳатто Қудрат эгаси бўлган Парвардигор таборака ва таоло унга қадамини қўяди ва жаҳаннам алангалари бир-бирига ўралиб: «Иzzatинг ва караминга қасамки, бас, етар» дейди**» (Мұслим: №2846).

Аллоҳ таоло айтади:

«(Шундан кейин дўзах ходимларидан икки фариштага айтилур): **«Барча (ҳаққа қаршилик қилувчи) қайсар, яхшиликни манъ қилувчи, зўравон ва (Аллоҳнинг динига шак келтирувчи) кофир-кўрнамакни жаҳаннамга ташланглар!** (Қай) бир кимса Аллоҳ билан бирга бошқа бир «илоҳ» қилиб олса (яъни ёлғиз Аллоҳга бирон нарса ё кимсани

шерик қилиб олса), бас, уни қаттиқ азобга ташланглар!» Унинг яқини (бўлган шайтон): «Парвардигоро, уни мен туғёнга солганим йўқ, лекин унинг ўзи (ҳақ йўлдан) йироқ-заполатда бўлди», деди. (Аллоҳ кофир ва унинг шайтонига) айтди: «Менинг даргоҳимда талашиб-тортишманглар, аниқки, Мен илгари сизларга (кофир бўлганларингиз сабабли охиратда азобга гирифтор бўлишларингиз тўғрисида) ваъда қилганман. Менинг даргоҳимда (ваъда қилинган) сўз ўзгартирилмас ва Мен бандаларга зулм қилувчи ҳам эмасдирман». У Кунда Биз жаҳаннамга «тўлиб битдингми?» дермиз, у эса «яна қўшимча борми?» дер» (Қоф: 24-30).

Мусулмонлар! Аллоҳга қасамки, агар дўзах азоби ҳақиқатидан озгинасидан воқиф бўлсак, юракларимиз ёрилиб кетишга яқин бўлади. Суҳбатимизнинг иккинчи моддасида шу ҳақда сўз юритилади.

Иккинчи: Дўзах аҳлига бўладиган азоблар

Парвардигоримиз жалла ва ало ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаҳаннам аҳли азобланиш борасида ўзаро тафовутли бўлишларини хабар берганлар. Жаҳаннамнинг еттида эшиги бўлиб, ҳар бир эшиқдан муайян турдаги одамлар гуноҳларига қараб киритилади.

Аллоҳ таоло айтади: «У кимсаларнинг барчалари учун ваъда қилинган жой, шак-шубҳасиз, жаҳаннамдир. Унинг етти дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвозадан уларнинг бир тўдаси киур» (Ҳижр: 43-44).

Жаҳаннам ҳам бир неча даражадир.

Аллоҳ таоло айтади: «Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар. Ва улар учун бирон мададкор топа олмайсиз!» (Нисо: 145).

«Саҳиҳ Муслим»да Самура ибн Жундаб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Дўзах ўти айримларини тўпиқларигача олади, айримларини тиззаларигача олади, айримларини белигача олади, айримларини томоқларигача олади» (Муслим: №2845).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дўзах аҳлининг энг азоби енгили ҳақида берган хабар ҳам кишининг юрагини юриб юборгудек даҳшатдир.

«Саҳиҳайн»да Нўймон ибн Башир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Дўзах аҳлининг энг азоби енгили бир кишики, унинг бир жуфт оёқ кийими ва унинг иплари ўтдан бўлиб, шу билан унинг мияси худди қозон қайнагандек қайнаб турди. Мендан кўра қаттиқроқ азоб тортаётган ҳеч ким бўлмаса керак деб ўйлади, ҳолбуки у энг енгил азобда бўлади**» (Бухорий: №6561, Муслим: №213, Термизий: №2607).

Ўзинг асрагин эй Парвардигор!! Эй Аллоҳ, бизлар ўта заифмиз, Сенинг дўзахингга ва Сенинг азобингга дош беролмаймиз, Ўзинг бизларга нажот бергайсан эй раҳмиларнинг раҳмлироғи!!

Жаҳаннам ўтида ўтказган бир неча саноқли лаҳзалар бандага бу дунё ҳаётида кўрган барча роҳат ва лаззатларини унуттириб юборади. «Саҳиҳ Муслим»да Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Дўзах аҳлидан бўлган, дунёда ҳисобсиз ноз-неъматлар берилган киши олиб келиниб, дўзахга бир ботириб олинади-да, ундан: «Эй одам боласи, (дунёда) бирон яхшилик кўрдингми? Сенга бирон неъмат берилган эканми?» деб сўралади. У: «Аллоҳга қасамки, йўқ эй Роббим», дейди...**» (Муслим: №2807).

Тасаввур қиласяпсизми ҳадисда айтилган ҳолатни?!

Дунё ҳаётида кўрмаган роҳати-ю тотмаган лаззати қолмаган, бутун умрини дабдабали ҳаётда ўтказган кишига жаҳаннамда кўрган бир лаҳзалик азоби дунёда кўрган барча роҳат-фароғатларини унуттириб юборади. Балки, коғир ва жиноятчилар жаҳаннам азобидан қутулиш учун ер юзи миқдорида олтинлари бўлса беришга тайёр бўлишади, бироқ азобдан қутулиша олмайди! Аллоҳ таоло айтади:

«**Албатта коғир бўлган ва коғир ҳолда ўлган кимсалар, агар улардан биронтаси Ер юзи тўла олтинни тўлов қилиб берса ҳам ҳаргиз қабул қилинmas. Ундей кимсалар учун аламли азоб бордир. Ва улар учун ҳеч қандай ёрдамчи бўлмас**» (Оли Имрон: 91).

«Саҳиҳайн»да Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилингандан ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Аллоҳ таоло қиёмат куни азоби энг енгил бўлган дўзахийдан: «Ердаги нарсаларнинг ҳаммаси сеники бўлганида, бу азобдан қутулиш учун уларни берган бўлармидинг?»** деб сўрайди. У: «Ҳа», дейди. Шунда: «Мен сендан Одамнинг пуштикамарида эканингда бундан кўра анча енгил нарсани – Менга ширк келтирмаслигингни истаган эдим, сен эса Менга ширк келтиришдан бошқасини хоҳламадинг», дейди» (Бухорий: №6557, Муслим: №2805).

Шундоқ экан, ширқдан ҳазир бўлинг, фақат тавҳидни лозим туting! Сиз билан биз, қасамки, фақат тавҳид калимаси учун яралғанмиз. Ширк дўзах азобида абадий қолишнинг энг катта сабабларидан, тавҳид эса дўзахдан нажот топишнинг энг катта сабабларидандир. Аллоҳ таоло одам боласидан у отасининг пуштикамарида эканидаёқ тавҳидни истаган, у эса ширқдан бошқасига кўнмади. Энди мужрим кофир кимса азобни кўзи билан кўриб, бадани билан тотиб турган паллада ўз жигарбандини – боласини бериб бўлса ҳам Аллоҳнинг азобидан қутулиб қолишни орзу қиласи. Балки, суюкли аёлини ўз ўрнига азобга итариб бўлса ҳам, ўзини қутқариб қолгиси келади. Бутун оиласини, қавму қариндошларини ва ҳатто бутун ер юзи аҳлини бериб ҳам, ўзини азобдан қутқариб қолишни жон-жон деб истайди. Аллоҳ таолонинг мана бу сўзлари ҳақида бир ўйланиб кўринг-а: «**Жиноятчи-кофир кимса у Куннинг азобидан (қутулиш учун) ўғилларини, биродарини, уни ўз паноҳига оладиган қариндош-уруғини ва Ердаги барча кишиларини тўлов қилиб бериб юборишни, сўнгра (бу тўлов) унга нажот беришини истар. Йўқ,** (ҳеч қандай тўлов уни азобдан қутқара олмас)! **Албатта** (кофирлар ташланадиган дўзах ўз ҳарорати билан бош териларини сидириб олувчи бўлган) **бир оловдир!** У (Ҳақ йўлидан) **юз ўғириб, терс қараб кетган ва** (пул-мол) **йиғиб тўплаган** (яъни уни Аллоҳ буюрган жойларга сарфламаган) **кимсаларни** (ўзига) **чорлаб турар!**» (Маориж: 11-18).

Қаранг, кофир кимса у куни Аллоҳнинг азобидан қутулиш учун агар имкони бўлса, ўзининг болаларини, хотинларини, ака-укалари-ю ёру

биродарларини, қўйингки бутун ер юзи аҳлини беришга тайёр бўларкан!!
Ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ!

Нега ҳам шундай бўлмасин, ахир?! Дўзах аҳлининг емаги ўт бўлса,
ичмаги ўт бўлса, кийими ўтдан бўлса?! Дўзахиларнинг таоми зақум,
зариъ ва ғислийн бўлади.

Зақум нималигини биласизми?!

Зарийъ нималигини биласизми?!

Ғислийн нималигини биласизми?!

Ким дўзахга дош бера олади?! Ким ўтда ёнишга тоқат қиласиз?!

Бу дунё ўти баданингизни бир ялаб ўтишини кўтаришга бардошингиз
етмайди-ю, бу ўтдан етмиш баробар кучли ўтга қандай тоқат қиласиз?!

Зақум – жаҳаннам қаъридан ўсиб чиқкан, мевалари шайтоннинг
бошларига ўхшайдиган ифлос бир дараҳтдир. Аллоҳ таоло зақум
таърифида хабар берган сўзларни бир тасаввур қилиб кўринг:
«Дарҳақиқат у дўзах қаърида ўсадиган бир дараҳтдир» (Вас-соффат:
64).

Ином Термизий саҳиҳ санад билан Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан
ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у
ҳақда шундай деганлар: **«Агар зақумдан бир томчиси бу дунёга
томиб кетса, дунё аҳли ҳаётини бузиб юборарди. Энди емиши
зақум бўлган кимсанинг ҳоли не кечаркин?!»** (Термизий: №2588,
Саҳиҳул-жомиъ: №5250).

Аллоҳ таоло айтади:

«Албатта (дўзахнинг ўртасида ўсадиган) **Зақум дараҳти**
гуноҳкорнинг таомидир. (У таом) **мисоли қайноқ сувнинг қайнаши**
каби қоринларда қайнайдиган эритилган (доғланган) **ёғдир!»** (Духон:
43-46).

Аллоҳ таоло айтади:

«Сўнgra албатта сизлар, эй (қайта тирилишни) ёлғон дегувчи
гумроҳлар, Шак-шубҳасиз (жаҳаннамнинг ўртасида ўсадиган) **Зақум**
дараҳтидан еб, ундан қоринларингизни тўлдирувчи дарсизлар»
(Воқеа: 51-53).

Аллоҳ таоло айтади:

«62. Мана шу яхшироқ зиёфатми ёки Зақум дараҳтими?

63. Ҳақиқатан Биз уни (яъни Заққум дарахтини) золим кимсалар учун фитна-алдов қилиб қўйдик.

64. Дарҳақиқат у дўзах қаърида ўсадиган бир дарахтдир.

65. Унинг мевалари (хунуклиқда) худди шайтонларнинг бошларига ўхшар (шундай экан унинг мазасини сўрамай қўяверинг).

66. Бас улар (яъни дўзахилар) **албатта ундан еб, қоринларини тўлдирувчиidlар»** (Вас-соффат: 62-66).

Ўт қоринлари ичини ёндиригач, ичларини ловуллатаётган бу алангани ўчириш учун сув сўрайдилар. Шунда уларга қорин ва ичакларни тилкапора қилиб юборадиган қайноқ сув берилади. Аллоҳ таоло айтади: «(Ана шундай жаннат аҳли бўлган тақво эгалари) **дўзахда мангү қоладиган ва** (у жойда) **қайноқ сув билан суғорилиб, у (сув) ичакларини бўлак-бўлак қилиб ташлаган** (кофир) **кимсалар каби бўлурми?!**» (Муҳаммад: 15).

Аллоҳ таолонинг мана бу сўзларини фикрлаб кўринг:

«Айтинг: «(Бу Қуръон) Парвардигорингиз томонидан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши иймон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин». Аниқки, Биз золим — кофирлар учун алангалари дўзахиларни ўраб-чирмаб оладиган дўзахни тайёрлаб кўйгандирмиз. Агар улар (ташналик шиддатига чидамай) сув сўрасалар, эритилган (доғланган) ёғ каби юзларни куйдирувчи сув берилур. Нақадар ёмон ичимлик у, нақадар ёмон жой у!» (Каҳф: 29).

Аллоҳ таолонинг мана бу сўзларини ҳам фикрлаб кўринг:

«(Сўнgra пайғамбарлар Аллоҳдан) мадад тиладилар ва барча жабркор-саркаш кимсалар баҳтсизликка дучор бўлдилар. Унинг (яъни, ҳар бир кофир бўлган кимсанинг) олдида жаҳаннам бордир. (Жаҳаннамда) унга йирингли сувдан берилганида, уни ютмоқчи бўлади-ю, (томоғидан) ўтказолмайди, унга ҳар томондан ўлим келади-ю, у ўлолмайди. Унинг ортида (бундан-да) оғир азоб бордир» (Иброҳим: 15-17).

Бу Заққум ҳақидаги сўз эди. Энди Зарийъ ҳақида.

Зарийъ – Ҳижоз ерларида ўсуви заҳарли ва бадбўй тиканақдир.

«1. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сизга ўраб оловчи (Қиёмат Куни) **ҳақидаги хабар келдими?** 2. У Кунда (кофирларнинг)

юзлари эгилиб қолувчи. 3. (Бўйин ва қўл-оёклари кишан ва занжирларни судраш билан) мөҳнат-машаққат чеккувчиidir. 4. (Улар) қизиган дўзахга кирур! 5. Қайнаб турган булоқдан суғорилур! 6-7. Улар учун бирон таом бўлмас, (уларнинг емишлари) фақат (еган кимсани) семиртирмайдиган ва очликдан халос қилмайдиган зарийъдан (захарли ва бадбўй сертикан ўсимлик) бўлур!» (Фошия: 1-7).

Зарийъ шудир. Ғислийн ҳақида нима биласиз?!

У дўзахилар баданидан чиқувчи қон-иирингдир, дўзах аҳлининг емиши шудир. Аллоҳ таоло айтади:

«25. Энди ўз китоби чап қўлидан берилган кимсага келсак, бас, у дер: «Эҳ, қанийди, менга китобим берилмаса эди! 26. Мен ҳисоб-китобим (яъни оладиган жазойим) нима эканлигини билмасам эди! 27. Эҳ қанийди, ўша (биринчи ўлим барча нарсани) тугатувчи-узувчи бўлса (ва Қиёматдаги мана бу қайта тирилиш бўлмаса) эди! 28. Менга (не машаққатлар билан топган) мол-дунёйим асқотмади-я! 29. Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!» 30. (Бас, Аллоҳ жаҳаннам қўриқчиларига дер): «Уни ушлаб, кишанланглар! 31. Сўнгра дўзахга ташланглар! 32. Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солиб боғланглар!» 33. Чунки у (ҳаёти дунёдалик пайтида) Улуғ Аллоҳга иймон келтирмас эди. 34. Мискин-бечорага таом беришга (ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам) тарғиб қилмас эди. 35. Бугун, бу ерда унинг учун бирон дўст-мададкор йўқдир! 36. Бирон таом ҳам йўқдир! Фақат иирингдан бўлган (бир «таом» борки), 37. Уни фақат (йўлдан) адашган (кофир)ларгина ерлар!» (Ал-ҳааққо: 25-37).

Эй осий! Эй бепарво! Эй дунёга машғул!

Ўз нафсингга йиғла, гуноҳларингга йиғла! Бугун йиғламасанг, қачон йиғлайсан?!

Эй дили тош бўлиб кетган, дийдаси қаттиқ инсон! Агар бугун, шу лаҳзаларда қалбингга йўл тополмасанг, аниқ ишонавер, қалбинги йўқотиб бўлибсан!

Эй дийдаси тош қотган, бугун, шу лаҳзаларда Роббул оламийннинг сўзларидан қалбинг титрамаса, пайғамбарлар саййидининг сўзларидан кўзингга ёш келмаса, унда қачон йиғлайсан?!

Эй ўйин-кулгига берилган.. Эй ғафлатга ботган.. Эй гуноҳларга ғарқ бўлган.. Эй намозни зое қилиб юрган.. Эй закотга бепарво.. Эй имкони бўла туриб, ҳаж ва умрани зое қилаётган.. Эй ота-онасига оқ бўлиб юрган.. Эй қўни-қўшниларига озор берувчи.. Эй Аллоҳнинг даъватидан ва Аллоҳнинг йўлидан тўсувчи.. Мана шу лаҳзаларда, ҳозир ўқиб ўтганимиз оятларни эсга ол.. Ўз хоҳиш-ҳаволаридан сўзламайдиган Содик ва Масдуқ зотнинг сўзларини эсга ол.. Емаги ўт бўлса.. Ичмаги ўт бўлса.. Кийими ўтдан бўлса..

Иbn Аббос розияллоҳу анҳумо айтгандаридек, дўзах аҳлига ўтдан бўлган кийим кийдирган Зот баракотли-буюқdir. Ҳатто, кийимлар ҳам ўтдан бўлади.. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), у Кунда жиноятчи кимсаларни кишанлар билан боғланган ҳолларида кўурсиз. Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов ўраб олур» (Иброҳим: 49-50).

«Қора мой» деб таржима қилинган «Қатирон» (قطران) сўзининг яна бир маъноси – жуда кучли оловда эритилган мисдир. Кийимлар ана шу қатирондан бўлади. Аллоҳ азза ва жалланинг мана бу сўзларини эшигининг:

«19. Мана шу икки ғаним (яъни мўминлар билан кофирлар) **Парвардигорлари**(нинг ҳақ дини) **хусусида** талашдилар (яъни мўминлар Аллоҳнинг ҳақ дини бўлмиш Исломнинг ғолиб бўлишини истадилар, кофирлар эса бу динни йўқ қилмоқчи бўлдилар). **Бас, кофир бўлган кимсалар учун ўтдан бўлган кийимлар бичилди,** (энди) **уларнинг бошларидан қайноқ сув қуюлиб.**

20. У (сув) билан уларнинг иchlаридаги нарсалар ҳам, терилари ҳам эритиб юборилур.

21. Улар учун темир гурзилар бордир.

22. Ҳар қачон улар (дўзах) ғам-азобидан (қочиб) **чиқмоқчи бўлсалар** (гурзилар билан) **яна унга қайтариулурлар ва** (уларга): «**Ўт азобини тотиб кўрингиз»,** (дейилур)» (Ҳаж: 19-22).

Таом ўт, ичимлик ўт, кийим ўт.. Шунда дўзахилар ёрдам сўрайдилар. Кимдан ёрдам сўрайдилар?! Жаҳаннам посбонларидан, азоб фаришталаридан ёрдам сўрайдилар. Нима деб ёрдам сўрайдилар?! Дўзах аҳлидан азобни бир кунга бўлса ҳам бироз енгиллатишини

парвардигори оламдан сўранглар, деб илтимос қиладилар улардан. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

«(Шунда) дўзахдаги кимсалар жаҳаннам қўриқчиларига: «Парвардигорингларга дуо қилинглар, бизлардан бирон кунлик азобни енгиллатсин», деб ёлворгандарида улар айтдилар: «Ахир сизларга пайғамбарларингиз аниқ ҳужжатлар келтирганми дилар?!» «Ҳа, (келтирган эдилар, лекин бизлар уларни ёлғончи қилган эдик)», деди улар. (Шунда фаришталар уларга) айтдилар: «У ҳолда ўзларингиз дуо-илтико қилаверинглар. Кофирларнинг дуо-илтижолари албатта залопатдадир (яъни бефойдадир)» (Фоғир: 49-50).

Шундай қилиб, улар ноумид қайтишади. Шундан сўнг улар дўзах посбонлари бошлиғи Моликка нидо қилиб, ундан ёрдам сўрайдилар.

Аллоҳ таоло айтади: «**Улар: «Эй Молик, Парвардигоринг бизларга Ўз ҳукмини қилсан** (яъни тезроқ жонимизни олсин, бизлар бу азобдан қутурайлик», деб) **нидо қилганларида, у «Албатта сизлар** (мана шу азобда мангу) **турувчи дисизлар», деди» (Зухруф: 77).**

Шунда дўзахилар дунёда ўзлари улар устидан масхаралаб кулиб юрган мўминларни эслаб қоладилар ва бир қултум сув сўраб, уларга нидо қиладилар.

Аллоҳ таоло айтади: «**Дўзах эгалари жаннат эгаларига: «Бизларга ҳам сувдан ё Аллоҳ сизларни баҳраманд қилган нарсалардан тўкинглар», деб нидо қилганларида, улар: «Аллоҳ бу неъматларини динларини ҳазил-мазах қилиб олган ва ҳаёти дунёга алданиб қолган кофирларга ҳаром қилгандир», дедилар. Бас бу КУН улар бугунги учрашувни унутиб қўйганлари ва Бизнинг оятларимизни инкор қилувчи бўлганлари каби Биз ҳам уларни «унутиб қўярмиз»** (Аъроф: 50-51).

Шундан сўнг улар яна-да ноумид бўлишади. Шундан сўнг улар кимга нидо қилишади, биласизми?! Аллоҳга нидо қилишади!! Шунда уларга жавоб тариқасида Аллоҳ таоло томонидан адолатли ҳукм янграйди:

«(Уларга): «**Сизларга менинг оятларим тиловат қилинган эмасмиди, сизлар уларни ёлғон деган эмасмидингизлар?!**» (дайилганида), улар дедилар: «Парвардигоро, бадбаҳтлигимиз

бизлардан ғолиб келиб, адашган қавм бўлиб қолган эканмиз. Парвардигоро, бизларни (жаҳаннамдан ҳаёти дунёга) чиқаргин. Бас агар яна (түғёнга) қайтсак, у ҳолда шак-шубҳасиз (ўз жонимизга) жабр қилувчиридирмиз». (Аллоҳ) айтди: «(Жаҳаннамда) хор бўлингиз ва Менга сўз қотмангиз!» (Муъминун: 105-108).

Ўзинг асрагайсан ё Парвардигор!! Шундан сўнг куфр аҳли дўзахда абадий қолиб кетишади. Тавҳид аҳли бўлган кишилар эса Роббул оламийннинг раҳмати ва пайғамбарлар саййидининг шафоатлари, шунингдек содик мўминларнинг шафоатлари билан дўзахдан қутулиб чиқадилар.

Сұхбатимизнинг учинчи моддасида шу ҳақда сўз боради.

Учинчи: Абадий қолувчилар ва қутулиб чиқувчилар

Ҳа, куфр аҳли, ширк аҳли, мўмин-мусулмонларни ўлдирган ва сўйган, Аллоҳнинг йўлидан юз ўғирган ва Аллоҳнинг бандаларига кибр қилган кибр аҳли дўзахда абадий қолади.

Аллоҳ таоло уларга китоблар туширган эди, пайғамбарлар юборган эди, ораларидан уламоларни чиқариб қўйган эди. Уламолар уларга Аллоҳни эслатишган, Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларини етказишган, бироқ улар кибр қилиб, кофирилик йўлини тутишган, қайсарлик билан ширкларида, кибрларида ва Аллоҳнинг йўлидан юз ўгиришда маҳкам тураверишган эди. Ана ўшалар дўзахда абадий қолувчилардир.

Аллоҳ таоло айтади: «**У Кун келганида, бирон жон гапирмас, магар Унинг (Аллоҳнинг) изни билангина гапиур. Бас, у (Кунга ҳозир бўлганлар) орасида баҳтсизи ҳам бўлур, баҳтлиси ҳам. Бас, энди бадбаҳт кимсалар дўзахда бўлиб, у жойда оҳу фарёд қилурлар. Улар унда осмонлар ва Ер бор экан (яъни абадий) қолурлар, магар Парвардигорингиз хоҳлаган** (тавҳид аҳлидан бўлган осийларни дўзахда бир муддат турганларидан кейин чиқариши бундан мустаснодир). Зотан, **Парвардигорингиз фақат Ўзи истаган ишни қилувчи зотdir!** Энди баҳтиёр зотлар эса жаннатда бўлиб, у жойда осмонлар ва Ер тургунча (яъни тоабад) туурлар, магар **Парвардигорингиз** (дўзахда бир муддат туришларини) **хоҳлаган**

(тавҳид аҳлидан бўлган осийларнинг жаннатга киришларининг кечикирилиши бундан мустаснодир). **Бу** (яъни жаннатга тушиш баҳтига эришиш Парвардигорингизнинг) **туганмас инъомидир»** (Ҳуд: 105-108).

Абадий қолувчилар куфр ва ширк аҳлидир. Қутулиб чиқувчилар тавҳид аҳлидир.

Ўзи тавҳид аҳлидан бўлгани ҳолда зино, ароқхўрлик, баччавозлик каби бирон гуноҳи кабира устида ўлган ёки ёмонликлари яхшиликларига ғолиб келган кишиларни Аллоҳ таоло албатта дўзах ўти билан тозалайди. Қай биримиз бир соатга бўлса-да ўтга дош бера олади??!

Шундан сўнг у раҳмиларнинг раҳмлироғи бўлган Зотнинг раҳмати билан ёки пайғамбарлар саййидининг шафоатлари билан ёки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматлари ичидаги содик мўмин кишиларнинг шафоатлари билан дўзахдан чиқишга муваффақ бўлади.

«Саҳиҳ Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Ҳар бир пайғамбарнинг ижобат қилинадиган дуоси бўлади, ҳар бир пайғамбар у дуони қилишга шошилган, мен эса уни қиёмат куни умматимнинг шафоати учун асраб қўйганман, у умматимдан Аллоҳга ширк келтирмай ўтган ҳар бир кишига – иншоаллоҳ – албатта етгусидир»** (Муслим: №200).

Эй Аллоҳим, Сени гувоҳ қилиб айтамизки, бизлар барчамиз Сенинг тавҳидингга-ягоналигиннга иқрор бўлганмиз ва пайғамбарингга иймон келтирганмиз, умримиз хотимасини Ўзинг тавҳид устида қилгайсан.

Бухорий ва Муслим Абу Саид розияллоҳу анҳудан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминларнинг дўзахга тушиб қолган биродарларини шафоат қилишларини айтганлар:

«Улар: «Эй Раббимиз, у биродарларимиз биз билан бирга рўза тутишарди, намоз ўқишарди, ҳаж қилишарди», дейдилар. Шунда уларга айтилади: «Таниган кишиларингизни чиқаринглар. Уларнинг суратлари (баданларига таъсир қилиш) дўзахга ҳаром қилинади». Шунда улар кўп халойиқни у ердан олиб чиқишади, уларнинг болдир ва тиззалири ярмигача олов теккан бўлади. Мўминлар: «Эй Раббимиз! У ерда Сен бизга (чиқаришга) амр қилган кишилардан биронта ҳам қолмади», деб айтишади. Уларга: «Қайтинглар, кимнинг

қалбіда динор мисқолица яхшилик борлигини топсангиз, уларни ҳам чиқаринглар», дейди. Шунда улар яна күп одамларни олиб чиқишиади. Сүнгра улар: «Эй Раббимиз! Бизларга буюрган кишиларингдан ҳеч бир кишини у ерда қолдирмадик», дейишиади. Уларға: «Қайтинглар, кимнинг қалбіда ярим динор мисқолица яхшилик борлигини топсангиз, уларни ҳам чиқаринглар», дейди. Шунда улар яна күп одамларни олиб чиқишиади. Сүнгра улар яна: «Эй Раббимиз! Бизларга буюрган кишиларингдан бирон кишини у ерда қолдирмадик», дейишиади. Уларға: «Қайтинглар, кимнинг қалбіда зарра мисқолица яхшилик борлигини топсангиз, уларни ҳам чиқаринглар», дейди. Шунда улар яна күп одамларни олиб чиқишиади. Сүнгра улар: «Эй Раббимиз! Биз у ерда биронта ҳам яхшилик (эгаси)ни қолдирмадик», дейишиади. Аллоҳ таоло: «Фаришталар, пайғамбарлар ва мұмینлар шафоат қилишди, фақат раҳм қилувчиларнинг энг раҳмлisisигина қолди», дейди-да, дўзахдан бир сиқимни сиқимлаб олиб, ундан ҳеч яхшилик қилмаган, куйиб кўмирга айланиб кетган бир қавмни чиқаради. Уларни жаннат бўсағасидаги «ҳаёт анҳори» деб номланувчи бир анҳорга ташлайди. Улар у ердан худди сел лойқасида уруғ униб чиққани каби униб чиқишиади. Кўргансизлар-ку, (сел лойқасидаги ўша уруғ) бирон тош ё дараҳт ёнида бўлса, қуёшга қарагани сарғиш ва кўкимтири бўлиб, сояга қарагани оппоқ бўлиб унади».

Шунда сахобалар: «Ё Расулуллоҳ, сиз худди дала-даштларда қўй боқиб юрган одамдек (тасвирлаб бердингиз)», дейишиди.

У зот сўзларида давом этдилар: «**Улар марвариддек (товланиб), бўйинларида тақинчоқлар бўлган ҳолда чиқишиади. Жаннат аҳли уларни бирон амал қилишмаган ва бирон яхшилик тақдим қилишмаган ҳолларида Аллоҳ таоло жаннатга киритган «Раҳмоннинг озод этган қуллари»**, деб танишиади.

Севикли дўстларим! Сұхбатимиз давомида энди дўзахдан нажот топиш йўллари ҳақида сўз юритамиз.

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотни энг яхши мукофотлар билан мукофотлагин.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўллариға йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Тўртинчи: Дўзахдан қандай қилиб қутилиш мумкин?!

Дўзахдан қутилиш йўли фақат икки калимада – яъни, Аллоҳнинг тавҳидини рўёбга чиқариш ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишда мужассамдир, бундан бошқа йўл йўқдир. Фақат тавҳид ва эргашиш нажот йўлидир.

Тавҳид тил билангина айтиб қўйиладиган сўз эмас. Балки, тавҳид тил билан айтиш, дил билан тасдиқлаш ва аъзолар билан амал қилишдир. Акс ҳолда, тил билан тавҳид калимасини такрорлаганингиз ҳолда дил уни инкор қиласа ва аъзолар унга амал қилмаса, унинг нима қиймати бор?!

Тавҳид – сўз, тасдиқ ва амалдир. Аллоҳ жалла жалолуҳу Ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтади: «Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга ҳам шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўрувчилардан бўлиб колурсан! Йўқ, сен ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилгин ва шукр қилувчилардан бўлгин!» (Зумар: 6-66).

«Саҳиҳул Бухорий»да Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ким Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирган ҳолда ўлса, дўзахга киради».**

Ибн Масъуд айтдилар: «Мен айтаман: Ким Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирмаган ҳолда ўлса, жаннатга киради». (Бухорий: №1238, Муслим: №92).

«Саҳиҳайн»да Убода ибн Сомит розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Ким бир Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ, У ёлғиз ва шериксиздир, Мұҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва расули, Ийсо Аллоҳнинг бандаси, расули, чўрисининг ўғли ва Марямга туширган сўзи**дир, жаннат ва дўзах ҳақдир деб гувоҳлик берса, амалига қараб Аллоҳ уни жаннатга киритади» (Бухорий: №3435, Муслим: №29).

Бир лафзда: «**Жаннатнинг саккиз эшигидан ўзи истаганидан киради**».

Итбон ибн Молик ривоятида: «**Албатта, Аллоҳ Ўзининг юзини истаб «Laила иллаллоҳ» деган кишини дўзахга ҳаром қилгандир**».

Тавҳид ва эргашиш тилдагина бўлиши керак эмас. Аллоҳ таоло айтади: «**Айтинг** (эй Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «**Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ** (гуноҳларни) **мағфират қилувчи, меҳрибондир**» (Оли Имрон: 31).

Шеър мазмуни:

«Ким Пайғамбар севгисини даъво қилса-ю, унинг йўлидан юрмаса, унинг даъвоси қуруқ гапдир.

Агар севгиси чин бўлса, севгининг энг биринчи шарти итоат ва вафодир».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш у зотнинг буйруқларига бўйсуниш ва у зот қайтарган ишлардан тийилишдир.

«Саҳиҳайн»да Оиша розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Ким бизнинг бу ишимизда (яъни динимизда) ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у рад қилингандир**» (Бухорий, Муслим: №1718).

Ким Аллоҳнинг динида бир бидъатни қилса, у мардуд – рад қилингандир. Унинг бу ибодати ўзига қайтарилади. Аллоҳ таоло унинг амалидан фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашувчи бўлган ҳолда қилганини қабул қилади.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган баъзи бир солиҳ ишлар ҳам борки, улар жаннатга йўл очиб, бандани дўзахдан қутқариб қолади. Қуйидагилар шулар жумласидан:

Рўза. «Саҳиҳайн»да келган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ким Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутса, шу бир куни эвазига Аллоҳ унинг юзини етмиш йил (масофасида) дўзахдан узоқлатади**» (Насойи: №4/174, Саҳиҳул-жомиъ: №6322).

Жиҳод. «Саҳиҳул Бухорий»да келган ҳадис борки, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Кимнинг икки қадамига Аллоҳнинг йўлида чанг-ғубор етса, Аллоҳ уни дўзахга ҳаром қиласди**». (Бухорий: №811, Термизий: №1632).

Илм мажлислари. «Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«**Аллоҳ таолонинг шундай фаришталари борки, улар зикр аҳлини қидириб айланиб юрадилар. Агар Аллоҳни зикр қилаётган кишиларни топсалар «Қидирган нарсаларингга келинглар», деб бир-бирларини чақирадилар. Фаришталар зикр аҳлини қанотлари билан ўраб (устма-уст бўлиб), дунё осмонигача етадилар. Аллоҳ таоло Ўзи яхши билиб турса-да, фаришталаридан сўрайди:**

- Бандаларим нима дейишяпти?
- Сенга тасбех, такбир, ҳамд айтиб сени улуғлаяптилар.
- Улар Мени кўришганми?
- Йўқ, Аллоҳга қасам-ки, кўрмаганлар.
- Агар мени кўрсалар нима қилишади?
- Унда сенга янада кўпроқ ибодат қилиб, бундан-да кўп тасбех айтиб, сени улуғлашади.
- Улар мендан нима сўраяптилар?
- Сендан жаннат сўрашяпти.
- Жаннатни кўришганми?
- Йўқ, Аллоҳга қасам-ки, эй Парвардигор, жаннатни кўрмаганлар.
- Агар кўрганларида нима бўларди?
- Агар жаннатни кўрсалар унга янада қаттиқроқ интилиб, талабгор бўлиб рағбатлари ошиб кетарди.
- Нимадан паноҳ тилаяптилар?

- Дўзахдан.
- Улар дўзахни кўришганми?
- Йўқ, Аллоҳга қасам-ки, эй Парвардигор, уни кўрмаганлар.
- Агар кўрсалар нима бўларди?
- Агар кўрсалар дўзахдан яна ҳам кўпроқ қўрқкан ва яна ҳам қаттиқроқ қочган бўлардилар.
- Сизлар гувоҳсизлар, Мен уларни мағфират қилдим.

Аллоҳ муҳаббати. Агар Аллоҳ сизни яхши кўрса, асло дўзах юзини кўрмайсиз. Аҳмад ва Ҳоким Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилган саҳих ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Аллоҳга қасамки, Аллоҳ Ўзи севган кишисини асло дўзахга ташламайди**» (Термизий: №1633, Насойи: №6/12).

Йиғи. Биласизми, Аллоҳ қўрқувидан ҳосил бўлган йиғи ҳам ўз эгасини дўзахдан қутқаради. Нақадар улкан фазл!!

Термизий ва Насойи ривоят қилган, Албоний саҳих санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган киши то сут елинига қайтмагунича** (яъни, ҳеч қачон) **дўзахга кирмайди**». (Термизий: №1633, Насойи: №6/12).

Демак, нажот йўли фақат Аллоҳ таолонинг тавҳидини рўёбга чиқаришда ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишдадир.

Эй Аллоҳ, бизларни (гуноҳларимизни) яширгин ва шарманда қилмагин, бизларни икром этгин ва хор қилмагин, биз томонда бўлгин, бизга қарши бўлмагин.

Эй Аллоҳ, бизлардан бирон кишининг ҳам гуноҳини қўймай кечиргин, биронта ҳам беморни қолдирмай шифо бергин, қарздорларимизнинг қарзини ўтагин, вафот этганларимизни раҳматингга олгин, осийларимизга ҳидоят бергин, тоат-ибодатда бўлганларимизни событқадам қилгин, Ўзинг рози бўладиган ва биз учун фойдали бўлган ҳожатларимизни раво қилгин эй раҳмиларнинг раҳлироғи!

Эй Аллоҳ, ушбу жамоатимизни раҳматинг инган жамоат қилгин, бу ердан тарқалишимизни гуноҳдан холи тарқалиш қилгин, ораларимизда биронта ҳам баҳтсиз ва маҳрумни қолдирмагин.

Эй Аллоҳ, бизни ҳидоят қилгин, биз сабабли ҳидоят қилгин, бизни ҳидоятланувчиларга сабабчи қилгин.

Эй Аллоҳ, Ўзинг агар одамларни фитналашни истасанг, бизни расво ва шармисор бўлмаган, фитналанмаган ҳолимизда Ўз ҳузурингга олгин.

Эй Аллоҳ, ҳимоясиз мусулмонларни ҳимоя қилгин, кийимсизларига кийим бергин, очларини тўйдиргин.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

Неки тўғриликка муваффақ этилган бўлсан, ҳаммаси Аллоҳнинг ёлғиз Ўзидан, неки хато, унутиш содир бўлган бўлса, бари ўзимдан ва шайтондандир, Аллоҳ ва Расули ундан покдир. Мен устидан сизлар жаннатга ўтиб оладиган, ўзи эса жаҳаннамга улоқтириладиган кўприк бўлиб қолишдан, сизларга насиҳат қилиб, ўзимни унутишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман.

Эй Аллоҳ, Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўллагин.

2012 йил 13-январ

الشيخ محمد حسان

في رحاب الدار الآخرة

دار السعادة

Охират ҳовлиси силсиласи

Шайх Мухаммад Ҳассон

Саодат ҳовлиси

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир – деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) **ишлиарингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират**

қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбариға итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчиdir.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Сиз билан биз бугун Аллоҳнинг тавфиқи ва мадади билан «Охират ҳовлиси» силсиласидан сўнгги – йигирма биринчи сухбат устида кўришиб турибмиз.

Сўнгги икки сухбатимизда одамларнинг Сирот устида туришлари, айримлар ундан яшиндек тез, айримлар кўз-очиб-юмгунчалик вақтда, айримлар шамолдек елиб, айримлар эса учқур отлардек чопиб ўтишлари ҳақида, баъзилар ундан соғ-саломат ўтиб олишлари, баъзилар эса чангаклар билан тилиниб, кейин қутулишлари, яна баъзилар ундан ўтолмай жаҳаннамга қулаши тўғрисида сўзлаб ўтган эдик.

Аллоҳ таоло иймон аҳлини дўзахдан қутқариб, улар Сирот устидан эсон-омон ўтиб олишганидан сўнг энди тавҳид ва иймон аҳли Раҳим ва Раҳмон Зотнинг жаннатига қараб йўл олишади. Мўминлар жаннат йўлида эканлар, жаннат ва дўзах оралиғидаги бир кўприқда тўхтатилиб, Аллоҳ таоло уларни бу дунёда ўрталарида кечган ўзаро зулмлардан ва бир-бирларининг ҳақларидан тозалаб, поклайди.

Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Мўминлар дўзахдан халос бўлишгач, жаннат билан дўзах оралиғидаги бир кўприқда тургизилиб, дунёда ўрталарида бўлган зулмларнинг қасосини бир-бирларидан олишади.** (Бир-бировларининг ҳақларидан) тозаланишгач, жаннатга киришларига изн берилади. Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, улардан бирови жаннатдаги ўрнига дунёдаги ўз манзилидан кўра йўл топувчироқдир».

Ибн Аббос розияллоху анҳумо айтадилар: «Улар жаннатдаги уйларига худди жума аҳли жума (намози)дан кейин ўз уйларига қараб йўл олишганидек йўл олишади, ҳар ким ўз манзилини яхши билади».

Севикли дўстларим! Келинг, мана шу озгина, бир неча дақиқалар ичра биргалиқда руҳларимиз ва дилларимиз орқали жаннатга кириб борамиз.

Одатимизга кўра, вақтдан унумли фойдаланиш учун ушбу улуғ мавзудаги сўзимизни бир неча моддаларга бўлиб оламиз:

Биринчи: Жаннат васфи.

Иккинчи: Жаннат аҳлининг энг қуий даражадагиси ва унга энг охири киравчи киши.

Учинчи: Жаннат аҳлига бўладиган роҳат-фароғатлар.

Тўртинчи: Розимисизлар?!

Бешинчи: Жаннатга йўл.

Жон қулоқ билан тинглашингизни умид қиласман, Аллоҳ таолодан сизу бизни жаннат аҳлидан қилишини ва унда пайғамбарлар саййиди билан бирга қилишини сўрайман.

Биринчи: Жаннат васфи

Жаннат васфидан сўз очарканмиз, табиийки, энг аввало бу хусусда келган Қуръони Карим оятлари ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларига мурожаат қилиш зарурати туғилади. Чунки, жаннат ғайбdir. Ҳеч ким бу ҳақда Қуръон ёки Суннатда келган очиқ далилларсиз гапириши асло жоиз бўлмайди. Ҳеч ким, хаёл уммонига ҳар қанча чуқур ғарқ бўлмасин, Аллоҳ таборака ва таолонинг жаннатини тасаввур қила олмайди. Жаннат неъматлари васфига тил ожиз, тасавурлар қосирдир.

Келинг, уни яратган ва безатган, унинг кароматини Ўз қўли билан эккан Зотнинг – Аллоҳ таборака ва таолонинг сўзларига, дунёдалик пайтларидаёқ жаннатни ўз кўзлари билан кўрган зотнинг – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига қулоқ тутайлик.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида кун тутилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар билан намоз ўқидилар. Қиёмда турдилар, қиёмда узоқ турдилар. Сўнг

рукуъ қилиб, рукуъда ҳам узоқ турдилар. Сүнг қиёмга қайтиб, узоқ қиёмда турдилар ва бу аввалги қиёмларидан қисқароқ бўлди. Сүнг рукуъ қилиб, рукуъда узоқ турдилар ва бу аввалги рукуъларидан қисқароқ бўлди. Сүнг сажда қилиб, саждаларида узоқ турдилар. Сүнг иккинчи ракъатда ҳам худди биринчи ракъатдагидек қилдилар. Сүнгра намозларини тугатдилар, кун очилиб кетган эди. Одамларга хутба қилдилар, Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнг шундай дедилар: «**Албатта, кун ва ой Аллоҳнинг аломатларидан икки аломатдир. Улар бировнинг ўлими ё туғилиши учун тутилмайди. Агар шу ҳолни кўрсаларингиз, Аллоҳга дуо қилинг, такбир айтинг, намоз ўқинг ва садақа қилинг!**»...

Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, турган ўрнингизда бир нарсага қўл узатганингизни, кейин ортга қайтганингизни кўрдик?» – деб сўрашди. У зот: «**Мен жаннатни кўрдим ва бир шингил (меваси)га қўл узатдим. Агар уни ололганимда, то дунё тургунча ундан еган бўлардиларингиз**», – дедилар. (Бухорий: №1052, Муслим: №907, 908, 909).

«Саҳиҳайн»да Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Сўнг (яъни Исрор ва Меъроҳ кечасида) жаннатга киритилдим, унда марварид шодаларини** (яъни, марварид шодаларидан кўтарилиган қасрларни) **кўрдим, (жаннатнинг) тупроғи мушк экан**».

Саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жаннат васфини сўзлаб беришларини сўраганларида у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: «**Бир ғишли олтин, бир ғишли кумуш, лойи мушк, майда тоши инжу ва ёқут, тупроғи заъфарондир. Унга кирган киши ноз-неъмат ичиди бўлади, машаққат кўрмайди, абадий яшайди, ўлмайди, кийимлари эскирмайди, ёшлиги йўқолмайди**» (Термизий: №2528, Албоний «Ас-саҳиҳа»да (№969) саҳиҳ санаган).

Хоҳишларидан сўзламайдиган Содиқ зотнинг жаннат уйларидан бир уйни тасвирлаб айтган сўзларига қулоқ туting.

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: «**Жибрийл Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб деди: «Эй Расулуллоҳ, мана, Хадича ёғ ёки емак ё ичмак солинган бир идиш билан келди. У ҳузурингизга**

киргач, унга Парвардигоридан ва мендан салом айтинг ва унга жаннатдаги ичи ғовак марвариддан (қурилган), унда шовқин-сурон ва қийинчилик бўлмаган бир қаср хушхабарини беринг». (Бухорий: №3820, Муслим: №1887).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннатга киритилдим. Тўсатдан олтиндан (бино қилинган) бир қаср ёнида бўлиб қолдим. «Бу қаср кимники?», – деб сўраган эдим, «Қурайшлик бир йигитники», – дедилар. У мен бўлсан керак, – деб ўйладим ва: «Ким у?», – деб сўрадим. «Умар ибн Хаттобники», – дедилар». (Термизий: №3689, Аҳмад: №11985, Ибн Ҳиббон: №2188, Албоний: «Ас-саҳиҳа», №1405, №1423).

Марварид ва инжудан бино қилинган уй, соф олтиндан қурилган қаср!!
Нақадар фароғат бу!! Нақадар фазл бу!!

Бирлашган Араб Амирликларида бўлганимда амирлардан бири мени меҳмонга таклиф этди. Каъбанинг Раббиға қасамки, унинг қасрига кириб, ҳушим бошимдан учайди. Шерикларимга дедим: «Бу кўриб турганимиз инсоннинг инсонга ҳозирлагани. Энди Парвардигори оламнинг жаннатда ҳозирлаб қўйган неъматлари ва роҳат-фароғатлари қандай экан?!».

Жаннатдаги бу қасрлар гўзаллигига яна ҳам ҳусн қўшиб турадиган яна бир тарафи, улар остидан анҳорлар оқиб туради. Анҳор устига қурилган соф олтиндан бўлган қасрни, инжу ва марваридлардан бино қилинган уйни тасаввур қилинг. Фоят гўзал манзара!! Анҳорлари ҳам қандай анҳор денг?! Бир анҳори сувдан, бир анҳори сутдан, бир анҳори асалдан, яна бир анҳори майдан!!

Аллоҳ таоло айтади: «Тақво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг сифати (будир): «Унда айнимаган сувдан бўлган дарёлар ҳам, таъми ўзгармаган сутдан бўлган дарёлар ҳам, ичувчилар учун лаззатли (яъни бадтаъм ва ақлдан оздирувчи бўлмаган) майдан бўлган дарёлар ҳам, мусаффо асалдан бўлган дарёлар ҳам бордир. Улар учун у жойда барча мевалардан бордир ва (улар учун у жойда) Парвардигорлари томонидан мағфират бордир» (Муҳаммад: 15).

Дарахтлар, соя-салқинлар, мевалар унинг ҳуснига ҳусн, камолига камол, жамолига жамол қўшади. Ўйламангки, жаннат дарахтлари ҳам

худди дунё дарахтларига ўхшаган. Йўқ! Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Жаннатдаги ҳар бир дарахтнинг танаси олтиндандир». (Термизий: №2527, Саҳиҳул-жомиъ: №5647).

«Саҳиҳайн»да келган яна бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Жаннатда бир дарахт борки, отлик киши унинг сояси остида юз йил йўл босади». Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Истасангиз, Аллоҳ таолонинг: «Ёйилган соя (ости)да» деган сўзларини ўқинглар» (Бухорий: №4881, Муслим: №2828).

Дунёдаги дарахтлар ичидаги ёз фаслида мева берадиганлари бўлади, қиши фаслида мева берадиганлари бўлади, баҳор фаслида ё куз фаслида мева берадиганлари бўлади. Аммо, жаннат дарахтлари қишин-ёзин бир хилда, мевалари ҳам, соялари ҳам давомлидир.

Аллоҳ таоло айтади: «Ўнг томон эгалари... Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир! (Улар) тикансиз бутазорларда. Тизилган бананзорларда. Бардавом соя (ости)да. Оқизиб қўйилган сув (усти)да. Тугаб қолмайдиган ва манъ этилмайдиган кўпдан-кўп (турли-туман) мева-чева (ости)да. Сўрилар устига баланд кўтарилиган кўрпачалар (усти)дадирлар» (Воқеа: 27-34).

Жаннат мевалари узликсиздир, жаннат дарахтлари соялари доимий ва туганмасдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ азза ва жалла: «Солиҳ бандаларим учун кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, одамзотнинг хаёлига ҳам келмаган нарсаларни ҳозирлаб қўйдим», – деди». Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бас уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни охират неъматларини) бирон жон билмас» (Сажда: 17) оятини ўқидилар. (Бухорий: №3244, Муслим: №2824).

Сұхбатимиз давомида сиз билан биргаликда ушбу неъматларнинг баъзисини тасаввур қилиб кўришга уринамиз.

Иккинчи: Жаннат аҳлининг энг қуи даражадагиси ва унга энг охири киравчи киши

Жаннат аҳли нақадар олий роҳат-фароғатлар ва нақадар улкан неъматлар оғушида бўлишини тасаввур қилиш учун, келинг, биргалиқда жаннатдаги энг қуи даражадаги кишининг ва жаннатга энг охирги бўлиб киравчи кишининг ҳоли билан танишайлик.

Имом Муслим «Саҳиҳ»ида Муғира ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Мусо алайҳиссалом Парвардигоридан: «Жаннатдаги энг қуи ўрин кимга берилади?», – деб сўради.

Аллоҳ таоло деди: «Жаннат аҳли жаннатга киритиб бўлингач, бир киши келади. Унга: «Жаннатга кир!», дейилади. Шунда у: «Эй Раббим, қандай кираман? Ахир одамлар ўз ўринларини эгаллаб Ҳожалари берган марҳаматларни олиб бўлдилар-ку?», дейди. Унга: «Дунё шоҳларининг мулкича мулк сеники бўлса, розимисан?», дейилади. У: «Парвардигоро, розиман», дейди. Аллоҳ унга: «Мана шу ва ўшанча, ўшанча, ўшанча ва ўшанчаси сеники», дейди. Беш баробар бўлганда: «Парвардигоро, розиман», дейди банда. Аллоҳ: «Сўраганинг ва унинг ўн баробари сеники ҳамда кўнглинг тусаган ва кўзингга ёқсан нарса сеникидир», дейди» (Муслим: №189, Термизий: №3196).

Аллоҳу акбар!! Жаннатдаги энг қуи даража соҳибининг манзилати шу бўлса, олий мақомлар эгалари қандай олий ўринларда бўларкинлар??!

Жаннатга охирги бўлиб кирадиган киши ҳақидаги ҳадисни ҳам Имом Муслим «Саҳиҳ»ида келтирган. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Жаннатга охири бўлиб бир киши киради. У Сирот устида гоҳ юриб, гоҳ қоқилиб, гоҳ ўт уни домига тортиб, шу ҳолда ўтиб келади. Ундан ўтиб олгач, ортига қайрилиб қараб: «Мени сендан қутқарган Зот буюқdir. Аллоҳ менга аввалгилару охиргилардан бирон кишига бермаган неъматини берди», дейди. Шунда унга узоқдан бир дараҳт қўрсатилади.

- «Эй Роббим, мени ўша дарахтга яқинлаштирсанг, соясида ўтирсам ва сувидан ичсам», дейди.
- «Эй одам боласи, агар тилагингни сенга берсам, Мендан қайтиб бошқа нарса сўрамайсанми?», дейди Аллоҳ азза ва жалла.
- У: «Йўқ, эй Роббим (бошқа нарса сўрамайман)», дейди ва бошқа ҳеч нарса сўрамасликка ваъда беради. Банда ўзи сабр қилолмайдиган нарсани кўраётгани учун Робби унинг узрини қабул қиласиди ва уни ўша дарахтга яқинлаштиради. Банда дарахт соясида ўтириб сувидан ичади. Кейин унга бундан-да чиройлироқ бир дарахт кўрсатилади. Шунда у:
- «Эй Роббим, мени бунисига ҳам яқинлаштирсанг, соясида ўтирсам ва сувидан ичсам. Сендан бошқа ҳеч нарса сўрамайман», дейди.
- «Эй одам боласи, ҳалигидан бошқа нарса сўрамасликка ваъда бермаганимидинг? Агар ҳозир сени бу дарахтга ҳам яқинлаштирсанг, Мендан яна бошқасини ҳам сўрарсан?», дейди. У бошқа нарса сўрамасликка аҳд беради. Сабри етмайдиган нарсани кўраётгани учун Робби унинг узрини қабул қиласиди ва уни ўша дарахтга яқинлаштиради. Банда унинг соясида ўтиради ва сувидан ичади. Кейин жаннат эшиги олдида унга аввалги иккисидан ҳам чиройлироқ бир дарахт кўрсатилади.
- «Эй Роббим, мени бунга ҳам яқинлаштирсанг, соясида ўтирсам ва сувидан ичсам, бундан бошқа нарса сўрамайман», дейди банда. Шунда Аллоҳ:
- «Эй одам боласи, бошқа нарса сўрамайман, – деб ваъда бермабимидинг?», дейди. Банда:
- «Ҳа, шундай қилгандим. Эй Роббим, шуни ҳам бергин, кейин бошқасини сўрамайман», дейди. У сабри етмайдиган нарсани кўраётгани учун Робби унинг узрини қабул қиласиди ва уни ўша дарахтга яқинлаштиради. Банда дарахтга яқинлашгач, аҳли жаннатларнинг товушларини эшитиб қолади ва:

- «Эй Роббим, мени ҳам жаннатга киргизсанг», дейди.
- «Эй одам боласи, нима қилсам сўрашни бас қиласан, бутун дунёни ва унга қўшиб яна шунчасини берсам рози бўласанми?», дейди Аллоҳ. Банда:
- «Эй Роббим, Сен оламлар Робби бўла туриб менинг устимдан куляпсанми?», дейди...

Шу сўзларни айтиб, Ибн Масъуд кулдилар ва «Нима учун кулаётганимни сўрамайсизларми?», – дедилар.

«Нима учун куляяпсиз?», дейишди. «Чунки, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ҳудди шундай кулгандилар. Асҳоблар: «Нима учун куляяпсиз, ё Расууллоҳ?», дейишганда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Банданинг: «Сен оламлар Робби бўла туриб менинг устимдан куляпсанми?» деганида Аллоҳ Роббул оламийн кулгани учун», дегандилар».**

... Аллоҳ бандага:

— «**Сенинг устингдан кулмайман. Лекин Мен хоҳлаган ишимни қилишга қодирман**», дейди» (Бухорий: №6571, Муслим: №187).

Учинчи: Жаннат аҳлига бўладиган роҳат-фароғатлар

Ҳар қанча сўзга уста кишининг ҳам тили унинг васфига ожиз, ҳар қанча етук қалам соҳибининг ҳам қалами қосирдир.

Аввал бошидан шу нарсани билиб олишимиз лозимки, жаннат аҳли неъмат ва роҳат-фароғатда бир-бирларидан тафовутли бўлишади. Чунки, иймон аҳли иймон ва ишончда тафовутли бўлгани ҳолда, ҳаммаси бир хил даражада бўлишлари мумкин эмасдир. Балки, ҳар бир киши ўзининг дунёдалик пайтидаги иймони ва ишончига кўра жаннатдан ўрин олади.

Аллоҳ таоло айтади: **«Ким охиратни истаса ва мўмин бўлган ҳолида (охиратга лойиқ) саъй-ҳаракат қилса, ундаи зотларнинг саъйлари** (Аллоҳ наздида) **мақбул бўлур.** (Эй Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бу дунёда одамларнинг) **барчаларига — мана бу** (мўмин)ларга ҳам, анави (коғир)ларга ҳам Парвардигорингизнинг **неъматидан ато этурмиз.** Парвардигорингизнинг **неъмати** (ҳеч кимдан) **манъ қилинmas.** (Бу дунёда) **уларнинг бирорларидан**

бировларини (ризқу мартабада) қандай устун қилганимизни күринг!
Шак-шубҳа йўқки, охират даражалари (дунёдаги устунликлардан) **неча баробар улуғ ва афзалроқдир»** (Исро: 19-21).

Аллоҳ таоло дунё аҳлини дунёдаги даражалардан тафовутли қилгани каби, охират аҳлини ҳам даражаларда тафовутли қилади: «**Шак-шубҳа йўқки, охират даражалари неча баробар улуғ ва афзалроқдир».**

Ҳа, одамлар жаннат неъматлари борасида бир-бирларидан фарқли бўлишади. «Саҳиҳул Бухорий»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Жаннатда Аллоҳ Ўз йўлидаги мужоҳидларга тайёрлаб қўйган юзта даража бор. Ҳар икки даража оралиғи ер билан осмон оралиғичадир. Аллоҳдан сўрайдиган бўлсангиз, олий «Фирдавс» жаннатини сўранглар. Чунки у жаннатнинг энг ўртаси ва энг юқорисидир, жаннат анҳорлари ундан оқиб чиқади, Раҳмон таолонинг Арши унинг устидадир»** (Бухорий: №2790, Саҳиҳул-жомиъ: №2126).

«Саҳиҳайн»да Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Жаннат аҳли тепаларидаги хона аҳлларини худди сизлар машриқ ёки мағрибда уфққа ботаётган ёрқин юлдузни кўриб турганинглар каби кўриб турадилар. Бу ўрталаридаги тафовут сабаблидир».** Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, бу пайғамбарларнинг манзилларими? Бошқалар унга эриша олмайдиларми?», – деб сўрашди. «**Йўқ! Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, улар Аллоҳга иймон келтирган ва пайғамбарларни тасдиқлаган кишилардир»**, – дедилар (Бухорий: №6555, Муслим: №2841).

Қўйи даража эгалари олий даража эгаларига худди дунё аҳли машриқ ё мағриб осмонидаги ёрқин юлдузни кўрганлари каби қараб туришади. Саҳобалар ўша олий даража эгалари пайғамбарлар бўлсалар керак, бошқалар уларга шерик бўлмасалар керак, – деб ўйлашиб, бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраганларида у зот: «**Йўқ! Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, улар Аллоҳга иймон келтирган ва пайғамбарларни тасдиқлаган кишилардир»**, – деб жавоб бердилар. Яъни, улар сизлар ўйлаганингиздек, пайғамбарлар

эмас, балки раббоний манҗажга ва пайғамбар йўлига эргашган кишилардир, – дедилар. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратганидан то қиёматгача яшаб ўтган инсонлар ичиде энг олий манзил ва энг юксак даража ҳеч шубҳасиз, бизнинг пайғамбаримиз ва ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга тегишлидир.

Ином Муслим Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхудан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисни бир тадаббур қилинг. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Муаззиннинг аzon айтиётганини эшитсангиз, у айтиётган калималарни такрорланглар, сўнгра менга саловот айтинглар. Чунки, ким менга бир марта саловот айтса Аллоҳ унга ўнта саловот айтади. Кейин Аллоҳдан менга “васила” сўранглар, зеро у жаннатдаги олий манзилат бўлиб, унга Аллоҳнинг бандалари ичидан фақат бир бандасигина етади. Ўша банда мен бўлишимни орзу қиласман. Ким менга Аллоҳдан “васила” сўраса шафоатимга эришади**» (Муслим: №384).

Демак, васила жаннатдаги энг олий даража бўлиб, у фақат битта бандага насиб этади. У банда ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар.

Севикли дўстим! Жаннат аҳлининг таоми ва шароби, ходимлари, остларидаги тўшамалари ва эгниларидаги либосларидан сўрасангиз, бу ҳақда Парвардигоримизнинг Китобида келган тавсифлардан бирон нарсани зиёда этолмайман. Келинг, биргалиқда ушбу ояти карималарни ўқиийлик:

Аллоҳ таоло айтади:

«22. Шак-шубҳасиз яхшилар (яъни мўминлар жаннат) неъматларидаирлар. 23. Улар сўриларда (Аллоҳ таоло ўзларига ато этган неъматларга) боқиб (ўтиурлар). 24. Сиз уларнинг юзларида неъматларнинг жилвасини танирсиз — кўурсиз. 25. Улар (жаннатда) муҳрланган майдан суғорилурларки, 26. У (май)нинг охири мушк бўлур. Бас, баҳслашувчи кишилар (мана шундай мангу неъматга етиш йўлида) баҳслашсинглар» (Мутоффифун: 22-26).

Аллоҳ таоло айтади:

«10. (Учинчи тоифа бўлмиш барча яхши амалларга) пешқадам бўлувчи зотлар (жаннат неъматларига эришишида ҳам) пешқадам

бўлувчи зотлардир! 11-12. Ана ўшалар ноз-неъмат боғларида (Аллоҳ таолога) яқин қилинувчилардир. 13-14. (У пешқадамлар Ислом умматининг) аввалгиларидан кўпчилик, кейингиларидан эса оздир.

15-16. (Улар олтиндан) тўқилган сўриларда ястанган ҳолларида бир-бирларига рўбарў бўлиб (ўтирурлар). 17—18. Атрофларида эса мангу ёш (яъни ҳеч қаримайдиган) болалар оқар чашмадан (майли) қадаҳларни, кўзаларни ва косаларни айлантириб туурлар. 19. У (май)лардан уларнинг бошлари ҳам оғримас, маст ҳам бўлмаслар. 20-21. Яна ўzlари танлаб оладиган мева-чева ҳамда иштаҳалари тортган қуш гўштлари ҳам (айлантириб турилур). 22-23. Яна (улар учун) худди яшириб қўйилган марварид мисол оҳу кўз ҳурлар бордир» (Воқеа: 10-23).

Аллоҳ таоло айтади:

«12. Ва уларни сабр-қаноатлари сабабли жаннат ва (жаннатда эгниларида бўладиган) ипак (либослар) билан мукофотлади. 13. Улар у жойда сўриларга ястанган ҳолларида ўтирурлар. Улар у жойда қуёш(нинг қизифи)ни ҳам, замҳарир (қишининг совуғи)ни ҳам кўрмаслар. 14. (Жаннат) соялари уларга яқин ва мевалари ҳам (узиб тановул қилиш осон бўлсин учун) эгиб қўйилган бўлур. 15-16. Уларга кумуш идишлар(да таомлар) ва ўзи кумушдан (ясалган бўлса-да нафислигидан) шиша-шиша бўлиб кетган қадаҳлар(да шароблар) айлантирилиб турилур. (У шаробларни соқийлар ҳар кимнинг эҳтиёжига яраша) ўлчаб-белгилаб қўйгандирлар. 17-18. (Жаннат аҳли) у жойда мизожи-аралашмаси занжабил бўлган майкосалар — (жаннатлардаги) салсабил-ўтимли – деб аталадиган чашма билан суғорилурлар. 19. Уларнинг атрофида мангу ёш (яъни ҳеч қаримайдиган) болалар (хизмат қилиб) айланиб туурларки, уларни кўрган вақтингизда (гўзалликлари, рангларининг тиниқлиги ва юзларининг нурлигидан) сочиб юборилган марваридларми, – деб ўйларсиз. 20. У жойда қачон қарасангиз ноз-неъматларни ва катта мулку давлатни кўурсиз. 21. Уларнинг устларида яшил ипак ва шойи либослар бўлиб, улар кумуш билакузуклар билан безангандирлар ва Парвардигорлари уларни ниҳоятда покиза

шароб-ла сүфоргандир. 22. Албатта бу (жаннат ва ундағи ноз-неъматлар) **сизлар учун мукофот бўлди»** (Инсон: 12-22).

Жаннат аҳлининг аёллари васфига ҳам ҳар қанча сўзга уста кишининг тили ожиз, ҳар қанча уста адабнинг ҳам қалами қосир. Бу дунёдаги жуфти ҳалолингиз агар солиҳалар ва аҳли жаннатлар жумласидан бўлган бўлса, жаннатда ҳам сизга жуфт бўлади. Бироқ, Парвардигори олам аввал жаннатда уни жаннат камолига, жамолига ва ҳуснига муносиб келадиган кўринишда янгидан ҳозирлайди. Жаннатда аёлингизни, гарчи бу дунёда юз ёшдан ўтиб вафот қилган бўлса ҳам, айни гуллаб-яшнаган, ўттиз ёшлик ҳолида, ғоят гўзал, нафосат ва камолотга тўлган ҳолда топасиз. Киши жаннатда аёллари билан бир кунда бир неча бор жинсий муошаратда бўлса, ҳар сафар уларни бокира ҳолда топади.

Аллоҳ таоло айтади:

«27. Ўнг томон эгалари... Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир! 28. (Улар) тикансиз бутазорларда. 29. Тизилган бананзорларда. 30. Ёйилган соя (ости)да. 31. Оқизиб қўйилган сув (усти)да. 32-33. Тугаб қолмайдиган ва ман этилмайдиган кўпдан-кўп (турли-туман) мева-чева (ости)да. 34. Баланд кўтарилиган кўрпачалар (усти)дадирлар. 35. Дарвоқеъ Биз уларни (оҳу кўз ҳурларни) дафъатан пайдо қилдик (яъни улар онадан туғилмадилар, балки Аллоҳнинг амри билан дафъатан пайдо бўлдилар). 36-37-38. Сўнг уларни ўнг томон эгалари учун (ёшда ҳам, ҳусну жамол ва қадду қоматда ҳам) бири-бирига тенг, эҳтиросли бокира қизлар қилиб қўйдик. 39-40. (Ўнг томон эгалари бўлмиш саодатманд кишилар) (Ислом умматининг) аввалгиларидан кўпчилик, кейингиларидан ҳам кўпчиликдир» (Воқеа: 27-40).

Оятдаги «эҳтиросли» – деб таржима қилинган «урубан» (عُرْبَان) сўзи «аруб» (عَرُوب) сўзининг кўпллик шакли бўлиб, араб тилида аруб – деб эрига фақат ширин ва ёқимли сўз айтишдан бошқани билмайдиган, тилидан эрига нисбатан асло ёқимсиз ва ёмон сўз чиқмайдиган аёлга айтилади.

Парвардигор жалла ва ало жаннат аҳлига уларнинг дунёдаги аёлларига қўшимча хури ийнлар ҳам ато этади.

Хур ҳавроъ (حَوْرَاءُ) сўзининг кўплик шакли бўлиб, ёш, чиройли, гўзал ва шаҳло кўз аёл маъносини билдиради. Ҳурлар одамзот жинсидан бўлмай, Аллоҳ таоло уларни жаннат аҳли учун маҳсус яратиб қўйгандир, уларнинг хуснларини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Парвардгоримиз азза ва жалла ҳурларни шундай таърифлаган:

«70. У (жаннат)ларда хушхулқ ва гўзал юзли (аёл)лар бордир. 71. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 72. (Улар) чодирларда асралган ҳурлардир. 73. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 74. Уларга (жаннат аҳлидан) илгари на бир инс ва на бир жин тегингандир. 75. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 76. (Жаннат аҳли у жаннатларда) яшил болишлар ва гўзал гиламлар устида ястанган ҳолларида (ўлтиурлар). 77. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 78. Буюклик ва карам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг номи баракотли — муборакдир» (Раҳмон: 70-78).

«Саҳихул Бухорий»да келган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннатдаги ҳурлар васфида шундай дейдилар: «Агар жаннат аҳлидан (ҳурларидан) бир аёл ер юзига қиё боқса, чор-атрофни ёритиб хуш бўйга тўлдириб юборарди. Унинг бошидаги рўмоли дунё ва ундаги барча нарсадан яхшироқдир».

Аҳмад ва Абу Яъло ҳасан санад билан келтирган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Улардан бири боққанида юзи ойнадан ҳам софроқ бўлади, унинг бошидаги битта марварид донаси еру осмон ўртасини ёритиб юборади».

«Саҳихайн»да Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Жаннатда мўмин киши учун кенглиги олтмиш мил бўлган ғовак марвариддан қилинган чодир бордир. Мўминнинг барча жуфтлари ўша чодир ичиди бўлиб, улар бир-бирларини кўрмаган ҳолларида уларга навбати билан айланиб юраверади» (Бухорий: №3243, Муслим: №2838).

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Улардан (яъни, жаннат аҳлидан) ҳар бирининг гўзаллигидан болдирларининг иликлари этлари остидан кўриниб турадиган иккитадан жуфтлари бўлади. Улар ўртасида ихтилоф ҳам, адоват ҳам бўлмайди. Қалблари битта қалб бўлиб, эртаю кеч Аллоҳга тасбех айтадилар» (Бухорий: №3245, Муслим: №2834).

Жаннат ҳурлари ҳақида ўқиганларим ичидаги энг ажойибларидан бири – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтишларича, ҳурлар жаннат аҳлидан бўлган ўз жуфтларини чиройли овозда қўшиқлар айтиб кутиб оладилар. Бундай гўзал овозни аввал ҳеч қачон эшитмаган бўладилар. Табароний Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ва Албоний «Саҳиҳул-жомиъ»да саҳиҳ санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Жаннат аёллари ўз жуфтларига ҳеч ким эшитмаган гўзал овозда қўшиқ айтиб берадилар. Улар куйлайдиган қўшиқларидан:

«Бизлар хуш хулқ, гўзал юзли аёллармиз

Улуғ зотлар учун жуфти ҳалоллармиз

Қувнатгувчи кўзлар-ла боқиб туурмиз».

Яна шундай қўшиқларидан:

«Бизлар барҳаётмиз, ҳаргиз ўлмасмиз,

Бизлар ҳотиржаммиз, ҳаргиз қўрқмасмиз,

Бизлар шу ерликмиз, кетиб қолмасмиз».

Тўртинчи: Розимисизлар?!

Билингки, жаннатдаги санаб ўтилган шунча неъматларнинг ҳаммаси ҳам энг олий, энг улуғ, энг буюк бир неъмат олдида ҳеч нарса бўлмай қолади. Шунча олий неъматлар унинг олдида ҳеч нарсага арзимай қоладиган бу улкан неъмат нима экан?! Ҳа.. Жаннатнинг ҳақиқий неъматлари сути-ю асали билан, суви-ю шароби билан, олтин-у кумуши билан, ҳурлар-у қасрлари билан бирга бу олий неъмат олдида ҳеч нарса бўлиб қолади! Бу олий неъмат Парвардигори оламнинг Юзига боқиш неъматидир!

Аллоҳ таоло айтади: «У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб турувчидир!» (Қиёмат: 22-23).

Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анхудан: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Аллоҳ жаннат аҳлига нидо қилади:**

- Эй аҳли жаннат!
- Эй Роббимиз, биз Сенинг чақириғингга доим тайёрмиз ва Сенинг чақириғинг билан баҳтиёрмиз!
- (Мен берган неъматлардан) **Розимисизлар?**
- Нима учун рози бўлмайлик? Ахир, Сен бандаларингдан ҳеч кимга бермаган неъматларингни бизга бердинг-ку?!
- Мен сизларга бундан ҳам афзалроқ-улуғроқ неъматимни ато этмоқчиман!
- Эй Роббимиз, бундан-да улуғроқ қандай неъмат бор?
- Сизларга розилигимни тушираман ва ундан кейин сизларга асло ғазаб қилмайман, – дейди» (Бухорий: №6549, Муслим: №2829).

Сұхайб ар-Румий розияллоҳу анҳу ривоятида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «... Кейин парда кўтарилади ва улар Аллоҳга қарайдилар. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ уларга бундан-да севимлироқ ва қувончилироқ бирон неъматни бермагандир». (Термизий: №181, №2555).

Парда нима?!

У нурдан бўлган пардадир. «Саҳиҳ Муслим»да Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Аллоҳ таоло ухламайди, ухлашлик Унга муносиб эмасдир. Тарозини (яъни адолатни ёки ризқни) туширади ва кўтаради. Кундузнинг амалидан аввал кечанинг амали, кечанинг амалидан олдин кундузнинг амали Унга кўтарилади. Унинг пардаси нурдир, агар уни очса Юзининг нури Кўзи етган барча халқларини куйдириб юборади**» (Муслим: №179).

Бу шу дунёдадир. Чунки, дунё аҳли бунга тайёр бўлган эмасдир. Агар Аллоҳ таоло уларни жаннатда Ўзининг Юзига боқишга ҳозирламаса, уларда ҳам худди У тоққа тажаллий қилган пайтдаги ҳолат юзага келган бўлурди. Бинобарин, Аллоҳ таоло аввал жаннат аҳлини тайёрлаб олиб,

кейин уларга Ўз юзидан пардани очади. Уларга Аллоҳ азза ва жаллага боқишдан кўра севимлироқ нарса берилмаган бўлади.

Аллоҳ таоло айтади: «**Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир**» (Юнус: 26).

Гўзал оқибат – жаннат ва ундаги неъматлардир. Зиёда неъмат эса Парвардигоримизнинг Юзига боқиш неъматидир.

Парвардигор жалла ва алодан барчаларимизни Ўзининг раҳмати ва карами билан жаннат аҳлидан қилишини сўрайман. Зотан, У Раҳим ва Раҳмондир.

Суҳбатимиз давомида энди жаннатга олиб борувчи йўл билан мухтасар шаклда таништиришга ҳаракат қиласиз.

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар – деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотни энг яхши мукофотлар билан мукофотлагин.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Бешинчи: Жаннатга йўл

Мен сизнинг олдингизга ушбу улуғ йўлни ёритиб берувчи бир неча белгиларни қўймоқчиман. Жаннатга етказувчи ушбу йўлнинг энг асосий белгилари қуйидагилардир:

1) Аллоҳ жалла ва алога бўлган иймон

Жаннатга фақат иймонли покиза зотларгина кира оладилар. Аллоҳ таоло айтади: «**Эркакми ё аёлми — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз**» (Наҳл: 97).

Аллоҳ таоло айтади: «Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга хушхабар берингки, улар учун осталаридан дарёлар оқиб турувчи боғлар бор. Қачон ўша боғларнинг бирор мевасидан баҳраманд бўлсалар, «Илгари татиб кўрган нарсамиз-ку», дейишади. Зеро уларга сурати бир-бирига ўхшаш мевалар берилади ва улар учун жаннатда покиза жуфтлар бордир. У зотлар жаннатда абадий қолажаклар» (Бақара: 25).

2) Солиҳ амал

Солиҳ амал иймоннинг ажралмас қисмидир. Иймон – тил билан айтиш, дил билан тасдиқлаш ва аъзолар билан амал қилишdir.

3) Масжидлар бино қилиш

«Саҳиҳул Бухорий»да Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ким Аллоҳнинг розилигини истаб бир масжид қурса, Аллоҳ жаннатда у учун худди шунга ўхшаш (бир уй)ни бино қиласи**» (Бухорий: №450, Муслим: №532).

Имом Аҳмад ривоятида: «**Ким Аллоҳ розилигини истаб, Аллоҳ учун бир каклик инидек бўлса-да, масжид бино қилса, Аллоҳ унга жаннатда бир уй бино қиласи**».

4) Жиҳод

Аллоҳдан унинг байроғини юксалтиришини ва залолат ва фасод аҳлини ер юзидан йўқ қилиб юборишини сўраймиз. Жиҳод ҳеч шубҳасиз, жаннатга бўлган йўлдир. Бу ҳақда кўплаб ҳадислар келган, биз бу ҳақда алоҳида хутба қилганимиз. Мен айтаманки, жиҳод фақат жаннатга йўл бўлиб қолмай, балки жиҳод иймон ва солиҳ амалдан сўнг умматнинг саодати ва умматнинг каромати учун ягона йўлдир. Умматга азизлик фақат ақидасини тузатганидан, Парвардигорига иймон келтирганидан ва Аллоҳ йўлидаги жиҳод байроғини баланд кўтарганидан кейингина келади.

5) Аллоҳнинг зикри ва тасбеҳи

Имом Термизий «Сунан»ида келтирган ва Албоний санадини ҳасан санаган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Исро кечасида Иброҳим алайҳис-саломга йўлиқдим. У деди: «Эй Муҳаммад, умматингизга мендан салом айтинг ва уларга хабар берингки, жаннатнинг тупроғи (ери) пок ва суви тотлидир, у текис ердир, унинг экини-кўчати «субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар»дир».**

Жаннатнинг экини шудир, сиз тасбех айтиш билан ўзингиз учун жаннатда экин экиб олинг.

Имом Муслим ва бошқалар Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Қай бир мусулмон банда бир кеча-кундузда фарздан ташқари ўн икки ракъат нафл намоз ўқиса, Аллоҳ унга жаннатда бир уй қуриб қўяди»** (Муслим: №782, Абу Довуд: №1250, Термизий: №415).

Умму Ҳабибадан ривоят қилинган бошқа бир лафзда: **«Ким пешиндан олдин тўрт ракъат ва пешиндан кейин икки ракъат, шомдан кейин икки ракъат, хуфтондан кейин икки ракъат ва бамдоддан олдин икки ракъат намоз ўқиса...».**

Севикли биродарим! Аллоҳга иймон келтириш, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш, Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш, шаҳватлар босимиға сабр қилиш, ёмонликка буюрувчи нафсга қарши жиҳод қилиш, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлларида юриш.. Мана шу йўлнинг охирида албатта, Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳавзлари ёнида, сизни ундан ўз қўллари билан суғориш учун кутиб турғанларини топасиз.

2012 йил 27-январ

